

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎРИДИК ИНСТИТУТИ**

**Иноғомжонова З.Ф.  
Тўлаганова Г. З.**

**ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИ МУАММОЛАРИ**

**ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА**

**Тошкент – 2006**

## **КИРИШ**

Мамлакатимизда жадал суръатлар билан олиб борилаётган суд-хуқуқ ислоҳотлари жиноят-процессуал қонунчиликнинг либераллашуви ҳамда жинойй-ижтимоий муносабатларда демократик институтларнинг барқарорлашувига олиб келмоқда. Кейинги йилларда Жиноят-процессуал кодексига киритилаётган қўшимча ва ўзгартиришлар ҳамда уларни такомиллаштириш юзасидан борилаётган таклифлар шундан далолат беради.

Шунга қарамай, жиноят процессида ҳал қилиниши ва ўз ечимини топиши лозим бўлган муаммолар мавжуд. Масалан, жиноят принциплари тизимини кенгайтириб, ҳалқаро норма талабларига мослаштириш ёки процесс иштирокчиларининг хуқуқ ва мажбуриятларини кенгайтириш, жиноят ишини исботлаш билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилиш, процессуал мажбуровлар ва эҳтиёт чораларида мавжуд бўлган масалаларни ҳалқаро нормаларга мувофиқ равишда ҳал қилиш, жиноят туфайли етказилган зиённи қоплашнинг ўзига хос йўналишларини ишлаб чиқиш, дастлабки терговга суд назоратини олиб кириш, хусусий, умумий айблор ишларини янги мазмунда кўриб чиқиш, жиноят ишларини судга тайёрлашнинг янги шаклларини ишлаб чиқиш, суд муҳокамасини соддалаштирилган, кам сарф-ҳаражат талаб этувчи шаклларига эътиборни қаратиш, юқори инстанция судларининг ваколатларини янада кенгайтириш ва ҳоказо.

Жиноят процесси муаммолари фани айнан шу мақсадларни амалга оширишни назарда тутади. Лекин бир ўқув қўлланмаси орқали юқорида баён қилинган барча муаммоларни қамраб олиш ва уларнинг ечимлари тўғрисида сўз юритиш мушкул. Шунинг учун, ўйлаймизки, ушбу қўлланма жиноят процессидаги айрим назарий ва амалий масалаларни оз бўлса-да, ҳал этилишига ўз ҳиссасини қўшади.

## **1- БОБ. ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИНинг ТУШУНЧАСИ ВА МОХИЯТИ**

Шахс, жамият ва давлат манфаатига жиддий заар өтказадиган хавфли қилмишларнинг мавжудлиги ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ишлашини тақозо қиласи, уларнинг фаолияти эса фақат айбор шахсларни жиноий жавобгарликка тортиб, жазолаш эмас, балки жиноятларни олдини олиш ва қонунга ҳурмат руҳида таъминлаш чораларини кўришдан иборат.

Жиноят процесси давлатнинг ҳуқуқни қўллаш бўйича фаолиятининг тури ҳисобланиб, бундай фаолиятга зарурият жиноят содир этилганлиги тўғрисидаги маълумотлар бўлган тақдирдагина юзага келади.

Шу сабабли жиноятларни аниқлаш, уларнинг содир бўлиш ҳолатларини тергов қилиш, айбор шахсларни фош этиш ва жазолаш давлатнинг вазифаларига киради. Жиноят ишларининг аксарият кўпчилиги алоҳида шахсларнинг хоҳишидан қатъи назар қўзғатилади.

Шундай қилиб, жиноят процесси – суриштирув, дастлабки тергов, прокуратура ва суд органларининг фаолияти бўлиб, жиноят процесси бошқа иштирокчиларига берилган ҳуқуқ мажбуриятлар доирасидаги бўладиган ўзаро муносабатларни тартибга солади. Лекин айнан жиноят процесси вазифаларини бажариш зиммасига юқлатилган давлат органларининг фаолияти белгиловчи аҳамиятга эга. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 121-моддасида «Ўзбекистон Республикаси худудида жиноятчиликка қарши кураш бўйича тезкор-қидирув, тергов ва бошқа маҳсус вазифаларни мустақил равишда бажарувчи хусусий кооператив ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ва уларнинг бўлинмаларини тузиш ҳамда уларнинг фаолият кўрсатиши тақиқланади» деб белгиланган.

Жиноят процесси – қонунга асосланган фаолиятдир. Қонунийликка қатъий риоя этиш, ҳуқуқий тартиботнинг ҳар қандай бузилишларига қарши курашиш, уни юзага келтирадиган сабаб ва шарт-шароитларнинг олдини олишнинг дастурий вазифасига мос равишда жиноят процессуал қонун ҳужжатларида жиноят процессининг вазифалари белгиланган.

Жиноят судлов ишларини юритишнинг жиноят процессуал қонун ҳужжатларида белгиланган тартиби айнан шу мақсад ва вазифаларни ҳал қилишга хизмат қиласи.

Мазкур талабларнинг қонун билан ёнма-ён қўйилгани бежиз эмас. Фақат айборни фош этиш ва жазолаш – айбор бўлмаган шахснинг жавобгарликка тортилиши ва ҳукм қилинишига йўл қўймаслик демакдир.

«Процесс» сўзи (лотинча procedere – олға силжиш; processus – ҳаракат, ривожланаётган ишлаб чиқариш) ва, жиноят процесси мазмунан бир маънонани англатади..

Ишнинг изчил ҳаракати, жиноят иши бўйича иш юритилишининг ривожланиши **жиноят процесси** деб аталади. Кўп ҳолатларда ишлатиладиган «жиноят жараёни» ибораси жиноят судлов ишларини юритишнинг асл можиятини очиб бермайди

Жиноят процесси қўйидагида таъриф бериш мумкин. Жиноят ишларини қўзғатиш, тергов қилиш, кўриб чиқиш ва моҳиятига қўра ҳал қилишда, суд ҳукмлари (ажримлари, қарорлари)ни ижро этишда иштирок этадиган суриштирув, тергов, прокуратура, суд органларининг ҳамда бошқа органлар ва мансабдор шахсларнинг жиноят процессуал ҳуқуқи томонидан тартибга солинадиган фаолияти, шунингдек жиноятларни очишга, айборларни фош этишга ва адолатли жазо тайинлашга, бошқа жиноятларнинг олдини олишга, фуқароларни қонунийликка аниқ ва сўзсиз риоя этиш руҳида тарбиялашга йўналтирилган ҳуқуқий муносабатлар тизими жиноят процессининг мазмунини ташкил этади.

Жиноят процесси мазмунининг келтириб ўтилган таърифида қўйидагилар таъкидланади:

а) жиноят процесси – процесс иштирокчиларининг муайян жиноят процессуал фаолияти ҳамда шу фаолиятга тегишли бўлган ҳуқуқий муносабатлар тизими;

б) жиноят процессининг вазифалари – жиноятларни очиш, айборларни адолатли жазолаш, шунингдек бошқа жиноятларнинг олдини олиш, фуқароларни қонунийликка риоя этиш руҳида тарбиялашдан иборат;

в) жиноят процессининг ажралмас хусусиятини унинг ҳуқуқий табиати – мазкур фаолият ва тегишли ижтимоий муносабатларнинг қонун жиҳатидан қатъий тартибга солиниши ташкил этади.

Жиноят процессида процессуал ҳаракатларнинг бутун тизими ва ҳар бир алоҳида ҳаракат қонунда назарда тутилган процессуал тартибда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жиноят ишларини юритиш тартиби Жиноят процессуал кодексида белгиланади.

Жиноят процессуал қонунчиликда белгиланган жиноят ишларини юритиш тартиби барча суд, прокуратура, тергов, суриштирув, адвокатура органлари, шунингдек фуқаролар учун ягона ва мажбурий бўлиб (ЖПКнинг 1-моддаси), у иш юритилишининг қонунийлигини, ишда иштирок этадиган шахсларнинг ҳуқуқлари, манфаатлари ва эркинликларини таъминлайди, қабул қилинадиган қарорларнинг асосли ва адолатли бўлиши кафолатларини яратади.

Қонунда аниқ ва бандма-банд кўрсатилган шарт-шароитлар, жиноят процессуал ҳаракатларни изчиллик билан расмийлаштириш, тегишли ҳуқуқий муносабатларнинг вужудга келиши, ўзгариши ёки тугатилиши жиноят процессуал шакл деб аталади. Мисол учун, жиноят ишини қўзғатиш шарти – бунинг учун сабаб ва асослар мавжудлиги; шахсни ишда айбланувчи сифатида қатнашиш учун жалб қилиш шарти – бунинг учун етарли далиллар мавжудлиги; айлов ҳукми қарорини чиқариш шарти – судда ишни кўришда судланувчининг айби сўзсиз исботлангани ҳисобланади ва ҳоказо.

Қонун жиноят процессуал фаолиятининг (тегишли ҳуқуқий муносабатларнинг) фақат шартларини эмас, балки кетма-кетлигини ҳам тартибга солади. Масалан, дастлабки тергов фақат қўзғатилган иш бўйича; суд муҳокамаси – фақат жиноят иши суд муҳокамасига тайинланганидан

сўнг; ҳукмнинг кучга кириши – агар унинг устидан шикоят берилмаган (протест келтирилмаган) бўлса, унинг устидан апелляция тартибида шикоят берилиши (протест келтириш) муддати тугаганидан кейингина ёки агар унинг устидан шикоят берилган ёхуд протест келтирилган бўлса, юқори турувчи суд томонидан уни ўз кучида қолдирилганидан кейин амалга оширилади.

Жиноят процессуал қонуни муайян процессуал ҳаракатларни расмийлаштирадиган тегишли ҳужжатларни назарда тутади: суриштирув ва дастлабки тергов босқичида – қарорлар ва баённомалар, суд муҳокамаси босқичида – ажримлар, ҳукмлар ва бошқалар.

Процессуал шаклга сўзсиз риоя қилиш талабига оддий расмиятчилик сифатида қараш мумкин эмас. Процессуал шакл – жиноят процессуал ҳужжатлар қонунийлиги ва асослигининг, мажбурлов чораларини аниқлигининг, жиноят процессининг ижтимоий-тарбиявий аҳамияти юқори даражада таъминланишининг, жиноят ишларининг суд муҳокамасида шахснинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари тўлалигича муҳофаза этилишининг муҳим кафолатидир.

Юқорида баён этилганлардан келиб чиқиб, жиноят процесси – суриштирув органлари, терговчи, прокурор ва суднинг жиноят ишларини қонунда белгиланган шаклда қўзғатиш, тергов қилиш ва ҳал қилиш, шунингдек суд қарорларини ижро этишга доир мурожаатлар бўйича қонунга асосланган фаолияти бўлиб, у жиноятни содир этган ҳар бир шахсга адолатли жазо бериш ва айбор бўлмаган ҳеч бир шахс жавобгарликка тортилмаслиги ҳамда ҳукм қилинмаслиги учун жиноятни тез ва тўлиқ очиш, айборларни фош этиш ҳамда қонуннинг тўғри қўлланишини таъминлаш мақсадида, шунингдек қонунийликни мустаҳкамлаш, жиноятларнинг олдини олиш, шахс, давлат ва жамиятнинг манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида амалга оширилади дейиш мумкин.

Жиноят процессуал фаолият одил судловни амалга ошириш билан узвий боғлиқ, аммо «жиноят процесси» ва «одил судлов» тушунчалари бир хил маънога эга эмас.

Суд муҳокамасининг қонун билан белгиланган тартиби одил судловнинг зарур сифати бўлиб, у ўз қўламига кўра одил судлов доирасидан ташқарига чиқади. Суд жиноят ишини тўлиқ, ҳар томонлама ва холисона кўриб чиқиши ҳамда ҳал қилиши учун уни қўзғатиш ва синчковлик билан тергов қилиши лозим. Суд томонидан чиқарилган ҳукм (ажрим, қарор) текширилиши (унинг қонунийлик ва асосланганлик талабларига мувофиқлиги нуқтаи назаридан) ва ижро этилиши керак.

Агар одил судлов – суднинг факат жиноятлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва ҳал қилиш бўйича фаолияти, шунингдек бу фаолият соҳасида таркиб топадиган ҳуқуқий муносабатларнинг тизими бўлса, суд муҳокамасининг қонунда белгиланган тартиби жиноят ишларининг факат судда кўриб чиқилиши ва ҳал қилинишини эмас, балки улардан олдин бўлганини (уларнинг қўзғатилиши, тергов қилиниши, жиноят ишини суд муҳокамасига тайинлашни) ҳам, улардан кейин бўладиганини (қонуний

кучга кирмаган суд ҳужжатлари – ҳукмлар, ажримлар, қарорларнинг қонунийлиги, асосланганлиги ваadolатлилигини текшириш, уларнинг ижро этилишини, ишларнинг назорат тартибида, шу жумладан янгидан очилган ҳолатлар бўйича қайта қўриб чиқилишини) ҳам қамраб олади.

Шунга қарамасдан, суд фаолиятининг аҳамияти шунчалик каттаки, айнан суд фаолияти билан боғлиқ бўлган «жиноят ишларини судда қўриш» атамаси фақат илмий тадқиқотларда эмас, балки қонун ҳужжатларида ҳам бутун жиноят процессига тенглаштирилади.

Бунда айбдорлик масаласини ҳал қилиш ва жазони қўллаш суднинг танҳо ваколатига киради. Жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши қонуний тартибида, судда ошкора қўриб чиқилиб, айби аниқланмагунча у айбдор ҳисобланмайди. Судда айбланаётган шахсга ўзини ҳимоя қилиш учун барча шароитлар таъминлаб берилади (Ўзбекистон Республикасининг Конституциясининг 26-моддаси).

Жиноят ишини судда қўришда қонунийлик ва асосланганликни таъминлашда қонун билан белгиланган жиноят ишларини тўғри қўзғатиш, тергов қилиш, қўриб чиқиш ва ҳал этиш, ҳукм (ажрим, қарор)нинг ижро этилишини таъминлашда жиноят ишини судда қўриш вазифаларини амалга ошириш воситалари – процессуал кафолатлар муҳим ўрин тутади.

Қонун билан белгиланган ҳар бир иш бўйича одил судловнинг вазифалари амалга оширилишини таъминлайдиган воситалар тарзидағи процессуал кафолатларни ҳамда шахснинг хуқуқ ва қонуний манфаатларининг кафолатларини, яъни улар ёрдамида процесс иштирокчилари ўз хукуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиши мумкин бўлган кафолатларни фарқлаш қабул қилинган. Мазкур кафолатлар бир-бири билан узвий боғланган ҳамда уларни қарама-қарши қўйилиши, тенглаштирилиши мумкин эмас, уларнинг ўзи эса жиноят процессида қонунийлик хукукий кафолатларининг тури ҳисобланади. Давлатнинг алоҳида шахсга нисбатан бўлган манфаати бир-бирига мувофиқ бўлмаслиги мумкин, лекин шахснинг у ёки бу манфаатларининг қонуний хусусиятини белгилаб, давлат бу манфаатларнинг ҳимоясини таъминлайди. Кенг маънода қонунийликнинг кафолати бутун жиноят процесси, шунингдек процессуал шакл ҳисобланади. Шакл процесс иштирокчиларининг хуқуқ ва қонуний манфаатларига риоя этган ҳолда процесс вазифаларни ҳал қилишга эришишни кафолатлашга қаратилгандир.

Процессуал кафолатларни амалга оширишда давлат органлари етакчи ўринни эгаллаб, улар жиноят процессининг барча иштирокчилари томонидан хукуқларга риоя этилишини ва мажбуриятларининг бажарилишини таъминлайдилар. Процесс иштирокчилариға суриштирув ва тергов органларининг ҳаракатлари ҳамда қарорлари устидан шикоят қилишга доир кенг хукуқлар берилганлиги, суд назорати ва прокурор назорати давлат органларининг ўз фаолиятидаги қонунийликнинг кафолатидир. Шахс хукуқларининг жиноят процессидаги муҳим кафолатлари Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида мустаҳкамлаб қўйилган. Масалан, жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний

тартибда, ошкора кўриб чиқилиб, унинг айби аниқланмагунча у айборд ҳисобланмайди. (Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 26-моддаси, ЖПКнинг 23-моддаси). Улар Жиноят процессуал кодексида ҳам мустаҳкамлаб қўйилган.

Шахснинг қатор конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари (шахсий ҳаёт, уй-жой дахлсизлиги, хат-ёзишмалар, телефон сўзлашувлари ва телеграф жўнатмаларининг сир сақланиши ва бошқалар) жиноят процессуал фаолият соҳасида маҳсус кафолатлар мазмуни ҳисобланади. Мисол учун, тинтуб ўtkазишга, почта-телеграф жўнатмаларини хатлаш ва уларни олиб қўйишга фақат прокурор рухсати билан йўл қўйилади (ЖПКнинг 382-моддаси).

Айбланувчи, жабрланувчи ва бошқа процесс иштирокчиларининг қонуний манфаатларига риоя этиш бу шахсларнинг жиноят иши материаллари билан танишиш, илтимоснома, аризалар бериш, судда ишни кўришда шахсан иштирок этиш, ҳимоячилар ва бошқа шахслар ҳуқуқий ёрдамидан фойдаланиш, айrim ҳолларда ишда уларнинг қонуний вакиллари албатта иштирок этиши ҳуқуки билан кафолатланади (ЖПКнинг 46, 48, 55, 60-61, 375-377-моддалари).

Жиноят процессуал қонун нафақат процесс иштирокчиларининг, балки процессуал фаолият доирасига жалб этиладиган бошқа шахсларнинг ҳам шахсий ҳаётини ҳимоя қиласидиган кафолатларни ўз ичига олади. Масалан, терговчи тинтуб пайтида маълум бўлган ушбу хонани эгаллаб турган шахснинг ёки бошқа шахсларнинг шахсий ҳаётига тааллуқли ҳолатларни ошкор қиласликка ҳамда нафақат тергов ҳаракатларида иштирок этадиган шахсларнинг, балки атрофдаги шахсларнинг қадр-қимматини ва шаънини камситадиган ҳаракатларга йўл қўймасликка доир чоралар кўриши шарт (ЖПКнинг 17, 18, 88, 161-162, 353-моддалари).

Жиноят процессуал кафолатларнинг аҳамиятини фақат одил судлов манфаатларини муҳофаза қилиш ёки шахс манфаатларини муҳофаза қилиш деб белгилаш тўғри бўлмас эди. Жамиятимиз шароитида давлат манфаатлари ва алоҳида фуқаронинг қонуний манфаатлари ўртасида қарама-қаршиликлар йўқ, бўлиши ҳам мумкин эмас. Жиноятчиликка қарши кураш соҳасида давлат фақат ҳақиқатан айборд бўлганларни уларнинг ҳақиқий айби даражасида жавобгарликка тортишдан ва ҳукм қилишдан, нотўғри ҳукм қилинган шахсларни тўлиқ реабилитация қилишдан манфаатдордир. Тегишинча жиноят процессуал кафолатлар жиноят ишларини судда кўриш вазифаларини ҳамда жиноят процесси барча иштирокчиларининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга мўлжаллангандир (ЖПКнинг 2-моддаси).

Жиноят ишларини судда кўриш тўлалигича ҳамда унинг ҳар бир институти ўзаро боғлиқ бўлган, лекин тенгглаштирилмайдиган жиноят процессуал ҳуқуқ ва кафолатларнинг тизимиdir. Масалан, суриширувчи, терговчи, прокурор, суд ўзларининг юритувида бўлган иш бўйича ҳар қандай ҳолатларни билиши мумкин ҳар қандай шахсни гувоҳ сифатида чақиришга ҳақлиdir. Ваколатли давлат органларининг бу ҳуқуки тегишли шахснинг чақирив бўйича келиб, тўғри кўрсатувлар бериш вазифаси, уни мажбурий

келтириш ҳамда кўрсатув беришдан бош тортганлик ёки бўйин товлаганлик учун жиноий жавобгарликка тортиш мумкинлиги билан кафолатланади (ЖПКнинг 65-66, 118, 261-264-моддалари).

Гумон қилинувчи, айбланувчи, унинг ҳимоячиси, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар (ёки уларнинг вакиллари) турли илтимосномалар бериш ҳуқуқига эга. Кўрсатилган шахсларнинг бу ҳуқуқи давлатнинг тегишли органи (мансадор шахс) томонидан бундай илтимосномани қабул қилиш, унинг, башарти шахс илтимос қилаётган ҳолатларни аниқлаш жиноят иши учун аҳамиятга эга бўлса, қаноатлантирилишини муҳокама этиш билан кафолатланади (ЖПКнинг 53, 56, 59, 377-моддалари).

Шахснинг процессуал ҳуқуқлари ҳар қандай бузилишининг олдини олиш кафолатлари ва, хусусан, айбланувчини жиноий жавобгарликка асосиз тортишдан ва хукм этишдан тийилиш кафолатлари – жиноят процессуал кафолатлари ягона тизимининг таркибий қисми бўлиб, унга риоя этиш – жиноят ишларини судда кўриш соҳасида қонунийликка аниқ ва сўзсиз риоя этиш талабларидан биридир (ЖПКнинг 11-моддаси). Жиноят процессуал кафолатлар тизими одил судловнинг ҳақиқий демократизми ва инсонпарварлигининг амалий тасдиғи, қонунда назарда тутилган шахс ҳуқуқларини жиноят ишларини судда кўришда амалда таъминлашдир.

Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилишининг конституциявий қафолати, гумон қилинувч, айбланувчини қамоқда ушлаб туриш, қамоқда сақлаб туриш ва уни муддатини узайтиришнинг қонунийлиги, асослилиги устидан суд назоратини ўрнатиш кафолати суд ҳуқуқ ислохатининг натижаларидан бўлиб, Конституциясининг 19,25,44 моддаларини амалда татбиқ этишнинг ёрқин намунасиdir.

Жиноят процесси доимий равища ривожланиб, такомиллашиб борадиган фан. Инсон омилига ва қадриятларига эътибор ошиб борган сари жиноят процессуал кодексига қўшимча ўзгартришлар киритиш заруриятужудга келаверди, чунки келажакда ҳуқуқий давлат, фуқаровий адолатли жамият қуришнинг шартларидан бири айнан шудир.

## **2-БОБ. ЖИНОЯТ ПРОЦЕССУАЛ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ**

### **2.1. Жиноят ишларини юритиш тартиби**

Тергов ишларини олиб бориш ва судда ишларни юритиш ҳақидаги қонун ҳужжатларининг асосий вазифаси жиноят ишини юритиш тартибини қатъий белгилашдан иборатdir. Мамлакатимизнинг Жиноят процессуал кодекси Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги ҳақидаги Декларация ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида белгиланган тамойиллар ва умумий қоидаларга, янги таҳрирда қабул қилинган «Судлар тўғрисида»ги, «Прокуратура тўғрисида»ги, «Адвокатура тўғрисида»ги ва бошқа энг муҳим қонунларга асосланади. Давлат халқнинг хоҳиши-иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилиши тўғрисидаги қоида амалдаги ЖПКнинг услубий асосини ташкил этади. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва уларнинг ходимлари жиноятни тергов қилиш ва одил судловни амалга оширишда «Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар» деган талабга таянган ҳолда иш юритадилар.

ЖПКда қонунийлик, айбиззлик презумпцияси, судьяларнинг мустақиллиги ва факат қонунга бўйсуниши, жиноят ишларини ошкора муҳокама қилиш, айбланувчининг ҳимояланиш ҳуқуқига эгалигини таъминлаш каби конституциявий принциплар масалалари акс этган ҳамда одил судловни акс эттирувчи жиноят процессининг муҳим аҳамиятга моликлиги мустаҳкамланган. Айни вақтда Кодексда фуқароларнинг қонун ва суд олдида тенглиги асосида одил судловни амалга оширишга асосланган инсон ҳуқуқларини таъминлаш, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш, ҳақиқатни қарор топтириш зарурати, шунингдек процессуал ҳаракатлар ва қарорлар устидан шикоят қилиш ҳуқуқи батафсил белгиланган.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси жиноят процессуал қонун ҳужжатларининг энг муҳим манбаидир. Унда Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимияти (XXII боб) ва прокурор назоратининг (XXIV) умумий асослари белгиланган. Конституцияда бошқа қонунларга доир кўрсатмалар мавжуд, хусусан, назарда тутилганки, «судларни ташкил этиш ва уларнинг фаолият кўрсатиш тартиби қонун билан белгиланади» (107-модда), «прокуратура органларини ташкил этиш, уларнинг ваколатлари ва фаолият кўрсатиш тартиби қонун билан белгиланади» (120-модда).

Кейинчалик Олий Мажлис томонидан тасдиқланган ЖПКга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги қонунлар, Конституцияга ва қонунларга асосланган, улар ижросини таъминлашга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари ҳам жиноят процесси манбалари жумласига киради. Мазкур ҳуқуқий ҳужжатлар, албатта, ЖПКда қўшимча ва ўзгартишлар орқали акс эттирилади, чунки мамлакатимиз ҳудудида жиноят ишларини юритиш тартиби амалдаги Жиноят процессуал кодекси билан белгиланади.

ЖПК жиноят процессининг барча иштирокчилари фаолиятини, жиноятни очиш, айборларни фош қилиш, судда ишни кўриб чиқиш ва ҳал қилиш борасидаги уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини қатъий белгиловчи ҳуқуқий меъёрларни ўз ичига олади.

Мамлакатимиз ҳудудида жиноят ишини қўзгатиш, тергов олиб бориш ва ишни судда кўриб чиқишида, жиноят қаерда содир этилганидан қатъи назар, барча ҳолларда ЖПКда белгиланган қоидалар қўлланилади. Улар ЖПКнинг 6-моддасига мувофиқ республика ҳудудида чет эл муассасаларининг процессуал ҳаракатларини бажариш тўғрисидаги топшириғини ижро этиш ёки ЖПКнинг 7-моддасига мувофиқ жиноят ишини қўзгатиш тўғрисидаги топшириқни кўриб чиқиш ҳолларига ҳам тааллуклидир.

Қонунда белгиланган жиноят ишини юритишнинг тартиби қонунийликни мустаҳкамлашнинг муҳим воситаси бўлиб хизмат қиласи, шунингдек бу талаблар барча судлар, прокуратура, тергов, суриштирув, адвокатура органлари ҳамда фуқаролар томонидан сўзсиз ижро этилиши лозим.

Суд, прокуратура, тергов, суриштирув ва адвокатура органларининг процессуал фаолиятини шакллантириш ва ташкил қилишга Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг ҳамда Раёсатининг ва ҳайъатларининг муайян ишлар бўйича Олий суд ахборотномасида нашр этиладиган раҳбарий қарорлари кучли таъсир кўрсатади.

Республика Олий суди судларга суд жараёнида юзага келадиган қонун ҳужжатларини қўллаш масалаларига оид раҳбарий кўрсатмалар беради. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг раҳбарий кўрсатмалари қонунни қўллайдиган барча судлар, бошқа органлар ва мансабдор шахслар учун, шу жумладан Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида ҳам мажбурийдир.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори қонулар асосида уларни ижро эта бориб, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятларнинг прокуратура органлари учун мажбурий бўлган буйруқлар, йўриқномалар чиқаради, кўрсатмалар беради. Тергов иши масалаларига доир унинг кўрсатмалари барча тергов ва суриштирув органларининг ижро этиши учун мажбурийдир.

Ички Ишлар Вазирлиги процессуал фаолиятни амалга оширувчи ички ишлар органлари тизимининг мансабдор шахсларига дахлдор бўлган буйруқлар, йўриқномалар чиқаради, кўрсатмалар беради. Миллий хавфсизлик хизмати тизимининг мансабдор шахсларига тегишли бўлган шундай меъёрий ҳужжатларни Миллий хавфсизлик хизматининг раиси ҳам чиқаради.

Бу ҳужжатлар амалдаги процессуал меъёрларни ўзгартирмасдан ва тўлдирмасдан, янги меъёрларни вужудга келтирмасдан уларни янада самарали татбиқ этиш ва қўллашга ёрдам беради.

## **2.2. Жиноят процессуал қонун ҳужжатларининг вазифалари**

Жиноят процессуал қонун ҳужжатларининг вазифалари жиноятларни тез ва тўла очишдан, жиноят содир этган ҳар бир шахсга адолатли жазо берилиши ҳамда айби бўлмаган ҳеч бир шахс жавобгарликка тортилмаслиги ва ҳукм қилинмаслиги учун айбдорларни фош этишдан ҳамда қонуннинг тўғри татбиқ этилишини таъминлашдан иборатdir.

Жиноят ишларини юритишнинг жиноят процессуал қонун ҳужжатларида белгиланган тартиби қонунийликни мустахкамлашга, жиноятчиликнинг олдини олишга, шахс, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилишга ёрдам бериши керак (ЖПКнинг 2-моддаси). Иш қўзғатишни талаб этадиган жиноят содир этиш фактлари юзасидан дастлабки тергов ўtkазиш ва ишни судда қўриш қоидаларига мувофиқ равища дарҳол иш қўриш жиноятни ўз вақтида очиш ва уни содир этган шахсларни фош этишнинг асосий кафолатларидан биридир. Жиноят процессуал фаолият жазонинг муқаррарлигига доир талабларни ҳаётга татбиқ этишга, ҳар бир жиноятни тўлиқ очиш вазифасини ҳал қилишга қаратилган.

Жиноят ҳодисаларини ўз вақтида очиш суриштирув, тергов ва прокуратура органлари фаолиятини дарҳол, излар босилмасдан туриб ташкил этишни талаб қиласди. Бу тергов қилиш ишларини аниқ мақсадга йўналтириш ҳамда фаол равища олиб боришга, жиноятларнинг олдини олиш, уларнинг содир этилишига имкон берган сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш вазифаларини бажаришга кўмаклашади. Жиноятларни очиш жараёнининг ўзи иш бўйича тўпланган далилларни тўла-тўкис таҳлил этишдан, исботлаш предметига дахлдор ҳолатларни ҳар томонлама текширишдан, барча айбдорларни аниқлаш ва фош этишдан иборат.

Жиноят ҳодисаларини очиш ва жиноятчиларни фош этиш, шунингдек айбсиз шахсларни жиноий жавобгарликка тортиш ва суд қилиш ҳолларига йўл қўймаслик ишнинг ҳақиқий ҳолатларини амалдагисига айнан мувофиқ ҳолда аниқлашни, яъни иш бўйича ҳақиқатни аниқлашни англаатади.

Жиноят содир этган ҳар бир шахсга нисбатан адолатли жазо тайинлашда, айбсизларни жиноий жавобгарликка тортиш ва суд қилиш ҳолларига йўл қўймасликда жиноятчиликка қарши самарали кураш олиб бориш ҳамда фуқароларнинг хуқуqlари ва қонуний манфаатларини кафолатлаш вазифалари бир-бири билан узвий боғланган. Процессуал қонуннинг жиноятларни тез ва тўла очиш зарурлиги тўғрисидаги талаби қонунийлик ва мақсадга мувофиқлилик, иш юритишдаги тезкорлик ва иш учун аҳамиятли барча ҳолатларни тўла текшириш, уларнинг бир-бирини истисно этмаслигини назарда тутади. Жиноят процессуал қонун ҳужжатлари жиноятчиликка қарши курашда хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятининг хуқуқий асоси ҳисобланади. Процессуал меъёрларнинг тўғри қўлланилиши жиноятларнинг холисона очилишини, айбдорларнинг фош этилишини, жиноят содир этган ҳар бир шахс адолатли тарзда жазоланишини, айбсизларни жиноий жавобгарликка тортиш ва суд қилиш ҳолларига йўл қўймасликни таъминлайди.

Дастлабки терговда ва суд мухокамасида процессуал қонун ҳужжатларининг меъёрларига оғишмай риоя этиш ҳуқуқий тартиботни, жамиятишимиз манфаатларини, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг зарур шарти ҳамда воситаси бўлиб хизмат қиласди. Фақат процессуал меъёрларнинг талабларига қатъий риоя этилиши иш юзасидан ҳақиқатнинг аниқланишига, суднинг қонуний ҳамда асосланган ҳукм, ажрим, қарор чиқаришига олиб келиши мумкин.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг фаолияти фақат жиноятларга қарши кураш олиб бориш билан чекланмайди. Улар жиноятчиликнинг олдини олиш, унинг содир этилишига имкон берган сабаб ва шартшароитларни бартараф этиш чораларини кўришлари лозим.

Жиноят процессуал фаолиятнинг профилактик вазифаси, аввало жиноятларни тез ва тўлиқ очиш, уларни содир этган шахсларни адолатли тарзда жазолаш, иш қўзғатиш, тергов қилиш ва уни судда кўриш жараёнида қонунни тўғри қўллаш орқали таъминланади. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари бевосита ишлаш билан қонунийликни мустаҳкамлашга кўмаклашадилар, фуқароларни мустақиллик мафкурасини ҳаётга татбиқ этиш, демократик ҳуқуқий давлат қуриш руҳида тарбиялайдилар. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг жамоат бирлашмалари, жамоалар билан ўзаро ҳамкорлиги жиноятчиликка қарши кураш вазифаларини муваффақиятли ҳал этишда муҳим ўрин эгаллайди. ЖПКда жамоат бирлашмалари ва жамоа вакилларининг иштирок этиш шакллари ҳамда усулларига доир бир қатор меъёрлар мавжуд: жиноят ишларини юритишида (21, 40-44-моддаси), тергов ҳаракатларида (ЖПКнинг 73-моддаси), айрим эҳтиёт чоралари қўлланилишида (ЖПКнинг 249, 251, 252-моддалари), жиноятнинг олдини олиш ёки уни фош этишида (ЖПКнинг 300-моддаси), дастлабки терговда жамоатчиликнинг иштироки (ЖПКнинг 349, 352-моддаси), жиноят ишини судда кўришида (ЖПКнинг 406, 407-моддалари), ҳукм, ажрим ва қарорни ижро этиш тартибига доир масалаларни ҳал этишида (ЖПКнинг 531, 541, 545-моддалари), вояга етмаган шахсларнинг жиноятлари ҳақидаги ишларни юритишида (ЖПКнинг 551, 555-556-моддалари) ва х.к.

Лекин кўпинча «жиноят процессуал қонун» тушунчаси тор, маҳсус маънода, бевосита ҳуқуқий меъёрий ҳужжатларнинг ўзини ифодалашдагина қўлланиладиган қонун, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қабул қилинган олий юридик кучга эга бўлган ҳужжат сифатида жиноят процессуал ҳуқуқнинг ягона манбаи ҳисобланади.

### **2.3. Жиноят процессуал қонун ҳужжатларининг вақт ва худуд бўйича, хорижий фуқароларга ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга нисбатан амал қилиши**

ЖПКнинг моддалари кўринишида ифодаланган жиноят процессуал меъёрлар ижтимоий муносабатларни муайян вақт ва макон билан чекланган доирада тартибга солади. Мазкур чегаралар бевосита меъёрнинг ўзида ёки амал қилиш вақти ҳамда худудини умумий чеклашлар воситасида

белгиланади. Жиноят процессуал муносабатларни тартибга солувчи хуқуқий ҳужжатлар ҳар қандай объектив воқелик каби вакт бўйича амал қиласди. Амал қилишнинг бошланиши уларнинг кучга кириш пайти билан белгиланади. Ана шу пайтни белгилаш жиноят процессуал қонун ҳужжатлари ўзининг ҳам, процессуал хуқуқни рўёбга чиқариш жараёнининг ҳам муҳим элементидир, чунки қонуннинг кучга кириши шу пайтдан эътиборан суд, прокуратура, тергов, суриштирув, адвокатура органларининг барча мансабдор шахслари, шунингдек фуқаролар ҳам унга амал қилишлари шартлигини, унинг ижро этилиши мажбурийлигини билдиради. Жиноят ишларини юритиш, жиноят содир этилган жойдан қатъи назар, башарти Ўзбекистон Республикасининг бошқа давлатлар билан тузилган шартнома ва битимларида ўзгача қоидалар белгиланмаган бўлса, иш юзасидан суриштирув, дастлабки тергов ва суд муҳокамаси юритилаётган пайтда амалда бўлган қонун ҳужжатларига мувофиқ олиб борилади (ЖПКнинг 3-моддаси).

Процессуал ҳужжатларнинг ҳудуд бўйича амал қилиши Ўзбекистон Республикасининг ҳудуди, шу жумладан Қорақалпоғистон Республикаси ҳудуди билан чекланади. Давлат ҳудуди деганда, ер юзасининг ички ва ҳудудий сувларини, улар устидаги ҳаво ҳудудини қўшган ҳолда давлат чегаралари доирасидаги қисми, шунингдек очик денгизда турган кемалар, давлат сарҳадларидан ташқаридаги фазода бўлган ҳаво кемалари ва элчихоналарнинг ҳудуди тушунилади.

Мамлакатимиз ҳудудида жиноят процессуал меъёрлар барча фуқаролар, мансабдор шахслар, давлат органлари, жамоат бирлашмалари, фуқаролиги бўлмаган шахслар ва ажнабийларга нисбатан амал қиласди. Қонунда белгиланганки, ажнабий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар томонидан содир этилган жиноятлар тўғрисидаги ишларни юритиш Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Жиноят процессуал кодексига мувофиқ олиб борилади (ЖПКнинг 4-моддаси).

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида миллий жиноят процессуал қонун ҳужжатларида мавжуд бўлганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, бундай ҳолларда халқаро шартнома қоидалари қўлланилади. Агар Ўзбекистон томонидан тан олинган халқаро шартномада Республика қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан ўзгача қоидалар белгиланган бўлса, Республика жиноят процессуал қонун ҳужжатларига нисбатан ҳам шундай қоида қўлланилади.

Жиноят процессуал қонун ҳужжатларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги барча шахсларга нисбатан татбиқ этилиши тўғрисидаги умумий қоида тартибга солинадиган муносабатлар ва халқаро хуқуқий битимлар хусусиятидан келиб чиқадиган истиснога эга. Жумладан, дипломатик иммунитетдан фойдаланадиган ажнабий фуқаролар жиноий жавобгарликка тортилиши, шунингдек кўрсатув бериш учун судга мажбурий тарзда чақирилишлари мумкин эмаслиги, улар томонидан содир этилган ноқонуний хатти-ҳаракатларга доир масала фақат дипломатик йўл билангина ҳал этилиши ва ҳ.к. Шу боисдан ҳам ЖПКнинг 4-моддаси 2-қисмida қайд этилганки, иммунитетга эга бўлган шахсларга нисбатан Жиноят процессуал

кодекси Ўзбекистон Республикаси иштирок этадиган халқаро шартномалар ва битимларга зид келмайдиган ҳолларда қўлланилади.

#### **2.4. Судлар, прокурорлар ва терговчиларнинг хорижий давлатларнинг тегишли муассасалари билан алоқада бўлиш тартиби ва уларнинг процессуал ҳаракатларни бажариш тўғрисидаги топшириқларини ижро этиши**

Ўзбекистоннинг халқаро майдонга чиққанлиги, унинг халқаро ҳукуқнинг тўла ҳукуқли субъекти сифатида тан олинганлиги, жиноятчиликка қарши курашда ҳамкорлик қилаётган халқаро ташкилотларга аъзо бўлиб кирганлиги суд, прокурор ва терговчиларимизнинг хорижий давлатлардаги тегишли муассасалар билан алоқада бўлишларини тақозо этади. Жиноятчилик айниқса, МДҲ давлатларининг чегаралари “очик» бўлган шароитда миллий чегараларни тан олмайди.

Судлар, прокурорлар, терговчиларнинг хорижий давлатларнинг тегишли муассасалари билан айбланувчини ушлаб бериш ва айрим процессуал ҳаракатларни ўтказиш ҳақидаги топшириқларини ижро этиш масалалари бўйича алоқада бўлиш тартиби Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари ҳамда унинг бошқа давлатлар билан ўзаро ҳукуқий ёрдам бериш тўғрисида тузган шартнома ва битимларига биноан белгиланади (ЖПКнинг 5-моддаси).

Куйидагилар жиноятчиликка қарши курашда халқаро ҳамкорликнинг асосий йўналишлари ҳисобланади:

- а) жиноятчиларни ушлаб бериш ва жиноят ишлари бўйича ҳукуқий ёрдам кўрсатиш (экстрадиция);
- б) илмий ахборотга оид (миллий илмий ва амалий тажриба айирбошлиш, муаммоларни муҳокама қилиш ва биргаликда тадқиқотлар ўтказиш);
- в) давлатларга жиноятчиликка қарши кураш олиб боришда касбий, техникавий ёрдам кўрсатиш;
- г) бир неча давлат манфаатларига дахлдор бўлган жиноятларга қарши курашни шартномавий-ҳукуқий жиҳатдан мувофиқлаштириш (айрим турдаги жиноятларга қарши кураш борасида давлатларнинг халқаро битимлар асосида ҳамкорлик қилиши).

Кўрсатиб ўтилган асосий йўналишлардан келиб чиқиб, суд, прокурор, терговчиларнинг хорижий давлатларнинг тегишли муассасалари билан алоқалари, одатда, икки шаклда: халқаро органлар ва ташкилотлар доирасида (Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ўзбекистонда наркотик моддаларни назорат қилиш дастури, Интерполнинг Ўзбекистон Республикасидаги Миллий Марказий бюроси) ҳамда халқаро битимлар асосида амалга оширилади. Чунончи, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 29 ноябрдаги 573-сон қарори билан Интерполнинг Ўзбекистон Республикасидаги Миллий Марказий бюроси тўғрисидаги Низом тасдиқланган. Унга кўра, Интерпол бўлими Ўзбекистон Республикаси ИИВ таркибидаги халқаро жиноятчиликка қарши кураш масалалари бўйича мувофиқлаштирувчи марказ ҳисобланади. У ўз фаолиятида Ўзбекистон

Республикасининг Конституцияси, қонунлари ва бошқа хуқуқий ҳужжатларига, Ўзбекистон қатнашган халқаро шартномаларга, халқаро жиноят полицияси ташкилотининг Устави ва бошқа меъёрий ҳужжатларга, Интерполнинг Ўзбекистон Республикасидаги Миллий Марказий бюроси тўғрисидаги Низом ва ИИВнинг меъёрий ҳужжатларига амал қиласди. Интерполнинг Миллий Марказий бюроси ўз вазифаларини фақат умумий жиноятчиликка қарши кураш масалалари бўйича амалга оширади.

Хорижий муассасаларнинг процессуал ҳаракатларни бажариш тўғрисидаги топшириқларини ижро этиш борасида миллий қонун ҳужжатлари ва халқаро хукуқ меъёрлари ўзаро узвий боғланган. Бундай боғланганлик халқаро хукуқ муаммолари жумласига кирувчи миллий хуқуқий меъёр халқаро шартномада мустаҳкамланган бўлса ёки халқаро тажриба асосида оддий халқаро меъёрга айланган бўлса, халқаро-хуқуқий меъёр даражасига кўтарилиши мумкинлиги ҳақидаги қоидага асосланади. Иккинчи томондан, халқаро хукуқ янги меъёрлар, аниқликлар киритиш ва кенгайтириш орқали ички давлат хуқуқига таъсир кўрсатади.

Инсон хуқуқлари умумжаҳон декларациясида (1948 й.) ва айниқса Фуқаролик ҳамда сиёсий хуқуқлар ҳақидаги халқаро Пактда (1966 й.) айбсизлик презумпцияси ва ваколатли ҳокимият органлари томонидан хуқуқий ҳимоя воситалари билан таъминлаш каби шаклланган демократик принциплар ўз ифодасини топган. Хорижий муассасаларнинг процессуал ҳатти-ҳаракатларни амалга ошириш ҳақидаги топшириғи судлар ва тергов органлари томонидан амалга оширилганда гина бу воситалар тақдим этилиши мумкин. 1979 йилда БМТ Бош Ассамблеясининг XXXIV сессиясида маъқулланган Ҳуқуқий тартиботни саклаш бўйича мансабдор шахслар ахлоқ кодексида ҳам хорижий давлат муассасаларининг айрим тергов ва судлов ҳаракатларини амалга ошириш ҳақидаги топшириқлари миллий судлар ва тергов органлари томонидан ижро этилиши лозимлиги таъкидланади.

Хорижий муассасаларнинг ЖПКнинг 6-моддасида кўрсатилган процессуал ҳаракатларни бажариш тўғрисидаги топшириқлари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига ёки Ўзбекистон Республикаси Прокуратурасига юборилиши лозим. Улар бевосита суд ёки тергов органлари келиб тушса, Ўзбекистон Республикасининг Адлия вазирлиги ёки Прокуратураси билан келишилган ҳолдагина ижро этилиши мумкин. Яъни, бу органлар хорижий муассасаларнинг процессуал ҳаракатларни бажариш тўғрисидаги топшириқларини ижро этиш учун ижозат беради.

Қонун фақат Ўзбекистон Республикаси Олий суди учун истиснога йўл кўяди. Зеро у мамлакатнинг бош судлов органи бўлиб, суд ҳокимиятини мужассамлаштирган ҳолда процессуал ҳаракатларни бажариш масалалари юзасидан хорижий давлатларнинг тегишли муассасалари билан алоқаларини тўғридан-тўғри амалга оширади. Ўзбекистон Республикаси Олий суди хорижий давлатларнинг тегишли муассасалари топшириғини бажариш масаласини Адлия вазирлиги ёки Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси билан келишиши шарт эмас (ЖПКнинг 6-моддаси 3-к.).

Республика ҳудудида хорижий муассасаларнинг топшириқларини ижро этишда гувоҳлар, айбланувчилар, экспертлар ва бошқа шахсларни сўроқ қилиш, шунингдек тинтувлар ўтказиш, ашёвий далилларни олиш ва тақдим этиш, зарур ҳужжатларни тузиш ва юбориш каби ҳаракатлар жиноятнинг содир этилган жойидан қатъи назар, улар амалга оширилаётган пайтда амалда бўлган қонун ҳужжатларига мувофиқ бажарилади.

Бирон сабабга кўра чет эл муассасасининг топшириғини ижро этиш мумкин бўлмаса, олинган ҳужжатлар Адлия вазирлиги ёки Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси оркали шу топшириқни юборган муассасага, унинг ижро этилишига тўсқинлик қилувчи сабаблар кўрсатилган ҳолда қайтариб юборилади (ЖПКнинг 6-моддаси 2-қ.).

## **2.5. Жиноят ишини қўзғатиш тўғрисидаги топшириқ**

Чет эл муассасасининг Ўзбекистон Республикаси фуқаросига нисбатан жиноят иши қўзғатиш тўғрисидаги топшириғини бажаришда, гап миллий жиноят қонун ҳужжатлари асосида жазоланадиган муайян жиноятлар ва, мустақил давлатларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолияти ҳақида боради. Шу сабабли мазкур топшириқни бажариш қийин ва нозик масала ҳисобланади.

Чет эл муассасасининг бошқа давлат ҳудудида жиноят содир этган ва Ўзбекистон Республикасига қайтиб келган Ўзбекистон Республикаси фуқаросига нисбатан жиноят иши қўзғатиш тўғрисидаги топшириғини Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси кўриб, иш қўзғатиш тўғрисидаги талабнинг асослигини текширади (ЖПКнинг 7-моддаси 1-қ.).

1993 йил 22 январда қабул қилинган Фуқаровий, оилавий ва жиноят ишлари бўйича ҳуқуқий муносабатлар тўғрисидаги Конвенциянинг 72-моддасига мувофиқ аҳдлашувчи ҳар бир тараф аҳдлашувчи бошқа тарафнинг топшириғига биноан ўз қонун ҳужжатларига мувофиқ равишда талаб қилаётган тараф ҳудудида жиноят содир этганликда гумон қилинаётган ўз фуқароларини жиноий таъқиб қилишни амалга ошириши лозим. Башарти, қўзғатилган жиноят иши жиноятдан заарар кўрган шахсларнинг фуқаровий-ҳуқуқий талаблар қўйишига сабаб бўлса, бу талаблар уларнинг заарни қоплаш ҳақидаги илтимосномалари бўлган тақдирдагина мазкур ишда кўриб чиқилади.

Жиноий таъқиб қилишни амалга ошириш ҳақидаги кўрсатмада қўйидаги маълумотлар бўлиши лозим: талаб қилаётган муассасанинг номи, жиноий таъқиб қилишга асос қилиб кўрсатилган қилмишнинг тавсифи, қилмиш содир этилган жой ва аниқ вақтнинг кўрсатилиши, талабнома юборган давлатнинг мазкур қилмишни жиноят деб эътироф этадиган қонунининг матни, шунингдек ушбу ишни юритиш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган бошқа ҳуқуқий меъёрларнинг матни; айбланувчининг фамилияси ва исми, фуқаролиги, шунингдек унинг шахсига доир бошқа маълумотлар; жабрланувчининг жиноят иши бўйича аризаси ҳамда заарни қоплаш ҳақидаги аризаси; жиноят туфайли етказилган заарар миқдори. Кўрсатмага

талаб қилаётган томоннинг тасарруфидаги жиноят таъқиб қилишга доир материаллар ҳамда далиллар илова қилинади.

ЖПКга мувофиқ текширув натижалари тўғрисида топшириқлар юборган муассасага хабар берилади. Топшириқда кўрсатилган шахс устидан тергов ўтказилиб, ҳукм чиқарилган бўлса, ҳукм қонуний кучга кирганидан кейин хабарнома билан бирга ҳукмнинг тасдиқланган нусхаси хорижий давлатнинг тегишли муассасасига юборилади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жиноят содир этиб, ундан ташқарига чиқиб кетган ажнабий фуқарога нисбатан суриштирув ва дастлабки тергов органлари тўплаган барча материаллар Ўзбекистон Республикаси Прокуратурасига тақдим этилади, у иш қўзғатиш ҳақидаги талабномани хорижий давлатнинг тегишли муассасасига жўнатиш тўғрисидаги масалани ҳал қиласи (ЖПКнинг 7-моддаси).

Талаб қилаётган давлатга қўзғатилган жиноят иши юборилган тақдирда, ушбу иш бўйича тергов қилиш талаб қилинаётган мамлакатнинг ўз қонун хужжатларига мувофиқ давом эттирилади. Ишда мавжуд ҳар бир хужжат талаб қилаётган давлат ваколатли адлия муассасасининг муҳри билан тасдиқланган бўлиши лозим. Башарти, айбланувчи таъқиб қилишни амалга ошириш тўғрисидаги топшириқ йўлланаётган пайтда талаб қилаётган давлат ҳудудида қамоқда сақланаётган бўлса, у талаб қилинаётган мамлакат ҳудудига олиб келинади.

Талаб қилинаётган мамлакат якуний қарор тўғрисида талаб қилаётган давлатни хабардор қилиши шарт. Талаб қилаётган давлатнинг илтимосига кўра вужудга келган масалаларни узил-кесил ҳал этиш учун жиноят ишига оид барча материаллар ҳам юборилиши лозим.

Башарти, аҳдлашувчи мамлакатга ҳукм кучга кирганидан кейин ёки талаб қилинаётган давлатнинг муассасаси томонидан бошқа якуний қарор қабул қилинганидан кейин таъқиб қилишни амалга ошириш тўғрисида топшириқ юборилган бўлса, талаб қилаётган мамлакат муассасалари томонидан жиноят иши қўзғатилиши мумкин эмас, агарда иш қўзғатилган бўлса, у тугатилиши лозим. Ҳар бир мамлакат жиноятларни тергов қилишда ва жиноят ишларини судда кўриб чиқишида миллий қонун хужжатларида назарда тутилган жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолатларни, улар қайси давлат ҳудудида юзага келганидан қатъи назар, ҳисобга олади. Бир шахс ёки бир гуруҳ шахслар қатор жиноятлар содир этганликда айбланиб, улар тўғрисидаги иш икки ёки ундан ортиқ мамлакат судлари судловига тегишли бўлса, уларни дастлабки тергов қилиш қайси давлат ҳудудида тугалланган бўлса, ўша давлат суди кўриб чиқишига ваколатлидир. Бу ҳолда иш шу мамлакатдаги судда ишларни юритиш қоидалари бўйича кўриб чиқилади.

## **2.6.Хорижий давлатдан шахсни ушлаб беришни талаб қилиш ва унинг жавобгарлик доираси. Бошқа давлатга шахсни ушлаб беришни рад этиш**

Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси хорижий давлатларнинг тегишли муассасаларига Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жиноят содир

этган шахсни ушлаб бериш тўғрисида, башарти, унга нисбатан жиноят иши қўзғатилган ёки айлов ҳукми чиқарилган бўлса, халқаро шартномалар ва битимларда назарда тутилган ҳолларда ва тартибда талабнома билан мурожаат қиласди (ЖПКнинг 7-моддаси 1-к.).

Шахсни хорижий давлатга ушлаб бериш масаласи 1993 йил 22 январда қабул қилинган «Фуқаровий, оилавий ва жиноят ишлари бўйича ҳуқуқий муносабатлар тўғрисидаги Конвенция»га, халқаро мажбуриятлар ва ички қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳал этилади. Жиноят содир этган шахсни ушлаб беришга давлатларнинг жиноятчиликка қарши кураш борасидаги ҳамкорлиги сифатида қаралади. Масалани ҳал этиш учун шахсни ушлаб бериш ҳақидаги талабнома бўлиши лозим. Шахсни ушлаб беришни талаб этаётган давлатнинг шахсни жиноий жавобгарликка тортиш ва жазолаш ҳуқуқига эга бўлишининг ўзиёқ ушлаб беришни талаб этишга асос бўлади. Лекин давлат жавобгар шахснинг йўқлиги туфайли муайян муддатга ўз қонунлари асосида судлов ишларини амалга ошириш имконига эга эмас.

Жиноят содир этган шахсни ушлаб беришнинг ўзига хослиги шундан иборатки, ҳуқуқий ёрдам кўрсатишни сўраб мурожаат этган мамлакат жиноят ишини кўриб чиқиши, жазо тайнинлаш ва уни ижро этиш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Шу боис қонун бундай шахсга нисбатан қўзғатилган жиноят иши ёки айлов ҳукми мавжуд бўлишини талаб қиласди. Худудида жиноят содир этган шахс яшириниб юрган давлат уни ушлаб берар экан, жиноятчини ушлаб беришни талаб этаётган Ўзбекистон Республикасига унинг қонунларини татбиқ этишда ҳуқуқий ёрдам кўрсатади. Шахсни ушлаб беришнинг ўзи жазолаш эмас, балки фақат жазони қўллашга қўмаклашувчи чора бўлиб, жиноят содир этган шахсни халқаро ҳуқуқ меъёрларига мувофиқ бир давлат томонидан бошқасига топшириш жараёни ҳисобланади.

Демак, жиноят содир этган шахсни ушлаб бериш дейилганда халқаро шартномалар ва умумэътироф этилган халқаро принципларга асосланган ҳуқуқий ёрдам тушунилади. Мазкур ҳуқуқий ёрдам бир давлат худудида бўлган, айланган маҳкумни ушлаб беришни талаб этаётган давлатга ёхуд жиноятдан жабрланган давлатга жиноий жавобгарликка тортиш ёки суд ҳукмини ижро этиш учун ушлаб беришдан иборатdir.

Жиноятчини ушлаб бериш икки давлат ўртасидаги ҳуқуқий муносабатни назарда тутади, у ўзаро келишув асосида дастлаб оғзаки ўзаро ҳамкорлик кўринишида ёки ёзма равишда тузиладиган шартнома шаклида бўлиши мумкин. Бунда ҳар бир давлат худудий қонунларни бузаттган жиноятчиларни жазолашдан ва жиноятчиликнинг олдини олишдан манфаатдордир. Жиноятчи бошқа давлат худудига қочиб кетган тақдирда манфаатдор тараф фақат жиноятчи яширинган давлат билан шахсни ушлаб бериш ҳақида шартнома мавжуд бўлгандагина айборни қайтариб олади. Чунки шартномада тарафларнинг ўзаро мажбуриятлари белгиланади. Айнан ушлаб бериш тўғрисидаги шартномалар асосидагина келишилаётган тарафлар гумон қилинувчини ёки маҳкумни у яшириниб юрган давлатдан ушлаб беришни талаб қилишлари мумкин. Шахсни ўзга давлатга ушлаб бериш, кўпинча, ўзаро келишувга асосланади. Баъзи давлатлар қонун

хужжатларида ва амалиётда ўзаро ҳамкорлик принципига асосланиб иш кўради. Ушлаб бериш тўғрисида шартнома тузилмаган тақдирда ҳар бир хорижий давлат талаб қилинаётган шахсни ушлаб беришга ҳам, ушлаб беришни рад этишга ҳам ҳақли. Ҳар қандай давлат ушлаб бериш масаласини ўз манфаатларидан келиб чиқиб, ўз хоҳишига кўра ҳал этишга ҳақли. Ўеч ким ундан ўзаро ҳамкорлик принципига амал қилишни талаб эта олмайди. Бундан ташқари, мазкур принцип бир қанча шартлар бажарилишини талаб қиласди. Икки ёки ундан ортиқ давлатлар ўзаро муносабатларини ўзаро ҳамкорлик принципи асосида курса, гарчи бундай муносабатлар келишув асосида амалга оширилса-да, одатда, тарафлар оддий мувозанат билан чекланмайдилар. Бундан қўзланган мақсад анча салмоқлироқдир. Уларнинг қарама-қарши хуқуқ ва мажбуриятларининг нисбати шундай ташкил этилиши лозимки, тўлиқ ўзаро боғлиқлик юзага келсин, хуқуқ ва мажбуриятларнинг бир йиғиндиси таъсир кучи бошқа қарама-қарши хуқуқ ва мажбуриятларнинг бир йиғиндиси таъсир кучи билан узвий ва зарурӣ боғланган бўлсин. Бошқача айтганда, шундай ҳолат вужудга келадики, бир тараф ўз хуқуқ ва мажбуриятларни бажарса, башарти бошқа тараф ҳам уларни шу тарзда бажарса, натижага эришиш мумкин. Мазкур талабларга амал қилиш, айниқса ушлаб бериш тўғрисидаги шартномалар бўлмаганда, ўзаро ҳамкорлик принципи асосида жиноятчилар ушлаб берилганда муҳим аҳамиятга эга.

Бошқа давлатга жиноят содир этган шахсни ушлаб бериш асосида амалга ошириладиган умуминсоний, ахлоқий принциплар ҳам мавжуд. Ушбу ахлоқий принциплар кўпгина халқаро хужжатларда белгилаб қўйилган, шу жумладан, БМТнинг Уставида, Инсон хукуклари умумжаҳон Декларациясида, Барча ирқий камситишларга чек қўйиш ҳақидаги БМТнинг декларациясида, Геноциднинг олдини олиш ҳамда геноцид учун жазолаш Конвенциясида, инсон хукуклари ҳақидаги битимлар ва бошқа хужжатларда мустаҳкамлаб қўйилган. Миллатлар халқаро уюшмасининг ахлоқ меъёрлари кундан-кунга қатъий тус олиб, улар барча инсонларнинг хуқуқ ва эркинликларини янада ҳурмат қилишга қаратилган давлатлараро ҳамкорликни назарда тутади. Шунинг учун шахсни ушлаб бериш тўғрисидаги шартнома тузилмаган ҳолларда, жиноят содир этган шахсларни таъқиб қилиш ва ушлаб бериш талаби инсониятнинг ахлоқий принципларига асосланиши лозим.

Қонунга мувофиқ, ушлаб бериш тўғрисидаги талабномада:

1) айбланувчининг (маҳқумнинг) фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган йили, фуқаролиги тўғрисидаги маълумотлар, ташқи қиёфасининг тавсифи ёки фотосурати;

2) содир этилган жиноятнинг ҳақиқий ҳолатлари баёни ва қонуннинг бу жиноят учун жавобгарликни назарда тутувчи матни ҳамда унда кўрсатилган жазо чоралари;

3) ҳукм чиқарилган жой ва вақт, ҳукм қонуний кучга кирганлиги тўғрисидаги маълумотлар қоида тариқасида бўлиши лозим.

Шахсни ушлаб бериш тўғрисидаги талабномага ҳукмнинг ёки уни айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилиш ҳақидаги қарорнинг нусхаси илова қилинади (ЖПКнинг 8-моддаси). Бу шартлар айбланувчини ёки маҳкумни қидириш, уни ушлаб бериш масаласини осонлаштиради, хатога йўл қўйиш ҳамда мазкур шахсни аниқлаш қийинлиги туфайли уни ушлаб беришни рад этиш эҳтимолининг олдини олади.

Ушлаб беришга сабаб бўладиган жиноятлар доирасини аниқлаш муаммоси хорижий давлатдан шахсни ушлаб беришни талаб қилишнинг муҳим масалаларидан бири ҳисобланади. Давлатлараро муносабатлар амалиётида шундай принцип таркиб топганки, унга кўра давлат ўзининг жиноят қонун хужжатларида назарда тутилган ҳар қандай жиноят учун ушлаб бериш тўғрисидаги талабнома билан мурожаат қилишга ҳақли бўлавермайди. Ушлаб беришга сабаб бўладиган жиноятлар доирасини чеклаш ҳуқуқий тизимларнинг фарқланишидан, айни бир хил жиноий ҳаракат турлича баҳоланишидан, миллий жиноят қонунларида назарда тутилган жазолашда бир хиллик йўқлигидан келиб чиқади.

Давлатлар ушлаб бериш қоидаларини келишиб олар эканлар, ушлаб бериш тўғрисидаги шартнома хужжатларида ва конвенцияларда фақат ўз мамлакатларининг қонунлари бўйича жиноят деб ҳисобланадиган ҳуқуқбузарликларни кўрсатадилар. Бошқача қилиб айтганда, жиноятчиларни ушлаб бериш ҳуқуқида ҳам амалий, ҳам назарий жиҳатдан «икки тарафламалик» доктринаси вужудга келди. Унга кўра ушлаб берилиши талаб этилаётган шахс содир этган жиноят ҳар икки давлат қонун хужжатларида жиноят деб ҳисобланадиган ҳуқуқбузарликлар тоифасига кирсагина, жиноят содир этган шахс талаб қилаётган давлатга ушлаб берилиши мумкин.

«Икки тарафламалик» тегишли давлатларда хатти-ҳаракатларнинг жиноят эканлигини белгиловчи қонуннинг мазмuni ва номланиши бир хил бўлишини англатмайди, жиноятнинг юридик номланиши бошқача бўлиши ҳам мумкин. Ушлаб бериш тўғрисидаги талабномага асос бўлган қилмишлар шахс қидирилаётган мамлакатнинг қонун хужжатларида жиноят деб ҳисобланишининг ўзи кифоядир.

Давлатларнинг келишув амалиётида шахсни ушлаб беришга сабаб бўладиган жиноятлар доирасини аниқлашда қўйидаги усуллар таркиб топган: а) конвенция ва шартномаларда ушлаб беришга асос бўладиган жиноятлар рўйхатини кўрсатиш; б) ушлаб беришга сабаб бўладиган жиноятларга жазо тайинлашнинг энг минимал миқдорини белгилаш; в) жиноятлар рўйхатини кўрсатганда ушлаб берилган шахсни жиноий таъқиб қилиш ҳажмини белгилаш муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Баъзан ушлаб берилган шахс бир неча жиноят содир этган бўлади, лекин талабномага мувофиқ фақат уларнинг биттаси учун ушлаб берилади. Бошқа жиноятлар ушлаб беришни талаб қилаётган давлатга анча кейин, яъни ушлаб бериш бажарилганидан сўнг маълум бўлиб қолади. Шу муносабат билан қўйидаги саволлар туғилади: жиноят содир этган шахс ушлаб берилган давлат уни бошқа ушлаб беришга доир бўлмаган жинояти учун ҳукм қилиши ва жазолаши мумкинми;

бунинг учун ушлаб бериш талабномаси қаратилган давлатнинг розилиги талаб этиладими?

Ушлаб берилган шахс фақат ушлаб беришга сабаб бўлган жинояти учун жазоланиши мумкин. Ушлаб бериш жараёнида рухсат этилган жиноий таъқиб остига олиш доирасидан четга чиқиши ушлаб берилган шахсга нисбатан ўзбошимчаликка, ушлаб бериш фақат тарафларнинг келишувига биноан амалга оширилишидан иборат принципнинг бузилишига олиб келиши мумкин. Шахсни ушлаб берган давлатнинг розилигини олмаганлик унинг манфаатлари чекланганлигини, давлат суверенитети хурмат қилинмаганлигини англатади. Шу сабабли назария ва амалиёт қўйидаги қоидани тан олиш йўлидан боради: ушлаб берган давлатнинг розилиги бўлган тақдирдагина, шахсни бошқа жинояти учун хукм қилиш мумкин. Бу қоида жиноят содир этган шахсни ушлаб бериш институтига ихтисослашиш принципи сифатида киритилди.

Ихтисослашиш принципи учта чеклашни назарда тутади. Улар давлатнинг ушлаб берилган шахсни таъқиб қилиш масаласидаги ваколатларига таъсир қиласиди:

- а) ушлаб берилган шахсни ушлаб бериш тўғрисидаги талабномада кўрсатилмаган жиноят учун жиноий таъқиб этишнинг тақиқлангани;
- б) учинчи давлатга ушлаб берилган шахсни топширишнинг тақиқлангани;
- в) ушлаб берилган шахсни у ушлаб берилгунига қадар содир этган қилмишлари учун шахсий эркинликдан барча бошқа усувлар орқали маҳрум этишнинг тақиқлангани.

Давлат маълум бир жиноят учун шахсни ушлаб бериш талабномасини тақдим қиласиди, талабномада кўрсатилмаган бошқа жиноятлар учун ушлаб берилган шахсни таъқиб этмаслик мажбуриятини ўз зиммасига сўзсиз олади.

Ушлаб бериш жараёнида ўзаро муносабатларга алоҳида шахслар эмас, балки суверен давлатлар киришади. Жиноят содир этган шахсларни ушлаб бериш мажбурияти, юқорида таъкидлаб ўтилганидек, ушлаб бериш тўғрисида шартнома мавжуд бўлган тақдирдагина вужудга келади. Давлат ушлаб беришни талаб қилаётган мамлакатнинг илтимосини қондирап экан, ушлаб бериш тўғрисидаги шартномага мувофиқ шахсни фақат талабномада кўрсатилган жинояти учун жиноий жавобгарликка тортишга ўз розилигини беради ва шахсни, унинг розилигидан қатъи назар, ушлаб топширади.

Талаби қондирилган давлат фақат тарафлар шартноманинг ўзида кўрсатиб ўтган алоҳида ҳолларда жиноий таъқиб қилиш доирасидан четга чиқиши мумкин. Шу боис жиноий таъқиб қилиш ҳажмини белгилашда айбдор шахсни эмас, балки у яширган давлатнинг розилиги биринчи даражали аҳамиятга эга бўлади. Жиноят содир этган шахсни ушлаб берган давлатнинг розилиги бундай шахс ушлаб берилишига сабаб бўлган жинояти учун хукм қилинган ёки жазоланганидан кейин ушбу давлат ҳудудини тарк этишга етарлича вақтга эга бўлган ёки бу мамлакатга қайтиб келган тақдирдагина талаб қилинмайди. Бу қоида ушлаб бериш тўғрисидаги кўпгина

шартномаларда мустаҳкамланган. Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексининг 9-моддасида ушлаб берилган шахснинг жавобгарлик доираси белгиланган. Ўзбекистон Республикаси хорижий давлат ушлаб берган шахс ўзи ушлаб берилгунига қадар содир этган ва ушлаб берилишига сабаб бўлмаган жинояти учун ушлаб берган давлатнинг розилигисиз жиноий жавобгарликка тортилиши, жазоланиши, шунингдек учинчи бир давлатга ушлаб берилиши мумкин эмас.

Шундай қилиб, конвенциялар ва ушлаб бериш ҳақидаги икки томонлама шартномалар тузишда ихтисослашиш принципининг мустаҳкамланиб қўйилиши умумэътироф этилган деб хисобланади. Мазкур принципга мувофиқ шахс фақат ушлаб берилишига сабаб бўлган жинояти учун хукм қилиниши ва жазоланиши мумкин. Бошқа жиноят учун шахсни жиноий жавобгарликка тортиш учун ушлаб берган давлатнинг розилиги талаб этилади. Бундай ҳолларда тегишли давлатга ушлаб бериш ҳақида яна қайтадан талабнома юбориш лозим бўлади.

Жиноятчиларни ушлаб беришда истиснолар эҳтимоли бўлиб, улар давлатга ҳатто ушлаб бериш тўғрисидаги шартномалар мавжуд бўлган тақдирда ҳам шахсларни ушлаб беришни рад этиш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексида шахсни ўзга давлатга ушлаб беришни рад этиш асослари белгиланган. ЖПКнинг 10-моддасига мувофиқ:

1) ушлаб берилиши талаб қилинаётган шахс Ўзбекистон Республикасининг фуқароси бўлса ва Ўзбекистон Республикаси бошқа давлатлар билан имзолаган шартномалар ва битимларда ўзгача қоидалар назарда тутилмаган бўлса;

2) жиноят Ўзбекистон Республикаси ҳудудида содир этилган бўлса;

3) жиноят содир этгани учун ушлаб берилиши талаб қилинаётган шахсга нисбатан ўша жинояти бўйича ҳукм чиқарилган ва бу ҳукм қонуний кучга кирган ёки шу айлов бўйича жиноят ишини тугатиш тўғрисида қарор чиқарилган бўлса;

4) Ўзбекистон Республикасининг қонун хужжатлари бўйича кучини ўйқотиши муддати сабабли ёки бошқа қонуний асосга кўра иш қўзғатилиши ёки ҳукм ижро этилиши мумкин бўлмаса;

5) ушлаб бериш тўғрисидаги талабномага асос бўлган қилмиш Ўзбекистон Республикасининг қонун хужжатлари бўйича жиноят хисобланмаса, шахсни ўзга давлатга ушлаб беришга йўл қўйилмайди.

Тарафларнинг келишувига кўра жиноятчини ушлаб беришни рад этиш учун бошқа асослар ҳам белгилаб қўйилиши мумкин.

Шахсни бошқа давлатга ушлаб беришни рад этганликда ўз фуқароларини ушлаб бермаслик принципи қўлланилади. Ўз фуқароларини ушлаб бермаслик амалиёти ушлаб бериш институтига анчадан бери маълумдир. Шартномалар амалиётида ўз фуқароларини ушлаб бермаслик сиёсати биринчи марта 1736 йилда Франция ва Нидерландия ўртасида тузилган битимларда вужудга келган. Уларда қайд этилишича, фуқаролар ўз судларининг юрисдикциясидан ажратиб олинмаслиги лозим. Ана шу

вақтдан эътиборан ўз фуқароларини ушлаб бермаслик принципи кўпгина давлатлар амалиётида қўлланила бошлади, чунки ҳар бир фуқаро фақат ўз давлатининг жиноят қонун ҳужжатлари асосидагина жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин. Дунёдаги ҳеч бир давлат худудий юрисдикция борлиги ҳақида баҳс юритмайди.

Ўз фуқароларини ушлаб бермасликнинг асосий далили шундан иборатки, бир томондан давлат суверенитетини хурмат қилишнинг умумэътироф этилган принципи, иккинчи томондан эса шахс ва давлатнинг инсон ҳуқуклари ва эркинликларининг дахлсизлигини ҳамда ҳар бир киши улардан кенг фойдаланишини таъминлаши лозим бўлган ўзаро жавобгарлик принципи мавжуд. Давлатнинг шахс олдиаги жавобгарлиги фуқароларнинг манфаатлари бузилганда уларни ҳимоя қилишни таъминлашдангина иборат эмас, балки унга ўзининг айбланувчи тариқасидаги ҳуқуқини ўз Ватани қонуни бўйича, ўз қилмиши учун жиноятга оид қонунлари фуқаролик принципига кўра жавобгарликка тортишни назарда тутадиган ўз мамлакатининг миллий суди олдида рўёбга чиқариш имкониятини беришдан иборатdir.

Ўзбекистон Республикасининг бошқа давлатлар билан ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ҳақидаги шартномаларида ўз фуқароларини ушлаб бермаслик принципи киритилганлиги жиноят содир этган шахслар жиноий жавобгарликка тортишдан озод этилади дегани эмас. Ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги кўпгина шартномаларда мустаҳкамланиб қўйилганки, тарафлардан бири иккинчи тарафнинг талаби билан, ўз қонун ҳужжатлари асосида бошқа тараф бўлган давлат худудида ушлаб беришга сабаб бўлган жиноят содир этган ўз фуқаросига нисбатан жиноий таъқиб қўзғатишга мажбур. Давлат айбдор шахсни жиноий таъқиб қилиш натижалари ҳақида жиноий таъқибни қўзғатиш талаби билан мурожаат этган тарафга маълум қилиши шарт.

Халқаро битимлар ва шартномаларда жиноят талабнома қаратилган мамлакат худудида содир этилгани ушлаб бермасликка асос сифатида кўрсатилган. Манфаатдор давлатлар замонавий халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принципи – давлат суверенитетини хурмат қилиш принципига асосланиб худудий юрисдикцияни мустаҳкамлаб олдилар. Демак, бир давлат фуқароси бошқа бир давлат худудида жиноят содир этган бўлса ва қўлга олинган бўлса, мазкур давлат жиноят қонунларини бузганлиги учун айбдор шахсни жазолашда устувор ҳуқуққа эга бўлади. Шундай қилиб аҳдлашувчи тарафлар жиноят қонунининг худудий таъсир кучи фуқаролик принципидан устун эканлигини тан оладилар.

Мамлакатлардан бирининг қонун ҳужжатлари даъво муддати ўтганлиги сабабли ёки бошқа қонун асосига кўра жиноий таъқиб қўзғатиши ёхуд ҳукмни ижро этиши мумкин бўлмаган ҳолларда бошқа давлатга шахсни ушлаб бериш рад этилади. Даъво муддати ўтганлиги масаласини ҳал этиш талабнома қаратилган мамлакатнинг қонун ҳужжатларидан келиб чиқиши керак. Тарафлардан бирининг қонун ҳужжатлари бўйича содир этилган хатти-ҳаракатга ёки чиқарилган ҳукмга нисбатан даъво муддати ўтган бўлса,

бошқа давлатга шахсни ушлаб бериш амалга оширилмайди. Аммо амалиёт даъво муддатини белгилаш масаласини ҳал этишда битимларда меъёрни мустаҳкамлаш йўлидан бориб, бу меъёр мазкур масалада иккала тарафнинг миллий қонун хужжатларининг teng ҳуқуқлигини белгилайди ёки ушлаб бериш тўғрисидаги талабнома қаратилган давлат қонун хужжатларининг афзаллигини акс эттиради.

Давлатлар шартномаларни тузишда талабнома қаратилган давлат ҳудудида ўша жиноят бўйича ҳукм чиқарилганлиги ёки иш бўйича таъқиб қилишни тугатиш тўғрисида қарор чиқарилганлиги ҳолатини ушлаб беришни рад этишнинг асосларидан бири сифатида кўрсатадилар. Бу принцип халқаро жиноят ҳуқуқида маълум бўлиб, ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги деярли барча конвенциялар ва икки тарафлама шартномаларда мустаҳкамлаб қўйилган. Бунда бир шахс битта жиноят учун икки марта жавоб бериши мумкин эмас деган қоида ўз аксини топади.

Талаб қилинаётган шахс сиёсий тусдаги жиноят содир этган ҳолларда ҳам ушлаб бериш рад этилиши мумкин. Ушбу истисно бошпана ҳуқуқини бериш билан узвий боғлиқ. Башарти, жиноятчиларни ушлаб бериш барча жиноятчиларга нисбатан қўлланилганда эди, унда бошпанага доир конституциявий қоида ҳеч қандай аҳамиятга эга бўлмаган бўлур эди.

Сиёсий жиноятчиларни ушлаб бермаслик принципи халқаро жиноятлар содир этган шахсларга нисбатан татбиқ этилмайди. Бундай жиноятчилар сўзсиз ушлаб берилиши лозим. БМТ Бош Ассамблеясининг 1967 йил 14 декабрдаги 2312 (XXII)-сон резолюциясида таъкидланишича, «Худудий бошпана бериш ҳақидаги Декларация»га кўра тинчликка қарши жиноятлар, ҳарбий жиноятлар ва инсониятга қарши жиноятлар содир этган деб гумон қилинишига жиддий асослар мавжуд бўлган шахс бошпана қидириш ва ундан фойдаланишни рўйач қилиши мумкин эмас.

Содир этилган қилмиш шахсни ушлаб бериш тўғрисидаги талабнома қаратилган Ўзбекистон Республикасининг қонун хужжатлари бўйича жиноий жавобгар деб ҳисобланмаса, шунингдек талабнома ушлаб беришга сабаб бўлмайдиган қилмиш учун тақдим этилган бўлса, ушлаб бериш рад этилади.

Ушлаб бериш рад этилган бўлса, ушлаб бериш тўғрисидаги талаб қаратилган давлат бу ҳақда бошқа тарафни ушлаб беришни рад этиш сабабларини кўрсатган ҳолда хабардор қилиши лозим. Бу қоида, одатда, ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ҳақидаги шартномалар матнларида акс эттирилади.

Шундай қилиб, шахсни ушлаб бериш институти жиноят содир қилган баъзи тоифадаги шахсларни ушлаб беришда мавжуд истиснолардан иборатдир. Келишилаётган тарафлар ушлаб бериш тўғрисидаги конвенциялар ва шартномаларнинг матнларига ушлаб беришни рад этиш асосларининг рўйхатини киритадилар. Бу рўйхат тўла эмас. Шу боисдан ҳам тарафлар ўзаро келишувга кўра жиноятчини ушлаб беришни рад этиш учун бошқа асосларни ҳам белгилаб қўйишлари мумкин. Шунга қарамай, ушлаб беришни рад этишнинг умумэътироф этилган асослари чекланган хусусиятга эга, чунки бу ҳоллар доираси кенгайтирилган тақдирда ушлаб бериш ҳақидаги келишувдан кўзланган асосий мақсадга – жиноят содир этган

шахсни манфаатдор давлатга содир этган жиноятига нисбатан одил судловни амалга ошириш ёки хукмни ижро этиш учун топширишга эришилмаган бўлар эди.

## **З-БОБ. ЖИНОЯТ ПРОЦЕССУАЛ ФАОЛИЯТНИ АМАЛГА ОШИРИШДА ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИ ПРИНЦИПЛАРИНИ ҚҰЛЛАШ МУАММОЛАРИ**

### **3.1. Жиноят процесси принциплари түшунчаси, моҳияти ва аҳамияти**

Жиноят процесси принциплари деб жиноят процесси институтлари шакли ва босқичларининг тузилишини белгиловчи ва унинг олдида турган вазифаларини бажарилишини таъминловчи асосий хуқуқий қоидалар (умумий ва раҳбарий аҳамиятга эга бўлган нормалар) га айтилади. Ушбу принциплар жиноят процессининг мазмuni ва моҳиятини акс эттириб, унинг муҳим ҳусусиятлари ва аҳамиятли томонларини шунингдек процессуал тартибга солишининг предмети ва методларини характерлайди.

Принциплар доим ўзида хуқуқнинг дастлабки нормаларини акс эттиради. Бошқа барча нормалар жиноят процесси принципларидан келиб чиқади. Принцип нормалари императив характерга эга бўлиб, хуқуқий воситаларни барча қуроллар билан таъминлайдиган мажбурий буйруқ шаклида намоён бўлади. Улар инсон, фуқаро ва тегишли давлат органларига қаратилган бўлади. Жиноят процессини юритиш учун масъул давлат органлари ўрнатилган принциплар асосида харакат қилишлари шарт ва уларни бузиш билан боғлиқ бўлган оқибатлар учун жавоб берадилар.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси инсон ва фуқароларнинг хуқуқ ва эркинликлари кафолатларини таъминловчи, демократик давлатнинг моҳияти ва табиатини акс эттирувчи умумхуқуқий принципларни мустаҳкамлаган. Бу принциплар инсон унинг хуқуқ ва эркинликлари олий қадрият эканлигидан келиб чиқсан. Инсон ва фуқароларнинг хуқуқ ва эркинликларига риоя қилиш ва уларни ҳимоя қилиш давлат мажбуриятидир.<sup>1</sup>

Жиноят процесси принциплари тўғрисида олимлар турлича фикр юритади. Масалан, Л.Т Ульянова жиноят процесси принципларига тушунча бериб, уни қуидагича таърифлайди: «Принциплар жиноят процесси тузилишининг белгиловчи раҳбарий қоидалардир»<sup>2</sup>

Принциплар бир қатор белгиларга жавоб бериши керак:

а) принциплар жиноят судлов ишларини юритишнинг усул ва шаклига қараб эмас, балки жамиятнинг ижтимоий-иктисодий ривожланиш шарт-шароитларига тўғри келиши керак;

б) жиноят процесси вазифалари жиноят ишларини тергов қилиш ва демократик принциплари асосида ташкил этилган шароитда амалга оширади;

в) принциплар хуқуқ нормаларида мустаҳкамланган раҳбарий қоидалардир.

Охирги ҳолат принципларга мажбурийлик, аниқлик ва кафолатланганлик маъносини беради. Шу сабабли жиноят процесси

<sup>1</sup> Уголовный процесс. Учебник для вузов. /Под. ред. П. А. Лупинской. –М.:Юрист, 1995. -Б. 88.

<sup>2</sup> Уголовный процесс. /Под. ред. К.Ф. Гуценко. -М.: Зерцало,1997. -Б. 49.

принцилари раҳбарий қоида сифатида тушунилиб, улар орқали жиноят процессининг демократик қурилиши ва нормаларининг моҳияти намоён бўлади.

Жиноят процесидаги принциларнинг маъноси кўп қирралидир:

- а) принцилар жиноят процессининг моҳияти, унинг аҳамиятли белгиларини намоён этади;
- б) принцилар жиноят-процессуал қонунчилигининг ўзаги бўлиб ҳизмат қиласиган юридик нормалар тизимини умумий характерини ифода этади;
- в) принцил-нормаларининг бузилиши қабул қилинган қарорнинг бекор бўлиши учун асос бўлиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач ўз Конституциясини қабул қилди. Унда, халқаро ҳамжамият томонидан умумэътироф этилган умумий қоидалар ўз аксини топган.

Ана шундай конституцион принцилар билан бирга хуқуқ соҳасиларидан бири бўлмиш, Жиноят процессуал кодексида ҳам, жиноят процессининг барча ва унинг алоҳида босқичлари учун асосий, аниқ аҳамиятга эга бўлган умумий раҳбарий нормалар киритилди.

Юқорида такидлаганимиздек, жиноят процесси принцилари Ўзбекистон Республикаси Конституциясида, ҳамда Жиноят процессуал кодексида бошқа баъзи қонунчилик актларида мустаҳкамланган. Барча принцилар бир-бири билан узвий боғлиқ бўлиб, жиноят судлов ишларини юритиш учун зарур бўлган хуқуқий омил ҳисобланади. Принциларнинг ҳар бири судловлийкнинг шундай томонини ифодалайдики, усиз жиноят процесси вазифасига эришиб бўлмайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида муҳим хуқуқий қоидалар сифатида алоҳида моддаларда белгиланган (106, 112, 113, 114, 115, 116-моддалар) принцилар, жиноят процессуал кодексининг асосий раҳбарий қоидалари сифатида жиноят процессуал кодексида ҳам мустаҳкамланган. Жиноят процессуал кодексининг бошқа нормаларида жиноят ишини юритишнинг у ёки бу босқичидаги принциларни ҳаракатга келтирувчи механизмлар мавжуд. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 15-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексининг 11-моддасидаги қонунийлик принципининг ҳаракат механизми Жиноят процессининг ҳамма нормаларида ўз мазмунини топади.

Принцилар қайси хуқуқий шаклда мустаҳкамланган бўлмасин, умумий ва раҳбарий аҳамиятга эга норма сифатида намоён бўлади ва уч таркибий қисмдан иборат ҳолда хуқуқни қўллаш фаолиятининг ўзидан эмас, балки фақатгина уларни аниқлаштирувчи нормалар орқали белгиланади.<sup>3</sup>

Конституциявий принцилар тўғридан-тўғри ҳаракат қилувчи нормалар ҳисобланади. Бу амалдаги ЖПК га ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмасдан, Конституциявий принциларни бевосита қўллаш хуқуқини билдиради.

---

<sup>3</sup> Уголовный процесс. Учебник для Вузов. /Под. ред. П. А. Лупинской. –М.:Юрист, 1995. -Б.89.

Принцилар тўлиқ ҳолда ҳуқуқий тизим доирасида амал қилади. Тўлиқ ҳуқуқ тизими деганда ҳар бир принципнинг моҳияти ва мазмuni ҳуқуқ тизими ичидаги ҳаракат қиладиган, бир принципнинг бузилиш бошқасининг бузилишига олиб келадиган, натижада иш юритишида қонуннинг устиворлиги бузилишига сабаб бўладиган ҳуқуқ тизими тушунилади.<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001йил 29 августда бўлиб ўтган иккинчи чақириқ олтинчи сессиясида Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексига киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар принципларининг демократик мазмунини бойитди, уларни кўллаш доирасини кенгайтирди, принципларнинг кафолатли таъминланганлигини мустаҳкамлади. Ўзбекистон Республикаси амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳатлари судлов борасидаги принципларнинг норматив мустаҳкамланиши ва унинг ҳаракат механизми аниқланиши, шунингдек, жабрланувчининг ҳимояга бўлган ҳуқуқини таъминланиши, айбланувчи ҳуқуқларнинг кафолатлари, гумон қилинувчининг ҳимояга бўлган ҳуқуқи кафолатлари, тортишувчилик принципи, судларнинг мустақиллиги кафолатлари ва бошқаларни ўз ичига олади.

Иш бўйича процессининг босқичларида барча принциплар бир хилда амалда бўлмайди. У ёки бу принципнинг ишлатилиш доираси жиноят процессининг умумий вазифаси ва аниқ босқичида хал қилинадиган вазифалар билан белгиланди.

Жиноят процесси принципларининг манбаларига қўйидагилар киради:

1) Жиноят процесси принциплари манбаси бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг шахс ҳуқуқ ва эркинликларига бағишлиланган XII боби;

2) Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг судлар тўғрисида XXII бобда кўрсатилган Конституциявий нормалар;

3) ЖПКда мустаҳкамланган процессуал принциплар ҳисобланади.

Бу нормалар Конституциявий нормалар билан боғлиқ бўлсада, аммо жиноят ишларини юритиш билан боғлиқ фаолият учун зарур бўлган принципларлардир. Буларга қўйидагиларни киритиш мумкин: далилларни бевосита ва оғзаки усулда текшириш; жиноят ишини қўзғатишнинг муқаррарлиги; жиноят ишларини хайътда ва якка тартибда кўриш.

Адабиётларда одил судлов ва жиноят процесси принциплари ўзаро алоқадорлиги учун бир-биридан ажратилмайди.

Жиноят процессининг принциплари жиноят судлов ишларини юритишнинг умумий ва ўзига хос хусусиятларини ўзида мустаҳкамлаган жиноят процессининг табиатини, демократик моҳияти ва йўналишни ўзида акс эттирувчи, юридик жиҳатдан мустаҳкамланган раҳбарий қоидалардир.

Жиноят процессининг принциплари жиноят процессининг барча босқичларида ёки айрим босқичларида ўз ифодасини топадиган

<sup>4</sup> Ларин А. М. Конституция и уголовно-процессуальный кодекс. // Государство и право. -1993. -№ 10. -Б. 35

принциларга бўлинади. Масалан, қонунийлик, фуқароларнинг қонун ва суд олдида тенглиги жиноятни аниқлаш, айбиззлик презумпцияси каби принциплар жиноят процессининг барча босқичларида ўз ифодасини топади, одил судловни фақат судлар фақат судлар томонидан амалгаоширилиши, суд ишларини юритишда тортишувчилик, жиноят ишларини хайъатда ва якка тартибда қўриб чиқиш, судьяларнинг мустақиллиги ва уларнинг фақат қонунга бўйсуниши судда жинот ишларини ошкора қўрилиши вазо принциплар жиноят процессинг бир ёки бир неча босқичларига тегишли.

Суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд жиноят судлов ишларини юритишда жиноят процесси принципларига қатъий риоя қилишга мажбурдирлар. Акс ҳолда улар томонидан чиқарилган қарор ноқонуний ҳисобланиб, бекор қилиниши мумкин.

Рус олими В. Томин “Жамият ривожига таъсир қиласидан, объектив ҳолатни тасвирловчи, илмий асосларда ўз аксини топган раҳбарий фикрлар ҳам норматив ҳужжатларда акс эттирилмаган бўлса ҳам жиноят процессининг принципи бўла олади»<sup>5</sup> дейди. Бу фикр билан мутлақо келишиб бўлмайди, чунки жиноят процессининг принципларининг биринчи белгиси қонун нормаларида акс эттирилганлигидир.

“Шундай қилиб, жиноят процесси принципларининг аҳамияти қуидагилардан иборат:

биричидан, улар жиноят процессининг демократлашганлиги ва инсонпарварлигини ёрқин ифода этади, унинг тузилишини ва тизимини белгилайди;

иккинчидан, жиноят процессуал меъйрлар ва айрим жиноят процессуал институтларни янада такомиллаштириш учун асос бўлиб хизмат қиласи;

учинчидан, жиноят процесси принциплари амалиётда мураккаб бўлган жиноят процессуал меъёрларни англаш, шарҳлаш ва қўллашда ишончли асос ҳисобланади;

тўртинчидан, жиноят процесси принциплари сўзсиз амал қилиш жиноят судлов ишларини юритиш вазифаларини бажарилиши учун зарурий ва мажбурий шартдир».

### **3.2. Жиноят процесси принциплари тизими ва уни таснифлаш муаммолари**

Жиноят процесси принципларининг тизими деганда қонунда ўз ўрнига, моҳияти ва мазмунига, шунингдек юридик кучга эга бўлган умумажбурий гоялар тизимиға айтилади. Бу тизимлар хуқуқий категория сифатида мантиқий назарий тузилишига эга бўлиб, ҳар бир норманинг ички мазмунини ташкил қиласи. Бу тамойилларнинг бир қатор ўзига хос томонлари ҳам мавжуд.

<sup>5</sup> Томин В. О понятии принципа современном уголовном процессе. Труды. –М.: ВШ. МООП. РСФСР, 1965. -Б. 194.

<sup>6</sup> Жиноят процесси. Умумий қисм. / З.Ф.Иногомжонованинг умумий таҳрири остида. –Т.: Янги аср авлоди, 2002. - Б. 62.

Жиноят процесси принципларининг тизими, жиноят процесси принципларининг узвий боғлиқлигини, уларнинг ягона мақсадини, ўзаро бирлигини ифода қиласди. Ундан ташқари жиноят процессининг принциплари тизими ҳар бир принципнинг ўзига хослигини ўз мазмунига эканлигини ифода этади. Бизнинг назаримизда тамойилларнинг кучи ҳам уларнинг ўзаро боғлиқлигига ҳамда ягона мақсадга хизмат қилишидадир.

Жиноят процесси принципларининг мазмуни ҳаётга қанчалик тўғри татбиқ қилинса, жиноят процессининг вазифалари (ЖПКнинг 2-моддаси) шунчалик самарали бажарилган хисобланади.

Хозирги кунда амалда бўлган ЖПКнинг 2-бобида жиноят процессининг принциплари тизими кўрсатиб ўтилган. Уларга қуидагилар киради: қонунийлик; одил судловнинг фақат суд томонидан амалга оширилиши; жиноят ишларини хайъатда ва якка тартибда кўриб чиқиш; судьяларнинг мустақиллиги ва уларнинг фақат қонунга бўйсуниши; жиноят иши кўзғатишнинг муқаррарлиги; одил судловни фуқаролар ва суд олдида тенглиги асосида амалга оширилиши; шахснинг шаъни ва қадр қимматини хурмат қилиш; фуқароларнинг ҳуқук ва эркинликларини муҳофаза қилиш; судда жиноят ишларининг ошкора кўрилиши; жиноят ишлари юритиладиган тил; жиноят ишларини юритишда жамоатчилик иштироки; ҳақиқатни аниқлаш; айбиззлик презумпцияси; гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчининг ҳимоя ҳуқуки билан таъминлаш; судда ишларини тортишувчилик асосида олиб бориш; далилларни бевосита ёки оғзаки усулда текшириш; процессуал ҳаракатлар ва қарорлар устидан шикоят қилиш ҳуқуки.

Жиноят процесси принциплари турлича классификация қилинади. Жиноят процесси принципларини қуидаги уч гурухга ажратиш мумкин:

1) фақат жиноят процессига эмас, барча ҳуқуқий фанларга тааллуқли бўлган принциплар - қонунийлик, фуқароларнинг ҳуқук ва эркинликларини муҳофаза қилиш;

2) жиноят процессининг барча босқичларига тааллуқли бўлган принциплар - айбланувчининг айбиззлик презумпцияси, ҳақиқатни аниқлаш, гумон қилинувчини, айбланувчини, судланувчини ҳимоя ҳуқуки билан таъминлаш. Жиноят судлов ишлари юритиладиган тил, жиноят ишларини юритишда жамоатчилик иштироки, далилларни бевосита ёки оғзаки шаклда текшириш ва ҳ.;

3) жиноят процессининг айрим босқичларига тааллуқли принциплар - одил судловни фақат суд томонидан амалга оширилиши, судьяларнинг мустақиллиги ва фақат қонунга бўйсиниши, судда жиноят ишларининг ошкора кўрилиши, суд ишларини юритишда тортишув ва ҳ.

Жиноят процесси принципларини умумий ва маҳсус тизимга ажратиш мумкин. Умумий принциплар - фактгина Ўзбекистон Республикаси Конституциясидан ўрин олган, маҳсус принциплар эса процессуал ҳуқук соҳаларига тегишли бўлган принциплардир.

### **3.3. Қонунийлик принципи**

Давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида қонун устиворлигини таъминлаш, қонунийлик принципининг доимийлигини таъминлаш билан билин боғлиқ. Бу, айниқса, ҳукуқий тартибот ва қонунийликни мустаҳкамлаш ҳамда муҳофаза қилишга йўналтирилган қонун билан тартибга солинадиган жиноят процессуал қонунига тааллуқлидир.

Жиноятларни тез ва тўла очиш, жиноят содир этган ҳар бир шахсга адолатли жазо берилиши ҳамда айби бўлмаган ҳеч бир шахс жавобгарликка тортилиб, ҳукм қилинмаслиги учун айборларни фош этишда қонунийлик принципига қатъий риоя қилиш лозим.

Қонунийлик принципи Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг Ш-боб 15-моддасида мустаҳкамланган. Ушбу принципнинг мантиқий давоми ҳозирги кунда амалда бўлган Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексининг 2-боб 11-моддасида акс этган. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15-моддасида қонунийлик принципи қўйидагича таърифланади: “Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларининг устунлиги сўзсиз тан олинади.

Давлат, унинг органлари мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўрадилар».

Конституциянинг ушбу нормаси жиноят процессуал ҳукуқининг бир қанча нормаларини ривожланишига сабаб бўлади. У ўзида иш бўйича иштирок этувчи дастлабки тергов органлари, прокуратура, суд ва бошқа иштирокчилар томонидан қонунларга сўзсиз, аниқ ва бир хилда риоя қилиниши ва ижро этилиш талабларини қамраб олади.

Жиноят процессида қонунийлик ва ҳукуқий тартибот тантана қилинмаса, шахснинг ҳукуқ ва эркинликлари қатъий интизом, ички уюшқоқлик ва маъсулият жиҳатидан устивор бўлмаса, қонунлар ва миллий анъаналар урф-одатлар, умуминсоний қадриятлар хурмат қилинмаса, демократик ҳукуқий давлатни тасаввур қилиб бўлмайди. Шу боис ушбу Конституциявий қоида Ўзбекистон тараққиёт йўлининг энг муҳим принципларидан бири хисобланади. Конституциядаги қонун устиворлигининг моҳияти ва маъноси шундаки, Конституция ва қонун олдида барча бирдай маъсулдир. Мамлакат қонунларига жами фуқаро, ёшидан, мансабидан, миллати, ирқий ва динидан қатъий назар баробар бўйисинмоғи ҳам фарз ҳам қарзdir.

Қай бир жамиятда қонунга итоат этилмаса, ундей жамият асло равнақ топмайди, адолатга эриша олмайди. Қонун ижроси билан кучлидир. Конституция ва қонун устиворлиги бу, биринчидан ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида қонуннинг қатъийян ҳукмронлигини англатади. Ҳеч ким, ҳеч бир давлат органи, мансабдор шахс, ёки фуқаро қонунга бўйсуниш мажбуриятидан ҳоли бўлиши мумкин эмас. Иккинчидан Конституция ва қонун устиворлиги шуни ифодалайдики, ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий муносабатлар фақат қонун йўли билан тартибга солинади, унинг барча

иштирокчилари эса ҳеч бир истисносиз ҳуқуқ нормаларини бузганликлари учун жавобгардирлар.

Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал қонуни ҳам жиноят процессининг барча субъектлари учун мажбурийдир. Иш юритишни амалга оширувчи давлат органлари мөоддий ва процессуал принципларига риоя қилишлари давлат, жамият ва шахс олдидаги мажбурияти ҳисобланади. Уларни бузганлик учун турли хил санкциялар қўлланилиши мумкин. Қонунга зид ҳолда чиқарилган процессуал ҳужжатлар эса ҳақиқий эмас топилади.

Қонунийлик принципи суриштирув, тергов, прокурор ва судлов ишларини амалга оширувчи шахсга барча босқичларда иш юритишнинг қонунда белгиланган тартибига риоя қилиш, процессуал ва тергов ҳаракатларини қонуний асосларда ва қонунда белгиланган процессуал шаклда амалга ошириш, ўзларининг қарорларини моддий ва процессуал ҳуқуқ нормалари асосида қабул қилиш, шахсларга нисбатан процессуал мажбурлов чораларини қўллашда қонун доирасидан четга чиқмаслик, одил судловни амалга оширишда ноконуний равишда олинган далиллардан фойдаланишга йўл қўймаслик, далилларни тўплаш ва мустаҳкамлашнинг қонунда белгиланган тартибига қатъий риоя қилиш мажбуриятини юклайди. Давлат органлари қонунда белгиланган ваколатлар доирасида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилган ҳолда ҳаракат қилишлари лозим.

Жиноят процессида қонунийлик принципига кўра: қонун билан таъқиқланмаган ҳар қандай ҳаракатга йўл қўйилади. Агарда у ёки бу ҳаракатлар шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъсир қиласа, унда ушбу қоида бундай ҳаракатларни таъқиқловчи қоида билан тўлдирилади ва бундай ҳаракатларни амалга оширишга йўл қўйилмайди.

Кўриниб турибдики, қонунийлик принципи бошқа процессуал принциплар билан бир қаторда турмайди, яъни бошқа принциплар билан бир хил даражада эмас. Қонунийлик тамойили бутун процессуал ҳаракатлар бошланишидан тугашигача бўлган умумий ва маҳсус қисмларни қамраб олади.

Барча принциплар ва алоҳида ҳолатда ҳар бир принципнинг ўзи ҳам қонунийлик тамойили мавжуд бўлишига тўғри ёки бевосита хизмат қиласи ва улардан ҳар бирининг бузилиши қонунийлик принципининг бузилишига олиб келади. Процесснинг бошқа принциплари қонунийлик принципининг мазмунини ташкил этади, аниқлаштиради, лекин уни тўлдирмайди. Қонунийлик принцип талаблари ҳуқуқ нормаларини тўғри қўллаш ва ҳуқуқни амалга ошириш фаолиятининг асосий шарти бўлиб ҳизмат қиласи, шунингдек, ҳамма вақт ҳуқуқни қўллашнинг ички шакли ва мазмунини қамраб олади.<sup>7</sup>

Қонунийлик принципининг мустақил ҳуқуқий аҳамиятга эга эканлигини тан олмайдиган олимлар фикрига қўшилиб бўлмайди. М.С. Строгович

<sup>7</sup> Уголовный процесс: Учебник для вузов. /Под общ. ред. П.А. Лупинской. –М.: Юристъ, 1995. -Б. 92.

«Жиноят процессида қонунийлик принципи-бу ўзаро алоқада бўлган процесстинг барча принциплари мажмуи бўлиб, ўзи алоҳида принцип ҳисобланмай, процессдаги барча принципларнинг асоси бўлиб, улардан ҳеч қандай фарқ қилмайди. У барча ва ҳар қайси алоҳида принципда акс этади»,<sup>8</sup> дейди.

Процессуал принципларнинг ҳар бирига алоҳида риоя қилиш, принципларни истисно этмаган ҳолда барча талабларга риоя қилиш-жиноят судлов ишларини юритиш қонунда белгиланган тартибда амалга оширилади деган хulosани келтириб чиқаради. Лекин процессуал принципларнинг моҳияти тушунчасидан келиб чиқиб принципларга умумий, аниқловчи раҳбарий аҳамиятга эга муайян ҳуқуқий ғояларни акс эттирувчи жиноят процессуал нормалар сифатида қаралса, унда қонунийлик принципини умуман мавжуд эмаслигини кўриш мумкин. Ҳар бир процессуал принцип муайян мустақил мазмунига эга бўлган алоҳида процессуал нормани ташкил этади. Агарда барча нормалар қўшилса, янги принцип-нормалар вужудга келмайди. Шундай экан принципларнинг мажмуи янги принцип яратмайди. Ҳақиқатдан ҳам жиноят процессида қонунийлик принципи бошқа принципларнинг мажмуидан ташкил топмайди, балки муҳим мазмунга эга бўлган мустақил принципни ташкил этади. У одил судловни амалга оширишда барча ҳуқуқ нормаларига қатъий риоя қилиш мажбуриятини қонун асосида белгилаб беради ва норматив характерда бўлиши талаб қилинади.

Қонунийлик принципидан жиноят суд ишларини амалга оширувчи давлат органлари, мансабдор шахслар ва судга жиноят процессуал қонунига қатъий риоя қилиш мажбурияти келиб чиқади. Жиноят иши қўзғатиш асослари мавжуд ёки мавжуд бўлмаган ҳолларда қарор қабул қилишдан тортиб, ҳукмнинг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилиги тўғрисида қарор қабул қилингунга қадар бўлган жиноий процессуал ҳаракатлар, жиноят ва жиноятпроцессаул қонунларини тўғри тушуниш ва қўллашга асосланиши керак. Агар жиноят процессида жиноят натижасида етказилган моддий зиён тўғрисидаги масала кўриладиган бўлса, унда қонунийлик принципи моддий ва процессуал фуқаролик ҳуқуқи нормаларига қатъий риоя қилиш мажбуриятини юклайди.

Жиноят процессида фуқаронинг зарур бўлган ҳуқуқ ва манфаатларига таъсир этилади. Айбланувчига айлов ҳукми эълон қилиниши ва жазо тайинланиши, айрим ҳолларда ўта оғир жазо тайинланиши мумкин. Жиноят иши бўйича иш юритганда фуқаронинг ҳуқуқ ва манфаатларини чекловчи процессуал мажбурлов чоралари қўлланилиши мумкин.

Жиноят-процессуал фаолият натижасида фақат айбланувчининг манфаатларига таъсир қилмасдан бошқа фуқароларнинг ҳуқуқлари чекланиши ёки қўшимча мажбуриятлар юклатилиши мумкин. Ҳусусан олиб қўйиш, тинтуб тергов ҳаракатлари фақатгина гумон қилинувчи ёки айбланувчига эмас, балки бошқа шахсларга нисбатан ҳам қўлланилиши

<sup>8</sup> Строгович М. С. Курс уголовного процесса. –М.: Наука, 1968. -Б. 175.

мумкин. Тергов ҳаракатлари фуқароларнинг қўшимча мажбуриятларини бажаришни талаб қилиш натижасида ўзларининг одатдаги машғулотлардан чалғитади.

Жиноят процессуал қонуни айбли шахсни ҳукм қилишда барча зарур ҳуқуқий кафолатларни мустаҳкамлаган, шунингдек жиноят содир этишда айбланаётган шахсга нисбатан жазо тайинлаш шарт-шароитини таъминланган. Бу фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини муҳофаза қилишда, қонунийликни таъминлашда, жиноят-процессуал қонунчилигининг ўрни муҳимлигидан далолат беради.

Жиноят-процессуал фаолиятни тўла ва алоҳида ҳуқуқий тартибга солиш масаласини ва жиноят судлов ишларини юритишининг бошқа масалаларини ҳуқуқ нормаларининг объектив шарт-шароитида ҳаракат қилиш натижасида ҳал қилиб бўлмайди. Бу ерда асосий ролни ҳуқуқни қўлловчи органлардаги кадрларнинг тайёргарлиги, уларнинг умумий ва ҳуқуқий маданияти даражаси ўйнайди.

Шундай қилиб, жиноят суд ишларини юритиш, вазифаларини бажариши учун қонунийлик принципини амалда татбиқ қилиш зарур.

Қонунийлик принципини амалга оширилмасдан туриб, тергов, суд ва прокуратура органлари жиноят процесси олдида турган вазифаларини тўғри ҳал қилолмайди.

Ҳозирги кунда нафақат суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд, балки ҳимоячи ва ишда иштирок этувчи бошқа шахслар ҳам қонунийлик принципига амал қилиши лозимлиги ЖПКнинг 11-моддасида мустаҳкамланиб қўйилган.

Қонунни аниқ ва бир хилда бажаришдан ва уларга риоя қилишдан ҳар қандай чекиниш, қандай сабабларга кўра юз берганидан қатъий назар белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.

Қонун нормаларини бажариш қонунийлик принципини амалда бўлишини англатмайди, қонун нормаларини қўллашда унинг мазмун ва моҳиятидан келиб чиқиш лозим.

### **3.4. Одил судловнинг фақат суд томонидан амалга оширилиши**

Айтиш мумкинки, одил судлов давлат фаолиятининг бир кўриниши, суд ҳокимиятининг бир шакли бўлиб хисобланади. Одил судлов тушунчасини аниқлаш муаммолари Ўзбекистон учун янгилик эмас. Ҳозирги кунда ўзбек ва бошқа хорижий мамлакатлар олимлари томонидан одил судловнинг моҳиятига нисбатан бир хил ёндашиш мавжуд эмас. Бу тушунча миллий ёки ҳалқаро ҳуқуқ нормаларида мустаҳкамланмаган. Лекин юридик адабиётларда одил судловга турлича таъриф берилади.

«Одил судловнинг энг буюк мақсади зўрлик ишлатиш ғоясининг ҳуқуқ ғоясига алмаштириб, ҳокимият билан куч ишлатиб ижро этувчи ўртасида ҳуқуқий чегарани ўрнатишдан иборат».<sup>9</sup>

<sup>9</sup> Де Таквил А. Демократия в Америке. –М.: Прогресс, 1992. -Б. 120.

Б.Н. Чичерин одил судлов тушунчасига таъриф бериб, уни «қонуний асосда ўч олишни таъминлаш», дейди.<sup>10</sup>

Б.А. Галкин одил судловни “давлат фаолиятининг йўналиши бўлиб, судлар томонидан қонунни қўллашнинг муҳим бир кўриниши сифатида ўз мазмунида ҳуқуқни қўллаш, яъни юрисдикцион фаолиятни қамраб олади”, дейди.<sup>11</sup>

Лекин одил судлов давлатнинг ўз олдида турган вазифаларини бажаришига қаратилган. Давлатнинг одил судловни амалга оширишга қаратилган функцияси судлар томонидан амалга оширилишини давлат фаолияти сифатида қарашни инкор этмаслик керак. Давлатнинг бу функцияси ўз ҳавфсизлигини таъминлашга қаратилаганлиги назарда тутади.

Бизнинг фикримизча, қуйидаги таъриф одил судловнинг бутун бир фаолиятини унинг мазмун ва моҳиятини очиб беради: «Одил судлов давлатнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш органи сифатида суднинг мустақил давлат фаолиятини амалга ошира туриб, жиноят ва фуқаролик ишларини қонунда белгиланган процессуал шаклда ва ўзининг ички ишончи, ҳуқуқий онги ҳамда қонунга асосланган ҳолда кўриши, бузилган ҳуқуқни ҳимоя қилиши ва қайта тиклаши, заруриятига қараб, айбланувчи шахсга нисбатан жазо қўллаши, айби йўқ шахснинг жавобгарликка ёки жазога тортилишининг олдини олиш бўйича давлат номидан ҳукм ёки ҳал қилув қарори қабул қилиши, шу муносабати билан қабул қилинган қарорнинг қонуний кучга кириши давлатнинг мажбурлов кучи билан таъминланишидан иборат бўлади»<sup>12</sup>.

Юқоридаги таърифдан суд жиноят, фуқаролик ва маъмурий ишларни кўриб чиқишига қабул қилишдан ишни ҳал қилиш натижасида чиқарилган қарорнинг амалда татбиқ этилишигача бўлган фаолиятни қамраб олади.

Ўзбекистон Республикасида жиноят ишлари бўйича одил судловни Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий суди, жиноят ишлари бўйича вилоятлар, Тошкент шаҳар, туман (шаҳар) судлари ва ҳарбий судлар амалга оширади.

2000 йил 14 декабрдаги “Судлар тўғрисида”ги янги таҳриридаги қонуннинг 13-моддасига биноан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди фуқаролик, жиноий ва маъмурий суд ишларини юритиш соҳасида суд ҳокимиятнинг олий органидир.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди ишларни биринчи, иккинчи инстанция суди сифатида ва назорат тартибида кўради. У ўзи биринчи инстанция сифатида кўрган ишларни апелляция ёки кассация тартибида шикоят бериш (протест билдириш) ҳуқуқига эга, бўлган шахсларнинг ҳоҳишига кўра апелляция ёки кассация тартибида кўриши мумкин. Апелляция тартибида кўрилган иш кассация тартибида кўрилмаслиги керак.

<sup>10</sup> Чичерин Б. Н. Курс государственной науки. Ч. I. Общее государственное право. –М.: 1894. -Б. 319.

<sup>11</sup> Галкин Б. А. Суд и правосудия в СССР. –Саратов: 1981. -Б. 12.

<sup>12</sup> Скуратов Ю.И., Семенов В.М. Правоохранительные органы России. Учебник. –М.: Юрид. лит., 1998. –Б.18.

Аммо қонундаги бундай нормани бир тарафлама тушунмаслик керак. 2001 йил 1 июнданғи Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленуми қарорининг “Апелляция кассация ва назорат тартибида иш юритиш амалиёти» бобининг 7-бандига биноан фақатгина бир асос бўйича апелляция тартибида кўрилган ишлар кассация тартибида кўрилмаслиги назарда тутилган. Бирор асос бўйича апелляция тартибида кўрилган ишлар бошқа асос бўйича кассацияда кўрилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми энг юқори судлов инстанцияси бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьялари ва Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди раисидан иборат таркибда иш олиб боради.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ишларни назорат тартибида кўради; суд амалиётини умумлаштириш материалларини кўриб чиқади ва қонун ҳужжатларини қўллаш масалалари бўйича тушунтиришлар беради ва қонунда белгиланган бошқа ваколатларни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг муайян суд ишлари бўйича қарори қабул қилинган пайтдан бошлаб қонуний кучга киради ва қонунда назарда тутилган тартибида ижро этилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсати Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьяларидан Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми томонидан белгилаган миқдорда тузилади. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсати ишларни назорат тартибида кўради; суд амалиётини умумлаштириш натижаларини кўриб чиқади ва бошқа ваколатларни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судлов ҳайъатлари эса ишларни биринчи инстанцияда апелляция, кассация тартибида ва назорат тартибида кўради. Суд амалиётини ўрганади ва умумлаштиради; қонун ҳужжатларини такомиллаштириш юзасидан таклиф ишлаб чиқади; суд статистикасини таҳлил қиласди.

Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий Суди, жиноят ишлари бўйича вилоят, Тошкент шаҳар судлари раиси, раис ўринбосарлари, судьялар, халқ маслаҳатчиларидан иборат.

Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоят суди, Тошкент шаҳар суди ўз ваколатлари доирасида ишларни биринчи инстанция суди сифатида, апелляция, кассация ва назорат тартибида кўради.

Жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) суди раиси, судьялар ва халқ маслаҳатчиларидан иборат бўлади. Улар қонун билан ўз ваколатлари доирасида берилган жиноят ишларини ҳамда маъмурий ишларни кўриб чиқади.

Суд ҳокимияти - ҳақиқат ва адолатнинг ҳимоячисидир. Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 15-моддасига биноан суд ҳам жиноят иши қўзғатиши субъекти ҳисобланади. 321-моддада эса суд жиноят содир этилганлиги тўғрисида сабаб ва етарли асослар мавжуд бўлган барча ҳолларда жиноят ишини қўзғатиши шартлиги кўрсатилган.

ЖПКнинг 416-моддасида суднинг қайси ҳолатда жиноят иши қўзғатиши мумкинлиги кўрсатилган. Бунга кўра, суд терговида судланувчининг унга илгари қўйилган айловидан бошқа жиноятни содир этганлигини кўрсатувчи ҳолатлар аниқланса, суд жиноят ишини қўришни тўхтатмай, янги айлов бўйича иш қўзғатиш тўғрисида ажрим чиқаради ва бу ажримни ҳамда зарурий материалларни дастлабки тергов ўтказишга юборади. Башарти янги айлов бўйича суд иш қўзғатишга асос бўлган ҳолатлар юзасидан терговчи ёки прокурор илгари иш қўзғатишни рад қилиш ёки ишни тугатиш тўғрисида қарор чиқарган бўлса, бу қарорни бекор қиласди.

Суд тергови пайтида жавобгарликка тортилмаган шахс томонидан жиноят содир этилганлигини кўрсатувчи ҳолатлар аниқланса, суд шу шахсга нисбатан жиноят иши қўзғатиш тўғрисида ажрим чиқаради ва бу ажримни зарур материаллар билан бирга қўшимча тергов ўтказиш учун юборади.

### **3.5. Жиноят процессида ишларни ҳайъатда ва якка тартибда кўриш**

Жиноят процессида ишларни ҳар томонмала, тўла ва холисоналигин таъминлаш мақсадида, иш юритишда жамоатчиликнинг иштироки орқали таъминланади. Дастлабки терговнинг умумий шартларидан бири бўлиб ҳам жамоатчилик иштироки ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексининг 13-моддасида жиноят ишларини ҳайъатда ва якка тартибда кўриб чиқиши принципини мустаҳкамлаб қўйилган. Бунга биноан жиноят ишлари ҳайъатда кўрилади. Ижтимоий ҳавфи катта бўлмаган жиноятларга қасдан содир этилиб, қонунда уч йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар, шунингдек эҳтиёtsизлик оқибатида содир этилиб, қонунда беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар ва унга оғир бўлмаган жиноятларга қасдан содир этилиб, қонунда уч йилдан ортиқ, лекин, беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзида жазо назарда тутилган жиноятлар, шунингдек эҳтиёtsизлик оқитабатида содир этилиш, қонунда беш йилдан ортиқ муддатга озодликдан тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар судьялар томонидан якка тартибда кўриб чиқилади. Иш биринчи инстанция тартибида кўрилганда суд таркибида судья ва икки нафар халқ маслаҳатчиси киради. Халқ маслаҳатчилари сифатида йигирма беш ёшдан кичик бўлмаган, фуқароларнинг яшаш ёки иш жойидаги йиғилишдарда очик овоз бериш йўли билан икки ярим йил муддатга сайланган Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлиши мумкин.

Ҳақиқий ҳарбий хизматни ўтаётган, сайлов кунида ўн саккиз ёшга тўлган шахс ҳарбий қисмлар томонидан бир ярим йил муддатга халқ маслаҳатчилига сайланади.

Халқ маслаҳатчилари судлардаги вазифаларни бажариш учун йилига кўпи билан икки ҳавфтага навбатма-навбат чиқарилади, уларнинг иштирокида бошланган суд ишини кўришни тугаллаш зарурати орқали бу муддатни узайтириш тақозо этилган ҳоллар бундан мустасно.

Ўзбекистон Республикаси Олий Суди ишларни уч нафар судьядан иборат таркибда кўриб чиқади. Одил судловни амалга оширишда халқ маслаҳатчилари судьянинг барча ҳуқуқларидан фойдаланадилар. Улар суд мажлисида ишни кўриш жараёнида келиб чиқадиган ҳамма масалаларни ҳал қилишда ҳукм чиқаришда раислик қилувчи билан тенг ҳуқуққа эгадирлар.

Тегишли суд ҳайъатларида апелляция, кассация ва назорат тартибида ишларни кўриш уч нафар судьядан иборат таркибда амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳукмларига апелляция ва кассация шикоятлари Ўзбекистон Республикаси судининг тегишли судлов ҳайъатларида беш нафар судьядан иборат таркибда кўриб чиқилади.

Суд раёсати ишларни раёсат аъзоларининг кўпчилиги ҳозир бўлгандагина кўриб чиқади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленум уларнинг таркибидагилардан камида учдан икки қисми зозир бўлгандагина ишларини кўриб чиқади.

Суд-хуқуқ тизимини такомиллаштиришни ҳозирги босқичида, ушбу принципдан халқ маслаҳатчиларини олиб ташлаш муаммоси турибди. Чунки жиноят ишларини биринчи инстанция сифатида кўришда халқ маслаҳатчилари иштироки сифатсиз бўлишига сабаб бўлмоқда. Ҳозирги кунда МДҲ давлатларининг кўпчилигига халқ маслаҳатчилари институти олиб ташланди. Халқ маслаҳатчиси судда иш муҳокама қилиш бошланган пайтда эътиборидан суд мажлиси залида ҳозир бўлади. ва судьянинг ҳуқуқларидан фойдаланади, суд маслаҳатлашувларида ва иш бўйича қарор чиқариш вақтида қатнашади.

2000 йил 14 декабрда Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексига «Апелляция тартибида иш юритиш» институти киритилди. Апелляция тартибида иш юритиш ваколати иккинчи ва учинчи босқич судларига берилди. Лекин ишларни қонунийлиги, асослантирилганлиги ва адолатлигини текширишнинг узвийлиги таъминлангани йўқ. Чунки, қонуний кучга кирмаган ҳукм устидан апелляция шикояти ёки протести киритилгандан кейин, иш апелляция тартибида кўрилиб чиқилгандан кейин шу асос бўйича кассация тартибида шикоят ёки протест киритилиши мумкин эмас. Бунда фақатгина назорат тартибида протест киритишни сўраб, ариза билан протест киритиш ҳуқуқига эга бўлган субъектларга мурожат қилиш мумкин.

Шу муносабат билан апелляция тартибида иш юритиш ваколатини биринчи звено, яъни жиноят ишлари бўйича туман, шаҳар судларига бериш лозим. Апелляция тартибида иш юритишда, жиноят ишлари бўйича туман, шаҳар судлари уч нафар судьядан иборат таркибда ишни мазмунан кўриб чиқиш мумкинлиги қонунга киритилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

### **3.6. Судьяларнинг мустақиллиги ва уларнинг фақат қонунга бўйсуниши**

ЖПКнинг ушбу принципи айни вақтда конституциявий принцип ҳисобланади. ЖПКнинг 14-моддасида: «Одил судловни амалга оширишда судьялар ва халқ маслаҳатчилари мустақиллар ҳамда фақат қонунга бўйсунадилар. Судьялар ва халқ маслаҳатчилари жиноят ишларини қонун асосида кўриб чиқадилар ва ҳал қиласидилар», деб ёзилган. Конституциянинг 112-моддаси 1-банди, ЖПКнинг 14-моддаси иккинчи бандида “судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятида бирон-бир тарзда аралашишга йўл кўйилмайди ва бундай аралашиш қонунга мувофиқ жавогарликка сабаб бўлади, дейилган. Ушбу принцип «Судлар тўғрисида» ги қонуннинг 4-моддасида ҳам мустаҳкамланган. Ушбу модданинг 2-бандига кўра Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан, сиёсий партиялардан, бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил ҳолда иш юритади.

Ушбу принцип моҳиятидан одил судловга эришиш учун шарт-шароит яратиш, яъни суд процессуал қарорни фақат ички ишончига асосланиб ташки аралашувларсиз қабул қилиш тушунилади. Иш ҳолатларини ўрганишда судья фақат қонунга, хуқуқий онгига ва ички ишончига асосланиши лозим, шунингдек иш якунлари бўйича хulosалари ҳеч қандай тазъиїксиз қабул қилиниши керак.

Давлат ўз фаолиятида ижтимоий адолат ва қонунийлик тамойилларига асосланади ва судларнинг ҳам фаолияти ушбу тамойилларга мансубdir. Суд соҳасида қонунийлик тамойили ўзига хос кўринишда ифодаланади, яъни: одил судловни амалга оширишда бу тамойил судьяларнинг мустақиллик тамойили билан бирлашган ҳолда олиб борилади ва улар хукм чиқаришда ҳаракатда бўлган қонун талабларига, ўзларининг хуқуқий онги ва ички ишончига асосланиб иш кўрадилар.

Судьларнинг мустақил бўлиш талаби суд ҳайъатига оид бўлган муносабатларда (судьялар ўртасида бўлган teng хуқуқлиликни ҳисобга олиб), жиноят жараёнининг бошқа қатнашчилари билан бўлган муносабатларда, суднинг бошқа муассасалар, ташкилотлар мансабдор шахслар ва фуқаролар билан бўлган муносабатларда ўз аксини топади.

Судьяларнинг мустақиллиги принципидан келиб чиқиб, судьялар жиноят-процессуал ва жиноят қонунчилигига асосланиб жиноят ишини кўриб ҳал қиласидилар. Уларнинг фаолиятига ҳар қандай аралашув қонун бўйича жавобгарликка олиб келади. Бу судьялар мустақиллигининг кафолатларидан биридир. Ушбу кафолат Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг «Одил судловга қарши жиноятлар» деб номланган 14-бобининг 236-моддасида мустаҳкамланган. Унга кўра, тергов қилиш ёки суд ишларини юритишга аралашиш, яъни ишни ҳар томонлама, тўла ва холисона ўрганилишига тўсқинлик қилиш мақсадида суриштирувчи ёки прокурорга ёхуд адолатсиз ҳукм, ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарор чиқарилишига эришиш мақсадида судяга турли шаклда қонунга хилоф равишида таъсир ўтказиш, тегишли тартибда жиноий жавобгарликка тортилади.

Қонунчилигимизда судьяларнинг мустақиллиги тамойилини амалга оширишнинг бутун бир кафолатлари тизими жорий этилган. Уларнинг энг асосийлари Ўзбекистон Республикасининг «Судлар тўғрисида» ги қонунида, ЖПК ва ФПК да қайд этилган.

На давлат, на бошқа бирор ташкилот, муассаса, мансабдор шахс ва фуқаро судга ишни қандай ҳал қилиши тўғрисидаги тавсиф ва кўрсатмаларни беришга ҳақли эмас.

«Судлар тўғрисида»ги қонуннинг 8-боби, 67-моддасида судьяларнинг мустақиллиги қўйидагилар орқали таъминланади:

- а) уларни қонунда белгиланган тартибда судьяликка сайлаш, тайинлаш ва судьяликдан озод қилиш;
- б) уларни дахлсизлиги;
- в) одил судловни амалга оширишдаги қатъий таомил;
- г) қарор чиқариш чоғида судьялар маслаҳатлашувининг сир тутилиши ва уни ошкор қилишни талаб этишни таъқиқлаш;
- д) судга ҳурматсизлик ёки муайян ишларни ҳал қилишга аралашмаганлик, судьялар дахлсизлигини бузганлик учун жавобгарлик;
- е) судьяга давлат ҳисобидан унинг юксак мақомига муносиб моддий ва ижтимоий таъминот бериш.

Ҳар қандай ҳалқ маслаҳатчиси ишни ҳал қилишда объективликни йўқотган бўлса, яъни ноқонуний ҳаракати аниқланган бўлса, у ишда иштирок этишдан четлаштирилади.

қонун устиворлиги ва судьяларнинг мустақиллиги-бир медалнинг икки томони.

Судьяларнинг мустақиллиги уларнинг фақат қонунга бўйсуниши бўлса, қонун устиворлиги эса судьяларнинг ички ва ташки факлардан чегараланишидир. қонунга бўйсунмайдиган мустақиллик ўзбошимчаликдир.

Судья жиноят процессининг барча босқичларида юзага келадиган масалаларни мустақил ҳал қиласди, далилларга ўзи баҳо беради. Агар иш бўйича далиллар етарли бўлмаса, унда далилларни тўлдириш учун судга гувоҳларни чақириши, экспертиза тайинлаши ва бошқа ҳаракатларни содир этиши мумкин.

Хаттоқи судда айбланувчи ўз айбини тўлиқ бўйнига олсада, бу судьяга шубҳа уйғотса, унда унинг айби бор ёки йўқми мавжуд далиллар билан исботланиши керак.

Судьяларнинг мустақиллиги ва уларнинг фақат қонунга бўйсуниши принципи турли инстанция судлари ўртасида ўзаро алоқаларни белгилайдиган апелляция, кассация ва назорат инстанцияси хукмни бекор қилиб ва янги суд муҳокамасига юбора туриб, суд хулосаларини олдиндан белгилаб қўйишлари ва чиқарган қарорлари орқали судларнинг мустақиллигини чеклаб қўйишлари мумкин эмас. Ишни қайта кўришда биринчи инстанция судлари хулоса беришда, далилларни баҳолашда, фактларни аниқлашда, ҳатто жиноят қонунини қўллаш ва жазо тайинлашда ҳам юқори турувчи суддан мустақилдирлар. Ишни ҳал қилишда қонунни амалда қўллаш суд учун асосий восита бўлиб, бундай фаолият доираси ташки

таъсирларга ёпиқ бўлади. Юқори турувчи суднинг қонунни қўллаш бўйича тушунтиришлари суд учун қўлланма сифатида қаралади.

Суд ишни қўриш вақтида давлат ёки бошқа орган чиқарган актининг қонунга номувофиқлигини аниqlаса, қонунга мувофиқ қарор қабул қиласди.

Судьяларнинг мустақиллиги ва уларнинг фақат қонунга бўйсуниши нафақат ташқи кўринишида, балки ички кўринишда ҳам, судьялар ишни ҳайъатда кўраётганларида ҳам намоён бўлади. Ҳар бир судья мустақил равишда ҳал қилинаётган масалалар бўйича ўз фикрини билдиради, агар чиқарилган қарорга қўйилмаса, ўзининг алоҳида фикрини баён қилиб, ишга кўшиб қўйиши мумкин.

Бундан ташқари, ушбу принцип судьяларнинг шахсий таассуротларини сақлаб қолади, яъни улар ишни кўрган вақтларида илгариги ишончларини ҳимоя қиласдилар. Шу сабабли Жиноят процессуал қонунида бирор суд инстанцияда ишни қўришда иштирок этган судьянинг худди шу иш бўйича бошқа суд инстанциясида иштирокига йўл қўйилмайди.

Судларнинг мустақиллиги ва уларнинг фақат қонунга бўйсуниши принципи-қонунийлик, адолат ва одил судловга олиб келади. Унинг мазмуни чуқур ахлоқий, ижтимоий ва демократикдир. Одил судловни амалга ошира туриб, судья қонун устиворлигини сўзсиз тан олган ҳолда аниқ ишларни ҳал қилишда ва айбланувчини жавобгарликка тортиш масаласини қонунда белгиланган тартибда ҳал қилиш вақтида ҳеч қандай сиёсий қарашларга эътибор бермаслиги, шахсий обрў орттиришига берилмаслиги, четдан бўладиган ҳар қандай тазиикларга ва аралашувларга йўл қўймаслиги, ўзининг виждони ва ички ишончига асосланган ҳолда адолатли қарор қабул қилиш керак, бу суд фаолиятининг ахлоқий-этик ва юридик мезонлари ҳисобланади.

Қонунда ёзиб қўйилган ушбу принципни ижро этиш судьялардан юқори даражадаги професионаллик, маънавий-психологик сифатларга, оғир ва босиқ характерга, ўзларининг бурчларини бажаришда мустақиллигига ҳар қандай тажовузларга қарши туриши, қонун ва ўз вижденига асосланиши ва адолатпарварлик ҳислатларига эга бўлиши лозим.

Судларнинг мустақиллиги судьяларнинг лавозимига тайинланиши (Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 107-моддаси, «Судлар тўғрисида»ги қонуннинг 63-моддаси), судьялар дахлсизлиги («Судлар тўғрисида»ги қонуннинг 70-моддаси), судьяга нисбатан ҳурматсизлик қилганлик учун жавобгарлик («Судлар тўғрисида»ги қонуннинг 68-моддаси), суд ишларини ҳал қилишга аралашибга йўл қўйилмаслиги («Судлар тўғрисида»ги қонуннинг 69-моддаси) орқали таъминланади.

Қонунга биноан, давлат органлари ва бошқа органлар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, мансабдор шахслар, фуқаролар ва уларнинг мустақиллигига риоя этиши шарт.

Судьяга нисбатан ҳурматсизлик қилиш, шунингдек уни очиқдан-очиқ менсимаслиқдан далолат берувчи ҳатти-ҳаракатлар қилиш қонунга биноан жавобгарликка сабаб бўлади.

Шунингдек, судьяларнинг одил судловини амалга ошириш борасидаги фаолиятига аралашибга йўл қўйилмайди.

Муайян ишни ҳар томонлама, тўла ва холисона кўришга тўсқинлик қилиш ёки ғайриқонуний суд қарори чиқарилишига эришиш мақсадида судьяларга қандай бўлмасин бирон-бир тарзда таъсир этиш қонунга мувофиқ жиной жавобгарликка сабаб бўлади.

Судьядан кўрилган ёки иш юритишдаги ишлар моҳияти бўйича бирон-бир тушунтиришлар берилиши, шунингдек қонун хужжатларида назарда тутилган ҳолларда ва тартибдан ташқари, кимга бўлмасин, танишиб чиқиши учун ишларни тақдим этишни талаб қилиш тақиқланади.

Оммавий ахборот воситалари ўз хабарларида муайян иш юзасидан суд муҳокамаси натижаларини олдиндан ўзича ҳал қилиб қўйишга ёки судга бошқача тарзда таъсир этишга ҳақли эмас.

Конституция ҳамда “Судлар тўғрисида» ги қонунга асосан, судьянинг шахси дахлсиз. Судьянинг дахлсизлиги унинг турар жойига, хизмат хонасига, фойдаланадиган транспорти ва алоқа воситаларига, хат-хабарларига, унга тегишли ашёлар ва хужжатларга тааллуқлидир.

Судьяларнинг шахсий хавфсизлигини таъминлаш мақсадларида уларга тегишли Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси, Олий Ҳўжалик суди раиси, Адлия вазири томонидан белгиланадиган рўйхат бўйича ўқотар қурол берилади. Зарур ҳолларда тегишли суд раисининг қарорига биноан ички ишлар органи судья ва унинг оиласи учун қуролли соқчилар ажратади.

Судьяга нисбатан жиноят иши факат Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан қўзғатилиши мумкин.

Судья тегишинча Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг ёки Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг розилигисиз жиной жавобгарликка тортилиши, ҳибсга олиниши мумкин эмас.

Судья судьяларнинг тегишли малака ҳайъатининг розилигисиз маъмурий жавобгарликка тортилиши мумкин эмас.

Судьянинг турар жойига ёки хизмат хонасига, фойдаланадиган транспортига кириш, уларни кўздан кечириш, улардан тинтуб ўтказиш ёки улардан ашёни олиш, телефондаги сўзлашувларни эшитиш, судьяни шахсан кўздан кечириш ва уни шахсий тинтуб қилиш, шунингдек унинг хат-хабарларини унга тегишли ашёлар ва хужжатларни кўздан кечириш, олиб қўйиш ёки олишга Қорақалпоғистон Республикаси прокурорининг, вилоят, Тошкент шаҳар прокурорининг, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурорининг рухсати ёки суднинг қарори билан йўл қўйилмайди.

Туманлараро, туман (шаҳар) суди, округ ва худудий ҳарбий суд судьясига нисбатан жиноят иши юқори турувчи суд судловига, бошқа судлар судьяларига нисбатан эса Ўзбекистон Республикаси Олий суди судловига тегишилдир.

Судда ўз вазифаларини бажараётган даврда ҳалқ маслаҳатчиларига судьялар дахлсизлигининг барча кафолатлари татбиқ этилади.

Хуллас, бугунги кунда судьяларнинг мустақиллигини янада чукурроқ таъминлаш, уларни жазоловчи орган эмас, фуқароларнинг ҳукуқ ва қонуний

манфаатларини ҳимоя қилувчи орган даражасига эришиши бугунги куннинг давр талабидир.

Қачонки судлар мустақил бўлмас экан, фуқаролар ҳақ-хукуқсиз бўладилар. Фақат қонунга бўйсунувчи суд, судьялар эса қонунга, ўз вижденига амал қилиб, айлов ва ҳимоя томонларининг фикрларини холисона ҳисобга олиш асосида мустақил равишда адолатли, қонуний ҳукм чиқариши мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, суд тизимини ислоҳ қилишда асосий эътибор , аввало ҳукм чиқарувчи судьяларнинг чинакам мустақиллигини таъминлашга қаратилиши керак.

### **3.7. Жиноят ишини қўзғатишнинг муқаррарлиги**

Жиноят ишини қўзғатиш босқичида суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд билан жиноят содир этилган, этилмаганлиги тўғрисида маълумот берган шахс ва бошқалар ўртасидаги муносабатлар шаклана бошлайди. Бу муносабатларни тартибга солиш жиноят процессини юритувчи субъектларга юклатилади.

Жиноят ишини қўзғатиш тўғрисида асос ва сабаблар вужудга келиши билан уларнинг фаолияти бошланиб, жиноят ишини қўзғатиш ёки жиноят ишини қўзғатишни рад этиш тўғрисида ёхуд аризани терговга тегишлилиги бўйича юбориш тўғрисида қарор чиқариш масалалари ҳал қилинади. Ушбу босқич ўз ичига аризани қабул қилиш ва текшириш, иш натижаси бўйича эса қонуний, асосли ва адолатли қарор қабул қилиш, жиноятларни олдини олиш ва далилларни топиш, тўплаш, сақлаш ҳаракатларини қамраб олади. Шунинг учун ҳам жиноят ишини қўзғатиш босқичини фақатгина жиноят ишини қўзғатиш тўғрисида қарор қабул қилишдан иборат, дейиш нотўғридир.

Жиноят ишини қўзғатиш ёки жиноят ишини қўзғатишни рад этиш натижасида вужудга келадиган ва жиноят процессуал ҳукуқи билан тартибга солувчи муносабатлар жиноят процессуал муносабат деб аталади. Агар уларни тартибга солинувчи нормалар бўлмаса, ҳукуқий муносабатлар ҳам мавжуд бўлмайди. Шундай қилиб, жиноят процессуал ҳукуқий муносабатлар - жиноят ишини қўзғатиш, тергов қилиш, суд муҳокамаси ва жиноят процессининг бошқа босқичларида иш юритишда фуқаролар, давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг муносабатларини тартибга солиб туриш натижасида юзага келади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодекси содир этилган ёки тайёрланаётган жиноятлар тўғрисида ариза ва шикоятларни олиш, рўйхатдан ўтказиш ва текшириш бўйича мажбуриятни суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд зиммасига юклайди. Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексининг 302-моддасида жиноят ишини қўзғатишнинг сабаб ва асослари кўрсатилган. Жиноят ишини қўзғатишнинг сабабларини содир этилган ёки тайёрланаётган жиноят тўғрисидаги маълумотлар ташкил этади. Яъни:

- 1) шахсларнинг аризалари;

- 2) корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслар берган хабарлар;
- 3) оммавий ахборот воситалари берган хабарлар;
- 4) жиноят содир этилганлигини қўрсатувчи маълумотлар ва судларни суриштирув органи, суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суднинг бевосита ўзи аниқлаши;
- 5) айбини бўйнига олиши тўғрисидаги арз сабаб бўлади.

Жиноят ишини қўзғатиш учун фақатгина сабабни ўзи етарли бўлмасдан, балки асос ҳам мавжуд бўлиши лозим. Жиноят процессуал қонуни жиноят ишини қўзғатиш учун асос қилиб, жиноят ишини қўзғатиш учун сабаблар мазмунида жиноят белгиларини қўрсатувчи маълумотларни асос қилиб қўрсатади.

Жиноят белгиларини жиноят таркибидан фарқлаш лозим. Жиноят белгилари - бу қилмишни жиноят эканлигини қўрсатувчи белгилар йиғиндисидир. Буларга қуидагилар киради: ижтимоий хавфлилиги; хукуққа хилофлиги; айбнинг мавжудлиги; жазонинг муқаррарлиги.

Жиноят таркиби шахсни жиноий жавобгарликка тортишга сабаб бўлиб хизмат қиласди. Шу муносабат билан ЖПКнинг 15-моддасида суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд жиноят асослари топилган ҳар бир ҳолда ўз ваколатлари доирасида жиноят ишини қўзғатиш, жиноий ходисани, жиноят содир этишда айби бўлган шахсларни аниқлаш ва уларни жазолаш учун қонунда назарда тутилган барча чораларни қўришлари шартлиги қўрсатилган. Демак, жиноят ишини қўзғатиш учун сабаб ва етарли асослар мавжуд бўлган ҳар бир ҳолатда суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд қонун олдидаги жиноят ишини қўзғатиш мажбуриятларини адо этишлари талаб этилади.

Жиноят тўғрисида аризалар процессуал шаклда, тергов ҳаракатлари ёрдамида текширилади. Жиноят иши қўзғатилгунга қадар қонун қўйидаги тергов ҳаракатларини амалга оширишга йўл қўяди: қўздан кечириш, экспертиза ўтказиш ва экспертиза текширувлари учун намуналар олиш.

Тайёрлананаётган ёки содир этилган жиноят тўғрисидаги хабарларни текшириш муддатлари жиноятга оид хабар олинган пайтдан бошлаб, то ишни қўзғатиш ёки қўзғатишни рад қилиш тўғрисида қарор қабул қилунга қадар бўлган вақтни ўз ичига олади (уч суткадан ўн суткага қадар). Кўрсатилган муддатлар ичida қўшимча ҳужжатлар, изоҳлар талаб қилиб олиш, шунингдек шахсни ушлаб туриш, ҳодиса содир бўлган жойни қўздан кечириш ва экспертиза ҳаракатлари ўтказилиши мумкин. Иш қўзғатилгунга қадар бошқа тергов ҳаракатларини ўтказиш ман қилинади.

Жиноят процесси илк босқичининг асосий вазифаси жиноят ишини қўзғатилишида ёки рад этиш шартларини бор ёки йўқлигини белгилашдан иборат. Суд, прокурор, терговчи ва суриштирувчи ҳар бир жиноят белгилари мавжуд бўлган, факт бўйича жиноят ишини қўзғатишлари, иккинчи

томонидан эса - иш бўйича иш юритишни истисно этувчи ҳолатлар мавжуд бўлганда жиноят ишини қўзғатишга йўл қўймасликлари лозим.<sup>13</sup>

Ушбу босқичда жиноятни содир этиш фактини аниқлаш, айбланувчини айбини фош этиш вазифаси қўйилмайди. Чунки жиноят белгилари мавжудлигини берувчи маълумотларда қилмишнинг ҳақиқатдан ҳам содир этилган ёки этилмаганлигини тасдиқловчи фактик маълумотлар мавжуд ёки мавжуд эмаслиги аниқланмаган бўлади. Шунинг учун дастлабки тергов ва жиноят ишини қўзғатиш босқичини вазифалари бир хил эмас.<sup>14</sup>

Кўп ҳолларда жиноят ишини қўзғатиш босқичида жиноят содир этган шахсни аниқлашга ҳеч қандай эхтиёж сезилмайди. Чунки жиноят ишини қўзғатиш учун етарли асосларни мавжуд бўлиши кифоя. Аммо маҳсус субъектли жиноятларда жиноят содир этган шахсни аниқлаш лозим. Чунки қилмиш маҳсус субъект томонидан содир этилмаган бўлса, жиноят бўлиб ҳисобланмайди. Аммо ушбу босқичда жиноят содир этган шахсни аниқлаш ва уни фош этиш вазифаси бор ёки иложи борича жиноят содир этган шахсни аниқлаш керак, деган фикрга қўшилиб бўлмайди.<sup>15</sup> Чунки бундай вазифалар дастлабки терговга тегишлидир.

Шундай қилиб жиноят ишини қўзғатишнинг процессуал тартиби қуидагича бўлади. Жиноят ишини қўзғатишни тартибга солувчи қонун нормаларига кўра, жиноят ишини қўзғатишга асос ва сабаблар мавжудлиги ва уларнинг ишончлигига эътибор бериш ва баҳолаш лозим. Амалиётда кўп ҳолларда фуқаролар томонидан нотўғри маълумотлар берилганлиги аниқланиб, натижада жиноят ишини рад қилиш ва дастлабки терговни тугатишга тўғри келади.

ЖПКнинг 322-моддасида назарда тутилган сабаблар ва асос мавжуд бўлган тақдирда жиноят ишини қўзғатиш тўғрисида суриштирувчи, терговчи, прокурор қарор суд эса ажрим чиқаради.

Қарор ёки ажримда; ишни қўзғатиш учун сабаблар ва асос; Жиноят кодексининг жиноят иши қўзғатилган жиноятни назарда тутувчи моддаси; ишни ўз юритувига олувчи мансабдор шахс кўрсатилади.

Суриштирувчи, терговчи, суд ишини қўзғатиш тўғрисидаги қарор ёки ажримнинг нусхасини ишнинг тергов қилиниши устидан назоратни амалга ошириши лозим бўлган прокурорга юборади.

Иш қўзғатилгандан кейин жиноят излари, нарсалар ва хужжатларни мустаҳкамлаш ва қўриклиш юзасидан дарҳол чоралар кўриш лозим.

ЖПК 83-моддасининг 1 ва 2 бандларида ҳамда 84-модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ҳолатлар аниқланган тақдирда, жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш тўғрисида суриштирувчи, терговчи ёки прокурор қарор, суд эса ажрим чиқаради. Бу ҳақда жиноят содир этилганлиги тўғрисида хабар берган фуқаро, корхона, муассаса, ташкилот, жамоат

<sup>13</sup> Кузнецов Н.П. Доказывание в стадии возбуждения уголовного дела. –Воронеж: 1983. -Б. 16.

<sup>14</sup> Дорохов В.Я. Возбуждение уголовного дела как первоначальная часть стадии предварительного расследования. –М.: 1992. -Б. 114.

<sup>15</sup> Элькинд П.С. Цели и средства их достижения в уголовно-процессуальном праве. –Л.: 1976. -Б. 44.

бирлашмаси ёки мансабдор шахс хабардор қилинади. Бунда уларга қарор ёки ажрим устидан шикоят қилиш ҳуқуқлари ва тартиби тушунтирилиши лозим.

Жиноят ишини қўзғатиш тўғрисида қарор ёки ажрим чиқарилгандан кейин ишни: суд - ишни дастлабки тергов юритиш учун прокурорга юборади; прокурор - иш бўйича ЖПКнинг 345-моддасига мувофиқ дастлабки тергов олиб бориш учун терговга ёки суриштирув олиб бориш учун суриштирув органи бошлиғига юборади ёхуд ўзи дастлабки терговни юритишга киришади; терговчи - дастлабки тергов юритишга киришади ва бу ҳолдан дарҳол прокурорни хабардор қиласди; суриштирув органининг бошлиғи ишни суриштирув ўтказиш учун суриштирувчига юборади ёки ўзи суриштирув юритишга киришади ва бу ҳолдан дарҳол прокурорни хабардор қиласди; суриштирувчи -суриштирув юритишга киришади ва бу ҳақда дарҳол прокурорни хабардор қиласди.

Ушбу принципни амалиётда қўллашда бир қанча муаммолар мавжуд. ЖПКнинг 15-моддасидаги жиноят аломатлари топилган ҳар бир ҳолда, суриштирувчи, прокурор, терговчи ва судга жиноят ишини қўзғатиш мажбуриятини олади. Аммо амалиётда айрим ҳолларда жиноят иши қўзғатилмасдан, қўзғатилган жиноят ишини рад қилиш билан чекланилади. Ундан ташқари жиноят ишини қўзғатиш босқичида исботлаш предметига эътибор қилинмаслиги сабабли кўп жиноят ишлари тугатилади.

Амалиётчи ва назариётчи олимлар томонидан жиноят ишини қўзғатишнинг муқаррарлиги принципи бизнинг фикримизча тўғри тадқиқ этилмаган. Чунки дастлабки терговда айбланувчига нисбатан бошқа жиноятни содир этганликни кўрсатувчи далиллар мавжуд бўлганда айбланувчига нисбатан янги айлов эълон қлиниади. Шу жиноят бўйича бошқа шахснинг иштирокчилиги аниқланган ҳолларда у шахс ишга айбланувчи сифатида жалб қилинади. Аммо унга нисбатан янги жиноят иши қўзғатилмайди. Бироқ жиноят ишини қўзғатишнинг муқаррарлиги принципида ҳар бир жиноят факти бўйича жиноят ишини қўзғатиш муқаррарлиги кўрсатилган.

### **3.8. Шахснинг шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилиш**

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларациясига биноан барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъий назар, қонун олдида тенгдирлар.

Ушбу қоиданинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18-моддасида белгиланиши Ўзбекистонни дунёдаги энг демократик мамлакатлар даражасига кўтарди. Чунки инсонни улуғлаш, уни ким бўлишидан қатъий назар, қонун олдида тенглигини таъминлаш ҳамда унинг ҳақ-ҳуқуқларини қўриқлаш фақат демократик давлатларгагина хосдир.

Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларациясининг 1-моддасида қўйидаги сўзлар битилган: «Ҳамма одамлар ўз қадр-қиммати ҳамда ҳуқуқларида тенг бўлиб туғиладилар. Уларга ақл ва виждан ато қилинган, бинобарин бир-бирларига биродарлик руҳида муносабатда бўлишлари керак».<sup>16</sup>

Конституциянинг 27-моддасига мувофиқ, ҳар ким ўз шаъни ва обрўсига қилинган тажовузлардан, шахсий ҳаётига аралашишдан ҳимояланиш ва туар жой дахлсизлиги ҳуқуқига эга. Ушбу конституциявий принцип асосида жиноят процессуал қонунининг 17-моддасига қатор қоидалар киритилган. Ушбу моддага кўра, судья, прокурор, терговчи ва суриштирувчи ишда қатнашаётган шахсларнинг шаъсни ва қадр-қимматини ҳурмат қилишлари шарт.

Ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон шаъни ва қадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги тазийққа дучор этилиши мумкин эмас.

Инсон шаъни ва қадр-қимматини камситадиган, унинг шахсий ҳаётига тааллуқли маълумотлар тарқалиб кетишига олиб келадиган, соғлиқни хавф остига қўядиган, асоссиз равишда унга жисмоний ва маънавий азоб-уқубат етказадиган ҳаракатлар қилиш ёки қарорлар чиқариш тақиқланади.

Маълумки, шахснинг шаъни ва қадр-қиммати бу инсонга тегишли хусусиятдир. Сиёсий-ҳуқуқий нуқтаи назардан фуқароларнинг шаъни ва қадр-қиммати, унинг ҳаёти ва соғлиғи ёки шахсий эркинлиги сингари такрорланмайдиган бойлиkdir.

Шаън-бу жамиятнинг шахсга баҳоси, жамият аъзоси сифатида фуқаро ижтимоий ва маънавий хусусиятларининг ўлчовидир. Жамиятнинг шахсга баҳоси тўғридан-тўғри фуқароларнинг ўзига боғлиқдир, чунки унинг шахси давлатга ва жамиятга ўзини ўраб турган инсонларга муносабати ҳамда баъзи бир ҳаракатлари ва умумий фаолияти асосида шаклланади. У инсон фаолиятининг ижтимоий ҳаётдаги ўрни ва самарали фаолияти фойдалилигига боғлиқ чунки бу сифат унинг барча мавжуд хизматларини акс эттиради. Ҳар бир инсон доимий бўлмаган ўзининг ижтимоий баҳосига эга чунки шахснинг ижтимоий мавқеи ва мақоми унинг содир этилган ҳаракатларига қараб ўзгариши мумкин.

Қадр-қиммат ўзининг жамиятдаги ўрнига, шахсий хусусиятларига, қобилиятига, дунёқарашига қараб ўз-ўзини ички баҳолашидир. Ҳар бир инсон ўзининг жамиятдаги тутган ўрнини англаб етади. Унга ўз-ўзини ҳурматлаш ва бошқа одамлар уни ҳурматлашини ҳис қилиш хусусиятлари хосдир. Инсоннинг жамиятда тутган ўрнини ўзи англаб етиши умуман унинг ҳаракат ва хулқини аниқлаб беради.

Фуқаронинг шаъни ва қадр-қиммати Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Жиноят кодекси, Жиноят процессуал кодекси ва бошқа қонунлар билан муҳофаза қилинади.

<sup>16</sup> Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига оид халқаро хужжатлар. Тўплам. Масъул муҳаррир А.Х.Сайдов. –Т.: Адолат, 2004. –Б.13.

Жиноят процессида ишнинг тўғри ҳал қилинишини таъминлаш мақсадида нафақат гумон қилинувчи ва айбланувчининг балки, жабрланувчи, гувоҳ ва бошқа иштирокчиларининг хуқуқ ва эркинликлари чекланади, шахсий ҳаётдаги ҳолатлар, қадриятлар билан боғлиқ сифатлар ошкор этилади. Бундай ҳолатда шахсий ҳаёти билан боғлиқ камситишларга йўл қўймаслик учун шахснинг шахсий ҳаётини кафолатловчи кучли механизм зарур.

Бундай муҳофаза функциясини комплекс ҳуқуқий нормаларни ўзида мужассамлаштирган принцип амалга оширади. Ушбу принципнинг мазмунига биноан, суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд процессуал ҳаракатларни амалга ошираётганда ва қарор чиқараётганда ишда иштирок этувчи шахсларнинг шаъни ва қадр-қимматининг камситилишига йўл қўйилмасликлари, уларга нисбатан процессуал мажбурлов чораларини зарур ҳоллардагина қонун асосида ва доирасида қўллашлари зарур. Бундан ташқари давлат органлари ишда иштирок этувчи шахслар, уларнинг оила аъзолари ва яқин қариндошларининг шаъни ва қадр-қимматига нисбатан кутиладиган тажовузлардан ҳимоя қилишлари, уларнинг хавфсизлигини ҳимоя қилувчи чоралар кўришлари лозим.

Принцип давлат органлари ва ишда иштирок этувчи шахслар ўртасида ўзаро алоқа ўрнатади. Яъни биринчилари ишда иштирок этувчи шахсларнинг шаъни ва қадр-қимматини муҳофаза этишга мажбур бўлса, иккинчи томон ўзларига нисбатан камситиш муносабатида ҳимоянинг кенг комплекс воситасидан фойдаланади. Ушбу принцип шахсга нисбатан жисмоний, маънавий ва бошқача қўринишда зарар етказувчи ҳаракатларни содир қилиш доирасини четлайди. Масалан, эксперемент, гувоҳлантириш, шахсий тинтуб каби тергов ҳаракатлари ўтказилаётганда иштирок этувчи шахснинг соғлиги ва ҳаёти учун хавфли, шаъни ва қадр-қиммати камситувчи ҳаракатларни амалга оширишга йўл қўйилмайди.

Суд ишларини юритувчи шахслар далилларни тўплаш мақсадида шахснинг розилигисиз тиббий, илмий ёки бошқа тажрибаларни ўтказа олмайди. ЖПКнинг 181-моддасига биноан, мураккаб тиббий текширув усулларидан, шунингдек кучли оғриқ бериш билан боғлиқ усуллардан мажбурий фойдаланишга фақат экспертиза ўтказаётган шахснинг розилиги билан йўл қўйилади. Башарти бундай шахс 16 ёшга тўлмаган ёки руҳий касал бўлса, экспертиза унинг қонуний вакили, васий ёки ҳомийсининг розилиги билан амалга оширилади.

Агар иш юритиш жараёнида ишда иштирок этувчи шахсларнинг шахсий ҳаётидаги интим муносабатларига оид маълумотлар аниқланса, давлат органлари бундай маълумотлар (фарзандлик сири, шифокор сири ва б.) тарқалиб кетишининг олдини олувчи чоралар кўришлари лозим. Сўроқ қилиш учун чақирилган шахс ўзига қарши, турмуш ўртоғи ёки яқин қариндошларига қарши кўрсатув беришга мажбур эмас. Масалан, ЖПКнинг 116-моддасига асосан гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг яқин қариндошлари гумон қилинувчи, айбланувчига тааллуқли ҳолатлар ҳақида гувоҳ ёки жабрланувчи тариқасида фақат

ўзларининг розиликлари билан сўроқ қилинишлари мумкин. Суд оқлов ҳукмида оқланган шахснинг айбисизлигини шубҳа остига қўймаслиги керак. қонун суриштирувчи, терговчи, прокурор, судга гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ва бошқа шахслардан зўрлик қўрқитиш ва бошқа ноқонуний йўллар билан қўрсатма олишни таъқиқлайди. Шунингдек қонун тунги вақтда процессуал ҳаракатиларни ўтказишга йўл қўймайди, кечиктириб бўлмайдиган ҳолатлар бундан истисно.

Кўриб чиқилаётган ушбу принцип реабилитация қилинган шахсга нисбатан етказилган зарарнинг қопланишини ҳам назарда тузатади. Реабилитация этилган шахс қонунга ҳилоф равища ушлаб турилгани, эҳтиёт чораси сифатида қонунга ҳилоф равища қамоқда сақлангани, ишда айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилингани туфайли лавозимидан қонунга ҳилоф равища четлаштиргани ёхуд тиббий муассасага қонунга ҳилоф равища жойлаштирилгани натижасида унга етказилган мулкий зарарни ундириш ҳамда маънавий зиён оқибатлари бартараф этилишини талаб қилиш ҳуқуқига эга (Ўзбекистон Республикаси ЖПК 302-моддаси). Оқлов ҳукми чиқарилган, шунингдек ЖПКнинг 83-моддасида назарда тутилган ҳолатлар юзасидан реабилитация қилинган шахсга етказилган барча зарарлар, суриштирув, терговчи, прокурор, суднинг айби бор-йўқлигидан қатъий назар тўлиқ қопланади. Бундай ҳолларда шахснинг меҳнат қилиш, пенсия олиш, уй-жойдан фойдаланиш ва бошқа ҳуқуқлари, шунингдек маънавий зарар натижасида - аввалги мавқеи, шаъни, ишчанлиги обрўси, қадр-қиммати ҳам тикланиш лозим.

### **3.9. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш**

Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ва Жиноят процессуал кодексининг 18-моддасида мустаҳкамланган бўлиб унинг иккинчи кўриниши мавжуд.

Биринчидан, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари, шаъни ва қадр-қиммати олий қадрият хисобланади. Иккинчидан, қонун барча давлат органлари мансабдор шахсларга фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишни мажбурият қилиб юклайди.

Бундан кўринадики:

а) фуқаронинг шахсий ҳаёти, уларнинг турар жойлари дахлизлиги, ўзаро ёзишмалари, телеграф ва телефон орқали сўзлашувларнинг сир сақланиши қонун билан қўриқланади. Бундай ҳуқуқлардан маҳрум қилиш факат Ўзбекистон Республикаси ЖПК сининг талабларига риоя қилинган ҳолда чекланади. Фуқароларга нисбатан эҳтиёт чораси сифатида қамоқса олиш прокурорнинг рухсати билан амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси ЖПК да белгиланган барча тергов ҳаракатларини ўтказишнинг процессуал тартиби қатъий ушбу қонунда мустаҳкамланган. Тезкор қидирав натижасида олинган маълумотлар жиноят процессида далил сифатида фойдаланмаслиги фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя қилинишининг кафолати сифатида қараш мумкин;

б) тергов ҳаракати ўтказишда иштирок этадиган шахсларнинг шаъни ва қадр-қимматлари, ҳаёт ва соғлиқлари қўриқланади. Жиноят процессуал кодексида шахсга моддий, жисмоний ва маънавий зўрлик ишлатишга йўл қўйилмайди. Тергов эксперементи, гувоҳлантириш, шахсий тинтув каби тергов ҳаракатларини ўтказишда шахснинг шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилиш шахснинг ҳаёт ва соғлиғига зарар етказмаслиги лозим. Айбланувчи ва бошқа шахсларни уруш, дўппослаш натижасида кўрсатув беришга мажбур қилиш таъкиқланади.

Иш юритиш жараёнида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини бузиш оқибатида унга етказилган зарар жиноят процессуал қонунда белгиланган асослар ва тартибда ундирилиши лозим.

Амалиётда кўп ҳолларда тергов ҳаракатлари қонунни бузиш натижасида олинади. Айнан тергов ҳаракатларини қонунга мувофиқ ҳолда, ўтказилмаслиги фуқаронинг ҳуқуқ ва манфаатларига таъсир қиласди. Чунки тергов ҳаракатлари мезонларидан бири бўлиб, унинг давлат мажбуров кучи билан таъминлангани, кейингиси эса фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига таъсири ҳисобланади.<sup>17</sup>

Тергов ҳаракатларини амалга оширишнинг умумий шартларига куйидагилар киради:

1. Жиноят ишининг қўзғатилганлиги;
2. Айнан шундай тергов ҳаракатини ўтказиш учун асосларнинг мавжуд бўлиши;
3. Тергов ҳаракатини иш юритишни ўз юритувчига қабул қилиб олган шахс ёки унинг топшириғига биноан бошқа шахс томонидан амалга оширилади;
4. Тергов ҳаракатлари натижаларини қайд этилиши.

Амалиёт ходимлари томонидан, жиноят ишини қўзғатмасдан туриб, тергов ҳаракатларини амалга ошириш ёки сўроқ қилишда процесс иштирокчиларига тазийқ ўтказиш ҳолатлари учраб туради.

Тезкор қидирув фаолиятининг тартибга солиб турувчи қонунларнинг йўқлиги, шундай ижтимоий муносабатларни ички қонун ости норматив ҳужжатлари билан тартибга солиш натижасида фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини бузилишига сабаб бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 991-моддасида “қонунга хилоф тарзда ҳукм этиш қонунга хилоф тарзда жиноий жавобгарликка тортиш эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олиш ёки муносиб ҳулқ-атворда бўлиш ҳақида тилҳат олишни қонунга хилоф қўлланиши, қамоқ тариқасидаги маъмурий жазони қонунга хилоф тарзда бериш натижасида фуқарога етказилган зарар суриштирув, дастлабки тергов прокуратура органлари ва суднинг мансабдор шахслари айбидан қатъий қонунда белгиланган тартибда давлат томонидан тўла хажмда қопланади.

<sup>17</sup> Рыжаков А. П. Следственные действия и иные способы собирания доказательств.-М.: 1997. -Б. 9.

Суриштирув, дастлабки тергов, прокуратура органлари ва суднинг бошқа тарздаги қонунга хилоф фаолияти натижасида фуқарога ёки юридик шахсга етказилган зарар, агар қонунда бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, умумий асосларда тўланади», -деб қўрсатилган. Амалиётда ҳукуқ ва эркинликлари бузилган шахсларнинг бундай ҳукуқлардан фойдаланиши етарлича эмас.

### **3.10. Жиноят процессида ҳақиқатни аниқлаш принципи**

ЖПКнинг 22-моддасига кўра суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд ишни ҳар томонлама тўла ва холисона олиб бориши, ишда юзага келадиган ҳар қандай масалани ҳал қилишда айбланувчини ёки судланувчини ҳам фош қиладиган, ҳам оқладиган, шунингдек унинг жавобгарлигини ҳам енгиллаштирадиган, ҳам оғирлаштирадиган ҳолатлар аниқлаши ва ҳисобга олиши лозим.

Ишни ҳар томонлама, тўла ва холисона олиб бориш мажбурияти барча процесс иштирокчиларига эмас, балки суриштирувчи, терговчи, прокурор ва судга тегишлидир, чунки уларга исботлаш мажбурияти, яъни далилларни тўплаш, текшириш, ички ишончлари, ҳуқуқий онгигага асосланган ҳолда баҳолаш мажбурияти юклатилган. Айнан суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд айбланувчининг тақдири ҳамда ишни ҳал қилиш юзасидан қарор қабул қилиш ваколатига эга.

Иш ҳолатлари ЖПКнинг 82-моддасида қўрсатилган исботлаш предмети асосида тўла ўрганилиши лозим. Иш ҳолатларини тўла ўрганиш барча тергов версияларини текшириб кўришни талаб этади.

Исботлаш предмети деб ҳар бир жиноят иши учун исботланиши лозим бўлган ҳолатлар йиғиндисига айтилади. Буларга қуйидагилар киради:

- жиноят обьекти, жиноят туфайли етказилган зиённинг хусусияти ва миқдори, жабрланувчининг шахсини тавсифловчи ҳолатлар;
- содир этилган жиноятнинг вақти, жойи, усули, шунингдек Жиноят кодексида кўрсатилиб ўтилган бошқа ҳолатлар, қилмиш ва рўй берган ижтимоий хавфли оқибатлар ўртасидаги сабабий боғланиш;
- жиноятнинг ушбу шахс томонидан содир этилганлиги;
- жиноятни эгри ёки тўғри қасд билан ёхуд бепарволик ёки ўз-ўзига ишониш оқибатида содир этилганлиги, жиноятнинг сабаблари ва максади;
- айбланувчининг, судланувчининг шахсини тавсифловчи ҳолатлар.

Ҳар томонлама ишларни юритиш деганда иш бўйича исботланиши лозим бўлган ҳолатларни исботлаш учун етарли бўлган далиллар мажмуи тушунилади. Ишларни кўриш ва тергов қилиш вақтида айни ҳам оғирлаштирадиган ҳам енгиллаштирадиган далиллар тўпланиши лозим. Лекин иш бўйича бирор қарор қабул қилиш учун далиллар тўла бўлиши керак.

Холисоналик - бу иш бўйича далилларни ва бошқа ҳолатларни текширишга бўлган муносабат. Иш ҳолатларини текширишда ҳам

оғирлаштирувчи, ҳам енгиллаштирувчи айловчи ва оқловчи ҳолатларни инобатга олиш назарда тутилади.

Иш бўйича ҳақиқатни аниқлаш учун фақат ЖПК да назарда тутилган тартибда топилган, текширилган ва баҳоланган маълумотлардан фойдалаланиш мумкин. Гумон қилинувчидан, айланувчидан, судланувчидан, жабрланувчидан, гувоҳдан ва ишда иштирок этувчи бошқа шахслардан зўрлаш, кўрқитиш, ҳукуқларини чеклаш ва қонунга ҳилоф бўлган ўзгача чоралар билан кўрсатувлар олишга ҳаракат қилиш ман этилади.

Исботлаш субъектларидан бири суд ҳисобланади. Хорижий мамлакатлардан АҚШ ва Европанинг ривожланган мамлакатларида суд исботлаш субъекти ҳисобланмайди. У айлов ва ҳимоя томонидан тўпланган далилларни текшириб чиқиб, ишни ҳал қиласди. Бунда суднинг ишни юритишида холислиги таъминланади. Суднинг, прокурор, терговчи ва суриширувчи билан манфаатлари бир хил бўлиши олди олинади.

Жиноят иши бўйича объектив ҳақиқатни аниқлаш ва адолатли қарор қабул қилишда жиноят процессини тортишув ва тарафларни тенглиги принципига асосланиши муҳим аҳамиятга эга. Жиноят процессида ҳақиқатни аниқлаш исботлаш ёрдамида аниқланади. Ҳақиқат турли давр философларнинг диққат марказида турган. Улар ҳақиқатга турлича таърифлар берганлар: «Ҳақиқат-бу борлиқни билиш», «Ҳақиқат-ўзаро келишилган билимлилик хусусиятлари», «Ҳақиқат-бу билимнинг фойдалилиги, самаралилиги», «Ҳақиқат-бу розилик»<sup>18</sup>. Ҳақиқат муаммолари жиноят процесси билан боғлиқ фалсафий термин ҳисобланган «ҳақиқат» жиноят процессуал кодексининг турли масалаларда учрайди, лекин бунга аниқлик киритилмаган.

Собиқ иттифоқ даврида «ҳақиқат» тушунчасига илмий жиҳатдан эмас, балки ўзларининг ғоялари билан ёндашганлар. Улар, далиллар назарияси асосида «ягона илмий» деб баҳоланган диалектик материализм гносеологияси ётади, деб ҳисоблаганлар. Шунинг учун ҳозирги кунда ҳам кўпгина олимлар одил судлов томонидан ўрнатиладиган ҳақиқатни абсолют деб ҳисоблайдилар: «...судда абсолют ҳақиқатни аниқлаш жиноятни ҳақиқий ҳолатларини объектив ва тўла билишдан иборат бўлиб, бу даражадаги аниқлик келажакда мазкур жиноятни фош этилишига сабаб бўлади».<sup>19</sup>

Юқордагиларни инобатга олиб, жиноят процессуал қонунчиликда ҳам ҳақиқат тушунчасига таъриф берилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

### 3.11. Айбизлилк презумпцияси

Айбизлилк презумпциясига биноан ҳар бир жиноят содир этишда айбланаётган шахс айби конунда белгиланган тартибда ва қонуний кучга кирган суд ҳукми билан исботланмагунга қадар айбиз ҳисобланади.

<sup>18</sup> Чудинов Э. М. Природа научной истины. –М.: Юриздат, 1997. –Б.11.

<sup>19</sup> Кореневский Ю.В. Актуальные проблемы доказывания в уголовном процессе. // Государство и право. -1999. -№ 2. –Б. 55.

Айбизлик презумпцияси судья, прокурорнинг шахсий фикрини акс эттирамайди.

Айбланувчининг айбини бўйнига олиши айблов ҳукмида фақат бошқа далиллар мажмуи билан тасдиқланган бўлсагина, эътиборга олинади. Айбланувчининг айби суд муҳокамасида исботлангандан сўнг айбдор деб ҳисобланади. Барча гумон, шубҳалар айбланувчининг фойдасига ҳал қилинади. Содир этилган жиноятда айбланувчининг иштирокини исботловчи далилларнинг етарли бўлмаслиги ёки далилларни тўплашнинг имкони йўқлиги ишни тугатиш ёхуд оқлов ҳукми чиқарилишига асос бўлади.

Ҳеч ким суднинг қонуний кучга кирган ҳукмисиз жиноят содир этишда айбдор деб ҳисобланиши ва жазога тортилиши мумкин эмас.

Айбизлик презумпцияси одил судловнинг назария ва амалиётида, жиноятчиликка қарши курашда тўғри йўлни кўрсатувчи компас вазифасини ўтайдиган асосий, муҳим принциплардан биридир.

Коммунистик ғоя ҳеч қачон ҳуқуқий давлат назарияси ва ҳокимиятнинг бўлинишини тан олмаган. Конституция, суд тизими ва ва қонунларда етарли даражада демократик кўринишга эга бўлган одил судловни ташкил этиш ва уни амалга оширишни тартибга солувчи ҳуқуқий нормалар халқаро стандартлар нуқтаи назаридан баҳоланмаган. Бу ердаги баҳтсизлик шунда эдики, Конституциявий декларациялар билан реал ҳаёт ўртасида коммунистик партиянинг зўравонлиги ётарди. Бундай жамиятда айбизлик презумпцияси принципи формал мавжуд бўлса-да, аммо амалда самарасиз <sup>20</sup> эди.

Собиқ СССР даврида мустақил суд ҳокимияти мавжуд бўлмаган. Барча суд, прокуратура, суриштирув ва тергов органлари томонидан нима иш қилинган бўлса, партия коммитетларининг тўғридан-тўғри кўрсатган бўйруқлари асосида амалга оширилган. Натижада айбизлик презумпцияси қонун нормасида ўз ифодасини топган бўлсада, аммо ҳаётда ўз ўрнини топа олмас эди. Айбизлик презумпциясининг амалда бўлиши давлат сиёсати ва тўлақонли мустақил суд ҳокимиятининг мавжуд бўлиши билан боғлик.

Хуллас айбизлик презумпцияси айбланувчининг асосланмаган айблов натижасида жазоланишининг олдини олевчи кафолатлардан бири ҳисобланади.

### **3.12. Суд ишларини юритишда тортишувчилик**

ЖПКнинг 25-моддасида суд ишларини юритишда тортишув принципи мустаҳкамланиб қўйилган. Унга биноан, биринчи инстанция судининг суд мажлисида, шунингдек ишларни юқори судда кўрилишида иш юритиш тарафларнинг ўзаро тортишуви асосида амалга оширилади. Бунда айблов, ҳимоя ва ишни ҳал қилиш вазифалари бир-биридан алоҳида бажарилиб, айнан бир орган ёки бир мансабдор шахс зиммасига юклатилиши мумкин эмас.

<sup>20</sup> Савицкий В. М. Презумпция невиновности. –М.: Норма, 1997. –Б. 5.

Одил судлов тортишув тизими орқали амалга оширилади. Бунда процессуал нормалар асосида томонларга далиллар тақдим этиш имконияти берилади. Далилларни баҳолаш ва хукм қилиш ваколати учинчи бир шахсга юклатилади.<sup>21</sup>

Жиноят ишлари бўйича тортишув тизимида айбланувчига айблилигига далиллар воситасида судни ишонтиришга ҳаракат қилинади. Бу далиллар асосан давлат органлари томонидан тўпланади. Далиллар айбланувчининг конституциявий ҳуқуқларини бузмаган ҳолда тўпланиши ва бу ҳаракатларни бажаришда қонуннинг барча талабларига риоя қилиниши лозим. АҚШда жиноят ишлари бўйича тортишувчилик босқичида айбланувчига қарши далиллар қонуний йўл билан олинган ва судда ушбу далилдан фойдаланиш мумкин бўлса, айбланувчи ўзини айбдор деб ҳисоблаб, тайинланадиган жазога рози бўлганда, ишлар судга ўтказилмайди. АҚШ да 70% дан ортиқ жиноят ишлари судгача етиб бормасдан, айбини тан олиш тўғрисидаги битимни тузиш йўли билан ҳал қилинади.

Шундай қилиб, тортишув принципининг асосий элементлари куйидагилардир: айлов ва ҳимоя функциясининг одил судлов функциясидан ажратилганлиги; тарафларга ўз функцияларини амалга оширишлари учун бир ҳил ҳуқуқлар берилганлиги; суднинг процессадаги раҳбарлиги ва иш бўйича фақат ўзи қарор қабул қилиши.

Юқоридаги функцияларнинг бир-биридан ажратилганлиги ва бир ҳил кучга эга эканлиги тортишув принципининг амал қилишини билдиради. Бундай функцияларни бирлаштириш мантиқ ва психологик жиҳатдан тўғри келмайди. Процеснинг бундай қурилиши тарафларнинг ўз ҳуқуқларини тўла амалга ошира олмаслиги, суднинг фақат айлов томонида қолиб кетишига олиб келади. Агар тарафлар бир-бирларидан алоҳида ҳолда ўз функцияларини бажарсалар, суд улардан мустақил ва холисона айб тўғрисидаги масалани ҳал қилиши мумкин.<sup>22</sup>

---

<sup>21</sup> Уголовное правосудие и принцип состязательности в судебном процессе. –Т.: Адолат, 2000. – Б.6.

<sup>22</sup> К вопросу состязательности в досудебных стадиях уголовного судопроизводства России. // Российский судья. -2001. -№10. -Б. 6.

## **4-БОБ. ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА ДАЛИЛЛАР ВА ИСБОТЛАШ ҲУҚУҚИ**

### **4.1. Далилларнинг назарий ва амалий аҳамияти**

Маълумки, ҳақиқий назария доим амалий хусусиятга эга бўлади, шу асосда биз ҳақиқий маълумотлар «далиллар», «фактик маълумотлар (данные) ва «исботлаш воситалари» каби терминларни (тушунчаларни) кўриб чиқамиз.

ЖПКнинг 81-моддасига биноан ижтимоий ҳавфли қилмишнинг юз берган ва бермаганлигини шу қилмишни содир этган шахснинг айбор, айбиз эканлигини ва ишни тўғри ҳал қилиш учун аҳамиятли бўлган бошқа ҳолатларни суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд томонидан қонунда белгиланган тартибда аниқлашларига асос бўладиган ҳар қандай ҳақиқий маълумотлар жиноят иши бўйича далил ҳисобланади.

Далиллар назарияси ва далиллар ҳуқуки фанидан далиллар тушунчаси муҳим ўрин тутади. Ҳозирги давргача ҳам жиноят процессига оид адабиётларда далиллар тўғрисидаги тушунчалар ўртасида қарама-қаршиликлар мавжуд. Бир қатор процессуалистлар далиллар тушунчаси деганда иш ҳолатларини тадқиқ этиш учун қўлланадиган аниқ фактik ҳолатларни назарда тутадилар.<sup>23</sup> В.Я. Дороховнинг фикрича, далиллар – бу фактлар тўғрисидаги маълумотлардир, исботлаш предметига кирмайдиган фактларни далил деб бўлмайди. Инсон онгида предметлар, нарсалар эмас, балки уларнинг образлари, тушунчалари ва улар тўғрисидаги маълумотлар мавжуд бўлади. Ҳақиқий маълумотлар – бу қонуний манбалардан олинган фактлар тўғрисидаги маълумотлардир<sup>24</sup>.

Демак, россиялик олимлар ўртасида далиллар - ҳақиқий маълумотларми фактik ҳолатларми ёки фактларми ёхуд фактлар тўғрисидаги маълумотларми (данные) деган муаммоли савол ҳали ҳам мавжуд. Бу тушунчаларни ҳар бирини ўз маъноси ва хусусияти бор.

Бизнинг қонунчилигимизда эса фактлар тўғрисидаги маълумотлар ҳақиқий маълумотлар деб юритилади. Қуйида ҳар бир терминга тушунча бериб кетамиз. Маълумотлар – бу бирон-бир қарор, хуроса чиқариш учун зарур бўлган хабарлардир. Факт – объектив ижтимоий борлиқдаги ҳодисадир. Фактлар жиноятни тергов қилаётган шахсларга боғлиқ бўлмаган ҳолда бўлади. Фактлар тўғрисидаги хабарлар – бу фактларни улар орқали билишимиз мумкин бўлган маълумотлардир. Маълумотлар ҳақиқий ёки ёлғон бўлиши мумкин. Ҳақиқий маълумотлар жиноятни очишга ёрдам берса, ёлғон маълумотлар ишни очишга тўсқинлик қиласи. А.М.Ларинни фикрича, далил далилий аҳамиятга эга бўлиши учун жиноят содир этилган шароитларни, белгиларни ифодаловчи хусусиятга эга бўлиши керак.<sup>25</sup>

<sup>23</sup> Фаткулин Ф.Н. Общие проблемы доказывания. –Казань: 1976. –Б.93; Уголовный процесс. / Под общей ред. П.А.Лупинской. –М.: 1995. –Б.140.

<sup>24</sup> Дорохов В.Я. Понятия доказательства Теория доказательств в уголовном процессе. / Под ред. Н.В.Жогина. –М.: 1973. -Б. 207-224.

<sup>25</sup> Ларин А.М. Обязанность доказывания и проблема допустимости доказательств, в частности

С.А.Пашин эса далиллар тушунчасини талқин қилаётганды унинг процессуал шаклига урғу беради. Унинг фикрича, далиллар – бу судда иш юритиш давомида фойдаланиладиган маълумотлар, хужжатлар ва материаллардир.<sup>26</sup> Бу таърифда далилларнинг хусусиятига ҳам эътибор берилган. Фақат исботланиши лозим деб топилган ҳолатларга қаратилган маълумотлар далил бўлиши мумкин. Бу таърифда далилларни тўплаш усуслари, асосий хусусияти ҳисобланган далилларнинг шакли ва мазмуни келтирилмаган. Фалсафа фанида объектнинг мазмунни ва шакли бирлик сифатида келади, яъни шакл объект мазмунини келтириб чиқаради. Шунинг учун ҳам маълумотлар қонун билан белгиланган шаклга эга бўлмаса иш бўйича далил бўла олмайди. Бошқа томондан қараганда, кўрсатмалар, баённомалар, хужжатлар ишдаги мавжуд ҳолатлар тўғрисидаги маълумотларни ўзида акс эттирасигина далил ҳисобланниши мумкин. Ҳақиқий маълумотлар фақат қонун билан белгиланган манбалардан олинган тақдирда далил бўлиши мумкин.

Далилларнинг қуйидаги хусусиятлари мавжуд: 1)ҳақиқий маълумотлар; 2)қонунда белгиланган манбалардан олинганлиги; 3)ишни тўғри ҳал қилиши учун аҳамиятга молик бўлган ҳолатларнинг маълумотлар асосида аниқланиши.

Ҳақиқий маълумотлар далиллар назарияси фанида иккига бўлинади: 1)фактлар тўғрисидаги маълумотлар; 2)далилий фактлар.

Фактлар тўғрисидаги маълумотлар деганда, ишончлилигини текшириш зарур бўлган жиноят иши ҳолатлари тўғрисидаги маълумотлар тушунилади. Далилий фактлар деганда эса ишончлилигига шубҳа йўқ бўлган, текширилган маълумотлар тушунилади. Мисол учун гумон қилинувчини жиноят содир этилган жойга яқинроқ жойда кўрганлиги тўғрисидаги гувоҳнинг кўрсатуви факт тўғрисидаги маълумот бўлиб, у албатта текширилиши лозим.

Далиллар фақат қонунда белгиланган манбалардан олиниши лозим. Бу манбалар ЖПКнинг 81-моддасида белгиланган гувоҳнинг, жабрланувчининг, гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг кўрсатувлари, экспертнинг хulosаси, ашёвий далиллар, овозли ёзувлар, видеоёзувлар, кинотасвир ва фотосуратлардан иборат материаллар, тергов ва суд ҳаракатларининг баённомалари ва бошқа хужжатлардир.

Агар маълумотлар бошқа манбалардан олинган бўлса, бу маълумотлар иш бўйича далил бўла олмайди. Мисол учун, оммавий ахборот воситаларидағи, газеталардаги маълумотлар ёки тезкор-қидирув йўли билан олинган маълумотлар далил бўла олмайди. Айнан тезкор-қидирув йўли билан олинган маълумотларни далил сифатида назарда тутиш ёки тутмаслик масаласи ҳозирги кунда энг мунозарали масалалардан биридир. Исботлаш жараёни нафақат илмий-назарий эмас, балки амалий жараён бўлганлиги

показаний свидетелей. // Юстиция и сравнительное правоведение. Материалы международного симпозиума. –М.: 1986. –Б. 136-140.

<sup>26</sup> Пашин С.А. Проблемы доказательственного права судебная реформа юридический професионализм и проблемы юридического образования. Дискуссии. –М.: 1995. -Б. 315

сабабли айрим олимлар тезкор-қидирув фаолият исботлаш жараёнининг бир қисми деб таъқидлашган. Лекин бу фикрга қўшилиб бўлмайди, исботлаш жараёнининг ўз элементлари мавжуд, тезкор-қидирув фаолиятини эса ёрдамчи маълумот олиш манбаи деса бўлади. Бу фаолият қонунчилигимизда процесдуал шакллантирилмаганлиги сабабли ушбу масала мунозарали бўлиб қолмоқда. Агарда тезкор-қидирув йўли билан амалга оширилаётган процесдуал ҳаракатлар қонун билан тартибга солиниб, тегишли қонун ёки норматив хужжат қабул қилинганда мақсадга мувофиқ бўлар эди. Масаланн, Россияда «Тезкор-қидирув фаолият тўғрисида»ги Федерал қонун қабул қилинган. Ушбу Қонуннинг 11-моддасига кўра фуқароларнинг конституцияий хукуқларини чеклаш билан боғлиқ бўлган тезкор-қидирув фаолият натижалари суднинг рухсати билан ва жиноят-процесдуал қонунга кўра тергов органлари томонидан текширилган тақдирда жиноят иши бўйича далиллар сифатида қўлланилиши мумкин<sup>27</sup>. Бизнинг фикримизча, тезкор-қидирув фаолиятининг мақсади нафақат тергов ҳаракатларини пухта амалга ошириш, маълумотлар йигиш, балки жиноят ишини қўзғатиш учун сабаб ва асос бўлиб шунингдек, оғир жиноятларни очишга ҳизмат қилади. Демак, айрим оғир жиноятларни очишда тезкор-қидирув фаолияти натижасида олинган маълумотлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир (фақат улар қонуний йўл билан олинган бўлиши керак).

Жиноят иши бўйича аҳамиятга эга бўлган ҳақиқий маълумотлар қонун билан белгиланган тартибда амалга оширилиши лозим. Агар ҳақиқий маълумотлар қонуний манбалардан олинса-да, лекин қонунда белгиланган тартибга риоя қилинмаган бўлса, бу далилларнинг ишончлилиги юзасидан шубҳа туғилади. Масалан, терговчи тинтув ёки олиб қўйиш тергов ҳаракатини холисларнинг иштирокисиз амалга оширган бўлса, олинган маълумотлар далилий аҳамиятга эга бўлмайди. Шунингдек, терговчининг сўроқ қилиш давомида ишора қилувчи саволлар бериши ҳам салбий натижага олиб келади.

Ҳақиқий маълумотлар исботлаш предметига алоқадор бўлиши лозим. Шунинг учун бу хусусият жиноят процесси қонунчилигига далилларнинг алоқадорлиги деган ном олган. Алоқадорлик далилларнинг мазмунини характерлайди (ифодалайди).

А.Бризницкий ва В.Зажицкийларнинг фикрича «...алоқадорлик – далилларнинг юридик хусусиятини эмас, балки объектив хусусиятини ифодалайди. Ҳуқуқий нормалар эмас, балки объектив хусусият далилларнинг ишга алоқадорлигини белгилайди».<sup>28</sup> Аниқланаётган далиллар иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолда бу далиллар ишга алоқадор ҳисобланади. Бу ёндашув тергов ҳаракатларини олиб боришга янада аниқлик киритади.

Далилларнинг мақбуллиги деганда далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолашда қонунга амал қилиш, шунингдек, бу далилларнинг қонуний

<sup>27</sup> Громов М.А., Францифаров Ю.В. Критерий использования доказательств и результатов ОРД при доказывании. // Следователь. -2001. -№1. -Б.14.

<sup>28</sup> Бризницкий А., Зажицкий В. Относимость и достоверность доказательств в уголовном судопроизводстве. // Юстиция .-1982. -№3. -Б.6-7.

манбалардан олинишига айтилади. Яъни ЖПКнинг 95-моддасига кўра, далиллар белгиланган тартибда тўпланган ва ЖПКнинг 92-94-моддаларида назарда тутилган шартларга мувофиқ расмийлаштирилган бўлсагина, улар мақбул деб эътироф этилади. Далиллар мақбул бўлиши учун қонунда белгиланган талабларга жавоб бериши, фақат ваколатли шахслар ёки давлат органлари (суриштирув органи терговчи, прокурор, судья) томонидан тўпланиши талаб қилинади. Жиноят процессуал қонунчилик бўйича далиллар фақат жиноят иши қўфатилгандан сўнг далилий аҳамиятга эга бўлади. Бу жараён бошланмагунча бирон-бир маълумот далил бўла олмайди.

Далиллар мақбул бўлиши учун қўйидаги шартларга амал қилиниши лозим:

- 1) далил фақат жиноят ишини очиш шу иш бўйича процессуал тергов ҳаракатларини амалга ошириш юклатилган субъект томонидан олиниши;
- 2) ҳақиқий маълумотлар фақат жиноят процессуал қонунчилигига белгиланган манбалардан олиниши;
- 3) далил тергов ҳаракатларини ўтказиш қоидаларига амал қилинган ҳолда олиниши;
- 4) тергов ҳаракатларининг натижалари қонунда белгиланган тартибда мустаҳкамланиши, расмийлаштирилиши лозим. Масалан, сўроқ қилинган шахс сўроқ қилиш баённомасининг ҳар бир бетига ўз имзосини қўйиши шарт.

Далиллар ишончли бўлиши учун текширув натижасида ҳақиқатга мувофиқ эканлиги аниқланган бўлиши керак. Далилларга қўйиладиган асосий талаблар қўйидагилардан иборат:

1)далиллар абстракт эмас, аниқ, далилий аҳамиятга эга бўлиши лозим. Бу олинган маълумотлар: нима? қаерда? қачон? қандай содир бўлган? - каби саволларга жавоб бериши керак.

2)далиллар албаттa мақбул бўлиши лозим.

Далиллар фақат қонуний манбалардан олиниши лозим, акс ҳолда олинган маълумотлар далил сифатида тан олинмайди. Мишмишлар, тахминлар, воқелик тўғрисидаги хаёллар, фикрлар, гарчи улар маълумот сифатида гувоҳдан, экспертдан олинган бўлса-да, қайд этилганлигига қарамасдан далил сифатида тан олинмайди, негаки воқеликка тўғри бўлса ҳам фаразли таърифга эга бўлади ва бирон-бир объектив ҳолатни акс эттирмайди.

Демак, жиноят процессида далил сифатида қўйидагилар тан олинади: ҳақиқий маълумотлар, яъни бўлиб содир этилган жиноят тўғрисидаги ахборотлар; ижтимоий хавфнинг мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги, ушбу ҳаракатларни содир этган шахснинг айбини аниқлашга ёрдам берувчи ва жиноий ишни тўғри ҳал қилиниши учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар тўғрисидаги ҳақиқий маълумотлар; гувоҳнинг, жабрланувчининг, гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг кўрсатувлари, экспертнинг хulosалари ашёвий далиллар, овозли ёзувлар, видео ёзувлар, кинотасвир ва фотосуратлардан иборат материаллар, тергов ва суд ҳаракатларининг баённомалари ва бошқа хужжатлар билан аниқланадиган ҳақиқий

маълумотлар; қонун талабига кўра тўпланган ҳақиқий маълумотлар; ички ишонч бўйича текширилган ва баҳоланган ҳақиқий маълумотлар.

Ҳақиқий маълумотлар ва уларнинг манбалари ўзаро боғлиқликда бўлиб, уларнинг бирлашуви далилни вужудга келишига асос бўлади.

#### **4.2. Далилларнинг таснифи**

Далилларни таснифлаш – бу маълум бир асосларга, мезонларга кўра, уларни гурухларга, тоифаларга бўлиш, ажратишdir. Далилларнинг таснифи уларнинг айримларига тавсиф бериш ҳамда улардан тўғри фойдаланишда катта аҳамиятга эга. Далилларни қайси манбалардан олингандиги, маълумотларнинг исботлаш предметига тааллуқли бўлган шароитларга алоқадорлиги ёки бу шароитларни тасдиқловчи ёки инкор этувчи бошқа соҳага дахлдор эканлигигига қараб таснифлаш ва турли гурухларга ажратиш мумкин. Ҳар бир далилни мазкур белгиларига кўра турли гурухларга мансублиги аниқланади. Далилларни текшириш чоғида уларнинг «биринчи манбадан» олингандиги ёки маълумотларнинг бошланғич манбаси, уларнинг аниқланиши лозим бўлган ҳолат билан алоқаси, мазкур маълумотлар айблов ёхуд оқлов характерига эга эканлиги эътиборга олиниши зарур.

Фан ва амалиётда ҳар бир далилни таснифий гурухларга киритишнинг қоида ва тартиблари ишлаб чиқилган. Барча далиллар хилма-хил тузилишга эга бўлиб, исботлаш жараёнида турли вазифаларни адо этади. Шу сабабли уларни ягона асосдаги таснифлаш тизими орқали қамраб олиш мушкул. Шунинг учун далилларни таснифлаш бир неча асосларга кўра амалга оширилади ҳамда кўп тармоқли тизим ҳисобланади. Таснифлашнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, у далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолашда уларнинг ҳисобга олиниши лозим бўлган турли жиҳатларини очиб беради ва жиноят иши бўйича ишончли хулосаларни шакллантиришга хизмат қиласи.

Куйида далилларнинг таснифларини кўриб ўтамиш.

*Дастлабки ва ҳосила далиллар.* Олиниш манбасига қараб далиллар дастлабки ва ҳосила далилларга бўлинади. Бунда терговчи ёки суднинг маълумотларни бошланғич ёки бошқа манбалардан олганлиги назарда тутилади.

Дастлабки далиллар - бу аниқланиши лозим бўлган ҳолат тўғрисидаги маълумот биринчи манбадан олинган далиллардир. Масалан, гувоҳнинг шахсий кузатувлари асосида берган кўрсатувлари ҳамда уни сўроқ қилиш баённомаси дастлабки далил ҳисобланади. Экспертнинг хулосаси ҳам дастлабки далил сифатида эътироф этилади.

Ҳосила далиллар эса исбот қилиниши лозим бўлган ҳолат тўғрисидаги маълумот биринчи манбадан эмас, балки бошқа манбадан ёки оддий тил билан айтганда «иккинчи манбадан» олинган далиллардир.

Дастлабки ва ҳосила далиллар бир биридан манбасининг шаклланиши билан фарқланади. Ҳосила далилларнинг шаклланиш жараёнида оралиқ бўғин мавжуд бўлади. Агар ҳодисага бир шахс шоҳид бўлиб, сўнгра бу ҳакда бошқасига хабар берган бўлса, шунингдек ушбу иккинчи шахс гувоҳ

сифатида ҳодиса ҳақида кўрсатувлар бераётган бўлса, бундай кўрсатувлар ҳосила далил ҳисобланади. Демак, ҳосила далил олинишида жиноят шоҳиди бўлган гувоҳнинг ахборотини қабул қилиш босқичи билан бу ахборотнинг терговчи томонидан олиниши ўртасида яна бир бўғин – уни эшитган гувоҳ иштирок этади. Ахборот бир манбадан иккинчисига ўтганда ўзгаришларга учраши табиий. Оралиқ манбалар қанчалик қўп бўлса, далилнинг ўзгаришлар ва бузилишлари эҳтимоллиги ортади. Шунинг учун оралиқ манбалардан маълумотлар олинганда албатта маълумотнинг бошланғич манбаси (масалан, гувоҳ) топилиши ва сўроқ қилиниши керак. Чунки ҳодисанинг ҳақиқий шоҳиди бу тўғрида бошқаларга қараганда тўла, аниқ, ишончли маълумот бериши шубҳасиз ва унинг кўрсатувларини текшириш ҳам қийинчилик туғдирмайди.

Шунга қарамай ҳосила далиллар исбот қилишда муҳим ўрин тутади. Ҳосила далиллардан асосан дастлабки далилларни топиш ва уларни текширишда ҳамда дастлабки далил йўқолганида унинг ўрнини босувчи сифатида фойдаланилади. Имкони борича дастлабки далиллардан фойдаланишга интилишдан «ҳосила далиллардан фойдаланиш ишончли хулоса чиқаришга имкон бермайди, улар «иккинчи навли» далиллар», деган фикрга келмаслик керак. Ҳосила далиллардан фойдаланишни қатъиян тақиқлаш маълумотни бошланғич манбадан олишнинг имкони бўлмагандан иш учун ўта аҳамиятли далиллардан маҳрум бўлишга олиб келиши мумкин (масалан, ҳодисанинг гувоҳи вафот этган ҳолларда).

Хужжатлардан олинган нусхалар ҳам ҳосила далил ҳисобланади. Бу ҳолда ҳужжатнинг асл нусхаси ахборотнинг бошланғич манбаи, ундан нусха олган ва тасдиқлаган шахс эса ахборотнинг иккиламчи манбаидир.

*Айбловчи ва оқловчи далиллар.* Далилларни айбловчи ва оқловчиларга бўлиниши олинган маълумотлар ва аниқланган далилларнинг мазмунига боғлиқ. Айбланувчининг айбини тасдиқловчи, унинг жавобгарлигини оғирлаштирувчи далиллар айбловчи далиллар деб аталади. Бундай далилларга айбловга асос бўлган далиллар ёки айбланувчининг жавобгарлигини оғирлаштирувчи ҳолатлар тўғрисидаги маълумотлар киради.

Оқловчи далиллар – бу айбловни инкор қилувчи, айбланувчининг айблизлигини тасдиқловчи, айбланувчининг жавобгарлигини енгиллаштирувчи ҳолатлар тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек, айбланувчига қўйилган айбловни шубҳа остига олувчи далиллардир.

Далилларни айбловчи ва оқловчи далилларга бўлиш шартли хусусиятга эга, чунки бир далил иш юритиш давомида ўз хусусиятини ўзгариши ва иш юритиш давомида айбловчи далиллар оқловчи далилларга айланиши ҳам мумкин.

ЖПКнинг 22-моддасида суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд хар бир жиноят иши бўйича айбланувчини айбловчи далилларнига эмас, уни оқловчи далилларни ҳам, шунингдек, унинг жавобгарлигини енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳам аниқлашни шарт қилиб қўйган. Амалиётда айбланувчини фош қиласиган далилларни тўплашга аҳамият берилади-ю, оқловчи далилларни тўплашга етарли аҳамият

берилмайди. Буни эса қонунийликни бузиш, ишни бирёқлама ҳал қилиш деб баҳолаш лозим.

Таъкидлаш жоизки, англо-америка жиноят процессида дастлабки тергов органлари ишнинг барча ҳолатларини, шунингдек айбланувчини оқлайдиган ва унинг жавобгарлигини енгиллаштирадиган ҳолатларни ҳар томонлама, тўла ва холисона аниқлашга мажбур эмаслар. Англия жиноят процессида айбланувчи ва унинг ҳимоячисини суд илмий лабораторияларининг маълумотлари ва муомалага лаёқатсизлик тўғрисидаги тиббий хулосадан ташқари, полицияда берилган бошқа кўрсатувлар билан таништириш ман этилади. АҚШ жиноят процессида эса, айбланувчи ва унинг ҳимоячиси суд муҳокамасига қадар «қонун бўйича ва амалда шундай ҳолатга қўйилганки, улар нимага қарши курашишлари тўғрисидаги маълумотлардан талайгина қисмини билмайдилар».<sup>29</sup>

Хуқуқий табиатига кўра тортишувни назарда тутадиган англо-америка жиноят процессида ҳимоячи ёки гумон қилинувчи, айбланувчини дастлабки тергов материаллари билан доимий тарзда хабардор этиб туриш кўзда тутилмаган. Бу билан иш бўйича тўпланган далилларнинг қиммати йўқотилиб, айловнинг процессуал имкониятлари чекланади. Дастлабки тергов босқичидаги тортишув жиноят-процессуал функциялар тақсимланиши принципини босқичма босқич татбиқ этишни, яъни исботлаш жараёнида процессуал имкониятлар тенглигини таъминлашни назарда тутади.<sup>30</sup>

Қонунга кўра, дастлабки терговдаги айлов ва ҳимоя функциялари прокурор ва терговчининг ваколатларида жамланган бўлиб, улар иш бўйича ҳақиқатни аниқлаш учун исботланиши лозим бўлган барча ҳолатларни, шу жумладан айбланувчини ҳам фош этадиган, ҳам оқлайдиган ҳолатларни синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириб чиқишилари керак.

Ҳозирги замон жиноят процессида айловчи ва оқловчи далилларни топиш вазифалари бир-биридан қатъий тарзда ажратилишининг тарафдорлари қўпчиликни ташкил этади.

Оқловчи далиллар орасида айбланувчининг алибиси<sup>31</sup> алоҳида ўрин тутади. Ишончли исбот қилинган алиби шахсни жиноят содир этганликда айглаш имкониятларини йўққа чиқаради, шунинг учун у ҳар томонлама текширилиши лозим.

Текширилган ва баҳолангандаги айловчи ва оқловчи далиллар ўта муҳим процессуал хужжатлар - айлов хулосаси (ЖПКнинг 379-моддаси) ва ҳукмда (ЖПКнинг 463-464-моддалари) ўз аксини топади. Суд айлов ҳукмини чиқаришда судланувчининг айбини исбот қилувчи ишончли айловчи далилларга асослангани ва оқловчи далиллар нима сабабдан рад этилганини;

<sup>29</sup> Қаранг: Мещеряков Ю.В. Уголовное судопроизводство. –Л.:1990. –Б.116; Махов В.Н., Пешков М.А. «Состязательность» моделей уголовного процесса США. // Государство и право. -1999. - №12. –Б.83.

<sup>30</sup> Қаранг: Макаркин А.Н. Состязательность на предварительном следствии: Автореф. дисс.... канд. юрид. наук. –СПб.: 2001. –Б.19.

<sup>31</sup> лотинча alibi – қаердадир бошқа жойда бўлиш маъносини англатади.

оқлов хукмини чиқаришда эса оқловчи далилларга асослангани ва айлов хулосасида келтирилган ҳолатларнинг рад этиш сабабларини аниқ қўрсатиши шарт.

*Тўғри ва эгри далиллар.* Исботлаш предметининг бош факти бўлган исботлаш тезисига, яъни шахснинг айбдорлиги ёки айбизлигига нисбатан далиллар тўғри ва эгри далилларга бўлинади.

Исбот қилинадиган ҳолатни тўғридан-тўғри ва бевосита белгилайдиган далил тўғри далил, «оралиқ», «ёрдамчи», «исботловчи» фактлар орқали бу ҳолатни белгилайдиган далил эса эгри далил деб аталади.

Жиноятни ўз кўзи билан кўрган гувоҳнинг кўрсатувлари (масалан, айбланувчи жабрланувчига қандай зарба берганлиги тўғрисида), айбланувчининг ўз айбига икрор бўлиши ва жиноятни қачон, қайси сабаблар асосида содир этганлиги ҳақидаги тушунтиришлари тўғри далил ҳисобланади. Тўғри далилда асосий фактга қаратилган фақат битта хulosса бўлиб, бунда асосий вазифа олинган маълумотлар бевосита исботлаш предметига тааллуқлилиги сабабли уларнинг ишончли эканлигини (яъни, айбланувчи, гувоҳ ҳақиқатни гапираётганлигини) аниқлашдан иборат. Ҳар бир тўғри далилнинг ишончлилигини аниқлашда у барча далиллар йиғиндиси билан биргаликда кўриб чиқиласди.

Гувоҳларнинг жиноят содир этилган кунда гумон қилинувчи уйда ухламаганлиги, у жиноят содир этилган жойда кетаётганини кўрганлиги, аввал жабрланувчига таъзирини бериш билан қўрқитгани ҳақидаги кўрсатувлари, жиноят содир этилган жойда гумон қилинувчига тегишли ашё топилгани ва ҳоказолар эгри далиллар ҳисобланади. Улар шунчаки «иккиламчи», «кўмакчи», «оралиқ» фактлар бўлиб, тергов ва суд органлари мазкур далиллар ёрдамида ушбу жиноят айнан ким томонидан содир этилганлиги ҳақида хulosса чиқаришлари мумкин. Масалан, эгри далиллар асосида қотиллик тўғрисидаги ишни юритишда терговчи ва судда айбланувчининг мазкур жиноятни содир этганлиги тўғрисидаги хulosса (қотиллик содир этилган пичоқнинг айбланувчига тегишлилиги, жиноят содир этилган жойдан айбланувчининг пойафзал изларини топилиши, айбланувчи ва жабрланувчи ўртасидаги салбий муносабатлар ва бошқалар) шаклланади. Эгри далиллар ёрдамида исботлашда: биринчидан, судга, терговчига берилган маълумотларнинг ишончлилиги (айбланувчи ва жабрланувчи ўртасида салбий муносабатлар бўлганлиги тўғрисида гувоҳ берган кўрсатувларининг ростлиги, ҳақиқатан ҳам пичоқда айбланувчининг бармоқ излари борлиги ва ҳ.к.) текширилади; иккинчидан, жиноят содир этиш ҳақидаги маълумотларнинг айбланувчига алоқадорлиги (айбланувчининг жабрланувчи билан салбий муносабатда бўлиши мумкинлиги, лекин бу оқибатда жиноий қилмиш содир этишга сабаб бўла олмаслиги; ҳодиса содир бўлган жойдан айбланувчининг пойафзал излари топилгани, лекин бу пойафзални бошқа шахс кийган бўлиши мумкинлиги ва ҳ.к.) аниқланади.

Тўғри далиллар эгри далилларга нисбатан ҳеч қандай имтиёзга эга эмас, яъни тўғри далилларнинг баҳосини оширишга ҳамда эгри далилларнинг қимматини камайтиришга йўл қўйилмайди.

Тергов ва суд амалиётидаги баъзи ишларда айблов факат эгри далилларга асосланади. Эгри далилларга асосланган суд ҳукми тўғри далилларга асосланган суд ҳукми қандай қонуний кучга эга бўлса, худди шундай кучга эгадир.<sup>32</sup>

Жиноят ишларини юритиш амалиётида эгри далиллардан фойдаланиш тўғри далиллардан фойдаланишга қараганда анча мушкул. Тўғри далил қидирилаётган асосий фактга бевосита, ҳеч қандай кўмакчи бўғинларсиз ишора қилса, эгри далил иккиламчи фактни кўрсатиб, исботлаш субъектига қидирилаётган асосий факт ҳақида хulosса чиқариш имконини беради. Эгри далил айнан иккиламчи фактни кўрсатганлиги учун ҳам у факт бошқа далиллар билан биргалиқда юридик аҳамиятга эга бўлади. Эгри далилларга жиноят ишини ҳал қилиш учун етарли исботловчи материал деб қараш мумкин эмас.

Демак, эгри далиллар – тарқоқ фактлар ва улар ҳақидаги маълумотлар эмас, балки ягона, таркибий қисмлари ўзаро узвий боғлиқликда ва бир-бируни тақозо этувчи яхлит бирлиқдир. Улар айнан шундай кўринишда исботлашда далилий аҳамиятга эга бўлиб, муайян шахснинг маълум жиноят содир этганликда айбдорлиги ҳақида фикр юритишга имкон беради.

Келтирилган эгри далилларнинг таснифидан улардан фойдаланишнинг қуидаги қоидалари келиб чиқади: а) эгри далиллар иш бўйича факат умумий бирлиқда ишончли хulosаларга олиб келади; б) эгри далиллар ўзаро ва исботланадиган холат билан узвий боғлиқ бўлиши лозим; в) эгри далилларнинг йифиндиси иш бўйича мавжуд шубҳалар истисно этилишига ҳақидаги хulosага олиб келиши керак.

*Шахсий ва ашёвий далиллар.* Шахсий далиллар – хабарлар бўлиб, бунда инсондан олинувчи маълумотларни акс эттирувчи далиллар назарда тутилади (гувоҳ, жабрланувчи, гумон қилинувчи ва бошқа шахслардан олинган кўрсатувлар, эксперт хulosаси, ҳужжатлар).

Хабар деганда инсон сезги органлари орқали қабул қилган ва онгидаги қайта ишланган ахборотнинг узатилиши тушунилади. Шу сабабли, бундай далилларда субъектив элементлар мавжуддир. Шахсий далиллар оғзаки (ёзма) хабар шаклида (айбланувчи, гумон қилинувчи, гувоҳнинг кўрсатувлари ва ҳоказо) ҳосил бўлади ҳамда ЖПКнинг 87-моддасида санаб ўтилган тергов ва суд ҳаракатларининг баённомаларида акс эттирилади. Бу ҳолларда терговчи, суд томонидан тузилган баённома процесснинг барча бошқа субъектлари учун далиллар манбаи бўлиб хизмат қиласи. ЖПКнинг 81, 204-моддаларида назарда тутилган бошқа ёзма ҳужжатлар ҳам шахсий далиллар ҳисобланади.

<sup>32</sup> Масленникова Л.Н., Батуев В.В. О совершенствовании процессуальных норм, регламентирующих понятие доказательств в уголовном процессе // Следователь. – 1998. - № 3. – Б. 15-22.

Ашёвий далиллар деганда моддий дунёдаги ашёлардан олинувчи далиллар тушунилади. ЖПКнинг 203-моддасига кўра, келиб чиқиши, кимга тегишлилигини, маълум мақсадларда фойдаланилганлигини ёки фойдаланишга яроқлилигини, қўлдан-қўлга ўтганлиги ёки турган жойи ўзгарганлиги, у ёки бу моддалар, нарса, жараён ва ҳодисалар таъсир этганлигини аниқлаш мумкин бўлган физикавий аломатлар ёки белгиларга, шунингдек иш ҳолатларини аниқлашга хизмат қиласидиган ҳар қандай бошқа хусусиятларга эга бўлган нарсалар ашёвий далил ҳисобланади. Ушбу моддада кўрсатилган аломатлар, белгилар, излари эга бўлган ёзма далиллар ҳам ашёвий далил вазифасини ўташи мумкин (ЖПКнинг 204-моддаси).

Ашёвий далил мураккаб тузилишга эга бўлиб, унинг қуйидаги уч таркибий қисми мавжуд: а) жиноят ҳодисаси натижасида вужудга келган из, бармоқ излари, нарсанинг жойлашуви, ҳолат ва бошқа хусусиятларининг ўзгариши; б) ҳодиса жойидан олинган ва ўзгаришлар, хусусиятлар, излар ва ҳоказоларни ўзида акс эттирувчи нарсалар; в) ҳодиса жойидан олинган ва ишга қўшилган нарсанинг хусусиятларини ифода этувчи маълумотлар. Бу таркибий қисмлардан биронтаси бўлмаганда ашёвий далил ҳам бўлиши мумкин эмас.

Шахсий далилларда акс этган ахборот қандайдир шартли белгилар ёхуд шифрлар орқали ифодаланиши мумкин (мисол учун, баённома, схема, фонограмма). Ашёвий далилда эса ахборот табиий ҳолда ифодаланиб, кўргазмали тарзда қабул қилинади. Исботлаш жараёнида фақат шахсий далиллардан фойдаланилганда, у ўзининг кўргазмалилик таъсирини йўқотади. Шунинг учун ҳам мазкур жараёнда ашёвий далиллардан фойдаланишнинг аҳамияти катта. Ашёвий далилларнинг шахсий далилларни процессуал мустаҳкамлашдаги ўрни ҳам бекиёсdir.

Излардан олинадиган қолиплар, катта ҳажмли жисмларнинг макетлари, фотосуратлари, хужжатларнинг нусхалари ашёвий далилларга яқин туради ва илмий адабиётда оригинал-объектдаги ахборотни ўзгартирган ҳолда қайта акс эттиргани туфайли кўпинча ҳосила ашёвий далиллар деб аталади. Исботлаш жараёнида мумкин қадар бирламчи, асосий ашёвий далиллардан фойдаланишга интилиш мавжуд, лекин бу ҳосила ашёвий далилларнинг ишончли хуносаларга олиб келмаслигини англаатмайди.

*Текширувчи далиллар.* Бошқа далилларнинг ишончлилигини тасдиқловчи ёки инкор этувчи далилларга текширувчи далиллар дейилади (масалан, экспертнинг ваколатлари тўғрисида, гувоҳнинг манфаатдорлиги тўғрисида, унинг эшитиши, кўришининг аҳволи тўғрисида).<sup>33</sup>

Хуноса қилиб айтганда, жиноят процессидаги исботлаш жараёнида таснифга кўра дастлабки ва ҳосила далиллар, айбловчи ва оқловчи далиллар, тўғри ва эгри далиллар, шахсий ва ашёвий далиллар, ҳосила ашёвий далиллар, текширувчи далиллардан фойдаланилади. Ҳар бир далилни тўғри таснифлаш ҳам жиноят процессининг асосий вазифаси бўлган жиноятларни

<sup>33</sup> Қаранг: Жиноят процесси. Умумий қисм / З.Ф.Иноғомжонованинг умумий таҳрири остида. –Т.: Янги аср авлоди, 2002. –Б. 147-171.

тез ва тўла очиш, айби бўлмаган ҳеч бир шахс жавобгарликка тортилмаслиги ва айбдорларни фош этишга хизмат қилади.

#### **4.3. Жиноят процессида исботлашнинг ҳуқуқий табиати**

Хозирги кунда исботлаш предмети ва доираси, исботлаш иштирокчилари, уларнинг исботлаш жараёни давомидаги мажбуриятлари жиноят-процессуал ҳуқуқ фанида муҳим муаммоли масалалардан бири бўлиб ҳисобланади. Чунки жиноят - процессуал фаолиятнинг асосини исботлаш жараёни ташкил қилади. Фақатгина исботлаш жараёни давомида олинган ишончли маълумотлар асосида ҳар қандай жиноят ишиadolатли хал қилинади. ЖПКнинг 85-моддасига кўра исбот қилиш - жиноят ишини қонуний, асосланган ваadolatli xal қилиш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар тўғрисидаги ҳақиқатни аниқлаш мақсадида далилларни, тўплаш, текшириш ва баҳолашдан иборат фаолиятдир. Бу фаолият мураккаб бўлиб, у бир неча босқичларга бўлинади. Исбот қилиш жараёни жиноят процессининг ҳаракатлантирувчи кучи бўлиб, у процесснинг бир босқичидан иккинчи босқичига, яъни ишни оддий ҳолатдан ишни ҳал қилишгача бўлган босқичларга ўтиш даврларини ўз ичига олади.

Иш бўйича фактик ҳолатларни исбот қилиш муаммолари жиноят процесси назарияси ва жиноят процессида жиноятларни олдини олиш, уларни очиш ваколатига эга бўлган давлат органлари амалий фаолиятининг ядроси ҳисобланади. Жиноят процессида исбот қилиш - бу жиноий ҳолатларини англашнинг процессуал шакли бўлиб, ушбу жараён айбланувчи, жабрланувчи, ҳимоячи ва бошқа шахслар иштирокида суриштирувчи, терговчи, прокурор, судья томонидан амалга оширилади. М.С.Строговичнинг ёзишича: «Исбот қилиш - жиноий иш ҳолатларини, фактларини англаш жараёнидир».<sup>34</sup>

Исбот қилиш жараёни процессуал қонун билан тартибга солинувчи ҳуқуқий фаолият ҳисобланади ЖПКнинг 9-бобидаги 85-95-моддалар исбот қилиш муаммоларига бағишлиган. Ушбу моддаларда исбот қилиш тушунчаси, предмети, мақсади, исбот қилиш элементларининг исбот қилиш субъектлари томонидан амалга оширишнинг процессуал тартиблари белгиланган.

Бизга маълумки, жиноят процессида исбот қилиш тушунчаси билан биргалиқда далиллар ҳуқуқи, далиллар назарияси каби тушунчалар мавжуд. Исботлаш предмети ва доираси, шунингдек ушбу жараённи амалга оширувчи нормалар йиғиндиси далиллар ҳуқуқини ташкил қилади. Далиллар ҳуқуқи ҳар бир иш бўйича исбот қилиш мақсадига эришиш учун кафолат ҳисобланади ва исбот қилиш шартлари, йўналишлари мазмунини белгилаб беради. Исбот қилишнинг аниқ мазмунини эса процессуал ҳаракатлар ва муносабатлар ташкил қилади. Далиллар назарияси исбот қилишнинг гносеологик, ҳуқуқий, мантиқий ва психологик асосларини ўрганади,

<sup>34</sup> Строгович М.С. Курс уголовного процесса. –М.: Наука, 1968. -Б.296.

шунингдек, ҳуқуқий нормаларнинг жиноятларни тергов қилиш давомида қонуний қўлланилиш амалий фаолиятини тартибга солади. Даиллар назариясини асосий вазифаси жиноят процессуал ҳуқуқни ўрганишда юзага келадиган салбий фикрларни инкор қилишdir. Масалан, А.Я.Вышинскийнинг: «...исбот қилиш давомида аниқ объектив ҳақиқатга эришиб бўлмайди ва процессуал исботлашда қонунийликка риоя қилмаса ҳам бўлади»,<sup>35</sup> деган фикрларини ижобий баҳолаб бўлмайди. Чунки жиноят-процессуал қонун жиноят процесси субъектларидан процессуал исботлашни амалга оширишда объектив ҳақиқатга эришишни талаб қиласди ва барча процессуал ҳаракатларни қонунда белгиланган тартибда олиб борилишини зиммасига юклайди.

Шу жиҳатдан Ф.Н.Фаткуллининг қуйидаги фикрлари ўринли: «Процессуал исбот қилиш жиноят иши бўйича аниқланиши лозим бўлган ҳолатлар ва фактларни билишнинг ягона усулидир».<sup>36</sup>

Исбот қилишнинг ўзига хос талаблари мавжуд ва улар қуйидагилардан иборат:

- 1) жиноятни ЖК моддаларида кўзда тутилганини аниқлаб, квалификация қилиб, ишни жиноят процессуал меъёрлар асосида тергов қилиш;
- 2) жиноят иши адолатли ҳал қилиниши учун унга алоқадор барча шахсларнинг процессуал ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаб, ҳақиқатни аниқлаш;
- 3) ҳақиқатни иш бўйича аниқлаш учун аҳамиятга молик бўлган ҳолатлар тўғрисидаги далилларни тўплаш, текшириш ва мустаҳкамлаш;
- 4) далилларни баҳолаш, аввало процессуал қонунга риоя қилинган ҳолда тўпланганлигини, ушбу далиллар воқеликка тўғри келиш-келмаслиги ҳамда ушбу далилларга асосан бирон ишга аҳамиятли бўлган ҳолатлар мавжудлигини аниқлаш.

Иш бўйича тўпланган ҳар бир далил алоҳида ва барча далиллар бир тизимга келтирилиб умумий баҳоланади. Даиллар ўртасида ҳеч қандай мантикий зиддиятлар бўлмаслиги лозим, акс ҳолда айбдор шахснинг айби тўла исботланмаган деб ҳисобланади. Бу эса тергов бирёқлама олиб борилганини айбланувчининг процессуал манфаатлари тўла текширилмаганлигини, тергов сифатсиз, юзаки олиб борилганини кўрсатувчи ҳолат бўлади. Терговчи далилларни баҳолашда ёки жиноят иши бўйича хулоса чиқаришида ўз ички ишончига амал қилиши лозим. Терговчи айниқса гувоҳни сўроқ қилаётганда гувоҳнинг барча гапларини эътибор билан тинглаши керак. Машхур криминалист Гельвигнинг таъкидлашича: «Олинаётган кўрсатувлар хатосиз бўлиши, шунингдек гувоҳ содир бўлган жиноятни бирма-бир кўз олдига келтириб сўзлаб бериши учун бу жиноят унинг хотирасида аниқ сақланиб қолган бўлиши керак. Аммо айрим ҳолларда, тезда гувоҳларнинг топилмаслиги ёки процессуал ҳаракатлар

<sup>35</sup> Арсеньев В.Д. Вопрос общей теории судебных доказательств. –М.: Юрид.лит., 1964. –Б.3.

<sup>36</sup> Фаткулин Ф.Н. Общие проблемы процессуального доказывания. –М.: 1973. –Б. 18-19.

тезкорлик билан олиб борилмаслиги натижасида жиноятнинг тўла тафсилоти чалкашиб кетади ва жиноятни очишда турли хатоларга олиб келади. Энг салбий томони - гувоҳ томонидан барча маълумотларнинг «эшитиш» асосида олинишидир. Бундай ҳолларда энг биринчи, асосий гувоҳни топишга ҳаракат қилиш лозим». <sup>37</sup>

Исбот қилиш ЖПК моддаларининг талабларига мос бўлиши лозим. Бу қоидага амал қилмаслик жиноят иши бўйича йигилган маълумотларни ноқонуний деб топишга сабаб бўлиши мумкин. Масалан, шахсни айборлиги тасдиқланмагандан, унинг айборлиги ёки айбизлиги тўла аниқланмагандан, жабрланувчининг процессуал ҳукуқлари ва қонуний манфаатлари таъминланмагандан, ишниadolатли ҳал қилиш масаласи ечилмасдан қолади. Исбот қилиш ўзида ҳақиқатни аниқлаш жараёнини ифода этади. Унинг моҳияти далилларни тўплашда, текширишда намоён бўлади.

П.А. Лупинская ининг таъкидлашича, жиноят процессида исбот қилиш - амалий, мантикий ва фикрлаш фаолиятлари бирлигини мужассам қиласди. <sup>38</sup>

Жиноят ишларини тергов қилиш ва кўриб чиқишида қуйидаги ҳолатларни исбот қилиш талаб қилинади: а) аниқ фактик ҳолатларнинг бор ёки йўқлиги; б) бу ҳолатларда жиноят таркиби бор ёки йўқлиги; в) айбор содир қилган қилмиши учун жазога сазовор ёки йўқлиги, жавобгарликдан озод қилиш мумкинми ёки йўқлиги; г) бошқа ҳолатлар (фуқаровий даъво қаноатлантирилиши лозимми ёки йўқлиги).

Исбот қилиш жараёнини амалга оширишда судья, терговчи ва бошқа процесс субъектларининг амалий тажрибаси, шунингдек, уларнинг дунёқараши, ҳукуқий онги ва тафаккури муҳим ўрин тутади. <sup>39</sup>

Амалий тажриба билим фаолиятининг асоси бўлиб, бу тажриба исботлаш субъектлари томонидан ишлаш жараёни давомида ўзлаштириб борилади, натижада уларнинг амалий тажриба даражаси йиллар давомида ортиб боради. Исбот қилиниши лозим бўлган ҳолатлар ичida ҳар бир жиноят иши бўйича фактик ҳолатларни бор ёки йўқлигини аниқлаш муҳим ўрин тутади. Бу ҳолатни фикрлаш фаолияти билангина аниқлаш тўлиқ ижобий натижани бермайди. Бу ерда бевосита билиш фаолияти (алоҳида фактларни предметларни қабул қилиш)ни, шу фактлар тўғрисидаги маълумотларни олишга қаратилган бевосита амалий фаолият (сўроқ қилиш, экспертиза тайинлаш ва бошқа ҳаракатларни амалга ошириш муҳим аҳамият касб этади. Шундай қилиб, жиноят иши ҳолатларини исбот қилиш фақатгина фикрлаш фаолиятидан эмас, балки бевосита амалий фаолият олиб боришдан иборатдир. <sup>40</sup>

Жиноят процессида исбот қилишнинг асосий мақсади -ҳақиқатни аниқлашдир, яъни иш учун аҳамиятли бўлган ҳолатларни ва фактларни аниқлашдан иборат.

А.Р.Белкиннинг таъкидлашича, ҳақиқат ҳам абсолют, ҳам нисбий

<sup>37</sup> Анушат Э. Искусство раскрытия преступлений и законы логики. –М.: Лекс-Эст, 2001. –Б.27.

<sup>38</sup> Лупинская П.А. Доказывание в уголовном процессе. –М.: Наука, 1960. –Б.9.

<sup>39</sup> Арсеньев В.Д. Вопросы общей теории судебных доказательств. –М.: Юрид. лит., 1964. –Б.6.

<sup>40</sup> Ўша ерда. -Б.7

характерга эга бўла олмайди, бундай фалсафий категориялар ҳақиқат характеристикасини ташкил қилмайди.<sup>41</sup>

Жиноят процессида объектив ҳақиқат тушунчаси ўз ичига тергов, прокуратура ва суд органларининг жиноят иши бўйича аниқланган ҳолатлари тўғрисидаги ишончли хулосаларни қамраб олади. Объектив ҳақиқат реал бўлган тақдирдагина исботлаш процесси мақсадига эришилади.

В.Дороховнинг фикрича, жиноят процессида ҳақиқат икки хил бўлади, яъни нисбий ва абсолют ҳақиқат.<sup>42</sup>

Жиноят процессида нисбий ҳақиқат деганда, яъни жиноят процессида биронта жиноят ишини исботланиши давомида аниқланган ҳолатлар ташки дунё ҳодисалари билан боғлиқ бўлмайди ва юридик, далилий аҳамиятга эга бўлмайди. Абсолют ҳақиқатда эса, жиноят иши бўйича аниқланган ҳолатларнинг барчаси бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлади. Айрим ҳолларда ҳақиқат конкрет аниқланмаганда, у ҳам нисбий, ҳам абсолют бўлади.<sup>43</sup>

Шундай қилиб, ҳақиқатни аниқлаш жиноят процессининг мақсади ва адолатли ҳукм чиқаришнинг асосий шартларидан биридир.

Жиноят процессида ҳақиқатни аниқлаш ўзининг хусусиятларига эга ва унга механик равишда ўрганиш фалсафасини умумий қоидаларини қўллаш мумкин эмас.

Жиноят иши ҳолатларини қандай содир бўлган бўлса, шундай ҳолда аниқлаш объектив ҳақиқатнинг мазмунини ташкил қиласди. Жиноят иши бўйича объектив ҳақиқатни аниқлаш тартиби жиноят-процессуал қонунчилик билан тартибга солинган. Бунда жиноят иши далилларни топиш ва қўллаш орқали реконструкция қилинади (жиноятни очиш режаси тузилади). Бундан кўриниб турибдики, исботлаш жараёнини объектив ҳақиқатсиз тасаввур қилиб бўлмайди, чунки объектив ҳақиқат исботлашнинг мазмунини ташкил қиласди.

Жиноят процессида исбот қилишнинг процессуал шакли деган тушунча ҳам мавжуд. Бу, албатта, табиий ҳол, чунки исбот қилиш ўз ичига процессуал ҳаракатларни қамраб олади. Исбот қилиш жараёндаги барча ҳаракатлар процессуал аҳамиятга эга.

Исбот қилишнинг процессуал шакли - бу қонун билан белгиланган қоидалар тизими бўлиб, унга кўра жиноят процессининг барча босқичида ўзига хос исботлаш вазифаси амалга оширилади. Бу шаклнинг аҳамияти шундаки, у одил судлов мақсадларига эришиш учун зарурый шартларни таъминлаб беради .

Исбот қилишнинг процессуал шакли қўйидагиларни ўз ичига олади: жиноят процессининг тамойиллари; далиллар ҳуқуқи тушунчаси ва институтлари (исботлашнинг предмети, тушунчаси, усуллари); исбот қилиш процесси босқичларида далиллар ҳуқуқи институтининг ўзига хос

<sup>41</sup> Белкин А.Р. Теория доказывания. –М.: Норма, 1999. -Б.6-7.

<sup>42</sup> Дорохов В., Николаев В. Обоснованность приговора. –М.: Юрид. лит., 1997. –Б. 70-72.

<sup>43</sup> Мухин И.И. Объективная истинна и некоторые вопросы оценки судебных доказательств при осуществлении правосудия. –М.: Юристъ, 2001. –Б.142.

хусусиятлари; исбот қилишда иштирок қилаётган органлар ва шахсларнинг доираси, шунингдек, уларнинг хукуқ ва мажбуриятлари.

Шундай қилиб, процессуал исбот қилишнинг хукуқий табиати деганда, исбот қилишда аниқланган далиллар, ҳолатларнинг суроштирувчи, терговчи, прокурор ва судья томонидан қайд қилиниши, хукуқий жиҳатдан расмийлаштирилиши тушунилади. Айнан шу ҳолатлар ЖПКнинг 90-93 моддаларида батафсил баён қилинган. Ушбу моддаларда кўрсатилган ҳолатларнинг аниқ бажарилиши исбот қилишнинг ўзига ҳос хусусиятларини ўз ичига олади.

Шундай қилиб, процессуал исбот қилиш – қонун билан тартибга солинган амалий фаолиятдир. Исбот қилиш жиноят-процессуал фаолиятнинг асосий мазмунини ташкил қилиб, содир этилган қилмишнинг фактик ҳолатларини аниқламагунча суд жараёни вазифаларини амалга ошириб бўлмайди.

#### **4.4. Жиноят иши бўйича исботланиши лозим бўлган ҳолатлар ва исботлаш предмети**

Хозирги вақтда компьютер техникалари, уяли алоқа воситаларининг турмушимизга кириб келганлиги янги, «электрон хужжатлар» билан боғлиқ қонунбузарликларни келтириб чиқармоқда. Терроризм каби машъум иллат ҳам бугунги кунда бутун жаҳон ҳамжамиятининг тинчлигига раҳна солмоқда. Буларнинг бари исботлаш усулларини янада янгилаш, такомиллаштириш заруратини туғдиради. Ушбу шароитда исботланиши лозим бўлган ҳолатлар масалаларини тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этади.

Исботланиши лозим бўлган ҳолатларнинг аниқ белгиланиши тергов ва суд органлари фаолиятининг мақсадини, жиноят иши ҳолатларининг тўла, ҳар томонлама ва холисона текширилишини таъминлайди. Процессуал жиҳатдан исботлаш предмети – бу жиноят иши бўйича аҳамиятли ва барча аниқланиши лозим бўлган ҳолатлар йиғиндисидир.

Процессуал адабиётларда исботлаш предметини турлича талқин этилади. Баъзи олимлар исботлаш предметини иш учун аҳамиятга эга бўлган воқеа, ходисанинг хусусиятини ифодаловчи ҳолатлар тизими,<sup>44</sup> деб таърифлайдилар. В.А. Банин исботлаш предмети фақат қонунда белгиланган ҳолатлар рўйхатидан ташкил топиши кераклигини таъкидлаб ўтган. Унинг фикрича, қонун билан белгиланган, исботланиши лозим бўлган ҳолатлар қонуний процессуал шаклга эга ва уларнинг рўйхати кенгайтирилиши ҳам, қисқартирилиши ҳам мумкин эмас.<sup>45</sup>

Бу борада А.С. Кобликовнинг: «...исботлаш предмети ва доираси бир хил тушунча ҳамда мазмунга эга, аммо исботлаш предмети билан исботлаш доираси бир-бири билан узвий боғлиқ бўлса-да, уларнинг ҳар бири ўзига ҳос

<sup>44</sup> Дорохов В.Я. Теория доказательств в уголовном процессе. 2-ое изд. / Под ред. Н.В. Жогина. - М.: 1973. -Б.139.

<sup>45</sup> Банин В.А. Предмет доказывания в уголовном процессе. (Гносеологическая и правовая природа) -Саратов: Изд. Саратовского ун-та, 1981. -Б.122.

юридик мазмунни ифодалайди. ... исботлаш предмети – ишниadolatli ҳал қилиш учун зарур бўлган ҳолатлар йифиндисидир»,<sup>46</sup> деган фикрларини анча кенг қамровли деб ҳисоблаймиз.

Исботлаш предметига чамбарчас боғлиқ бўлган исботлаш доираси эса исботланиши лозим бўлган ҳолатлар, даиллар ва уларнинг манбаларининг ҳажми, чегарасини белгилайди. Исботлаш доираси исботлаш предметининг ҳар бир элементи аниқланишини таъминлаш учун бирон-бир аник ҳаракатнинг чегараларини белгилаб беради. Бу тўғрида тадқиқотнинг кейинги параграфида батафсил фикр юритамиз.

Исбот қилишнинг асосий вазифаси исботлаш предметига кирувчи зарур бўлган барча ҳолатларни аниқлашдир. Субъектлар томонидан иш учун аҳамиятли ҳолатларнинг тўлиқ, ҳар томонлама ва холисона аниқланиши иш бўйича ҳақиқатни ўрнатишга, жиноятни тўғри таснифлашга, жазонинг муқаррарлиги ва жиноят иши бўйича қонуний,adolatli, асосланган ҳукм чиқарилишига хизмат қиласди.

Амалиётда исботлаш предметини аниқлашда асосан икки турдаги хатоликларга йўл қўйилади. Биринчи турдаги хатолар иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатларнинг тўлиқ, ҳар томонлама, холисона аниқланмаслиги бўлса, иккинчиси исботлаш предметининг асоссиз тарзда қисқартириб ёки кенгайтирилиб юборилишидир. Исботлаш предмети ҳажмини асоссиз равишда қисқартириш дастлабки ёки суд терговининг тўлиқ бўлмаслиги ёки бир ёқламалилигига сабаб бўлади. Аксинча, исботлаш предметини ҳаддан ташқари кенгайтириб юборилиши ишнинг кераксиз материаллар билан тўлиб кетишига, тергов қилиш жараёнининг асоссиз чўзилишига олиб келади.

ЖПКнинг 82-моддасида исботлаш предметига қуйидаги исботланиши лозим бўлган ҳолатлар киритилган: 1)жиноят обьекти: жиноят туфайли етказилган зиённинг хусусияти ва миқдори, жабрланувчининг шахсини тавсифловчи ҳолатлар; 2)садир этилган жиноятнинг вақти, жойи, усули, шунингдек жиноят кодексида кўрсатиб ўтилган бошқа ҳолатлари; қилмиш ва рўй берган ижтимоий хавфли оқибатлар ўртасидаги сабабий боғланиш; 3)жиноятнинг ушбу шахс томонидан содир этилганлиги; 4)жиноят тўғри ёки эгри қасд билан ёхуд бепарволик ёки ўз-ўзига ишониш оқибатида содир этилганлиги, жиноятнинг сабаблари ва мақсадлари; 5)айбланувчи, судланувчининг шахсини тавсифловчи ҳолатлар.

Жиноят обьекти – жиноий тажовуз қаратилган ва ана шу тажовуз орқали зарар етказилиши мумкин бўлган ижтимоий муносабатлардир. Жиноятнинг обьекти айбдор қандай жиноят (ўғирлик, босқинчилик ва ҳ.к.) содир этганлигини аниқлашга имкон бериб, жиноятнинг ташқи томонини ифодалайди. Объект – жиноятни малакалаш учун зарур бўлган муҳим ҳолатдир.

Жиноят оқибатида етказилган зиённинг хусусияти айнан жиноят обьектида қандай ўзгаришлар рўй берганлигини тадқиқ этиш орқали

<sup>46</sup> Кобликов А.С. Доказательства в уголовном процессе. Уголовный процесс. -М.: 1982. – Б.144.

аниқланади. Етказилган зиённинг хусусияти ва миқдорининг аниқланиши жиноятнинг қай даражада содир этилган ёки этилмаганлиги, жиноятнинг малакаланиши, енгиллаштирувчи ҳолатлар мавжудлиги (жабрланувчига шикаст етказилгандан кейин тиббий ёрдам кўрсатилиши, ихтиёрий равишда жабрланувчига етказилган зарарни қоплаганлик), жазо турини белгилаш масалаларини ҳал этишга хизмат қиласди.

Етказилган зиённинг: а) маънавий (шаънига путур етказиш, камситиш ва ҳоказолар); жисмоний (соғлиғи, ҳаётига етказилган зиён); мулкий (моддий зарар) турлари мавжуд.

Исботлаш жараёнида жиноятнинг вақти, жойи, усули, шунингдек, Жиноят кодексида кўрсатиб ўтилган бошқа ҳолатлар, қилмиш ва уларнинг ижтимоий хавфли оқибатлари ўртасидаги сабабий боғланишни ўрганиш муҳим ўрин эгаллади. Бу ҳолатларнинг аниқланиши орқали жиноятнинг қачон, қаерда, қандай усувлар орқали ҳамда қандай шароитларда содир этилгани ва улардан келиб чиққан оқибатлар ўртасида қандай сабабий боғланиш борлиги каби масалалар ҳал қилинади. Бу ҳолатларни аниқлаш суриштирувчи, терговчидан катта маъсулият талаб этади.

Амалиётда айрим жиноятларни содир этиш вақтини аниқлашда дақиқа, сониялар ҳам катта рол ўйнайди, шунингдек, воқеа содир бўлган жойни кўздан кечиришда ҳар бир элемент ва деталларга эътибор бериш муҳим. Чунки айрим ҳолатлар асосий факт бўлмаса ҳам, жиноятнинг очилишида ёрдамчи далил бўлиб хизмат қиласди. Баъзи жиноятлар бўйича вақтни аниқлашда эса кун ёки ҳафтанинг аниқланиши ҳам етарли бўлади. Масалан, жиноят содир этиш усули айрим ҳолларда индивидуал кўринишга эга бўлиб, «серияли қотиллик» содир этувчи жиноятчи ўзининг ғараз, ваҳший ниятларини ҳафтанинг айнан бир кунида (душанба, сешанба ва ҳ.к.) ёки йилнинг айни бир мавсумида (қиши, ёз ва ҳоказо) амалга ошириши мумкин. Аммо ҳар қандай вазиятда жиноят содир этилган вақт, жой, усул, ҳаракатлар ва уларнинг оқибатлари ўртасидаги сабабий боғланиш ҳолатлари тўла, ҳар томонлама, холисона аниқланиши шарт, акс ҳолда дастлабки терговнинг тўлиқсиз ёки бир ёқлама ўтказилиши ҳолати юзага келади.

ЖПКнинг 82-моддаси 3-бандида жиноятнинг муайян шахс томонидан содир этилганлиги жиноят ҳодисасининг исботланиши лозим бўлган ҳолати сифатида таърифланади. Жиноят айнан муайян шахс томонидан содир этилганлигини исботлаш учун унинг маълум ёшга тўлганлиги, ақли расолиги, жиноят айнан шу шахс томонидан содир этилганлиги, айрим жиноятларда маҳсус субъект бор ёки йўқлигини ҳам аниқлаш зарур.

ЖПКнинг 82-моддаси 4-бандида кўрсатилган жиноятнинг субъектив томонларини, унинг сабаб ва мақсадларини аниқ белгилаш жиноятни тўғри малакалаш, шахснинг айблилик даражасини ҳисобга олган ҳолда адолатли жазо тайинлашнинг зарурий шартидир. Жиноятнинг субъектив томонини аниқлаш суд-тергов амалиётида маълум қийинчиликлар туғдиради, шунинг учун жиноятнинг ижтимоий хавфли томонлари, мақсад ва мотивларини чукур ўрганиш лозим. «Исботлаш предметига жиноятнинг сабаб ва шароитларини киритишнинг ҳожати йўқ, чунки у қўшимча тергов

ҳаракатлари ўтказишга, ортиқча вақт сарфланишига олиб келади»,<sup>47</sup> деган фикрлар бизнингча нотўғри, чунки айнан жиноятнинг субъектив томонини тўғри аниқлаш жиноят қандай асосда содир этилганлигини аниқлашда муҳим аҳамият касб этади. Жиноятнинг мақсади, мотиви ва содир этиш асосларини етарлича тадқиқ этмаслик жиноятни малакалашда хатоликларга йўл қўйилишига, шахснинг содир этмаган қилмиши учун жиноий жавобгарликка тортилишига сабаб бўлади. Жиноятнинг сабаблари ва мақсадларини аниқланиши кейинчалик шу жиноятнинг қайта содир этилишини олдини олиш имконияти беради.

Айбланувчи, судланувчининг шахсини тавсифловчи ҳолатлар исбот қилиниши зарурлиги ЖПКнинг 82-моддаси 5-бандида белгиланган. Айбланувчи, судланувчининг шахсини тавсифлашда оғирлаштирувчи ҳамда енгиллаштирувчи ҳолатлар инобатга олинади. Терговчи айбланувчи (судланувчи)нинг фамилияси, исми ва отасининг исми, туғилган вақти (йили, ойи, куни) ва жойи, яшаш ва иш жойи, мансаби, машғулот тури, маълумоти, оиласвий аҳволи, судланганлиги ёки судланмаганлигини аниқлайди. Шунингдек, шахснинг илгариги фаолияти натижасидаги имтиёзлари, меҳнатга, бурчга бўлган муносабати, жамиятда тутган ўрни, оиласининг моддий ҳолати, иш стажи, соғлиғи, олдинги иш жойларида қандай ишлаганлиги, қарамоғида вояга етмаган фарзандлари борлиги эътиборга олиниб, улар бошқа исботланиши лозим бўлган ҳолатлар билан узвий боғлиқликда кўриб чиқилади. Яъни бу ҳолатлар аниқланаётганда шу жиноятни содир этишга ундан шароитлар, сабаблар ҳам аниқланади.

Демак, исботланиши лозим бўлган ҳолатлар бир-бири билан чамбарчас боғлик бўлиб, бир ҳолатнинг аниқланиши иккинчисини топишга ёрдам беради. ЖПКнинг 82-моддасида назарда тутилган исботланиши лозим бўлган ҳолатлар барча турдаги жиноятларга тааллуқлидир. Лекин алоҳида тоифадаги ишларни юритишда қўшимча ҳолатлар ҳам аниқланади.

Дастлабки тергов ҳаракатлари ва суд муҳокамаси даврида вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишларни юритишда ЖПКнинг 82-84-моддаларида кўрсатилган ҳолатлардан ташқари вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишлар бўйича исботланиши лозим бўлган бир қатор ўзига хос бошқа ҳолатлар ҳам исботланиши лозим.<sup>48</sup> Бу тоифадаги ишларда вояга етмаган айбланувчининг аниқ ёши (туғилган йили, ойи, куни), вояга етмаганнинг шахсига хос хусусиятлар ва унинг саломатлиги ҳолати; унинг турмуш ва тарбияланиш шароитлари; катта ёшли далолатчилар ва бошқа иштирокчиларнинг бор ёки йўқлиги аниқланади.

Шахснинг ақли расолигини белгилаш ҳам исботлаш лозим бўлган муҳим ҳолатлардан биридир. ЖПКнинг 566-моддасида ақли норасо шахс томонидан содир қилинган ижтимоий хавфли қилмиш юзасидан исботланиши лозим

<sup>47</sup> Томин В.Т. Выявление и устранение обстоятельств, способствовавших совершению преступления и цель уголовного процесса. // Проблемы борьбы с преступностью. Вып.1. -1970. -Б. 155-156; Пашкевич П.Ф. Закон и судебское усмотрение. // Государство и право. -1982. -№1. -Б. 58.

<sup>48</sup> Каранг: Ирсалиев А. Вояга етмаганларнинг ишларини судда юритиш. –Т.: ТДЮИ, 2003. – 88 б.

бўлган ҳолатлар кўрсатилган. Унга кўра, ЖПК 82-моддасининг 1, 2 ва 5-бандларида назарда тутилган ҳолатлар; шахс, қилмиш содир этган вақтида сурункали руҳий касал эканлиги, руҳияти вақтинча бузилганлиги, ақли заифлиги ёки бошқа касаллиги, шунинг оқибатида унинг ақли норасо бўлганлиги, яъни ўз ҳаракатларини идрок эта олмаганлиги; мазкур шахснинг дастлабки тергов ва суд муҳокамаси вақтидаги руҳий ҳолати аниқланиши лозим. Шу билан биргаликда жиноят содир этганидан сўнг руҳий касалликка дучор бўлиб қолган шахснинг иши бўйича унинг бундан кейинги ҳаракатлари ўзи ва атрофдагилар учун хавф туғдириши мумкинми ёки йўқлиги, даволанишга муҳтожлиги, унга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўлланилишига зарурат бор ёки йўқлигини ҳам исботлаш лозим. Айрим ҳолларда жиноят содир этган шахс жиноят иши кўрилаётган пайтда кучли руҳий ҳаяжон ҳолатига тушиб қолади. Лекин энг асосийси унинг жиноят содир этиш пайтидаги ҳолати ҳисобланади. Бу ҳолатларни суд экспертизаси аниқлаб беради. Эксперт хулосасини олгандан сўнг терговчи уни баҳолаши керак. Терговчи барча материаллар ва экспертизиатр хулосасига биноан айбланувчини ақли расо деб топса, иш давом этади ҳамда айблов хулосасини тузиш билан якунланади. Агар айбланувчи ақли норасо деб топилса, терговчи ишни тугатиб, соғлиқни сақлаш органларига хабар беради, улар ўз навбатида айбланувчини рўйхатга олишади. «Тергов давомида терговчи айбланувчининг ақли расо ёки норасолигини билиши шарт. Шу билан бирга у, айбланувчининг касаллиги даражасига караб мажбурий даволаниш зарурми, агар зарур бўлса қайси тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини қўллаш мақсадга мувофиқлигини белгилайди».<sup>49</sup>

Бунга кўра, ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятни содир этган шахс, агар муқаддам судланмаган бўлса, ўз айбини бўйнига олса, жиноят оқибатида келтирилган заарни тўласа, жабрланувчи билан ярашса, суд ишни юритувидан тўхтатади.

ЖПКда белгиланган исботланиши лозим бўлган ҳолатларнинг ҳар бири жиноят ишларини очиш учун умумий равишда зарур бўлган ҳолатлар йиғиндисидир. Бу ҳолатлар бир-бири билан узвий боғлиқ бўлиб, исботлаш жараёни давомида бир-бирини тўлдириб боради.

Хулоса қилиб айтганда, процессуал исбот қилиш жараёнида ҳар бир жиноят иши бўйича исботланиши лозим бўлган ҳолатларни тўла, ҳар томонлама, холисона аниқлаш учун ҳукуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари чуқур касбий тайёргарликка эга бўлишлари талаб этилади. Исботлаш жараёнининг энг зарурий шартларидан бири бўлган исботланиши лозим бўлган ҳолатларни аниқлашда қонуний, ишончли манбалардан олинган маълумотлардан фойдаланиш лозим.

#### **4.5. Исбот қилиш доираси**

<sup>49</sup> Спасенников Б.А. Принудительные меры медицинского характера: история, теория, практика. - М.: Юридический центр Пресс, 2003. -Б.158.

Жиноят иши бўйича аниқланиши лозим бўлган фактлар ва ҳолатлар жуда кўп бўлиб, ўз хусусияти, белгисига эгадир. Ушбу факт ва далил (ҳолат)ларни тўла, ҳар томонлама аниқлаш исботлаш доирасини белгилаш демакдир. Исботлаш доираси исботлаш предмети билан узвий боғлиқдир.

Исботлаш доираси жиноят иши бўйича жуда катта аҳамиятга эга бўлган ҳолатларни тўлик ҳар томонлама ишончли тасдиқланишини таъминлайди.

Исботлаш доираси - бу жиноят иши бўйича тўпланган далилларнинг керакли етарли бирлиги бўлиб, жиноят ишиниadolатли ҳал қилиш учун ёрдам беради.<sup>50</sup> Исботлаш предмети ва доираси тушунчалари бир-бири билан узвий боғлиқ ва бир-бирига тобедир.

Биринчиси, мақсадни англатади, иккинчиси эса унга эришиш воситаси ҳисобланади.

Исботлаш доираси тушунчаси, бир томондан билиш ходисасининг керакли ва тўлиқлик талабини таъминланишини, иккинчидан, билиш натижаларининг талабини акс эттирилишини ўз ичига олади.

Исботлаш доираси тўпланган далиллар исботлаш предметининг ҳар бир элементи аниқланишини таъминлаш учун бирон-бир конкрет ишнинг чегараларини белгилаб беради. Исботлаш предмети жавобгарлик ва жазо масалаларини ҳал қилиши учун фактик асос бўлган ҳамда жиноят иши бўйича исботланиши лозим бўлган ҳолатларни ўз ичига олса, исботлаш доираси эса исботлаш предметини аниқлаш учун фактик асос бўлган далилий материалларни ўз ичига олади.<sup>51</sup>

Рус олими Г.М. Минковскийнинг фикрича: «Аниқ жиноят иши бўйича исботлаш доираси исботлаш предметининг чегараси ҳисобланади»<sup>52</sup>

Исботлаш доираси исботлаш предметига тобе бўлиб, ана шу асосда жиноят иши бўйича исботланиши лозим бўлган ҳолатлар тўпланади, текширилади, баҳоланади ва тегишли процессуал ҳаракатлар амалга оширилади. Исботлаш доираси - исботлаш предметига кирувчи факт (ҳолат)ларни аниқлаш ва текширишнинг чегарасидир. Исботлаш доираси исботлаш предметига кирувчи фактлар, ҳолатларни текширилишини таъминлайди. Шунингдек, жиноят иши бўйича бўлган версия, анализлар ҳам текширилади.

Исботлаш доираси предметига кирувчи ҳолатларни тўплаш, яъни ушбу элементларни амалга оширишда барча боғлиқликлар, деталлар эмас, балки уларнинг энг зарурлари ҳисобга олинади. Масалан, безорилик жиноятида ҳолатларни аниқлашда айбланувчи томонидан хулқ-одоб қоидаларига хилоф айтилган барча сўзларни олиш шарт эмас, балки айнан жамоат тартибига хурматсизлик қилиш ҳаракати инобатга олиниши лозим.

Шунингдек, процессуал исботлаш доираси тушунчаси асосий аспект бўйича текшириладиган версияларнинг етарлилик даражасини ўз ичига

<sup>50</sup> Фаткуллин Ф.Н. Общие проблемы процессуального доказывания. –М.: 1973.-Б.62.

<sup>51</sup> Уголовный процесс. /Под ред. Н.С. Алексеева, В.З. Лукашевича, П.С. Элькинда. –М.: 1972. -Б. 153.

<sup>52</sup> Миньковский Г.М. Пределы доказывания. –М.: 1956.-Б.4.

олади. Иш бўйича чиқарилган хulosаларни асослаш учун версияларни текшириш ва анализ қилиш исботлаш доирасига киради. Терговчи, судья томонидан конкрет иш юзасидан келиб чиқадиган версияларни тўлиқ исботламаслик исботлаш доирасини қисқаришига, тергов давомида версияларнинг ҳаддан ташқари кўпайиши исботлаш доирасини кенгайтирилиб юборилишига сабаб бўлади.

Демак, жиноят процессида исботлаш доираси деганда, иш бўйича чиқарилган хulosаларнинг асослилигини тасдиқлаш учун далиллар, уларнинг манбалари ҳажми, шунингдек тергов версиялари, исботланиши лозим бўлган ҳолатларни текшириш чегараси, доирасини белгилаб берувчи фаолиятни тушунамиз.

Жиноят процессида иш бўйича исботлаш доираси шундай аниқланадики, ишни тўғри ҳал қилиш учун аҳамиятга молик бўлган, исботлаш предметига кирувчи барча ҳолатлар етарли, тўлиқ даражада текширилиб, тўпланган материаллар билан уларнинг хусусиятлари тўлиқ аниқланишига олиб келади.

Шундай қилиб, исботлаш доираси бу иш бўйича аҳамиятга эга бўлган ҳолатларнинг аниқланиши учун етарли бўлган далиллар йигиндисидир.

Исботлаш доирасини тўғри белгилаб олиш исботлашнинг субъектларига боғлиқ бўлиб, уларнинг фаоллиги даражасига, аниқланган далилларнинг сифати ва миқдорига боғлиқдир. Агарда исботлаш чегарасидаги барча ишга тааллуқли бўлган далиллар аниқланган бўлса, исботлаш чегараси иш бўйича керакли бўлган хulosани шаклланишига асос бўлади. Бошқача сўз билан айтганда, исботлаш чегараси-иш бўйича исботланиши лозим бўлган ҳолатларнинг исботланиш даражасидир.

Исботлаш доираси процессуал фаолият чегарасини белгилайди ва у:

- барча текшириладиган тергов версияларини тўлиқлик даражасида кўрсатади;
- аниқланиши лозим бўлган фактларнинг тадқиқ этиш чуқурлигини кўрсатади;
- далиллар ва уларни манбаларининг ҳажмини белгилайди, чунки уларнинг воқеликдаги бор ёки йўқлигини тан олиш учун хизмат қиласади;
- иш бўйича хulosаларни чиқариш етарлилигини белгилайди.

Исботлаш чегараси жиноят процессининг барча босқичлари учун ягонадир. Исботлаш доирасига далиллар, ҳолатларнинг асосий қуйидаги гуруҳи киради:

- а) жиноятнинг содир бўлишини билдирувчи ҳолатлар (вақт, жой ва бошқалар) ва жиноят таркиби бор ёки йўқлиги тўғрисидаги ҳолатлар;
- б) шахснинг айбини тасдиқловчи ёки инкор этувчи ҳолатлар;
- в) жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини аниқловчи ҳолатлар;
- г) жиноят туфайли етказилган зиённинг хусусиятини ва миқдорини аниқловчи ҳолатлар;
- д) жиноятни содир қилишга ёрдам берган шарт-шароитларни аниқловчи ҳолатлар.

Шундай қилиб, жиноят процессида исбот қилиш предмети иш бўйича

нималар аниқланишини билдирса, исботлаш доираси эса иш бўйича мавжуд ҳолатларнинг текшириш ҳажми ва чегарасини белгилайди.

#### **4.6. Исботлаш субъектлари ва уларнинг фаолияти**

Исбот қилиш субъектлари деганда исботлаш фаолиятида иштирок этадиган ва маълум ҳукуқ ва мажбуриятларга эга бўлган органлар ҳамда шахслар тушунилади.<sup>53</sup> Улар исботлаш жараёнида қисқа ёки эпизодик тарзда эмас, балки доимий, узок муддат қатнашувчи (лоақал процесснинг бир босқичи доирасида) органлар ва шахслардир. Бу субъектлар доираси жуда кенг, бироқ улар ваколатлари билан бир биридан фарқ қиласиди. ЖПКнинг 86-моддасида кўрсатилган исбот қилиш иштирокчиларини қўйидаги гурӯхларга бўлиш мақсадга мувофиқдир:

1) исботлашни (далилларни тўплаш, баҳолаш, текшириш ва тадқиқ этиш) амалга оширувчи ва унга масъулиятли бўлган шахслар – суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд;

2) исботлаш жараёнида ўзи ёки ўзгаларнинг қонуний манфаатларини кўзлаб фаол ва узок муддат қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар – гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, ҳимоячи, жамоат айловчиси, жамоат ҳимоячиси, шунингдек жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакиллари;

3) исботлашда ёрдамчи вазифаларни адо этувчи шахслар - гувоҳлар, экспертлар, мутахассислар, таржимонлар, холислар, бошқа фуқаролар ва мансабдор шахслар.

Исботлаш субъектларининг биринчи гурӯхига жиноят процессининг хар қандай босқичларида жиноят иши учун масъулиятли бўлган давлат органлари ва суднинг киритилиши бежиз эмас. Қўйида суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг исботлашнинг бошқа субъектларидан фарқ қилувчи хусусиятларини кўриб ўтамиз.

1. Суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд исботлаш жараёнида давлат вакили сифатида иштирок этгани туфайли, процесснинг хар бир босқичи доирасида мақсадга эришилганлик учун жавобгардир. Жиноят иши учун масъул бўлган органлар ва суд исботлаш жараёнида иш ҳолатларининг қонуний, холисона, тўла ва ҳар томонлама тадқиқ этилишини, ҳар бир босқичда исботлаш ҳуқуқи принципларига риоя этилишини таъминлаши шарт.

2. Далилларни тўплаш, текшириш, тадқиқ этиш ва баҳолаш маъносидаги исботлаш мажбуриятлари ҳам айнан юқорида тилга олинган органлар ҳамда суд зиммасига юклатилган.

3. Фақат жиноят иши учун процесснинг хар бир босқичида масъул бўлган органлар ва суд иш ҳолатларини ҳар томонлама, тўла ва холисона тадқиқ этиш ҳамда иш бўйича қарор қабул қилиш (ишни процесснинг

<sup>53</sup> Иномжонов Ш. Исбот қилиш иштирокчилари фаолиятида далиллар тақдим қилишнинг ўрни ва аҳамияти:// «Ўзбекистон Республикасида адвокатурани такомиллаштириш муаммолари» мавзусидаги илмий-амалий конференция материаллари. –Т.: ТДЮИ, 2003. –Б.77.

кейинги босқичига ўтказиш ёки уни тамоман ҳал этиш) функциясини адо этади.

4. Суриштирувчи, терговчи, прокурор ва судга давлат томонидан жуда катта ваколатлар берилган бўлиб, процессуал (исботлаш) ва моддий хуқуқ нормаларини қўллашга фақатгина улар ҳақлидирлар. Уларнинг исботлаш хуқуқи нормаларида қўрсатилган юридик фактларни ўрнатишга мажбурлиги исботлаш соҳасидаги процессуал муносабатларнинг пайдо бўлиши, ўзгартирилиши ҳамда тугатилишига омил бўлади.<sup>54</sup>

Мазкур гурухга киравчи субъектларнинг исбот қилишда қатнашиши - уларнинг процессуал ва хизмат мажбурияти бўлиб, у ЖПК меъёrlарида ифодаланган. Суриштирув, тергов, прокуратура ва суд органлари кўрилаётган жиноят иши бўйича объектив ҳақиқатни аниқлашлари, фуқароларнинг хуқуқ ва эркинликлари, шаъни, қадр-қиммати ва мулклари, корхона, муассаса ва ташкилотларнинг хуқуқлари ва қонун билан ҳимояланади, манфаатлари муҳофаза қилинишини таъминлашлари, беғараз ва одил бўлишлари шарт. Суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг бошқа субъектлардан фарқ қилувчи яна бир хусусияти исботлаш жараёнида юзага келадиган хуқуқий муносабатлардаги мажбурий иштирокидир. Исботлаш жараёнида процессуал мажбуров чораларини қўллаш ваколатининг фақат жиноят ишига масъул бўлган органлар ва судга мансублиги орқали ҳам улар бошқа исботлаш субъектлардан ажralиб туради.

Гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчи исботлаш жараёнида ўз манфаатларини ҳимоячи қилувчи субъектлар сифатида иштирок этади. Уларнинг хуқуқ ва мажбуриятлари ЖПКнинг 46,48-моддаларида белгиланган. Уларнинг хуқуқ ва мажбуриятлари жуда кенг, биз улардан исботлаш жараёнига тааллуқли бўлганларига тўхталиб ўтамиз. Ўзига қўйилган гумон, айлов юзасидан ва ишнинг бошқа ҳар қандай ҳолатлари бўйича қўрсатув ва тушунтиришлар бериш хуқуқини рўёбга чиқариш учун терговни олиб борувчи шахслар, суд гумон қилинувчи, айбланувчига гумон, айлов моҳиятини тушунтириб беришга, уни қонунда қўрсатилган муддатда сўроқ қилишга мажбур.

Гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи турли масалалар (ишни тугатиш, қўшимча далиллар талаб қилиш, қўшимча тергов ҳаракатлари юритиш, ҳимоячи иштироки тўғрисида ва ҳ.к.) бўйича илтимоснома беришга ҳақли. Илтимосномалар дастлабки тергов давомида ва судда берилиши мумкин. Исботлаш жараёнида бу субъектлар бузилган хуқуқларини юқорида қўрсатилган хуқуқлари – илтимосномалар, шикоятлар бериш йўли орқали тиклайдилар, лекин бу қонунбузилишларини мустақил равишда бартараф этиш имкониятига эга эмаслар.

Далиллар тақдим қилиш хуқуқи нафақат қўрсатувлар бериш, ашёвий далиллар ва хужжатлар тақдим қилиш, балки тергов ҳаракатларини

<sup>54</sup> Кузнецов Н.П. Доказывание и его особенности на стадиях уголовного процесса России: Автореф. дисс.... д-ра. юрид. наук. –Воронеж: 1998. –Б.15

юритишда шахсан иштирок этиш имкони орқали у ёки бу далилни талаб қилиб олиш тўғрисида илтимоснома бериш йўли билан амалга оширилади.<sup>55</sup>

Ҳимоячининг исботлаш жараёнидаги ўрнига тўхталиб ўтадиган бўлсак, унинг исботлаш субъекти сифатидаги фаолияти жуда чекланган. ЖПКнинг 81-моддасида далилларнинг барча турлари санаб ўтилган, 11-22 бобларда эса жиноят процессининг судга қадар бўлган даврида жиноят иши бўйича далиллар тўплашга хизмат қиласидан тергов харакатлари кўрсатилган. Жиноят-процессуал қонуннинг далилларни тўплашга оид хеч бир нормасида ҳимоячининг ушбу тергов харакатларини юритишга ваколатли эканлиги ҳакида сўз юритилмайди. Бундан келиб чиқадики, ЖПК 86-моддаси 2-қисмида кўрсатиб ўтилганига қарамасдан, ҳимоячи тўлақонли исботлаш субъекти бўла олмайди. ЖПКнинг 85-моддасида кўрсатилишича, исбот қилиш далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолашдан иборат. Юқорида таъкидлаганимиздек, ҳимоячи жиноят иши бўйича далилларни тўплаш фаолиятида иштирок этишдан маҳрум. У далилларни текширишда ҳам иштирок этмайди. Далилларга баҳо бериш ваколатига эга бўлган шахслар қаторига ҳам ҳимоячи киритилмаган, яъни ЖПКнинг 95-моддасига кўра фақат суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд бундай ваколатга эга.

Исботлаш жараёнида судланувчи ва жабрланувчининг иш жойидан, яшаш жойидан ва бошқа жамоат ташкилотларидан вакиллар қатнашиши мумкин. Улар суд муҳокамасида ўз манфаатини ҳимоя қилувчи шахслардан фарқ қилиб, меҳнат жамоаси ёки жамоат ташкилоти манфаатларини ҳимоя қиласидар. Албатта, бу манфаатлар суд муҳокамасида бўлган жиноий иш билан боғлиқ бўлган ҳолларда амалга оширилади. Бу вакиллар суд муҳокамасида жамоат айловчиси ёки жамоат ҳимоячиси сифатида иштирок этадилар.<sup>56</sup>

Исботлаш жараёнида жамоат ҳимоячисининг иштироки ҳимоя функциясини тўлақонли амалга оширишга кўмаклашади ва ҳимоя позицияларини мустаҳкамлашга хизмат қиласи. Жамоат ҳимоячиси далилларни текширишда, суд музокараларида иштирок этади, илтимослар қиласи, судланувчининг айбини енгиллаштирувчи, уни оқловчи ҳолатлар тўғрисида, судланувчига бериладиган жазони юмшатиш, уни жазодан озод қилиш, уни меҳнат жамоаси кафиллигига беришни суддан илтимос қилиши мумкин. Жамоат ҳимоячисининг суд муҳокамасида тутган позицияси судланувчининг ва унинг ҳимоячисининг позициясига боғлиқ эмас. Жамоат айловчиси ва жамоат ҳимоячиси суд муҳокамасида мустақил бўлиб, бошқа иштирокчилар каби иш юзасидан далилларни текшириш, далиллар келтириш, илтимослар қилишда тенг хуқуqlардан фойдаланадилар.<sup>57</sup>

ЖПКнинг 54-моддасида жиноят, шунингдек ақли норасо шахснинг ижтимоий хавфли қилмиши натижасида шахсга маънавий, жисмоний ёки мулкий зарар етказган деб ҳисоблаш учун далиллар бўлган тақдирда, бундай

<sup>55</sup> Қаранг: Владимиров Л.Е. Учение об уголовных доказательствах. – Тула: Автограф, 2000. -Б. 171.

<sup>56</sup> Саркисянц Г.П. Участие защитника в уголовном процессе. -Т.: Фан, 1971. -Б.79.

<sup>57</sup> Залорский Г.И. Судебное разбирательство по уголовным делам. -М.: Юрид. лит., 1985. -Б.94.

шахс жабрланувчи деб эътироф этилиши кўрсатилган.

Ишнинг барча ҳолатларини тўла, ҳар томонлама ва холисона текширишда жабрланувчининг иштирокини инкор этиш жиноят судлов ишларининг демократия ва тортишув принципларига зид юритилаётгани тўғрисида холоса чиқаришга ва уларнинг исботлашда иштирок этиш ҳуқуқи чекланишига олиб келган бўлар эди. Лекин бу субъектлар исботлашни амалга ошириш имкониятига эга эмаслар, чунки улар зиммасига ўз шахсий манфаатдорлигини ҳисобга олган ҳолда ишнинг барча ҳолатларини тўла ва холисона текшириш вазифаси юклатилмаган, юклатилиши ҳам мумкин эмас.<sup>58</sup> Шунинг учун исботлаш жараёнида жабрланувчилар фақат ўзларининг қонунда белгиланган процессуал ҳуқуқларини амалга ошириш йўли билан иштирок этадилар, яъни далиллар тақдим этиш ва шикоятлар келтириш - билишнинг процессуал шаклда амалга ошириладиган исботлаш тушунчаси ва дастлабки тергов органлари томонидан тўпланган далиллар билан ўз хulosаларини асослаш билан баробар эмас.<sup>59</sup>

Исбот қилиш субъектлари ҳисобланмиш фуқаровий даъвогар ва фуқаровий жавобгар ҳам маълум процессуал ҳуқуқ ва бурчларга эга.

Жабрланувчи, фуқаровий даъвогар ва фуқаровий жавобгарнинг вакиллари ҳам исботлаш жараёнининг субъектлари ҳисобланадилар. ЖПКнинг 62-моддасига мувофиқ жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгарнинг вакиллари сифатида адвокатлар, вакил сифатида иштирок этишга маҳсус рухсатномалари бўлган шахслар, суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг қарори ёки суднинг ажримиға кўра ишда қатнашишга рухсат берилган яқин қариндошлар ва бошқа шахслар иштирок этишлари мумкин.

ЖПКнинг 65-моддасига кўра, жиноят иши бўйича аниқланиши лозим ҳолатларнинг бирортаси тўғрисида хабардор бўлган ҳар қандай шахс гувоҳ сифатида кўрсатув бериш учун чақирилиши мумкин. Гувоҳ исботловчи ахборотнинг манбаи сифатида тергов қилинаётган ҳодисанинг ҳолатларини аниқлаштиришга кўмак беради ва шунинг учун исботлаш субъекти сифатидаги унинг ўрнини ҳеч ким босолмайди.<sup>60</sup>

Эксперт хulosалари иш ҳолатларини аниқлашнинг, яъни исботлашнинг самарали воситаси ҳисобланади. ЖПКнинг 68-моддасида экспертга жуда кенг ҳуқуқлар берилган, айни вақтда унинг мажбуриятлари ҳам белгиланган.

Суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг билимлари эксперт даражасида бўлса ҳам, улар эксперт функцияларини бажаришлари мумкин эмас, чунки бу йигилган далилларнинг одилона бўлишига шубҳа тугдириши

<sup>58</sup> Жабрланувчи ва гувоҳларнинг исботлаш жараёнидаги иштирокини такомиллаштириш учун уларни турли жиноий гурухларнинг тажовузларидан муҳофаза этиш масалалари ҳам кўтарилимоқда. Қаранг: Козусев А. Бандитизм: проблемы доказывания. // Российская юстиция. - 1998. -№6. -Б.48-49.

<sup>59</sup> Қаранг: Пономаренков В.А., Николайченко В.В., Громов Н.А. Процессуальная форма доказывания. // Следователь. -1998. -№9. -Б.29.

<sup>60</sup> Епихин А.Ю. Защита законных прав и интересов свидетеля в уголовном процессе: Автореф. дис....канд. юрид. наук.- М.: 1995.- Б.7.

мумкин.<sup>61</sup> Эксперт қилиб тайинланган шахс қаерда ишлашидан, қандай соҳада мутахассис эканлигидан қатъи назар, ўзининг ҳуқуқий ҳолати бўйича мансабдор шахс ҳисобланиб, зарурий ҳуқуқий билимларга ҳам эга бўлиши талаб этилади.<sup>62</sup>

Исботлаш жараёнида мутахассисларнинг берган баёнотлари далилларни текшириш ва уларга баҳо беришда муҳим ўрин тутади. ЖПКнинг 69-моддасига кўра мутахассис чақиравга биноан ҳозир бўлиши, судга далиллар топиш, ўрганиш ва мустаҳкамлашда маҳсус билимлари орқали ёрдам бериши, суднинг диққатини иш юзасидан маълум бир ҳолатларни аниқлашга жалб этиши, алоҳида саволларни тушунтириши, шунингдек раислик қилувчининг рухсати билан далилларни текшириш мақсадида иштирокчиларга саволлар бериши мумкин. Мутахассисга тўғри ва аниқ тушунтиришлар бериш мажбурияти юклатилган. Суд муҳокамасида ўлим билан боғлиқ жиноят ишлари кўрилаётганида врач ёки суд-тиббиёт экспертизаси ходимлари, ишдаги текширилаётган далилларга қараб Ўзбекистон Республикаси ИИВга қарашли криминалистика бўлимлари ходимлари, суд экспертиза институтлари ёки лабараторияларининг ходимлари ҳам мутахассис сифатида жалб этилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасида давлат тилига ўтилиши муносабати билан исботлаш субъекти сифатида таржимоннинг аҳамияти ошиб бормоқда. ЖПКнинг 71-моддасига биноан судланувчи ёки жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ёхуд уларнинг вакиллари, гувоҳ, эксперт, мутахассис иш юритилаётган тилни билмаса ёки етарли даражада билмаса; кар ёки соқов бўлса; бирор матнни бошқа тилдан таржима қилишга зарурат бўлса, таржимон чақирилади.

Холислар суриштирувчи, терговчи, прокурор томонидан тергов ҳаракати ёки бошқа ҳаракатлар ўтказилганлигини, уни ўтказиш жараёни ва натижаларини тасдиқлаш учун ЖПКда назарда тутилган ҳолларда чақирилади.

Олиб қўйиш, тинтуб, ҳодиса жойини кўздан кечириш, гувоҳлантириш, эксперимент ўтказиш, таниб олиш учун кўрсатиш, кўрсатувни ҳодиса юз берган жойда текшириш, эксперимент ўтказиш учун намуналар олиш, мурдани экспериментация қилиш каби тергов ҳаракатларида иштирок этиш учун ишнинг оқибатидан манфаатдор бўлмаган, камида икки нафар вояга етган фуқаро холис сифатида чақирилиши лозим (ЖПКнинг 352-моддаси). Ички ишлар органлари, Миллий хавфсизлик хизмати, прокуратура, адлия ёки суд ходимлари холислар сифатида таклиф этилиши мумкин эмас (ЖПКнинг 78-моддаси).

#### **4.7. Жиноят процессида далилларни тўплаш**

Далилларни тўплаш тушунчасининг моҳияти, исботлашдаги ўрни ва

<sup>61</sup>Громов Н. Заключение эксперта как источник доказательства//Законность. -1997. -№9. -Б.43.

<sup>62</sup>Гаджиев Н. Экспертам-аудиторам – специальную подготовку// Российская юстиция. -1995. -№2. -Б.45.

унинг ички тизимини аниқлаш учун терговчи, прокурор ва суд томонидан амалга ошириладиган билиш фаолиятининг умумий белгиларини таҳлил этиш лозим. Даилиллардан исботлаш воситаси сифатида фойдаланиш учун уларни тўплаш керак, яъни қайсиdir йўл билан бу даилиллар терговчи ёхуд суд ихтиёрига ўтиши ва уларнинг ичидан иш учун аҳамиятли бўлганлари ажратиб олиниши лозим бўлади.

Жиноят-процессуал қонун даилиллар тўплаш усуллари сифатида тергов ва суд харакатлари рўйхатини ўз ичига олади. ЖПКнинг 87-моддасида даилиллар тергов ва суд харакатларини юритиш: гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, гувоҳ, жабрланувчи, экспертни сўроқ қилиш; юзлаштириш; таниб олиш учун кўрсатиш; кўрсатувни ҳодиса рўй берган жойда текшириш; олиб қўйиш; тинтуб; кўздан кечириш; гувоҳлантириш; мурдани экспумация қилиш; эксперимент ўtkазиш; экспертиза ва тафтиш тайнинлаш; тақдим этилган ашёлар ва ҳужжатларни қабул қилиш; телефонлар ва бошқа сўзлашув қурилмалари орқали олиб борилган сўзлашувларни эшлиши йўли билан тўпланади. Ҳар бир тергов харакати муайян билиш ва тасдиқлаш амалларининг йифиндисидир. Демак, даилилларни тўплаш – тергов-суд органларининг фаол фаолияти ҳамда исботлаш жараёнининг зарур элементидир.

Процессуал адабиётларда даилилларни тўплашнинг моҳиятига турлича таърифлар берилган. А.И. Винберг даилилларни тўплаш тушунчасининг мазмунини «турли даилилларни топиш, қайд этиш, олиш ва сақлашга қаратилган харакатлар мажмуаси»,<sup>63</sup> деб ҳисоблайди. И.Б.Михайловская даилилларни тўплаш тушунчасига уларни аниқлаш, кўриб чиқиш ҳамда процессуал мустаҳкамлашни киритади.<sup>64</sup> С.А. Шейфер эса даилилларни тўплашга уларни қидириш, идрок этиш ва исботловчи маълумотларни мустаҳкамлашни киритади.<sup>65</sup> М.С. Строговичнинг фикрича, даилилларни тўплаш уларнинг иш бўйича аҳамиятлилиги жиҳатдан кўриб чиқишдан иборат.<sup>66</sup>

Даилилларни тўплаш жараёнида асл ҳолатнинг ўзгариши рўй беради: ҳақиқатда мавжуд бўлган обьектлар ва оғзаки маълумотлар идеал обьект, билиш образи тусига кириб, кейин эса уни баённома ёки ахборотни сақлашнинг бошқа ишончли шаклига айлантириб, сақлаб қолинади. Масалан, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш, эксперимент ва бошқа тергов харакатларида моддий обьектларнинг белги ва ҳолатлари терговчи ва суд тасаввурида билиш образини яратади, кейин эса у баённома шаклига айлантирилади. «Инсон тафаккурида ашёлар эмас, нарсалар эмас, балки уларнинг образлари, тушунчалари, улар тўғрисидаги маълумотлар

<sup>63</sup> Винберг А.М., Шавер Б.М. Криминалистика. - М.: 1962. -Б.180.

<sup>64</sup> Михайловская И.Б. Уголовно-процессуальные основы деятельности органов внутренних дел. -М.: 1968. -Б.62.

<sup>65</sup> Шейфер С.А. Следственные действия. Система и процессуальная форма. -М.: Юрлитинформ, 2001. -Б.74.

<sup>66</sup> Строгович М.С. Курс уголовного процесса. Т. 1.- М.: Наука, 1968. -Б.470.

мавжуддир, улар ўзаро муносабатга киришадилар, ҳаракатланадилар». <sup>67</sup>

Далил тушунчасида унинг икки томони - шакли ва мазмунини аниқлаб олиш кераклигини, далилнинг мазмуни у ёки бу фактлар тўғрисидаги маълумотларни англатишини, далил шакли деганда эса ушбу маълумотлар манбаларини тушуниш лозимлигини, шакл ва мазмунни ажратиш имкони йўқлигини, чунки ахборот бирор моддий ташувчидан алоҳида мавжуд бўлиши мумкин эмаслигини таъкидлаб ўтмоқчимиз.<sup>68</sup>

Далилларни тўплаш тизимини тадқиқ этилаётган ҳодисанинг изларини акс эттириш деб тавсифлаш мумкин. Мазкур тавсиф анча умумий бўлса-да, бу фаолиятнинг барча томонларини қамраб олмайди. Далилларни тўплаш исботлаш жараёнининг элементи сифатида мураккаб ички тизимга эга бўлиб, бутунлик ҳамда тизимлилик хусусиятларини ўзида мужассамлаштирган. Далилларни тўплашнинг тизимлилиги бу фаолиятни ташкил этувчи элементларнинг ўзаро мустаҳкам алоқасини тавсифлайди. Бутунлик эса бу фаолиятнинг чегараларини белгилайди ва уни атроф-муҳит ва исботлашнинг бошқа элементларидан ажратиб туради. Бу икки характеристика далилларни тўплаш тушунчасини аниқлаштиришда катта аҳамиятга эга.

Айтиш жоизки, далилий ахборот манбаларини қидириш баъзи ҳолларда процессуал шаклда амалга оширилиши мумкин, масалан эҳтимол тутилган гувоҳларни, ҳодиса содир бўлган жой чегараларини, яширилган деб гумон қилинган нарсалар турган жойларни аниқлаш учун сўроқ ўtkазиш ва бошқалар. Бошқа ҳолларда эса бундай ахборот манбалари бевосита далилларни тўплаш давомида аниқланади.

Далилларни тўплашга уларнинг фуқаролар томонидан тақдим этилишини киритиш керакми? В.Д.Арсенев исботлашнинг ilk босқичини далилларни тўплаш деб эмас, далилларни қабул қилиш деб аташни тавсия этганида, жиноят-процессуал қонунчилигига терговчининг кўздан кечириш, сўроқ ва ҳ.к. фаол ҳаракатлари орқали далилларни тўплаш билан бир қаторда айбланувчи, жабрланувчи, бошқа иштирокчилар, ҳар қандай фуқаролар, корхона ва ташкилотлар ўз ташабbusларига кўра далиллар тақдим этиши кўрсатилганини назарда тутган бўлса ажаб эмас.<sup>69</sup> Муаллифнинг фикрича, далиллар тақдим этиш – дастлабки тергов органдарии томонидан далилларни кўлга киритишнинг пассив шакли ҳисобланади, шунинг учун «далилларни тўплаш» атамаси бу ҳолатга тўғри келмайди. Биз бу фикрга қўшилмаймиз, чунки айбланувчи, жабрланувчи, бошқа иштирокчилар, фуқаролар, корхона ва ташкилотлар томонидан тақдим этилган маълумотлар далилларни тўплаш хуқуқига эга бўлган субъект томонидан иш учун аҳамиятлилиги юзасидан текширилади; терговчи ёки суд уни ишга алоқадор деб топганидан кейин улар далил деб тан олиниб, жиноят ишига қўшилади.

Демак, далилларни тақдим этиш далилий аҳамиятга эга бўлган

<sup>67</sup> Уголовный процесс. / Под ред. К.Ф. Гуценко. -М.: 1997. -Б.110.

<sup>68</sup> Иномжонов Ш. Жиноят процессида далиллар тақдим қилиш ва фойдаланиш муаммолари. –Т.: Адолат, 2003. –Б.23.

<sup>69</sup> Арсенев В.Д. Вопросы общей теории судебных доказательств в уголовном процессе. - -М.: 1964.-Б.179.

ахборотларни қўлга киритиш ва процесс иштирокчиларининг қонуний манфаатларини кафолатлашнинг самарали воситаси бўлиб қолиш билан бирга далилларни шакллантиришга ваколатли бўлган давлат органларининг далилларни тўплаш фаолиятининг характерини ўзгартирмайди. Бу маънода далиллар тақдим этиш далилларни тўплаш учун зарур шароит яратади, лекин ўзи исботлашнинг ушбу жараёни чегараларидан ташқарида бўлади.<sup>70</sup>

Далилларни тўплашнинг муҳим элементларидан бири объектда мавжуд бўлган фактик маълумотларнинг мазмунини аниқлашдир.<sup>71</sup> Бир қарашда бу фаолият далилларни топиш билан уйғунлашиб кетади: объектни кўрган заҳоти биз унинг далилий аҳамиятга эга бўлган хусусиятларини пайқаймиз. Энг оддий ҳолатларда ҳақиқатан ҳам шундай, бироқ чукур таҳлил асосида бунинг акси эканлиги келиб чиқиши мумкин. Терговчи ва судья изларда қолган ахборотларни иш материалларига ўтказиш учун объектни синчиклаб ўрганишлари, ундаги жиноятга алоқадор ёки жиноят таъсирида пайдо бўлган аломатларни ажратиб олишларига тўғри келади. Бошқача айтганда, далилий аҳамиятга эга бўлган ахборотнинг мазмунини аниқланиши лозим. Айнан шу мақсадларда қонунга биноан кўздан кечириш, тинтув, олиб қўйиш ҳаракатлари давомида топилган нарса ва ҳужжатлар маҳсус текширувдан ўтказилади. Худди шундай усулда сўроқ орқали гувоҳлар доираси аниқлангандан кейин, терговчи улар қандай маълумотларга эгаликларини аниқлаши, фактик маълумотларни тахмин ва ишга алоқаси бўлмаган ахборотлардан ажратиши керак бўлади.

Далилларни тўплаш жараёнида иштирокчиларнинг ҳукуқларини таъминлашга катта эътибор қаратилиши лозим (ЖПКнинг 88-моддаси). Исботлаш жамият манфаатларига таъсир кўрсатиб, айбланувчининг тақдири, жабрланувчи ва бошқа иштирокчиларнинг қонуний манфаатлари билан узвий боғлиқ. Исботлаш жиноят-процессуал фаолиятнинг асосини ташкил этиб, шахснинг ҳукуқий мақомини қўллаш воситаси, мамлакатдаги одил судлов демократиклигининг кўрсаткичи ҳисобланади. Жиноят процессидаги билиш фаолияти тенг ҳукуқли субъектлар – бир томондан давлат органлари, иккинчи томондан ҳукуқлари таъминланиши лозим бўлган айбланувчи, унинг ҳимоячиси, гумон қилинувчи, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакиллари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар томонидан амалга оширилади. Далилларни тўплашга жалб қилинган бошқа иштирокчилар – гувоҳлар, эксперталар, мутахассислар, холислар ҳам ҳукуқий мақомга эгадирлар. Далилларни тўплашдаги уларнинг фаолияти ўзларининг процессуал мажбуриятларини бажаришлари ёки ҳукуқларини амалга оширишлари билан боғлиқ, шунинг учун улар ҳам ўз ҳукуқларининг таъминланишига муҳтождирлар.<sup>72</sup>

<sup>70</sup> Лупинская П.А. Обстоятельства, подлежащие доказыванию по уголовному делу (предмет доказывания) // Уголовно-процессуальное право Российской Федерации / Под ред. П.А. Лупинской. -М.: 1997. -Б. 136.

<sup>71</sup> Ратинов А.В. Вопросы следственного мышления в свете теории информации. – М.: Наука, 1997. –Б.58.

<sup>72</sup> Қаранг: Хмыров А.А. Проблемы теории доказывания. –Казань: 1996. –Б.39-42.; Овсянников И. Повысить надежность процессуального доказывания // Уголовное право. – 1999. - № 1.

Хуқуқни таъминлаш – бу хуқуқий шаклга айланган ҳаракатлар бўлиб, улар ёрдамида суроштирувчи, терговчи, прокурор ва суд далилларни тўплаш жараёнига жалб этилган фуқаролар ва шахсларнинг жиноят-процессуал қонунларда кўрсатилган хуқуқларини амалга оширишларини таъминлайди. Бу эса қонунийлик ҳамда фуқаролар ҳуқуқлари муҳофазасининг кафолати бўлиб хизмат қиласди.

Ҳар бир тергов ва суд ҳаракати муайян билиш ва тасдиқлаш амалларининг йифиндиси бўлиб, уларни ўтказиш хуқуқий асосларга таянади. Жиноят иши бўйича аниқланиши лозим бўлган барча маълумотлар қонунда белгиланган манбалардан олинади. Ушбу ҳаракатларнинг далиллар тўплашда ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиниши билиш усувларининг ишончлилиги ва маънавий жоизлиги, шунингдек процесснинг вазифа ва принципларига бўйсунади.

Далилларни олиш исботлаш усувларидан бири бўлиб, у жиноят ишини юритишнинг ҳар қандай босқичидаги билиш ҳолатларига тааллуклидир ва шунинг учун ҳам жиноят процессининг ҳар бир босқичида қўлланади. Демак, далилларни олишни ҳар қандай босқичда амал қиласиган универсал жараён тарзида лойихалаштириш мақсадга мувофиқдир. ЖПКнинг 205-моддасида кўрсатилган фақат тергов ҳаракатлари даврида далилларни олиш ҳақидаги қоидага жиноят ишини қўзғатиш босқичи ҳам киритилиши керак. Универсаллик тўғрисидаги таърифни далиллар тақдим этишга ҳам татбиқ этиш мумкин. Қонунда процесс иштирокчилари, мансабдор шахслар ва фуқаролар тергов ва суд босқичида далиллар тақдим этиши кўрсатилган бўлса-да, амалиётда фуқароларнинг ваколатли давлат органларига моддий объект ва хужжатларни жиноят иши қўзғатилгунга қадар топшириш ҳолатлари учрайди. Фикримизча, бундай объект ва хужжатларни тасдиқлаш ҳам ЖПКнинг 324-моддасида кўрсатилган оғзаки аризаларни қайд этиш каби муҳим далилий аҳамиятга эга.

Фуқаролар ва ташкилотлар томонидан далиллар тақдим этишнинг ўзига хос хусусияти нарса ва хужжатларнинг терговчи олдида уларга эгалик қилувчи шахсларнинг ташаббусига кўра пайдо бўлишидир.<sup>73</sup> Ҳимоячи, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар ва фуқаровий жавобгар далилларни ишга кўшиб қўйиш тўғрисидаги илтимоснома орқали исботлашда иштирок этишга қаратилган ваколатлардан бирини қўллади; корхона, муассаса, ташкилотларнинг раҳбарлари хужжатларни тақдим этиш йўли билан тергов органларига содир этилган жиноят ҳақида хабар беради; бошқа фуқаролар эса - хуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан ҳамкорлик қилиш каби ўз бурчларини адо этадилар. Кўрсатилган ҳар бир ҳолатда терговчининг хуқуқий аҳамиятга эга бўлган объектни тадқиқ этиш тўғрисидаги илтимосномани қайд этиш ва кўриб чиқиш, тақдим этилган объектни ўрганиш, уни ишга кўшиб қўйиш ёки эгасига қайтариш ҳақида асосланган қарор чиқариш мажбурияти юзага келади.<sup>74</sup>

<sup>73</sup> Плетнев В. Проблемные вопросы собирания доказательств по новому УПК // Российская юстиция. – 2002. - № 9. -Б.49.

<sup>74</sup> Кузнецова Н.А.Собирание и использование документов в качестве доказательств по уголовным

Далилларни олишнинг ушбу икки усулида ўхшаш томонлар билан бирга сезиларли тафовутлар ҳам кўзга ташланади. Терговчи (суд)нинг далилларни олиши билишнинг фаол акти бўлиб, фуқаролар ва мансабдор шахсларнинг хуқуқий мажбуриятини вужудга келтирса, далиллар тақдим этиш ихтиёрий тарзда, далилларга эга бўлган шахсларнинг ташаббусига кўра амалга ошади. Яъни, биринчи ҳолатда далилий материалларни тўлдириш ташаббуси терговчи (суд)га, кейинги ҳолатда эса далилларнинг эгасига тегишлидир. Улар ҳар иккиси ўртасидаги умумийлик – далилларнинг ваколатли давлат органига топширилишидир.

Хулоса қилиб айтганда, далилларни тўплаш: тергов ҳаракатларини ўтказиш; нарса ва хужжатларни олиш; процесс қатнашчилари, фуқаролар ва мансабдор шахслардан далилларни қабул қилиш каби усулларда амалга оширилади.

Дастлабки тергов босқичида далилларни тўплашнинг энг самарали воситаси тергов ҳаракатларидир. Тергов ҳаракатлари – бу терговчининг далилларни шакллантиришга йўналтирилган фаол ҳаракатларидир. Шакллантириш деганда далилларни ихтиёрий тарзда фабрикация қилиш эмас, уларни тегишли процессуал шаклга келтириш тушунилади.

Умумлаштириб айтганда, тергов ҳаракатлари билиш жараёнида далилларни тўплаш (шакллантириш) усули бўлиб, жиноят-процессуал қонунчиликда кўрсатилган ва терговчи томонидан амалга ошириладиган маълум изларнинг хусусиятлари ҳамда уларда мужассамланган далилий ахборотни самарали тарзда қидириб топиш, олиш, мустаҳкамлаш, яъни тегишли далил турини қўлга киритишга мўлжалланган билиш ва тасдиқлаш амаллари комплексини ўз ичига олади.

Қонун бир қатор процесс иштирокчилари учун далилларни тақдим этиш имкониятини назарда тутади. Ушбу хуқуқ Ўз. Рес. ЖПКга мувофиқ айбланувчи ва судланувчи (ЖПК 46-модда), гумон қилинувчи (48-модда), ҳимоячи (53-модда), жабрланувчи (55-модда), фуқаровий даъвогар (59-модда) ҳамда гумон қилинувчининг, айбланувчининг, жабрланувчининг қонуний вакиллари (61-модда) томонидан амалга оширилиши мумкин. Бундан ташқари, далиллар фуқаролар ҳамда корхона ташкилот ва муассасалар томонидан тақдим қилиниши мумкин.

Назарияда ҳам, амалиётда ҳам далилларни тақдим этилишининг маҳсус процессуал қоидаси ишлаб чиқилган. Қонунда ҳам далилларни тақдим этишда тузиладиган баённома белгиланган. (ЖПК 202-модда).

Назаримизда, бу ерда гап холислар олдида далилларни тақдим этувчи субъект иштирокидаги ёки уни тақдим этувчи ва далиллар тақдим этилганда маҳсус тузилувчи «далилларни тақдим этиш баённомаси» устида боради. Далилларни тақдим этиш хуқуқи институти мансабдор шахслар томонидан буюм ва хужжатларни санаб ўтилган процесс иштирокчиларига, уларни суриштирув органларига, терговчига ёки судга тақдим этиш учун бериш мажбуриятини таъминлаган. Бу эса қонундаги очик жой бўлиб, ушбу

хуқуқни амалга ошириш имкониятини қийинлаштиради ёки уларни умуман амалга оширишнинг иложи бўлмайди.

Бундан ташқари, далилларни тақдим этиш тақдим этилувчи суроштирув органига, терговчига, судга иш учун аҳамиятга молик бўлган буюм ва хужжатларни талаб қилиб олиш хуқуқларини беради. Бу эса далилларни олишга хизмат қилади. Ушбу хуқуқ сўроқ қилиш орқали, зарур ҳолларда бажарилиши мажбурий бўлган маҳсус қарор чиқариш йўли билан амалга оширилади.

Далилларни тўплаш қатор процессуал ва криминалистик шартларга риоя қилган ҳолда амалга оширилади.

Биринчи шарт, далилларни тўплашда қонун талабларига сўзсиз амал қилиш. Амалиётда бу қўйидагиларни англатади: фақат қонунда назарда тутилган усуллардан фойдаланиш; далилларни тўплашни фақат ваколатли шахслар томонидан амалга ошириш; далилларни тўплашда холиснинг бўлиши.

Кўрсатиб ўтилганидек, далилларни тўплаш усуллари - бу далилларни топиш, қайд этиш, олиб қўйиш ва сақлаш учун амалга оширилувчи процессуал ҳаракатdir. Лекин қонунда назарда тутилган далилларни тўплаш усуллари жиноят процессуал хуқуқ нормаларига ҳам мувофиқ бўлиши зарур.

Ўз-ўзидан маълумки, қонун фақат далилларни тўплашни у ёки бу усулларидан фойдаланишнинг умумий қоидаларини назарда тутади, лекин у унумлилигини оширишга, исботловчи хужжатларни тўплашни тўлақонлилигини таъминлашга йўналтирилган тергов ҳаракатларини ўтказишнинг кўп сонли техник восита ва техник усулларини қамраб ололмайди. Ушбу техник восита ва техник усулларга зарурӣ талаблар қўйилган, яъни амалдаги қонунга зид бўлмаслиги, қонунийлик тамойилларига мувофиқ бўлиши керак.

Далилларни тўплашни иккинчи шарти- шу иш учун тўпланган хужжатларни тўлалигини таъминлашдир. Далилларни тўплашдаги барча процессуал ҳаракатлар сифатли ҳамда синчковлик билан ўтказилиши керакки, ҳеч бир далил исботлаш субъектининг назаридан четда қолмаслиги лозим.

Далилларни тўплашнинг учинчи шарти-тўплаш ҳаракатининг ўз вақтида амалга оширилиши. Далилларни тўплашнинг ўз вақтида ўтказилиши - у ёки бу тергов ҳаракатини амалга ошириш учун тўғри вақтнинг танланишидир. Агар ўтказилувчи ҳаракат кечикириб бўлмайдиган аҳамиятга эга бўлса, албатта зудлик билан амалга оширилиши лозим.

Тўртинчи шарт - олинган фактик маълумотларни ишончлилигини кафолатловчи ахборотларга амал қилиш.

Ушбу шарт биринчидан - исботловчи маълумотларни ишончли манбани танлаш; иккинчидан - ишончли натижалар олиш учун йўловчи тергов ҳаракатларининг тактик шарти ва усулларига амал қилиш; учинчидан - далилларни тўла кўрсатувчи, аниқ қайд қилувчи ва ишончли сақловчи техник воситаларни қўллашдан иборат.

Ушбу шартни таҳлил қилиб, криминалистика нечоғли аҳамиятга эга

эканлигини кўришимиз мумкин. Айнан ушбу фан предметига кирувчи бундай техник воситалар ва тактик усуллар далилларни тўплашда олинган маълумотларнинг ишончлилигини таъминлашга даъват қиласди.

Далилларни тўплаш бўйича ўтказилган тергов ва суд ҳаракатлари тўрт босқичдан иборат бўлиб, босқичлар бир-бири билан вақт ва мезон бўйича узвий боғланиб, айнан вақт ичидаги ўтказилиб айнан бир тергов ёки суд ҳаракатини ҳосил қилиши лозим, бу босқичлар қуидагилардан иборат:

- 1) тергов ёки суд ҳаракатини ўтказиш учун тайёр ҳолатда бўлиб, тегишли воситаларга эга бўлишлари керак;
- 2) тергов ёки суд ҳаракатида қатнашаётган шахсга унинг процессуал ҳуқуқ ва бурчлари қонунда назарда тутилган тартибда тушунтирилиши лозим;
- 3) тергов ёки суд ҳаракатида қатнашаётган шахснинг бевосита ҳуқуқларидан фойдаланиб, ўз зиммасига юклатилган бурчни адо этиш учун у билан биргаликда тергов ёки суд ҳаракатини мазмунига доир бўлган барча ҳаракатларни ўтказиш керак, масалан, шахс сўроқ қилинадиган, таниб олиш учун кўрсатишда таниб олувчи ёки таниб олинадиган шахснинг процессуал ролларини ижро этади ва ҳоказо;
- 4) тергов ёки суд ҳаракати жараёни ва унинг натижалари тегишли баённомада қайд этилиб, тергов ёки суд ҳаракатида қатнашаётган шахсни ушбу ҳужжат билан таништириб чиқиб, шу тўғрида унинг ҳаракатга бўлган муносабати ва иштирок этиш фактини тасдиқлаш бўйича имзоси олинади ва тергов ҳаракати ёки суд ҳаракатини ўтказадиган шахс баённомада ўзи ҳам имзосини қўяди.

Агарда тергов ёки суд ҳаракатининг босқичига амал қилинмаса, у ҳолда тўпланган далиллар ўз ҳуқуқий кучини йўқотади.

#### **4.8. Далилларни текшириш**

Иш бўйича тўпланган барча далиллар синчковлик билан, тўла, ҳар томонлама ва холисона текширилиши лозим (ЖПКнинг 94-моддаси). Барча ҳолларда далилларнинг ишончлилиги текширилиши (тасдиқланиши ёки рад этилиши) керак. Баъзан далилларнинг мақбуллиги (масалан, тергов ҳаракатлари ўтказиш чоғида процессуал бузилишлар бўлган-бўлмаганлигини аниқлаш учун) ёки содир этилган жиноятга алоқадорлиги текширилиши мумкин.

Жиноят процессида далилларни текшириш деганда терговчи ва суднинг далилларни таҳлил ҳамда синтез қилиш, уларни бошқа далиллар билан таққослаш ва янги далиллар тўплашга қаратилган фаолияти тушунилади.<sup>75</sup> Назарияда баъзи муаллифлар далилларни текшириш мақсади сифатида далилларни ўзининг сифат ва хоссалари – уларнинг тўғри ёки нотўғрилиги,<sup>76</sup> мақбул ёки номақбуллиги, яроқлилигини аниқлашни тушунадилар.

<sup>75</sup> Кругликов А. Следственные действия и проблемы их производства органами дознания по поручению следователя // Уголовное право. - М.: Интел-Синтез, 2003. - № 3. - Б.91-93.

<sup>76</sup> Горский Г.Ф., Кокорев Л.Д., Элькинд П.С. Проблемы доказательств в уголовном процессе. -

Далилларни текшириш мақсадининг бундай таърифи қисман тўғри. Бундай ёндашувда далиллар текширилишининг ҳуқуқий томонлари исботлашнинг гносеологик асосларидан ажралиб қолади. Натижада, текшириш деганда фақат текширилаётган далилнинг сифати ва хоссалари ҳақидаги билимларни тўплаш жараёни тушунилади. Моҳиятн, жараённинг иккинчи муҳим томони – бу далил орқали қидириш лозим бўлган факт ва ҳолатларнинг муносабаталари, алоқалари тўғрисидаги билимлар тўпланиши назардан четда қолади. Далилларни текширишнинг ушбу жиҳати ҳар бир жиноят ишида мавжуд бўлиб, улар катта назарий ва амалий аҳамиятга эга. Бу томонларни эътиборга олиш фақат текширилаётган далилнинг ўзи ҳақида эмас, балки ишга алоқадор бўлган фактлар, ҳақиқий шароитлар тўғрисида билимлар тўплашга омил бўлади.

Жиноят процесси назариясида далилларни текшириш уларни анализ ва синтезидан бошланиши тан олинган.

Далилларни анализ қилиш қўйидагиларни ўз ичига олади: а) иш бўйича тўпланган далиллар йиғиндисини алоҳида далилларга бўлиш, ҳар бир далилни бошқа далиллардан алоҳида кўриш; б) ҳар бир алоҳида олинган далилни таркибий қисмларга бўлиш, ундан айрим фактларни, қирраларни ажратиб олиш; в) ҳар бир далилнинг элементларини бир-бири билан ва ҳар бир далилни бошқа далил билан солиштириш. Терговчи ва суд далилларнинг барча томонларини – уларнинг мазмунини, фактик маълумотлар манбаларини, далиллар манбаларини анализ қилишлари лозим. Терговчи ва суд аввал далилдаги фактлар ва шароитларни ўзида мужассам қилган маълумотларни хаёлан қисмларга ажратиб, уларни мазмунан анализ қиласди. Бу ҳолатда уларнинг бир-бирлари билан алоқалари, муносабатлари эътиборга олинмай, ҳар бир факт алоҳида, турли томонлардан текшириб, ўрганилади. Мазкур текширув фактларни чуқур ўрганиш ва туб моҳиятини тушуниш имконини беради. Далил мазмунини алоҳида таркибий қисмларга ажратиши терговчи ва судга фактларнинг иш учун аҳамиятли бўлган томонлари, хусусиятлари тўғрисида аниқ тасаввурга эга бўлиш учун имкон яратади.

Далилларни анализ қилиш вақтида унинг алоҳида қисмларга ажратилган томонларини бирлаштириш (синтез) улар ўртасидаги тахминий алоқаларни ва боғлиқликни ўрганишга имкон беради, бу билан далилнинг турли томонлари мазмунлари ўртасидаги ўзаро зиддиятларнинг мавжуд ёки мавжуд эмаслиги, объектив ва субъектив факторлар мавжудлиги ва бошқалар аниқланади. Синтез воситасида далилнинг тўла эмаслиги, ноаниқлиги, мазмунан бузилишларининг унинг бошқа томонларига боғлиқлиги қисман ёки тўла текширилиши мумкин.

Далилларни текширишда анализ ва синтез ўзаро чамбарчас боғлиқдир. Анализнинг ўзи синтездан ажралган ҳолда текширилаётган далилнинг мақбуллиги ва ишончлилигини аниқлашда, терговчидан ушбу далилда мужассамланган маълумотлар ҳақида тасаввур пайдо бўлиши учун етарли эмас.

Анализ ва синтез ёрдамида далилларни текширишнинг келгуси йўналиши ва шакли, яъни уни бошқа далиллар билан солиштириш мумкин ҳамда шарт бўлган томонлари, алоқалари белгиланади.

Далиллар исботлаш предметининг ҳолатларини ва фактларини, уларнинг алоқалари, муносабатлари ва боғлиқлиги ўзида акс эттириб, улар ҳақидаги маълумотларни ўзида жамлаган бўлади, бу каби маълумотлар бошқа далилларда ҳам учраши мумкин, шунинг учун улар факат солиштириш, таққослаш йўли билан эмас, янги далиллар тўплаш йўли билан ҳам текширилади.

Текширилаётган далилнинг алоқалари, муносабатлари ва боғлиқлиги ўртасидаги аниқланган мавхум ҳолатларни тадқиқ этиш учун анализ ва синтез ёрдам бермаган ҳолларда, уларга боғлиқ бўлган ишда мавжуд бўлган бошқа далиллар билан солиштириш лозим. Бу ўз навбатида далилнинг мазмунини бошқа далиллар билан ўхшашлиги ёки ўхшаш эмаслиги тўғрисида тўла ёхуд қисман хулоса чиқаришга имкон беради. Терговчи ўзида илгари ишончлилиги шубҳа туғдирган текширилаётган далилдаги маълумотларнинг бир қисми бошқа далилларнинг мазмунига мос келмаслигини қайд этиши мумкин. Баъзан далилни бошқа далилларга солиштириб, терговчи анализ ва синтез натижасида олишнинг имкони бўлмаган унинг бошқа хусусиятлари тўғрисидаги маълумотларга эга бўлади. Масалан, терговчи томонидан далилларни солиштириш орқали гувоҳ ва жабрланувчининг айбланувчи билан салбий муносабатлари кўрсатувларнинг ҳаққонийлигига таъсир кўрсатмагани, иш учун аҳамиятли бўлган ҳолат ва фактларни қабул қилишнинг нокулай шароитлари уларнинг тўла эмаслигига сабаб бўлгани аниқланади. Далилларни солиштиришда терговчи ушбу ҳолатларни қайд этиш билан чекланиб қолмайди. Солиштириш терговчига бошқа далилларнинг текширилаётган далилнинг мазмунига таъсир этиш доираларини аниқлашга, бу орқали эса далилнинг хусусиятлари ва сифати ҳақидаги тасаввурларига, далил ёрдамида аниқланиши лозим бўлган фактлар ва ҳолатларнинг характеристи ҳамда ҳажми юзасидан билимларига тузатишлар киритишга имкон беради.

Шундай қилиб, далилларни бошқа далиллар билан солиштириш терговчига текширилаётган далилнинг алоҳида томонлари, бу томонларнинг ўзаро муносабатлари, алоқалари ва боғлиқликлари тўғрисида янги билимларга эга бўлишни таъминлаб, улар орқали далилнинг сифати ва хусусиятлари – мақбуллиги ва ишончлилиги, уларнинг бошқа фактлар билан муносабатларини яхшироқ англаш учун хизмат қиласди. Бошқача қилиб айтганда, текширилаётган далилнинг сифати ва хусусиятларини билиш ёрдамида содир этилган жиноятнинг тадқиқ этилаётган хусусиятлари, алоқа ва муносабатлари соҳасига чуқурроқ кириб борилади.<sup>77</sup>

Бироқ анализ ва синтездан кейинги далилларни бошқалари билан солиштириш терговчига ҳар доим унинг мазмунини ташкил этадиган сифат

<sup>77</sup> Золотых В.В.Проверка допустимости доказательств в уголовном процессе. -Ростов-на-Дону: Феникс, 1999. -Б. 164.

ва хусусиятлари ҳақида тўла маълумот беравермайди. Текширилаётган далилга турли фактлар орқали боғлиқ бўлган далилларнинг етишмаслиги ёки умуман мавжуд эмаслиги, уларнинг бир турга мансублиги, сифат ва хусусиятлари ҳақида инкор этиб бўлмайдиган шубҳалар борлиги натижасида унинг имкониятлари чекланиши мумкин. Масалан, терговчининг ихтиёрида текширилаётган далилга фактлар орқали боғлиқ бўлган фақат биргина далил бўлса ва улар ўртасида зиддият бўлган ҳолда, ушбу далилнинг ишончлилиги хусусида қатъий хуносага келиш мумкин эмас.

Кўрсатилган ҳолларда текширувни фақат янги далиллар топиш воситасида давом эттириш лозим. Таъкидлаш жоизки, текширувнинг йўллари, шакли, характеристики текширилаётган далилнинг ўзида, унинг ноаниқлиги, тушунарсизлиги, зиддиятлилиги ва илгариги текшириш давомида аниқланган, лекин бартараф этилмаган бошқа далиллар мазмунига мос келмаслигига мужассамланган бўлади. Яна шуниси муҳимки, далилни текширишда танланган йўл бир вақтнинг ўзида жиноят иши бўйича исботлаш жараёнининг келгусидаги йўналишини ҳам белгилаб беради.

Янги далиллар тўплаш орқали далилларни текшириш усулининг яна бир характеристи томони унинг қатъий мақсадга йўналтирилганлигидир. Илгариги текширув давомида аниқланмаган, терговчида шубҳа туғдирган далилнинг ҳар қандай сифатлари, хусусиятлари ва алоқалари тадқиқ этилиши мумкин. Айнан шу босқичда исботлаш субъекти ЖПКнинг 94-моддасининг далилларни «синчковлик билан, тўла, ҳар томонлама ва холисона» текшириш тўғрисидаги талабларини адо этиш имкониятига эга бўлади.

#### **4.9. Далилларни баҳолаш мезонлари**

Суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд ишнинг барча ҳолатлари тўғрисида зарур маълумотларни тўплашни таъминлаш билан бир қаторда, бу ахборотларнинг қонун талабларига риоя этилган ҳолда тўпланганлиги; уларнинг исботлаш предметига алоқадорлиги; иш бўйича тўпланган далиллар процессуал қарорлар қилиш учун асос бўла олиши; исботлаш предмети ҳолатлари тўғрисида ишончли хуносага келиш учун уларнинг етарли экани; тадқиқ этилаётган ҳодиса юзасидан тўла ва ишончли маълумотларни ўзида қанчалик мужассамлантиргани ҳақидаги масалаларни ҳал этишлари лозим. Далилларга баҳо бериш суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд томонидан билишнинг мантиқий шаклларига риоя этган ҳолда амалга ошириладиган, ҳақиқатга эришишни таъминлайдиган фикрлаш фаолияти ҳисобланади. ЖПКнинг 95-моддасига биноан, далилларга баҳо беришда суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд ишдаги барча ҳолатларни синчковлик билан, тўла, ҳар томонлама ва холисона кўриб чиқиш асосида қонун ва хукуқий онгга амал қилиб, ўзларининг ички ишончлари бўйича исботлаш предметига кирадиган ҳолатларни аниқлаш учун ҳар бир далилнинг ишга алоқадорлиги, мақбуллиги ва ишончлилиги ҳамда улар йиғиндиси етарлилиги ҳақидаги хуносага келадилар.

Терговчи, прокурор ва суд далилларга баҳо беришда уларнинг зарур белгиларини ўзида мужассам этган хусусиятларини инобатга олишлари керак: алоқадорлик; мақбуллик; ишончлилик; етарлилик.

Ҳар бир далил тергов қилинаётган ишга алоқадорлиги, қонун талаблари жиҳатидан мақбуллиги ва айниқса ишончлилиги нуқтаи назаридан баҳоланиши, ишни мазмунан ҳал қилиш учун етарли бўлиши шарт (95-модда). Далилнинг бирор турини доимо бошқа далиллардан афзал, ишонарли, аҳамиятли деб ҳисоблаш мумкин эмас. Бу хусусда бир муҳим қоида бор - шахснинг ҳатто ўз айбига икror бўлиши ҳам уни айблаш учун етарли асос бўла олмайди.<sup>78</sup> Мазкур қоидага риоя қилиниши шарт.

Далил жиноят иши учун аҳамиятли бўлган мавжуд ҳолатлар ҳақидаги хулосаларни тасдиқловчи, рад этувчи ёки шубҳа остига олувчи фактлар ёки нарсалар тўғрисидаги маълумотларни акс эттирган тақдирдагина ишга алоқадор деб эътироф этилади. Суд ва тергов органларининг вазифаси жиноят ишини унинг мазмунига дахлдор бўлмаган материал ва фактлар билан кўпайтириш эмас, балки фақат холисона ҳақиқатни аниқлашга, ишни тўғри ҳал қилишга бевосита аҳамиятли бўлганларини тадқиқ этишдан иборатдир. Шунинг учун далилларга баҳо беришда терговчи, прокурор ва суд биринчи навбатда уларнинг ишга алоқадорлигини аниқлаши лозим.

Далилларнинг ишга алоқадорлигининг моҳияти исботлашнинг ишни ҳал қилиш учун жиддий ҳолатлар доираси билан чекланганидадир. Жиноят-процессуал қонун бу масалани ҳал қилиш учун асос яратиб, умумий кўринишда жиноят ишлари бўйича исботлаш предметини белгилайди.

Биринчи навбатда ишга тааллуқли бўлган барча далиллар доирасидан тергов қилинаётган ҳодисанинг мавжудлигини, уни содир этишда айбланувчининг айбдорлиги ёки айбизлигини кўрсатадиган ҳақиқий маълумотларни ажратиш лозим. Мазкур далиллар шахс томонидан муайян ҳаракатлар қасдан, эҳтиёtsизлик туфайли ёки тасодифан содир этилганлиги тўғрисида жиноят процессуал исботлашнинг асосий масаласи - ҳаракатлар жиноий хусусиятга эгалиги ҳақидаги саволга жавоб топиш имконини беради. Алоқадорлик орқали шахснинг жавобгарлик даражаси ва хусусиятига таъсири этувчи қатор ҳолатларнинг мазмуни жиноят-процессуал меъёрлар орқали очиб берилади.

Мақбуллик – тегишли ахборотларни олиш усуслари, методлари, манбаларининг қонунийлиги нуқтаи назаридан далилларнинг яроқлилигидир.<sup>79</sup> Далиллар белгиланган тартибда тўпланиб, ЖПКнинг 92-94-моддаларида назарда тутилган шартларга мувофиқ бўлса, улар мақбул деб эътироф этилади. Мақбул деб топиш учун далиллар қўйидаги талабларга жавоб бериши шарт: 1) манбанинг қонунийлиги (ЖПКнинг 81-моддаси 2-қисмида назарда тутилган манбалар); 2) далилни олиш усулининг қонунийлиги (ЖПКнинг 87-моддасида белгиланган усувлар); 3) процессуал

<sup>78</sup> Чувилев А., Лобанов А. О порядке признания судом недопустимости доказательств по уголовному делу. // Российская юстиция. -1996. -№11. -Б. 46.

<sup>79</sup> Сильнов М.А. Вопросы обеспечения допустимости доказательств в уголовном процессе (досудебные стадии). - М.: МЗ-Пресс, 2001. – Б.112.

расмийлаштирилишининг қонунга мувофиқлиги; 4) далилларни тўплаш тергов ва суд ҳаракатларини ўтказишга ваколатли бўлган субъект томонидан амалга оширилиши (ЖПКнинг 86-моддаси).

Мақбуллик - бу тегишли ахборотни олиш манбалари, методлари ва усулларининг қонунийлиги нуқтаи назаридан далилларнинг яроқлилиги ҳисобланади.<sup>80</sup> Суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд далилларни гумон қилинувчи, айбланувчининг илтимономаси ёки ўз ташаббусига кўра номақбул деб топиши мумкин. Номақбул деб топилган далиллар ҳар қандай айлов йўсинидаги хужжат таркибида киритилиши мумкин эмас.<sup>81</sup>

Ишончли далил деганда, ҳаққонийлиги шубҳа туғдирмайдиган далиллар тушунилади. Тўғри процессуал қарор чиқаришнинг энг муҳим шарти ишончли далилларнинг мавжудлигидир. Далил мазмунининг ҳақиқийлиги, ундаги маълумотларнинг воқеликка мувофиқлиги, унинг тўлиқ, сўзсиз ишончга эгалиги эътироф этилган тақдирда, у ишончли ҳисобланади. Далилнинг ишончлилиги дастлабки тергов ва судда уни синчковлик билан текшириш орқали аниқланади. Далиллар ишончлилигини аниқлашга билиш назарияси, предметнинг барча хусусиятларини тўла. ҳар томонлама ва холисона ўрганиш усули орқали эришилади.

Далилнинг ишончлилигини аниқлаш учун унинг ташқи аломатлари, ҳар бир муайян ҳолатдаги моҳияти, энг муҳим ва жиддий хусусиятлари ва иш учун аҳамиятини чукур ўрганиш зарур.<sup>82</sup>

Далилларга баҳо бериш ва уларнинг ишончлилигини аниқлаш жараёнининг муҳим таркибий қисми ҳақиқий маълумот манбаларини сифат жиҳатидан баҳолашдир.<sup>83</sup> Процессуал манбаларни баҳолаш тергов ва суд органларининг жиноят ҳодисасига тааллуқли ҳолатларни исботлаш фаолиятида муҳим аҳамиятга эга, чунки иш бўйича исботлаш предметини ташкил қиласидан барча фактлар, ҳолатлар қонунда назарда тутилган ана шу манбалар ёрдамида аниқланади. Иш учун аҳамиятли бўлган қайсиdir фактни аниқлаш учун аввало ҳақиқий маълумотлар манбаи тадқиқ этилиши ва тўғри баҳоланиши лозим бўлиб, унинг сифатига, изланаётган факт ҳақидаги маълумотларнинг ишончлилигига, унда нотўғри, холисона бўлмаган, хато ёки ёлғон маълумотлар йўқлигига ишонч ҳосил қилиш керак.

Исботланиши керак бўлган барча ва ҳар бир ҳолатнинг ҳақиқийлигини сўзсиз тасдиқловчи ишга оид барча ишончли далиллар тўпланган бўлса, уларнинг жами ишни ҳал қилиш учун етарли деб ҳисобланади (ЖПК 95-моддаси. 5-қисми). Далилларнинг етарлилиги деб, далиллар жамланмаси асосида ишончга сазовор хулоса чиқариш мумкин бўлиши ва иш бўйича

<sup>80</sup> Сильнов М.А. Некоторые вопросы обеспечения следователем допустимости доказательственной информации при допросе // Правовед: Межвуз. научно-метод. сборн. - Вып. 1 – Новгород: НовГУ им. Ярослава Мудрого, 1998. - Б. 114-117.

<sup>81</sup> Костенко Р.В. Порядок решения конституционного требования допустимости доказательств в ходе уголовного судопроизводства. // Российский судья. -2004. -№9. –Б.18-20.

<sup>82</sup> Гришина Е.П. Достоверность доказательств и способы ее обеспечения в уголовном процессе: Автореф. дисс....канд. юрид. наук.- М.: 1996.- Б.18.

<sup>83</sup> Снегирев Е.А. Оценка доказательств по внутреннему убеждению: Автореф. дисс.... канд. юрид. наук. –Воронеж: ВГУ, 2002. –Б.10.

ҳақиқатга мос келадиган қарор чиқарилишига айтилади.

Иш бўйича процессуал қарор қабул қилиш учун далиллар етарлилигини белгилаш далилларни баҳолашнинг мустақил вазифасидир. Иш бўйича тўпланган далиллар ўз мазмунига кўра ишга алоқадор, мақбул ва ишончли бўлиши билан бирга исботлаш жараёни бўйича яқуний қарор қабул қилиш учун етарли бўлмаслиги мумкин. Баъзи ҳолларда далиллар исботлаш предметига кирадиган айрим ҳолатларга нисбатан етарли, бошқа қидирилаётган фактларнинг мавжудлиги ишончли бўлиши учун эса етарли бўлмайди.

Далилларнинг етарлилиги тушунчаси иш бўйича тўпланган далиллар йиғиндисини назарда тутади. Далиллар йиғиндиси деганда ҳодисалар ва фактларнинг ҳақиқий боғлиқлигини тўғри акс эттирадиган, ўзаро келишган ва ички боғланган далиллар тизими тушунилади. Исботланиши керак бўлган барча ва ҳар бир ҳолатнинг ҳақиқийлигини сўзсиз тасдиқловчи ишга оид барча ишончли далиллар тўпланган бўлса, уларнинг жами ишни ҳал қилиш учун етарли деб ҳисобланади.

Далиллар йиғиндисини баҳолаш ҳақиқий маълумотларнинг ишончлилигини ва исботловчи аҳамиятини уларни бир-бири билан солиштириш йўли билан аниқлашга ёрдам беради. Далиллар йиғиндисини баҳолаш далиллардаги тўлиқсизлик, ноаниқлик ва зиддиятларни аниқлаш имконини беради.

Қонунда суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд ишдаги барча ҳолатларга ўзларининг ички ишончлари бўйича баҳо беришлари лозимлиги кўрсатилган. Ички ишонч текшириш жараёни ва унинг натижасидан иборат. Қонуннинг ички ишонч тўғрисидаги талабини ишни олиб бораётган шахсга берилган ваколат сифатида ҳам тушуниш мумкин. Бу ваколат орқали унинг далилларни баҳолаш соҳасидаги имтиёzlари мустаҳкамланиб, баҳолаш бевосита унинг ҳуқуқи ва мажбурияти эканлиги яна бир бор қайд этилади. Терговчи, прокурор ва суд бу вазифани бошқа шахсга юклатишга ёки бошқа шахслар томонидан берилган баҳоларни ишда қўллашга ҳақли эмас.

Далилларни баҳолашнинг қўйидаги қоидлари мавжуд: 1) далилларга баҳо беришда суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд фақат қонунга асосланадилар; 2) ҳеч қандай далилнинг аҳамияти олдиндан белгилаб қўйилмайди; 3) суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд далилларни баҳолашда ўзларининг ички ишончларига таянадилар; 4) уларнинг ички ишончи тўпланган ва текширилган далиллар йиғиндисига берилган баҳога асосланади; 5) ҳар бир далил алоқадорлик, мақбуллик, ишончлилик нуқтаи назаридан, тўпланган барча далиллар йиғиндиси эса ишни ҳал қилиш учун етарлилик нуқтаи назаридан баҳоланмоғи лозим; 6) суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг далилларга баҳо бериши ҳар томонлама, тўла ва холисона бўлиши шарт; 7) суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд далилларга вижданан баҳо беришлари шарт.

Далилларни баҳолашнинг мазкур принциплари бир меъёрда жиноят процессуал исботлашнинг барча субъектларига нисбатан жиноят ишини юритишнинг ҳамма босқичларида амал қиласи. Далилларни баҳолашдан

олдин жиноят ишини тергов қилиш, кўриб чиқиш ва ҳал қилишнинг бутун давомийлигида далилларни тўплаш, процессуал қайд этиш ва текшириш амалга оширилади. Ўз навбатида, далилларни баҳолаш уларни тўплаш, тадқик этиш, процессуал қайд этиш ҳаракатларини амалга ошириш заруратини келтириб чиқаради.

Далилларни баҳолаш иш бўйича деярли ҳар қандай процессуал қарор қабул қилиш учун зарур замин ҳозирлайди. Баҳолашсиз далилларни тўплаш, тадқик этиш, хulosалар чиқариш ва тўғри процессуал қарор қабул қилиш жараёнини тасаввур қилиб бўлмайди. Агар баҳолаш факат фикрлашга тенглаштирилса, у исботлашнинг тегишли субъекти онгидан ташқарига чиқмас, бу шахсдан бошқа ҳеч кимга маълум бўлмас эди ва ҳар қандай юридик маънодан маҳрум бўларди.

Далилларни баҳолаш жиноят процессуал исботлаш элементи сифатида маълум доирада ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиниб, унинг меъёрлари таъсирида бўлади. Ҳукуқ меъёрлари тафаккур тартибини эмас, балки далилларни баҳолаш шароитлари, мақсадлари ва принципларини (ЖПКнинг 85-87, 90-95-моддалари), шунингдек процессуал қарорлар ва ҳужжатларда уларни баҳолаш натижаларининг ташки ифода этилишини белгилайди. Шундай қилиб, далилларни баҳолаш мантиқий ҳамда ҳуқуқий хусусиятларга эга.

Билвосита далиллар мавжудлигида процессуал далилларни баҳолашга нисбатан юқори талаблар қўйилиши керак. Уларга баҳо бериш жиноят ҳодисасига тааллуқли барча ҳолатлар, хусусият ва жиҳатларни синчковлик билан ҳар томонлама тадқик этиш ва аниқлашни, ҳар бир далил моҳиятини чуқур англаш ва таҳлил қилишни, унинг бошқа далиллар билан узвий боғлиқлигини аниқлашни талаб этади.

Далилларни баҳолаш қўйидаги масалаларни аниқлаш учун амалга оширилади: а) далилдан иш бўйича келгусида суд далили сифатида фойдаланиш мумкинлиги ва бу қонунга, исботлаш принципларига зид эмаслиги; б) далил ёки далиллар йиғиндисининг кўрилаётган ишга тааллуқлилиги; в) далил иш бўйича тўпланган бошқа далиллар билан қандай боғлиқликда экани, бу боғлиқликнинг хусусияти ва аҳамияти қандайлиги; г) далилнинг ва далиллар йиғиндисининг ҳақиқатни аниқлашдаги аҳамияти, далиллар йиғиндиси процессуал қарор қабул қилишга асос қилиб олиниши учун етарли эканлиги; д) далилдан келгуси исботлаш жараёнларида фойдаланиш мумкинлиги.

Демак, далилларни баҳолаш жиноят процессуал исботлаш субъектлари бўлган суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг мантиқ ва ҳуқуқ меъёрларига асосланган, далилларнинг ишга алоқадорлиги, мақбуллиги, ишончлилиги ва етарлилигини, шунингдек холисона ҳақиқатни аниқлаш мақсадидаги фикрлаш фаолиятидир. Далилларни баҳолаш жиноят-процессуал исботлашнинг тузилмавий элементларидан бири бўлиб, жиноят процессида мавжуд бўлган барча демократик принципларга асосланади.

#### **4.10. Далилларни процессуал мустаҳкамлаш**

Исботлаш жараёнида тўпланган, баҳоланган, текширилган далиллардан улар мустаҳкамлангандан, яъни процессуал тарзда қайд этилганидан, расмийлаштирилганидан сўнг далил сифатида фойдаланиш мумкин. Тергов ҳаракатлари ёки суд мажлиси баённомалари далилларни процессуал мустаҳкамлаш воситалари бўлиб ҳисобланади. Далилларни мустаҳкамлашни мукаммал таҳлил этиш учун уларнинг исботлаш жараёнида тутган ўрни ҳақидаги масаланинг очиб берилиши мақсадга мувофиқдир. Аввало, далиллар процессуал тарзда қайд этилмасдан туриб, далилларни шакллантириш жараёнини тугалланган деб ҳисоблаш мумкин эмас ёки илмий тил билан айтганда, исботлаш субъекти томонидан олинган хаёлий образ тарзидаги маълумотлар тушуниш учун мувофиқ шаклга айлантирилганидан кейингина исботлашда фойдаланилиши мумкин.

Далилларни мустаҳкамлаш исботлаш жараёни биринчи босқичининг якунловчи элементидир. Далилларни мустаҳкамлашни ишни тўғри ҳал этиш учун аҳамиятли бўлган фактик маълумотларни қайд этиш тизими сифатида ҳам тушуниш мумкин.<sup>84</sup>

Далилларни баённомада қайд этиш қоидалари ЖПКнинг 90-моддасида келтирилган бўлиб, уларни юритиш учун масъулият суриштирув ва дастлабки тергов босқичида суриштирувчи ва терговчи, судда эса раислик қилувчи ва суд мажлиси котиби зиммасига юклатилади.

Баённомаларни тузиш ва уларни процессуал расмийлаштириш тартиби қонунда батафсил баён этилган. Ушбу тартибларга риоя этиш баённомаларда қайд этилган маълумотларнинг ишончлилигини кафолатлашда муҳим ўрин тутади. Мазкур баённомаларга тергов ёки суд ҳаракатининг иштирокчилари тўғрисидаги маълумотлар, бу шахсларга уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунтирилгани; тергов ёки суд ҳаракатининг ўтказилиш жойи ва вақти, шарт-шароитлари, жараёни ва натижалари, бунда топилган моддий объектлар тавсифи ва уларнинг иш учун аҳамиятли бўлган белгилари; тергов ҳаракатлари ёки суд муҳокамаси иштирокчилари тасдиқлашни сўраган фактлар; уларнинг юз берайтган ҳодиса сабаблари хусусидаги кўрсатувлари; тушунтиришлари, мулоҳазалари; улар томонидан берилган илтимосномалар, шикоятлар, рад этишлар; тергов ҳаракатини олиб бориш ёки суд муҳокамаси жараёнидаги тартибузарлик ҳоллари, шунингдек бу тартибузарликларни бартараф этиш ва олдини олиш учун қўрилган чора-тадбирлар киритилади. ЖПКнинг 91-моддасида далилларни қайд этиш учун баённома тузиш билан бир қаторда овоз ёзиш, видеоёзув, кинотасвир, фотосуратга тушириш, қолиплар тайёрлаш, нусхалар олиш, режалар, чизмалар тайёрлаш ва ахборотни акс эттиришнинг бошқа ёрдамчи усуллари ҳамда иловалар қўлланилиши мумкинлиги кўрсатилган. Таъкидлаш жоизки, сўнгги йиллар

<sup>84</sup> Қаранг: Белоусов А.В. Процессуальное закрепление доказательств при расследовании преступлений. –М.: Юрлитинформ, 2001. –Б. 174.

ичида овоз ёзиш билан бир қаторда видеоёзувдан далилларни процессуал қайд этишда жуда кенг фойдаланилмоқда.<sup>85</sup> Чунки овозни ёзиш билан биргаликда турли ҳаракатлар динамикасини қайд этишга катта эҳтиёж сезилмоқда. Суриштирувчи, терговчи ва суд далилларни мустаҳкамлашнинг мазкур усулларини қўллашга кўмаклашиш учун мутахассисларни жалб этиши мумкин.

Ҳақиқатан ҳам далилларни мустаҳкамлашнинг юқорида кўрсатилган воситалари ёрдамчи ҳисобланиб, фақат баённома билан биргаликда далилий аҳамиятга эга бўлади. Шу билан биргаликда улар баённоманинг мазмунини тасдиқлайди ва кўргазмали тарзда намойиш этади, баъзан эса ўзида қўшимча исботлаш маълумотларини мужассамлантиради. Масалан, фотосуратларда ҳодиса содир бўлган жойнинг баённомада акс эттирилмаган томонлари, видеоёзувда айбланувчининг қотиллик содир этиш жойи ва шароитларини кўрсатувчи баённомага туширишнинг имкони бўлмаган ҳолатлари ёки ишоралари муҳрланган бўлиши, овозли ёзувда нутқнинг барча талаффузлари акс этган бўлиши мумкин ва ҳ.к.<sup>86</sup>

Суриштирувчи, терговчи, суд томонидан далилларни қайд этишнинг қандай усуллари қўллангани, фойдаланилган аппаратлар, асбоблар, ускуналар, материалларнинг техникавий тавсифи келтирилиб, тегишлича тергов ҳаракати ёки суд мажлиси баённомасида акс эттирилади. Тергов ёки суд ҳаракатининг бориши ва натижалари акс эттирилган фотосуратлар, фонограммалар, видеоёзувлар, кинотасвиirlар, қолиплар, нусхалар, режалар, чизмалар ва бошқалар баённомага илова қилинади.

Тергов ҳаракатлари иштирокчиларининг, шунингдек суд муҳокамасидаги тарафларнинг бу ҳаракатлар жараёни ва натижалари акс эттирилган баённома билан танишиш, шунингдек унга қўшимча ва тузатишлар киритиш хуқуқлари таъминланиши керак.

Суриштирувчи ёки терговчи тергов ҳаракатлари тамом бўлиши биланоқ иштирокчиларга баённомани ўқиб чиқишига имкон беради ёки уларнинг илтимосларига кўра ўзи ўқиб беради. Худди шу тартибда суд мажлисига раислик қилувчи ёки унинг топшириғига биноан котиб суд ҳаракати иштирокчиларини, тарафларни суд мажлиси баённомасидаги ушбу суд ҳаракатига тааллуқли ёзувлар билан таниширади.

ЖПКнинг 92-моддасига биноан, оғзаки билдирилган қўшимчалар, тузатишлар, фикр-мулоҳазалар, эътиrozлар, илтимослар ва шикоятлар баённомаларга киритилади, ёзма равишида ифода этилганлари эса баённомага илова қилинади. Ўчиришлар ёки киритилган қўшимча сўзлар ёхуд бошқа тузатишларга баённомани имзолаш олдидан изоҳ берилади.

Баённома билан таниширилган шахслар унинг ҳар бир саҳифаси остига ва унинг охирига имзо чекадилар. Процесс иштирокчиларидан биронтаси

<sup>85</sup> Семенцов В.А. О доказательственном значении и процессуальном порядке закрепления материалов видео- и звукозаписи.// Следователь. -1995. -№1. -Б. 10-12.

<sup>86</sup> Қаранг: Лысов Н.Н.Криминалистическое учение о фиксации доказательственной информации в деятельности по выявлению и раскрытию преступлений: Автореф. дис.... д-ра юрид. наук.-М.: 1995. -Б.29.

имзо чекишдан бош тортса, бу түғрида суриштирувчи ёки терговчи, суд мажлисида эса раислик қилувчи ва суд мажлиси котиби баённомага ёзиб, уни ўз имзоси билан тасдиқлайди. Баённомага имзо чекишдан бош тортган шахс бош тортиш сабабини тушунтиришга ҳақли бўлиб, бу тушунтириш ҳам ЖПКнинг 93-моддасига асосан баённомага киритилиши лозим.

Тергов ёки суд ҳаракати иштирокчиси ўзининг жисмоний нуқсони туфайли баённомани ўқиб, имзолай олмаса, баённомани унинг розилиги билан ҳимоячи, вакил ёки мазкур шахс ишонадиган бошқа фуқаро ўқиб бераб, имзо чекади ва бу ҳақда баённомага ёзиб қўйилади.

Юқорида баён этилган қонунда белгиланган тартиблардан чекиниш баённомани бутунлай ёки унинг бир қисмини номақбул далил сифатида эътироф этилишига сабаб бўлиши мумкин.

Баённомалар турли фактлар бўйича далил бўлиб хизмат қиласди. Баённоманинг далилий аҳамияти ушбу ҳаракатни бажариш чоғида аниқланган факт билан узвий боғлиқдир. Масалан, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш баённомасида ўша жойнинг шароити ва жиноят оқибатида қолдирилган излар қайд этилади. Таниб олиш учун кўрсатиш баённомасида қайд этилган факт эса объектни (одам ёки нарса) аниқлашга, таниб олувчининг кўрсатувларини тасдиқлашга имкон яратади.<sup>87</sup> Тергов эксперименти давомида ҳодисанинг маълум шароитда содир бўлган-бўлмаганлиги ёки маълум шахс томонидан содир этилганлиги ёхуд содир этилиши мумкин эмаслигининг аниқланиши муҳим далилий аҳамиятга эга бўлади (мисол учун, шахснинг сохта пул ишлаб чиқариш салоҳияти). Экспериментнинг салбий натижаси бу ҳодиса ҳақиқатда содир этилиши мумкин эмаслигига гувоҳлик бериши мумкин (мисол учун, маълум бир нарсанинг айбланувчи томонидан кўрсатилган туйнукдан олиб чиқишининг имкони йўқлиги), ушбу натижа орқали эса айбланувчининг илгариги кўрсатувлари инкор этилади.<sup>88</sup>

Далилларни процессуал қайд этиш, яъни уларни мустаҳкамлаш бир-бири билан боғлиқ бўлган икки вазифани ўтайди: 1) далиллар ишончлилигини таъминлаш; 2) жиноят процессида фуқароларнинг ҳуқук ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш.

Далилларни мустаҳкамлаш ЖПКда кўрсатилган талаблар асосида бажарилмаса далил номақбул деб топилади. Бизнинг давлатимизда инсоннинг қадр-қиммати, унинг қонуний ҳуқук ва манфаатлари энг юқори ўринда туради. ЖПКнинг 17-моддасида инсон шаъни ва қадр-қимматини камситадиган, унинг шахсий ҳаётига тааллукли маълумотлар тарқалиб кетишига олиб келадиган, соғлигини хавф остига қўядиган, асоссиз равишда унга жисмоний ва маънавий азоб-уқубат етказадиган ҳаракатлар қилиш ёки қарорлар чиқариш тақиқланиши таъкидланган. Исботлаш жараёнининг энг эзгу мақсади ҳақиқатни аниқлаш бўлгани туфайли, унга эришишда шахснинг ҳуқук ва қонуний манфаатлари муҳофазасига катта эътибор бериш даркор.

<sup>87</sup> Қаранг: Давлетов А.А. Основы уголовно-процессуального доказывания: Автореф. дисс.... д-ра юрид. наук. -М.: 1993. -Б. 19-21.

<sup>88</sup> Алексеев С.С. Уголовный процесс. -М.: Юристъ, 1995. -Б.123.

Далиллар нафақат тегишли бўлмаган, нопроцессуал манбалардан олинганида, балки фуқароларнинг хукуқлари ва қонуний манфаатларини жиддий равишда бузилган ҳолларда ҳам номақбул деб топилиши лозим.<sup>89</sup>

Шахснинг конституциявий хукуқларини бузиш билан боғлиқ бўлмаган далилларни мустаҳкамлаш нуқсонлари ҳамда ҳақиқий маълумотлар ноқонунийлигига нисбатан бошқача ёндашув зарур. Ахборотларни олиш ва уларни қайд этиш қоидалари далиллар ишончлилигини таъминлашга қаратилган, шунинг учун ҳам уларни баҳолаш ушбу умумий вазифани ҳал қилишнинг таркибий қисмидир. Агар йўл қўйилган қонунбузилишларини бошқа процессуал ҳаракатлар ўтказиш орқали бартараф этиш мумкин бўлса, улар жиддий эмас деб ҳисобланиши, яъни ҳар томонлама, тўла ва холисона тергов қилишга таъсир этмаган деб эътироф этилиши, ушбу далиллар эса келгусида текширилиши ва баҳоланиши мумкин. Кўпинча бу амалиёт қонунда белгиланган далилларни қайд этувчи процессуал шаклга тегишли. Масалан, гувоҳ сўроқ қилиш баённомасига терговчининг айби билан имзо чекмаган бўлса, терговда берган кўрсатувларининг тўғри ёзилганлигини судда тасдиқлаши, холис эса кўздан кечириш ўтказилишидаги ўз иштирокини судда гувоҳлантириши ва унинг кўрсатувлари тергов ҳаракатини ўтказища иштирок этган бошқа шахсларни сўроқ қилиш орқали тасдиқланиши мумкин ва ҳ.к. Мазкур амалиёт далилларни мустаҳкамлашда процессуал шаклга риоя этмаслик ёки уларни менсимаслик деб баҳоланиши керак эмас. Процессуал шаклга риоя этмаслик оқибатлари хусусида қўшимча қилиб айтиш мумкинки, бундай ҳолларда прокурор ЖПКнинг 385-моддасининг 3-қисмига биноан ишни қўшимча терговга қайтариши, кассация инстанцияси эса ЖПКнинг 487-моддасига кўра жиноят-процессуал меъёрларни жиддий бузиш мавжуд деб эътироф этиши ҳамда шу асосга кўра жиноят ишини қўшимча терговга қайтариши ёки янги суд муҳокамасига қўйиши мумкин.

ЖПКнинг 95-моддаси 3-қисмida далилларнинг мақбуллиги шарти сифатида процессуал шаклга, яъни ЖПКнинг 92-94-моддаларига риоя этиш кўрсатилган. Шунинг учун процессуал қарорлар морфологик, стилистик ва қонун тили жиҳатидан аниқ, равshan ёзилган, тегишли ҳужжатда баён этилган бўлиши керак. Улар хукуқий меъёрларни қўллашнинг шахсий-хукуқий ҳужжатлари бўлгани учун ҳамма вақт қонуний, асосланган, сабаблари кўрсатилган, ишончли, мантиқий, саводли ва маданиятли, шунингдек яхлит ҳолда юқори савияда расмийлаштирилган бўлиши шарт.

Жиноят-процессуал ҳужжатнинг асослилиги холоса ва қарорлар фактлар ийғиндисига таяниши лозимлиги, қайсиdir процессуал қарорни қабул қилиш учун етарли далилларга эга бўлишни, тегишли жиноят-хукуқий ва процессуал меъёрларга асосланишни англатади. Жиноят-процессуал ҳужжатнинг асос ва сабабларини кўрсатиш қабул қилинаётган қарорда тўпланган, текширилган ва баҳоланган, иш учун аҳамиятли барча далилларни

<sup>89</sup> Қаранг: Лупинская П. Основания и порядок принятия решений о недопустимости доказательств // Российская юстиция.-1994. -№ 11. -Б.42.

келтириш демакдир. Процессуал ҳужжатнинг ишончлилиги унинг қайсиdir қабул қилинган процессуал қарорни тўғрилиги нуқтаи назаридан аксиологик баҳоланишидир. Ҳуқуқий ҳужжатни баҳолашда ишончлиликнинг асоси адолат бўлмоғи лозим. Бу барчанинг қонун ва одил судлов олдида тенглигидан далолат беради.

Процессуал ҳужжатнинг матни мантиқий жиҳатдан изчиллик билан баён этилиши керак, унинг ҳар бир кейинги қисми аввалгисининг давоми бўлиб, ундан қонуний равишда келиб чиқиши керак. Мантиқийлик баён этишнинг қарама-қаршилигини, изчил эмаслигини, хulosалар ва қабул қилинаётган қарорларнинг ноаниклигини истисно этади.<sup>90</sup>

ЖПКнинг 2-моддасида жиноят-процессуал қонун ҳужжатларининг вазифалари жиноятларни тез ва тўла очишдан, жиноят содир этган ҳар бир шахсга нисбатан адолатли жазо берилиши ҳамда айби бўлмаган ҳеч бир шахс жавобгарликка тортилмаслиги ва ҳукм қилинмаслиги учун айборларни фош этишдан ҳамда қонуннинг тўғри татбиқ этилишини таъминлашдан иборат эканлиги белгилаб қўйилган. Зероки, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар фаолиятининг самарадорлиги барча далиллар асосида улар қабул қилган қарорларнинг одиллиги билан белгиланади.

Бинобарин, қонун ҳам, унинг амалиёти ҳам, жамиятда рўй берадиган ҳар қандай низо, айниқса жиноий қилмиш бўйича суднинг қарори ҳам адолатли бўлишига эришиш халқ осойишталигининг муҳим кафолатидир. Бу йўлда барча баҳоли қудрат ўз ҳиссасини қўшиши, бурчини ҳалол бажариши, масъулиятини унутмаслиги талаб этилади.

---

<sup>90</sup> Овсянников И. Логика доказывания в уголовном процессе // Российская юстиция. – 1998. - № 9. -Б.5.

## **5-БОБ. ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА ПРОЦЕССУАЛ МАЖБУРЛОВ ЧОРЛАРИНИ ҚҮЛЛАШ МУАММОЛАРИ**

### **5.1. Жиноят процессида процессуал мажбурлов чораларининг хукуқий табиати**

Шахснинг хукуқ ва эркинликлари, унинг дахлизилигининг бирор даражада чекланиши мажбурлов ҳисобланиб, у ижтимоий таъсир ўтказишнинг ўткир ва қатъий воситасидир. Процессуал мажбурлов инсоннинг эркинлигини чеклаб, унга давлат томонидан таклиф этилаётган (қўлланган) шароитдан бошқа ҳолатларни танлаш имкониятини бермайди.<sup>91</sup> Шундай бўлса-да, мажбурлов хукуқни тартибга солиш механизмининг зарурий элементидир. Процессуал мажбурлов - давлатнинг ваколатли органлари ҳамда мансабдор шахсларининг шахс, жамият ва давлат манфаатлари йўлида ҳаракат қилишга бўйсундириш (мажбурлаш) мақсадида шахсга нисбатан руҳий, моддий ёки жисмоний таъсир ўтказилишидир. Назаримизда, мажбурловнинг умумий қоидалари Бразилия Федератив Республикаси Конституциясининг 5-моддаси 2-қисмида анча муваффақиятли баён этилган: «Ҳеч ким бирон нарсани бажаришга ёки бажаришдан тийишга мажбурланмайди, бунга фақат қонун асосида йўл қўйилади».<sup>93</sup>

Жиноят процессида мажбурлов хукуқнинг бошқа соҳаларига (давлат, маъмурий, фуқаролик-процессуал ва бошк.) оид бўлган императивлик, хукуқ нормаларини қўллаш усули, чекланаётган хукуқларнинг ўхшашлиги ва бошқа умумий хусусиятлардан ташқари, фақат ўзига хос бўлган алоҳида хусусиятларга (хукуқни таъминлаш усули, асослари, мақсадлари, қўллаш субъектлари ва бошк.) ҳам эгадир.<sup>94</sup>

Жиноят судлов ишларини юритишида қўлланиладиган ва процесс иштирокчиларининг хукуқларини чеклаш билан бевосита боғлиқ давлат мажбурлови ўз табиатига кўра турли кўринишларда намоён бўлади. Барча ҳолларда мажбурлов чоралари жиноят процессидаги қайсиdir иштирокчининг процессуал мажбуриятларига боғлиқ бўлиб, қуйидаги функцияларни ado этади: 1) келгусида мажбуриятларни бажаришни таъминлаш (ЖПКнинг 220, 236, 261,265, 270-моддалари); 2) дарҳол мажбуриятларни ado этишга киришишга ундаш (ЖПКнинг 216, 217, 227, 234, 241, 252-моддалари); 3) мажбуриятларни бажаришга лаёқатлиликни текшириш (ЖПКнинг 265-моддаси, 2-қисми); 4) мажбуриятларни бажармаганлик учун жавобгарлик (ЖПКнинг 251-моддаси, 6-қисми).

<sup>91</sup> Қаранг: Теория государства и права. /Под ред. В.М. Корельского и В.Д. Перевалова. -М.: 1998. -Б. 133.

<sup>92</sup> Сарсенов К.М. Государственное принуждение и его реализация в деятельности органов внутренних дел: Автореф. дисс. .. канд. юрид. наук. -СПб.: 1996. -Б.12; Евдокимов С.В. Правосстановительные меры. -Нижний Новгород: 2001. -Б. 7-14; Петрухин И.Л. Человек и власть (в сфере борьбы с преступностью). -М.: 1999. -Б. 229-247 ва бошк.

<sup>93</sup> Қаранг: Конституции зарубежных государств. / Со-Б. Проф. В.В. Малков. -М.: 2000. -Б. 406.

<sup>94</sup> Қаранг: Михайлов В.А. Меры пресечения в российском уголовном процессе. -М. 1996. -Б.6-11.

Мажбуров турлича мазмунга эга бўлиши мумкин. Бу ерда жиноят процессидаги қонунда йўл қўйилган барча мажбуров чораларининг ҳажми икки мустақил қисмга ажратилади: 1) жиноят-процессуал мажбуров чоралари – жиноят судлови вазифаларини муваффақиятли ҳал этилишига хизмат қиласди (кўшимча жарима мажбуриятлари қўлланилмайди); 2) жиноят-процессуал жавобгарлик чоралари – жиноят-процессуал нормаларининг бузилишига давлат томонидан салбий баҳо берилади (ЖПКнинг 271, 272, 274-моддалари - жарима мажбуриятлари қўлланилади). Ҳар икки ҳолатнинг мезони – уларни қўллаш асослари ва мақсадларидир. Шундай қилиб, жиноят-процессуал мажбуров чоралари ва жиноят-процессуал жавобгарлик чоралари – бир бирига мос келмайдиган тушунчалар ҳисобланади.

Хукуқий адабиётларда ва амалиётда эҳтиёт чораларини жиноят-процессуал жавобгарлик чоралари қаторига киритиш, масалан, шахс ҳукуқбузарлик содир этганидан сўнг, унга нисбатан эҳтиёт чораси қўлланилгани, эҳтиёт чорасига риоя этилмаган ҳолларда унинг жиддийроқ чорага алмаштирилиши, гаровнинг давлат фойдасига ўтиб кетиши кабиларни жавобгарлик деб эътироф этиш таклиф этилади.<sup>95</sup> Назаримизда, бу ҳолатлар қандайдир жавобгарлик билан боғлиқ эмас.

«Процессуал нормаларнинг бузилганлиги – бу содир бўлган фактdir, ушбу ҳолатда жавобгарлик ўтмиш ҳодисасига мансуб бўлган ретроспектив кўринишга эга. Юридик жавобгарлик – ретроспектив жавобгарликнинг асосий туридир»,<sup>96</sup> деганadolatli фикрга қўшиламиз. Ҳар қандай ҳолатда эҳтиёт чораси ҳаракатнинг келгусида содир бўлиш эҳтимоллигига нисбатан қўлланади. Шунинг учун эҳтиёт чораларининг қўлланилишининг мақсад ва асослари баён этилган ЖПКнинг 236-моддасида «олдини олиш», «бундан буёнги», «йўл қўймаслик» сўзларидан фойдаланилган. Жиноий қилмиш содир этиш чоғида танланган эҳтиёт чораси бу ҳаракатнинг шу даврга қадар содир этилгани учун эмас, балки келгусида яна тақрорланишининг олдини олиш учун қўлланилади. Эҳтиёт чорасини танлаш (ўзгартириш) - айбланувчи ёки гумон қилинувчининг ўтмишдаги хулқ-атворига баҳо бериш эмас, балки унинг келгуси ҳаракатларини тартибга солиш бўлса, жавобгарликнинг асосий функцияси эса жарима ҳамда жазолаш функцияси ҳисобланади.

Тергов ишларини юритишда янгидан юзага келган тўсиқларни бартараф этиш учун эҳтиёт чораси жиддийроғига ўзгартирилиши мумкин (ЖПКнинг 250-моддаси, 2-қисми). Эҳтиёт чорасини қўллаган шахс терговнинг бошланғич даврида ҳолатни нотўғри баҳолаганлиги ёки ишдаги объектив ҳолатларнинг ўзгарганлиги ёхуд айбланувчи (гумон қилинувчи) тергов томонидан ўзига нисбатан билдирилган ишончни оқламаганлиги бунга мисол бўла олади. Демак, қонунга кўра енгил эҳтиёт чорасини кучайтириш эҳтиёт чорасини қўллашга ваколатли шахснинг мажбурияти эмас. Назаримизда,

<sup>95</sup> Громов Н.А., Полунин С.А. Санкции в уголовно-процессуальном праве России. -М.: 1998. -Б. 13; Жога Е., Полунин С., Громов Н. Карательные санкции в уголовном процессе // Следователь. -1999. -№ 7. -Б. 6-7 ва бошқ.

<sup>96</sup> Воеводин Л.Д. Юридический статус личности в России. -М.: 1997. -Б. 42.

гаров суммасининг давлат фойдасига ўтиб кетиши ҳам жавобгарлик билан боғлиқ эмас. Лекин ушбу қоида эҳтиёт чорасига риоя этмаган шахс ҳар қандай жавобгарликдан озод эканлигини англатмайди. Агар шахс эҳтиёт чораси қўлланган даврда жиноят содир этса, у тегишли тартибда жиноий жавобгарликка тортилади, унга нисбатан жиддийроқ эҳтиёт чораси қўлланилади.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси, шунингдек Россия Федерацияси, Беларус, Қозоғистон, Қирғизистон Республикалари жиноят-процессуал қонунчилигига ушлаб туриш, эҳтиёт чоралари ва бошқа процессуал мажбурлов чораларидан таркиб топган уч бўғинли тизим амал қиласди. Аммо шунга қарамай, юқорида тилга олинган давлатларнинг ЖПКларида у ёки бу чораларни мажбурлов тизимиға киритилиши ва уларнинг гурӯхлар ичидаги таснифланиши бир хилда эмас. Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан Россия Федерацияси, Беларус, Қозоғистон, Қирғизистон Республикалари ЖПКлари ҳамда МДҲ Парламентлараро Ассамблеяси 1996 йил 17 февралда тасдиқлаган ЖПК Моделидаги<sup>97</sup> мажбурлов чоралари тизимиға бағишланган нормаларнинг қиёсий таҳлили асосида қўйидаги умумийлик ва тафовутларни кўришимиз мумкин:

1. Ушлаб туриш институти барча ЖПКларда жиноят-процессуал мажбурлов чоралари қаторига киритилган.

2. Фақат Ўзбекистон Республикаси ЖПКда процесс иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш, процессуал мажбуриятлар ҳамда тартибни бузганлик учун жавобгарлик тўғрисидаги нормалар кўрсатилган.<sup>98</sup>

3. Ҳеч қайси давлатнинг қонунчилигига ЖПК Моделида таклиф этилган эҳтиёт чоралари чегараларидан ташқарига чиқилмаган. Қамокқа олиш, гаров, муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисида тилхат (кўпгина давлатларда кетиб қолмаслик тўғрисида тилхат), ҳарбий хизматчини кўмондонлик кузатуви остига олиш ва вояга етмаганларни кузатувга топшириш чоралари барча давлатлар ЖПКларидан ўрин олган. Жамоат бирлашмаси ва жамоанинг кафиллиги тарзидаги эҳтиёт чораси фақат Ўзбекистон Республикаси, уй қамоғи тарзидаги чора эса Россия Федерацияси, Беларус ва Қозоғистон Республикалари ЖПКларида қабул қилинган. Лавозимдан четлаштириш чораси Ўзбекистон, Беларус, Қозоғистон, Қирғизистон Республикалари ва Россия Федерацияси ЖПКларида «бошқа процессуал мажбурлов чоралари» қаторида кўрсатилган, ЖПК Моделида эса у эҳтиёт чоралари рўйхатига киритилган. Бизнингча, лавозимдан четлаштириш масаласи ЖПК Моделида тўғри ҳал этилган, чунки у фақат айбланувчи, судланувчига нисбатан, худди эҳтиёт чоралари каби унинг келгусидаги ҳаракатларини тартибга солиш ва жиноят судлов ишлари олдидағи вазифаларни ҳал этишга яратиш

<sup>97</sup> Модельный Уголовно-процессуальный кодекс для Государств – Участников СНГ // Информационный бюллетень Межпарламентской Ассамблеи СНГ. –1996. –№10. Приложение.

<sup>98</sup> Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси қонунчилигидаги бу нормаларнинг афзаллиги тан олиниб, бошқа давлатлар қонунчилигига татбиқ этиш таклиф этилмокда. Қаранг: Васильева Е.Г. Проблемы ограничения неприкосновенности личности в уголовном процессе. Дисс.... канд. юрид. наук. –Уфа: БашГУ, 2002. –Б.34, 105-106.

учун қўлланилади. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг «Ҳукмнинг мулкий ундиришлар тўғрисидаги қисми ижросини таъминлаш» тўғрисидаги 35-боби ҳам процессуал мажбурлов чоралари рўйхатига киритилиши мақсадга мувофиқдир.<sup>99</sup>

Россия Федерацияси ЖПКнинг 110-моддаси, Беларус Республикаси ЖПКнинг 119-моддаси, Қирғизистон Республикаси ЖПКнинг 112-моддаларида эҳтиёт чораси қайси орган томонидан қўлланган бўлса, фақат шу тартибда уни ўзгартириш ёки бекор қилиш мумкинлиги таъкидланган. ЖПК Моделининг 187-моддасида эса суд томонидан қўлланилган эҳтиёт чораси судга қадар иш юритишида жиноий таъқиб органи томонидан бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши лозимлиги таклиф этилган. Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 240-моддасига кўра қўлланилган эҳтиёт чораси ким томонидан қўлланганлигидан қатъий назар, жиноят процессининг ҳар қандай босқичида бекор қилиниши, ўзгартирилиши мумкин. Шахснинг дахлсизлигига риоя этиш учун эҳтиёт чорасига зарурат қолмаганда, у дархол бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши шарт. Назаримизда, бизнинг қонунчилигимиздаги ушбу қоида бошқа давлатлар қонунчилигидан инсонпарварлиги билан устунлик қиласи.

4. Кўриб чиқилаётган давлатлар ЖПКларидаги асосий тафовутлар «бошқа мажбурлов чоралари»ни санаб ўтишда яққол кўзга ташланади. Бизнингча, ҳеч қайси давлат қонунларида бу чораларнинг тўла ҳажми ва таснифи келтирилмаган. ЖПК Моделидаги мажбурий келтиришнинг тергов ҳаракатлари рўйхатида кўрсатилганлиги тушунарсиз. Чунки мажбурий келтириш фақатгина узрсиз сабабларга кўра келмаган иштирокчиларни ҳозир бўлишини таъминлаб, тергов ҳаракатларини ўтказишнинг асосий мақсади бўлган далилларни тўплашга хизмат қилмайди.

Россия Федерацияси, Беларус, Қозоғистон, Қирғизистон Республикалари ЖПКларида пул ундириш тарзида чора процессуал мажбурлов чоралари рўйхатидан ўрин олган. Фикримизча, ушбу институт жавобгарлик чораси бўлганлиги учун алоҳида бобда ёритилиши мақсадга мувофиқ ва шу ўринда бу масалаларни 32-бобда кўрсатган Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг позициясини маъқуллаймиз.

Хуласа қилиб айтганда, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига процессуал мажбурлов чоралари тизими бошқа МДҲ давлатлари қонунларига нисбатан анча муваффакиятли талқин этилган. Лекин мазкур чораларни қўллаш тартибини такомиллаштириш, уларни қўллаш ваколатига эга бўлган субъектларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тадқиқ этиш ва, асосийси, процессуал мажбурлов чораларини қўллашда шахснинг қонуний ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини сифат жиҳатдан юқори погоналарга кўтариш бугунги куннинг долзарб масалаларидан биридир.

Жиноят процессида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини чеклаш ўз навбатида бу жараён устидан самарали тарзда назорат ўрнатишни талаб

<sup>99</sup> Қаранг: Тўлаганова Г.З. Жиноят процессида эҳтиёт чораларининг қўлланиши муаммолари. –Т.: Адолат, 2005. –Б.13.

этади. Бундай назорат эса кўплаб ҳолларда суднинг фаолияти орқали таъминланади. Дастребки тергов устидан суд назоратини ўрнатиш деганда шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари чекланишини қўшимча кафолатланиши, тортишув принципининг ушбу босқичга татбиқ этилиши ва фуқароларга ўз манбаатларини ҳимоя қилиш учун қулай шароитлар яратилишини тушунмоғимиз керак. Тортишув принципига асосланган дастребки тергов ушбу жараёнда томонларнинг позицияларини «йиғиш», улар ўртасидаги баҳсларни ҳал этиш вазифаларини амалга оширувчи ўзига хос субъектнинг иштирокини назарда тутади. Бундай субъект эса, шубҳасиз, суд ҳисобланади.

Олимлар томонидан шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлашда суднинг тутган ўрни тўғрисида кўплаб фикрлар билдирилган: «Айнан суд асл ҳуқуқ ваadolатнинг тимсоли бўлиб, фуқаро ҳамда давлат ўртасида юзага келадиган зиддиятли муносабатларда шахс ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли кафолати ҳисобланади».<sup>100</sup> «Суд ҳимояси – шахсни ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоялашнинг жаҳон ижтимоий амалиётида ишлаб чиқилган энг самарали механизмидир. ... Суд ҳимоясида бўлиш ҳуқуқининг амалда мавжуд эмаслиги эса шахснинг эркинликлари даражасини чеклайди».<sup>101</sup> «Суд ҳимояси бу ... ҳуқуқ ва эркинликларни асоссиз бузиш ёки чеклашдан муҳофаза этишдир».<sup>102</sup> Ушбу фикрларга тўла қўшилган ҳолда айтишимиз мумкинки, шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя этиш мақсадида суд назорати соҳаси дастребки тергов босқичига ҳам татбиқ этилиши лозим.

Маълумки, дастребки тергов устидан прокуратуранинг бошчилик қилиши собиқ совет тузуми даврида ташкил этилган. Дастребки тергов устидан суд назорати ўрнатилмаганлигининг сабаблари сифатида айланувчининг айблилигини аниклашда суднинг пассив ўрин тутганлиги, тергов органларига катта аҳамият берилганлиги, давлат манбаатлари шахс манбаатларидан устун қўйилиши каби ҳолатларни санаб ўтиш мумкин. У даврларда дастребки тергов хulosалари билан келишмаслик, оқлов ҳукми чиқариш ҳоллари судянинг шахсий матонати сифатида қабул қилинар ва бундай йўл тутган судья турли тазъиқларга дучор бўлар эди. Таъкидлаш жоизки, мустақиллик шарофати билан бундай салбий оқибатларга тамоман чек қўйилмоқда.

Амалдаги қонунчиликка кўра дастребки тергов ҳақиқатан ҳам «дастребки» характерда бўлиши ва тергов органларининг айблов юзасидан баён этган хulosалари суд учун содир этилган жиноятнинг версияларидан бири сифатида қабул қилиниши керак. Шу вақтнинг ўзида ҳукм асосига қўйилган баъзи тергов хulosалари суд далиллари мақомига эга бўлади. Дастребки тергов органлари томонидан ўтказилган баъзи тергов ҳаракатларини суд тергови давомида ўтказишнинг имконияти йўқ. Суд

<sup>100</sup> Права человека. Учебник для вузов. / Отв. ред. Лукашева Е.А. -М.: 1999. -Б.305.

<sup>101</sup> Лазарева В. Теория и практика судебной защиты в уголовном процессе. –Самара: 2000. -Б. 21.;  
Бу ҳақда яна қаранг: Громов Н.А., Францифоров Ю.В. Правоприменительная деятельность органов предварительного расследования, прокуратуры и судов. -М.: 2000. -Б.66.

<sup>102</sup> Лазарева В.А. Судебная власть и ее реализация в уголовном процессе. –Самара: 1999. -Б.59-60.

томонидан бундай ҳаракатлар натижасида олинган далиллар эса фақат уларнинг мақбуллиги нуқтаи назаридан баҳоланади. Демак, дастлабки тергов судга қадар ва суд учун ўтказилади. Шунинг учун, фикримизча, жиноятларни тергов қилиш суд ҳокимияти номидан амалга оширилиши ёки суд унинг устидан назорат қилишга ҳақли бўлмоғи лозим.

Прокурор дастлабки тергов органларининг фаолияти устидан назорат олиб боради (жиноят содир этилиши тўғрисидаги ариза ва хабарларни, суриштирув, тезкор-қидирув, дастлабки тергов ҳаракатларининг олиб борилишини текшириш, шахсларни ушлаш, мажбурий келтириш, қамоқقا олиш, қидириш, тинтуб ва бошқа ҳаракатларни ўтказиш тўғрисида топшириқлар бериш, процессуал мажбурлов чораларини қўллашга санкция бериш ва х.к.). ЖПКнинг 382-моддасидаги прокурорнинг суриштирув ва дастлабки тергов органлари қонунларнинг ижро этишини назорат қилиш учун берилган ваколатлар ушбу органлар устидан процессуал раҳбарлик ваколатлари ҳисобланиб, унга суд идораларига мурожаат этмасдан йўл қўйилган қонуннинг бузилиш ҳолатларини мустақил тарзда бартараф этиш имконини беради. Прокурорнинг дастлабки тергов органлари устидан процессуал раҳбарлик ваколатлари жиноий таъқиб функциялари билан уйғунлашиб кетади. Прокурор терговни шахсан ўзи олиб борганда ҳамда судда айловни қувватлаганда бу функцияни амалга оширади. Прокурорнинг жиноят-процессуал фаолиятида жиноий таъқиб функцияси ҳал этувчи ўрин тутганлиги сабабли, руҳий жиҳатдан унга ўзининг айловчилик ҳолатидан устун келиш ва жараёнда холис назорат органи сифатида иштирок этиши мушкул. Демак, прокурорнинг тергов органлари устидан бошчилик қилиш ваколатларини эътиборга олган ҳолда, дастлабки тергов босқичида прокурор назоратининг холислиги ҳақида фикр юритиш ноўриндир.

Ўзбекистон Республикаси хуқуқ тизимида суд назоратининг таъсир доираларини кенгайтирилишини шахснинг хуқуқий ҳимояланишини юқори поғонага кўтаришга олиб келувчи ижобий ҳолат деб баҳолаш мумкин. Кўплаб мамлакатларда тергов ишлари устидан суд назорати дастлабки тергов принципларидан бири ҳисобланади. Германияда ушбу назорат айлов камераси, Италияда тергов камераси томонидан амалга оширилади. Францияда эса терговчининг ҳаракатларини назорат қилувчи тергов палатаси мавжуд.

Президентимизнинг шу йилнинг 8 августидаги «Қамоқقا олишга санкция бериш хуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида»ги Фармони дастлабки тергов устидан суд назоратини жорий этиш борасида ташланган муҳим қадамлардан бири бўлди. Мазкур Фармонда 2008 йилнинг 1 январидан эътиборан қамоқقا олишга санкция бериш хуқуқи прокуратура органларидан судлар ваколатига ўтказилиши таъкидланган. Фармоннинг 2-бандида Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал, Жиноят-ижроия кодексларига, Ўзбекистон Республикасининг «Судлар тўғрисида», «Прокуратура тўғрисида»ги қонунларига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар тайёрлаш учун уч ой муддат белгиланган. Демак, шу оз фурсатда қамоқقا

олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказилиши билан боғлиқ бўлган бир қанча масалаларни муҳокама қилиш ва ҳал этиш зарур.

Суднинг одил судловга тааллуқли бўлмаган фаолияти қабул қилинаётган қарорларнинг характери орқали тавсифланади – уларда айбловнинг мавжудлиги масаласи ҳал этилмайди. Шунинг учун суднинг одил судловни амалга ошириш юзасидан жиноят ишларини мазмунан ҳал этиш ва дастлабки тергов устидан назорат фаолияти бир биридан қатъий чегараланиши даркор. Шу мақсадларда бир судьянинг ҳам жиноят иши бўйича назорат ваколатларини амалга ошириши, ҳам ўша ишни суд муҳокамасида кўриб чиқиши мақсадга мувофиқ эмас. Бу масалани икки усул билан ҳал этиш мумкин: 1) Судьянинг ишда иштирок этишига монелик қиладиган ҳолатларнинг асосларини кенгайтириш (ЖПКнинг 76-моддасига қўшимча тарзда 4-қисмни киритиш); 2) суд назорати доиралари ҳамда унинг ваколатларини кенгайтириш.

Биринчи инстанция судининг судьяси, айблов ва ҳимоя ўртасида юзага келган мунозарали масалаларни ҳал этишга ҳақлидир ҳамда мажбур бўлиши, терговчи, прокурорнинг харакатлари устидан тушган шикоятларни кўриб чиқиши, айрим тергов харакатлари ўтказиш, қамоқقا олиш ва бошқа процессуал мажбуров чораларини қўллашга санкция бериши, жиноят ишини қўзғатиши радиши, жиноят ишларини тугатишнинг асослилиги тўғрисидаги шикоятларни ҳал этиши лозим. Судья процесс иштирокчиларининг илтимосларига биноан томонларга ёрдам кўрсатиш мақсадида (айниқса ҳимоя томонига, чунки улар бундай ваколатларга эга эмас) айрим тергов харакатларини ўтказиш ҳуқуқи берилиши ҳам томонларнинг тенглигини таъминлашда муҳим ўрин тутади.

Дастлабки тергов устидан назорат олиб бораётган судья ўз қарорларини терговчи иш фаолияти сифатининг баҳосини эътиборга олган ҳолда чиқаради, деб хавфсирашга ўрин йўқ. Чунки далилий материалларнинг тўлалиги ҳамда сифатига айб эълон қилган прокурор жавобгардир.

Хулоса қилиб, шуни айтиш жоизки, биринчидан процессуал мажбуров чоралари жиноят судлов ишларини юритиш вазифаларини тўла бажарилишига хизмат қиласди.

Иккинчидан процессуал мажбуров чоралари исботлаш бурчи юқлатилган мансабдор шахсларга имконият яратади, процесснинг бошқа иштирокчиларига мажбурият юклайди.

Учинчидан процессуал мажбуров чоралари қонунда қатъий белгиланган шартлар асосида ва тартибда амалга оширилади.

Тўртинчидан процессуал мажбуров чораларини қўллашдан асосий мақсад фуқароларнинг Конституциявий ҳукуқ ва манфаатларини кўриклишдан иборат.

## **5.2. Процессуал мажбурлов чораларининг мазмуни ва тизими. Процессуал мажбурлов чораларини қўллашга ваколатли бўлган мансабдор шахслар ва органлар**

Жиноят содир этилгани ёки уни содир этишга тайёргарлик кўрилаётгани тўғрисида хабарни текшириш ва тегишлича жиноятни аниқлаш, унда айбли шахсларни фош этиш демократик ҳукукий давлат органларининг муҳим вазифаларидан биридир. Жиноят ишини қўзғатиш, суриштирув ва дастлабки тергов юритиш, шунингдек ишни судда мазмунан ҳал этиш бир қатор чоратадбирлар кўриш билан боғлиқ. Шу жумладан суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд шахснинг ҳукуқ ва эркинликларини чеклаш билан боғлиқ мажбурлов чораларини қўллашига тўғри келади.

Жиноят процессида қўлланадиган мажбурлов чоралари қонуннинг бажарилишини таъминлашга қаратилган ҳукукий мажбурлов чораларининг тури сифатида фақат қонунда кўрсатилган ҳолларда, шахсга нисбатан ишонтириш кор қилмаган чоғдагина қўлланиши мумкин. Мажбурлов чораларини «иқтисод» қилиш таомили жиноят процессига ҳам тааллуқли. Мажбурлов деярли барча ҳолларда жисмоний куч ишлатишни эмас, шахснинг хоҳишига қарши, унинг манфаатларига зид равищда кўриладиган чора-тадбирлардан иборат. Айбланувчи ва гумон қилинган шахсларнинг хат-ёзишмаларига ҳибс солиш, тинтув вақтида эшикни ёки қулфни бузиш ҳам ўз моҳиятига кўра мажбурлов чоралари қаторига киради. Ҳатто, суд залидан чиқариб юбориш мажбурлов характерига эга. Бу ҳақда кўп муаллифлар алоҳида таъкидлайдилар.<sup>103</sup>

Мажбурлов чоралари тизимини кенг маромда тушуниш ва уларни қўллашда қонунийликни таъминлашга хизмат қиласидиган воситаларнинг моҳиятини аниқлаш жуда муҳимдир. Улар жумласига биринчи навбатда превентив чоралар киради. Баъзан уларни нохушликнинг олдини олувчи чоралар деб ҳам атайдилар. Бу хил чоралар жумласига энг жиддийси - эҳтиёт чоралари, сўнгра далилларни излаш ва тўплаш учун қўлланадиган чоралар, шунингдек бошқа мажбурлов чоралари, химояланиш воситалари ва процессуал жавобгарликка оид чоралар киради, деган фикр адабиётда мажбурлов чоралари доирасини кенг равищда тушунишга чақиради.<sup>104</sup> Процессуал мажбурлов чораларининг ҳукукий табиати хусусида ҳам турли қарашлар мавжуд.<sup>105</sup>

<sup>103</sup> Қаранг: Громов Н.А. Уголовный процесс России. Учебное пособие. –М.: Юристъ, 1998. –Б. 185; Якупов Р.Х. Уголовный процесс. Учебник. –М.: Зерцало, 1998. –Б.182 ва бошқалар.

<sup>104</sup> Рыжаков А.П. Меры пресечения // Как юрист юристу. –2002 . –№6. –Б.67.

<sup>105</sup> Қаранг: Свердлык Г.А. Страунинг Э.П. Понятие и юридическая природа самозащиты гражданских прав // Государство и право. –1998. –№5. –Б. 21; Юридическая наука – практике // Вестник МГУ. Серия "Право". –1995. –№6. –Б.66; Воеводин Л.Д. Юридическая природа конституционных прав свобод и обязанностей человека и гражданина // Юридический статус личности в России. –М.: 1997. –Б.152.

Маъмурий ҳуқуқда ҳам мажбурлов чоралари тушунчаси ишлатилиб, у жиноят-процессуал ҳуқуқидагидан батамом бошқача тусга эга. Бу соҳадаги чоралар асосан ғайриқонуний қилмишларни тўхтатиш, олдини олиш, уларнинг заарли оқибатларини бартараф этишга қаратилган ва факат баъзи бирлари айбли шахсларни маъмурий жавобгарликка тортишни таъминлашга мўлжалланган. Хусусан, Д.Н.Бахрах уларни жуда кенг доирада баён қиласди: 1) озодликдан маҳрум этиш жойларидан озод қилинганларга нисбатан маъмурий назорат ўрнатиш; 2) шахсни маъмурий қилмиши учун ушлаб туриш; 3) мажбурий даволаш; 4) мулкни ҳибсга олиш; 5) мажбурий равишда кўздан кечириш; 6) жисмоний куч ишлатиш; 7) курол ишлатиш; 8) ғайриқонуний хулқ-атворни тўхтатиш ҳақида огоҳлантириш.<sup>106</sup> В.А.Тюрин, бундан ташқари, маъмурий эҳтиёт чоралари жумласига транспорт воситалари, иморатлар, жойларни кўздан кечириш, транспорт ҳайдашдан четлатиш, транспортни ҳибсга олиш, ундан фойдаланишни тақиқлаш кабиларни киритади.<sup>107</sup> Мазкур муаллифлар санаб ўтган эҳтиёт чораларидан бир қисми умуман маъмурий ҳуқуқбузарликнинг олдини олишга қаратилган ва айримлари бу хил маъмурий ишлар бўйича текширувни осонлаштиришни таъминлаш мақсадларида белгиланган чоралардир. Уларнинг моҳияти ва қўлланиш тартиби ҳам ўзгача мазмунга эга.

Юқорида санаб ўтилган маъмурий мажбурлов чораларидан баъзилари, масалан, мажбурий даволаш, мажбурий равишда кўздан кечириш, транспортни ҳибсга олиш ва уни ҳайдашдан четлатиш кабилар жиноят процессида ҳам қўлланади. Демак, улардан фойдаланишни таъминловчи ягона қонуний тартиб ва кафолатлар бўлиши лозим.

Е.Г.Васильева факат Ўзбекистон Республикасининг ЖПКсида процесс иштирокчиларининг ҳуқуқларини чеклашнинг умумий шартлари тўғрисида нормалар (213-219-моддалари) борлигини мамнуният билан таъкидлайди ва РФ Жиноят-процессуал кодексига ҳам бундай нормалар киритилишига оид таклиф билдиради.<sup>108</sup> Унинг шахс дахлсизлигини чеклаш нима сабабдан зарур экани ҳақида мулоҳазалари ҳам айниқса эътиборлидир. У ёзганидек, шахснинг дахлсизлигини чеклаш жиноят процессида қуйидаги алоҳида ижтимоий сабаблар билан боғлиқ: а) жамият манфаатларини кўзлаб жиноятчилик билан муросасиз ва кескин курашиш зарурлиги; б) жиноятчиликка қарши курашиш мажбурлов чораларисиз бесамар эканлиги; в) манфаатдор шахсларнинг қаршилигини бартараф этиш кераклиги; г) жиноят учун жавобгарликни таъминлашга эришиш лозимлиги.<sup>109</sup>

Шўролар давридаги жиноий-процессуал қонунлар барча мажбурлов чораларини тизимли ифода этмас эди. Мажбурлов чоралари жиноят процессининг умумий қисмига оид, чунки улар жиноят процессининг барча

<sup>106</sup> Бахрах Д.Н. Административная ответственность.–М.: 1999. –Б.10-24.

<sup>107</sup> Тюрин В.А. О понятии мер пресечения в административном законодательстве // Государство и право. –2002. –№7. –Б.26-29

<sup>108</sup> Васильева Е.Г. Проблемы ограничения неприкосновенности личности в уголовном процессе. Дис.... канд. юрид. наук. –Уфа: БашГУ, 2002. –Б.34, 105-106.

<sup>109</sup> Ўша жойда. –Б.87 .

босқичларида қўлланиши мумкин бўлса-да, бу ҳақдаги нормалар РСФСР ва Украина ЖПКларида дастлабки тергов бўлимига киритилган. Мажбурлов чораларининг моҳияти, албатта, қонунда ифодаланиши шарт эканлиги ва қонун назарда тутмаган ҳеч бир мажбурлов чораси қўлланиши мумкин эмаслигини эътиборга олиб, ватанимиз мустақиллиги муносабати билан 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси бу соҳада қўлланиши мумкин бўлган барча мажбурлов чораларини «Тўртинчи бўлим. Процессуал мажбурлов» номи остида тизимлаштириди (213-274-моддалар). Уларга кўра, процессуал мажбурлов чораларини қўллаш асослари ва бу борадаги умумий қоидалар белгиланиб (26-боб), қуйидаги муайян мажбурлов чоралар тизими акс эттирилди:

- 1) Ушлаб туриш (27-боб);
- 2) Эҳтиёт чоралари (28-боб);
- 3) Лавозимдан четлаштириш (29-боб);
- 4) Мажбурий келтириш (30-боб);
- 5) Тиббий муассасага жойлаштириш (31-боб);
- 6) Процесс иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш ва судда процессуал мажбуриятлар ҳамда тартибни бузганлик учун жавобгарлик (32-боб).

Процессуал мажбурлов чораларини танлаш, ўзгартириш ёки бекор қилишга ваколатли мансабдор шахслар ва органлар доираси қонун билан қатъий тарзда белгиланганлиги шахсий дахлсизликни кафолатлашга қаратилган. Улар сирасига суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд киритилган.

Суриштирувчи, умуман қонунга кўра, юритувидаги жиноят иши бўйича ўз қарори билан эҳтиёт чорасини танлаш, ўзгартириш ва бекор қилиш ҳукуқига эга (ЖПКнинг 238 ва 240-моддалари). Суриштирувда тезкор-қидирав ҳаракатлари амалга оширилади ва бу ҳаракатлар натижасида олинган маълумотлар терговни йўналтириш учун хизмат қиласи. Тезкор-қидирав фаолияти натижалари ишга қўшиб қўйилмаса, далил бўлиб хизмат қиласа ҳам, улардан тергов версияларини илгари суришда, терговнинг йўналишини белгилашда ва уни режалаштиришда фойдаланиш мумкин.

Лекин, амалдаги ЖПКнинг 39-моддасида белгиланишича, суриштирув органлари фақат жиноят ишини қўзғатади ва зарур тергов ҳаракатларини амалга оширади, сўнгра ишни терговчига оширади. Илгариги ЖПК бўйича суриштирув чоғида эҳтиёт чорасини қўллаш мумкин эмас, деган фикр билдирилган эди. Бу тақиқ айбланувчининг қонуний манфаатларини кафолатлашга қаратилган. Бундан ташқари терговчилар одатда суриштирувчига нисбатан юқори малакада эканлиги эътиборга олинган. Бизнингча, ана шу сабабга кўра ЖПКнинг 39-моддаси суриштирувнинг вазифаларини белгилаб, «жиноят содир этишда гумон қилинганларни ушлаш»ни кўзда тутади-ю, уларга нисбатан эҳтиёт чоралари қўллаш лозимлигини таъкидламайди.

Шундай бўлиши мантиқан тўғри ва тушунарлидир. Хусусан, ҳукуқни жиддий чеклаш билан боғлиқ бўлган қамоқقا олиш эҳтиёт чорасини

танлашдаги хатолар процесснинг барча кейинги босқичларига салбий таъсир кўрсатиб, ишни айлов йўналишига буради. Суриштирув босқичида кўпинча ушбу чорани танлаш учун етарли далиллар бўлавермайди. Ишнинг барча томонлари ўрганилмай туриб, қамоқقا олиш чорасини қўллаш фуқароларнинг кейинги ҳаётларида тамға бўлиб, уларнинг фаолиятларига ўта салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Жиноят иши бўйича шахсни қамоқقا олиш уни оғир ёки ўта оғир жиноят содир этганликда айблаш, яъни айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилиш ҳақида қарор чиқарилишидан сўнг амалга оширилиши мумкин. Суриштирувчи эса бу хил қарорни чиқаришга ҳақли эмас. Бундай ҳолларда жиноят иши ЖПК 342-моддаси биринчи қисмининг 1 ва 2-бандларига биноан суриштирув юритиш муддати ўтишини кутмасдан терговчига ўтказилиши лозим. Бинобарин, суриштирув органи эҳтиёт чорасини бевосита ўзи, мустақил қўллаши, шахсни қамаш учун прокурорнинг рухсатини олиши мумкин эмас. Шунинг учун, ЖПКнинг 240-моддасида суриштирувчининг эҳтиёт чорасини танлашга ваколатли эмаслиги тўғрисида таъкидланиши мақсадга мувофиқ бўлар эди. Айни вақтда эҳтиёт чораларини суриштирув босқичида қўллаш, ўзгартириш ва бекор қилишга оид қоидаларни ЖПКнинг 213, 214, 216-219, 236, 238, 240, 244, 249, 252, 254-моддаларидан чиқариб ташлаш мақсадга мувофиқ.

Суриштирув органининг раҳбари суриштирувчининг ҳар қандай қарорини тасдиқлаш ваколатига эга (ЖПК 39-моддасининг бешинчи қисми). Лекин у ҳам муайян шахсни иш бўйича айбланувчи сифатида ишда иштирок этишга жалб этиш учун асослар аниқланган деб ҳисобласа, бу ҳақда ва эҳтиёт чорасини қўллашга оид қарор чикара олмайди. Агар суриштирувчи гумон қилинувчига нисбатан эҳтиёт чорасини қўллаш лозим деб ҳисобласа, лекин суриштирув органининг бошлиғи бунга розилик бермаса, шунингдек, аксинча, суриштирувчига унинг бошлиғи жиноят иши бўйича айбланувчига ёхуд гумон қилиниб ушланган шахсга нисбатан эҳтиёт чораси қўлланиши тўғрисида кўрсатма берса, жиноят иши дарҳол терговчига ўтказилиши лозим.

Эҳтиёт чорасини мустақил равишда танлашга, ўзгартириш ва бекор қилишга суриштирувчи ва суриштирув органининг раҳбари ҳам ваколатли эмас. Суриштирув органи раҳбарининг қарорлари суриштирувчи учун мажбурий ҳисобланади. Агар суриштирувчи ўз бошлигининг қарор ва кўрсатмаларига норози бўлса, прокурорга шикоят қилишга ҳақли. Прокурорнинг ёзма кўрсатмаси суриштирув органининг бошлиғи ва суриштирувчи учун мажбурийдир. Суриштирув органининг бошлиғи ва суриштирувчи иш бўйича назорат олиб бораётган прокурорнинг ёзма кўрсатмаларига норози бўлган ҳолда, уларни бажаришни тўхтатмай, бу ҳақда юқори турувчи прокурорга ёки 2008 йилнинг 1 январидан бошлаб судга шикоят қилишга ҳақли бўлади. Шундай қилиб, терговчи факат ўз юритувидағи, ваколатига оид жиноят ишлари бўйича эҳтиёт чораси қўллашга ҳақли. Масалан, МХХ терговчиларининг ваколат доирасига давлат хавфсизлик органларида хизмат ўтаётган аскарлар, сержантлар, старшина, прaporшиклар ва зобитларга нисбатан эҳтиёт чораларини қўллаш

киритилган.

Харбий прокуратура терговчилари ҳарбий хизматчиларга, ўкув ийғинларини ўтаётган ҳарбий мажбурларга, хизмат мажбуриятларини бажариш муносабати билан ёки қисм, қўшилма, ҳарбий муассаса жойлашган ерда жиноят содир этган қуроли кучларнинг ишчи ва хизматчиларига нисбатан эҳтиёт чорасини танлашга ҳақли. Бундан ташқари, улар ҳарбий хизматчилар билан иштирокчиликда жиноят содир этган фуқаро шахсларга нисбатан, шунингдек, армияда хизмат қилиш даврида жиноят содир этган, лекин тергов қилиш пайтида заҳираға ёки истеъфога бўшатилган фуқароларга нисбатан эҳтиёт чораларини қўллашга ҳақлидир. Фавқулодда ҳолатлар туфайли барча жиноятларни тергов қилиш ҳарбий прокуратурага юкланган жойларда, шунингдек уруш даврида ҳарбий ҳолатда деб эълон қилинган жойларда ҳарбий прокуратура терговчилари томонидан ҳар қандай турдаги оғир жиноятларни содир этишда айблаш ишлари бўйича фуқаро шахсларга нисбатан эҳтиёт чораларини қўллашга йўл қўйилади. Аскар жиноят содир этганда (дизертирликдан ташқари) эҳтиёт чораси сифатида қамоқقا олиш танланган бўлса, қўмондонликнинг розилиги талаб этилади. Бошқа эҳтиёт чораларини ҳарбий терговчи бундай розиликсиз қўллай олади.

Терговчи ва прокурорнинг эҳтиёт чорасини танлаш, ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисидаги қарори бутун мамлакат ҳудудида амал қиласди, хусусан, у ўз қарорининг бажарилишини бошқа туман(шаҳар)даги тергов ёки суриштирув органига топширишга ҳақлидир.

Ҳар сафар шахсни жиноят ишида гумон қилинувчи ёки айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш тўғрисида, шунингдек айбловни ўзгартириш, тўлдириш тўғрисида қарор қабул қилинганда унга нисбатан эҳтиёт чорасини танлаш терговчининг ҳуқуқлари доираси киритилган (ЖПК 36-моддасининг биринчи қисми).

Ҳозирги вақтда тергов органларининг барчасини бир ташкилотга бирлаштириб, ягона тергов аппарати ташкил этиш тўғрисида амалиётчилар ва олимлар ўртасида турли мунозаралар мавжуд. Масалан, О.А.Картохина ягона тергов аппаратини судлар ҳузурида ташкил этиш эҳтиёт чоралари ва бошқа процессуал мажбурлов чораларини қўллашда терговчининг ваколатлари янада оширилишига, шахснинг қонуний ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимояси тўлароқ кафолатланишига олиб келади,<sup>110</sup> деб ҳисоблайди. Бизнингча, бу нотўғри фикр, чунки суд эҳтиёт чоралари устидан назорат қилиши учун тергов органини ўз таркибига олиши шарт эмас, суднинг бошқа вазифалари ҳам етарли.

Тергов бўлимининг бошлиғи эҳтиёт чорасини танлаш, ўзгартириш ва бекор қилиш тўғрисида терговчи учун мажбурий бўлган кўрсатмалар беришга ҳақли. Лекин терговчи тергов бўлими бошлигининг айбланувчини қамоқقا олиш тўғрисидаги кўрсатмасини бажармаслик ва ўз эътиrozларини прокурорга тақдим этиш ҳуқуқига эга. Бунда прокурор ушбу кўрсатмаларни

<sup>110</sup> Қаранг: Картохина О. А. Начало и прекращение уголовного преследования следователями органов внутренних дел: Дисс... . канд. юрид. наук. –СПб.: 2003. –Б.54.

бекор қилиши ёки ишни бошқа терговчига топшириш тўғрисида фармойиш бериши мумкин. Тергов бўлимининг бошлиғи ишни ўз юритувига олиб, шахсан ўзи прокурорнинг розилиги билан айбланувчини қамоққа олиши ҳам мумкин.

Прокурор амалдаги қонунга асосан қамоққа олиш эҳтиёт чорасига рухсат берувчи ягона мансабдор шахсадир. Қонунда эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олишга рухсат бериш ҳуқуқига эга бўлган прокурорларнинг қатъий рўйхати берилган (ЖПК 243-моддасининг иккинчи қисми). Масалан, туман ва шаҳар прокурорларининг ўринbosарлари фақат буйруқ билан вақтинча прокурорлик вазифасини бажараётган бўлсалар, қамоққа олиш учун рухсат беришга ҳақли. Ишни бевосита ўзи олиб бораётган прокурор эҳтиёт чорасини танлаш пайтида терговчининг ҳуқуқларидан фойдаланади. Бунда қамоққа олиш учун рухсат бериш ҳуқуқига эга бўлган прокурорнинг қамоққа олиш тўғрисидаги қарорига юқори прокурор томонидан розилик берилиши шарт эмас.

Терговчининг прокурордан розилик олиб кўлланган эҳтиёт чорасини ўз хоҳишича бекор қилиш ёки ўзгартириш ҳуқуки тўғрисидаги масала баҳслидир. Адабиётларда 35 йил муқаддам баён этилган нуқтаи назарга мувофиқ терговчининг ўзи танлаган эҳтиёт чорасини бекор қилиши ва ўзгартиришига прокурорнинг рози бўлиши шарт бўлмай, фақат ушбу чора прокурорнинг кўрсатмаси билан танлангандагина унинг розилиги талаб қилинар эди.<sup>111</sup> Эҳтиёт чорасини танлаш, ўзгартириш ва уни бекор қилиш ҳамда жиноят ишлари судда кўрилишида прокурорнинг процессуал фаолияти хусусидаги масалаларга А.Дж.Давлетов ва Б.Х.Пўлатовларнинг асарларида, Н.Н.Норпўлатовнинг илмий тадқиқотларида тўхтаб ўтилиб, уларга холисона баҳо берилган.<sup>112</sup>

Суд процессуал мажбурлов чораларини жиноят ишини тайинлаш пайтидан бошлаб, ишни мазмунан суд мажлисида кўриш, иккинчи инстанция судларида апелляция, кассация, назорат тартибида протест ва шикоятларни ҳал этиш босқичларигача бўлган даврда қўллаши, ўзгартириши, бекор қилиши мумкин.

Процессуал мажбурлов чораларини асосли радиша қўлланишини таъминлаш жиҳатидан уларни қўлловчи субъектлар бир-биридан устунликка эга. Суриштирувчи процессуал мажбурлов чораларини қўллашда кўпроқ хатога йўл қўйиши эҳтимол. Сабаби, жиноят ишини юритишнинг дастлабки босқичларида қилмиш ва уни содир этган шахс тўғрисида ахборот танқислиги сезилиб туради ва бу ҳол мажбурлов чорасини танлаш ва қўллашда ўз таъсирини кўрсатмай қўймайди. Суриштирув органи шахсни айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилиш ҳақида қарор

<sup>111</sup> Строгович М.С. Курс уголовного процесса. Т.1. –М.: Наука, 1970. –Б.282; Гуткин И.М. Меры пресечения в уголовном процессе. –М.: Наука, 1989. –Б.40.

<sup>112</sup> Давлетов А.Дж. Прокурорский надзор. Учебник. –Нукус: Билим, 1999. – 320 б; Пўлатов Б.Х. Судларда жиноят ишлари кўрилишида прокурорнинг процессуал фаолияти. –Т.: 2004. – 311 б.; Норпўлатов Н.Н. Суд муҳокамасига тайёргарлик қилиш, амалий ва назарий муаммолар: Юрид. фан. номзоди.... диссертацияси. – Т.:2000. –151 б.

чиқаришга ва унга нисбатан эҳтиёт чорасини қўллашга ваколатли эмас. Суриширув органи агар шахсни ушласа ва уни айбланувчи ёхуд гумон қилинган шахс сифатида қамоққа олишни лозим деб топса, ЖПКнинг 342-моддасига мувофиқ ишни ўзидан соқит қилиши лозим.

Терговчилар эҳтиёт чораларини қўллашда бирмунча афзалликларга эга. Прокурор, ушбу масалани ҳал этишда қонунга қўра янада масъулиятли, суд эса мажбурлов чораларини қўллашга тўла ваколатли эканлигини таъкидлаш лозим. Суд идоравий манфаатлар, тарафларнинг истакларидан ҳоли, жиноий таъқиб ва ҳимоялаш нуқтаи назаридан беғараз, холис, мустақил, жиноятларни фош этиш учун масъул бўлмаган маҳкама экани боис, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини чеклаш ваколатига эга бўлган ягона давлат ҳокимиёт органидир. Конституциямизнинг 19-моддасида алоҳида таъкидлаб ўтилганидек, «Фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир, улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас». Бу муқаддас қоида ҳалқаро ҳуқуқда тан олинган ва дунёдаги турли ҳуқуқ тизимларида янада ривожлантирилган. Жумладан, англо-америка ҳуқуқ тизимиға мувофиқ, полиция бирор шахсни қамаш, ҳатто тинтуб ўтказиш, телефон орқали сўзлашувларини эшитиб туриш каби мажбурлов характерига эга бўлган ҳуқуқни чекловчи чоралардан фойдаланиш учун бевосита судьяга мурожаат қилиши лозим. Континентал (қитъавий) ҳуқуқ тизими (Германия, Франция, Италия, Австрия, Швейцария ва бошқалар) бўйича полиция бу хил чоралар кўриш учун судга фақат прокурор орқали мурожаат эта олади ёхуд прокурордан розилик олади. Прокурорнинг рухсати устидан суд назорати белгиланган, бундай рухсат устидан норозилик билан судга мурожаат этиш мумкин. Инсон ҳукуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш тўғрисида Европа конвенциясида ана шу қоида назарда тутилган (6-модда).

Конституциямизнинг 44-моддаси у қоидани амалга ошириш учун асосдир. Унга қўра: «Ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади». Дастробки тергов ва прокурор фаолияти устидан суд назорати ҳуқуқий давлатнинг зарурий белгиси эканини уқтириб, жиноят-процессуал ҳуқуқининг атоқли намоёндаларидан бири И.Л.Петрухин «Судьялар Давлати, Одил судлов Давлати» шаклланишига даъват этади. Мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳоти ҳам пировардда ана шу йўналишдан бориши айни муддаодир.

### **5.3. Жиноят процессида ушлаб туриш тушунчаси ва уни қўллашнинг процессуал тартиби**

Халқаро ҳуқуқда ушлаб туришнинг умумий тушунчалари белгиланган бўлиб, унга қўра ушлаб туриш шахсни содир қилган ҳуқуқбузарлиги учун ҳукм этиш билан боғлиқ бўлмаган ҳолда эркинлигини чеклашдир.

Ушлаб туриш жиноят процессуал мажбурлов чораси бўлиб, у шахсга нисбатан бўлган чеклашлар хусусиятига, ўз мақсад ва вазифаларига кўра қамоқقا олиш тарзидаги эҳтиёт чорасига яқинлашади.

Эҳтиёт чораларидан фарқли ўлароқ ушлаб туриш жиноий фаолиятга чек кўйиш, хуқуқбузар қилмишининг олдини олиш, башарти унинг шахси номаълум бўлса, уни аниқлаш, процессуал ҳаракатларда унинг иштирокини таъминлаш, далилларни йўқ қилиш, қалбакилаштириш, гувоҳларни кўндириш ва бошқа ноқонуний хатти-ҳаракатлар орқали ҳақиқатни аниқлашга тўсқинлик қилишнинг олдини олиш мақсадида ўтказилади. Бундан ташқари, ушлаб туриш тайёрланаётган жиноятнинг олдини олиш мақсадини ҳам кўзлаши мумкин. Ушлаб туриш, авваламбор, ўзининг қисқа муддатлилиги билан эҳтиёт чораларидан фарқ қиласи. ЖПКнинг 226-моддасига биноан у етмиш икки соатдан ортиқ давом этиши мумкин эмас. Эҳтиёт чоралари эса бутун дастлабки тергов давомида сақлаб қолиниши мумкин (ЖПКнинг 245-моддасига биноан бир йил). Эҳтиёт чоралари, одатда, жиноят иши қўзғатилганидан кейин ва айбланувчиларга нисбатан танланади, ушлаб туриш эса жиноят иши қўзғатилгунга қадар ҳам қўлланилади (ЖПКнинг 329-моддаси 2-қ.) ва кўпинча ушлаб туришдан кейин шахсни айбланувчи сифатида жалб қилиш, эҳтиёт чорасини танлаш ёки шахсни озод этиш тўғрисидаги масалани ҳал қилишга тўғри келади. БМТ Бош Ассамблеяси тасдиқлаган «Ушлаб турилган ёки ҳар қандай шаклда қамоқقا олинган барча шахсларни ҳимоя қилиш принциплари»га биноан «ушлаб турилган шахсларга нисбатан уларнинг судланмаган шахсларнинг мақомига мос бўлган тартибот қўлланилади. Шу билан боғлиқ ҳолда улар ҳамма вақт, башарти бу мумкин бўлса, қамоқда сақланаётган шахслардан алоҳида жойлаштириладилар».

Шундай қилиб, ушлаб туришни жиноят содир этганлиқда гумон қилинаётган шахсни унинг жиноий фаолиятига чек кўйиш, унинг қочиши, далилларни яшириши ёки йўқ қилиб юборишининг олдини олиш мақсадида қисқа муддатга озодликдан маҳрум этишдан иборат бўлган процессуал мажбурлов чораси сифатида белгилаш мумкин (ЖПКнинг 220-моддаси 1-қ.). Жиноят процессида ушлаб туриш эҳтиёт чораларидан бирини танлашдан олдин қўлланиладиган ўзига хос чора ҳисобланади. Шунинг учун ушлаб туриш мақсадлари (ЖПКнинг 220-моддаси) ва эҳтиёт чораларининг мақсадлари (ЖПКнинг 236-моддаси 1-қ.) асосан бир-бирига тўғри келади. Ҳукм ижросини таъминлашга келсак, бу мақсад факат эҳтиёт чораларига тааллуқлидир.

Айни вақтда қонун мазкур мажбурлов чорасини амалга оширишнинг қонунийлиги ва асослилигининг бир қанча кафолатларини белгилайди, уни қўллаш шартлари, асослари, сабаблари ва муддатларини тартибга солади.

Конституциянинг 25-моддаси 2-қисмига ҳамда ЖПКнинг 18-моддаси 2-қисмига мувофиқ ҳеч ким суд қарорига асосланмасдан ёки прокурор санкциясиз ҳибсга олиниши ёки қамоқда сақланиши мумкин эмас.

Ушлаб туришни юритиши қоидалари ЖПКнинг 27-бобида мустаҳкамлаб кўйилган.

Шахс эркинлиги шу билан кафолатланадики, жиноят содир этганликда гумон қилинаётган фуқаро қонунда белгиланган асослар бўлганидагина ушлаб турилиши мумкин (ЖПКнинг 221-моддаси). Ушлаб туриш асослари деганда шахсни жиноят содир этганликда гумон қилишга имкон берадиган ҳақиқий маълумотлар тушунилади.

Чунончи:

- 1) у жиноят устида ёки бевосита унинг содир этилганидан кейин қўлга тушган бўлса. Ушлаб туриш ўта оғир жиноят содир этишга тайёргарлик кўрганлик учун ҳам, яъни шахснинг қасдан жиноят содир этилиши ёки яшириниши учун шарт-шароитлар яратадиган қилмиши учун, башарти у содир этаётган хатти-ҳаракатлари устидан кузатувнинг ўзи ёки бошқа хатти-ҳаракатлари билан биргаликда жиноят охиригача етказилади деб ҳисоблашга асос берса ва жиноят содир этишга қасд қилганлик учун мумкин. Чунки бу қасдан жиноят содир этишнинг бошланишидир. Жиноят содир этиб бўлинганидан кейин ушлаб туришга жавобгарликка тортишнинг даъво муддати доирасида йўл қўйилади;
- 2) жиноят шоҳидлари, шу жумладан жабрланувчилар мазкур шахсни жиноят содир этган шахс тариқасида тўғридан-тўғри кўрсатсалар;
- 3) унинг ўзида ёки кийимида, ёнида ёки уйида содир этилган жиноятнинг яққол излари, яъни яққол кўзга ташланадиган ҳамда экспертиза ўтказилишини талаб этмайдиган излар топилса;
- 4) шахсни жиноят содир этишда гумон қилиш учун асос бўладиган маълумотлар мавжуд бўлиб, у қочмоқчи бўлса ёки доимий яшайдиган жойи бўлмаса ёхуд шахси аниқланмаган бўлса.

Ушлаб туриш асосларига қўшимча тарзда гумон қилинувчи дастлабки тергов ва суддан бўйин товлаб, жиноий фаолиятини давом эттирганлиги, ҳақиқатни аниқлашга тўсқинлик қилганлиги ҳақидаги маълумотларга эга бўлиш керак (ЖПКнинг 236-моддаси). Бунда ЖПКнинг 238-моддасида кўрсатилган ҳолатлар ҳисобга олинади. Агар шахс ЖПКнинг 221-моддасида назарда тутилган асосларга кўра жиноят содир этганликда гумон қилиш бўйича ушлаб турилган бўлса, у ҳолда ЖПКнинг 359-моддасига мувофиқ у жиноят ишида гумон қилинувчи сифатида иштирок этишга жалб қилиниб, унинг хуқуқларидан бири у нимада гумон қилинаётганини билиш, унга уни гумон қилинувчи деб эътироф этиш қарори эълон қилинган пайтдан ёки ушлаб турилган пайтдан ҳимоячига эга бўлиш, яъни қонун шахснинг дахлсизлиги хуқуқий принципига риоя этилишини кафолатлади. Унга кўра ҳеч ким ихтиёрий равишда қамоққа олиниши ёки ушлаб турилиши мумкин эмас.

Инсонпарварлик принципидан келиб чиқиб (ЖПКнинг 7-моддаси), жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа хуқуқий таъсир чораси қўлланилиши керак, шунингдек одиллик принципидан (ЖПКнинг 8-моддаси) келиб чиқадиган бўлсак, жиноят содир этишда айбор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа хуқуқий таъсир чораси одилона бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига,

айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши керак. Бундан қуйидаги принцип келиб чиқади: жазо жиноятдан оғирроқ бўлиши мумкин эмас. Шу билан бирга шахс ҳар қандай жиноят содир этган тақдирда, шу жумладан Жиноят кодексида бундай жиноят учун озодликдан маҳрум этишга қараганда енгилроқ жазолар белгиланган бўлса, ушлаб турилиши (озодликдан маҳрум этилиши) мумкин.

Жиноий жавобгарлик ёшига тўлган, жиноят содир этганликда гумон қилинаётган ҳар қандай шахс умумий қоидага кўра ушлаб турилиши лозим бўлган субъект бўлиши мумкин. Хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар республикамиз фуқаролари сингари ўша асослар ва ўша тартибда ушлаб турилиши мумкин. Иммунитетга эга бўлган шахсларга нисбатан ушлаб туриш Ўзбекистон Республикаси иштирок этадиган ҳалқаро шартномалар ва битимларга зид келмайдиган ҳолларда қўлланилади (ЖПКнинг 4-моддаси).

ЖПКнинг 223-моддасига мувофиқ депутатлар, судьялар ва прокурорлар ушлаб туриш чоғида иммунитет хуқуқидан фойдаланувчи шахслар ҳисобланиб, улар ушлаб турилиши ҳамда милицияга ёки хуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органга олиб келиниши мумкин эмас, ЖПКнинг 221-моддаси 1-бандida назарда тутилган ушлаб туриш бундан мустасно.

ЖПКнинг 220-моддасига мувофиқ ушлаб туришнинг икки турини фарқлаш керак:

- 1) жиноят иши қўзғатилгунга қадар (ЖПКнинг 224-моддаси);
- 2) жиноят иши қўзғатилганидан кейин (ЖПКнинг 227-моддаси).

Жиноят иши қўзғатилганидан кейин ушлаб туриш фақат суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг қарори ёки суднинг ажримиға биноан бўлиши мумкин. Жиноят иши қўзғатилгунга қадар ушлаб туришни амалга ошириш учун қонун хуқуқни муҳофаза қилиш органининг ходими томонидан ушлаб туриш баённомасини тузишни назарда тутади (ЖПКнинг 225-моддаси). Ушлаб туришнинг икки тури мавжудлиги шунга асосланганки, айrim ҳолларда ушлаб туриш учун асос кутилмаганда пайдо бўлади ва ушлаб туришга суриштирув органи раҳбари, терговчи, прокурор ва суднинг розилигини олиш имконияти бўлмайди, бошқа ҳолларда эса гумон қилинувчини ушлаб туриш зарурати қўзғатилган жиноят иши бўйича тергов ҳаракатларини ўтказиш жараёнида вужудга келади.

Ўзбекистон Республикаси жиноят-процессуал қонун ҳужжатларига биноан жиноят иши қўзғатилгунга қадар ушлаб туриш қуйидаги босқичлардан иборат бўлади:

- 1) шахсни амалда ушлаш ва келтириш;
- 2) ушлаб туриш (зарурат бўлган тақдирда шахсий тинтуб ва олиб қўйиш) баённомасини тузиш;
- 3) ушлаб туриш асослилигини текшириш;
- 4) жиноят ишини қўзғатиш (қўзғатишни рад этиш) ва ушлаб турилган шахсни қамоққа олиш (қамоқдан озод этиш);
- 5) ушлаб турилган шахсни сўроқ қилиш.

ЖПКнинг 224-моддаси жиноят иши қўзғатилгунга қадар ушлаб туриш тартибини белгилайди.

Милиция ходими, бошқа ваколатли шахс ёки фуқаро бевосита кўриб ёки бошқа шоҳидларнинг кўрсатувлари бўйича ЖПКнинг 221-моддасида кўрсатилган ушлаб туриш асосларидан бири мавжудлигини аниqlасалар, гумон қилинувчига жиноят содир этгани учун ушланганлигини билдиришлари ва яқин орадаги милиция муассасасига ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органга бирга боришини талаб қилишлари шарт. Бундай ҳолларда ушлаётган шахс ўзини танишириши ва ушланганнинг талабига кўра шахсини тасдиқловчи ҳужжатни кўрсатиши шарт. Ушланаётган шахсда қурол борлиги ёки у жиноят содир этганлигини фош қилувчи далиллардан қутулиш ниятида эканлигини тахмин қилишга етарли асослар мавжуд бўлса, ушлаётган ваколатли шахс уни шахсий тинтуб қилишга ва олиб қўйиш ўтказишга ҳақлидир.

Шахсий тинтуб ёки олиб қўйиш ўтказиш тўғрисидаги баённома ушланган шахс милиция муассасасига ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органга келтирилганидан сўнг холислар ҳузурида тузилиши мумкин. Бунда ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаб туриш чоғида заар етказишга йўл қўйиш мумкин эмас (ЖКнинг 39-моддаси). Аммо ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ҳокимият органларига топшириш мақсадида ушлаб туриш вақтида унга заар етказиш, агар уни ушлаб туриш учун зарур бўлган чораларнинг чегарасидан четга чиқилмаган бўлса, жиноят деб ҳисобланмайди. Ушлаб туриш воситалари ва усулларига, қилмишнинг ҳамда уни содир этган шахснинг хавфлилик даражасига, шунингдек ушлаб туриш шароитига бутунлай мос келмайдиган, ушлаб туриш зарурати тақозо этмаган ҳолда ушланаётган шахсга қасдан заар етказиш ушлаб туриш чоралари чегарасидан четга чиқиш деб топилади. Ижтимоий хавфли қилмишни содир этган шахсни ушлаб туриш вақтида унга етказилган заарнинг қонунийлигини баҳолашда, қилмишни содир этган шахснинг ушлаб туришдан қочиш мақсадида қилган ҳаракатлари, ушлаётганнинг кучи ва имкониятлари, руҳий ҳолати ва ушлаб туриш билан боғлиқ бўлган бошқа ҳолатлар ҳисобга олинади. Ваколатли шахслар ва фуқаролар қонунга хилоф ёки асоссиз ушлаб турганлик ёхуд ушлаш вақтида ваколатлари доирасидан четга чиққанлик учун қонунда белгиланган жавобгарликка ЖКнинг 138-моддасига мувофиқ тортиладилар (ЖПКнинг 224-моддаси).

ЖПКнинг 225-моддасига мувофиқ ушлаб туриш баённомаси гумон қилинувчи ҳуқуқни муҳофаза қилиш органига келтирилганидан сўнг келгусида жиноят иши қўзғатилиши-қўзғатилмаслигидан қатъи назар дарҳол тузилади.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органининг навбатчиси ёки бошқа ходими бошлиқнинг кўрсатмасига биноан дарҳол ушлаб туриш баённомасини тузиши ва унда қўйидагиларни акс эттириши лозим: кимнинг, ким томонидан, қачон, қандай ҳолатда, қонунда кўрсатилган қандай асосларга кўра ушлангани; ушланган шахс қандай жиноятни содир этганликда гумон қилинаётгани; милиция бўлимига ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органга у

қачон олиб келингани. Баённомани ушлаб туришнинг асослилигини текшириш топширилган милиция ходими ёки хуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа орган ходими, ушлаб келтирган ваколатли шахс ёки фуқаро, ушланган шахс ва холислар имзо чекиб тасдиқлайдилар (ЖПКнинг 225-моддаси 1-қ.).

Ушлаб туришнинг асосли эканлигини текшириш, ҳужжатларни талаб қилиш ва кўздан кечириш ушланган шахс милиция муассасаси ёки хуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органга келтирилган пайтдан бошлаб йигирма тўрт соатдан кечиктирмай ўтказилиши лозим.

Бундай текширув ушлаб туриш баённомасини ўрганишдан (зарурат бўлган тақдирда - шахсий тинтуб ва олиб қўйишдан), шунингдек экспертиза ўтказишдан ва ҳодиса рўй берган жойни кўздан кечиришдан иборат бўлади. ЖПКнинг 225-моддаси 2,4-қисмларига, 48-моддасига, 110-моддасига мувофиқ гумон қилинувчи жиноят иши қўзғатилгунга қадар йигирма тўрт соат ичиди, дарҳол ёки ушлаб турилгандан кейин йигирма тўрт соатдан кечиктирмасдан сўроқ қилиниши керак. Ушлаб туришга асос бўлмаган тақдирда милиция бўлинмасининг бошлиги ёки бошқа ваколатли шахс ушланганни озод қилиш тўғрисида қарор чиқаради. Қарорнинг нусхаси дарҳол прокурорга юборилади (ЖПКнинг 225-м 3-қ.). ЖПКнинг 360-моддасига биноан бирор жиноятни содир этишда гумон қилинаётган шахс иш қўзғатилгунга қадар ушланган бўлса ва ЖПКнинг 225-моддасида назарда тутилган текшириш ушлаб туришнинг асосли эканлигини тасдиқлаган бўлса, терговчи шахсни ушлаб туриш, иш қўзғатиш ва ишда гумон қилинувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш ҳақида тўхтамларга келиб, уларни битта қарорда баён қиласди.

Қарорда ушлаб турилган шахс қайси жиноятни содир этишда гумон қилинаётганлиги, Жиноят кодексининг қайси моддасида бу жиноят назарда тутилгани, ушлаб туришнинг сабаб ва асослари, шунингдек шахсни ушлаб туриш, агар жиноят иши илгари қўзғатилмаган бўлса, жиноят ишини қўзғатиш ва уни ишда гумон қилинувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш ҳақидаги қарор кўрсатилиши керак.

Қарор гумон қилинувчига у биринчи марта сўроқ қилингунига қадар эълон қилинади. Айни вақтда унга ЖПКнинг 48-моддасида назарда тутилган гумон қилинувчининг хуқуқлари ва мажбуриятлари тушунтирилади.

Қарор билан таништирилгани ва хуқуқлари тушунтирилгани қарорда қайд этилиб, у ваколатли шахс ва ушланган шахс томонидан имзоланиб, тасдиқланади (ЖПКнинг 225-моддаси 4-қ.). Фуқаро гумон қилинувчи деб эътироф этилганлиги тўғрисидаги қарор эълон қилинган пайтдан ёки уни ушлаб туриш пайтидан бошлаб ҳимоячининг ишда иштирок этишига (ЖПКнинг 49-моддаси 3-қ.), бироқ гумон қилинувчини биринчи марта сўроқ қилишдан олдин (ЖПКнинг 111-моддаси 2-қ. 2-б.) рухсат этилади.

ЖПКнинг 226-моддаси ушлаб туриш муддатларини белгилайди. Ушлаб туриш ушланганни милицияяга ёки хуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органга келтирилган вақтдан бошлаб етмиш икки соатдан ортиқ давом этиши мумкин эмас, лекин ЖПКнинг 315-моддасига мувофиқ ушлаб туришда муддат ушбу процессуал мажбурлов чораси амалда қўлланилган пайтдан бошлаб

хисобланади. Ушлаб туриш муддати тугагунга қадар ва асослар мавжуд бўлганида шахс айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилиниши, унга айб эълон қилиниши, ЖПКнинг 109-112-моддаларидаги қоидалар бўйича сўроқ қилиниши ва ЖПКнинг 236-240-моддалари қоидаларига амал қилган ҳолда эҳтиёт чорасини танлаш ҳақидаги масала ҳал қилиниши зарур. Алоҳида ҳолларда гумон қилинувчига нисбатан прокурорнинг рухсати билан қамоқда сақлаш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилиши мумкин. Бу ҳолда гумон қилинувчига у ушланган кундан бошлаб ўн кун ичida айб эълон қилиниши лозим. Акс ҳолда эҳтиёт чораси бекор қилиниб, шахс қамоқдан озод қилинади.

Кўзғатилган жиноят иши бўйича ушлаб туриш ЖПКнинг 227-моддаси билан тартибга солинади. Ушлаб туриш, гумон қилинувчи сифатида ишда иштирок этишга жалб қилиш ҳақидаги суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг қарори ёки суднинг ажрими асосида милиция ёки хуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа орган ходими ушланган шахсни ЖПКнинг 224-моддаси қоидаларига риоя этган ҳолда энг яқин милиция муассасасига ёки хуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органга дарҳол олиб бориши шарт. Шахс ушлангани тўғрисида қарор ёки ажрим чиқарган ваколатли шахс ёки суд дарҳол хабардор қилиниши лозим. Қидирилаётган айбланувчи ушланганда, агар унга нисбатан қамоқда сақлаш тариқасида эҳтиёт чорасини қўллаш ҳақида қарор бўлмаса, шахс ушлаб турилган туман (шаҳар) прокурори ушлаб турилганни тергов ўтказиладиган жойга олиб бориб топшириш учун зарур бўлган, лекин ўн суткадан ортиқ бўлмаган муддатга ушлаб туриш ҳақида қарор чиқаради. Прокурор қарор чиқариш олдидан ушлаб турилган шахсни сўроқ қилиши шарт.

Суриштирувчининг ушлаб туриш тўғрисидаги қарори суриштирув органининг бошлиғи томонидан тасдиқланиши керак (ЖПКнинг 39-моддаси 5-к.). Ушлаб турилган шахсни бундан буён ушлаб туриш учун асослар йўқлиги аниқланиши биланоқ суриштирувчи ва терговчи уни дарҳол озод қилишлари шарт. Ушлаб турилган шахсни озод қилиш суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг қарорига ёхуд суднинг ажримиға биноан ушлаб турилганлар сақланадиган жойнинг бошлиғи томонидан амалга оширилади (ЖПКнинг 234-моддаси). Ушлаб турилганлар сақланадиган жой маъмурияти ушлаб туриш муддати тугашига ўн икки соат қолганда бу ҳақда тегишинча тергов органининг бошлиғини ёки прокурорни ёзма равишда хабардор қилиши шарт (ЖПКнинг 216-моддаси 2-к.). Прокурорнинг, терговчининг ёки суриштирувчининг ушлаб турилган шахсни озод қилиш ҳақидаги ёхуд унга нисбатан қамоқقا олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ҳақидаги қарори қонунда белгиланган ушлаб туриш муддати ичida ушлаб турилганлар сақланадиган жойга келиб тушмаса, ушлаб турилганлар сақланадиган жойнинг бошлиғи бу шахсни озод қиласди ва унинг озод қилинганлиги тўғрисида прокурорга, терговчига ёки суриштирувчига билдириш хати юборади (ЖПКнинг 234-моддаси 4-к.). Ушлаб туриш учун муддатларни хисоблаш тартиби ЖПКнинг 315-моддасида белгиланган.

Бундан ташқари, ушлаб турилганинг манфаатларини кўзлаб ЖПКнинг 217-моддаси ваколатли шахсларнинг зиммасига йигирма тўрт соатдан кечиктирмасдан ушлаб туриш ҳақида ушлаб турилганинг оила аъзоларидан бирига, қариндошларига ёки яқин кишиларига хабар бериш, шунингдек бу ҳақда иш ёки ўқиш жойига (агар шахс бошқа давлатнинг фуқароси бўлса, хабарнома Ташқи ишлар вазирлигига юборилиши керак) маълум қилиш мажбуриятини юклайди.

Шахсга қонунсиз ушлаб туриш туфайли етказилган зиён, башарти кейинчалик унга нисбатан оқлов ҳукми чиқарилган бўлса ёки ЖПКнинг 83-моддасида назарда тутилган асосларга кўра иш тугатилган бўлса, тўлик ҳажмда қопланади (ЖПКнинг 235-моддаси).

#### **5.4. Эҳтиёт чоралари тушунчаси ва унинг турлари. Жиноят процессида эҳтиёт чораларини қўллаш асослари ва тартиби. Эҳтиёт чоралари тўғрисидаги қонунларни такомиллаштириш муаммолари**

ЖПКнинг 237-моддасида эҳтиёт чораларининг турлари санаб ўтилган. Уларга қуйидагилар киради: муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисидаги тилхат; шахсий кафиллик; жамоат бирлашмаси ёки жамоанинг кафиллиги; гаров; қамоқда сақлаш; вояга етмаганларни кузатув остига олиш учун топшириш; ҳарбий хизматчининг хулқ-атвори устидан кўмондонлик кузатуви. Қонун талабларига кўра, шахсга ана шу эҳтиёт чораларининг фақат бири қўлланиши мумкин.

Умумий қоидага биноан ЖПК эҳтиёт чораларини жиноят содир этишда айбланаётган шахсларга нисбатан қўллашни назарда тутади. Айрим ҳолларда қамоқда сақлаш тарзидаги эҳтиёт чораси жиноят содир этишда гумон қилинган шахсга нисбатан ҳам унга айб эълон қилингунга қадар қўлланилиши мумкин (226-модданинг учинчи қисми).

Эҳтиёт чоралари жиддийлик даражасига кўра бир-биридан фарқланади: энг оғир чора қамоқقا олиш бўлса, энг енгили - муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисида тилхатдан иборат.

Эҳтиёт чоралари – айбланувчига ёки судланувчига мажбурий таъсир кўрсатиш чоралари ҳисобланиб, ЖПКнинг 236-моддасига биноан, ўз олдига: 1)дастлабки терговдан ва суддан бўйин товлаш; 2)келгусида содир этиши эҳтимол бўлган жиноий фаолиятининг олдини олиш; 3)иш бўйича ҳақиқатни аниқлашга ҳалал берадиган уринишларига йўл қўймаслик; 4)хукмнинг ижро этилишини таъминлаш мақсадларини кўяди.

Эҳтиёт чораларини қўллаш мақсади ва асослари бир-биридан жиддий фарқ қиласи. Юқоридаги мақсадлар реал юз бериши, шаклланиши ҳақида муайян маълумотлар бўлиши лозим, албатта. Кўрсатиб ўтилган мақсадларнинг ўзи эмас, уларни исботланганлиги эҳтиёт чорасини танлашга асос бўла олади. Шахснинг дастлабки тергов ва суддан яшириниши, хукм ижросига тўсқинлик қилиши, иш бўйича ҳақиқатни аниқлашга ҳалақит

бериши, жиной фаолиятни давом эттириши мумкинлигини исботлаш лозим. Эҳтиёт чорасини танлаш учун у қўлланиши лозим бўлган шахснинг юқорида санаб ўтилган ноқонуний ҳаракатларидан лоақал биттасини содир этиш эҳтимолини исботлаш кифоя қиласди. Бундай ҳолда исботлаш прогнозга, яъни бўлгуси воқеликларга қаратилган бўлади. «Айбланувчи ўзини қандай тутиши, иш бўйича ҳақиқатни аниқлашга тўсқинлик қилиш ёки қилмаслиги – бу борадаги исботлашнинг энг аҳамиятли, биринчи томонидир. Исботлашнинг иккинчи томони – ундаги хulosаларнинг эҳтимолий, тахминий эканлигига, учинчи томони эса, жиноят иши бўйича умумий исботлаш предметидан ташқари, мустақил, автоном исботланадиган ҳолат эканлигидир».<sup>113</sup>

Амалиётдан шу нарса маълумки, айбланувчининг суддан, дастлабки терговдан яширинмоқчи, ҳақиқатни қарор топишига тўсқинлик қилмоқчи, жиной фаолиятни давом эттирмоқчи эканлигини ҳатто эҳтимолий жиҳатдан ҳам исботлаш жуда мушкул, баъзи ҳолларда бунинг умуман иложи йўқ. Айбланувчининг ўзини қандай тутиши мумкинлиги тўғрисидаги тахмин у содир этган жиноятининг оғирлиги ва унга нисбатан чиқариладиган хукмнинг жиддийлигига муносаб бўлади.

Эҳтиёт чорасини қўллаш зарур эканлиги жиноят ишида кўрсатилган, акс эттирилган ва далиллар билан исботланган бўлиши лозим. Фақат шу ҳолдагина эҳтиёт чораси танланиши асослилиги ва қонунийлигини прокурор ишни текшираётганда ва бу иш судда кўрилаётганда назорат қилиши мумкин бўлади. Унинг эҳтимолий қўлланиши текшириш учун катта қийинчиликларни келтириб чиқаради. Шу сабабли ҳам эҳтиёт чорасининг эҳтимолий қўлланиши минимал даражада бўлиши лозим.

Айбланувчининг суддан, дастлабки терговдан яширинмоқчи, ҳақиқатни қарор топишига тўсқинлик қилмоқчи, жиной фаолиятни давом эттирмоқчи эканлиги тўғрисидаги хulosани тасдиқловчи далиллар эҳтиёт чораларини қўллаш учун «асосларнинг асоси» ҳисобланади. Кўпгина муаллифларнинг адолатли фикрича, бу далилларга тезкор-қидирув фаолияти натижасида қўлга киритилган фактларни киритиш мумкин эмас, чунки бу вақтда жиноят ишида айбланувчининг эҳтимолий хулқ-автори тўғрисидаги маълумотлар бўлмайди ва уларни текшириш ҳамда баҳолаш жуда ҳам мушкул.<sup>114</sup> Ш.Иномжоновнинг фикрича, тезкор-қидирув тадбирлари натижаларидан далил сифатида фойдаланишга фақат ушбу нарсалар, ҳужжатлар ҳамда бошқа материалларнинг келиб чиқиш манбанини аниқ билган ва уларнинг ҳақиқийлиги ва олиниш шарт-шароитлари тўғрисида гувоҳлик бера оладиган шахс томонидан тақдим этилгандагина йўл қўйилиши мумкин.<sup>115</sup>

<sup>113</sup>Кудин Ф.М Особенности доказывания в сфере применения уголовно-процессуального принуждения. Межвузовский сборник. –Красноярск: Ун-т, 1985. –Б.70-76.

<sup>114</sup> Орлов Ю.К. Основы теории доказательств в уголовном процессе. Научно-практическое пособие.–М.: Проспект, 2000. –Б.35-39; Шейфер С.А. Доказательства и доказывание по уголовным делам: проблемы теории и правового регулирования. –Тольятти: 1998. –Б.28.; Карнеева Л.М. Доказательства и доказывание в уголовном процессе. –М.: 1994. –Б.5.

<sup>115</sup> Иномжонов Ш.Жиноят процессида далиллар тақдим қилиш ва фойдаланиш муаммолари. Илмий-амалий қўлланма. –Т.: Адолат, 2003. –Б.144-145.

Ҳақиқатда ҳам тезкор-қидирув органларининг фаолияти давомида эҳтиёт чорасини танлашга асос бўлувчи зарур маълумотлар тўпланиши мумкин. Масалан, айбланувчи яширинишга ҳаракат қилаётганлиги, гувоҳларни ёлғонга кўндиришга уринаётганлиги, жабрланувчига моддий бойликлар таклиф қилаётганлиги ва бошқалар тўғрисида маълумотлар тўпланиши мумкин. Тезкор-қидирув органи ходими бу маълумотларни терговчига хабар қиласи. Терговчи эса бу манбаларни жиноят ишига қўшмай, улардан олинган хабарларни сўроқ ва бошқа процессуал ҳаракатлар орқали суд далилларига айлантириши лозим ва шундан кейингина эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисида қарор чиқаришга ҳақли.<sup>116</sup> Бу ҳолда терговчи эҳтиёт чорасини танлашда ишда мавжуд бўлган исботларга таянади, унга маълум қилинган оператив маълумотлардан эса бу далилларга баҳо беришда фойдаланади. Бундай оператив маълумотларни ошкор қилиш мумкин эмас, бу жиноят ишининг терговига тўсқинлик қилиши мумкин. Шубҳасизки, бундай оператив маълумотлардан қамоққа олиш билан боғлиқ ишларда эҳтиёт чорасини танлашда эҳтиёткорлик билан фойдаланиш ишнинг тўла ва сифатли якунланишини таъминлайди. Ундан енгилроқ эҳтиёт чоралари – шахсий ва жамоат бирлашмаси кафилликлари, муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат чораларини қўллашда ҳам бу маълумотлардан эҳтиёткорлик билан фойдаланиш зарур.

Далиллар тарафлар ва ишда иштирок этувчи бошқа шахслар томонидан тақдим этилади. Суд уларга қўшимча далиллар тақдим этишни таклиф этиши мумкин. Қўшимча далиллар тақдим этиш тарафлар ва ишда иштирок этувчи бошқа шахслар учун қийинчилик туғдирса, суд уларнинг илтимосномасига кўра далиллар тўплашда уларга ёрдам кўрсатади.<sup>117</sup>

Эҳтиёт чорасини танлашда ЖПК 236-моддасининг иккинчи қисмида кўрсатилган асослардан ташқари, ушбу Кодекснинг 238-моддасида кўрсатилган ҳолатлар, яъни қўйилган айбнинг оғирлиги, айбланувчининг шахси, машғулот тури, ёши, соғлиғи, оилавий аҳволи ва бошқа ҳолатлар ҳам асос сифатида эътиборга олиниши зарур. Бу ҳолатларнинг ўзи ҳам айбланувчи суддан ёки дастлабки терговдан яшириниши, иш бўйича ҳақиқатнинг аниқланишига тўсқинлик қилиши, жиной фаолиятни давом эттириши тўғрисида билвосита исбот вазифасини ўташи мумкин. Бир хил йўналишдаги икки ҳолатнинг мавжудлиги ва бир-бири билан қўшилиши у ёки бу эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисида хulosага келишнинг далилий аҳамиятини кучайтиради. Турли йўналишлардаги ҳолатларнинг мавжудлиги эса, бундай хulosага келишнинг исботлаш даражасини пасайтиради. Ҳар бир ҳолатнинг «баҳоси» турлича бўлиши мумкин. Баъзи ҳолларда ҳал қилувчи ролни қўйилган айбнинг оғирлиги ўйнаса, бошқа ҳолларда айбланувчининг ёши, баъзан соғлиғи эътиборга олинади.

<sup>116</sup> Доля Е.А. Использование в доказывании результатов оперативно–розыскной деятельности. – М.: Спарк, 1996. –Б.69.; Воронцова Н. Основания применения мер пресечения по УПК РФ // Российский следователь. –2002. –№9. –Б.10.

<sup>117</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2003 йил 19 декабрдаги қарорлари. –Т.: Ўзбекистон Республикаси Олий суди, 2004. –Б.31.

Демак, айбланувчига нисбатан эҳтиёт чорасини танлашда қуидагилар инобатга олинади: 1) эҳтиёт чорасини қўллаш зарурлигини тасдиқлайдиган далиллар, яъни ЖПКнинг 236-моддасида ишлатилган ибора бўйича «ўринли тахмин»; 2) айбнинг оғирлиги, айбланувчининг шахси ва ЖПКнинг 238-моддасида санаб ўтилган бошқа ҳолатлар ҳақида маълумотлар. Ҳар икки ҳолатда ҳам эҳтиёт чораларини қўллаш учун етарли асослар - ишончли далиллар даркор. Уларни баъзи муаллифлар икки турга оид деб ҳисоблайдилар ва умумий асослар – ижтимоий хавфли қилмиш ва уни содир этган шахс ҳақида далиллар ва маҳсус асослар – гумон қилинган шахс, айбланувчи, судланувчи тергов ва суддан бош тортиши, ҳақиқатни очилишига тўсқинлик қилиши, яна жиноий фаолият билан шуғулланишини исботлайдиган далиллар тўғрисида одилона сўз юритадилар.

Эҳтиёт чораси танлашда айбланувчининг шахсини эътиборга оловчи ҳолатларга унинг ўз оиласига садоқати, ҳақгўйлиги, меҳнатга бўлган муносабати, жамоат бирлашмаси бу шахсга билдирган ишонч, унинг олган рағбатлантириш ва ҳайфсанлари киради. Айбланувчининг машғулот тури эҳтиёт чораларининг баъзи турларини танлашда аҳамиятли бўлиб, у ишлайдими, агар ишласа жамоадаги мавқеи, якка тартибда меҳнат фаолияти кўрсатиши, хизмат сафарларига бориб туриши каби унинг машғулоти билан боғлиқ маълумотлар эътиборга олинади.

Айбланувчининг ёши эса унинг интеллектуал ривожланиш даражаси, ҳаракати, қайси муҳитга тегишли эканлигидан дарак беради, шунинг учун ҳам унга нисбатан эҳтиёт чорасини танлашда эътиборга олинади. Одатда ёши жуда катта бўлган шахсларни қамоққа олишга эҳтиёж йўқ, чунки улар суддан ёки терговдан деярли яширинмайдилар. Вояга етмаган шахсларни ҳам қамоққа олиш самарали натижа бермайди, чунки бу уларнинг ҳали мустаҳкам бўлмаган руҳиятига ўта салбий таъсир кўрсатиши, иродасини синдириши, ёлғон кўрсатувлар беришга (тил бириктиришга) ёки ўзи содир қилмаган жиноят бўйича айбга иқрор бўлишига олиб келиши мумкин. Л.В.Лившицнинг фикрига кўра, вояга етмаганларнинг қамоққа сақланиши ва маълум тоифадаги шахслар билан мулоқотда бўлиши уларга жуда кучли руҳий таъсир кўрсатиб, жиноий фаолиятни давом эттиришга ва терговнинг боришига тўсқинлик қилишга сабаб бўлиши мумкин.<sup>118</sup>

Айбланувчининг соғлиғи ҳам баъзи ҳолларда (айбланувчининг ҳаётини сақлаб қолиш мақсадида зудлик билан операция қилиш керак бўлса, ҳомиладорлик ҳолатида бўлса) унинг қамоққа олининини умуман истисно қилади. Барча ҳолларда соғлиғи ёмон шахсга нисбатан эҳтиёт чорасини танлашда касалликнинг оғирлиги ва қанча давом этиши эътиборга олинади. Буни текшириш учун қўпинча суд-тиббий экспертизаси ўтказилади. Сурункали касалликка чалинганлар дори-дармонларга, пархез овқатланишга ва бошқа қулайликларга муҳтоҷ бўлишади. Қамоққа олинганда улар бу имкониятлардан маҳрум бўладилар. Одатда уларга қамоқдан озод этишни

<sup>118</sup> Лившиц Л.В. Меры преодоления негативного воздействия на участников уголовного процесса по делам несовершеннолетних // Проблемы предупреждения и пресечения преступности и иных правонарушений молодежи, защиты их прав. –Уфа: 2000. –Б.57.

ваъда қилиб, айбига иқрорликка эришиш хавфи мавжуд. Шунинг учун судлар бундай ишларда айбига иқрорликни баҳолашда, қамоққа олинган шахснинг касаллиги таъсири остида бу иқрорликка эришиш эҳтимолини текширишлари зарур.

Айбланувчининг оилавий аҳволи ҳам унга нисбатан эҳтиёт чораси танлашда муҳим ўрин тутади. Унинг уйланганлиги (эрга текканлиги), ёш болалари, қарамоғида нафақа ёшидаги ота-онаси борлиги, айбланувчи билан улар ўртасида самимий муносабатнинг мавжудлиги каби ҳолатлар айбланувчининг дастлабки терговдан, суддан яшириниши, хукм ижросидан бўйин товлаши, янги жиноятга қўл уриши ва иш бўйича ҳақиқатни аниқлашга тўсқинлик қилиши эҳтимолини камайтиради.

Эҳтиёт чорасини танлашда эътиборга олиниши шарт бўлган ЖПКда кўзда тутилмаган ҳолатларга айбланувчининг ҳомиладорлиги, унинг ҳарбий хизматга чақирилганлиги, касби, судланганлиги, Ватан олдидағи хизматлари ва бошқалар мисол бўлиши мумкин.

Эҳтиёт чоралари танлашда ҳисобга олинадиган шарт-шароит айбланувчининг субъектив ҳуқуқига оидdir. Суриштирув органи, терговчи, прокурор ва суднинг эҳтиёт чорасини танлаш, уни бекор қилиш ёки ўзгартириш тўғрисидаги мажбурияти бунга муқобил қўйилади. Айбланувчи ёки гумон қилинган шахснинг субъектив ҳуқуқи айловдан ҳимояланиш ҳуқуқининг мазмунига кирмайди. Бу ҳолатда айбланувчи айловни инкор этмаса-да, ўз эркинлиги ва шахсий даҳлсизлигининг асоссиз чекланишидан ҳимояланади.

**Қамоққа олиш** бошқа чораларга нисбатан энг жиддий эҳтиёт чораси ҳисобланади. У қўлланилган шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари сезиларли равишда чекланади. «Ҳуқуқий давлатда инсоннинг риоя этилиши лозим бўлган энг муҳим яшаш ҳуқуқи билан бир қаторда унинг эркинлиги ва шахсий даҳлсизлиги ҳуқуқи кафолатланиши шарт». <sup>119</sup> Шахсни узоқ вақт қонунсиз қамоқда сақлаш, унга зулм қилиш - конституциявий ҳуқуқини поймол этишдан иборат. <sup>120</sup> Ана шу сабабли, ҳеч ким қонунда қўрсатилмаган асослар ва унда белгиланмаган тартибда қамоққа олиниши мумкин эмаслиги Қамоққа олиш тартиби ва шартларининг тарихий-ҳуқуқий таҳлили шуни қўрсатадики, қамоқда сақланаётган шахснинг ҳуқуқий ҳолати жамиятдаги ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий шароитлар билан узвий боғлиқ. <sup>121</sup>

Қамоққа олиш чораси жиноят процессида айбланувчи ва гумон қилинувчи яна жиноят содир этишининг олдини олиш, огоҳлантириш, нейтраллаштириш учун, баъзи ҳолларда жиноят судлов ишларининг у ёки бу вазифаларини амалга ошириш мақсадида қўлланади. <sup>122</sup>

<sup>119</sup> Демидов И.Ф. Проблема прав человека в Российском уголовном процессе (концептуальные положения). –М.: 1995. –Б.19.

<sup>120</sup> Савицкий В. Последние новеллы УПК: порядок и сроки содержания под стражей // Российская юстиция. –1997. –№5. –Б.17

<sup>121</sup> Андреев В.Н. Содержание под стражей в СССР и России. –М.: Спарт, 2000. –Б.67.

<sup>122</sup> Михайлов В.А. Методологические основы мер пресечения. –М.: Академия управления МВД России. 1998. –Б.6.

Гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчига нисбатан қамоққа олиш чораси фақат қонундаги бошқа эҳтиёт чоралари дастлабки тергов ва суд самарали боришини таъминламаган ҳолларда қўлланилиши мумкин. Қамоққа олиш ўзининг ташқи аломатлари жиҳатидан бошқа процессуал мажбурлов чораси – гумон қилинувчини ушлаб туришга ўхшайди. Бу мажбурлов чоралари учун умумий белги шахснинг озодликдан маҳрум бўлиши ва жамиятдан ажратиб қўйилишидир.

Озодликдан маҳрум қилишдан қамоққа олишнинг фарқи уларни қўллаш мақсадлари билан белгиланади. Ҳар қандай жазонинг, шу жумладан озодликдан маҳрум қилишнинг мақсади содир этилган жиноятга яраша жазолаш ва маҳкумни қайта тарбиялаш, жамиятга фойдали шахс сифатида қайтаришдан иборат, қамоққа олишнинг мақсади эса ўзгача тавсифга эга.

Шахсни қамоққа олинишидан асосий мақсад унинг дастлабки тергов ва суддан бўйин товлашига имконият қолдирмаслик, янги жиноятлар содир этишининг ва иш бўйича ҳақиқатни аниқлашга тўсқинлик қилишининг олдини олишдан иборат. Қамоққа олиш яна бир бошқа, фақат шу эҳтиёт чорасига хос бўлган мақсадни – хавфли айбланувчиларни дарҳол жамиятдан ажратиш мақсадини ҳам кўзлайди. Оғир жиноят содир этганликда айбланаётган шахсларни қамоққа олиш жамоат тартибини муҳофазалаш, фуқароларнинг хуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш кафолати ҳисобланади. Уларни жамиятдан ўз вақтида ажратиш жамоатчиликни, барча фуқароларни уларнинг хуқуқлари ва тинчлиги ишончли қўриқланаётганлигига қаноат ҳосил қилдиришга хизмат қиласи.

Қамоққа олиш ва жазолашнинг сезиларли фарқларидан бири маҳкумларнинг жазони ўташ жойлари, қамоққа олинган айбланувчиларнинг эса тергов ҳибсоналарида сақлаш тартибида ифодаланади (ЖПКнинг 244-моддаси). Эҳтиёт чораси тарзида қамоққа олинган шахс жиноят иши тўла ҳал бўлгунга қадар маҳкумлардан алоҳида равишда сақланади.

Қамоққа олишни маъмурий хуқуқбузарни ушлаб туриш ва жазолаш билан ҳам тенггластириш мумкин эмас. Маъмурий қамоқ қонунбузарни 3 суткадан 15 суткагача қамаш, худди эҳтиёт чораси тарзида қамоққа олишга ўхшаса-да, ундан фарқли ўлароқ, фақат суд хукми билан амалга оширилади. Маъмурий қамоқ жазосига тортилганлар тергов ҳибсоналарида ёки дастлабки қамоқ камераларида, эҳтиёт чораси тарзида қамоққа олинганлардан алоҳида сақланадилар.

Эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олиш Жиноят кодексида 3 йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо назарда тутилган<sup>123</sup> қасдан содир этилган жиноятларга доир, ҳамда эҳтиётсизлик оқибатида содир этилиб, бунинг учун Жиноят кодексида 5 йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо назарда тутилган жиноятларга доир ишлар бўйича қўлланилиши ЖПКнинг 242-моддасида кўрсатилган. Аммо ушбу эҳтиёт чорасини танлашга фақат шунинг ўзи етарли

<sup>123</sup> Бу муддат РФ, Беларус, Молдова ва Қозоғистон ЖПКларида икки йил, Украина ЖПКда бир йил белгиланган.

эмас, уни дастлабки терговдан ва суддан бўйин товлаш, кейинги жиноий фаолиятини олдини олиш, иш бўйича ҳақиқатни аниқлашга ҳалал берадиган уринишларга йўл қўймаслик, ҳукмнинг ижро этилишини таъминлаш учун зарурлиги ҳам исботланмоғи, шунингдек ЖПКнинг 236, 238 ва 242-моддалари талаблари инобатга олиниши шарт.

Агар айбланувчи унга нисбатан қўлланилган эҳтиёт чоралари билан боғлик талабларга риоя қилмаган бўлса, хусусан, муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхатни бузса, унга нисбатан қамоққа олиш чораси қўлланиши мумкин. Бу ҳолда терговчи қамоққа олиш тўғрисидаги қарорни қабул қилишда айбланувчига нисбатан қўлланилган муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат ўз самарасини бермаётганлигини исботлаб, тергов олдида турган вазифаларни бажаришга фақат қамоққа олиш имкон беришини таъкидлаши шарт.

Қамоққа олиш тариқасидаги эҳтиёт чорасини танлашда жиноят-процессуал қонунчилигига назарда тутилган ва ундан келиб чиқадиган шартлар эътиборга олиниши лозим. Қамоққа олиш шартлари деганда, бу эҳтиёт чорасини танлашга ўзининг ижобий ёки салбий таъсирини кўрсатувчи процессуал ҳолатлар тушунилади. Қамоққа олиш чораси қўйидаги ҳолатлар мавжуд бўлганда гина асосланган ва қонуний деб ҳисобланиши мумкин:

- шахс ишга айбланувчи тариқасида жалб қилинган;
- содир этилган жиноятга қонунда озодликдан маҳрум этиш тариқасидаги жазо назарда тутилган;
- айбланувчининг шахси тўғрисидаги маълумотлар ҳисобга олинган;
- терговчининг қамоққа олиш тўғрисидаги қарорига прокурор рухсат берган;
- эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олиш тўғрисидаги қарор жиноят процессуал қонунларидаги меъёрларга мос чиқарилган.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 243-моддасига кўра қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси фақат гумон қилиниб ушлаб турилган ёки айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилинган шахсга нисбатан қўлланиши мумкин.

Амалдаги қонунга кўра, қамоққа олишга рухсат бериш тўғрисидаги масалани ҳал қилишда прокурор жиноят ишига доир барча материаллар билан пухта танишиши ва зарур бўлганда гумон қилинувчи ёки айбланувчини, вояга етмаган айбланувчини эса – албатта, шахсан сўроқ қилиши, сўнг қўйидаги қарорлардан бирини қабул қилиши шарт: 1)терговчининг эҳтиёт чораси тариқасида қамоққа олиш тўғрисидаги қарорига рухсат бериш; 2)бошқа енгилроқ эҳтиёт чорасини қўллаш ёки эҳтиёт чораси қўллашни рад этиш ва ушлаб турилган шахсни дарҳол озод қилиш (ЖПКнинг 243-моддаси).

Баъзида жиноят ишлари эҳтиёт чорасини танлаш устидан назорат қилувчи дастлабки тергов бўлими бошликлари ҳамда прокурор томонидан етарлича эътибор билан ўрганилмай, жиноят содир этилганлиги аниқ

исботланмаган ва тергов муддатлари ўтиб кетганда ҳам қамоққа олиш ҳолатлари учраб туради.

Айбланувчи ёки гумон қилинувчига нисбатан қамоққа олиш чорасини танлашда қамоққа олинувчининг шахсига тегишли маълумотларни, яъни унинг ёши, соғлифи, оилавий аҳволи, машғулот тури ва бошқаларни аниқлаш лозим. Конунда эҳтиёт чорасини танлашда эътиборга олинадиган шахс тўғрисидаги ҳамма маълумотлар рўйхатини келтириш қийин. Бу маълумотлар доираси ҳар бир ишнинг ҳолатига қараб алоҳида аниқланади. Аммо эҳтиёт чорасини танлашда айбланувчининг машғулоти, мансаби, иш жойи, касби, мутахассислиги, малакаси, жамоа билан муносабатлари тўғрисидаги маълумотлар албатта эътиборга олиниши шарт.

Терговчи, прокурор ёки суд бир жиноят иши бўйича ёки бир неча ўзаро боғлиқ ишлар бўйича айбланувчиларни алоҳида-алоҳида сақлаш тўғрисида тергов хибснонасиининг маъмуриятига кўрсатма беришга ҳақли. Қамоққа олинганлар оғир ва ўта оғир жиноятларни содир этишда айбланаётган бўлсалар, прокурорнинг қарори ёки суднинг ажрими билан турма ёки тергов хибснонасиининг бир кишилик камерасида қамоқда сақлаб турилиши мумкин. Бу чора вояга етмаганларга, олтмиш ёшдан ошганларга, шифокор томонидан тасдиқланган оғир касалларга ва руҳий касалликка чалингандарга нисбатан қўлланилмайди (ЖПК 244-моддаси).

Қамоқда сақлананаётган шахсларни ушлаб турилганлар сақланадиган жойда қўпи билан ўн суткагача сақлаб турилиши, уларни тергов хибснонасига вақтида олиб боришга имкон бўлмаса, 30 суткагача сақланиши мумкин.

Ҳарбий хизматчилар авахтада қўпи билан йигирма суткагача, олис жойларда эса, эҳтиёт чорасининг буткул муддати давомида ушлаб турилади. Ҳарбий хизматчини авахтада ушлаб туриш муддати ҳарбий судлар томонидан ишни судда кўриб чиқиши даврига, лекин ўн беш суткадан ортиқ бўлмаган муддатга узайтирилиши мумкин. Интизомий қисмга юборишга ҳукм қилинган ҳарбий хизматчилар ҳам ҳукм қонуний кучга киргунга қадар авахтада сақланади.

Барча ҳолларда шахснинг айбини фош этувчи далилларнинг ўзи унга нисбатан эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олишни қўллаш учун етарли эмас. Мазкур далиллар билан бир қаторда, шахснинг тергов ёки суддан бўйин товлаши, жиноий фаолиятини давом эттириши, жиноят иши бўйича ҳакиқатни аниқлашга тўсқинлик қилиши билан боғлиқ ҳолатларга оид далиллар ҳам мавжуд бўлиши керак. Далилларнинг мазкур турини эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олиш асосларининг элементлари ёки таркибий қисмлари деб ҳисоблаш мумкин.

Айблов эълон қилинмасдан аввал, гумон қилинувчини қамоққа олишга қадар унинг ақли норасолигидан дарак берадиган шубҳалар албатта текширилиши лозим. Шу мақсадда суд-психиатрия экспертизаси ҳамда бошқа тергов ҳаракатларини ўтказиш зарур.

Жиноят ишларида эҳтиёт чораси қўллашни тўғридан-тўғри такозо қилувчи далиллар камдан-кам учрайди. Одатда эҳтиёт чорасини қўллашга

асос бўлиб жиноят содир этиш усуллари, жиноятнинг давом этиши, тамагирлик ва бошқа ниятларда бир қанча жиноятлар содир этиш, айбланувчи шахсининг салбий тавсифи, судланганлиги каби ҳолатлар мажмуи хизмат қиласди.

Кўп ҳолларда қамоқقا олиш айбланувчининг тергов ёки суддан яшириниши хавфининг мавжудлиги билан асосланади. Бир қанча жиноят ишларида айбланувчи жиноят содир этишидан сўнг дарҳол яширинган ёки аниқ тураг жойи ва машғулоти бўлмаган. Биринчи ҳолатда ғайриқонуний хулқ-атворнинг ўзи айбланувчини судга қадар қамоқда сақлаш заруратини юзага келтирса, иккинчи ҳолатда мазкур эҳтиёт чорасини қўллаш зарурати айбланувчи томонидан терговдан бўйин товлаши эҳтимоллигидан юзага келади. Муайян тураг жойи ва машғулоти бўлмаган айбланувчига бошқа хил эҳтиёт чорасини қўллаш, у терговдан яширинмаслигига кафолат бера олмайди. Мазкур ҳолат, айбланувчи томонидан жиноий фаолиятни давом эттирилиши эҳтимол эканлигидан дарак беради. «Айблов (гумон)нинг асосланмаганлиги, масалан, жиноятни «ошириб» квалификация қилиниши, айблов ҳажмининг нотўғри кўрсатилиши ёки содир этилган жиноятга шахснинг дахлдорлиги хусусидаги маълумотларнинг этишмаслиги асносида қамоқقا олиш чорасини қўллаш қонунни жиддий бузиш ҳисобланади». <sup>124</sup>

Деярли 20 фоиз ҳолларда эҳтиёт чораси сифатида қамоқقا олиш айбланувчи эркинликда бўлган ҳолда жиноий фаолиятини давом эттириши мумкинлиги билан асосланади. Мазкур асос, одатда қуйидаги ҳолатларнинг мавжудлиги билан боғлик:

- шахс қисқа муддат ичидаги бир нечта жиноят содир этган, доимий машғулоти бўлмаган;
- айбланувчи тергов жараёнида жиноий фаолиятини давом эттирган ва ундан эҳтиёт чораси сифатида муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисида тилхат олинган бўлишига қарамай, янги жиноят содир этган, жабрланувчининг шахси ва мол-мулкига жиноий тажовуз этишни давом эттирган;
- шахс алкоголли ичимлик ва наркотик воситаларни қўлга киритиш ва истеъмол қилиш максадида қасдан жиноят содир этган;
- айбланувчининг хулқ-атвори тураг жойи ва иш жойида салбий баҳоланганди;
- айбланувчи муқаддам судланган ёки қасдан содир этган жинояти учун унга нисбатан жамоатчилик таъсир чоралари аввал ҳам қўлланган.

Бошқа асосларга нисбатан камроқ ҳолатларда айбланувчи иш бўйича ҳақиқатни аниқлашга ҳалақит бериши хавфи борлиги сабабли қамоқقا олиш эҳтиёт чораси қўлланган. Айбланувчилардан тахминан 10 фоизи иш бўйича жабрланувчи ва гувоҳларни илтимос, ваъда, дўйқ-пўписа, қўрқитиши орқали кўрсатувларини ўзгартиришга унданаган, ашёвий далилларни йўқ қилишга

<sup>124</sup> Калиновский К.Б., Смирнов А.В. Комментарий к Уголовно-процессуальному кодексу Российской Федерации. / Под общ. ред.: А.В.Смирнова. 2-е изд., доп. и перераб. – СПб.: Питер, 2004. –Б.556.

уринган.

Қамоққа олиш эҳтиёт чорасини қўллаш зарурати ҳақида асосланган хулоса қилишга имкон берувчи ҳолатларни таҳлил қилиш уларнинг моҳиятан бир-биридан фарқланишини кўрсатади. Чунончи, айбланувчи терговдан яширингани, қайта жиноят содир этгани, турар жойи ва муайян машғулоти бўлмагани, узоқ муддат давомида жиноий фаолият билан шуғулланганлиги ва, нихоят, оғир жиноят содир этганлиги уни қамоққа олиш зарурлигини тақозо қиласди. Бироқ, баъзан амалиётда қамоққа олиш заруратига тўғридан-тўғри ишора қилувчи ҳолатлар бўлмаган тақдирда ҳам қарор қабул қилиш лозим бўлади. Бундай ҳолларда асосли қарор қабул қилиш учун айбланувчи шахсига берилган тавсиф, унинг оиласвий аҳволи, содир этган қилмишига муносабати, жиноятнинг хусусияти, жиноят учун жазони оғирлаштирувчи ва енгиллаштирувчи ҳолатлар ва ҳоказолар муҳим аҳамиятга эгадир.

Вояга етмаганларга нисбатан эҳтиёт чоралари қўллашда алоҳида шартларга эътибор бериш лозим бўлади. Қонунда уларга нисбатан қамоқда сақлаш чораси фақат беш йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум этиш жазоси назарда тутилган қасддан содир этилган жиноятга доир ишлар бўйича йўл қўйилган. Шунингдек, вояга етмаганларни қамашга рухсат бериш учун уларни прокурор албатта шахсан сўроқ қилиши керак (ЖПКнинг 558-моддаси). Баъзи прокурорлар бундай сўроқ қилишни ўз ёрдамчиларига топширишадики, бу қонун матнидаги «шахсан» сўзи фақат иш материаллари билан танишиб чиқишига тааллуқли, деб нотўғри тушуниш ва эътиборсизлик оқибатидир.

Прокурор вояга етмаган айбланувчини сўроқ қилаётганда педагог ёки психолог иштирок этиши шарт. Бу талаб ЖПКнинг 554-моддасида албатта кўрсатилиши лозим. Бунинг ўрнига прокурорлар айбланувчиларни қамоққа олиш масаласини ҳал қилаётганда уларни терговчи иштирокида сўроқ қилиш ҳоллари учрайди. Бу вояга етмаганга салбий таъсир этиб, ўзини эркин тутишига тўсиқ бўлади.

Эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисида қарор ЖПКнинг 240-моддасидаги талабларга номувофик бўлганда, прокурор уни қайта тузиш учун терговчига қайтаради, қамоққа олишни қўллаш асослари ва тартибини белгиловчи қонун талабларига риоя этилганлигига ишонч ҳосил қилгандан сўнг, мазкур эҳтиёт чорасини қўллашга рухсат беради. Аксинча, у эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олишни қўллашга етарли асослар йўқ деган хулосага келса, рухсат беришни рад этади.

Прокурорнинг эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олиш тўғрисидаги қарорга рухсат беришни рад этиши процессуал хусусиятга эга бўлиб, у асосланган бўлиши ва ёзма шаклда ифодаланиши керак. Қонунда уни маҳсус ҳужжат билан расмийлаштириш назарда тутилмаган.

Терговчи прокурор келтирган сабабларга қўшилмаган тақдирда, унинг қарори устидан юқори турувчи прокурорга шикоят қилишга ҳақли. Мазкур шикоятни кўриб чиқишида юқори турувчи прокурор қамоққа олишга рухсат беришни рад этишда қандай сабабларни кўрсатганлигини назарда тутиш зарур.

Баъзи тоифадаги шахсларга нисбатан эҳтиёт чораси сифатида қамоқقا олишни қўллашнинг процессуал тартиби, дастлаб прокурор томонидан тегишли орган ёки мансабдор шахслардан розилик олиш кераклигини назарда тутади (ЖПКнинг 239-моддаси).

Қамоқقا олиш эҳтиёт чораси қўллангани ҳақида маҳкумнинг вояга етган оила аъзоларидан бирига, улар бўлмаган тақдирда қариндошлари ёки яқинларига хабар бериш мажбурияти терговчи, прокурор ва суд зиммасига юкланганди (ЖПКнинг 217-моддаси).

Эҳтиёт чорасини ўзгартириш ёки бекор қилишга тааллуқли илтимосномалар ва уларга илова қилинган материаллар судга топширилиши лозим. Агар айбланувчи учун номақбул томонга эҳтиёт чорасини танлаш ёки ўзгартириш масаласи қўйилса, қонунда уни ва ҳимоячини тушунтириш бериш учун судья хузурига чақириш назарда тутилиши керак. Судьяга якка ўзи эҳтиёт чорасини танлаш ва уни айбланувчи учун нохуш томонга ўзгартириш хуқуқини беришга қатъян эътиroz билдириш керак. Айбланувчига ўз манфаатларини ҳимоя қилиш ва қарши тарафнинг далиллари билан баҳслашиб имкониятини бермасдан, унинг йўқлигига аҳволини ёмонлаштириб бўлмайди. Қонун суднинг эҳтиёт чораси масаласи бўйича ажримлари устидан апелляция ва кассация шикояти берилишига йўл қўймайди. Эҳтиёт чоралари фуқаронинг туб манфаатларига дахлдор эканлиги сабабли, ушбу чоралар қўлланиши устидан юқори судга шикоят қилиш хуқуқи тан олиниши мақсадга мувофиқ.

Суд мажлисида ҳар қандай эҳтиёт чорасини танлаш, ўзгартириш ва бекор қилиш мумкин. Судда ҳозир бўлишдан бўйин товлаган, ҳақиқатни аниқлашга ҳалал бераётган ёки янги жиноят содир этишга уринаётган судланувчи қамоқقا олиниши мумкин. Судланувчи яшириниш ёки янги жиноят содир этиш ниятида эканлиги маълум бўлса, биринчи инстанция суди эҳтиёт чорасини қўллашнинг тўртинчи мақсади – ҳукм ижросини таъминлаш мақсадида чора кўради.

Суд айбланувчининг суд мажлисига келмаслик сабабларини аниқламасдан, эҳтиёт чорасини ўзгартирган ва уни қамоқقا олиш тўғрисида ажрим чиқарган нохуш ҳоллар учрайди. Кейин эса бу ҳол судни жиноят учун ҳаддан ташқари қаттиқ жазо тайинлашга ундейди. Жазони кучайтириш жиноятчиликка қарши курашда ҳал қилувчи омил эмаслиги аллақачон исботланган. Судьялар томонидан ушбу оддий ҳақиқат ўзлаштириб олингандагина, эҳтиёт чоралари енгиллик томонига ўзгартирилиши ҳолатларининг ортишига эришиш мумкин.

Судланувчи жиноий жавобгарлик ва жазодан озод этилганда, шунингдек озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазога ҳукм қилинган ҳолларда суд уни дарҳол суд мажлиси залида қамоқдан озод этади (ЖПКнинг 529-моддаси). Бинобарин, қонун у ёки бу асосларга кўра озодликдан маҳрум этилиши керак бўлмаган фуқароларнинг шахсий дахлсизлигини таъминлайди. Судланувчи оқланганида ва ҳар қандай асослар бўйича унга доир ишлар тугатилганида (ЖПКнинг 474-моддаси), эҳтиёт чоралари ўзгаришсиз қолдирилиши мумкин эмас. Чунки, айбиз шахс яширинади ёки

суд процессининг вазифаларига эришишга бирор тарзда ҳалақит беради, деб хавфсирашга ўрин қолмайди. Тўғри, прокурор юқорида айтилган суд қарорлари устидан протест келтириши мумкин. Бироқ, протест қондирилиши эҳтимол, деб эҳтиёт чорасини қўллаш тақиқланган. Прокурор ҳам ушбу чораларни мустақил тарзда қўллай олмайди, чунки иш суднинг юритувидадир. Назаримизда, суд озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлаганида, қамоқقا олиш тарзидағи эҳтиёт чорасини бекор қилиши ёки ҳукм қонуний кучга киргунча мумкин қадар енгил чорага (масалан, муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисида тилхатга) ўзгартириши керак. Бу нарса ҳукмнинг ижросини таъминлаш учун зарур.

Суд тиббий йўсингдаги мажбурлов чораларини қўллаганида (ЖПКнинг 566-581-моддалари) руҳий касаллар муассасасига юбориладиган шахсга нисбатан эҳтиёт чорасини ўзгаришсиз қолдириш, танлаш, ўзгартириш ва бекор қилиш мумкинлигини назарда тутмайди. Бу турдаги ишларни ЖПК 577-моддаси тўртинчи қисмининг 2-бандига мувофиқ суд тугатади ва шу вақтдан бошлаб эҳтиёт чораси ҳам бекор қилинган ҳисобланади, маҳбус эса мажбурлов чорасига маҳкум этилган шахс мақомини олади. Суд ажрими чиқарилганидан кейин бундай шахслар тергов ҳибсоналаридан ёки экспертиза ўтказилган жойдан руҳий касаллар стационарларига юборилади. Агар суд ажрими устидан апелляция тартибида шикоят ёки протест киритилган бўлса, маҳбуснинг бу муассасаларда бўлиш муддати узаяди. Шу муддат давомида тергов ҳибсоналаридағи касаллар етарли тиббий ёрдамни ололмайдилар. Судлар руҳий bemорга тиббий йўсингдаги мажбурлов чораларини тайинлаганида ҳар гал суд ажрими қонуний кучга киришига қадар эҳтиёт чораси масаласини ҳал этиши зарур. Айни вақтда бундай руҳий bemорларни малакали тиббий ёрдам билан таъминлаш ва улар учун етарлича инсонпарварлик режимини жорий этиш зарур.

Турли сабабларга кўра, ҳукм узоқ вақтгача ижрога қаратилмаслиги мумкин ва шу сабабли маҳкум жазони ўтамай, озодликдан маҳрум этиш жойларида эҳтиёт чораси тариқасида қамоқда сақланади.

Ҳукмнинг ижросини кечикириётганда суд эҳтиёт чорасини танлашга ёки аввалгисини ўзгаришсиз қолдиришга ҳақли. Ҳукмнинг ижроси: маҳкум жазони ўташига монелик қиласиган даражада оғир касал бўлиб қолса – у соғайгунча; ҳукмни ижро этиш пайтигача маҳкума ҳомиладор бўлиб қолса – бир йилдан ортиқ бўлмаган муддатга; маҳкуманинг ёш боласи бўлса – у уч ёшга тўлгунча; жазони дарҳол ўташни бошлаш ёнғин ёки бошқа бирор табиий оғат юз берганлиги, оиланинг меҳнатга яроқли ягона аъзоси оғир касал бўлиши, вафот этганлиги ёки бошқа фавқулодда ҳолатларда – уч ойдан ошмаган муддатга кечикирилиши мумкин (ЖПКнинг 533-моддаси).

Суд, шахсни яшаш жойини ички ишлар органлари розилигисиз ўзгартирасликка, вақти-вақти билан рўйхатдан ўтиш учун ички ишлар органларига келишга, доимий яшаш жойидан кетиб қолмасликка мажбур қилишга ва маҳкумнинг халқ-атвори устидан назоратни ички ишлар органлари зиммасига юклашга ёки меҳнат жамоаси ёхуд бирор-бир шахсни (уларнинг розилигини олган ҳолда) маҳкумни кузатиб туришга ва у билан

тарбиявий иш олиб боришга мажбур қилишга ҳақлидир. Бу ЖПКнинг 250, 251 ва 252-моддаларини – муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисида тилхат, жамоат ва шахсий кафиллик сингари эҳтиёт чораларини ҳам эслатади. Бироқ тергов тугаган, суд бўлиб ўтган, маҳкум ўз хулқ-атвори билан жиноий жавобгарликдан бўйин товламоқчи эмаслиги исботланган, айбланувчининг ҳақиқатни аниқлашга ҳалақит беришга уринишларини бартараф этишга ҳожат қолмаган, далиллар тўпланган, ҳақиқат аллақачон аниқланган бўлсада, эҳтиёт чорасининг тўртинчи, яъни ҳукмнинг ижро этилишини таъминлаш мақсадига эришиш зарурияти сақланиб қолади. Демак, юқорида кўрсатилган чоралар ҳукм қонуний кучга кирганидан кейин амал қиласди ва шу тариқа улар процессуал эмас, балки жазони ижро қилишга доир, чунки уларнинг ҳаммаси айблов ҳукмининг ижросини таъминлаш ҳамда маҳкумни қайта тарбиялашга йўналтирилган.

Жиноят иши қўшимча терговга қайтарилиганда эҳтиёт чорасини танлаш, аввалгидек қолдириш, ўзгаририш ёки бекор қилишга биринчи инстанция судининг ҳаққи бор-йўқлиги тўғрисида ЖПКда норма йўқ. Бизнингча, ишни қўшимча терговга қайтариш тўғрисида ажрим чиқараётганда суд ҳар сафар эҳтиёт чораси масаласини муҳокама қилиши шарт.

Юқори инстанция суди эҳтиёт чораси масаласини ҳал этади, бироқ қонунда бу масала алоҳида тартибга солинмаган. Юқори суд инстанцияси ҳукмни ўзгаришсиз қолдириб, ҳукмни ижро этишга қаратишга ёки уни бекор қилишга қадар аввалги эҳтиёт чорасини қолдиришга ҳақлидир. Ҳукмга ўзгаришлар киритаётганда, юқори суд инстанцияси айни вақтда эҳтиёт чорасини бундан буён кераксиз деб ҳисоблаб, бекор қилиши ёки ҳукм ижрога қаратилишига қадар уни амалда қолдириши мумкин.

Юқори суд инстанцияси ҳар қандай асослар бўйича ишни тугатиш билан бирга ҳукмни ва, бинобарин, эҳтиёт чорасини ҳам бекор қилиши шарт. Агар маҳкум қамоқдан озод этилиши керак бўлса, юқори инстанция суди ўз ажримининг нусхасини дарҳол ижро этиш учун бевосита қамоқни ўташ жойининг маъмуриятига юбориши керак. Қамоқдан озод этиш тўғрисидаги ажрим телеграф орқали ёки бошқа замонавий воситалар ёрдамида тезда етказилиши мақсадга мувофик.

Айблов ҳукми бекор қилиниб, иш қўшимча тергов ёки судда қайта кўриш учун қайтарилиганда, ушбу ҳукм билан илгари танланган эҳтиёт чораси амалда бўлмайди, маҳкумнинг озодликдан маҳрум этиш жойларида бўлиши учун ҳуқуқий асослар йўқолади. Шунинг учун юқори суд инстанциясининг ҳукмни бекор қилиш тўғрисидаги ажримида ишни қўшимча тергов ёки суд янгидан кўришигача қандай эҳтиёт чораси қўлланиши кўрсатилиши лозим. Табиийки, юқори инстанция судининг ажрими терговчини ёки биринчи инстанция судини бундан кейин эҳтиёт чорасини ўзгаририш ёки бекор қилиш ҳуқуқини чекламайди. Агар иккинчи инстанция судининг ажримидан кейинги даврда илгари нотўғри маҳкум қилинган ёхуд оқланган шахс яширинса, янги жиноят содир этса ёхуд ҳақиқатни аниқлашга ҳалақит бергани тўғрисида маълумотлар тақдим этилса, суд жиддийроқ эҳтиёт чорасини танлашга ҳақлидир.

Ишларни қўшимча терговга қайтариш тўғрисидаги суд ажримларига прокурорнинг хусусий протестларини кўриб чиқишида иккинчи инстанция суди, протест қондирилгани ёки рад этилганидан қатъи назар, эҳтиёт чорасини аввалгидек қолдириши, бекор қилиши ёки ўзгартириши мумкин.<sup>125</sup>

Назорат суди инстанциялари қонуний қучга кирган ва ижро этила бошлаган ҳукмни кўриб чиқишида уни бекор қилиб, ишни қўшимча тергов ёки янгидан суд муҳокамасида кўриш учун қайтарса, эҳтиёт чорасини танлаш ҳуқуқига эгадир. Агар эҳтиёт чораси танланмаса, ҳукм бекор қилинганидан кейин маҳкум яшириниши, ҳақиқатни аниқлашга ҳалақит бериши ёки янги жиноятни содир этиши хавфи бор.

Назорат тартибида қайта кўриб чиқишига қадар ҳукм ижросини вақтинча тўхтатиб қўйиш ҳуқуқига эга мансабдор шахслар – Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раиси ва унинг ўринбосарлари маҳкумни қамоқ жойидан озод қилиши ва, аксинча, ишни суд кўриб чиқишига қадар унга нисбатан эҳтиёт чорасини танлаши мумкин. Назорат инстанцияси суди ишни кўриб чиқиб, ўз ажримида (қарорида) ушбу эҳтиёт чорасини бекор қилиш (протест рад этилганда, иш тугатилганда) ёки аввалгидек қолдириш ёхуд уни ўзгартиришни (иш қўшимча тергов ёки янгидан суд муҳокамаси учун қайтарилганда) кўрсатиши керак.

Шундай қилиб, юқори инстанция судларининг иш бўйича чиқарилган ҳар қандай ҳукм, қарор ва ажримни бекор қилишга ёхуд ўзгартиришга бўлган ваколати эҳтиёт чорасини танлаш, ўзгартириш ва бекор қилиш ҳуқуқини ҳам ўзига қамраб олади, бу эса эҳтиёт чораларини қўллаш амалиётини яхшилашга хизмат қиласи.

ЖПКнинг 220-моддасига биноан, жиноят содир этишда гумон қилинган шахсни ушлаб туриш қамоқقا олишнинг бошланғич босқичи эмас, аксинча процессуал мажбурлов чораларининг мустақил туридир. Лекин баъзи ҳолларда гумон қилинувчи ушланганидан сўнг эҳтиёт чорасини қўллаш учун асослар пайдо бўлиши мумкин. Қонунда бу ҳол назарда тутилган, яъни айблов гумон қилинувчига у ушланган вақтдан бошлаб 10 кундан кечиктирмай эълон қилиниши керак.

Жиноят ишини суд қўшимча терговга қайтарган ва ишнинг ҳолатларига кўра қамоқда сақлаб туриш тариқасидаги эҳтиёт чорасини ўзгартириш мумкин бўлмаган тақдирда, тергов устидан назоратни амалга ошираётган прокурор айбланувчини қамоқда сақлаб туриш муддатини иш унга келиб тушган пайтдан бошлаб бир ойгача узайтириши мумкин. Кўрсатилган муддатни узайтириш айбланувчи иш судга юборилгунга қадар қамоқда бўлган вақтни ҳисобга олиб, ЖПК 245-моддасининг биринчи, иккинчи, ва учинчи қисмларида белгиланган тартибда ва доирада амалга оширилади.

<sup>125</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2004 йил 24 сентябрдаги Пленумида ноконуний йўллар билан топилган далиллар асосида ҳар қандай жиноят ишини қўшимча терговга қайтармасдан, уни тугатиш хусусида тавсиялар берилган (Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги қарорлари.–Т.: Ўзбекистон Республикаси Олий суди, 2004.–Б.3-4.)

Жиноят иши тергов қилинаётганда қамоқда сақлаб туриш уч ойдан ортиқ давом этиши мумкин эмас (ЖПКнинг 245-моддаси). Бу муддат давомида терговни тамомлашга имкон бўлмаса ва эҳтиёт чорасини ўзгартириш мақсадга мувофиқ эмас деб ҳисобланса, тегишлигича Қорақалпоғистон Республикаси прокурори ёки вилоят, Тошкент шаҳар прокурори ва уларга тенглаштирилган прокурорлар томонидан беш ой муддатга узайтирилиши мумкин. Қамоқда саклаш муддатини етти ойгача чўзишга фақат Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари, тўққиз ойгача бўлган муддатга - Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан йўл қўйилади. Алоҳида ҳолларда ишнинг ўта мураккаблиги сабабли Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан қамоққа олиш эҳтиёт чораси бир йил муддатга узайтирилиши мумкин. Тергов тамомлангач, жиноят ишининг материаллари айбланувчига ва унинг ҳимоячисига танишиб чиқиш учун қамоқда сақлаб туришнинг охирги муддати тугашидан камида бир ой олдин тақдим этилиши лозим (ЖПК 245-моддасининг тўртинчи қисми). Айбланувчи ва унинг ҳимоячиси иш материаллари билан танишиб чиқиши учун кетган вақт эҳтиёт чораси тариқасида қамоқда сақлаб туриш муддатини ҳисоблаб чиқишида эътиборга олинмайди.

Қамоқда саклаш муддати тугаган ва қонунда белгиланган тартибда узайтирилмаган бўлса, маҳкум озодликдан маҳрум этиш жойларида қонунийликка риоя этилишини назорат қилувчи прокурорнинг қарорига биноан озод этилади. «Прокуратура тўғрисида»ги Қонуннинг 31-моддасида прокурорларга айбланувчи ёки гумон қилинган шахсни қамоқда саклашнинг қонунийлиги ва асосланганлигини назорат қилиш, шунингдек қамоқда саклаш муддати тугаган шахсларни дарҳол қамоқдан озод этиш ваколати берилган.

Айбланувчи (судланувчи)дан **муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисида тилхат олиш** эҳтиёт чораларининг энг енгили ҳисобланади. Лекин уни қўллашда ҳам жиддий сергаклик зарур.

Муносиб хулқ-атворда бўлиш қўпроқ руҳий мажбурловга хос бўлиб, тилхат олиб қўйилган тақдирда айбланувчи унга нисбатан жиддийроқ эҳтиёт чораси қўлланиши тўғрисида огоҳлантирилади.<sup>126</sup> И.Л.Петрухиннинг фикрига кўра, бундай эҳтиёт чораси қўлланган шахслар барча конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлар мажмуасидан фойдаланадилар. Бу чора билан қўлланиши мумкин бўлган бошқа чекловчи чоралар (кадрлар бўлимени, участка нозирини жалб қилиш ва бошқ.) қонунда назарда тутилмаган бўлиб, улар фуқаронинг шахсий эркинлигини жиддий ва сезиларли равишда чеклайди.<sup>127</sup>

Терговчи ва прокурор жиноятни текшириш жараёнида ходисанинг аҳамиятга эга бўлган барча ҳолатларини ўрганади. Эҳтиёт чораси тўғрисидаги масалани ҳал қилишда у қўлланадиган шахснинг келгусидаги хулқ-атворини ҳам баҳолашга тўғри келади. Шахснинг хулқ-атворини

<sup>126</sup> Васильева Е.Г. Меры уголовно-процессуального принуждения. –Уфа: БашГУ, 2003. –Б.69.

<sup>127</sup> Петрухин И.Л. Неприкосновенность личности и принуждение в уголовном процессе. –М.: Наука, 1989. –Б.224.

баҳолашга бошланғич маълумотлар билан бирга иш бўйича тўпланган жиноятнинг оғирлигини, айбланувчининг шахси, унинг айб шакли кабиларни характерловчи далиллар ҳам хизмат қиласи. Эҳтиёт чорасини танлаш масаласини тўғри ва асосли ҳал қилиш учун ишнинг барча фактик ҳолатларига баҳо бериш ҳамда шахснинг эҳтиёт чораси қўллашни тақозо этувчи эҳтимолий хулқ-атвори тўғрисида тўпланган маълумотлар асосида хулоса қилиш лозим.

Ўзбекистон Республикасининг ЖПКси МДҲ Парламентлараро Ассамблеяси томонидан ЖПК Модели қабул қилинишидан қарийб икки йил олдин қабул қилинган бўлса-да, юкоридаги тавсияларга мос эканлиги ва муайян афзалликлари борлигини мамнуният билан эътироф этиш лозим. Чунончи, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг бу ҳақдаги 250-моддаси «Ҳеч қаёққа кетиб қолмаслик» деган иборадан ҳоли, чунки муносиб хулқ-атворда бўлиш – шахснинг ижозатсиз ҳеч қаёққа кетиб қолмаслигини ҳам ўзида мужассамлантиради. Хусусан, мазкур модданинг матнида ана шу хулқ-атворнинг асосий жиҳатлари равshan ифодаланган: тергов ва суддан яширинмаслик; жиноят иши бўйича ҳақиқатни аниқлашга тўсқинлик қилмаслик; жиноий фаолият билан шуғулланмаслик; терговчи, прокурор ва суднинг чақируви билан етиб келиш; уларнинг ижозатисиз ўзи истиқомат қилаётган аҳоли пунктидан чиқиб кетмаслик; шу аҳоли пункти доирасида ўз истиқомат жойини ўзгартирса, бу ҳақда уларни хабардор қилиш.

Бундан ташқари, айбланувчи ёки судланувчи ўз зиммасига олган мажбуриятларини бузган тақдирда, унга нисбатан жиддий эҳтиёт чораси қўлланиши мумкинлиги тўғрисида огоҳлантирилади.

Эҳтиёт чорасини қўллаш зарурати тўғрисидаги масалани ҳал қилишда, шунингдек у ёки бу чорани танлашда терговчи, прокурор, суд ЖПКнинг 238-моддасида кўрсатилган ҳолатларни эътиборга олиши лозим. Бундай ҳолатларни ҳисобга олиш ва баҳолаш эҳтиёт чорасини қўллаш зарурати ва асослари мавжудлиги тўғрисидаги масалани тўғри ҳал қилишга, шунингдек улардан айбланувчининг, судланувчининг номуносиб хулқ-атворининг олдини олишга ёрдам беради.

Муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисида тилхат асосан қилмиши ва ўзи ижтимоий хавфли бўлмаган шахсларга нисбатан, яъни унинг эркинликда қолиши жиноят судлов ишларини нормал юритишга жиддий хавф туғдирмайдиган ҳолатларда қўлланилади.

Ушбу эҳтиёт чораси айбланувчи, судланувчининг тергов ва суддан яширинмаслиги ва муносиб хулқ-атворда бўлишини таъминлаши мумкин, аммо уни келажакда дастлабки тергов ёки суддан бўйин товладиган, яна жиноятлар содир қиласидиган ёки иш бўйича тергов ва судда иштирок этувчи шахсларга нисбатан гайрихуқукий таъсир ўтказадиган айбланувчига ва судланувчига нисбатан қўллаш ман этилади. Бундан ташқари бу эҳтиёт чораси муайян турар жойи бўлмаган шахсга нисбатан одатда қўлланилмайди.

**Кафиллик** ишончга лойик шахслардан айбланувчи, судланувчини муносиб хулқ-атворда бўлиши ва тергов ҳамда суд чақирганда ҳозир бўлиши ҳақида мажбуриятдир. Конун кафилликнинг икки турини назарда тутади: 1)

шахсий кафиллик; 2) жамоат бирлашмаси ёки жамоанинг кафиллиги (ЖПКнинг 251 ва 252-моддалари). Баъзи мамлакатларда ЖПК кафиллар камида икки кишидан иборат (Украина - 152, Қозогистон - 145, Қирғизистон - 106-модда), ҳатто 2-5 нафар (Молдова – 179-модда) бўлишини талаб қиласди.

Таъкидлаш жоизки, айбланувчи (судланувчи) зиммасига олган мажбуриятларнинг бирортаси ҳам унинг ҳуқуқини жиддий тарзда чекламайди. Тегишли хулқ-атвор деганда шахснинг процессуал мажбуриятларини бузмаслик тарзидаги хулқ-атвори тушунилади. Умумий ахлоқий меъёрларни бузиш эҳтиёт чорасини янада жиддийроғи билан ўзгартиришга олиб келмаслиги керак.

Кўпгина давлатларнинг процессуал қонунчилигига кафиллик фақат айбланувчининг чақирганда ҳозир бўлишини таъминлаш билан чекланади. Кафиллик мақсадини бундай тор доирада тушуниш эса мазкур эҳтиёт чорасининг самарадорлигини пасайтиришга олиб келади.

Қонун кафиллик эҳтиёт чораси сифатида танланганда айбланувчи (судланувчи)нинг иш ёки ўқиш жойидаги маъмурият хабардор қилинишини назарда тутмайди. Кафилликка берилган шахснинг яшаш жойидаги маъмурияти ва паспорт столини хабардор қилиш учун ҳам асос йўқ, чунки қонун унга яшаш жойидан ташқарига чиқишни тақиқламайди. Айбланувчи (судланувчи) терговчи ёки судни вақтинчалик кўчиш ёки яшаш жойини ўзгартиргани ҳақида хабардор қилиши кифоя.

Жамоат бирлашмаси ёки жамоанинг кафиллиги айбланувчи (судланувчи)ни иш, ўқищ, яшаш жойида қолишга, шунингдек жамоат бирлашмасида аъзоликни давом эттиришга мажбур қилмайди. Бироқ, унинг бошқа ишга ўтиши, ўқищ ёки яшаш жойини ўзгартириши мазкур жамоат бирлашмаси ёки жамоани кафил бўлиш мажбуриятидан воз кечишига ва бу тўғрисидаги қарорни (ажримни) бекор қилишига сабаб бўлиши мумкин. Бундай вазиятда кафилликни кафилликдаги шахс яшашга, ишга, ўқишига ўтган янги жамоат бирлашмасининг зиммасига юклаш (агар у бунга рози бўлса) тўғрисида қарор (ажрим) чиқариш, ёинки, бошқа эҳтиёт чорасини танлаш зарур. Эҳтиёт чораси дастлабкисидан жиддийроқ бўлмаслиги керак, чунки фақат бир ишдан ёки ўқишдан, яшаш жойидан бошқасига ўтиш айбланувчи (судланувчи)нинг процессуал ҳолатини ёмонлаштириш учун асос бўлолмайди.

Шубҳа йўқки, барча эҳтиёт чоралари каби кафиллик ҳам шахсни муайян хулқ-атвортага мажбурулайди. Кафиллик назоратга олиш билан боғлиқ чора сифатида айбланувчининг руҳиятига таъсир кўрсатиб, ундан нохуш оқибатлар келиб чиқиши таҳди迪 остида маълум ҳаракатлардан тийилишни талаб этади. Бундай оқибатлар икки хил бўлиши мумкин: суд томонидан айбланувчининг кафиллари ва қонуний вакилларига татбиқ этиладиган мулкий жазо ва баъзи бир маънавий талофатлар. Жумладан, терговчи, айбланувчи ва кафил ўртасида уч томонлама муносабат юзага келади. Кафил айбланувчининг рисоладагидек хулқ-атворини таъминлашга мажбур, лекин у айбланувчини қонунга итоат этувчи хулқ-атвортага мажбур этиш учун юридик

ваколатга эга эмас. Айбланувчининг нигоҳида кафил обрў-эътиборга эга, нуфузли шахс. У билан айбланувчи ўртасидаги муносабат ҳуқуқий тусга эга, лекин фақат ишончга асосланган. Айбланувчи ўзини кафилликка олган шахсга нисбатан мулкий ва маънавий тусдаги нохушликлар юз беришини хоҳламайди ва шу сабабдан рисолага зид хулқ-атвордан ўзини тияди. Агар айбланувчи ўзини рисоладагидек тутмаса, терговчи билан кафил ўртасидаги регулятив ҳуқуқий муносабат кескин тус олади. Демак, айбланувчининг ножӯя хулқ-атвори мазкур ҳуқуқий муносабатда юридик факт ролини ўйнайди ва бу нарса мазкур эҳтиёт чораларини қўллаш ёки ўзгартириш чоғида эътиборга олинади. Айбланувчи кафилнинг шаъни тўғрисида ташвиш чекиши ҳам етарлича жиловлаб туриш кучига эга эмас. Агар у ўзини рисоладагидек тутмаса, қамоқقا олиниши мумкинлиги хусусида хавфсираши асосий огоҳлантирувчи аҳамият касб этади.

Кафиллик ўрнатиш тўғрисида қарор (ажрим) чиқариш лозим. Қарор асосланган ва кафил тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган бўлиши керак. Қарор (ажрим) чиқаришдан олдин терговчи (суд) қонундан келиб чиқадиган ҳаракатларни амалга оширади. Кафил ишончли бўлиши керак. Кафилнинг шахси тўғрисидаги маълумотларни тўплаб ва текшириб, терговчи (суд) бунга қаноат ҳосил қилиши шарт. Кафилнинг шахси тўғрисидаги маълумотларни терговчи тезкор-қидирув органлари ёрдамида ҳам тўплаши мумкин. Жамоа кафиллигидан фойдаланиш мақсади бўлганда, кафилликни самарали амалга ошира олиши мумкинлигини белгилаш учун тегишли жамоат бирлашмаси ёхуд жамоадаги микромухит тўғрисида маълумотларни тўплаш зарур.

Қонунни кафиллик учун айбланувчининг ўзидан ҳам розилик олиш зарурлиги тўғрисида қоида билан тўлдириш керак. Бундай розиликсиз кафиллик самара бермайди. Кафилликни амалга ошириш учун ҳар икки тараф - айбланувчи ва кафилнинг ихтиёрий ҳоҳиш билдириши зарур. Шу боис айбланувчининг кафил билан ўзаро муносабатлари тўғрисидаги маълумотларни эътиборга олиш лозим бўлади.

Кафиллик тўғрисида тилҳат олиш учун терговчи ёки суд кафилликка олаётган шахсни чақиради. Жамоат бирлашмаси ёки жамоанинг вакили терговчи ёки судга ушбу бирлашма ёхуд жамоа айбланувчининг тегишли хулқ-атвори ва унинг чақириш бўйича ҳозир бўлишига кафил бўлиши тўғрисида ёзма мажбурият келтириши шарт. Кафил ёки унинг вакили, шунингдек айбланувчи мазкур эҳтиёт чорасининг танлангани тўғрисидаги қарор (ажрим) билан танишиб, имзо чекишлиари керак. Уларнинг ҳар бирига, агар улар илтимос қилса, ушбу хужжатдан нусха топширилиши лозим бўлади. Кейин терговчи (суд) яна бир карра кафилликка берилаётган билан кафил ўртасидаги ўзаро муносабатлар хусусиятини аниқлайди ва кафилни ишнинг моҳиятидан (айбловнинг оғирлиги, эҳтимолий жазо ва ҳоказо) хабардор қиласи. Таклиф қилинаётган таомилни қонунда аниқ акс эттирилиши мақсадга мувофиқ бўларди.

Жамоат бирлашмаси ёки жамоанинг кафиллиги дейилганда, айбланувчининг истиқомат жойи, ўқийдиган ёхуд меҳнат қиласиган жамоа

ёки у аъзо бўлган касаба уюшмаси ва бошқа бирлашмаларнинг кафиллиги тушунилади.

Кафиллик масаласини жамоат бирлашмаси ёхуд жамоа маъмурияти жамоа билан маслаҳатлашмаган ҳолда кўриб чиқиши одил судловнинг манфаатларига мос келмайди. Шу сабабли терговчи (суд) кафиллик ёки ундан воз кечиш масаласини қайта кўриб чиқиши учун жамоат бирлашмаси ёки жамоанинг умумий йиғилишини чақирилишини талаб қилишга ҳақлидир. Кафиллика берилаётган шахс жамоат бирлашмаси ёки жамоанинг йиғилишида қатнашиши мақсадга мувофиқ. Баъзан йиғилишда мазкур ишни юритаётган терговчи сўзга чиқади. Агар кафиллик тўғрисида асосланган қарор чиқариш учун зарур бўлса, жамоат бирлашмаси ёки жамоага ўз вакили орқали иш материаллари билан танишиш ҳуқуқи берилиши керак. Терговчи ёки судга умумий йиғилиш ўтказилгани, унда иштирок этганлар сони, сўзга чиққанларнинг мулоҳазалари ва овоз бериш натижалари кўрсатилган ҳолда йиғилиш раиси ва котиби томонидан имзоланган баённома ва шахснинг тегишлича хулқ-атворига кафиллиги тўғрисида бирлашма ёки жамоанинг ёзма мажбурияти юборилиши зарур.

Бирлашма ёки жамоанинг илтимоси терговчи (суд) учун мажбурий эмас, кафилликка бериш тўғрисидаги илтимос рад қилиниши мумкин. Шунингдек, шахс учун кафил бўлишни хоҳламаган, бирлашма ёки жамоага кафилликни зўрлаб ўтказиши мумкин эмас. Бирлашма ёки жамоа факат ўз аъзолари учун кафил бўлиши мумкин, ўзи билмайдиган ва хулқ-атворини назорат қилмайдиган шахс учун кафил бўла олмайди.

Жамоат кафиллигининг характерли хусусияти – айбланувчи (судланувчи)нинг тегишлича бўлмаган хулқ-атвори учун кафилнинг ҳуқуқий жавобгарлиги мавжуд эмаслигидир. Бироқ бу нарса уни самарасиз қилмайди. Шахс учун жамоанинг ишончи шахсий кафилликдан кўра анча қимматлидир. Жамоага панд бермаслик, унинг ишончини оқлаш хоҳиши кафилликка берилувчининг тегишлича хулқ-атворининг жиддий омили бўлиб хизмат қиласи.

**Гаров** тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш амалиёти ҳам йилдан йилга ўсиб бориш тенденциясига эга. Масалан, Ўзбекистон Республикаси ИИВ Тергов бошқармаси тизимининг терговчилари томонидан 2001 йилда Республика бўйича айбланувчиларга нисбатан гаров чораси 3234 маротаба қўлланган бўлса, 2002 йилда бу кўрсаткич 101,5% га ўсади.

Дастлабки терговда гаровни қўллаш ниҳоятда ижобий қабул қилинди, айбланувчи ва жабрланувчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини муҳофаза этишда янги ижобий жиҳатлар намоён бўлди. Ўзбекистон Республикаси жиноят-процессуал назариясида эса гаров институтидан бевосита ярашув институти шаклланганлигини таъкидлаш лозим. Ярашув институти эса молиявий-иктисодий жиҳатдан жиноят процессида ниҳоятда самарали кўрсаткичлар бераётганини эътироф этиш керак.

Гаров эҳтиёт чорасини қўллаш орқали қўйидаги афзалликларга эришилади:

1. Тергов ҳибсхоналарининг фаолияти енгиллашади, яъни у қамоқقا

олинганлар билан тўлиб кетмайди. Натижада қамоққа олинганларни сақлаб туриш учун давлат томонидан ажратиладиган маблағлар тежалади ва ушбу ресурсларни жиноий-ижроия тизимини такомиллаштиришга йўналтириш имконияти вужудга келади.

2. «Турма университетлари»<sup>128</sup> бартараф этилади, яъни биринчи марта жиноят йўлига кирган шахс ашаддий жиноятчилар билан мулоқотда бўлмайди, янги жиноий танишувлар ва алоқалар ўрнатмайди, жиноят содир этиш малакасини оширмайди.

3. Гаровни қўллаш орқали жиноий-ижроия муассасаларига тушган шахс орттириши мумкин бўлган оғир юқумли касалликлар тарқалишининг олди олинади.

4. Ниҳоят, гаров айбланувчи шахсга тарбиявий таъсир кўрсатади, у одатий оиласидан даврасида қолиб, ўз қилмишининг зарарли эканлигини тезда англаб етади.

Шунинг учун муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисидаги тилхат ва қамоққа олиш эҳтиёт чораларига нисбатан гаровнинг самараси анча юқори, деган фикрларга тўлиқ қўшиламиз.<sup>129</sup>

Ваколатли органлар ва судга бу чорани янада кўпроқ қўллашга қандай муаммолар тўсқинлик қилмоқда?

Қонунда гаров фақат айбланувчи ва судланувчига нисбатан қўлланилиши кўрсатилган. Россия Федерацияси, Украина, Беларус, Қозогистон, Эстония ва баъзи давлатлар қонунчилигига бу чора гумон қилинувчига ҳам қўлланиши назарда тутилган. ЖПКнинг 226-моддасининг 2-қисмида прокурорнинг рухсати билан гумон қилинувчига нисбатан эҳтиёт чораси сифатида қамоқ қўлланиши мумкин. Бизнингча, мана шу қоида бўйича қамоққа олинган гумон қилинувчи ҳам гаров эвазига очиқда қолиш ҳукуқига эга бўлиши керак. Шунинг учун, ЖПК 249-моддасининг 1-қисмида айбланувчи, судланувчи билан бир қаторда гумон қилинувчига ҳам кўрсатилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Гаров суммаси энг кам ойлик иш хақининг йигирма бараваридан оз бўлиши мумкин эмас ва уни суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд айловнинг оғирлигини, айбланувчининг, судланувчининг ва гаровга қўювчининг шахсини, гаровга қўювчининг мулкий аҳволини ва унинг айбланувчи билан билан муносабатларини эътиборга олиб белгилайди. Бу қоиданинг ҳам икки томонига нисбатан муносабат билдиromoқчимиз. 1) Суриштирув олиб бориш вақтида кўпгина маълумотлар тўлиқ аниқланмаган бўлади. Айбланувчининг шахси тўғрисидаги маълумотлар асосан дастлабки тергов босқичида шаклланади. Зарурий тергов ҳаракатларини ўтказиш ва сўроқ жараёнлари натижасида терговчи айбланувчининг моддий аҳволини баҳолаш учун етарли асосларга эга бўлади. Прокурор ҳам айлов хulosasi билан танишиб, уни тасдиқлаш чоғида бу имкониятга эга бўлади. Суд ўзига

<sup>128</sup> Заман Ш., Лебедева Н. Некоторые проблемы использования залога как меры пресечения в уголовном процессе России. // Российский судья. -2004. -№4. -Б.17.

<sup>129</sup> Қаранг: Камакин А. На свободу с чистым кошельком. /URL:<http://www.itogi.ru>; Лаврентьев Д. В защиту залога и поручительства. /URL:<http://www.nasled.ru>.

юборилган материаллар асосида гаров миқдорини аниқлаши шахснинг хуқуқ ва қонуний манфаатларини қўшимча кафолатлашга хизмат қиласди. Фикримизча, юқоридаги ҳолатларни эътиборга олиб, суриштирувчини гаров миқдорини белгиловчи мансабдор шахслар рўйхатидан чиқариш лозим. 2) Гаровнинг энг кам миқдори бугунги қунда у 100 минг сўмдан ортиқ суммани ташкил этади ва ахолининг баъзи қатламлари учун бу маблағни тўлаш ҳам оғирлик қилиши мумкин.

Гаровни жабрланувчиларга етказилган заарни қоплаш учун ишлатилиши мумкин, деган фикр-мулоҳазалар ҳам билдирилмоқда.<sup>130</sup> Бизнингча, гаровдан ЖПКнинг 236-моддасида кўрсатилган мақсадлардагина фойдаланиш лозим.

Қонун чақирав бўйича айбланувчининг ҳозир бўлишини таъминлашда гаровни тақдим қилишга ваколатли шахслар доирасига нисбатан ҳеч қандай чеклашларни назарда тутмайди. Баъзи бир ҳолатларда буларни айбланувчининг ўзи, бошқа ҳолатларда эса унинг қариндошлари ёки бошқа фуқаролар амалга ошириши мумкин. Шу билан бирга охирги шахслар фақатгина белгиланган пул суммасини ёки қимматбаҳо буюмлар суднинг депозитига киритиш билан чекланмай, чақирав бўйича айбланувчининг ҳозир бўлишини ҳам таъминлашлари керак. Гаровга қўювчининг бу имкониятларини аниқлаш терговчининг гаровни қабул қилиш ёки уни рад қилиш тўғрисидаги қароридан илгари ҳал қилиниши керак.

Гаровга қўювчи сифатида турли бирлашмалар ҳам иштирок этиши мумкин. Уларга Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мавжуд бўлиши назарда тутилган диний бирлашмалар, шунингдек мамлакатимиз худудида амал қилувчи қонун асосида фаолият юритувчи хорижий давлатларнинг миссиялари, муассасалари, бирлашмалари киради. Гаровни юридик шахслар томонидан берилиши хусусида ҳам айрим эътиrozлар бор. Бу юридик шахслар давлат ташкилотлари, муассасалари эмаслигини қонунда алоҳида қайд этиш лозим, деб ўйлаймиз. Чунки давлат тасарруфидаги маблағлар бундай мақсадларда сарф этилиши керак эмас.<sup>131</sup>

Тергов ёки суд органларининг чақиравига биноан айбланувчи (гумон қилинувчи)нинг ҳозир бўлишини таъминлашда гаровни таклиф қилиш, шубҳасиз, ноқонуний ҳаракат ҳисобланиши мумкин. Шу билан бирга, гаров чорасини қўллашни асоссиз бекор қилиш жиноий судловни юритиш вазифаларига зид равишда давлатга зарар етказилишига сабаб бўлади.

Гаровни қўлланишидаги муаммолардан яна бири тергов органлари ва судларда ушбу институтни амалга оширишдаги кенг оммалашган тажрибанинг мавжуд эмаслигидир. Бу қўпроқ чекка худудларга тааллуқли бўлиб, у ерларда фақат илгари синовдан ўтган эҳтиёт чоралари қўпроқ қўлланиб келинмоқда. Ушбу салбий ҳолатни бартараф этиш учун, бизнингча,

<sup>130</sup> Неутов В.Д. Целесообразность применения денежного залога в качестве меры пресечения. –М.: 2001, -Б.113; Руднев В. Залог в России, «бэйл» в США: сравнительный анализ// Российская юстиция. -1998. -№4.-Б.22.

<sup>131</sup> Тўлаганова Г.З. Жиноят процессида эҳтиёт чораларининг қўлланиши муаммолари: Юридик фанлари номзоди... дисс. автореф. –Т.: ТДЮИ, 2004.-22 б

гаровнинг салбий жиҳатларини яширгаган ҳолда, унинг ижобий томонлари тўғрисида хуқуқ-тарфибот ишларини ривожлантириш даркор.

**Вояга етмаганларни кузатув остига олиш учун топшириш** (ЖПКнинг 253-моддаси) бошқа эҳтиёт чораларидан фарқли ўлароқ, фақат 18 ёшга етмаган айбланувчиларга нисбатан қўлланилиши мумкин.<sup>132</sup> Ушбу чора ўз моҳиятига кўра кафилликка ўхшайди. Масалан, вояга етмаганнинг номуносиб хулқ-атвори учун унинг ота-онаси васий ва ҳомий, шахсий кафил сингари масъулдир.

Эҳтиёт чораси сифатида вояга етмаган айбланувчиларни кузатув остига олиш учун топшириш ЖПКнинг 237, 253, 555 ва 556-моддаларида назарда тутилган. ЖПКнинг 253-моддасида моҳиятан маҳсус икки мустақил эҳтиёт чораси кўзда тутилган: 1) вояга етмаган айбланувчини ота-онаси, васийлари, ҳомийларига кузатув остига олиш учун топшириш ва 2) вояга етмаган айбланувчини болалар муассасасининг маъмурияти кузатув остига олиши учун топшириш. Бир вақтнинг ўзида уларнинг иккиси қўлланилмайди.

Вояга етмаганларни кузатув остига олиш учун топширишда ота-онаси, васийлар, ҳомийлар ёки болалар муассасаси маъмуриятидан вояга етмаган айбланувчини терговчи, прокурор ҳузурига ва судга ўз вақтида келиши, уни ЖПКнинг 46-моддасида назарда тутилган барча мажбуриятларни бажаришини таъминлаши ҳақида ёзма равишда тилхат олинади. Бундай мажбуриятни ўз зиммасига олаётган шахслар вояга етмаган айбланувчига эълон қилинган айбловнинг моҳияти ҳамда айбланувчини тергов органлари ёки судга ўз вақтида келмаслиги ҳолларида жавобгарлиги ҳақида огоҳлантирилади.<sup>133</sup>

Кузатув остига бериш чораси фақат ота-оналар, васийлар, ҳомийлар розилиги билан қўлланилиши мумкин, акс ҳолда вояга етмаганларни қайта тарбиялаш ҳақида гапириш қийин бўлар эди.<sup>134</sup> Конунда ота-оналар (васийлар, ҳомийлар) томонидан кузатув остига олиш бўйича мажбурият олишни рад этиш кўзда тутилмаган бўлса-да, бундай ҳол юз бериши мумкин. Терговчи ва суд томонидан кузатув остига бериш чораси танланаётганида юқоридаги ҳолатлар, ҳамда ушбу шахслар ўз вазифаларини қай даражада бажаришлари, вояга етмаган шахсга тўғри тарбиявий таъсир кўрсата олишлари аниқланиши керак. Акс ҳолда вояга етмаган айбланувчини ЖПКнинг 556-моддасида кўрсатилган шахсларга кузатув остига олиш учун топшириш самара бермайди.

Агар вояга етмаган ўз ота-онаси (васийлари, ҳомийлари) назоратидан четда бўлса ёки улар узрли сабабларга кўра (касаллиги ёки узоқ хизмат сафари) кузатувга остига олиш бўйича мажбуриятларни бажариш учун имконияти бўлмаса, бундай эҳтиёт чорасини танлаш нафақат самарасиз,

<sup>132</sup> БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1989 йил 20 ноябрда қабул килган Болалар хуқуки тўғрисидаги Конвенцияга кўра, тегишли қонунчиликда кўрсатилган ҳолатларда бу муддатни 19 ёшгача узайтириш имконияти назарда тутилади. (Қаранг: Международные акты. –М.: Юристъ, 2000. –Б.208).

<sup>133</sup> Ирсалиев А. Вояга етмаганларнинг ишларини судда юритиш. –Т.: ТДЮИ, 2003. – Б.56-62.

<sup>134</sup> Ўзбекистон Республикасининг жиноят процесси. Дарслик / Б.А.Миренский, А.Х.Рахмонқулов, Ж.Камолходжаев, В.В.Қодирова. –Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2004. –Б. 189.

балки заарли ҳамдир. Шунингдек, агар вояга етмаганни кузатувга олган шахс кейинчалик ўз бурчларини бажаролмайдиган ҳолатда бўлса, уни бошқа шахснинг кузатувига бериш керак бўлади.

Ота-она, васий, ҳомий, жамоат ташкилоти ёки жамоа дастлабки тергов мобайнидаёқ айбланувчини тўғри йўлга солиш ва қайта тарбиялаш мақсадида у билан тарбиявий ишлар олиб бориш имкониятига эга бўлиши талаб қиласди. Ушбу эҳтиёт чораси вояга етмаган айбланувчи мактаб, корхона, бирлашма, жамоа билан алоқасини йўқотмаган ҳамда, содир этган жинояти ва унинг шахсини тавсифловчи хусусиятлари қамоқقا олишни истисно қиладиган ҳолларда ўзини оқлайди.

Қонунда вояга етмаган айбланувчи ота-оналардан айнан қайси бирига, болалар муассасаси маъмуриятидаги қайси тоифа ёки лавозимдаги шахсларга кузатув остига олиш учун топширилиши лозимлиги кўрсатилмаган. Фикримизча, айбланувчини кузатув остига олиш бўйича мажбуриятлар ота-онанинг бирига ёки иккисига ҳам, болалар муассасаси маъмуриятидаги тарбиячи шахслардан бирига топширилиши мумкин.

Қонунда вояга етмаган айбланувчи фарзандликка олувчига кузатув остига олиш учун топширилиши мумкин деб маҳсус кўрсатишга ҳожат йўқ. Фарзандликка олувчи ўзининг ҳуқуқий ҳолатига кўра ота-оналарга тўлиқ тенглаштирилади.

Фикримизча, вояга етмаганларни бошқа яқин қариндошларига ҳам ўз зиммасига айбланувчини муносиб хулқ-атворда бўлишини ҳамда тергов органлари ва суднинг чақиравига биноан келишларини таъминлаш бўйича мажбуриятларни олиш ҳуқуқини бериш лозим. Масалан, иш ҳолатларини ҳисобга олган ҳолда вояга етмаган айбланувчини кузатув остига олиш учун унинг вояга етган акаси, опаси, бобоси, бувисига топширилиши мумкин.

ЖПКнинг 254-моддасида назарда тутилган эҳтиёт чораси - **ҳарбий хизматчининг хулқ-атвори устидан қўмондонлик кузатуви** - ҳозирги замон талабларига жавоб берувчи самарали чора бўлиб, жиноят содир этган аскарнинг ўз жамоасида қолишига имкон беради ва профилактик аҳамиятга эга. Ҳуқуқий моҳияти жиҳатидан бу эҳтиёт чораси кафилликнинг ўзига хос тури бўлиб, айбланувчи, судланувчи муносиб хулқ-атворда бўлишини ҳарбий қисм қўмондонлиги ҳарбий низомларда белгиланган чоралар воситасида таъминлайди. Қўмондонлик кузатуви ўз мазмунига кўра бирор лавозимни эгалламаган оддий ҳарбий хизматчига қўлланиши мумкин. У муддатли ҳарбий гарнizonда хизматни ўтаётган ёхуд ҳарбий ўқув йиғинига чақирилган ҳарбий хизмат ўташга мажбур шахс бўлиши кўзда тутилади ва бундай шахс айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилинган бўлиши лозим. Аниқроғи, каттами-кичичими, ҳарбий қўмондонларга ва гумон қилинган шахсга бу чора қўлланиши мумкин эмас. Амалиётда кўрсатилган талабга риоя қилмаслик ҳолатлари оз бўлса-да, учраётгани сабабли, Кодексда тегишли тақиқ кўрсатиб ўтилиши мақсадида мувофиқ.

Қўмондонлик кузатуви айбланаётган ҳарбий хизматчи келгусида содир этиши эҳтимол қилинган жиной фаолиятининг олдини олиш, терговга тўсқинлик қилмаслигини таъминлаш мақсадида терговчининг қарори ёки

суднинг ажрими асосида қўлланади. Бунинг учун айбланувчининг кузатувни амалга оширувчи қўмондонидан розилик олиш талаб қилинмайди. Аксинча, баъзи мамлакатларда ушбу эҳтиёт чорасини қўлланиши учун айбланувчи, ҳатто гумон қилинган шахсдан розилик олиш шарт деб ҳисобланади (РФ ЖПКнинг 104-моддаси). Конун талабига кўра, терговчи ёки суд ушбу эҳтиёт чораси қўллангани ҳақида ҳарбий қисм қўмондонига дарҳол хабар бериши лозим. Ўз навбатида кузатувдаги шахс ўз мажбуриятларини бажармаса ва тартибни қўпол тарзда бузса, бу ҳақда ҳарбий қўмондонлик шу эҳтиёт чорасини қўллаган терговчига ёхуд судга хабар бериши лозим. Бундай қоида Қирғизистон ЖПКда бор ва у бизнинг Кодексга ҳам киритилиши тўғри бўларди. Маълумки, ҳарбий хизмат ва ҳарбий йиғинлар муайян муддатда тугайди. Баъзан ана шу муддат жиноят иши бўйича тергов ва суд тамом бўлмасдан олдин тугаб қолиши мумкин. Шу муносабат билан қўмондонлик кузатувидағи шахсни ҳарбий хизмат ёки йиғинлардан бўшатиш учун эҳтиёт чорасини қўллаган терговчи ёхуд суддан рухсат олиниши тўғрисида ЖПК тўлдирилиши лозим.

Агар ҳарбий хизматчи оғир ёки ўта оғир жиноят содир этишда айбланаётган бўлса, уни қисмнинг маҳсус тартибли хонасига жойлаштирилиб, доимий назорат ўрнатилади. Қўмондонлик кузатуви остидаги ҳарбий хизматчини тергов, прокуратура, суд идораларига куролланган соқчилар олиб боради ва олиб келади. Агар ҳарбий хизматчининг соғлиғига шикаст етказилган бўлса, навбатчи уни дарҳол медицина шифокорига олиб бориб, тиббий кўриқдан ўтказади ва шифокорнинг ёзма хулосаси билан қисм командирига хабар беради.

Қўмондонлик кузатуви остидаги ҳарбий хизматчининг ота-оналари, қариндошлари ёки бошқа шахслар билан кўришиши кузатувни қўллаган терговчи ёхуд суднинг рухсати билан амалга оширилади. Ҳарбий қисм қўмондони кузатув қоидаларини бузгани ҳолда Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучларининг Уставига асосан жавобгарликка тортилади.

Ҳар қандай эҳтиёт чораси қатъий белгиланган мақсадга эга. У, башарти унда кейинчалик зарурат бўлмаса, бекор қилинади ёки жиддийроғи билан ёхуд иш ҳолатлари тақозо этган тақдирда енгилроғи билан алмаштирилади.

Жиноят ишини тугатиш, оқлов ҳукми чиқариш, жазо тайинламасдан ёки жазодан озод қилиш билан айблов ҳукми чиқариш илгари танланган эҳтиёт чорасини бекор қилишнинг асослари ҳисобланади. Масалан, агар гумон қилинувчи ёки айбланувчи ўзининг ҳеч қаёққа кетмаслик ҳақидаги мажбуриятини бузганда эҳтиёт чораси қаттиқроғига ўзгартирилади.

Эҳтиёт чорасини бекор қилиш ёки ўзгартириш суриштирувчи, терговчи ёки прокурорнинг қарори билан, иш судга топширилганидан кейин эса - суднинг ажрими билан амалга оширилади (ЖПКнинг 240-моддаси).

Прокурорнинг эҳтиёт чорасини танлаш, ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақида берган ёзма кўрсатмалари суриштирув ва дастлабки тергов органи томонидан дарҳол ижро этилиши керак (ЖПКнинг 382-моддаси). Иш судга топширилганидан кейин фақат суд эҳтиёт чорасини бекор қилиш ёки ўзгартиришга ҳақли (ЖПКнинг 396, 422-моддаси). Жиноят ишини

кўзғатганда ёки қўшимча тергов юритиш учун ишни юборганда суд томонидан танланган эҳтиёт чораси (ЖПКнинг 416, 417-моддаси) суриштирувчи, терговчи ва прокурор учун мажбурий ҳисобланмайди ҳамда улар томонидан белгиланган тартибда бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши мумкин.

Эҳтиёт чораси тариқасида қамоқда қонунга хилоф равишда сақлаб туриш туфайли шахсга етказилган зиён, башарти унга нисбатан оқлов ҳукми чиқарилган бўлса ёки жиноят иши реабилитация асосларига кўра тутатилган бўлса, суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг айбидан қатъи назар, давлат томонидан тўлиқ ҳажмда қопланади.

## **5.5. Лавозимдан четлаштириш**

ЖПКнинг 255-моддасида назарда тутилган лавозимдан четлаштириш жиноят-процессуал мажбурлов чораси сифатида аник ифода этилган ўзига хос хусусиятларга эга. Кўриб чиқилаётган бу процессуал мажбурлов чораси, башарти айбланувчи, судланувчи ўз иш жойида қолса, у жиноят иши бўйича ҳақиқатни аниқлашга, жиноят оқибатида етказилган заарни қоплашга тўсқинлик қиласи ёки жиноий фаолиятини давом эттиради деб ҳисоблашга етарли асослар бўлса, қўлланилиши мумкин. Бунда айбланувчи, судланувчи мансабдор шахс бўлиши керак. Мансабдор шахс ва масъул мансабдор шахс тушунчаси Жиноят кодексининг 8-бўлимида берилган. Қуйидагилар масъул мансабдор шахслар ҳисобланади:

- 1) ҳокимият вакиллари;
- 2) давлат корхонаси, муассасаси ёки ташкилотларида сайлаш ёки тайинлаш бўйича доимий ёхуд вақтинча ташкилий бошқарув маъмурий-хўжалик вазифаларини бажариш билан боғлиқ лавозимларни эгаллаб турган ва юридик аҳамиятга эга ҳаракатларни содир этишга ваколат берилган шахслар;
- 3) мулкчиликнинг бошқа шаклларидағи корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг раҳбарлари, давлат бошқаруви юзасидан белгиланган тартибда ҳокимият ваколати берилган жамоатчилик вакиллари;
- 4) иккинчи бандда назарда тутилган вазифаларни фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида бажариш билан боғлиқ мансабларни эгалловчи шахслар.

Айбланувчини, судланувчини лавозимдан четлаштириш асослари жиноят иши материалларида шахс ўзи эгаллаб турган хизмат ҳолатига кўра жиноий фаолият олиб бориш (давом эттириш, масалан хизмат бўйича бундай шахсга бўйсўнган вояга етмаганларни ичкиликбозликка жалб этиш) ёки жиноят иши бўйича холис ҳақиқатни аниқлашга тўсқинлик қилиш (у ёки бу ҳужжатларни олиб қўйиш ёки мазмунини ўзгартириш, хизмат бўйича бўйсунувидаги гувоҳлар ва жабрланувчиларга улар сўроқ қилинганда ўзига қулай бўлган кўрсатувлар бериши мақсадида руҳий таъсир этиш) истагида бўлганлиги ҳақида гувоҳлик берувчи ҳақиқий маълумотлар тўплами мавжудлиги билан вужудга келиши керак. Жабрланувчини, судланувчини

лавозимдан четлаштириш тўғрисида қарор қабул қилиб, суриштирувчи, терговчи, прокурор бу ҳақда қарор чиқаради, суд эса ажрим чиқаради.

Суриштирувчи, терговчининг бу ҳақдаги қарорига прокурор розилигини олиш ҳам зарур (ЖПКнинг 256-моддаси). Қарорда ёки ажримда қуйидагилар кўрсатилади: лавозимдан четлаштирилладиган шахс; унинг иш жойи; лавозимдан четлаштириш асослари; шунингдек, корхона муассаса, ташкилотнинг ваколатли раҳбарларига шахсни лавозимдан четлаштириш тўғрисида йўналтирилган талаб. Қарор ёки ажрим албатта асосланган бўлиши керак.

Айбланувчини лавозимдан четлаштириш тўғрисидаги қарорда прокурор рухсатини олиши керак (ЖПКнинг 256-моддаси). Прокурор томонидан бундай қарорнинг қонунийлиги ва асосланганлигини текшириш мансабдор шахсларни асоссиз айловлардан ҳимоя қилишнинг муҳим, зарур кафолати ҳисобланади, бутун давлат аппаратини мустаҳкамлаш ишига хизмат қилади. Айбланувчини, судланувчини лавозимдан четлаштириш тўғрисидаги қарор ёки ажрим, бундай чорага кейинчалик зарурат қолмаган тақдирда, суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд томонидан бекор қилади (ЖПКнинг 257-моддаси). Суд оқлов хукмида ёки ишни тугатиш тўғрисидаги ажримида судланувчини лавозимдан четлаштиришни бекор қилади.

Лавозимидан четлаштирилган айбланувчи, унинг ҳимоячиси, қонуний вакили, шунингдек лавозимдан четлаштирилган шахс ишлаган корхона, муассаса, ташкилотнинг раҳбари юқори турувчи прокурорга ушбу қарор устидан шикоят қилишга ҳақлидир. Манфаатдор шахслар ҳам судланувчини лавозимидан четлаштириш тўғрисидаги суднинг ажрими устидан юқори судга хусусий шикоят бериш ҳуқуқига эга (ЖПКнинг 258-моддаси). Агар шахснинг лавозимдан четлаштирилиши қонунга хилоф бўлса, бу шахсга етказилган зиён тўла ҳажмда қопланади (ЖПКнинг 260-моддаси). Бу нарса унга нисбатан оқлов хукми чиқарилган ёки у жиноят содир этишга алоқадор бўлмаган; унинг қилмишида жиноят таркиби бўлмаган; жиноят иши қўзғатилган ҳамда тергов олиб борилган ёки суд муҳокамаси ўтказилган ишда жиноят ҳодисаси бўлмаган ҳолларда юз беради.

Лавозимдан четлаштириш вақтинчалик чора бўлиб, у фақат жиноят ишини тергов қилиш ва судда ҳал қилиш даврида қўлланилади. Уни жиноий жазо турлари ҳисобланадиган лавозимдан бўшатиш, муайян лавозимларни эгаллаш ҳуқуқидан ёки муайян фаолият билан шуғуланишдан маҳрум этиш билан аралаштириш мумкин эмас. Тўғри қўлланилган тақдирда у, одатда, самарали чора ҳисобланади. ЖПКнинг 259-моддасида мансабдор шахсларни лавозимдан четлаштиришнинг алоҳида тартиби назарда тутилган. Унга кўра суриштирувчи, терговчи ва прокурор, башарти улар ишда айбланувчи, судланувчи тариқасида иштирок этиш учун жалб қилинган бўлсалар, лавозимдан четлаштирилган ҳисобланади.

## 5.6. Мажбурий келтириш

Жиноят ишларини судда кўриш жиноят процессуал фаолият доирасига жалб этилган барча шахс ва органларнинг фаол иштироки заруратини назарда тутади. Жиноят ишларини судда кўришнинг у ёки бу иштирокчиларининг ўз процессуал мажбуриятларини бажаришдан бош тортиши иш бўйича холисона ҳақиқатни аниқлашга ҳамда одил судловни амалга оширишга жиддий тарзда халақит бериши мумкин. Шу боисдан ҳам қонун чиқарувчи тергов ва суд органларига шахсларни нафақат чақириш тартибини бирма-бир тартибга солади, балки уларни таъминлаш эҳтимоли бўлган воситаларни ҳам назарда тутади. Бундай воситалардан бири мажбурий келтиришdir.

Мажбурий келтириш жиноят-процессуал мажбурлов чорасидир. У тергов ва суд органларига чақирув бўйича келмаётган шахсни мажбурий келтиришдан иборатdir. Амалдаги жиноят-процессуал қонун ҳужжатларига кўра, жиноят ишини юритиш муносабати билан суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд томонидан белгиланган тартибда чақирилган шахслар айнан кўрсатилган вақтда ҳозир бўлишлари шарт. Узрсиз сабабларга кўра келмаганлари тақдирда улар мажбурий келтириладилар (ЖПКнинг 261-моддаси).

Амалдаги жиноят-процессуал қонун ҳужжатлари гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, жабрланувчи, гувоҳга нисбатан мажбурий келтиришни қўллаш мумкинлигига, башарти улар узрсиз сабабларга кўра келишдан бош тортганлиги аниқланган тақдирда, йўл қўйилади (ЖПКнинг 262-моддаси 1-к.).

Бу ҳолларда мажбурий келтириш қароридан олдин қўйидагилар амалга оширилади: биринчидан, шахснинг қонунда назарда тутилган тартибда ва шаклларда амалга оширилган тегишли органга чақирилиши; иккинчидан, чақирилаётган шахсда келмаслик учун узрли сабаблар йўқлигининг аниқланиши.

Тергов ва суд органларига гувоҳни, жабрланувчини, гумон қилувчини ва озодликда юрган судланувчини чақириш тартиби ЖПКнинг 97-моддасида тартибга солиниб, унда белгиланадики, юқорида айтиб ўтилган шахслар чақирув қофози билан чақирилади. Чақирув қофози почта орқали жўнатилади ёки чопар орқали топширилади. Чақирув телефонограмма, телеграмма, радиограмма билан ёки телефакс орқали ҳам бўлиши мумкин. Тергов ҳибсхонасида, вақтинча қабул қилиш-тақсимлаш қабулхоналари, жазони ижро этиш ёки тарбия колонияларида сақланаётган шахслар шу муассасаларнинг маъмурияти орқали чақиртирилади (ЖПКнинг 97-моддаси 4-к.).

Қуйидагилар шахс чақирув бўйича келмаслигининг узрли сабаблари деб тан олинади:

- 1) чақирилаётган шахсни келиш имкониятидан маҳрум этадиган касаллик;
- 2) чақирув қофозини ўз вақтида олмаслик;
- 3) белгиланган муддатда шахсни келиш имкониятидан маҳрум этадиган бошқа ҳолатлар.

Чақирувлар бўйича келиш имкониятидан маҳрум этадиган касаллик тиббий муассасада ишлайдиган шифокор томонидан тегишли ҳужжатда тасдиқланиши керак. Айбланувчи томонидан чақирав қоғозини ўз вақтида олмаслик чақирав қоғозида уни олиш вақти тўғрисидаги белги билан ёки чақирав қоғозини топшириш учун олган шахснинг тушунтириши билан тасдиқланади. Чакирав қоғозида кўрсатилган муддатда келиш имкониятидан маҳрум этадиган бошқа ҳолатларга транспорт ҳаракатининг бузилиши, фавқулоддаги ҳолатлар (ёнғин, тошқин, зилзила ва шу кабилар), касалга қарашни бирон шахсга топшириш имконияти бўлмагандаги оила аъзосининг касаллиги ва ҳоказолар киради.

Бундай узрли сабабларнинг тўлиқ рўйхатини қонунда белгилаш мумкин эмас. Ҳар бир муайян ҳолда бу масала маълум ҳолатларга кўра ҳал этилади.

Мажбурий келтиришни қўллаш мумкинлиги чақирувлар сони билан эмас, балки чақирилган шахснинг узрли сабаблар бўлмаган тақдирда келмаганлиги билан белгиланади. Бу ҳолатларни аниқлаб, дастлабки тергов ва суриштирув органлари, шунингдек суд келмаган шахсга нисбатан такроран чақирмасдан мажбурий келтиришни қўллашга ҳақли.

Гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчига нисбатан бундан ташқари олдиндан чақирувсиз мажбурий келтириш қўлланилиши мумкин (ЖПК 262-моддаси 2-қ.). Кўрсатилган шахслар суриштирув, дастлабки тергов ва суддан яшириниб юрган ёки аниқ яшаш жойи бўлмаган тақдирда бунга йўл қўйилади.

Ҳар бир ҳолда мажбурий келтириш учун асос бўлиб хизмат қилган ҳолатлар жиноят иши материалларида ҳамда мажбурий келтириш тўғрисидаги қарорда ўз аксини топиши керак.

ЖПК да мажбурий келтиришни процессуал расмийлаштириш лозимлиги мустаҳкамлаб қўйилган (ЖПКнинг 263-моддаси). Суриштирувчи, терговчи, прокурор мажбурий келтириш тўғрисида қарор, суд эса ажрим чиқаради. Ушбу қарорда ёки ажримда: мажбурий келтириши керак бўлган шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми; унинг процессуал мавқеи; яшаш ёки иш жойи; мажбурий келтириш учун асослар; шахсни қаерга ва қачон олиб келиш кераклиги; мажбурий келтириш кимга топширилганлиги кўрсатилган бўлиши лозим.

Мажбурий келтириш тўғрисидаги қарор ёки ажрим ижро этиш учун иш юритилаётган жойдаги ички ишлар органига топширилади. Мажбурий келтирилиши лозим бўлган шахсни топиб, ички ишлар органининг ходими уни қарор ёки ажрим билан таништириб, тилхат олади ва мазкур қарорни ёки ажримни чиқарган терговчига, прокурор ёхуд судга олиб келади. Бунда қарорга ёки ажримга шахс топилган вақт ва жой ҳамда уни олиб келиб топширилган вақт, шунингдек унинг мажбурий келтирилиши билан боғлиқ ариза, шикоят ва илтимослар ҳақидаги маълумотнома илова қилиниши лозим.

Ички ишлар органи шахснинг қочиб кетганлиги, таътилда, хизмат сафарида эканлиги, оғир касаллиги ёки бошқа сабабларга кўра йўқлиги оқибатида мажбурий келтиришга имкон бўлмаганлигини аниқласа, бу ҳақда

маълумотнома тузади ҳамда қарорни ёки ажримни чиқарган суринтирувчи, терговчи, прокурорга ёки судга хабар беради. (ЖПКнинг 264-моддаси).

## 5.7. Шахсни тиббий муассасага жойлаштириш

Жиноят ишларини тергов қилишнинг ҳал этилишида кўпинча фан, техника, санъат ёки ҳунармандчиликка оид маҳсус билимларни талаб этадиган масалалар юзага келади. Бундай ҳолларда терговчилар экспертиза ўтказишга қарор қиласидар. Барча экспертизалар орасида суд-тиббиёт ҳамда суд-психиатрия экспертизалари катта ўрин тутади.

Стационар шароитида психиатрия ёки ўзга тиббиёт кузатуви зарурати айланувчи (судланувчи) касалланишининг умумий кўриниши мураккаб ҳамда тўғри ташҳис узоқ ёки қисқа муддатли шахснинг шифокор-экспертлар кузатуви остида бўлган тақдирда қўйилиши мумкин бўлган ҳолларда вужудга келади. Эҳтимоли кутилаётган касалланиш хусусиятига кўра айланувчи ёки судланувчи психиатрия ёки ўзга тиббиёт муассасасига (касалхона, клиника, госпиталга) жойлаштирилиши мумкин. ЖПКнинг 265-моддаси шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тартибини белгилайди. Суд-тиббиёт ёхуд суд-психиатрия экспертизасини ўтказишида стационар кузатув зарурати бўлса, суринтирувчи, терговчи, прокурор, суд айланувчини ёки судланувчини, башарти улар озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиши мумкин бўлган жиноятни содир этишда айбланаётган бўлсалар, тегишли тиббий муассасага жойлаштиришга ҳақлидир.

Шахсни тергов, суд органларининг қарорига кўра тиббий муассасага жойлаштириш ўзининг барча ўзига хос аломатлари билан бирга жиноят-процессуал мажбурлов чорасидир. Бу чора маълум шарт-шароитларда жиддий тарзда шахснинг ҳуқуқ ва эркинлигини чеклаш, мажбурлов тартибида амалга оширилиши мумкин ҳамда намоён бўлишининг муайян шаклидан ташқари маҳсус асосланган қарорнинг мавжудлигини назарда тутади. Руҳий ҳолати айланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилиш ва айблов эълон қилиш имкониятини истисно этадиган шахс ҳам, агар айнан унинг ижтимоий хавфли қилмиш содир этганлигига етарлича далиллар мавжуд бўлса, экспертиза ўтказиш учун психиатрия муассасасига жойлаштирилади. Агар шахс гумон қилинувчи сифатида бўлса ҳамда унинг бу сифатда бўлиш муддати стационар суд-психиатрия экспертизаси тамом бўлганига қадар тугаса, бунда қандай иш тутиш керак? Бу саволга жавоб ЖПКнинг келтирилган 265-моддасида берилган. Бу ҳолда шахсга, башарти унинг руҳий ҳолати имкон берса, айблов эълон қилиш ёки уни тиббий муассасадан озод қилиш ёхуд унинг тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини қўллаш бўйича иш юргизилаётган шахс тариқасида эътироф этиш тўғрисида қарор чиқариш керак. Шуни таъкидлаш керакки, ўз хусусиятига кўра турли таркибдаги жиноятларга тааллуқли бўлган жиноят ишларини ўрганишга доир статистика маълумотлари шуни кўрсатадики, гумон қилинувчини тиббий муассасага стационар кузатуви учун жойлаштириш камдан-кам ҳолларда бўлади.

Жабрланувчилар ва гувоҳларни экспертиза ўтказиш учун тиббий муассасага мажбурий жойлаштириш мумкин эмас. Улар гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи Жиноят кодекси 15-моддасининг тўртинчи ва бешинчи қисмларида назарда тутилган оғир ва ўта оғир жиноятлар содир этишда айбли эканлиги, бераётган кўрсатувларнинг ишончлилигини текширишнинг бошқа имконияти бўлмаган ҳоллар бундан мустасно.

Илмий адабиётда экспертизани ўтказиш усули тўғрисидаги масала, мисол учун шахсни амбулатория ёки стационар кузатуви орқали экспертизадан ўтказиш масаласи низоларга сабаб бўлган масала ҳисобланади. Ушбу шакллардан бирини, яъни амбулатория ёки стационарни танлашни терговчи, прокурор, суд ҳал қилиб, бунда улар нафақат касалликни аниқлаш қийинчиликлари тўғрисидаги тиббий мулоҳазаларга, балки бошқа хусусиятдаги маълумотларга (садир этилган қилмишнинг оғирлиги, даволовчи шифокорлар ўргасидаги касалланиш ташҳисини аниқлаш бўйича келишмовчиликлар, қилмиш содир этганинг муғомбирлик тусидаги сабаблари ва шу кабилар) амал қиласидилар.

Процессуал мажбурлов соҳаси амбулатория экспертизалари етарли бўлган ҳолларда стационар экспертизалари асосиз ўтказилганда айниқса кенгайиб боради. Бунда бошқа кўнгилсиз оқибатлар ҳам юзага келади: эксперт муассасалари бажарадиган иш кўпаяди, айбланувчиларни қамоқда сақлаш ҳамда унинг амал қилиш муддатлари узайтирилади.

Аммо, бизнинг назаримизда, асосий хавф бошқадир. Бундай хавф, чунончи асослар бўлганда суд-психиатрия экспертизаларини тайинламасликда ҳамда стационар экспертизаларини амбулатория экспертизалари билан алмаштириб қўйишишдадир. Стационар экспертизаларни жуда кўп тайинлашга қарши бўлган асосий далил шундан иборатки, экспертизага юборилаётган аксарият шахслар барибир ақли расо деб тан олинади. Бу далил асосли эмас. Масалан, экспертиза тайинлаш пайтида терговчида айбланувчиларнинг руҳий ҳолати хусусида асосли шубҳа туғилади ва, демак, экспертиза бекорга ўтказилмаган. Юзта жиноят ишини ўрганиш шуни кўрсатдики, ўтказилган суд-психиатрия экспертизаларининг 80 фоизида текширилаётган шахсларнинг руҳиятида суд томонидан айбдорлик ёки жазони тайинлаш тўғрисидаги масалани ҳал қилишда ҳисобга олинадиган катта ёки кичик ўзгаришлар аниқланган.

Шахс тиббий муассасага жойлаштирилганда процессуал мажбурлов чорасининг муддати амбулатория психиатрия экспертизасини ўтказиш ҳисобига камаяди. Фақат 10 фоиз амбулатория экспертиза хулосаси эксперт олдига қўйилган вазифаларни ҳал эта олмаган ва шу боисдан стационар экспертизасини тайинлаш зарурати юзага келган. Шахсни тиббий муассасага жойлаштириш суриштирувчи ёки терговчининг прокурор розилик берган қарорига, прокурорнинг қарорига ёхуд суднинг ажримига асосан амалга оширилади (ЖПКнинг 266-моддаси).

Шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тўғрисидаги қарорда ёки ажримда: тиббий муассасага жойлаштириладиган шахс ва унинг процессуал мавқеи; шахс жойлаштирилаётган тиббий муассасанинг номи, зарур бўлганда

шахсни шу муассасага олиб бориш тўғрисидаги фармойиш; эҳтиёт чораси тўғрисидаги қарор акс эттирилади.

ЖПКнинг 266-моддаси матнидан кўриб турилганидек, шахсни психиатрия бўлмаган тиббий муассасага жойлаштириш прокурор руҳсатини олишни назарда тутади. Қонуннинг бундай талаби, бизнинг назаримизда асослидир, чунки шахсни ҳар қандай тиббий стационарга мажбурий тартибда жойлаштириш унинг шахсий эркинлигини чеклаш билан боғлиқдир. Ушбу чоранинг қонунийлиги ва асосланганлиги устидан прокурорнинг назорати тиббий муассасага мажбурий равища жойлаштириладиган шахснинг хукуқларини муҳофаза қилишнинг муҳим кафолати бўлиб хизмат қиласди.

Стационар суд-тиббиёт экспертизасига аксарият ҳолларда эҳтиёт чораси тартибида қамоққа олинган айбланувчилар юборилади. Агар бу муассаса қамоққа олинганларни сақлаш учун мўлжалланган бўлса, бундай эҳтиёт чораси танланиши мумкин, бошқа ҳолда кўрсатилган эҳтиёт чораси бекор қилиниши ёки енгилроғи билан алмаштирилиши лозим (ЖПКнинг 267-моддаси). Айбланувчи, судланувчи ёки ўзига нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш юзасидан иш юритилаётган шахснинг тиббий муассасада бўлган вақти қамоқда сақлаш муддатига қўшиб ҳисобланади.

Тиббий муассасада сақлаш муддати бир ойдан ошмаслиги керак. Алоҳида ҳолларда шифокорларнинг стационар экспертиза ўтказиши жараёнида олинган хулосасига асосан бу муддат иш юритувида бўлган прокурорнинг қарори ёхуд суднинг ажрими билан бир ойга узайтирилиши мумкин. Бунинг учун иш юритилишида бўлган прокурорнинг қарори ёки суднинг ажрими зарур (ЖПКнинг 268-моддаси). Муддатнинг янада узайтирилишига қонун йўл қўймайди. Тиббий муассасага эксперт текшируви учун жойлаштирилган шахс, унинг ҳимоячиси ва қонуний вакили суриштирувчининг, терговчининг ва прокурорнинг тиббий муассасага жойлаштириш тўғрисидаги қарори устидан юқори турувчи прокурорга, суднинг бу хусусдаги ажрими устидан юқори судга шикоят қилишга ҳақлидир. Бу хуқук ЖПКнинг 269-моддасида мустаҳкамлаб қўйилган.

## **5.8. Жиноят процесси иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш**

ЖПК жиноят процессининг асосий принциплари сифатида қонунийлик; одил судловни фуқароларнинг қонун ва суд олдида тенглиги асосида амалга ошириш; шахс қадр-қимматини ҳурмат қилиш; фуқароларнинг хуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш; айбисизлик презумпцияси ва бошқаларни мустаҳкамлаб қўйди. ЖПК жиноят процесси иштирокчилари доирасини ҳамда уларнинг процессуал ҳолатини аниқ белгилаган. Бундан ташқари, ЖПК процесс иштирокчилари хавфсизлигини таъминлашга қаратилган кафолатлар тизимини назарда тутади.

Масалан, ЖПКнинг 270-моддасига мувофиқ жабрланувчи, гувоҳ ёки ишда иштирок этаётган бошқа шахсларга, шунингдек уларнинг оила аъзолари ёки яқин қариндошларига ўлдириш, куч ишлатиш, мол-мулкини йўқ қилиб ташлаш ёхуд мол-мулкига шикаст етказиш билан ёки ўзга

Қайриқонуний хатти-ҳаракатлар билан таҳдид қилинмоқда дейиш учун етарли маълумотлар мавжуд бўлган тақдирда суриштирувчи, терговчи, прокурор суд бу шахсларнинг ҳаёти, саломатлиги, шаъни, қадр-қиммати ва мол-мулкини муҳофаза қилиш, шунингдек айбдорларни аниқлаш ҳамда уларни жавобгарликка тортиш чораларини кўришлари шарт.

Суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд ички ишлар органларига ишда иштирок этаётган шахсларнинг ҳаёти, саломатлиги, шаъни, қадр-қиммати ва мол-мулки муҳофаза қилинишини таъминловчи барча зарур чораларни кўриш хусусида ёзма равишида топшириқ беришга ҳақлидир.

Ички ишлар органи хавф таҳдид солаётган шахсларга доир жиноят ишидаги мавжуд маълумотлардан, бу хавфнинг эҳтимол тутилган хусусияти, манбалари, жойи, вақти ва бошқа ҳолатларидан хабардор этилиши лозим.

Процесс иштирокчилари хавфсизлигининг кафолатларига жабрланувчиларнинг, гувоҳларнинг, холисларнинг ёки процесснинг бошқа иштирокчиларини, шунингдек уларнинг оила аъзолари ёки яқин қариндошларининг хавфсизлигини таъминлаш тақозо этган ҳолларда суднинг ёпиқ суд мажлиси ўтказиш ҳукуқи ҳам тааллуқлидир (ЖПКнинг 19-моддаси 2-қ.).

Жабрланувчилар, гувоҳлар, холислар ва процесс бошқа иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида тергов ҳаракатлари баённомасининг кириш қисмлари танишиб чиқиши учун тақдим қилинмаслиги мумкин. Бундай ҳолларда баённомаларнинг кўрсатиб ўтилган процесс иштирокчилари тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган кириш қисмлари муҳрланган ҳолда сақланади (ЖПКнинг 375-моддаси 4-қ.).

Бундан ташқари, суд мажлисига чақирилиши лозим бўлган шахсларнинг рўйхатида процесс иштирокчилари хавфсизлигини таъминлаш мақсадида уларнинг таҳаллуслари кўрсатилиши мумкин. Хавфсизлиги таъминланишига муҳтож бўлган шахслар ҳақидаги маълумотлар улар иштироқида ўтказилган тергов ҳаракатлари баённомаларининг кириш қисми билан бирга муҳрланган ҳолда судга тақдим этилади. Улар билан фақат айблов хулосасини тасдиқловчи прокурор ва ишни кўриб чиқувчи судья танишишлари мумкин (ЖПКнинг 380-моддаси). Бундай шахсларни таниб олиш хавфсизлигини таъминлаш мақсадида уларнинг фотосуратидан фойдаланилади (ЖПКнинг 127-моддаси). Жиноят ишини юритишда одил судловга қарши қаратилган жиноятни (ЖК нинг 230-241-моддаси) содир этган процесс иштирокчилари жавобгарликка тортилади (ЖПКнинг 271-моддаси).

## **5.9. Суриштирув, тергов ва судда процессуал мажбуриятларни ва тартибни бузганлик учун жавобгарлик**

Жавобгарлик – давлатнинг жамиятга заарар етказадиган шахс хулқига жавоб таъсиридир. Жиноят-процессуал ҳукуқбузарлик учун жавобгарлик қонунга риоя этмасликда айбдор бўлган шахс хулқининг унинг ўзига нисбатан нокулай оқибатларга олиб келадиган расмий, салбий

баҳоланишидир. Процессуал ҳуқуқбузарлик учун жавобгарлик ҳамма вақт факат жарима хусусиятидаги санкциянинг татбиқ этилишидир. Жавобгарлик асоси – процессуал ҳуқуқбузарлик деб аталадиган жамият учун хавфли бўлган ҳамда шунинг учун қонун билан тақиқланган қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик)дир. Жиноят процессида жавобгарлик қонуннинг айб билан боғлиқ бузилиши учунгина (қасдан ёки эҳтиётсизлик) юзага келади. Процессуал ҳуқуқбузарлик қўпинча жиноят таркибини (масалан, гувоҳнинг суд чақиравига кўра келишдан атайлаб бош тортгани) ёки интизомий қилмиш таркибини ташкил этади. Шунинг учун процессуал ҳуқуқбузарлик қўпинча жиноий ёки маъмурий жавобгарликка сабаб бўлади. Жиноят процессуал ҳуқуқ ўзининг жарима хусусиятидаги санкцияларига эга эмас, шунинг учун процессуал ҳуқуқбузарларга жазо бериш уларни жиноий, интизомий ва жамоат жавобгарлигига тортиш йўли билан амалга оширилади. Процессуал ҳуқуқни тиклаш санкцияларининг қўлланиши эса ҳуқуқий ҳимоялаш чоралариdir.

Шундай қилиб, жиноят-процессида жавобгарлик жиноят процессуал қонун меъёрларининг бузилишида айбдор бўлган шахсга нисбатан оммавий таъна бўлиб, у жарима хусусиятидаги ҳуқуқнинг турли соҳаларига тегишли бўлган санкцияларни процессуал ҳуқуқий тартиботни ҳимоялаш ҳамда айбдорларни жазолаш мақсадида қўлланилиши билан бирга амалга оширилади. Шунингдек, у айбдор шахсларга нисбатан нокулай оқибатлар олиб келишга сабаб бўлади.

Қонунда назарда тутилган процессуал мажбуриятларни бузганлик учун жавобгарликка қуидагилар тортилиши мумкин: жабрланувчилар ва гувоҳлар – суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг ва суднинг гувоҳлантиришдан, экспертиздан ўтиш, эксперт текшируви учун намуналар тақдим этиш тўғрисидаги қонуний талабларини бажаришдан бош тортганлик учун; олиб қўйиш; тинтуб ўтказилаётган, шунингдек мулки хатланган шахслар (айбланувчи, гумон қилинувчи ва уларнинг яқин қариндошларидан ташқари) – суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг талаби билан изланайтган ашёларни беришдан бош тортганлик учун; алоқа муассасаларининг ходимлари - суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг почта-телеграф жўнатмаларини хатлаб қўйиш тўғрисидаги қарорини бажармаганлик ёки етарли даражада бажармаганлик учун; мансабдор шахслар ва фуқаролар – башарти улар ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришга, эксперимент ўтказишга, олиб қўйиш, тинтуб ўтказишга, мурдани эксгумация қилишга тўсқинлик қилсалар; процесс иштирокчилари – суриштирув ёки дастлабки тергов маълумотларини ошкор қилганлик учун, агар улар маълумотларни ошкор қилишга йўл қўймаслик ҳақида огоҳлантирилган бўлсалар; корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг раҳбарлари – суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг чақиравига биноан гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, гувоҳ, мутахассис, эксперт, таржимон, шунингдек, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар фуқаровий жавобгар, уларнинг вакиллари, жамоат айловчиси, жамоат ҳимоячиси, халқ маслаҳатчиларининг келишига тўсқинлик қилганлик,

жиноятнинг сабабларига ва унинг содир этилишига имкон берган шартшароитларга барҳам бериш тўғрисидаги суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг тақдимномасини ёки суднинг хусусий ажримини бажармаганлик ёхуд талаб даражасида бажармаганлик учун.

Процессуал мажбуриятларни бузганлик учун жавобгарлиқдан ташқари жиноят-процессуал қонунда суд мажлисида тартибни бузганлик учун жавобгарлик назарда тутилган (ЖПКнинг 272-моддаси).

Суд мажлисида тартибни бузган, раислик қилувчининг фармойишларига бўйсунмаган ёки судни беҳурмат қилган тақдирда тартибузар бундай ҳаракатларнинг тақрорланиши уни суд мажлиси залидан чиқариб юборишга сабаб бўлажаги ҳақида, ушбу модданинг тўртинчи қисмида назарда тутилган тартибузар эса, бундан ташқари, маъмурий жавобгарликка тортилиши ҳам мумкинлиги хусусида огоҳлантирилади. Бу огоҳлантириш таъсир қилмаса, процесс иштирокчиси суднинг ажримига, бошқа шахслар эса, раислик қилувчининг фармойишига мувофиқ суд мажлиси залидан чиқариб юборилади. Ишни кўриш чиқариб юборилган шахсларсиз давом эттирилади.

Суднинг ажрими айбловчи ёки ҳимоячига тааллуқли бўлса, ишни эшитиш кейинга қолдирилиши лозим, бир шахсни бир неча айбловчи айблаётган ёки бир нечта ҳимоячи ҳимоя қилаётган ҳоллар бундан мустаснодир. Залдан чиқариб юборилган айбловчи ёки ҳимоячининг номуносиб хулқ-атвори тўғрисида суд хусусий ажрим чиқариб, уни тегишлилигига қараб, юқори турувчи прокурорга ёки адвокатлар ҳайъати раёсатига юборади.

Суд залидан судланувчи чиқариб юборилган бўлса, хукм унинг иштирокида эълон қилиниши ёки эълон қилинганидан кейин унга дарҳол маълум қилиниб, тилхат олиниши лозим.

Суд мажлиси залидан чиқариб юборилган шахс (судланувчи, айбловчи ва ҳимоячи бундан мустасно) раислик қилувчи томонидан унинг жойнинг ўзида чиқарган ажримига асосан маъмурий жавобгарликка тортилиши мумкин. Ажрим суд мажлисининг баённомасида қайд этилади.

Процесс иштирокчисининг одил судловга қарши жиноят содир этганлик учун жиноий жавобгарликка тортилишига асослар суд муҳокамасида ёки иш кассация ёхуд назорат тартибида кўриб чиқилаётганида аниқланган бўлса, суд бу процесс иштирокчисига нисбатан жиноят иши қўзғатади ва тергов қилиш учун уни прокурорга юборади.

Бу ҳаракатларнинг суд томонидан юритилиш тартиби ЖПКнинг 273 ва 274-моддаларида мустаҳкамлаб қўйилган.

## **6-БОБ. ДАСТЛАБКИ ТЕРГОВ УМУМИЙ ШАРТЛАРИНИНГ АМАЛИЁТ БИЛАН УЗВИЙЛИГИ**

### **6.1. Терговнинг ваколатли шахслар томонидан олиб борилиши**

Жиноят иши бўйича дастлабки терговни прокуратура, ички ишлар органлари, миллий хавфсизлик хизмати терговчилари олиб борадилар. Дастлабки терговни прокурорлар ҳам олиб боришлари қонунда назарда тутилган (ЖПКнинг 344-моддаси).

Дастлабки тергов органи - терговчи ҳисобланади.<sup>19</sup> Бунинг маъноси шуки, айнан терговчи маълум бир процессуал субъект сифатида дастлабки терговни ташкил этган барча тергов ҳаракатларини, жиноят ишини тўла, ҳар томонлама ва холисона тергов қилиш учун жиноят-процессуал қонунда кўрсатилган барча чораларни кўришга, ўзи тўпланган далиллардан келиб чиқиб, хулосалар чиқаришга ваколатланган. Дастлабки тергов органлари – бу муассаса ёки ташкилот эмас, балки жиноят процессида муайян процессуал мақомга эга бўлган мансабдор шахслардир. Бу ҳолат қонунда аниқ кўрсатилган: «Терговчи терговнинг йўналиши ва тергов ҳаракатларини юритишга оид барча қарорларни, прокурор рухсатини олиш қонунда назарда тутилган ҳолларини истисно этганда, мустақил равишда қабул қиласди» (ЖПКнинг 36-моддаси 2-қисми). Ундан ташқари қонунда қўйидаги қоида белгиланган: «Терговчининг ўз юритувидаги иш юзасидан қонунга мувофиқ берган ёзма топшириқлари ва чиқарган қарорлари барча корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан ижро этилиши мажбурийдир»(ЖПКнинг 36-моддаси 4-қисми). Бу терговчи томонидан дастлабки тергов процессида, масалан тинтуб ва олиб қўйиш ўтказиш, холисларни жалб қилиш, мулкни хатлаш ва шу каби ҳаракатлар тўғрисидаги қарорларига тегишлидир.

Терговчи маълум бир процессуал мустақилликка эга, у иш ҳолатларидан келиб чиқиб ва уларнинг тўғрилигига ишонч ҳосил қилиб, ўзининг қарорларини чиқаради. Биз баъзи олимларнинг «терговчининг процессуал ҳолати унинг у ёки бу идорада фаолият юритиши билан фарқланади»<sup>20</sup>, деган фикрларига қўшила олмаймиз. Чунки терговчининг у ёки бу идорада хизмат қилиши унинг процессуал фаолиятига таъсир қилмай, балки унинг ваколатини терговга тегишлилик қоидалари бўйича чегараларини белгилайди. Баъзи процессуалист олимлар дастлабки тергов органларини суд муҳокамасига нисбатан ёрдамчи ролда эканлиги ҳақида сўз юритишиади. Масалан, А.Чельцов дастлабки тергов органини «одил судловга ёрдамчи органларининг кенг қамровли фаолияти», дейди.<sup>21</sup> Биз бу борада Д.С.Карев ва Н.М.Савгировларнинг фикрига қўшиламиз: «дастлабки тергов органлари

<sup>19</sup> Строгович М.С. Курс уголовного процесса. -М.: Наука, 1970. -Б.44.

<sup>20</sup> Уголовный процесс. / Под ред. Л.М. Карнеевой. -М.: Юрид. лит., 1980. -Б. 237

<sup>21</sup> Чельцов М.А. Уголовный процесс. -М.: Госюриздан, 1951. -Б. 227.

ролини кичрайтириш нотўғри, чунки бу дастлабки тергов масаласига етарли ёндашишга, ишни тўлиқ тергов қилишга ҳалал беради, буни эса суд муҳокамасида ҳар доим ҳам тўлдиришнинг иложиси бўлмайди».<sup>22</sup>

Юқорида таъкидлаганимиздек, терговчининг мустақиллиги судъяларнинг мустақиллигидан тубдан фарқ қиласи. Судъяларга ҳеч ким, давлатнинг ҳеч қайси органи, ҳатто юқори турувчи суд ҳам уларнинг юритувида бўлган ишни қандай ҳал қилиши бўйича кўрсатмалар бера олмайди. Терговчига эса прокурор жиноят ишидаги ҳар қандай масала бўйича кўрсатмалар беради ва бу терговчи учун мажбурийдир. Лекин бу кўрсатмалар икки шарт асосида мажбурий ҳисобланади. Биринчидан, прокурорнинг кўрсатмалари фақат ёзма равишда берилган бўлса, терговчи учун мажбурий (ЖПКнинг 37-моддаси З-қисми, 382- моддаси З-қисм З-банди, 4 қисмлари). Бу техник талаб эмас, балки процессуал-хуқуқий талаб бўлиб, унинг маъноси шундаки, прокурор терговчига ўз кўрсатмаларини ёзма равишда тузиб, шу билан уларнинг қонунийлиги ва асослилиги ҳамда терговчи томонидан уларнинг бажарилиши натижасида келиб чиқсан оқибат учун ҳам жавобгар бўлади. Прокурорнинг ёзма кўрсатмалари процессуал хужжат бўлиб, шу сифатда ишга қўшиб қўйилади. Иккинчидан, прокурор томонидан берилган кўрсатмалар турли хил тергов ҳаракатларини ўтказиш ҳақида таклиф мазмунида берилиб, терговчини иш ҳолатлари бўйича муайян хулоса чиқариш учун мажбурламаса ҳам, бу кўрсатмаларни бажариш терговчи учун мажбурийдир. Бунинг маъноси шундаки, агар прокурор терговчига у ёки бу ҳолатни аниқлашни, бирор масала бўйича экспертиза ўтказишни, бирор шахсни сўроқ қилишни таклиф этса, терговчи бундай кўрсатмаларга рози бўлмаса ҳам, уларни тўхтатмай ижро этиши лозим. Аммо кейинчалик бу кўрсатмалар устидан юқори турувчи прокурорга шикоят қилиши мумкин. Агарда прокурор берган кўрсатмалар терговнинг мазмуни ва натижасига тегишли бўлса, бунда прокурор терговчини ўз ишончига қарши чиқишига мажбур эта олмайди. Бинобарин, ЖПКнинг 36-моддаси З-қисмига асосан терговчи прокурорнинг шахсни ишда айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш ҳақидаги, жиноятни тавсиф қилиш ҳақидаги, эҳтиёт чораси сифатида камоқقا олиш ҳақидаги, ишни судга юбориш ёки ишни тугатиш ҳақидаги кўрсатмаларига рози бўлмаса, ўз эътиrozларини ёзма равишда баён қилган ҳолда, ишни юқори турувчи прокурорга тақдим этишга ҳақлидир. Бундай ҳолда қуий турувчи прокурорнинг кўрсатмасини юқори турувчи прокурор ўз қарори билан бекор қиласи ёки иш бўйича тергов юритиши бошқа терговчига топширади. Қонуннинг бу кўрсатмасига оғишмай риоя этиш терговчининг ҳақиқатда эркин ва мустақил бўлишини кафолатлади. Терговчи прокурор кўрсатмаларининг техник ижроиси эмас, у мустақил процессуал фигура, у қонун билан унга муайян хуқуқ ва

<sup>22</sup> Карев Д.С., Савгиров Н.М. Возбуждение и расследование уголовных дел. –М.: Высшая школа, 1967. –Б.4-5.

мажбуриятлар юклатилган жиноят процессуал фаолиятнинг мустақил субъектидир.

Маълумки дастлабки тергов босқичида исботлаш бурчи асосий терговчига юклатилган. Иш учун аҳамиятли бўлган ҳолатларни тўлиқ, ҳар томонлама ва холисона текшириш ҳақидаги талаблар дастлабки тергов органлари учун ҳам мажбурий ҳисобланади. Яъни, терговчи судда ҳукм чиқаришда асос бўладиган масалаларни ҳал қилиш учун зарур ва етарли далилларни тўплаши керак.<sup>23</sup>

Юридик адабиётларда дастлабки тергов органларининг исботлаш фаолияти натижасидаги хулосаси ишонарли бўлиши шарт эмас, деган қарашлар мавжуд<sup>24</sup>. Ундан ташқари терговчи айбланувчининг айби юзасидан шубҳалари мавжуд бўлса ҳам ишни судга ошириши мумкин деган фикрлар ҳам бор<sup>25</sup>.

Биз бундай қарашларга қўшила олмаймиз, чунки терговнинг исботлаш предметини ташкил қилган айбланувчининг айбдорлиги (ёки айбсизлиги) тўғрисидаги хулосаси етарли ва ишончли далилий материалларга асосланган бўлиши керак.

Дастлабки тергов органларининг жиноятларни очища тутган ўрни уларнинг жиноят процессида қандай процессуал функцияни бажаришига боғлик бўлади<sup>26</sup>. Процессуал адабиётларда бу масала бўйича ҳам турли хил фикрлар билдирилган. Баъзи олимлар терговчининг фаолияти қораловчи(айбловчи)<sup>27</sup> мазмунида ва ҳатто бу билан далилларни тўплашда айблов томонга ён босиши<sup>28</sup> ҳақида фикрлар билдирилган. Бошқа олимларнинг фикрича, терговчининг фаолияти айблаш, ҳимоялаш ва ишни ҳал қилиш функцияларини ўзида мужассамлайди<sup>29</sup>. Шундай қарашлар ҳам борки, унга асосан терговчининг фаолияти икки этапга ажратилади: 1) ишда айбланувчи юзага келгунча терговчи жиноятни очади; 2) шахсга айблов эълон қилингандан сўнг бу шахсни фош этади ёки бир вақтнинг ўзида ҳам фош этади ҳам ҳимоя қиласи<sup>30</sup>.

Бизнинг фикримизча, бу қарашлар терговнинг тўлиқ, объектив ва ҳар томонлама ўтказилиши тўғрисидаги бошланғич қоидаларини унутиб, терговчининг ўз характери бўйича ягона бўлган фаолиятини қисмларга ажратиб ташлайди.

<sup>23</sup> Исботланиши керак бўлган барча ва ҳар бир ҳолатнинг ҳақиқийлигини сўзсиз тасдиқловчи ишга оид барча ишончли далиллар тъпланган бўлса, уларнинг жами ишни ҳал қилиш учун етарли деб эътироф этилади.

<sup>24</sup> Чельцов М.А. Обвиняемый и его показание в уголовном процессе. -М.: Госюриздан, 1947. –Б.40.

<sup>25</sup> Ривлин А.Л. Предмет допроса в уголовном процессе. –Харьков: 1940. –Б. 108.

<sup>26</sup> Қаранг: Салиев Ю. Раскрытие преступлений как уголовно- процессуальная функция. -Т.: 1991. – Б.27.

<sup>27</sup> Журавлёв В.Г. Обвинение как уголовно процессуальная функция в уголовном и военно- уголовном процессе. –М.: 1950. –Б. 15.

<sup>28</sup> Чельцов М.А. Система основных принципов уголовного процесса. -М.: 1946. –Б. 130.

<sup>29</sup> Строгович М.С. Уголовное преследование в уголовном процессе. -М.: 1951. –Б. 98.

<sup>30</sup> Строгович М.С. Курс уголовного процесса. -М.: 1958. –Б. 127; Чельцов М.А. Уголовный процесс. -М.: 1948. –Б. 76.

Терговчининг фаолияти, албатта, иш учун «бетараф» бўлган фактларни аниқлашга эмас, балки айборни топишга қаратилган бўлиши лозим. Бироқ бу фақат айлов йўналишидаги фаолият бўлмаслиги лозим, тергов тўлиқ, объектив ва ҳар томонлама юритилиши керак - бу қонун талаби.

Терговчи ўз фаолиятида мустақил бўлса-да, унга тергов бошқармаси бошлиғи раҳбарлик қиласи. Ички ишлар ва миллий хавфсизлик хизмати органларида тергов бошқармаси бошлиғи бўлиб - алоҳида мансабдор шахслар бўлса, прокуратура идораларида тергов бошқармаси бошлиғи прокурор ҳисобланади.

Тергов бошқармаси, бўлими, бўлинмаси, гурухнинг бошлиғи ва унинг ўринbosари ўз ваколатлари доирасида жиноятларни очиш ва уларни олдини олиш юзасидан терговчиларнинг ўз вақтида ҳаракат қилишини назорат қилиб турадилар, жиноят ишлари бўйича дастлабки терговни тўла, объектив ва ҳар томонлама олиб бориш чораларини кўрадилар. Тергов органининг бошлиғи ва унинг ўринbosари ишларни текшириб кўришга, шунингдек дастлабки тергов ўтказиш, шахсни ишда айданувчи тариқасида иштирок этишга жалб этиш, жиноятни тавсиф қилиш ва айловни хажми ҳамда ишнинг йўналишини белгилаш, айрим тергов ҳаракатларини ўтказиш хақида терговчига кўрсатмалар беришга, ишни бир терговчидан иккинчисига топширишга, шунингдек терговчини ваколатларидан фойдаланиб, дастлабки терговни олиб бориша қатнашишга ва дастлабки терговни шахсан ўзи олиб боришга ҳақлидир (ЖПКнинг 37-моддаси). Тергов органи бошлиғи ва унинг ўринbosари иш юзасидан терговчига берган ёзма кўрсатмалари терговчи учун мажбурийдир (ЖПКнинг 37-моддаси 3-қисми).

Шуни назарда тутиш керакки, тергов бошқармаси (бўлим) бошлиғи ўз қарорлари билан терговчининг қарорларини бекор қила олмайди, бундай ҳукуқ фақат прокурорга берилган. Ундан ташқари терговчи ва тергов бошқармаси бошлиғи ўртасидаги низоли масалалар бўйича охирги сўз прокурорга тегишлидир.

Терговчи қуйидаги ҳолатларда жиноят ишини юритишда иштирок этишга ҳақли эмас ва уни рад қилиши лозим:

1) у ушбу иш бўйича жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар, эксперт, мутахассис, таржимон, гувоҳ, холис, ҳимоячи сифатида, гумон қилинувчи, айбланувчининг қонуний вакили ёки жабрланувчиниг, фуқаровий даъвогарнинг, фуқаровий жавобгарнинг вакили сифатида иштирок этаётган бўлса ёки илгари иштирок этган бўлса;

2) у ушбу ишни юритиш учун маъсул бўлган бирор бир мансабдор шахснинг ёки юқорида кўрсатилган ўзга шахсларнинг қариндоши бўлса;

3) унинг холислилигига ва беғаразлилигига шубҳа туғдирадиган бошка ҳолатлар мавжуд бўлса.

Терговчининг ўз процессуал мажбуриятларини бажариши, башарти ушбу иш қўшимча тер гов юритиш учун жўнатилган бўлса, дастлабки тергов юритишига монелик килмайди (ЖПКнинг 76-моддаси). Агар ЖПКнинг 76-моддаси 1-қисмида кўрсатилган асослардан бири мавжуд бўлса терговчи ўзини ўзи рад этиши шарт.

Маълумки дастлабки терговни прокурорлар ҳам олиб борадилар ва шу сабабли улар алоҳида процессуал ҳолатга эга.

Прокурор ҳар қандай жиноят ишини ўз иш юритувига олишга, ҳар қандай иш бўйича айрим тергов ҳаракатларини шахсан ўзи бажаришга ёки терговни тўлиқ амалга оширишга ҳақли (Прокуратура тўғрисидаги қонуннинг 34- моддаси, ЖПКнинг 382-моддаси З-қисми 5-банди). Прокурорнинг процессуал ҳолати қўйидаги хусусиятлар билан белгиланади. Биринчидан, прокурор қонунларнинг назорат қилувчи орган сифатида иштирок этади. У ўзига юклатилган ваколатлардан фойдаланиб, тергов органининг ҳар қандай актини ўзгартириши ёки бекор қилиши, терговни олиб борувчи шахсни ишдан четлатиши, жиноят ишини бошқа терговчига ўтказиши ёки ўз юритувига олиши, терговчи томонидан айбланувчига нисбатан танланган эҳтиёт чорасини ўзгартириши ёки бекор қилиши мумкин. Иккинчидан, жиноят процессуал фаолиятнинг иштирокчиси сифатида жиноят ишини қўзгатиши ҳамда қамоқقا олиш, тинтуб ўтказиш, поча ва телеграф жўнатмаларини хатлаш ва олиб қўйиш, айбланувчини ўз лавозимидан четлаттириш ва хоказоларни санкциялайди. Учинчидан, прокурор прокуратура органининг тергов аппаратига нисбатан маъмурий характердаги функцияларга эга. Прокурор прокуратуранинг бошлиги сифатида ўзига бўйсинувчи терговчига нисбатан рафбатлантириш ёки жавобгарликка тортиш чораларини қўриши, терговчининг юритувида бўлган конкрет жиноят ишини тергов қилишдан четлатиши ёки эгаллаб турган лавозимидан бўшатиши мумкин<sup>31</sup>.

Турли қўринишдаги функцияларнинг бир мансабдор шахсда мужассамланиши прокурорнинг жиноят процессидаги ҳолатининг мураккаб ва маъсулиятли эканлигини билдиради. Аммо прокурорнинг дастлабки терговни юритиш ҳукуқи унинг назорат функцияларидан келиб чиқса ҳам, бу ҳолатда у терговчининг функцияларини бажаради. Прокурорлар дастлабки терговни юритишда ва умуман жиноят процессида ЖПК нормаларига истиносиз риоя қилишлари лозим.

Прокуратура идоралари, шунингдек ички ишлар ва миллий хавфсизлик хизмати органларининг тергов аппарати терговчилари, катта терговчилар, алоҳида муҳим ишлар бўйича терговчилар, алоҳида муҳим ишлар бўйича катта терговчилар ва ҳарбий терговчилардан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси, Қорақалпоғистон Республикаси Прокуратураси, Ички ишлар Вазирлиги, Миллий Хавфсизлик Хизмати ҳамда Қуролли Кучлар ҳарбий прокуратурасида алоҳида муҳим ишлар бўйича катта терговчилар ва терговчилар; Тошкент шаҳар ва вилоятлар прокуратуралари, ИИБлари ва МХХБларида алоҳида муҳим ишлар бўйича терговчилар, катта терговчилар ва терговчилар; туман (шаҳар) прокуратуралари, ИИБларида катта терговчилар ва терговчилар хизмат қилишади. Вилоят прокуратурасига тенглаштирилган прокуратураларда, Транспорт прокуратураси ва бошқа маҳсус прокуратуралар, шунингдек

<sup>31</sup> Басков В.И. Курс прокурорского надзора. -М.: 1999. -Б. 141.

туман прокуратуралирига тенглаштирилган прокуратурааларда тегишлича алоҳида муҳим ишлар бўйича терговчилар катта терговчилар ва терговчилар хизмат қиласи.

Терговчилар ўз меҳнат вазифаларини вижданан ва намунали бажарганлиги, ташаббускорлиги ва ишдаги эпчилиги учун рағбатлантириладилар. Рағбатлантиришнинг қуидаги турлари мавжуд: 1) ташаккурнома; 2) пул мукофати; 3) совға; 4) қимматбаҳо совға; 5) белгиланган муддати тугамасдан навбатдаги даражали унвон бериш ва х.к.

Терговчилар алоҳида хизматлари учун Ўзбекистон Республикасининг давлат мукофотларига тавсия этилиши мумкин.

Терговчилар ўз вазифаларини бажармаган ёки лозим даражада бажармагандан ёхуд ўзининг номига дод туширадиган ножӯя ҳатти-ҳаракат содир этганлиги учун интизомий жавобгарликка тортиладилар. Интизомий жазонинг қуидаги турлари кўлланилади: 1) хайфсан эълон қилиш; 2) ўртача ойлик иш ҳақининг 40 фойизидан ортиқ бўлмаган микдорда жарима солиш; 3) Ўзбекистон Республикаси Мехнат Кодексининг 100-моддаси 2- қисмининг 3,4-бандларида назарда тутилган асосларга кўра меҳнат шартномасини бекор қилиш.

Терговчилар томонидан меҳнат вазифаларини бир марта қўпол равища бузишга қуидагилар киради: узрли сабабсиз прогул (шунингдек иш куни давомида ишда уч соатдан ортиқ бўлмаслик); ишга маст ҳолатда келиш, шу жумладан иш жойида спиртли ичимликлар ичиш; хизмат лавозимини сустельмол қилиш; қонунга хилоф эканлигини била туриб, шахсни жиноий жавобгарликга тортиш, ушлаб туриш ёки ҳибсга олиш, кўрсатув беришга мажбур қилиш, шунингдек бошқа жиноий қилмиш ёки ножӯя ҳаракат содир этиш; қасамёдни бузиш. Ҳар бир ҳатти-ҳаракат учун битта интизомий жазо кўлланилиши мумкин<sup>32</sup>.

## **6.2. Дастлабки терговнинг мажбурийлиги ва терговга тегишлилик**

Дастлабки терговнинг умумий шартларидан бири бу - дастлабки терговнинг мажбурийлиги ҳақидаги қоидадир. Дастлабки терговнинг бу шарти борасида процессуалист олимлар ўртасида ягона фикр йўқ ва бу ҳолатни собиқ Иттифоқ даврининг турли босқичларида обьектив ва субъектив сабабларга кўра ўзгаришларга учраганидан кузатса бўлади. Хусусан, 1922 йилги РСФСР ЖПКга кўра барча жиноят ишлари бўйича тергов суриштирув шаклида ўтказилиб, айрим (алоҳида) жиноят ишлари бўйича иш юритиш дастлабки тергов шаклида ўтказилиши белгиланган.

Кейинчалик Жиноят процессуал қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш натижасида дастлабки терговни ўтказиш мажбурий бўлган жиноят ишлари доирасининг қўпайиши (кенгайишини) кузатса бўлади (1923 йилги

<sup>32</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1996 йил 30 августдаги 282-1-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг ходимларини рағбатлантириш ва уларнинг интизомий жавобгарлиги тўғрисидаги Низом”дан.

РСФСР ЖПКнинг 108-моддаси)<sup>33</sup>. Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, 20-чи йилларнинг охирига келиб суриштирув дастлабки терговни ўз мазмуни бўйича алмаштирадиган бўлди. Бунга нафақат дастлабки тергов мажбурий бўлган ишлар доирасининг қисқариши, балки РСФСР ЖПКга янги қоидани киритилиши ҳам сабаб бўлди. Унга кўра терговчининг терговига тегишли ҳар қандай иш прокурорнинг рухсати билан тўлиқ терговни юритиш учун суриштирув органига ўтказилиши мумкин эди<sup>34</sup>.

Кейинчалик эса иттифоқдош республикалар, жумладан Ўзбекистон Республикаси ЖПКда суриштирув ва дастлабки тергов ўртасида фарқ қолмади: суриштирув ва дастлабки тергов ягона процессуал шакл «ишини судга қадар юритиш»га бирлаштирилди<sup>35</sup>.

Лекин жиноят процессининг ривожланиши бу йўналиш бўйича бормади. Дастлабки терговни жиноят иши бўйича иш юритишнинг асосий шаклига айлантиришга қаратилган қатор чоралар кўрилди<sup>36</sup>. Шундай қилиб, дастлабки тергов ва суриштирув терговнинг ягона шаклига бирлаштирилмади, дастлабки тергов эса суриштирув билан алмаштирилмади. Натижада аксарият ишлар бўйича дастлабки тергов мажбурий, бу ишлар бўйича суриштирув эса кечикириб бўлмайдиган тергов ҳаракатларини ўтказиш билан чекланиши қатъий ва аниқ қилиб белгилаб қўйилди. Дастлабки тергов мажбурий бўлмаган жиноят ишлари бўйича иш юритиш суриштирув шаклида амалга оширилар эди.

Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган ЖПКси барча жиноят ишлари бўйича дастлабки терговнинг мажбурийлигини белгилайди (345-модда). Бизга маълумки ишларни судга қадар юритиш суриштирув ва дастлабки терговдан иборат. Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки баъзи процессуалист олимлар тезкор-қидирав фаолиятни ҳам ишларни судга қадар юритишга киритишади. Моҳиятан бу фаолият жиноят ишларни юритишга кирсада, процессуал жиҳатдан уни киритиб бўлмайди. Чунки тезкор-қидирав фаолияти натижалари, гарчи кейинчалик далил манбаи сифатида легаллаштирилсада, далилларга қўйилган талабларга тўлиқ жавоб бера олмайди ва уларни ҳар доим ҳам (объектив сабабларга кўра) процессуал шаклга айлантиришнинг имкони бўлмайди. Тезкор-қидирав фаолияти натижларидан жиноят иши бўйича исбот қилишда фойдаланиш уларнинг ўз навбатида суриштирув органлари, терговчи, судга тақдим этилишини назарда тутади. Яъни, тезкор-қидирав фаолият натижалари муайян жиноят ишини тергов қилишга ваколатли бўлган прокурорга ёки тегишли дастлабки тергов органларига тақдим этилади.<sup>37</sup>

Тезкор-қидирав фаолияти натижасида тўпланган далиллардан қуйидаги мақсадларда фойдаланиш мумкин: жиноят ишини қўзғатиш учун сабаб,

<sup>33</sup> РСФСР БМИК ва ХККнинг 1927 , 6 июнь ва 1929 , 20 октябрдаги қарорлари

<sup>34</sup> РСФСР БМИК ва ХККнинг 1929 , 20 октябр қарори

<sup>35</sup> Строгович М.С. Курс уголовного процесса. -М.: 1970. -Б.36.

<sup>36</sup> Положение о прокурорском надзоре в СССР. 1955 , 24 май.

<sup>37</sup> Зажицкий В.М. Использование результатов оперативно-розыскной деятельности./Комментарий к Федеральному закону «Об оперативно-розыскной деятельности» – М.:1997. –Б. 108.

тергов ва суд ҳаракатларини амалга ошириши учун асос сифатида; жиноят-процессуал қонун ҳужжатларининг далилларни тўплаш, текшириши ва баҳоланишини тартибга солувчи қоидаларига асосан жиноят иши бўйича исбот қилишда, суриштирув, тергов ва суд органларидан яшириниб юрган, шунингдек, жазони ўташдан бўйин товлаётган ҳамда бедарак йўқолган шахсларни қидиришда.<sup>38</sup>

Суриштирув органларининг фаолияти жиноятларни олдини олиш ва унга йўл қўймаслик, далилларни тўплаш ва саклаш, жиноят содир этишда гумон қилингандарни ушлаш ва яширган гумон қилинувчиларни ҳамда айбланувчиларни қидириб топиш, жиноят туфайли етказилган моддий зиён қопланишини таъминлаш учун кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракатларини юритишга йўналтирилган. Мазмуни бўйича суриштирув дастлабки терговда амалга ошириладиган тахминан 65-70 фоиз ҳаракатларни бажаради.

Жиноят кодексининг 97-103, 114-119, 121, 124-126, 128, 129, 136, 141-149, 175, 183, 184(1), 186, 186(1), 193-212, 215-221, 225, 229(1), 229(2), 230-236, 242, 244, 245, 251-258, 264, 265-моддаларида назарда тутилган жиноятларга доир ишлар бўйича дастлабки тергов прокуратура органларининг терговчилари томонидан олиб борилади.

Жиноят кодексининг 279-302-моддаларида назарда тутилган жинояларга доир ишлар бўйича, шунингдек ҳарбий хизматчилар томонидан содир этиладиган жиноятларга доир ишлар бўйича дастлабки тергов ҳарбий прокуратура терговчилари томонидан олиб борилади.

Жиноят кодексининг 150-163, 182, 223, 246-моддаларида назарда тутилган жиноятларга доир ишлар бўйича дастлабки тергов миллий хавфсизлик хизмати терговчилари томонидан олиб борилади.

Жиноят кодексининг 104-113, 120, 122, 123, 127, 130-135, 137-140, 164-166, 168-174, 213, 214, 222, 224, 226-229, 243, 247-250, 259-263, 266-278-моддаларида назарда тутилган жиноятларга доир ишлар бўйича, шунингдек вояга етмаганлар содир этган барча жиноятларга доир ишлар бўйича дастлабки тергов ички ишлар органларининг терговчилари томонидан олиб борилади.

Жиноят кодексининг 167, 176-181, 184, 185<sup>1</sup>, 185<sup>2</sup>, 188-192, 244(1), 244(2) 244<sup>3</sup>-моддаларида назарда тутилган жиноятларга доир ишлар бўйича дастлабки тергов ишни қўзғатган орган томонидан олиб борилади.

Жиноят кодексининг 237-241-моддаларида назарда тутилган жиноятларга доир ишлар бўйича дастлабки тергов ушбу иш қўзғатилишига сабаб бўлган жиноят қайси органнинг терговига тегишли бўлса, ўша орган томонидан олиб борилади.

Терговни олиб борища бошқа тергов органи терговига тегишли янги жиноят аниқланса, ишни юритаётган дастлабки тергов органи факат тегишли прокурорнинг розилиги билан терговни тўлиқ ҳажмда тамомлаши мумкин.

Конунда кўрсатилган айrim тоифадаги мансабдор шахсларнинг

<sup>38</sup> Иномжонов Ш. Жиноят процессида далиллар тақдим қилиш ва фойдаланиш муаммолари. -Т.: Адолат, 2003. 139-б.

жиноятларига доир ишлар бўйича дастлабки тергов прокуратура терговчилари томонидан олиб борилади.

Амалдаги жиноят-процессуал қонунчиликда «терговга тегишлилик» термини қўлланилган қатор номалар мавжуд бўлиб, бундай нормаларга Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 345,346-моддаларини киритса бўлади. Улардан ташқари, ЖПКда терговга тегишлилик билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилишда тегишли органлар ва мансабдор шахслар ўртасидаги процессуал муносабатларни тартибга солувчи нормалар бор, лекин бу термин қўлланилмаган.

Жиноят процессуал ҳуқуқида жиноят ишини терговга тегишилигини тартибга солувчи нормаларнинг мавжудлиги муайян, мустақил, ҳуқуқий институтнинг мавжудлиги ҳақида гувоҳлик беради. Бу институт нормалари асосида тегишли давлат органлари ва мансабдор шахслари ўртасидаги жиноят иши бўйича дастлабки тергов юзасидан вужудга келадиган муносабатлар тартибга солинади<sup>39</sup>. Терговга тегишлилик институтининг нормалари асосан дастлабки терговда вужудга келадиган муносабатларни тартибга солади. Дастлабки тарговдан ташқарида терговга тегишлилик бўлиши ҳам мумкин эмас. Аммо терговга тегишлилик билан боғлиқ қатор масалалар суд босқичларида, хусусан, дастлабки терговда терговга тегишлилик қоидаларига риоя қилганликни текширишда вужудга келади<sup>40</sup>. Шуни айтиш мумкунки, бу институт нормалари муайян тоифадаги жиноий ишни тергов қилишда дастлабки тергов органларининг ваколатларини аниқлаш; жиноят ишини бир тергов органидан иккинчисига ўtkазиш тартиби, асослари ва шартларини; терговга тегишлилик қоидалари бузилганда юзага келиши мумкин бўлган ҳуқуқий оқибатларни белгилайди.

Терговга тегишлилик масалаларини тўғри ҳал қилиш жиноят иши бўйича терговни ҳар томонлама, тўлиқ, объектив ва ўз вақтида олиб боришни таъминлайди<sup>41</sup>. Терговга тегишлилик қоидаларига риоя қилмаслик қонун ва фуқароларнинг ҳуқуқларини бузилишига сабаб бўлиши мумкин. Шунинг учун терговга тегишлилик қоидаларини менсимаслик баъзи ҳолларда жиноят-процессуал қонунини жиддий бузиш деб топилиши мумкин ва терговга тегишлилик қоидаларига риоя қилиб жиноят ишини қўшимча тергов қилиш учун қайтариш лозим. Масалан, ички ишлар органининг терговчиси томонидан қасдан одам ўлдириш жиноят ишини тергов қилганлик жиноят-процессуал қонунни жиддий бузиш деб топилиб, иш қўшимча тергов қилиш учун қайтариш<sup>42</sup>. Шуни таъкидлаш керакки, бу институт нормалари билан тартибга солинадиган муносабатларнинг иштирокчиси бўлиб суриштирув органлари, прокуратура, ИИВ, МХХнинг терговчилари, тергов бошқармаси

<sup>39</sup> Зинатулин З.З., Салахов М.С., Чулюкин Л.Д. Подследственность уголовных дел. –Казань: Казанск. Уни-т, 1986. –Б. 7.

<sup>40</sup> Вопросы уголовного права и процесса в практике Верховных Судов СССР и РСФСР (1938-1969 гг.) / Под ред. С.В.Бородина. - М.: Юрид. лит., 1971. -Б. 315.

<sup>41</sup> Ягодинский В.Н. Соблюдение подследственности в деятельности органов внутренних дел : Проблемы дальнейшего укрепления социалистической законности при расследовании преступлений органами внутренних дел. -Киев.: КВШ МВД СССР, 1988. –Б.62.

<sup>42</sup> Бюллетень верховного суда. № 6 -М.:1980. -Б 7.

(бўлими) бошлиқлари, прокурор, судья ва суд ҳисобланади. Лекин шунда ҳам, бизнинг фикримизча, терговга тегишлилик масаласи бўйича жиноий-процессуал муносабатларнинг асосий субъекти бўлиб терговчи ҳисобланади..

Терговга тегишлиликни аниқлаш - бу жиноят иши бўйича дастлабки терговни юритиш мажбурияти ва уни қайси терговчи олиб боришни белгилашдир.

Жиноят-процессуал адабиётларда терговга тегишлилик масаласи бўйича турли қарашлар мавжуд.

Масалан, М.С.Строгович терговга тегишлилик хусусида қўйидаги таърифни келтиради: «терговга тегишлилик деб ишни хусусиятига қараб у ёки бу терговчи ёки терговчилар тоифасига берилишига айтилади»<sup>46</sup>. Бошқа бир груп олимлар эса терговга тегишлиликни жиноят ишининг белгилари орқали аниқлашади. Хусусан, С.В. Бородиннинг фикрига кўра, «терговга тегишлилик - бу жиноят иши белгиларининг йифиндиси бўлиб, унга асосан қонун у ёки бу дастлабки тергов органига иш юритишни юклайди»<sup>47</sup>. Россия Федерациясининг ЖПКГа берилган 1985 йилги шарҳида ҳам бу қоида ўз аксини топган<sup>48</sup>. Бу борада З.З. Зинатуллин, М.С. Салахов ва Л.Д. Чулюкинларнинг фикрлари тўғри бўлиб, унга кўра «...хусусиятлар ва белгилар ишнинг ўзига боғлиқ бўлиб, қонунчиликга боғлиқ эмас ҳамда терговга тегишлиликнинг объектив сабаби, лекин мазмуни эмас. Чунки терговга тегишлилик қонуннинг хохиши бўйича ўзгариши мумкин, айни пайтда ишнинг хусусияти ва белгилари ўзгармайди. Масалан илгари вояга етмаганларнинг жиноят ишлари бўйича дастлабки тергов прокуратура терговчилари томонидан тергов қилинган бўлса, ҳозирги кунда бу тоифадаги ишлар қонуннинг хохиши бўйича ички ишлар органларининг терговчилари ихтиёрига ўтказилган»<sup>49</sup>.

Қонунда дастлабки терговни юритиш ваколати берилган давлат идораларининг қатъий руйхати келтирилганлигини ҳисобга олиб, терговга тегишлиликнинг қўйидаги йўналишларини ажратиш мумкин: прокуратура терговчиларининг терговига тегишли жиноят ишлари; ички ишлар органи терговчиларининг терговига тегишли ишлар; миллий хавфсизлик органлари терговчилари терговига тегишли бўлган жиноят ишлари<sup>50</sup>.

Конкрет терговчининг ваколатлари терговга тегишлилик шакллари билан белгиланади.

Юридик адабиётларда унинг турли хил шакллари ва сонлари мавжудлиги ҳақида фикрлар билдирилган.

Терговга тегишлиликнинг предметли ва ҳудудий шаклларининг мавжудлиги ҳеч кимда шубха туғдирмайди. М.С. Строгович ва аксарият

<sup>46</sup> Строгович М.С. Курс уголовного процесса. -М.: 1970. -Б. 41.

<sup>47</sup> Возбуждения уголовного дела и предварительное расследование./ Под ред. С.В.Бородина, И.Д.Перлова. -М.: ВШ МООП СССР, 1968. -Б. 94-99.

<sup>48</sup> Комментарий к УПК РСФСР. /Под ред. А.М..Рекункова. -М.: Юрид. лит., 1985. -Б. 227-228.

<sup>49</sup> Зинатуллин З.З., Салахов М.С., Чулюкин Л.Д. Подследственность уголовных дел. -Казань: 1985. -Б. 8.

<sup>50</sup> Белоусов С.А. Подследственность в уголовном процессе и вопросы её совершенствования: Афтореф. дисс.... канд. юрид. наук.-Т.:1994. -Б..15.

юрист олимлар шу қарашларнинг тарафдорлари ҳисобланадилар. Лекин ундан ташқари терговга тегишлиликнинг бошқа шакллари борлиги ҳам баъзи олимлар томонидан эътироф этилади, масалан шахсларга қўра (персонал) терговга тегишлилик, ишларнинг боғлиқлигига қўра ва альтернатив терговга тегишлилик. Бизнинг фикримизча, терговга тегишлиликнинг қуйидаги шакллари фарқланади: предметли, худудий, маҳсус альтернатив ва ишларнинг боғлиқлиги бўйича.

**Предметли терговга тегишлилик** асосий ҳисобланиб, жиноят ишлари бўйича турли хил идоралар терговчиларининг ваколатларини фарқлади (чегаралайди). Бундай чегаралашнинг асосига содир этилган жиноят турлари қўйилади<sup>54</sup>. Прокуратура, ички ишлар, миллий хавфсизлик хизмати идоралари терговчилари томонидан дастлабки тергов юритиладиган конкрет жиноялар рўйхати Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 345-моддасида кўрсатилган.

Миллий хавфсизлик хизмати терговчиларининг предметли терговга тегишлилиги хақида гапирганда шуни таъкидлаб ўтиш керакки, у аниқ қўринишдаги сиёсий йўналишга эга. Бошқа давлатларнинг жиноят-процессуал қонунлари ҳам давлат хавфсизлик органларининг терговига тегишлилигини худди шундай таърифлайди<sup>55</sup>.

Предметли терговга тегишлиликнинг аҳамияти шундаки, турли хил шакллар ўртасида рақобат бўлганда афзаллик предметли терговга тегишлиликга берилади. Агарда иш предметли белгилари бўйича муайян дастлабки тергов органининг терговига тегишли бўлмаса, бу терговчи иш юритишга ҳақли эмас.<sup>56</sup> Бизнинг фикримизча, З.З.Зинатуллин, М.С.Салахов ва Л.Д.Чулюкин содир этилган жинояларнинг турига қараб предметли терговга тегишлиликни чегараловчи (фарқловчи) мезонларни тўғри ишлаб чиқишиган:

1.Тажовуз обьектига қараб. Бу мезон бўйича Миллий хавфсизлик хизмати терговчиларининг ваколатларидан прокуратура ва ички ишлар органлари терговчиларининг ваколатларини фарқлади;

2.Тергов қилинаётган ишларнинг мураккаблигига қараб. Бу мезон бўйича прокуратура ва ички ишлар терговчиларининг ваколатлари фарқланади;

3.Тергов аппарати жойлашган органнинг фаолияти хусусиятига қараб. Масалан, Ўзбекистон Республикаси хавфсизлигини таъминлаш вазифаларидан келиб чиқиб, мамлакатнинг иқтисодий ва сиёсий тузумига, унинг худудий яхлитлигига, суверинитетига, мудофаа қобилиятига қарши қаратилган жиноят ишлари бўйича дастлабки тергов МХХ терговчилари ваколатлари доирасига киради;

<sup>54</sup> Ягодинский В.Н. Соблюдения подследственности в деятельности органов внутренних дел. – Киев: КВШ МВД СССР, 1988. –Б. 63.

<sup>55</sup> Уголовный процесс европейских государств. / Под.ред. Божьева В.П. -М.: Юрид. лит., 1978. –Б. 15.

<sup>56</sup> Дубинский А.Я. Производство предварительного расследования органами внутренних дел.- Киев: КВШ МВД СССР, 1987. –Б. 38.

4. Тергов ва тезкор-қидириув чораларининг максимал уйғунлигига қараб. Бу мезон бўйича номаълум шахслар томонидан содир этилган жиноятларни тергов қилиш ички ишлар органларига берилган (ўғрилик, босқинчилик, талончилик ва х.к.)<sup>57</sup>.

Терговга тегишлиликнинг иккинчи, асосий шакли бу - *худудий терговга тегишлиликдир*. Унинг асосий вазифаси бир тумандаги тергов органлари ваколатини аниқлаштиришдан иборатдир. Тергов органлари ҳар бир туман (шаҳар), вилоят ва х.к.ларда бор, худудий терговга тегишлилик бу органларнинг худудий ваколатларини чегаралайди. Унинг асосий мазмуни шундан иборатки, дастлабки тергов жиноят содир этилган жойда юритилади. Агарда жиноят содир этилган жой дастлабки терговни юритиш даврида аниқланса, терговчи кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракатларини ўтказиб, прокурорнинг розилиги билан ишни терговга тегишлиликга қараб ўтказиши мумкин. Худудий терговга тегишлиликнинг амалда бўлиши республиканинг маъмурий худудий бўлиниши ва тергов аппаратининг идоравий тузилишига боғлиқ бўлади.

Масалан, прокуратура ва ички ишлар органлари маъмурий худудий бўлинишга асосланади. Худудий терговга тегишлиликни аниқловчи асосий белги - бу жиноят содир этилган жой, унинг ёрдамчи белгилари эса - айбланувчи ва кўпчилик гувоҳлар турган жойдир.

МДХ мамлакатларининг жиноят-процессуал қонунчиликларида худудий терговга тегишлилик бўйича қўпгина фарқлар мавжуд. Масалан, Украина ЖПКнинг 116-моддаси ва Молдова ЖПКнинг 112-моддасида худудий терговга тегишлиликни «агар жиноят содир этилган жой маълум бўлса, дастлабки тергов кўпчилик гувоҳлар турган ерда ўтказилиши» белгиланган. Бошқа давлатларнинг ЖПКси худудий терговга тегишлилик ёрдамчи белги сифатида жиноий оқибат келиб чиқсан жойни кўрсатади (Қозогистон Республикаси ЖПКнинг 96-моддаси, Озарбайжон Республикаси ЖПКнинг 129-моддаси, Туркманистон Республикаси ЖПКнинг 104-моддаси), Россия Федерациясининг ЖПКси (132- модда) эса жиноят аниқланган жойни кўрсатади.

*Махсус терговга тегишлилик.* Жиноят иши бўйича терговга тегишлилик жиноят субъекти бўлиб ким иштирок этишига ҳам боғлиқдир. Шунинг учун ЖПК предметли билан бир қаторда махсус терговга тегишлиликни ҳам ажратади. Бу шаклдаги терговга тегишлилик баъзида персонал деб ҳам аталади.

*Алоқадорлилигига (альтернатив) терговга тегишлиликни* таҳлил қилганда шуни таъкидлаб ўтиш керакки, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 345-моддаси ёрдамчи белгига эга. Гап шундаки бу модданинг б-қисмига кўра «ЖКнинг 167, 244(1),244(2)-моддаларида назарда тутилган жиноятларга доир ишлар бўйича дастлабки тергов ишни қўзғатган орган томонидан олиб борилади». Яъни, бу ишлар бўйича тергов идоравий

<sup>57</sup> Зинатуллин З.З., Салахов М.С., Чулюкин Л.Д. Подследственность уголовных дел. -Казань.1986. – Б. 21-23.

бўйсинувидан қатъий назар, ҳар бир жиноят ишини қўзғатган терговчи томонидан олиб борилиши мумкин.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, В.В.Шимановский предметли терговга тегишлиликнинг бу белгисини терговга тегишлиликнинг мустақил шакли - альтернативани ажратиб кўрсатади<sup>58</sup>. Аммо уни алоҳида шаклга ажратиш мақсадга мувофиқ эмас, чунки у турли идоралардаги терговчиларнинг ваколатини чегараламайди.

ЖПКда назарда тутилган терговга тегишлиликнинг кейинги шакли *жиноий ишининг боғлиқлиги бўйича терговга тегишлиликтидир*. Унга кўра бир жиноят ишини тергов қилиш бошқа жиноят иши билан боғлик бўлса, шунда қўлланилади.

### **6.3. Дастлабки терговни бошлаш ва унинг муддатлари**

Жиноятларни тез ва тўла очища, уни содир этган шахсларни аниқлашда, алоҳида тергов ҳаракатларини ҳамда тергов фаолиятини бажариш учун ўрнатилган процессуал муддатларга қатъяян риоя қилиш муҳим аҳамиятга эга.<sup>60</sup>

Ўзбекистон Республикаси ЖПКда алоҳида тергов ҳаракатларининг муддатлари белгиланган бўлиб, уларга қуйида қисқача тўхталиб ўтамиз.

Дастлабки тергов муддатлари қоида бўйича иккига бўлинади:

- а) қонун (кодекс) билан белгиланадиган муддатлар;
- б) суриштирувчи, терговчи, прокурор томонидан тайинланадиган муддатлар.<sup>61</sup>

ЖПКда белгиланган муддатлар соат, сутка ва ойлар билан ҳисобланади. Муддатларни ҳисобга олишда муддатнинг ўтиши бошланган соат, сутка ҳисобга олинмайди, лекин бу қоида ушлаб туриш, қамоқда сақлаш ва тиббий муассасада сақлаш муддатларини ҳисоблашга таалуқли эмас (314-модда, 1-қисм).

Процессуал муддатларни таърифлашда олимлар орасида ягона фикр йўқ. Масалан, З.Ф.Иноғомжонова процессуал муддатларни ифодаланиш мазмунига кўра 3-турдаги нормаларга ажратади:

- а) процессуал ҳаракатларни дарҳол бажарилишини юкловчи нормалар (321-модда);
- б) конкрет муддатни белгиловчи қонун нормалари (475-модда);
- в) конкрет муддатларни белгиламайдиган қонун нормалари (333- модда).

Дастлабки терговда алоҳида процессуал ҳаракатларни амалга ошириш муддатларини қўйидаги гурухга ажратиш мумкин.

#### **1. Дастлабки терговни тезкорлигини таъминловчи муддатлар.**

<sup>58</sup> Шимановский В.В. Общие условия производства предварительного следствия. –Л.: 1983. –Б.5.

<sup>60</sup> Процессуал муддат - вакт оралиги бўлиб, унинг мобайнида жиноят процессуал ҳаракатлар амалга оширилиши керак ёки уларни амалга оширишдан тийиб туриш талаб этилади. Қаранг: Жиноят процесси. Умумий қисм / З.Ф. Иноғомжонованинг умумий таҳрири остида. –Т.: Янги аср авлоди, 2002. -Б 366.

<sup>61</sup> Гуляев А.П. Процессуальные сроки в стадиях возбуждения и предварительного расследования. - М.: 1976. -Б. 288.

Масалан жиноятга оид аризалар, хабарлар ва бошқа маълумотлар рўйхатга олиниши ва дарҳол ёки уч суткадан, алоҳида ҳолларда эса ўн суткадан кечиктирмасдан кўриб чиқилиши керак. ЖПКнинг 331-моддасига асосан суруштирувчи, терговчи, прокурор жиноят ишини қўзғатиш учун асос ва сабаблар мавжуд бўлган тақдирда жиноят ишини қўзғатиши шарт ва бу ҳақда қарор чиқаради. Терговчи иш қўзғатилгандан кейин узоққа чўзилган жиноятларнинг олдини олиш ва жиноятларни такрорланишига йўл қўймаслик, шунингдек иш учун аҳамиятли бўлган жиноят излари, нарса ва ҳужжатларни мустахкамлаш ва қўриқлаш юзасидан дарҳол керакли чораларни кўриши лозим.

ЖПКнинг 347-моддасига асосан, ҳар бир терговчи ўз юритуvida бўлган жиноят иши бўйича Ўзбекистон Республикаси ҳудудининг исталган жойида бирор тергов ҳаракатини шахсан ўзи бажаришга ёхуд уни ўтказиши суриштирувчига топширишга ҳақли. Терговчининг топшириғида ижро этиш мажбурий бўлган ижро муддати қўрсатилади. Терговчининг топшириғини бу муддат ичида ижро этишнинг иложиси бўлмаса, топшириқ олган шахс терговчига топшириқ қачон бажарилиши мумкинлиги тўғрисида ёзма равища, телеграмма ёки телефонограмма орқали хабар қиласи ва унинг қўрсатмаларига биноан топшириқни бажаришни давом эттиради. ЖПКнинг 381-моддасига асосан терговчи айблов хулосасини тузгандан сўнг, унда ҳал этилиши лозим бўлган масалаларни кўриб чиқиб, уни имзолаб дарҳол прокурорга юборади.

**2. Дастлабки терговда иштирок этувчи шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини кафолатловчи муддатлар.** Бунга гумон қилинувчи, айланувчини сўроқ қилиш; ушлаб туриш; қамоққа олиш; жиноят иши қўшимча терговга қайтарилганда қамоқда саклаб туриш муддатини ҳисоблаб чиқиш; тиббий муассасада сақлаш муддатлари киради. ЖПКнинг 110-моддасига асосан суриштирув ва дастлабки тергов ўтказиш жараёнида гумон қилинувчи, айланувчи ушланган, сўроқ қилиш учун чақирилган, қамоққа олинган ёки мажбурий келтирилгандан кейин дарҳол ёки 24 соатдан кечиктирилмай сўроқ қилиниши керак. Агар айблов эълон қилинганидан кейин дарҳол сўроқ қилишнинг имкони бўлмаса (масалан айланувчининг тўсатдан соғлигининг ёмонлашуви, унинг қочишига, яширинишга уриниши ва х.к.) сўроқ қилиш баённомасида кечиктириш сабаблар қўрсатилиши керак. Агар сўроқ қилиш соат 22-00да тугамаган бўлса, умумий қоида бўйича соат 6-00гача танаффус эълон қилинади. Агарда айланувчининг қўрсатмаларини олиш ёки текширишни кечиктириш далилларнинг йўқолишига олиб келиши мумкин бўлса, жиноят иштирокчиларини ушлашга, ўғирланган мулкни қидириб топишга, янги жиноятларнинг олдини олишга ҳалақит берса, сўроқ қилиш тунги вақтда ҳам ўтказилиши мумкин. Ушлаб туриш гумон қилинувчига нисбатан унинг жиноий фаолият билан шуғулланишига барҳам бериш, кочиб кетиши, далилларни яшириши ёки йўқ қилиб юборишининг олдини олиш мақсадида қўлланилади. ЖПКнинг 226-моддасига асосан, ушлаб туриш милицияга ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органга келтирилган вақтдан бошлаб етмиш икки соатдан ошиб кетмаслиги керак.

Қидирилаётган айбланувчи ушланганда, агар унга нисбатан қамоқда сақлаш тариқасида эҳтиёт чорасини қўллаш ҳақида қарор бўлмаса, шахс ушлаб турилган туман (шаҳар) прокурори ушлаб турилганни тергов ўтказиладиган жойга олиб бориб топшириш учун зарур бўлган, лекин 10 суткадан ортиқ бўлмаган муддатга ушлаб туриш ҳақида қарор чиқаришга хақли. Гумон қилинувчи ҳақиқий ушланган пайтдан бошлаб ўтган вақт айбланувчини қамоқда сақлаш муддатига киритилади.

Жиноят тергов қилинаётганда қамоқда сақлаб туриш уч ойдан ошиб кетиши мумкин эмас.<sup>63</sup> Бу муддат терговни тамомлашнинг имкони бўлмаган ҳолларда Қорақалпоғистон Республикаси прокурори, вилоят, Тошкент шаҳар прокурори ва унга тенглаштирилган прокурор томонидан беш ойгача узайтирилиши мумкин. Кейинчалик дастлабки тергов муддати фақат Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ўринbosари томонидан етти ойгача ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан тўққиз ойгача узайтирилиши мумкин. Алоҳида ҳолларда, содир этилган жиноятнинг оғирлигини ҳамда тергов қилинаётган ишнинг мураккаблигини инобатга олиб, дастлабки тергов муддати Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан бир йилгача узайтирилиши мумкин. (351-модда). Дастлабки тергов муддатига қўйидагилар кирмайди:

- а) айбланувчи, ҳимоячи шунингдек, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакиллари иш материаллари билан танишиб чиқсан вақт;
- б) дастлабки тергов тўхтатиб турилган вақт;
- в) қўшимча тергов ўтказиш учун қайтарилган иш терговчига келиб тушгунга қадар ўтган вақт.

**3. Дастлабки терговда қонунларга риоя этилиши устидан прокурор назоратини кафолатловчи муддатлар.** Бунга асосан мурдани эксламация қилиш учун асослар (148-модда), почта-телеграф жўнатмаларини хатлаш (166-модда), телефон ва бошқа сўзлашув қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшишиб туриш тартиби (170-модда), прокурорнинг процессуал мажбурлов чораларини қўллаш ҳакидаги кўрсатмасининг мажбурийлиги (219-модда), эҳтиёт чораси сифатида қамоқقا олишни қўллаш тартиби (243-модда), қамоқда сақлаб туриш муддатини узайтириш тартиби(247-модда), айбланувчини лавозимидан четлаштириш тўғрисидаги қарор (256-модда), шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тўғрисидаги қарор (266-модда), жиноят ишини қўзғатиш тартиби(331-модда) киради.

Дастлабки тергов муддатларини ҳисоблаш ҳар доим жиноят иши қўзғатилган кундан бошлаб, одатда терговчи томонидан жиноят ишини тугатиш тўғрисидаги қарор чиқариш, айлов хулосасини тузиш ёки ишни тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш учун судга юбориш тўғрисида қарор чиқариш билан тамомланади.

Суд ишни қўшимча тергов ўтказиш учун қайтариб юборганда,

<sup>63</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001й, 9-10-сон 165-м.

шунингдек тўхтатилган ёки тугатилган иш қайта тикланганда қўшимча тергов муддати тергов олиб бориш устидан назорат қилаётган прокурор томонидан, мазкур ишни терговчи қабул қилган пайтдан бошлаб белгиланади. Бу муддатни янада узайтириш иш судга берилгунга, тўхтатиб турилгунга ёки тугатилгунга қадар ўтган тергов муддатини ҳисобга олган ҳолда умумий асосларда амалга оширилади.

Тергов муддатини узайтириш ҳақидаги илтимосномани терговчи тергов муддати тугашидан камида ўн сутка илгари прокурорга топширади. Прокурор ўз имзоси билан илтимосномани қаноатлантиради ёки дастлабки терговни тамомлаб, ишни судга юбориш тўғрисида кўрсатма беради ёхуд жиноят ишини тугатиш тўғрисида қарор чиқаради (351-модда).

#### **6.4. Дастлабки терговда жамоатчилик ва холисларнинг иштироки. Дастлабки тергов материалларини ошкор қилмаслик мажбурияти**

Жамоатчилик ва холисларнинг дастлабки терговда иштирок этиши бу фаолиятнинг тўла, ҳар томонлама ва холисона амалга оширилишини таъминлашга қаратилгандир.

Жамоатчиликнинг дастлабки терговдаги иштироки бу - фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришда иштирок этишининг бир шаклидир. Жамоатчиликни дастлабки терговда иштирок этишга жалб этиш бу нафақат тергов сифатинининг самарадорлигини ошириш, балки фуқароларнинг қонунларга риоя қилиш, жамоат тартибини сақлаш воситаси ҳамдир.

Жамоатчиликнинг дастлабки терговда иштирок этиши терговчига содир этилаётган (садир этиладиган) ва содир этилган жиноятлар тўғрисида хабар бериш, кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракатларини ўтказишда бевосита ёрдам кўрсатиш, ходиса содир бўлган жойни қўриқлаш, унда бўлган изларни сақлаш, гувоҳ ва жабрланувчиларни аниқлаш, жиноят қуролларини аниқлаб, қидириб топиш бошқа жиноятларга алоқадор ва уни содир этган шахсларни аниқлашда ёрдам кўрсатишдан иборатдир.

Жиноят ҳақида маълумот олган суриштирув органи, терговчи ёки прокурор жиноят ишини қўзгатиш ҳақида қарор қабул қиласи. Тайёрланаётган ёки содир этилган ҳар қандай жиноят ҳақидаги маълумотлар жамоатчилик томонидан айнан шу шахсларга жўнатилиши керак. Агарда ушбу мансабдор шахслар жиноят ишини қўзгатишни рад этса, бу ҳақда жиноят тўғрисида хабар берган шахсга маълум қилиниши лозим. Ўз навбатида бу шахслар мансабдор шахснинг қарори устидан юқори турувчи органга шикоят қилиши мумкин.

Жамоатчиликни дастлабки терговга жалб қилиш шакллари хилма-хил бўлиши мумкин: жиноят ҳақидаги маълумотларни оммавий ахборот воситаларида чоп этиш ёки радио ва телевидение орқали хабардор қилиш, ва бу ахборатларни эълон қилиш сабаблари, жиноятни содир этган шахслар ёки жиноятни ўз кўзи билан кўрган шахсларни аниқлашга қаратиш; жамоанинг мажлисида маърузалар қилиш ва жиноят содир этиш сабабларини ва шарт-

шароитларини аниқлаш ҳамда бартараф этишда тегишли чоралар ишлаб чиқиши, маҳалла йигинларига тергов ҳаракатлари ёки қидирувга ёрдам бериш тўғрисида мурожаат қилиш ва х.к. Терговчи мурожатига ижобий қараган шахслар гувоҳ сифатида сўроқ қилиниши мумкин.

Жамоатчилик вакилларига бирон-бир тергов ҳаракатини мустақил равишда бажаришни юклаб қўйиш ман этилади (масалан тинтуб ва олиб қўйишни ўтказиш, тезкор-қидирув чораларини кўриш), чунки далилларни тўплаш дастлабки тергов ва суриштирувнинг жиноят-процессуал фаолиятидир. Бошқа органлар, муассаса ва ташкилотлар дастлабки терговни ўтказиш ҳукуқига эга эмас.

Жамоат вакиллари терговчига ўз муҳитидан холисларни, таржимонларни, мутахассисларни алоҳида тергов ҳаракатларида иштирок этишлари учун тавсия қилишлари мумкин. Жамоатчилик муҳитидан тавсия этилган холислар, таржимонлар, мутахассисларга ЖПК қоидаларини татбиқ этилиб, улар тегишли процессуал ҳукуқ ва мажбуриятларга эга бўладилар.

Муайян жиноят иши бўйича унинг жараёнига ёки натижаларига нисбатан бирон-бир манфаатга эга бўлмаган шахслар ушбу иш бўйича холис сифатида иштирок этиш учун жалб қилинишлари мумкин.

Дастлабки терговда холислар олиб қўйиш, тинтуб ўтказиш, кўздан кечириш, таниб олиш учун қўрсатиш, қўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш, эксперт тадқиқотини ўтказиш учун намуналар олиш, мурдани эксгумация қилиш, нарсалар ва ҳужжатларни тақдим қилиш каби тергов ҳаракатларида иштирок этадилар. Агарда сўроқ пайтида сўроқ қилинувчи шахс баённомага имзо қўйишдан ёки қўрсатувлар беришдан бош тортса, у ҳолда унинг бу ҳаракатларини тасдиқлаш учун холислар чақирилади ва сўроқ қилиш баённомасида улар бу фактни тасдиқлаб имзоларини қўядилар ёхуд терговчи бу фактни тасдиқлаш учун алоҳида баённома тузиш ҳукуқига эга. Ҳар бир тергов ҳаракатида камиди икки нафар холис иштирок этиши шарт. ИИВ Академияси томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖПКга берилган шархида «холисларнинг ёши фуқаровий ҳукуқ лаёқатига эга ёшдан паст бўлмаслиги даркор», дейилган<sup>66</sup>.

Биз бу фикрга қўшила олмаймиз, чунки фуқаролар ҳукуқ лаёқатига туғилмасдан ҳам эга бўлишлари мумкин. Фикримизча, холисларнинг ёши тўла фуқаролик муомала лаёқатига эга ёшдан паст бўлмаслиги лозим. Тўла фуқаролик муомала лаёқати эса ўн саккиз ёшдан бошланади<sup>67</sup>.

Холис сифатида ички ишлар органида фаолият билан шуғулланувчи фуқарони ҳамда прокуратура ёки бошқа ҳукуқни муҳофаза қилувчи органларида фаолият қўрсатаётган ходимларни жалб қилиш ман қилинади.

Холиснинг жиноят ишидан манфаатдор бўлиши ёки бўлмаслиги тергочи томонидан тергов ҳаракатларини ўтказишдан олдин текширилади. Холис сифатида иштирок этувчи шахс иш бўйича айнан бир пайтда процессда бошқа мавқега эга ҳолда иштирок этиши мумкин эмас.

<sup>66</sup> Ўзбекистон Республикаси ЖПКга шархлар. -Т.: Адолат, 2000. –Б. 464.

<sup>67</sup> Давлат ва ҳукуқ назарияси. / Х.Б.Бобоевнинг умумий таҳрири остида. -Т.: ТДЮИ, 2000. –Б.300.

Почта хат-хабарларини хатлаш ҳаракатлари учун жалб этиладиган холислар почта-телеграф муассасасининг ходимлари таркибидан олиниши талаб қилинади. Холислар тергов ҳаракатини ўтказиш жараёнида бошидан охиригача иштирок этишлари талаб қилинади, акс ҳолда уларнинг иштирокида ўтказилган тергов ҳаракатлари хуқуқий кучга эга бўлмайди.

**Дастлабки тергов материалларини ошкор қилмаслик мажбурияти.** Дастлабки тергов босқичида терговчи жиноят ишидаги барча маълумотларни ёки унинг муайян қисмидаги маълумотларни ошкор қилинмайдиган деб эътироф этишга ҳакли (353-модда) ва шунинг асосида у тергов ҳаракатларида иштирок этаётган ёки бу ҳаракатларни бажаришга ҳозир бўлган ёхуд тергов материаллари билан танишаётган шахслардан уларнинг зиммасига ишда мавжуд бўлган маълумотларни унинг рухсатисиз ошкор қилмаслик тўғрисида мажбурият юклатилганлиги ҳақида тилхат олиниши мумкин.

Жиноят иши материалларини асосиз равишда ошкор қилиш жиноят ишини тергов қилиш жараёнига жиддий тўсқинлик қилиш шароитларини яратиб, жиноят процесси иштирокчилариниг хуқуқ ва қонуний манфаатларига зарар етказиши мумкин.

Суд жараёнига қараганда дастлабки терговда ошкоралик талаблари нисбатан чекланган ҳолатда бўлади. Лекин дастлабки тергов материалларини ошкор қилмаслик мажбурияти - бу терговчининг махфий фаолияти дегани эмас. Терговчи жиноят ишини очишда жамоатчилик ёрдамига таяниши, радио, телевидения, матбуотдан фойдаланиши, айборни топиш учун фуқаролар билан мулоқотга кириши керак. Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, жиноят процессида терговчи томонидан жамоат ташкилотлари ва фуқароларни тергов қилинаётган иш бўйича у ёки бу маълумотларни берилиши таъқиқланмайди, аксинча улар томонидан бериладиган турли хил версияларни текшириб кўришни талаб этади.

Дастлабки тергов материалларини ошкор этмасликнинг турли хил сабаблари бор. Биринчидан, материалларни керагидан ортиқча ошкор этилиши терговчининг ишини қийинлаштириши мумкин, лекин ЖПКда ошкор этиладиган материаллар чегараси белгиланмаган ва бу масала терговчи томонидан мустақил равишда ҳал қилинади; иккинчидан, жиноят содир этган шахс жиноятни муваффақият билан очилаётганини билиб қолса, жиноятчи яшириниши, ўз қилмишининг изларини яшириши, ўзининг айбизлигини исботловчи сунъий далилларни тайёрлаши мумкин.

Дастлабки тергов материалларини шошилинч ошкор этиш айбланувчининг манфаатига ҳам путур етказиши мумкин. Жиноий жавобгарликга тортиш - бу кейинчалик жиноят таркиби ёки ҳодисаси содир бўлмагани ёхуд қилмишда шахснинг айби йўқлиги асосида жиноят ишини тугатишнинг имкони йўқлиги дегани эмас. Жиноий жавобгарликга тортилган шахс қонунда назарда тутилган асослар бўйича дастлабки терговда озод қилиниши ва айбиз деб топилиши мумкин. Шунинг учун айбланувчини қораловчи дастлабки тергов материалларини ўз вақтидан олдин ошкор қилиш унинг хуқуқ ва қонуний манфаатларига асосиз зарар етказиши мумкин.

Шундай қилиб, тергов юритуvida бўлган материалларни ошкор қилиш қатъий равища ишнинг конкрет ҳолати ёки шароитидан келиб чиқиб терговчи ёки прокурорнинг рухсати билан амалга оширилиши лозим. Шуни ҳисобга олиб терговчи, зарур ҳолларда, гувоҳларни, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар ва жавобгарни, таржимон ва экспертни, холислар ва бошқа шахсларни тергов ҳаракатларини ўтказиша ундаги маълумотларини ошкор этмаслик ҳақида огоҳлантиради ва бу ҳақда тилхат олади. Агарда бу тилхатдаги огоҳлантириш бузилса, айбдор шахс Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 238-моддасига асосан жавобгарликга тортилади.

Тергов маълумотларини ошкор қилиш ҳақидаги рухсат терговчи ёки прокурор томонидан берилади ва у ёзма шаклда бўлиши шарт. Бундай рухсатни расмийлаштириш тегишли қарор шаклида қайд этилишини тақозо этади ва унда кимга, қайси доирадаги шахсларга қандай материалларни ошкор қилиш мумкинлиги кўрсатилади.

Прокурорнинг рухсатисиз ҳеч ким жиноят ишини қўзғатишдан олдин бўлган жараёнларда маълум бўлган материалларни ошкор қилишга ҳақли.

## **6.5. Тергов фаолиятида илмий-техника воситаларидан фойдаланиш**

Жиноят процессуал кодексининг 81-моддасининг иккинчи қисмида далиллар манбайнинг турлари белгиланган. Бунга овозли ёзувлар, видеоёзувлар, кинотасвир ва фотосуратлар киради.

Илмий-техника воситаларидан, сўроқ қилиш, юзлаштириш, кўздан кечириш, гувоҳлантириш, мурдани экспериментация қилиш, эксперимент ўтказиш, олиб қўйиш ва тинтуб, телефон ва бошқа сўзлашув қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиб туриш, нарса ва хужжатларни тақдим қилиш, эксперимент, экспертиза текшируви учун намуналар олиш, кўрсатувни ҳодиса юз берган жойда текшириш каби тергов ҳаракатларида кенг фойдаланилади. Терговчи илмий-техника воситаларидан фойдаланишда мутахассисларни жалб қилиши мумкин. Илмий-техника воситаларидан фойдаланиш, далилларни топиш, текшириш ва ишга кўшиш учун зарур. Илмий-техника воситаларидан фойдаланган терговчи рад қилиб бўлмайдиган далилларга эга бўлади. Бунинг учун у қуидаги шартларга риоя қилиши лозим:

1. Илмий-техника воситаларидан фойдаланганда уни сифатига эътибор бериши керак.

2. Терговчи илмий-техника воситаларидан фойдаланишда мутахассисни жалб қилиш билан бир қаторда барча масъулиятни ўз зиммасига олиши лозим.

3. Илмий-техника воситаларидан фойдаланилаётганлиги тўғрисида процесс иштирокчиларига маълум қилиниши керак.

4. Илмий-техника воситалари орқали тўпланган маълумотлар холисларнинг иштирокида ишга кўшилиши лозим.

Бошқа илмий-техника воситаларига приборлар, ашёлар, ва материаллар киради. Масалан, изларни нусхасини олишда гипс, парафин ёки

полимерлардан фойдаланиш, кимё-физикага оид реактивлар, инфрақизил нурлар ва бошқалар. Булардан далилларни олиш ва расмийлаштиришда фойдаланилади.

## 6.6. Жиноят ишларини бирлаштириш ва ажратиш

Дастлабки терговнинг умумий шартларидан бири бўлган жиноят ишларини бирлаштириш ва ажратиш ЖПКнинг жиноят ишини қўзғатиш бобига (41-боб) киритилган бўлса ҳам, бу масала дастлабки терговда ҳал қилинади. Чунки жиноят ишини қўзғатиш бобида ҳодисанинг юз берган бермаганлиги, унда жиноят белгисининг мавжуд ёки мавжуд эмаслиги исботланади. Жиноят ишларини бирлаштириш ва ажратишда эса ҳодиса исботланган, айб эса мавжуд бўлади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 332-моддасининг биринчи қисмига кўра, қуйидаги ҳолатларда жиноят ишлари **бирлаштирилади**. Битта тергов иши юритувига бир неча шахснинг бир ёки бир неча жиноятни биргалашиб содир этганликда айбланишига доир ишлар ёхуд бир шахснинг бир неча жиноятни содир этганликда айбланишига доир ишлар бирлаштирилиши мумкин.

Қуйидаги ҳолатларда жиноят ишлари **ажратилади**. Бир ёки бир неча жиноятни биргалашиб содир этишда айбланаётган шахсларга нисбатан ишни ажратишга, башарти бу иш ҳолатлари бўйича зарур бўлиб қолса ҳамда бундай ажратиш суриштирувнинг, дастлабки терговнинг ва суд томонидан ишни кўриб чиқишининг тўлиқ ва холисона бўлишига таъсир қилмаса, йўл қўйилади (ЖПК 332-моддасининг 2-қисми).

Ишни бирлаштириш ва ажратиш суриштирувчининг, терговчининг қарори билан амалга оширилади.

Амалиётни ўрганиш натижалари шуни кўрсатадики, жиноят ишларини нотўғри бирлаштириш ёки ажратиш, айбланувчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини бузилишига олиб келади. Шунинг учун ҳам жиноят ишлари бир неча шахс томонидан содир этилганда, жиноят ишини ажратиш ҳар бир иштирокчининг айби ва унинг хоҳшига оид масалани тўла, ҳар томонлама ва холисона исботланишини тақозо этади.

## **7-БОБ. ДАСТЛАБКИ ТЕРГОВНИ ТЎХТАТИШ, ТУГАТИШ ВА ТАМОМЛАШНИНГ НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ МАСАЛАЛАРИ**

### **7.1. Дастлабки терговни тўхтатиш ва қайта тиклашнинг тушунчаси, унинг мазмуни, қонуний асослари**

Дастлабки терговни тўхтатиш-тергов жараёнида тергов олиб борилишига тўсқинлик қиласидиган ва тергов ҳаракатларини олиб боришга имкон бермайдиган ҳолатлар вужудга келиши муносабати билан амалга оширилади. Жиноят иши бўйича тергов ҳаракатларини олиб боришни тўхтатиш дастлабки тергов, суд муҳокамасига тайинлаш ва суд муҳокамаси даврида ҳам учраши мумкин. Тергов ҳаракатларини олиб боришни тўхтатиш тушунчаси дастлабки тергов мобайнида амалиётда кўпроқ қўлланилади. Чунки, тергов ҳаракатларини олиб боришга имкон бермайдиган ҳолатлар айнан дастлабки тергов жараёнида кўп учрайди, бу ҳолатни бартараф этгандан кейингина дастлабки терговни олиб бориш мумкин бўлади. Дастлабки терговни олиб бориш учун имкон бермайдиган ҳоллар Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 364-моддасида қайд қилинган бўлиб, улар дастлабки терговни тўхтатиш асослари деб номланган. Ушбу моддада дастлабки терговни тўхтатиш асослари билан биргалиқда унинг тартиби ҳам белгиланган. Қонун талабига қўра, дастлабки тергов: иш бўйича айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиниши лозим бўлган шахс аниқланмаган; айбланувчининг қаерда эканлиги номаълум бўлган; айбланувчи Ўзбекистон Республикаси худудидан чиқиб кетган, башарти унинг терговга келишини таъминлаш имконияти бўлмаса; айбланувчи ишни юритишда унинг иштирок этишини истисно этадиган оғир ва давомли, лекин даволаб бўладиган касалликка чалинган ҳолларда тўхтатилади.

Дастлабки тергов ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган асослар юзага келган вақтдан бошлаб тўхтатилади. Лекин дастлабки тергов тўхтатилгунга қадар терговчи айбланувчи йўқлигига бажариш мумкин бўлган барча тергов ва процессуал ҳаракатларни бажариши шарт. Шундай қилиб, дастлабки терговни тўхтатиб туриш учун иккита шартлар мавжуд:

1) Жиноят иши юзасидан олиб борилаётган ҳодисада ҳақиқатан ҳам жиноят аломатлари мавжуд бўлишилиги, буни тасдиқловчи етарли далиллар тўпланган бўлиши талаб қилинади;

2) Айбланувчини йўқлигига бажарилиши лозим бўлган барча тергов ва процессуал ҳаракатлар амалга оширилиши керак.

Ушбу икки ҳолат фақатгина ишни юритишда унинг иштирок этишини истисно этадиган оғир ва давомли, лекин даволаб бўладиган касалликка чалинган айбланувчига нисбатан қўлланилиши ва уларга тегишли жиноят ишлари бўйича дастлабки терговни вақтинча тўхтатиб туриш учун асос бўлиб хизмат қиласиди. Лекин қолган асослар билан жиноят иши бўйича дастлабки терговни вақтинча тўхтатиш учун яна иккита қўйидаги шарт мавжуд:

1) дастлабки терговнинг қонун билан белгиланган муддатини ўтганлиги;

2) терговдан яширинган айбланувчини топиш ва жавобгарликка тортиш бўйича бажарилиши лозим бўлган барча процессуал ва тергов ҳаракатлари бажарилган бўлиши шарт.

Барча процессуал ва тергов ҳаракатларини бажарилган бўлиши ҳақидаги талабга кўра, терговчи айбланувчига боғлиқ бўлмаган, унинг иштирокисиз ўтказиш мумкин ва лозим бўлган тергов ва процессуал ҳаракатларни тушунамиз. Бунда иш бўйича далилларни тўплаш ҳаракатлари тўлиқ ҳажмда амалга оширилмаган бўлса ва айбланувчининг иштирокисиз ушбу далилларни топиш, қайд қилиш ва тўплаш имконияти бўла туриб, уларни топилмаган, қайд қилинмаган ва тўпланмаган бўлса, унда ушбу жиноят иши бўйича дастлабки тергов ҳаракатларини тўхтатиш мумкин эмас. Агарда, шу тергов ҳаракатларини тўлиқ бажариш учун тергов муддати етишмаган бўлса, тергов муддатини узайтириш лозим бўлади.

Агарда айбланувчини оғир ва давомли, лекин даволаб бўладиган ва айни ҳолда ишни юритишида иштирок этишини истисно этадиган касалликка чалингандиги аниқланса, унда ушбу факт тегишли тартибда суд тиббий экспертизаси ўтказиш йўли билан тасдиқланиши керак. Суд тиббиёт экспертизасининг ёхуд суд психолог экспертизасининг хулосаси дастлабки терговни тўхтатишга асос ҳисобланади. Агар руҳий касаллик тузалмайдиган характерга айланган бўлса, унда жиноят ишини тўхтатиш эмас, жиноят ишини қарор билан тиббий йўсингидаги мажбурлов чорасини қўллаш учун прокурор орқали судга юборилиши талаб этилади.

Жиноят процессуал қонунчилиги талабига кўра, суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд ўз ваколатлари доирасида жиноят аломатлари топилган ҳар бир ҳолда жиноий ҳодисани, жиноят содир этишида айбдор бўлган шахсларни аниқлашлари ва уларни жазолаш учун қонунда назарда тутилган барча чораларни кўришлари шарт. Жиноят содир этган шахсларни аниқламаслик эса, қонунчилик, давлат ва жамият, фуқароларнинг ҳукуқ ва манфаатларига зид ҳисобланади. Шунинг учун дастлабки тергов мобайнида юқорида қайд этилган дастлабки терговни тўхтатиш асослари пайдо бўлиб қолса, қонунда кўрсатилган талабларни бажарилганидан сўнг дастлабки терговни тўхтатиш мумкин.

Дастлабки терговни тўхтатиш асослари ва тартиби Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 364-моддасида белгиланган.

## **7.2. Дастлабки терговни тўхтатиш ва қайта тиклаш тўғрисидаги қарор чиқариш учун қўйиладиган талаблар**

Дастлабки терговни тўхтатиш тўғрисида етарли асослар бўлганида терговчи қарор чиқаради ва унинг нусхасини прокурорга юборади.

Дастлабки тергов факатгина айбланувчи тариқасида ишга жалб қилиш учун асослар ва далиллар бўлгандагина тўхтатилиши мумкин, агарда бундай далил ва исботлар етарли бўлмаса, унда жиноят иши бўйича дастлабки

терговни тўхтатиб туриш тўғрисида эмас, балки жиноят ишини тугатиш тўғрисидаги қарор чиқарилиши керак.

Жиноят иши бўйича дастлабки терговни тўхтатиши тўғрисидаги қарорни қабул қилишдан аввал терговчи агарда айбланувчининг қаерда эканлиги номаълум бўлса, тегишли тартибда қидирув эълон қилиши, иш бўйича айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиниши лозим бўлган шахс аниқланмаган бўлса уни аниқлаш юзасидан тегишли барча чораларни кўриб, жойларга топшириклар юбориши хамда айбланувчи Ўзбекистон Республикаси худудидан чиқиб кетган бўлса, башарти унинг терговга келишини тъминлаш имконияти бўлмаса, айбланувчини қаерда эканлигини аниқлаш ва уни келтириш юзасидан тегишли тезкор-қидирув топшириқларини жойларга юбориш лозим.

Агарда иш бўйича бир неча айбланувчи бўлиб, улардан биронтасига нисбатан терговни тўхтатиши асослари мавжуд бўлса, унда жиноят ишини бир қисми алоҳида иш юритувга ажратилади ва шу қисми бўйича дастлабки тергов вақтинча тўхатилади, қолган қисми бўйича эса тергов давом эттирилиб, жиноят иши қонун талаблари асосида кўриб чиқишлик учун судга юборилади.

Айбланувчини қаерда эканлиги номаълум бўлган шахсга нисбатан жиноят иши бўйича дастлабки терговни тўхтатиши учун жиноят иши материалларида етарли даражада шу ҳолатни тасдиқловчи далиллар мавжуд бўлиши керак.

Айбланувчи тариқасида ишга жалб қилинган шахс, ўзини турар жойини ўзгартирганлиги ҳақида дастлабки тергов органларига маълум қилиши шарт ҳисобланади. Айбланувчи ўз турар жойини ўзгартирганидан сўнг оғзаки ёки ёзма равища 24 соатдан кечикмай маълум қилиши талаб қилинади. Ушбу талабни бажарилмаслиги айбланувчига нисбатан жиддийроқ эҳтиёт чорасини қўллашга асос бўлиб хизмат қилиши мумкин. Унинг ўз турар жойини ўзгартирганлиги, дастлабки тергов ва суддан яшириниш мақсадида содир қилинмаган бўлса, бу ҳолат жиноят ишини тўхтатишга асос бўлмайди.

Айбланувчининг Ўзбекистон Республикаси худудидан чиқиб кетганлиги ва уни терговга олиб келишни имконияти бўлмаслиги аниқланса ҳам жиноят ишини тўхтатишга асос бўлади.

Айбланувчини Ўзбекистон Республикаси худудидан чиқиб кетганлиги икки хил шаклда яъни, қонуний ва ғайриқонуний бўлиши мумкин:

1) Айбланувчи Ўзбекистон худудидан қонуний равища тегишли ҳужжатларни расмийлаштириб, чиқиб кетган бўлса, унда унинг қонуний чиқиб кетганлиги расмийлаштирилган ҳужжатлар билан тасдиқланади ва шу ҳужжатлар асосида жиноят ишини тўхтатиш тўғрисида қарор чиқарилади;

2) Айбланувчи Ўзбекистон худудидан қонун талабларига зид равища тегишли ҳужжатларни расмийлаштирилсан, тергов ва суддан қочиш мақсадида яширин равища хорижий давлатларга қочиб чиқиб кетган бўлса, ғайриқонуний бўлади.

Дастлабки тергов органлари томонидан шу сабабларга кўра, ўз иш юритувларидағи жиноят ишлари юзасидан, агарда айбланувчини чет элга қочиб кетиш эҳтимоли бор бўлса, бу шахслар ҳақида терговчи хорижга чиқиш учун тегишли руҳсатнома (виза) хужжатларини расмийлаштириш билан шуғулланадиган ички ишлар идораларига маълумотнома юбориши ва маълумотнома орқали шу шахсларга тегишли руҳсатномаларни расмийлаштиришни таъқиқлаб қўйиш ҳақида талабнома юбориши лозим. Талабнома қарор тарзида прокурорни тегишли руҳсатномаси олингани ҳолда амалга оширилади. Бу билан айбланувчини қонуний йўл билан хорижий давлатларга чиқиб кетиши ва ўша давлатларда қолиб кетиб, жиноий жавобгарликдан қутилиб кетишининг олди олинади.

Дастлабки терговни амалга ошираётган шахс томонидан айбланувчи топилмаганлигини баҳона қилиб ва тегишли тергов ва қидирав ҳаракатларини ўтказмасдан ишни тўхтатиш ҳақида қарор қабул қилиниши қатъян ман қилинади. Терговчи томонидан бундай ғайриқонуний қарорни қабул қилингандиги, фуқароларнинг хукуқ ва манфаатларига жиддий заар етказилишига сабаб бўлган бўлса, хизмат текшируви ўтказилишига сабаб бўлиши ва текшириш натижасига кўра унинг томонидан ўз хизмат вазифасига совуққонлик билан қаралган деб ҳам баҳоланиши мумкин.

Дастлабки терговни тўхтатиш тўғрисида юқорида қайд этилган асослар мавжуд бўлганда, қонунда белгиланган тартибда дастлабки терговни тўхтатиш тўғрисида терговчи томонидан қарор чиқарилади ва унинг нусхаси тегишли прокурорга юборилади. Прокурор терговчи томонидан қабул қилинган қарорни қонунийлигини ўз ваколатлари доирасида текшириб чиқиб, терговчини фикрига қўшилса, қарорни ўзгартирмайди. Терговчининг қарорини ноқонуний деб топса, унда қарорни бекор қилиб, дастлабки терговни тиклаш ҳақида қарор қабул қиласди. Прокурор ўз қарорида жиноят иши бўйича дастлабки тергов ҳаракатларини тиклаш асосларини ҳамда бажарилиши лозим бўлган тергов ҳаракатларини кўрсатиб беради. Прокурорнинг ушбу қарорига асосан терговчи дастлабки терговни давом эттиради.

Терговчи прокурорнинг фикрларига қўшилмаса, унда ўз мулоҳазаларини ёзма равища баён қилиб, жиноят ишини юқори турувчи прокурорга тақдим қиласди. Юқори турувчи прокурор ҳам жиноят иши материаллари ва терговчининг фикр мулоҳазалари ҳамда қуий турувчи прокурорнинг қарорини қонунийлигини ўз ваколатлари доирасида текшириб чиқади. Қуий турувчи прокурорнинг фикрига қўшилса, қарорни ижро қилиш учун терговчига юборади. Қуий турувчи прокурорнинг фикрига қўшилмаса, унда унинг қарорини бекор қиласди.

### **7.3.Айбланувчини қидириш чоралари ва имкониятлари**

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 365-моддасида қидирав эълон қилиш тартиби белгиланган бўлиб, айбланувчининг турган жойи номаълум бўлганда терговчи унинг турар жойини аниқлаш учун зарур бўлган барча

чораларни кўриши, зарур ҳолларда эса, унга нисбатан қидирув эълон қилиши шарт.

Ўз мазмунига кўра қидирув иши айбланувчи тариқасида жиноят ишига жалб қилинган шахсни излаб-топишга қаратилган фаолиятдир. Агар шахс айбланувчи тариқасида жиноят ишига жалб қилинмаган бўлса, жиноятни ким содир этганилиги аниқланмасдан туриб, жиноят содир этган шахсни излаш яъни жиноятни очиш ва тезкор-қидирув фаолияти билан боғлиқ ҳолат бўлади.

Терговчи факат айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилиниши тўғрисида қарор чиқарилган шахсга нисбатан қидирув эълон қилишга хақли.

Қидирув дастлабки тергов ўтказилаётганида ҳам, шинингдек дастлабки тергов тўхтатилганидан кейин ҳам эълон қилиниши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 242-243-моддаларида назарда тутилган асослар мавжуд бўлганда терговчи прокурорнинг санкцияси билан қидирилаётган айбланувчи топилган тақдирда унга нисбатан қамоқقا олиш тариқасидаги эҳтиёт чорасини қўллаши мумкин.

Қидирилаётган айбланувчи ушланган тақдирда ўша жойдаги прокурор ўша шахснинг қидирилаётган айбланувчи эканлигини аниқлаши ва қамоқقا олиш учун қонуний асослар мавжудлигига ишонч ҳосил қилиши лозим.

Қидирув эълон қилишни амалга оширмасдан туриб, аввал ҳақиқатан ҳам айбланувчининг терговдан яширганлигини аниқлаш зарур. Бунинг учун унинг шахси тўғрисида батафсил ахборот йиғиш лозим бўлади.

Айбланувчини қидиришда барча ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг, хизматидан самарали фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Айбланувчига нисбатан қидирув эълон қилиниши дастлабки терговга ёрдам берадиган далилларни йиғиш ҳаракатларини тўхтатиб қўймайди.

Қидирув эълон қилиш тўғрисидаги қарорда терговчи олиб борилаётган жиноят ишининг ҳолатлари, қидирув эълон қилиш асослари, қидирув фаолиятини кимга топширилаётганлиги, қидирилаётган шахсга нисбатан қандай эҳтиёт чораси қўлланиши кераклиги ва қидирилаётган ушланган тақдирда уни қаерга юборилиши лозимлигини баён қиласди. Агарда жиноят ишини тўхтатиш ва қидирув эълон қилиш тўғрисидаги терговчининг қарори битта ҳуқукий ҳужжат-қарорда ифода этилган бўлса, унда барча маълумотлар ушбу ҳужжатда кўрсатиб ўтилиши керак.

Айбланувчининг қидируви натижасини ва самарасини терговчи томонидан тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи суриштирув органлари билан ишни ташкил қилганлигига қараб белгилаш мумкин. Одатда терговчи айбланувчини қидируви билан боғлиқ бўлган топшириқни қарор ҳамда қидириувчининг фотосурати билан биргаликда ички ишлар органларига юборади. Қидирув ҳақидаги қарорга қидирилаётган шахс ҳақида батафсил маълумот берилади. Унинг ташки кўриниши, ёши, миллати, ирқи ва қаерларда бўлиши мумкинлиги, умуман олганда қидирилаётган шахсни

топишга ёрдам бериши мумкин бўлган ҳар қандай маълумот илова қилиб юборилиши лозим.

Қидирилаётган шахснинг шахсий маълумотномасида: фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган йили, ойи, куни, миллати, фирмага аъзолиги, маълумоти, оиласвий аҳволи, қариндошларининг рўйхати ва уларнинг турар жойлари, унинг мутахассислиги, ихтисослиги, охирги турар жойи ва ишлаш жойининг манзилгоҳи, ҳарбий хизматга алоқадорлиги, судланганлиги тўғрисидаги маълумотлар, ташқи қиёфа белгилари, саломатлиги, сурункали таърифга эга бўлган касалликлари, қаерда даволангандиги, жиноий жавобгарликдан қандай сабабларга кўра қочганлиги, унга кимлар ёрдам берган бўлиши мумкинлиги ёхуд аниқ бўлса ким ёрдам берганлиги, шахсий алоқалари ва бошқа шунга ўхшаш маълумотлар ҳамда айбланувчи қаерда яшириниши мумкин бўлган ҳудудлар, жойлар, тахмин ва тусмоллар мавжуд бўлгандан қидирувни осонлаштирадиган бошқа маълумотлар кўрсатилади.

Зарур бўлган ҳолларда, қидирув эълон қилиш тўғрисидаги қарор билан биргаликда айбланувчини сўроқ қилиш тўғрисидаги топшириқни ҳам қўшиб жўнатилади. Сўроқ қилиш тўғрисидаги топшириқда айбланувчидан сўралиши лозим бўлган саволлар тизимини ҳам қўшиб юбориш мумкин.

Қидирув эълон қилиш тўғрисидаги қарор ва топшириқ суриштирув органига топширилганидан сўнг ҳам терговчи айбланувчини қидириш юзасидан ўз фаолиятини тўхтатмайди.

Терговчи ўзининг қидирув ҳақидаги қарорининг ижросини мунтазам равища суриштирув органларидан талаб қилиб туришга ҳақлидир. Агарда қидирувни амалга ошираётган суриштирув органлари фаолиятидан терговчи норози бўлса, бу ҳақда прокурорга шикоят билан мурожаат қилиши мумкин.

Агарда айбланувчи Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида бўлса, у ҳолда шахсни халқаро-хукукий экстрадация қоидаларига асосан мамлакатимиз ҳудудига олиб келиш ва айбланувчини тутиш лозим. Экстрадация мунособатлари эса тегишли хорижий давлат билан республикамиз ўртасида тузилган халқаро-хукукий шартномага асосан амалга оширилади.

Шахснинг қидируви Интерпол (халқаро полиция) орқали ҳам амалга оширилиши мумкин. Бу ҳолда, ушбу ташкилот қоидаларига бўйсуниш лозим бўлади.

#### **7.4. Айбланувчи касал бўлиб қолганида дастлабки терговни тўхтатиши**

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 366-моддасига кўра айбланувчи касал бўлиб қолганида дастлабки тергов тўхтатилади унда кўрсатилишича, суд-тиббиёт эксперти ёки психиатр-эксперт айбланувчининг касалини жиноят ишини юритишда иштирок этишини истисно этадиган оғир ва давомли, лекин даволаб бўладиган касаллик деб топса, иш бўйича дастлабки тергов айбланувчи соғайгунга қадар тўхтатилади.

Бундай ҳолда айбланувчига нисбатан эҳтиёт чораси терговчи томонидан ЖПКнинг 236-254 моддаларида назарда тутилган қоидаларга риоя қилинган ҳолда сақлаб қолиниши, ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин.

Шифокорнинг оддий маълумотномаси орқали ёхуд айбланувчининг ўзини касаллигини билдириб берган оғзаки илтимосномаси орқали жиноят ишини тўхтатиб қўйиш ман этилади. Жиноят ишини тўхтатиши учун айбланувчининг оғир ва давомли, лекин даволаб бўладиган касалликка учраганлиги тегишли тартибда суд-тиббий ёхуд суд психиатрик экспертиза орқали аниқланиши ва уларнинг шу ҳақдаги тегишли хulosаларини олиниши шарт ҳисобланади. Суд-тиббий экспертининг (СПЭ ҳам) хulosаси асосидагина жиноят иши бўйича тергов ҳаракатларини тўхтатиши тўғрисида қарор қабул қилиш мумкин.

Айбланувчини оғир касалликка дучор бўлганлиги терговчини айбланувчига нисбатан эҳтиёт чорасини ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳукуқини чегараламайди. Терговчи ҳар қандай ҳолда, ЖПКнинг 236-254-моддаларида назарда тутилган қоидаларга риоя қилган ҳолда қарор қабул қилиши лозим.

## **7.5.Дастлабки терговни тўхтатиши тўғрисидаги қарор**

Дастлабки терговни тўхтатиши тўғрисидаги қарор терговчи томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 369-моддасида кўрсатилган талаблар асосида чиқарилади. Бу қарор асослантирилган процессуал хужжат ҳисобланиб: 1) тўхтатилган жиноят иши бўйича ҳақиқатан ҳам жиноят ҳодисаси содир этилганлиги исботланган бўлиши, бу тўғрисида иш бўйича тегишли далиллар мавжуд бўлиши; 2) иш бўйича айбланувчининг иштирокисиз амалга оширилиши лозим бўлган барча тергов ҳаракатлари ўтказилган бўлиши, иш материаллари билан бу ҳолат ўз тасдифини топиши; 3) жиноят содир этган шахсни ва жиноятдан кўрилган заарни аниқлаш мақсадида барча чора ва воситалар бажарилган бўлиши шарт. Ушбу шартларнинг бажарилмаганлиги чиқарилган қарорни асоссизлигини билдиради.

Қарор асосан уч қисмдан, яъни кириш, асослантириш ва хulosса қисмидан иборат бўлади. Қарорнинг кириш қисмida: а) қарорнинг тузилган жойи (аҳоли яшаш пункти); б) қарор тузилган вақт (йил, ой, кун); в) қарорни тузган шахснинг лавозими, маҳсус унвони, фамилияси, исми-шарифи ва г) қайси иш бўйича ушбу қарор чиқарилаётганлиги (жиноят ишининг номери ёки номи-кимга тегишли эканлиги) қайд этилади.

Қарорнинг тавсиф (асослантириш) қисмida жиноят ишининг мазмуни, қандай сабабларга қўра ишни тўхтатиши кераклиги ва уни асословчи ҳолатлар ва исботловчи далилларни ўз ичига олади.

Қарорнинг хulosса қисмida қабул қилинган қарорнинг мазмуни - (яъни, процессуал ҳаракат мазмуни ва мақсади) дастлабки терговни тўхтатиши тўғрисида, ашёвий далилларни саклаш ва иш билан боғлиқ бошқа чоралар

амалга оширилганлиги баён қилинади. Шундан кейин қарор уни тузган шахс томонидан имзоланади ва унинг нусхаси тегишли прокурорга юборилади.

Агарда терговчи айбланувчининг қаерда эканлиги ноъмалум бўлганлиги сабабли дастлабки терговни тўхтатиш ҳақида қарор чиқарса, унда қарорнинг тавсиф қисмида а) жиноят ишининг моҳияти нимадан иборат эканлиги; б) жиноят ишини тўхтатиш асослари нималардан иборат эканлиги; в) айбланувчи тариқасида ишга жалб қилинган шахсга тегишли маълумотлар қайд этилган бўлиши зарур. Ушбу ҳолатда айбланувчига нисбатан қидирав ҳам эълон қилинади. Қидирав эълон қилиш қарорида ҳам айнан таъкидлаб ўтилган маълумотлар ўз аксини топган бўлиши лозим.

Қарорнинг хулоса қисмида 1) терговчининг ишни тўхтатиш ҳақидаги қарори; 2) суриштирув идораларига қидирав эълон қилиш тўғрисидаги топшириқ (мабодо қидирав эълон қилиш ҳақида алоҳида қарор қабул қилинмаган бўлса) кўрсатилиши керак. Қарор сўнгидан терговчи ўз имзосини қўяди.

Агарда терговчи дастлабки терговни тўхтатишни айбланувчини ишни юритишда унинг иштирок этишини истисно этадиган оғир ва давомли, лекин даволаб бўладиган касалликка чалинганлиги муносабати билан амалга оширмокчи бўлса, унда қарорнинг тавсиф қисмида:

1) айбланувчининг оғир руҳий ёки бошқа турдаги касаллигини тасдиқловчи далиллар (шахс даволаниб ётган касалхонадаги даволовчи врач-мутахассис иштирокида кўздан кечириш ва суд тиббиёт экспертизаси хуласасини олиш);

2) айбланувчи соғайиши учун қандай чоралар қўрилганлиги (стационарга юборилганлиги, амбулатория шароитларида даволанаётганлиги ва ҳ.к.);

3) айбланувчини айни вақтда транспорт воситаси билан тегишли жойга олиб боришга унинг саломатлиги йўл бермаётганлиги ва унга тиббий кузатув зарурлиги қайд этилиши керак.

Қарорнинг тавсиф қисмида айбланувчи соғайиб кетгунича унинг жиноят иши тўхатилиши қайд этилади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 370-моддасида терговчининг дастлабки тергов тўхтатилганидан кейинги ҳаракатлари баён қилинган бўлиб, унда кўрсатилишича, терговчи дастлабки терговни тўхтатиш асосларига қараб ички ишлар органлари ва бошқа ваколати органлардан айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилиниши лозим бўлган шахсларни аниқлаш, яшириниб юрган айбланувчиларни қидириб топиш учун кўрилаётган чоралардан мунтазам хабардор бўлиб туради ва шу мақсадда ўзи сўров ҳатлари юборади, маълумотлар ва тушунтиришлар олади, жамоатчиликнинг ёрдамидан фойдаланади ёхуд айбланувчининг дастлабки терговнинг тўхтатилишига сабаб бўлган касаллигидан вақти-вақти билан хабардор бўлиб туради. Айбланувчи Ўзбекистон Республикаси худудидан чиқиб кетган ҳолларда терговчи жиноят содир этишда айбланаётган ва бошқа давлатлар худудида яшириниб юрган шахсларни ушлаб беришни тартибга

солувчи қонун хужжатлари ва халқаро шартномаларга мувофиқ чоралар кўради.

Дастлабки тергов тўхтатилгандан кейин ва у қайта тиклангунга қадар тергов ҳаракатлари ўтказилишига йўл қўйилмайди.

## **7.6. Тўхтатилган жиноят иши бўйича дастлабки терговни қайта тиклаш**

Тўхтатилган жиноят иши бўйича дастлабки терговни қайта тиклаш асослари Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 371-моддасида қайд қилинган. Ушбу модда талабига кўра, тўхтатилган жиноят иши бўйича дастлабки тергов: биринчидан, терговни тўхтатиш учун асос тариқасида назарда тутилган

а)иш бўйича айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиниши лозим бўлган шахс аниқланмаган;

б)айбланувчининг қаерда эканлиги номаълум бўлган;

в)айбланувчи Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан чиқиб кетган, башарти унинг терговга келишини таъминлаш имконияти бўлмаса;

г)айбланувчи ишни юритишда унинг иштирок этишини истисно этадиган оғир ва давомли, лекин даволаб бўладиган касалликка чалинган ҳолларда тўхтатилади деган асослар бартараф этилганда дастлабки тергов тикланади.

Дастлабки терговни тиклашнинг иккинчи асоси-бу жиноят иши бўйича айбланувчининг иштирокисиз бажарилиши мумкин бўлган қўшимча тергов ҳаракатларини ўтказиш зарурати туғилганда қайта тикланади.

Дастлабки терговни тўхтатиш тўғрисидаги қарор қонунга номувофиқ бўлса, прокурор уни бекор қилиши ва дастлабки терговни қайта тиклаш тўғрисида қарор чиқариши мумкин.

Терговчи дастлабки терговни қайта тикланганлиги ҳақида прокурорга дархол хабар қиласди.

Иш юзасидан дастлабки тергов қайта тикланиши билан бир вақтда дастлабки тергов муддати ҳам тикланади. Тергов муддатини кейинчалик узайтирилиши дастлабки терговни тўхтатишдан олдин ўтган тергов муддатини эътиборга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 351-моддасига биноан амалга оширилади. Ушбу модда талабига кўра, тўхтатилган ёки тугатилган иш қайта тикланганда қўшимча тергов муддати тергов олиб бориш устидан назорат юргазаётган прокурор томонидан, мазкур ишни терговчи қабул қилган пайтдан бошлаб бир ой давомида белгиланади.

## **7.7. Дастлабки терговни тамомлаш тушунчаси, унинг моҳияти ва аҳамияти**

Дастлабки терговни тамомлаш-бу жиноят ишини тўла ҳар томонлама ва холисона амалга ошириш учун зарур бўлган ҳамда жиноят иши юзасидан бажарилиши лозим бўлган барча тергов ҳаракатларини бажариб бўлингандан кейин юзага келадиган дастлабки тергов босқичининг якунловчи қисми

хисобланади. Дастребаки терговни тамомлаш шу ҳақдаги қарорни тегишли тарзда процессуал расмийлаштирумасдан аввал бир қатор процессуал ҳаракатларни амалга оширилишни талаб этади.

С.П. Бекешко ушбу босқич мазмунига жиноят иши бўйича қонун билан белгиланган тартибда далилларни топиш, тўплаш ва қайд қилиш билан боғлиқ бўлган барча процессуал ҳаракатларни, иш юритишни расмийлаштириш ва бир тизимга солиш ҳамда иш бўйича унинг тақдирига оид қабул қилинган қарорларни процесс иштирокчиларига маълум қилиш каби ҳаракатларни киритади.<sup>135</sup>

Дастребаки терговни якунловчи қисми жиноят иши бўйича дастребаки тергов материалларини бир тизимга солишдан бошланади. Амалиётда унинг қуидаги икки тури мавжуд: Биринчиси-хронологик тизимга солиш, иккинчиси-мазмунига кўра тизимга солишдан иборат.

Хронологик тизимга солишда терговчи томонидан тўпланган ва унга келиб тушган жиноят иши материаллари гурухларга бўлинади ва хронологик тартибда жойлаштирилади;

Мазмунига кўра тизимга солишда жиноят иши материаллари содир этилган жиноятлар бўйича гурухларга бўлинади. Одатда мазмунига кўра тизимлаштириш кўп эпизодли жиноят ишлари бўйича қўлланади. Бундай ҳолларда ҳужжатлар содир этилган жиноятларнинг оғирлик даражаси қандай бўлишидан катъи назар, содир этилган жиноят гуруҳига қараб жиноят ишига тикилади. Бир неча эпизодлар учун умумий ҳисобланган ва тузилган баённомалар ва қарорлар, айбланувчи, жабрланувчининг шахсини тавсифловчи ҳужжатлар, тинтуб баённомалари, гумонланувчи тариқасида ушлаш ва эҳтиёт чораси сифатида қамоқка олиш ҳақидаги қарор ва баённома ва шунга ўхшаш бошқа ҳужжатлар хронологик тартибда ишга тикилади.

Жиноят иши материалларини тизимга солиш авваламбор терговчига, сўнgra айбланувчига, ҳимоячига, айбланувчининг қонуний вакилига, жабрланувчига, фуқаролик даъвогарига, фуқаролик жавобгарига ва уларнинг қонуний вакилларига, прокурорга, судга, судьяга иш бўйича тўпланган далилларни янада чуқурроқ таҳлил қилишга ёрдам беради, шунингдек тезкорлик билан дастребаки тергов ҳужжатларидан фойдаланиб, якуний ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилишга имкон яратади. Терговчи дастребаки тергов босқичининг ушбу қисмида жиноят ишининг тақдирини ҳал қиладиган қарорни қабул қилиш учун ўз хулосаларини шакллантиради ва асослайди.

## 7.8. Дастребаки терговни тамомлаш турлари

ЖПКнинг 372-моддасида дастребаки терговни тамомлаш турлари белгиланган:

- дастребаки тергов жиноят ишини тугатиш тўғрисида қарор чиқариш;
- айблов хулосаси тузиш;

<sup>135</sup> Бекешко С. П. Практикум по уголовному процессу. Учеб. пособие. Для студентов юр. факультетов и ВУЗов Минск изд. БГУ имени В.И. Ленина. 1979 г. -Б. 18.

в) ишни тиббий йўсингаги мажбурлов чораларини қўллаш учун судга юбориш тўғрисида қарор чиқариш билан тамомланади.

Шундай қилиб, дастлабки тергов босқичини якунлаш қисми жиноят иши материалларини тизимга солиш билан бошланиб, жиноят ишини тугатиш тўғрисида қарор чиқариш ёки айлов хулосаси тузиш ёхуд ишни тиббий йўсингаги мажбурлов чораларини қўллаш учун судга юбориш тўғрисида қарор чиқариш билан поёнига етади.

Жиноят ишини тугатиш йўли билан дастлабки терговни тамомлаш қонунда белгиланган (ЖПКнинг 83-84-моддалари) асослар мавжуд бўлгандагина амалга оширилади. Биринчидан, ЖПКнинг 83-моддасида кўрсатилган реабилитация учун асослар мавжуд бўлганда, яъни:

1) иш қўзғатилган ва тергов ҳаракатлари ёки суд мухокамаси ўтказилган иш бўйича жиноий ҳодиса юз бермаган бўлса;

2) гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчининг қилмишида жиноят таркиби бўлмаса;

3) гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчининг содир этилган жиноятга дахли бўлмаса,

Иккинчидан, ЖПКнинг 84-моддасида кўрсатилган айблилик тўғрисидаги масалани ҳал қилмай туриб жиноят ишини тугатиш учун асослар мавжуд бўлганда, яъни:

1) шахсни жавобгарликка тортиш муддати ўтган бўлса;

2) эълон қилинган амнистия ҳужжати содир этилган жиноят ёки шахсга дахлдор бўлса;

3) айбланувчи, судланувчи вафот этган бўлса;

4) шахсга нисбатан айнан шу айлов бўйича суднинг қонуний кучга кирган ҳукми бўлса;

5) шахсга нисбатан айнан шу айлов бўйича ишни тугатиш ҳақида суднинг қонуний кучга кирган ажрими (қарори) ёки ваколатли мансабдор шахснинг жиноят иши қўзғатишни рад этиш ёхуд ишни тугатиш ҳақида бекор қилинмаган қарори бўлса;

6) иш факат жабрланувчининг шикояти билан қўзғатиладиган ҳолларда унинг шикояти бўлмаса, ЖПКнинг 325-моддасида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;

7) шахс ижтимоий хавфли қилмиш содир этган пайтда жиноий жавобгарликка тортиш мумкин бўлган ёшга тўлмаган бўлса.

Агар шахс жиноят ишига айбланувчи тариқасида жалб қилинганидан кейин, жавобгарликка тортиш муддати ўтган бўлса ёхуд амнистия ҳужжати қабул қилинган тақдирда ёхуд, айбланувчи, судланувчи вафот этса, унинг яқин қариндошларини талабига кўра, ишни юритиш умумий тартибда давом эттирилиши мумкин. Мабодо, ушбу ҳолларда ҳукм қилиш учун асослар мавжуд бўлса, айлов ҳукми жазо белгиланмасдан чиқарилади.

Жиноят содир этган шахс жиноят содир этилганидан кейин ўз ҳаракатларининг моҳиятини идрок этиш ёки идора қилиш имкониятидан маҳрум этадиган руҳий касалликка чалиниб қолса, уларга тегишли жиноят

иши ЖПКнинг 61-бобида белгиланган тартибда айблилик ҳақидаги масала ҳал қилинмасдан тугатилади.

Жиноят Кодексининг 66<sup>1</sup>-моддасида назарда тутилган жиноятлар тўғрисидаги ишлар бўйича жабрланувчи жиноят содир қилишда гумонланаётган, айбланаётган, судланаётган шахс билан ярашган тақдирда жиноят иши ЖПКнинг 62-бобида белгиланган тартибда суд томонидан айблилик ҳақидаги масала ҳал қилинмасдан тугатилиши мумкин.

ЖПКнинг 84-моддаси талабига асосан жиноят иши қўйидаги ҳолларда шахснинг жиноят содир этилишида айблилиги тўғрисидаги масалани ҳал қилмай туриб жиноят иши тугатилиши мумкин, башарти;

1) ишни тергов қилиш ёки судда кўриб чиқиш пайтига келиб, қилмиш ижтимоий хавфлилик хусусиятини йўқотган ёхуд вазият ўзгариши оқибатида бу шахс ижтимоий жиҳатдан хавфли бўлмай қолган деб эътироф этилса;

2) биринчи марта ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят ёки унча оғир бўлмаган жиноят содир этган шахс жиноят содир этилганидан кейин етказилган заарни бартараф этган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон қилган ва жиноятни фош қилишга фаол кўмаклашган бўлса;

3) содир этилган қилмишнинг хусусиятини, биринчи марта ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят содир этганинг шахсини ҳисобга олиб, материалларни вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияга қараб чиқиш учун бериш мақсадга мувофиқ бўлса.

Жиноят ишини тугатиш ҳақидаги қарорни терговчи асослантирилган тарзда расмийлаштириш йўли билан амалга оширади. Терговчининг бундай қарорига прокурор розилик беради (ЖПКнинг 382-моддаси).

ЖПКнинг 374-моддасига биноан жиноят ишини тугатиш тўғрисидаги қарор белгиланган қоидаларга риоя қилинган ҳолда тузилади. Қарор кириш, тавсиф ва хулоса қисмларидан иборат бўлади. Кириш қисмida унинг номланиши, тузилган жой ва санаси, шунингдек қайси жиноят иши бўйича чиқарилганлиги кўрсатилади қарорнинг тавсиф қисмida эса:

1) жиноят ишини қўзғатиш асослари ва унинг содир этилишига доир тергов вақтида текширилган тусмоллар;

2) гумон қилинувчи ва айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилинган шахсга тўғрисидаги маълумотлар, уларга нисбатан қўлланилган эҳтиёт чоралари, башарти бу шахсга қўйилган гумон ёки айб илгари чиқарилган алоҳида қарор билан тугатилмаган бўлса;

3) жиноят ишини тугатиш асослари;

4) бу асосларни тасдиқловчи далиллар, улар ишнинг қайси жилдлари ва саҳифаларида акс эттирилганлиги;

5) ашёвий далилларнинг рўйхати, бу ашёлар сақланаётган жой ва уларнинг эгалари, шунингдек манфаатдор шахслар ёки муассасалар томонидан бу ашёларни уларга қайтариб бериш тўғрисидаги илтимослари, башарти шундай илтимос қилинган бўлса;

6) фуқаровий даъвони таъминлаш чоралари баён қилинади.

Қарорнинг хулоса қисмida:

1) жиноят ишини тугатиш тўғрисидаги;

- 2) гумонни ёки айбловни олиб ташлаш тўғрисидаги;
- 3) эҳтиёт чораларини, шунингдек фуқаровий даъвони таъминлаш учун кўрилган чораларни бекор қилиш тўғрисидаги;
- 4) ашёвий далиллар тўғрисидаги қарорлар баён қилинади.

Агар жиноят иши бўйича бир неча шахслар айбланувчи тариқасида жиноят ишига жалб қилинган бўлсалар, уларнинг фақатгина баъзи бирига нисбатан жиноят ишини тугатиш асослари мавжуд бўлса, бундай айбланувчининг қисми тугатилади, қолган айбланувчиларнинг қисми эса умумий иш юритуви тартибида айблов хulosаси билан прокурорга юборилади. Ишни тугатиш ҳақидаги қарорда ашёвий далиллар тақдири белгилаб қўйилиши лозим. Агарда иш юритуви тугатилган айбланувчига нисбатан эҳтиёт чораси қўлланган бўлса, бекор қилиниши керак. Рўйхатга олинган ва олиб қўйилган мулк рўйхатдан чиқарилиб, эгасига қайтарилиши лозим.

Терговчи жиноят ишини тугатганлиги ҳақида ёзма равища гумон қилинувчи, айбланувчи, ҳимоячи, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакилларига ҳамда жиноят ишини қўзғатиш учун ариза билан мурожаат қилган фуқаро ёки мансабдор шахсга маълум қилиши шарт. Шу билан бир вақтда терговчи жиноят ишини тугатиш ҳақидаги қарор устидан шикоят қилиш тартибини тушунтириши шарт.

Ҳарбий хизматга чақирилувчи шахсга нисбатан иш тугатилганда терговчи бу ҳақда етти кунлик муддати ичиде ёзма равища туман (шаҳар) мудофаа ишлари бўлимига хабар қиласи.

## **7.9. Айбланувчи, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг қонуний вакилларини иш материаллари билан таништириш**

ЖПКнинг 375-моддасида жиноят иши тамомлангандан кейин ундаги материаллар билан танишиб чиқиши хуқуқини таъминлаш тартиби белгиланган. Терговчи жиноят ишини тугатгач бу ҳақда айбланувчи, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва қонуний вакилларига маълум қиласи ва уларнинг жиноят иши юзасидан тўпланган материаллар билан танишиш хуқуқига эга эканлиги тушунтирилади. Бу ҳақда терговчи томонидан тегишли тартибда баённома тузилади ва ёзма тарзда маълум қилинганлигини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси жиноят иши материалига қўшиб қўйилади.

Агар процесснинг ушбу иштирокчилари томонидан жиноят иши материаллари билан танишиш истаги бўлмаса, бу ҳақда ҳам баённома тузилиб, унга процесс иштирокчиси ҳамда терговчи имзоси қўйилиб, ишга қўшилади.

Жабрланувчи, фуқаровий даъвогар ва уларнинг қонуний вакиллари иш материаллари билан танишишини истасалар, терговчи жиноят иши материалларини уларга тақдим қилиши шарт. Фуқаровий жавобгар ва уларнинг қонуний вакилини фуқаровий даъвога тегишли бўлган қисми

билангина таништирилади. Дастрлабки тергов томонидан овозли ёзув, видеоёзув, кинотасвир ёхуд телефон ва бошқа қурилмалар орқали эшитиш амалга оширилган бўлса, унда жабрланувчи ушбу ҳаракатлар юзасидан тўпланган материаллар билан ҳам танишиш учун илтимоснома билан мурожаат қилиши мумкин ва ушбу материаллар унга танишиш учун тақдим қилиниши лозим.

Жабрланувчилар, гувоҳлар, холислар ва процесснинг бошқа иштирокчилари хавфсизлигини таъминлаш мақсадида тергов ҳаракатлари баённомасининг кириш қисмлари танишиб чиқиш учун тақдим қилинмаслиги мумкин. Бундай ҳолларда баённомаларнинг кўрсатиб ўтилган процесс иштирокчилари тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган кириш қисми муҳрланган ҳолда сақланади.

Башарти айбланувчининг ҳимоячиси ва жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгарнинг вакили узрли сабабларга биноан белгиланган вақтда иш материаллари билан танишиб чиқиш учун кела олмаса, терговчи танишиб чиқиш муддатини кўпи билан беш суткага кечиктириши мумкин. Ҳимоячи ёки вакил бу муддат ичida келмаган тақдирда айбланувчига бошқа ҳимоячини таклиф қилиш, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар ёки фуқаровий жавобгарга бошқа вакил чақириш учун имконият яратилиши шарт.

ЖПКнинг 376-моддасида жиноят иши материаллари билан танишиб чиқиш тартиби белгиланган бўлиб, унга кўра терговчи ишдаги материалларни танишиб чиқиш учун тикилган ва рақамланган кўринишида, ҳар бир жилддаги ҳужжатларни рўйхат қилган тарзда тақдим этиши керак. Иш билан танишиб чиқиш учун зарур бўлган муддат чекланмайди. Лекин процесс иштирокчилари атайлаб иш билан танишишни чўзсалар, унда терговчи ўз қарори билан муайян муддат белгилашга ҳақли ҳисобланади.

Процесс иштирокчилари жиноят иши материаллари билан танишиш давомида, ундан кўчирмалар олишлари, ўтказилган дастрлабки тергов ҳаракатини тўлдириш юзасидан илтимосномалар киритиш ҳукуқига эгалар. Иш материаллари билан танишиш тўғрисидаги баённомада терговчи процесснинг қайси иштирокчисига жиноят иши материалларини қанча ҳажмини кўрганлигини, танишиш қанча муддат давом этганлигини, қандай илтимосномалар бўлганлигини ва илтимосномани қандай хал қилинганлигини кўрсатиши керак. Ёзма илтимосномалар ишга тикилиши шарт. Агар киритилган тақдимнома қисман ёки тўлиқ рад этилса, терговчи томонидан рад этиш асослари кўрсатилиб, қарор қабул қилиниши, қарор илтимоснома киритган процесс иштирокчисига эълон қилиниши, қарор нусхаси билан у таъминланиши ва қарор ҳам ишга тикилиши лозим. ЖПКнинг 377-моддасига биноан аризачи илтимосни қондириш рад қилинганлиги тўғрисидаги қарор билан танишиб чиққандан кейин икки сутка ичida рад этилганлик устидан прокурорга шикоят қилиши мумкин.

Илтимос қондирилгандан кейин жиноят иши билан қайта таништиришга оид қонун талаби ЖПКнинг 378-моддасида белгиланган бўлиб, унга кўра киритилган илтимоснома ким томонидан киритилган бўлишидан қатъи назар,

илтимос қондириладиган бўлса, процесс иштирокчиларидан айбланувчи, ҳимоячи, жабрланувчи, фуқаровий даввогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакилларига ишдаги барча материаллар билан яна танишиб чиқиши имкониятини бериши шарт.

Қонун талабига кўра, дастлабки терговни амалга оширган шахс айбланувчига тергов тамом бўлганлиги ва иш материаллари билан танишиб чиқиши ҳуқуқини, танишиб чиқиши мобайнида жиноят иши бўйича яна бошқа гувоҳларни сўроқ қилишни талаб қилиши, ишга бошқа материаллар, қўшимча ҳужжатлар ва ашёвий далилларни тақдим қилиб уларни ҳам ишга қўшишни, қўшимча ёхуд такрорий экспертизалар ўтказишни, жабрланувчи ва гувоҳлар ва бошқа иштирокчилар билан юзлаштириш ўтказишни талаб қилиши мумкинлигини албатта тушунтириши керак.

Айбланувчига жиноят иши материалларини тўлиқ ҳажмда тақдим қилиш унинг қонун билан белгиланган ҳуқуқларини кафолати ҳисобланади. Чунки, жиноят иши материаллари билан танишиб чиқиши учун тақдим қилингунига қадар терговчи томонидан аниқланган, ишга қўшилган ва текширилган далиллар ҳамда ўтказилган тергов ҳаракатлари билан ҳам айбланувчи таниш бўлмайди. Айбланувчи одатда, фақатгина ўзи билан боғлик ҳолда ўтказилган тергов ҳаракатларидан воқиф бўлиши мумкин. Масалан, воқеа жойини унинг иштирокида кўздан кечириш, кўрсатувларини воқеа жойида текшириш, юзлаштириш, гувоҳлантириш, тергов экспериментини ўтказиш шулар жумласига киради. Иш материалларини тўлиқ ҳажмда айбланувчи ва унинг ҳимоячисига танишиб чиқиши учун тақдим қилиш дастлабки терговни тўла, ҳар томонлама ва холисона ўтказилганлигини текширишнинг бир услуби ҳисобланади. Айбланувчи ва унинг ҳимоячисини жиноят иши бўйича киритган илтимосномаларини қондириш йўли билан дастлабки терговда йўл қўйилган хато ва камчиликлар бартараф этилади.

Агар айбланувчи иш материалларини ҳимоячиси иштирокида танишиб чиқиши истагини билдиrsa албатта унга бу имконият яратилиши шарт. Агар айбланувчи жиноят иши юритилган тилни билмаса, таржимон иштирокида иш билан танишиб чиқиши учун шарт-шароит яратилиши керак. Бундай ҳолларда, таржимон томонидан жиноят иши тўлиқ тарзда оғзаки равища таржима қилиб берилиши лозим. Айбланувчилар бир нечта бўлса, унда ҳар бир айбланувчига жиноят иши материаллари алоҳида-алоҳида тақдим қилиниши ва ҳар бир айбланувчининг ҳуқуқ ва манфаатлари алоҳида таъминланиши талаб қилинади.

Иш материаллари билан таништириш баённома билан расмийлаштирилади.

## **7.10. Айблов хулосаси билан жиноят ишини тамомлашнинг мазмuni ва шакли**

Айблов хулосаси билан жиноят ишини тамомлаш дастлабки терговни тамомлашнинг энг кўп учрайдиган тури ҳисобланади.

Юқорида қайд этилган процессуал ҳаракатлар амалга оширилганидан сўнг, айлов хulosаси тузилади. Айлов хulosаси - дастлабки тергов натижаларини ўзида мужассамлаштирган, айбланаётган шахснинг ҳаракатларини тегишли тартибда жиноят қонунчилигини қайси моддаси билан квалификацияланаётганлигини ва шу айлов айнан қайси далил ва исботлар билан тасдиқланганлигини, айбланувчини хатти-ҳаракатларини енгиллаштирувчи, оғирлаштирувчи ҳолатлари нималардан иборат эканлигини, умуман далиллар таҳлилини ўзида акс эттирган жуда муҳим процессуал хужжат ҳисобланади.

Айлов хulosаси- айнан суд муҳокамасида кўрилиши лозим бўлган жиноят ишининг айлов доирасини белгиловчи процессуал хужжатдир. Шунинг у тегишли талабларга жавоб бериши лозим: объектив бўлиши (фақатгина текширилган ва аниқланган далилларга асосланган бўлиши), аниқ белгиланган (шубҳалар асосида турли тушунчани бермаслиги лозим), юридик асосланган (тегишли тартибда жиноят ва жиноят процессуал қонунчилиги талабларига таянган бўлиши) шунингдек, стилистик ва грамматик талабларга тўлиқ жавоб бериши керак. Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 379-моддасида айлов хulosаси олдига қўйилган қонуний талаблар мавжуд бўлиб, унга кўра, айбланувчи ва унинг ҳимоячиси жиноят ишидаги барча материаллар билан таништирилганларидан кейин терговчида ишни судга юбориш учун етарли асослар борлиги тўғрисидаги фикри ўзгармаган бўлса, айлов хulosаси тузади.

Айлов хulosаси тавсиф-асослантириш ва хулоса қисмларидан иборат бўлади. Тавсиф қисмида дастлабки терговда аниқланган ҳолатлар: жабрланувчи, шунингдек айбланувчи тўғрисидаги маълумотлар; айбланувчининг айбины тасдиқловчи далиллар; айбланувчининг ўзини ҳимоя қилиш учун келтирган важлари ва уларни текшириш натижалари баён қилинади.

Хулоса қисмида айбланувчининг шахси тўғрисидаги маълумотлар келтирилади ҳамда эълон қилинган айловнинг мазмuni Жиноят кодексининг шу жиноятни назарда тутган моддаси ёки моддаларини ҳам кўрсатган ҳолда баён қилинади.

Агар, айбланувчи томонидан бир нечта жиноятлар содир қилинган бўлса, унда ҳар бир содир қилинган жиноят учун алоҳида шу кўрсатилган талаблар бажарилиши керак (содир қилинган жиноятнинг вақти, жойи, содир қилиш сабаблари, жиноятнинг мотиви, жиноят натижасида етказилган заарли оқибати, мазмuni, шу содир қилинган жиноятни квалификация). Жиноят бир неча шахслар томонидан содир қилинган бўлса, айлов хulosасини тавсиф-асослантириш қисми олдига қўйилган талаблар ҳар бир жиноят содир этган шахс-айбланувчига нисбатан алоҳида татбиқ этилиб, кўрсатилиши лозим. Тавсиф- асослантириш қисмида содир этилган жиноятда ҳар бир жиноят содир қилиш иштирокчисининг ўрни, бажарган иши, айбининг даражаси, айбины тасдиқловчи маълумотлар, унга қўйилаётган айловга нисбатан кўргазмаси ёритиб берилиши лозим.

Айблов хulosасида фақатгина жиноят иши бўйича айбланувчи тариқасида ишга жалб қилиш қарорида кўрсатилган жиноятларнинг ўзи кўрсатилиши лозим.

Айблов хulosасининг хulosса қисми тавсиф-асослантириш қисми билан узвий боғлиқ бўлиши ва мантиқан ундан келиб чиқсан бўлиши, хulosса қисми тавсиф-асослантириш қисми мазмунига тўлиқ мувофиқ келиши талаб қилинади. Айбланувчи бир неча жиноятни содир қилишда айбланаётган бўлса, унда ҳар бир содир қилган жинояти учун алоҳида юридик баҳо берилиши керак. Гуруҳ шахслар томонидан содир этилган жиноят иши бўйича ҳар бир айбланувчининг шахсини тавсифловчи ҳолатлар, айблов шакли ва ЖКнинг тегишли моддаси алоҳида кўрсатиб берилиши шарт.

Айблов хulosасида баён қилинган ҳолатларни тасдиқловчи иш саҳифалари кўрсатилиши керак. Айблов хulosаси каерда ва қачон тузилганлиги кўрсатилиб, терговчи томонидан имзоланади.

Агар тергов бир нечта терговчи томонидан амалга оширилган бўлса, унда айблов хulosаси тергов гуруҳи раҳбари томонидан имзоланади. Айбланувчи жиноят иши юритилган тилни билмаса, айблов хulosасининг нусхаси унинг тилига ёзма равишда таржима қилиб топширилади.

Айблов хulosаси тузиб бўлингандан сўнг, терговчи айблов хulosасига иловаларни хал қилиши лозим. Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 380-моддаси талабига кўра, иловада терговчининг фикрича суд мажлисига чақирилиши лозим бўлган шахсларнинг рўйхати, шунингдек қўлланилган эҳтиёт чоралари, гумон қилинувчи ва айбланувчи қанча вақт қамоқда сақланганлиги, ашёвий далиллар, фуқаровий даъвони таъминлаш чоралари, суд чиқимлари тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилади.

Агар дастлабки тергов томонидан овозли ёзув, видеөёзув, кинотасвир ёки бошқа техникадан фойдаланилган бўлса, айблов хulosаси сўнгига баён қилинадиган маълумотларда шу техникалардан қачон ва қаерда қўлланилганлиги ва шу техник воситалар натижаларини ўзида акс эттирган аудио, видеөёзув материаллари ва кинотасвир ленталари қаерда сақланаётганлиги ҳақидаги маълумот кўрсатиб қўйилади. Худди шундай, жиноят иши бўйича ашёвий далиллар сифатида ишга биритирилган предмет ва буюмларни қаерда сақланаётганлиги ҳақида кўрсатиб қўйилади.

Суд мажлисига чақирилиши лозим бўлган шахсларнинг рўйхатида терговчи уларнинг турган жойи ҳамда кўрсатувлари ёки хulosалари ишнинг қайси саҳифасида баён қилинганлигини кўрсатади.

Терговчи суд мажлисига чақирилувчилар рўйхатига иш бўйича ҳақиқатни аниқлашга ёрдам берадиган гувоҳларни ўзинигина киритади. Гувоҳлар рўйхатини шундай тартибда бериш керакки, суд терговини ўтказишида, далиллар таҳлилини суд томонидан ўтказилишида маълум бир кетма-кетликда давом этиш лозим. Судга чақирилувчилар рўйхатига зарур бўлган ҳолларда мутахассислар, таржимонлар, эксперталар, вояга етмаганлар ишлари бўйича эса, албатта, вояга етмаган шахсларнинг қонуний вакиллари ва педагоглар, врачлар ва тарбиячилар киритилиши талаб этилади.

Жабрланувчилар, гувоҳлар, холислар ва процесснинг бошқа иштирокчилари хавфсизлигини таъминлаш мақсадида, суд мажлисига чақирилиши лозим бўлган шахслар рўйхатида уларнинг тахаллуслари кўрсатилиши мумкин. Хавфсизлиги таъминланишига муҳтож бўлган шахслар ҳақидаги маълумотлар улар иштирокида ўтказилган тергов ҳаракатлари баённомаларининг кириш қисмлари билан бирга муҳрланган ҳолда судга тақдим этилади. Улар билан фақат айблов хулосасини тасдиқловчи прокурор ва ишни кўриб чиқувчи судья танишишлари мумкин.

Айблов хулосаси имзоланганидан сўнг, жиноят иши дарҳол прокурорга юборилади. (ЖПК 381-моддаси). Бу ҳақда айбланувчига нисбатан эҳтиётchorаси сифатида қамоққа олиш қўлланилган бўлса, унда айбланувчи сақланаётган тергов изолятори маъмуриятига ёзма равишда маълум қилинади.

## **8-БОБ. ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА СУД МУҲОКАМАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МУАММОЛАРИ**

### **8.1. Суд муҳокамасининг умумий шартларини такомиллаштириш муаммолари**

Суд муҳокамаси жиноят процесси босқичлари тизимида асосий ва ҳал қилувчи босқич ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 26-моддасида «Жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда, ошкора кўриб чиқилиб, унинг айби аниқланмагунча у айбор ҳисобланмайди», дейилган. Бу модданинг мазмунидан ҳам кўриниб турибдики, суднинг қонуний ҳукми бўлмай туриб, ҳеч ким жиноят содир этганликда айбор деб топилиши ва жиноий жазога тортилиши мумкин эмас. Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида»ги қонунига биноан жиноят ишлари бўйича одил судловни амалга ошириш, уларни суд муҳокамасида кўриб чиқиб, жиноят содир қилган шахсларга нисбатан қонунда кўзда тутилган жазолар белгиланиши ёки айбсиз шахсларни оқлаш лозимлиги ифодаланган.

Жиноят процессида суд муҳокамаси босқичи ўзидан олдинги босқичлар - жиноят ишини қўзғатиш, дастлабки тергов, жиноят ишини судда кўриш учун тайинлаш каби босқичларсиз мавжуд бўлиши мумкин эмас. Ишни суд муҳокамасига тайёрлаш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Суд муҳокамаси факат дастлабки тергов органлари томонидан иш бўйича тақдим этилган материалларни текшириб чиқиш билан чегараланмайди, у иш юзасидан бевосита бошқа далиллар талаб қилиб олиш, иштирокчилар тақдим қилган бошқа далилларни текшириш ва баҳолашга йўл очиб беради.

Суд муҳокамасининг умумий шартлари деганда суд муҳокамасининг барча қисмларига жорий этилиб, унинг муҳим хусусиятларини ўзида намоён қилувчи қонун талаблари тушунилади. Суд муҳокамасининг умумий шартлари бўлган суд таркиби ва унинг ўзгармаслиги, суд мажлисига раислик қилувчининг ваколатлари, суд муҳокамаси иштирокчилари ва уларнинг хуқуқ ҳамда мажбуриятлари, уларнинг teng хуқуқлилиги, суд муҳокамасининг бевоситалиги, оғзакилиги, узлуксизлиги, ошкоралиги, суд муҳокамаси юритиладиган тил, суд муҳокамасининг доираси, янги айлов ва янги шахсга нисбатан жиноят ишини қўзғатиш, жиноят ишини қўшимча терговга қайтариш, жиноят ишини кўришни кейинга қолдириш, тўхтатиш, тугатиш, суд мажлисида ўрнатилган тартибга риоя қилиш, суд муҳокамасини суд мажлиси баённомасида тўлиқ ифодалаш ҳар бир жиноят иши юзасидан аниқ бир қарорга келиш, ишни тўла, ҳар томонлама ва холисона ҳал қилинишини таъминлашгахизмат қиласди.

Суд муҳокамасининг умумий шартларига риоя қилиш - одил судловнинг муҳим омили бўлиб. суд муҳокамаси босқичи бошқа босқичларга нисбатан жиноий ишларни мазмунан тўғри ҳал қилинишида кўпроқ процессуал кафолатга эга эканлигини кўрсатади. Шунингдек, суд муҳокамаси

иштирокчилариға күпроқ ҳуқуқлар берилған бўлиб, қонунда белгиланган мажбуриятларни ҳам юклайди. Суд муҳокамасининг умумий шартларига риоя қиласлик ҳар бир жиноят иши юзасидан нотўғри хулоса чиқаришига олиб келиши, натижада айбсиз шахслар жиноий жазога тортилишига сабаб бўлиши мумкин.

Амалда суд муҳокамасининг умумий шартларига риоя қиласлик ҳолатлари учраб туради. Суд муҳокамасининг бевоситалиги, иштирокчиларнинг қонуний ҳуқуқларидан тўла фойдаланиш имкониятларини чеклаб қўйиш ишни бир томонлама, холисликка риоя қилмаган ҳолда ҳал қилиниши одил судловга зид бўлиб, ноҳақ жазо қўлланилишига олиб келади. Республикаизда 1980-йилларида “пахта иши” юзасидан ўтказилган суд муҳокамаларида юқоридаги шартларга риоя қилинмаганлиги сабабли қонунга зид бўлган асосиз айлов ҳукмлари чиқарилган. Натижада адолат мезони бузилган. 1991 йил 22 февралда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республика Олий Суди Президиумининг қарори билан «Пахта иши» бўйича судланган 241 киши оқланди. Буларнинг ҳаммаси дастлабки тергов босқичида йўл қўйилган хато ва камчиликларни суд муҳокамасида объектив ҳал қилинмаганлиги оқибатидир.

Суд муҳокамасининг умумий шартлари жиноят процесси принципларига асосланиб, уларни бирин кетин, тўла амалга ошириш учун хизмат қиласди.

Суд муҳокамасида суд иш юзасидан суриштирув, дастлабки терговда тўпланган материаллар ҳамда бошқа далиллар билан бевосита танишиб, уларни текшириб чиқади. “Суд муҳокамасидаги далилларни бевосита текшириш суд муҳокамаси босқичида марказий ўринни эгаллади. Бевоситаликнинг мазмуни шундан иборатки, судья ўз олдида турган жиноий иш бўйича инсон тақдирини тергов органлари томонидан тақдим этилган далилларга қараб эмас, балки суд муҳокамаси давомида бевосита маълумотларни, қўрсатувларни эшитиш, далилларни кўриш ва билиш асосида ҳал қиласди. Бунда маълумотни бевосита ўша шахснинг ўзидан эшитиш, далиллар манбаасининг асл ҳолатини билиш, тегишли материаллар билан шахсан танишиш лозим. Дастлабки тергов тақдим этган ёзма материаллар эса суд муҳокамаси учун дастлабки, ёрдамчи ва кўмакчи характерга эга бўлади». <sup>136</sup>

ЖПКнинг 26-моддасида: «Жиноят ишини юритишни амалга оширишда суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд далилларни бевосита текширишлари; гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчи, жабрланувчи, гувоҳларни сўроқ қилишлари, эксперт хулосаларини эшитишлари, ашёвий далилларни кўздан кечиришлари, баённома ва бошқа хужжатларни ўқиб эшиттишлари шарт», дейилган. Бевоситалик ва узлуксизлик ҳақида хусусан Н.Я. Калашникова шундай фикр билдирган: «...қонун судьяларга судланувчи, жабрланувчи, гувоҳларни шахсан сўроқ қилиш, экспертларнинг хулосаларини эшитиш, ашёвий далилларни кўздан кечириш, баённома ва

<sup>136</sup> Уголовный процесс. /Под. ред. К. Ф. Гуценко. –М.: Зерцало, 1997. –Б.301.

бошқа ҳужжатларни эълон қилиб, ўқиб эшиттириш мажбуриятларини юклайди. Бунда судья имкон қадар биринчи манбалардан фойдаланади, яъни шахсан гувоҳни сўроқ қиласи, ҳужжатларнинг асл нусхалари бўйича уларнинг мазмуни билан танишади. Суд фақат суд мажлисида текширилган ва ўз тасдигини топган далилларга асосланиб ҳукм чиқаради.... Суд муҳокамасининг бевоситалиги ва оғзакилигидан унинг узлуксизлиги ҳамда ошкоралиги тўғрисидаги қоидалар келиб чиқади. Суд муҳокамасининг узлуксизлиги суд томонидан кўриладиган жиноят ишлари юзасидан ҳар бир далилни бевосита текшириш талабларига риоя қилиб узлуксиз олиб борилишдир. Иш бўйича белгиланган бирорта ҳолатни ҳам қолдириб кетмаслик мақсадида дам олиш учун ажратилган вақтдан ташқари суд муҳокамаси ҳар бир иш учун узлуксиз тарзда олиб борилиши лозим.»<sup>137</sup>

Суд муҳокамасининг бевоситалиги унинг оғзакилиги билан чамбарчас боғлиқdir. Уларни ўзаро чегаралаш мумкин эмас. Суд судланувчи, жабрланувчи, гувоҳ ва бошқаларни сўроқ қилиш йўли билан уларнинг оғзаки гапларини бевосита эшитиб, қабул қилиб, уларнинг кўрсатувларига баҳо беради. Лекин алоҳида ҳолларда суд томонидан суд мажлисига келмай қолган гувоҳларнинг кўрсатувлари ўқиб эшиттирилади. Бунда оғзакиликка риоя қилиниб, бевоситалиқдан чекинилади, бошқа ҳолларда эса бевоситалиқдан чекинишга йўл қўйилмайди.

Суд муҳокамасининг оғзакилиги бевоситалиқ учун зарур булган дастлабки заминдир. Оғзакилик - суд муҳокамасида иштирокчилар ва суднинг ўзаро алоқасининг ифодаси бўлса, бевоситалиқ суд томонидан шу алоқанинг маълум иш юзасидан далил сифатида қабул қилинишидир.

Суд муҳокамасида судланувчи, жабрланувчилар, гувоҳлар, эксперталар оғзаки кўрсатув берадилар ва уларга оғзаки шаклда саволлар берилади. Оғзаки илтимосномалар билдирилади, прокурор хulosга беради, суд музокараларида нутқ сўзланади. Суд муҳокамаси давомида суд томонидан қабул қилинган ажримлар эълон қилинади ва ҳужжатлар ўқиб эшиттирилади. Суд муҳокамасининг оғзакилиги ва бевоситалиги тўғрисида В.М. Савицкий шундай дейди: «Далилларнинг бевосита ва оғзаки усулда эшитилиши, кўрилиши, текширилиши туфайлигина судья ва ҳалқ маслаҳатчиларида ички ишонч вужудга келади, шунинг натижасида бўлажак ҳукмга асос яратилади»<sup>138</sup>.

Ҳар бир жиноят иши юзасидан суд мажлиси, дам олиш учун белгиланган вақтдан ташқари узлуксиз олиб борилиши ҳамда судьялар белгиланган ишни тамомламасдан туриб бошқа ишларни кўришлари мумкин эмаслиги қонунда кўрсатиб ўтилган. Бир ишни кўришни бошлаб, шу иш тамом бўлмагунча, бошқа жиноят ишини кўришга ўтиш, шунингдек, бир вақтнинг ўзида бир нечта жиноят ишларини кўриш мумкин эмас.

Жиноят ишларини кўриб, ҳал қилишда суд муҳокамасининг очик, ошкора олиб борилиши унинг тарбиявий ролини оширади. Шунингдек,

<sup>137</sup> Калашникова Н.Я. Судебное разбирательство по уголовному делу. –М.: Юрид. лит., 1962. –Б.15.

<sup>138</sup> Савицкий В.М. Что такое уголовный процесс. –М.: Знание, 1987. –Б.142.

ошкоралик судларнинг иш фаолиятидаги хато ва камчиликларни руёбга чиқариб, жамоатчиликка намоён қиласди.

Ошкоралик суд муҳокамаси иштирокчиларининг процессуал ҳуқук ва мажбуриятларини амалга оширишнинг тўла ва самарали кафолатидир. Ошкоралик суд муҳокамасидаги ҳар бир иш юзасидан ҳақиқатни аниқлашга, одил судловни амалга оширишга ёрдам беради. Суд муҳокамасида қатнашаётган давлат органларининг мансабдор шахсларига ўзларининг процессуал ваколатларини амалга ошираётганда иш ҳолатларига объектив ёндашишларига йўл очиб беради. ЖПКнинг 19-моддасига кўра, барча судларда, давлат сирларини қўриқлаш манфааларига зид келадиган, шунингдек жинсий жиноятлар тўғрисидаги ишлар қўриладиган ҳолларни истисно қилганда, жиноят ишлари ошкора қўрилади. Бундан ташқари, 18 ёшга тўлмаган шахсларнинг жиноятлари тўғрисидаги ишлар, фуқароларнинг шахсий ҳаётига оид маълумотларни ёки уларнинг шаъни ва қадр-кимматини камситадиган маълумотларни ошкор қиласди, жабрланувчи, гувоҳ ёки ишда иштирок этувчи бошқа шахсларнинг, шунингдек уларнинг оила аъзолари ёки қариндошларининг хавфсизлигини таъминлаш тақозо этган ҳолларда ишларни ёпиқ суд мажлисида қўришга йўл қўйилади.

Очиқ суд мажлисида шахсий ёзишма ва телеграф хабарномалари фақат бу хат ва хабарларни жўнатган ҳамда олган шахсларнинг розилиги билан ошкор қилиниши мумкин. Акс ҳолда улар ёпиқ суд мажлисида ўқиб эшиттирилади ва текширилади.

Ишни ёпиқ суд мажлисида қўриш барча процессуал қоидаларга риоя қилган ҳолда ўтказилади. Ишни ёпиқ суд мажлисида қўриш тўғрисидаги суднинг ажрими тўлиқ суд муҳокамасига нисбатан ёки унинг алоҳида бир қисмига нисбатан чиқарилиши мумкин. Бу ажрим суд мажлисига йиғилганларга тааллуқли бўлиб, процесс иштирокчиларига даҳли йўқ. Суд судланувчи ва жабрланувчининг яқин қариндошларини, шунингдек бошқа шахсларни мазкур мажлисда текшириладиган ҳолатлар тўғрисидаги маълумотларни ошкор қиласликлари учун жавобгарлик ҳақида огохлантириб, уларнинг ёпиқ суд мажлисида иштирок этишларига рухсат беришга ҳақлидир. Суд залида тартибни сақлаб туриш мақсадида зарур ҳолларда суд айрим шахсларни очиқ суд мажлислирида катнашишларини тақиқлаб қўйишга ҳақлидир.

Суд залида овозларни ёзиб олиш, фотосуратга, видеоёзувга, кинога олишга фақат суд мажлисига раислик қилувчининг рухсати билан йўл қўйилади.

Суд хукм, ажрим ва қарорлари барча ҳолларда ошкора эълон қилинади. Судлов фаолиятининг ошкоралигини кенгайтириш учун баъзи ҳолларда судлар оммавий ахборот воситалари ходимларига, тегишли жамоат бирлашмалари ва жамоаларга бўладиган процесс тўғрисида хабар бериши, шунингдек процессларни бевосита корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда ўтказиши мумкин.

Суд ишни очиқ ёки ёпиқ суд мажлисида қўрилишини белгилашда суд муҳокамасининг тарбиявий таъсирига, айрим фуқароларнинг манфаатларига,

яъни уларнинг ҳаётидаги интим томонларни ошкор бўлмаслиги, зарар келиб чиқмаслигини назарда тутиши керак.

Суд ишни ёпиқ суд мажлисида кўришни ҳал қилиш пайтида унинг тўла ёки айрим эпизодларини кўриш масаласини ҳал қилиши лозим. Жиноят иши ёпиқ суд мажлисида кўрилганда ҳам суд муҳокамаси давомида қонунда белгиланган барча талаб ва қоидаларга риоя қилиниши шарт. Суд муҳокамасида 16 ёшга етмаган шахслар суд мажлисида иштирок этиш ҳуқуқига эга эмаслар. Агар бу ёшга етмаган шахслар жиноят иши бўйича судланувчи, жабрланувчи ёки гувоҳ сифатида ўтадиган бўлсалар, у ҳолда суд мажлисида иштирок этишлари мумкин ва улар иштирокининг чегараларини судьянинг ўзи белгилайди. Судья зарур ҳолатларда ўз ажрими орқали суд мажлисида иш ошкора кўрилмаслиги тўғрисида хабар бериш ҳуқуқига эга. Бундан ташқари суд жараёни тугагач, унинг натижалари ва жараён оммавий ахборот воситалари, радио, телевидениеда намойиш қилиниши мумкин. Ушбу жараённи чоп этиш ёки телевидениеда кўрсатиш суд ҳукми қонуний кучга кирганидан сўнг амалга оширилиши талаб этилади (агар бу иш ёпиқ суд мажлисида кўрилмаган бўлса).

Судлар фаолиятида ошкоралик ҳалқ ҳокимиятини амалга оширишнинг асосий воситаси бўлиб, нафақат иштирок этувчи фуқароларга, балки кенг жамоатчиликка одил судловни амалга ошириш фаолиятини назорат қилиш имконини беради. Ошкоралик суднинг ишни кўриш билан боғлиқ барча ҳаракатлари ва чиқарилаётган қарорлари учун жавобгарлигини оширади, судлар фаолиятини ҳалқ томонидан назорати эса амалиётда учраётган хато, камчиликлари бартараф этишга, қонунларни ҳурмат қилишга эътиборни кучайтиришга, адолатни қайта тикланишига, ҳуқуқий тарғибот олиб боришга, аҳолини ҳуқуқий маданиятини оширишга хизмат қиласди. Судлов фаолиятида ошкораликни кенгайтириш, яъни сайёр суд процессларининг ўтказилиши аҳоли орасидаги ҳуқуқий тарбияни бевосита кенгайтириш имкониятини яратади ва бу усул қўпроқ самара беради.

## 8.2. Суд муҳокамасининг доираси

ЖПКнинг 414-моддасига биноан, судда жиноят ишини муҳокама қилиш фақат айланувчиларга нисбатан олиб борилади. Тайинланган жазонинг енгиллиги ёки оғирроқ жиноят тўғрисидаги қонунни қўллаш зарурлиги туфайли ҳукм бекор қилинганидан кейин иш кўриб чиқилган тақдирда суд муҳокамаси судланувчининг умуман айбдор-айбдор эмаслиги масаласига дахл қилмаган ҳолда жиноятни тавсифлаш ва жазо чораси хусусидагина боради. Судланувчини ҳимоя қилиш ҳуқуқи билан таъминлаш мақсадида судланувчига қандай айб қўйилиб, иш судга берилган бўлса, суд муҳокамаси айнан шу айб юзасидан иш юритилади.

Суд муҳокамасининг белгиловчи асосий хужжатлар айблов хулосаси, жиноят ишини судда кўриш учун тайинлаш тўғрисидаги қарор ҳисобланади. Ҳукм судланувчилар қандай айб асосида судга берилган бўлса, шу айб юзасидан чиқарилади.

Суд судланувчига қўйилган айдан суд муҳокамаси даврида ўз тасдини топмаган эпизодларни олиб ташлаши мумкин. «Шунингдек суд судланувчига қўйилган айрим жиноят таркибини, яъни судланувчининг ҳолатини оғирлаштирумайдиган ҳамда судланувчига қўйилган айб формулировкасини ва унинг юридик жиҳатдан таснифини, агар янги формулировка судланувчининг айбини оғирлаштирумаса ўзгартириши мумкин»<sup>139</sup>. Суд ўзгартирилган айбни ҳукмда баён қилиши лозим.

Айловни оғирроғига ўзгартириш деганда Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг бошқа нормалари (моддаси, қисми ва банди) қўлланилиши, санкцияси оғиррок жазони ёхуд айлов ҳажмини оширувчи жиноят квалификацияси ўзгаришига олиб келувчи қўшимча фактлари айловвга киритилиши назарда тутилади.

Суд тергови материаллари эълон қилинган айловни тенг ёки енгилроқ жазони назарда тутувчи янги айлов билан ўзгартириш зарурлигини тақозо қилган ҳолларда, суд иш муҳокамасини давом эттириб, янги айлов бўйича (агар унда илгари эълон қилинган айловнинг фактик маълумотлари қамраб олинган бўлса) ҳукм чиқариши мумкин. Шу билан бирга судланувчининг қилмишини енгилроқ жазо, шунингдек илгариги квалификацияни ёки айлов қисмини саклаб қолиб, айловнинг айрим ҳолатларини истисно қилишни назарда тутувчи модда бўйича квалификация қилиш мумкин. Айловдан айрим ҳолатларни олиб ташлаш, янги жабрланувчининг кўрсатувлари ЖПКнинг 414-моддасига хилоф эмас, чунки маҳкумнинг ҳолатини оғирлаштирумайди ва эълон қилинган айлов ҳажмининг кенгайишига олиб келмайди.

Судда иш муҳокамаси факат судланувчиларга нисбатан ўтказилади. Бунда янгидан суд тергови ўтказилмасдан, судланувчи ва тарафларнинг жиноят тавсифи ва жазо чораси ҳақидаги фикрлари эшитилиб, музокара ва судланувчиларнинг охирги сўзлари тингланиб, суд муҳокамаси тугатилади. Айловнинг суд томонидан оғирроғи билан ёки дастлабки айловга нисбатан фактик ҳолатлари жиддий фарқ қиласиган айлов билан ўзгартирилишига йўл қўйилмайди. (ЖПКнинг 415-моддаси)

Судда аниқланган ҳолатларга боғлиқ ҳолда, дастлабки терговда айланувчига эълон қилинган ва айлов хулосасида баён этилган айлов ўзгариши мумкин. Аммо судда айловни ўзгартириш судланувчининг ҳолатини оғирлаштиrsa ва бу билан судланувчининг ҳимояланиш ҳуқуқи бузилса, судья айловни ўзгартиришга ва ўзгартирилган айлов бўйича ҳукм чиқариш ҳуқуқига эга эмас. Агар айлов судда оғир бўлмаган ва илгаригисидан фактик маълумотларига кўра фарқ қиласиган билан алмаштирилса, суд ишнинг муҳокамасини давом эттиради ва ўзгартирилган янги айлов бўйича ҳукм чиқаради.

### **8.3. Жиноят ишини қўришни кейинга қолдириш, тўхтатиш ва тугатиш**

<sup>139</sup> Уголовный процесс. / Под ред. Н. С. Алексеева. –М.: Юристъ, 1995. –Б.89.

ЖПКнинг 418-моддасида жиноят ишини муҳокамасини кейинга қолдириш шартлари ва тартиби белгиланган. Унга кўра суд мажлисига чақирилган шахслардан бирортаси келмай қолганлиги ёки янги далиллар талаб қилиб олиш зарур бўлганлиги сабабли, жиноят ишини муҳокама қилиш мумкин бўлмаса, суд ишни муҳокама қилишни кейинга қолдиради ва суд мажлисига келмаган шахсларни чақириш ёки янги далилларни талаб қилиб олиш чораларини кўради.

Суд жиноят ишининг муҳокамасини кейинга қолдириш сабабларини бартараф этганда, ишни кўриб чиқишни давом эттириши мумкин. Суд баъзи сабабларга кўра жиноят ишининг муҳокамасининг кейинга қолдириб, бошқа ишни кўриб чиқишга киришган бўлса, бу муҳокамани қайтадан бошлашга асос бўлмайди.

Жиноят ишининг муҳокамаси кейинга колдирилгандан сўнг, янги далилларни тадқиқ қилиш натижалари ва ЖПКнинг 419-моддасида назарда тутилган белгиларнинг мавжудлиги жиноят ишини дастлабки терговга қайтаришга асос бўлади. ЖПКнинг 420-моддасида жиноят ишини кўришни тўхтатиш асослари берилган. Унда судланувчи яширинса, шунингдек судга келишга имконият бермайдиган руҳий ва бошқа оғир касалликка чалингданда, суд мазкур судланувчига нисбатан ишни тўхтатади ва бошқа судланувчиларга нисбатан ишни муҳокама қилишни давом эттираверади. Бордию, ишни айрим-айрим ҳолда муҳокама қилиш ҳақиқатни аниқлашни қийинлаштируса, иш юритиш бутунлай тўхтатилади. Яширган судланувчини қидирув суд ажрими билан эълон қилинади.

Судланувчининг оғир касал бўлганлиги туфайли ишни кўриш тўхтатилганда, суд унга нисбатан танланган эҳтиёт чорасини бекор қилиш ёки ўзгартириш масаласини муҳокама қиласди.

Агар судланувчи ишни кўриб чиқишга қадар ёки кўриб чиқиш вақтида яширинса, суд ички ишлар органлари, яшаш ва иш жойидаги жамоат бирлашмалари тақдим этган тегишли ҳужжатларга, шунингдек судланувчининг яширганлигини тасдиқловчи қариндошлари, қўшнилари ва бошқа фуқароларнинг тушунтиришларига асосан иш кўришни тўхтатади.

Судланувчининг руҳий ёки бошқа оғир касаллиги экспертнинг ҳолосаси ёки бошқа ҳужжатлар билан тасдиқланган бўлиши лозим. Судланувчининг судга кела олмаслиги тўғрисидаги масалани ҳал қилишда касалнинг ҳолатини холисона баҳолаш зарур. Судланувчи тузалиб чиққунга қадар суд ишнинг тўхтатилишига асос бўлган ҳолатларнинг назардан четда қолмаганлигини аниқлаши керак. Яширган судланувчи топилганда ёки касал судланувчи соғайганда жиноят ишининг муҳокамаси қайта тикланади. Бундай ҳолатларда жиноят ишини кўриб чиқиш муддати судланувчининг топилгани ёки соғайгани судга маълум бўлган вақтдан бошлаб ҳисобланади.

ЖПКнинг 421-моддасида суд мажлисида жиноят ишининг тугатилиш тартиби белгиланган бўлиб, суд мажлисида ЖПКнинг 83-моддаси ва 84-моддасининг биринчи қисми 1, 2, 3-бандларида назарда тутилган ҳолатлар аниқланса, суд иш кўришни давом эттиради ва 83-моддада кўрсатилган асослар бўйича оқлов ҳукми, 84-моддаси биринчи қисмининг 1, 2, 3-

бандларида кўрсатилган асослар бўйича эса, айборга жазо белгиламай айлов ҳукми чиқаради.

ЖПКнинг 83-моддасида реабилитация учун асослар берилган. Унга кўра гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи: иш қўзгатилган ва тергов ҳаракатлари ёки суд муҳокамаси ўтказилган иш бўйича жиноий ҳодиса юз бермаган бўлса; унинг қилмишида жиноят таркиби бўлмаса; унинг содир этилган жиноятга дахли бўлмаса айбиз деб топилади. Шахсга нисбатан жиноят ишини олиб борища юкорида кўрсатилган ҳоллар аниқланса, суд айнан шу шахсга нисбатан жиноят ишини тугатади ва ушбу моддада кўрсатилган ҳоллар шахсни оқлашга асос бўлади. Мазкур модданинг биринчи банди жиноий ҳодиса юз бермаганлигини ва бинобарин шахсни оқлаш учун асос борлигини кўрсатади.

Содир этилган қилмишда жиноят таркиби бўлмаса, яъни қилмиш содир этилган бўлса ҳам: а) у қонунда жиноят сифатида тан олинган бўлмаса; б) у қонунда жиноят сифатида тан олинган, аммо шахснинг ҳаракатида на тўғри, на эгри қасд ва ноэхтиётсизлик бўлмаса, яъни жиноятнинг субъектив хоссаси аниқланмаган бўлса; в)жиноий ҳаракат содир этилган бўлса-да, жамият учун хавфли ва гайриқонуний белгиларга эга бўлмаса (масалан, айбланувчи зарурӣ мудофаа ҳолатида ҳаракат қилган бўлса), суд бу шахсга нисбатан ЖПКнинг 464-моддасига биноан оқлов ҳукмини чиқаради ва 529-моддага асосан уни суд залидан озод қиласди.

Ушбу модданинг З-банди содир этилган жиноятга шахснинг дахли бўлмаса оқлашга асос борлигини қайд этади. Шахснинг жиноятга дахли бўлмаслиги шундан иборатки, унинг алибиси тегишли исбот-далиллар билан тасдиқланган бўлиб, ҳақиқатдан у жиноят содир этмаганлиги ва жиноят содир этилган жойда бўлмаганлиги аниқланганидан дарак беради ва суд уни оқлайди.

ЖПКнинг 84-моддасида айблилик тўғрисидаги масалани ҳал қилмай туриб жиноят ишини тугатиш учун асослар белгиланган. Унга кўра, шахсни жавобгарликка тортиш муддати ўтганда, эълон қилинган амнистия акти содир этилган жиноят ёки шахсга дахлдор ва судланувчи вафот этган бўлса шахснинг жиноят содир этилишида айблилиги тўғрисидаги масалани ҳал қилмай туриб жиноят иши тугатилиши лозим. Ушбу моддада айборлик тўғрисидаги масалани ҳал қилмай ишни тугитиш учун асослар кайд этилган. Суд жиноят ишини тергов қилишда ёки суд муҳокамасида ушбу асосларга дуч келса, ишни тугатишга ҳақлидир.

Эълон қилинган умумий авфни қўллаш чегаралари олий ҳокимиятнинг авф тўғрисидаги тегишли қонунида кўрсатилади. Авф этиш жазони енгиллатса ёки маҳкумнинг жазони ўташ муддатини ўз ичига олган такдирда ҳам жиноят иши тугатилмайди, сабаби бундай акт айборлик масаласини ҳал қилишга тўсқинлик қилмайди. Маълум бир шахснинг умумий авфга алоқадорлиги авф тўғрисидаги қонун билан аниқланади.

Судланувчи вафот этганда жиноят ишини тугатишга асос мавжуд бўлади, лекин вафот этган шахсга нисбатан унинг яқин қариндошлари талаб қилгандан суд муҳокамаси давом эттирилиши мумкин.

Агар жиноий жавобгарликка тортилган шахс ҳаракатларида жиноят таркиби бўлмаса, иш тугатилади. Вафот этган шахсни жиноят содир этишда айблаш ёки унга белгиланган жазо муддатини узайтириш ёхуд унинг жиноятини тавсифловчи моддани оғирроқ моддага ўзгартириш мақсадида суд ҳаракатлари олиб борилмайди. Вафот этган шахснинг мулки жиноят йўли билан қўлга киритилганлиги аниқланса, иш фуқаровий судлов муҳокамаси орқали ҳал этилади. Амалиётда вафот этган шахсни оқлаш учун асослар топилмаса, суд жиноят ишини тугатиш тўғрисидаги ажрим чиқариши ва ушбу модданинг З-банди қўллаши лозим бўлади. Ажримда вафот этган шахснинг қадр-қимматини камситиш ёки у тўғрисидаги бирон ахборотни кўрсатиш мумкин эмас.

Жиноят ишини судда кўриш учун тайинлашда ҳал қилиниши лозим бўлган ҳолатлар рўйхати жиноят ишини кўриб чиқиш масаласи ким томондан ҳал қилинишидан қатъи назар ўзгармасдир.

ЖПКнинг 396-моддасида кўрсатилган масалаларни текширмасдан айбланувчини судга бериш ёки бермасликни ҳал этиш мумкин эмас. Жиноят ишини судда кўриш учун тайинлаш масаласини ҳал қилиш чоғида судья ҳар бир айбланувчига нисбатан қуидаги ҳолатларни аниқлаши лозим бўлади, яъни:

- 1) ишнинг мазкур суднинг судловига тегишли эканлиги;
- 2) ишни тугатиш ёки тўхтатишга сабаб бўладиган ҳолатларнинг йўқлиги;
- 3) ишни суд мажлисида кўриш учун асосларнинг етарлилиги;
- 4) суриштирув ва дастлабки тергов ўтказиш чоғида ЖПКнинг талабларига риоя қилинганлиги;
- 5) айбланувчига нисбатан эҳтиёт чорасининг тўғри танланганлиги;
- 6) жиноят оқибатида етказилган мулкий зарарни қоплашни таъминлаш чоралари кўрилганлиги;
- 7) айлов хулосаси ЖПКнинг талабларига мувофиқ тузилганлиги.

#### **8.4. Ярашувчилик тўғрисида жиноят ишлари судда кўриш**

Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисининг 2001 йил 29 августдаги иккинчи чақириқ олтинчи сессиясида жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг бир қатор қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритилди, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси «Ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича иш юритиш» деб номланган янги боб билан тўлдирилди. Унга кўра ярашув тўғрисидаги ариза жабрланувчи (фуқаровий даъвогар) ёхуд унинг қонуний вакили томонидан суриштирув ва дастлабки терговнинг, шунингдек суд муҳокамасининг исталган босқичида, аммо суд маслаҳатхонасига киришдан олдин берилиши лозим.

Ярашув тўғрисидаги жиноят ишлари судда кўриб чиқиш учун суриштирувчи, терговчи томонидан прокурорга тақдим қилинганидан сўнг, прокурор гумон қилинувчи ёки айбланувчига нисбатан қўлланилган эҳтиёт

чораси масаласини ЖПКнинг 242-моддаси талаблари асосида кўриб чиқиши зарур ва бу тоифадаги ишлар бўйича мунособи хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат тариқасидаги эҳтиёт чорасини қўллаши мақсадга мувофиқдир.

Суд муҳокамаси тартиби 585-моддада акс эттирилган бўлиб, унинг талабларига кўра прокурор ярашилганлиги мунособати билан кўрилаётган жиноят ишларида қатнашиши шарт. Бу тоифадаги жиноят ишлари судда прокурорнинг иштирокисиз кўрилиши ва прокурорсиз суд муҳокамасини ўтказилиши мумкин эмас.

586-моддада суд ажрими олдига қўйилган талаблар белгиланган бўлиб, модданинг охирги бандида гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, жабрланувчи (фуқаровий даъвогар), уларнинг қонуний вакиллари, ҳимоячи томонидан хусусий протест келтирилиши мумкинлиги кўрсатилган.

Умумий қоидалар асосида дастлабки терговни юритиш учун суд томонидан прокурорга юбориш ҳақидаги ажримга нисбатан хусусий протест келтириш муддати ЖПКнинг 504-моддасида ўн кун деб кўрсатиб ўтилган.

Ярашув битимини тузишнинг асосий шартлариданбири моддий ва маънавий заарнинг қопланишидир. Бу ҳаракатларнинг айбланувчи ёки судланувчи томонидан бажарилиши айблов ва ҳимоянинг яқинлашувига ва битимнинг имзоланишига ижобий таъсир қиласи.

Ишларни реабилитация билан боғлиқ бўлмаган ҳолда тугатишда, яъни шароитнинг ўзгариши, пушаймонлик ҳамда вояга етмаган айбланувчига тарбиявий мажбурлов чораларининг қўлланиши билан боғлиқ ҳолларда ярашувчилик институтидан фарқли ўлароқ жабрланувчининг ҳукуқлари камситилади, унинг манфаати ва розилиги ҳеч кимни қизиқтирамайди.

Жиноий жавобгарликдан озод қилиш шаклларидан бири жиноят содир этган шахснинг ўзи жабрланувчи билан ярашганлик факти эканлиги Россия Федерацияси ЖКнинг 76-моддасида белгиланган. Бу жабрланувчи томонидан ўзининг дастлабки эътиroz ва талабларидан, шахсий жиноий жавобгарликка тортиш илтимосидан воз кечишини ва ўз аризаси билан кўзғатилган жиноят ишини тугатиш тўғрисидаги илтимосни тегишли шаклда расмийлаштириш билан амалга оширилади.<sup>140</sup>

Жиноий жавобгарликдан озод этишнинг яна бир шарти - жиноят содир қилган шахснинг ярашув битими тузилганига қадар жабрланувчига етказган заарини қоплашидир. Заарли қоплаш турли шаклларда, жумладан, нақд пул кўринишида, моддий шаклда ва маънавий заарни тўлаш тарзда амалга оширилиши мумкин.

Юқорида тилга олинган шартларнинг мавжудлиги шахсни жиноий жавобгарликка тортмасликка асос бўлиши мумкин. Жиноят ишини ярашув битими билан боғлиқ ҳолда тугатиш тўғрисидаги қарор суриштирувчи, терговчи томонидан прокурор розилиги билан, ҳамда прокурорнинг ўзи томонидан дастлабки терговнинг исталган босқичида чиқарилиши мумкин. Судья томонидан эса суд ҳукм чиқариши учун маслаҳатхонага киргунча суд муҳокамасининг исталган босқичида чиқарилиши мумкин. Ҳукуқнинг асосий

<sup>140</sup> Уголовный кодекс Российской Федерации. –М.: БЕК, 2002. -320 б.

принциларидан бири қонунийликдир. Фуқароларнинг ҳар бир ҳаракати қонунда белгиланган доирада, тартибда амалга оширилиши керак. Қонунийлик принципи, шунингдек, судда иш юритишнинг ҳам негизини ташкил қиласи, йўқса у одил судлов деб юритилмаган бўлар эди.

Шуни тъкидлаш керакки, жиноят қонунчилигида ҳам, амалиётда ҳам рафбатлантирувчи нормаларни кўпайтиришга эътибор қаратилмоқда. Шу сабаб ярашув тўғрисидаги нормаларнинг жиноят процесдуал қонунчилигига киритилиши давр тақозосидир.

Жазони оғирлаштириш усулининг ўзи билан жиноятчиликнинг камайишига ва судланганларни тарбиялашга эришиб бўлмайди. Айбни тан олиш қонунийлик, одиллик, жазонинг муқаррарлиги принципларининг амалга оширилишида муҳим ўрин эгаллайди. Айбни тан олиш билан бирга шахс ўз қилмишига пушаймонлигини нафақат сўз билан, балки конкрет ҳаракатлар билан намоён этади.

Айбланувчига жазо тайинлашда ён беришни қуйидагича изоҳлаш мумкин:

- биринчидан, у айбни бўйнига олар экан, давлатга вазифаларини бажаришда ёрдам беради;

- иккинчидан, унга нисбатан ахлоқ тузатиш чораларининг тез ва муқаррар қўлланишини таъминлайди;

- учинчидан, айбини бўйнига олаётган шахс ўзига ортиқча қийноқлардан озод этади;

- тўртингидан, айбини тан олган шахс айбланувчининг жазоланишини ва зарарнинг қопланишини кутаётган жабрланувчини тинчлантиради.

Шу билан бирга конституциявий талаблар бажарилганлигига судья амин бўлиши керак. У айбланувчи ўз айбини бўйнига олишга қодирлигини, бу ҳаракатларни онгли равишда бажараётганлигини, тажрибали ҳимоячи хизматидан фойдаланганлигини аниқлаши керак. Айбланувчи, шунингдек, жазо чоралари қанақа бўлиши мумкинлиги, шартли жазо тайинлаш имкони борми йўқми, муддатидан илгари жазодан озод қилиш имкони борми йўқми ҳамда жабрланган тарафга зарарни қоплаш имконияти бор йўқлигидан хабардор бўлган бўлиши керак. Жиноят судья айбни тан олишга етарли асос бор йўқлигига ишонч ҳосил қилиши керак. Судья ярашув битими тасдиқлаган айбланувчига факат бир ҳолатда - унинг айбсизлиги аниқланганда келишувдан воз кечишига йўл қўйилади.

Шундай қилиб, судья айбланувчига келишувдан ўз-ўзидан воз кечишига йўл қўймайди. Судья ярашувни муҳокама қилиш жараёнида айбланувчига хуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириш билан бирга, келажакда келишувдан воз кеча олмаслигини ҳам уқтириш зарур. Қандай жазо турини белгилашни судьянинг ўзи ҳал қиласи.

Суд амалиётидаги ишлар шуни кўрсатмоқдаки, ярашув мунособати билан жиноий жавобгарликдан озод қилинганларнинг аксарияти қасдан баданга енгил шикаст етказиш, (оилавий жанжал, яқин қариндошлар, таниш билишларнинг ўзаро келишмовчилиги натижасида жанжаллашиб қасдан баданга енгил тан жароҳати етказиш) ёки транспорт воситалари ҳаракати ёки

улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш каби жиноятларни содир этганлар бўлиб, улар жабрланувчига соғлигини тиклаш учун қилинган сарф-харажатларни қоплагани, етказилган заарни бартараф этгани сабабли жиноий жавобгарликдан озод қилинган.

ЖПКнинг 585-моддасида кўрсатилишича, ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича суд муҳокамаси жиноят иши судга келган пайтдан эътиборан ўн суткадан кечиктирмай ўтказилади.

Суд мажлисида гумон қилинувчи, айбланувчи, жабрланувчи (фуқаровий даъвогар), судланувчи, уларнинг конуний вакиллари, химоячилари, прокурор иштирок этади. Ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича суд муҳокамаси жабрланувчининг ярашув тўғрисидаги аризасини ўқиб эшиттириш бошланади. Суд гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ва жабрланувчининг (фуқаровий даъвогар) содир этган жиноят ҳолатлари тўғрисидаги сўзларини эшитади. Суд қуидаги масалаларга алоҳида эътиборини қаратиши лозим:

- ярашувнинг ихтиёрийлиги ва унинг сабаблари;
- гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ўзи содир этган қилмишнинг оқибатларини англағанлигини ва етказилган заарни бартараф этиш чораларини кўрганлиги;
- жабрланувчи (фуқаровий даъвогар), гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчига бирон-бир тазъиқ бўлмаганлиги;
- етказилган заарнинг ўрнини қоплаш билан боғлиқ масалалар;
- гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ўзи содир этган қилмишнинг оқибатларини англағанлигини, уларнинг конуний вакиллари ярашувга розиликлари.

Шундан сўнг суд химоячи ва прокурорнинг фикрини эшитади. Агар суд мажлиси давомида ярашув, айбга иқор бўлиш ихтиёрий эмаслиги, заарни қоплашдан бош тортиш, шунингдек содир этилган қилмишда оғирроқ жиноят белгилари мавжудлиги аниқлангудек бўлса, суд умумий қоидалар бўйича дастлабки терговни юритилиши учун ишни прокурорга юбориш тўғрисида ажрим чиқаради.

Суд муҳокамасининг натижалари бўйича суд қонунда белгиланган тартибда ажрим чиқаради. Суд мажлиси вақтида ЖПКнинг 90-92-моддаларида назарда тутилган қоидаларга биноан баённома юритилади.

Суднинг ажрими қуидаги қоидалар бўйича тузилади. Суд ажримининг кириш қисмida:

- 1) ажрим чиқарилган вақт ва жой;
- 2) ажрим чиқарган суднинг номи, судьянинг, суд мажлиси котибининг, тарафларнинг, таржимоннинг исми, отасининг исми ва фамилияси;
- 3) гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг исми ва фамилияси, отасининг исми, туғилган йили, ойи, куни ва жойи, яшаш жойи, машғулоти, маълумоти иш учун аҳамиятга молик бошқа маълумотлар кўрсатилади.

Ажримнинг қарор қисмida суд қуидаги масалаларни ҳал этади:

- 1) суд мажлиси баённомасини тасдиқлаш ҳамда жиноят ишини тугатиш

ёки уни умумий қоидалар бўйича дастлабки тергов юритиш учун прокурорга юбориши;

- 2) эҳтиёт чораси;
- 3) ашёвий далиллар;
- 4) зарарни қоплаш.

Суднинг ажримига гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, жабрланувчи (фуқаровий даъвогар), уларнинг қонуний вакиллари, ҳимоячи томонидан хусусий шикоят берилиши ҳамда прокурор томонидан протест келтирилиши мумкин.

Ярашув ишлари бўйича судда ярашув битими қуидаги тартибда кўрилади:

а) ярашув битими ҳақидаги масалани суд жиноят ишларининг барча босқичида, лекин суд муҳокамасигача ҳал этиши лозим. Суд жабрланувчи ва айбланувчиларнинг хуқуқлари билан таништириш жараёнида ЖКнинг 66<sup>1</sup>-моддасида кўрсатилган имкониятлар билан ҳам таништириб ўтиш лозим;

б) суд яраштирув битими ҳақидаги жабрланувчининг аризасини қабул қилиш вақтида ЖКнинг 66<sup>1</sup>-моддасида баён қилинган шартлар тўлиқ бажарилганлигини аниқлаши шарт. Ярашув битимидағи қарорда Жиноят Кодексининг 66<sup>1</sup>-моддасида таъкидланган шартларнинг бажарилганлиги ва жабрланувчи ёки жабрланувчиларнинг ихтиёрий аризаси ярашув битими ҳақидаги қарорга асос сифатида кўрсатилиши шарт;

в) ярашув битими бир неча жабрланувчилар билан амалга оширилишда барча жабрланувчиларнинг аризалари мавжуд бўлгандагина расмийлаштирилади. Агар жабрланувчилардан бири розилик билдирамаган тақдирда ярашув битими расмийлаштирилиши мумкин эмас;

г) ярашув битими жабрланувчининг бир неча айбланувчилар билан ҳам амалга оширилиши мумкин. Ишда бир неча айбланувчилар мавжуд бўлганда, ЖКнинг 66<sup>1</sup>-моддасида таъкидланган шартларини айбланувчилар биргаликда амалга оширган бўлишлари мумкин;

д) агар айбланувчиларнинг биттаси ёки иккитаси томондан бажарилган тақдирда жабрланувчининг ёзма ихтиёрий аризасига биноан шу айбланувчиларнинг ўзи билангина ярашув битими амалга оширилиб қолган айбланувчиларга нисбатан иш охиригача етказилади;

е) судга ишни қабул қилиб олган кундан кейин айбланувчи (жавобгар) ва жабрланувчи (даъвогар)ни ярашиши ўн кун мухлат давомида мумкинлиги ҳақида ЖПКнинг 585-моддасида ва ЖКнинг 66<sup>1</sup>-моддаси билан таништиришлари шарт. Агар шахс ярашув ҳақидаги аризани суд муҳокамага кириш вақтида берган бўлса, суд шу вақтнинг ўзида ишни вақтинчалик тўхтатиб, ярашув шартлари мавжудлигини, уларнинг бажарилганлигин кўриб чиқиши лозим;

ж) ярашув битими муҳокамаси алоҳида ташкил этилиб, суд муҳокамаси жабрланувчи (даъвогар), айбланувчи (жавобгар), прокурор, ҳимоячилар ва суд котиби иштирокида амалга оширилади. Суд муҳокамасини суд мажлисига раислик қилувчи судья олиб боради ва бошқаради. Суд муҳокамасига асосан Жиноят Кодексининг 66-1-моддаси талабларининг

бажарилганлиги мұхокама қилинади.

Бизга маълумки ярашганлик мунособати билан жиной жавобгарликдан озод қилиш масаласи МДҲ давлатларининг қонунчилигигида, жумладан Қозоғистон, Қирғизистон, Озарбайжон Республикаларининг ва Россия Федерациясининг шу жумладан, кўпгина хорижий давлатлар қонунчилигигида ярашганлиги мунособати билан жиной жавобгарликдан озод қилиш масаласи кўрсатиб ўтилгандир.

Хусусий протест ва хусусий шикоят фақатгина ярашув тўғрисидаги ариза суд томонидан рад этилиб, жиноят иши умумий қоидалар бўйича дастлабки терговни юритишлик учун прокурорга қайтариб юборилганда берилиши мумкин.

Суд мұхокамасида яраштирув ишларини кўришнинг ўзига хос хусусиятларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- 1) якка судья томонидан амалга оширилади, даҳли бўлмаган шахсларнинг иштирокига йўл қўйилмайди;
- 2) иш айбланувчининг ёки ҳимоячининг илтимоси билан кўрилиши мумкин;
- 3) прокурор, айбланувчи, ҳимоячи иштирокида ўтказилади;
- 4) жабрланувчи иштирок этади, аммо унинг келмаслиги ишни кўришга тўсқинлик қилмайди.

Бу босқичда судья етарлича мустақил бўлади. Бу масала қасамхўрлар судида ҳам кўрилади.

Тузилган айлов дастлаб судлов вужудга келиши мумкин бўлган оқибатларни назарда тутади, мұхим қарорлар қабул қилинмайди, фақатгина аризага мувофиқ келишув тузилади. Шу сабаб икки томонлама музокарада масала кенг доирада мұхокама қилинади.

Одатда айловчи фақат бу жиҳатдан тўлиқ суд мұхокамасига тегишли бўлган ишлар сонининг камайишига эришади. Айбланувчига дастлаб қўйилган айб қатъий бўлмайди. Айловчи ярашувни қабул қиласр экан, айбланувчига ён беради, аммо судда унинг айбини исботловчи далилларни тақдим этади. Шунингдек, жазо тайинлаш нормаларининг ўзига хослиги, муддатидан илгари жазодан озод қилиш сингари йўллар билан турли жиноятлар учун муддатнинг бир хил бўлиши айловчининг виждон азобланишига йўл қўймайди.

Баъзида жазонинг енгиллиги аниқ бўлади. Баъзи ҳолларда унча оғир бўлмаган жиноятни содир этишдан айбини бўйнига олган шахслар унча оғир бўлмаган жазонинг олди олинади.<sup>141</sup>

Аммо вазият судьяга bogлиқ bўлади. Bu тадбир қуйидагича амалга ошади:

айловчи, жабрланувчи ва ҳимоя бўлажак келишувни дастлаб мұхокама қилишлари керак, улар айловчининг олдига маҳсус ташриф буюришлари ёки суд мұхокамаси залида ҳам мұхокама ўтказишлари мумкин.

---

141 Клойд Л. Уайнреб. Отказ от правосудия: Уголовный процесс США. - М.: Юридическая литература, 1985 год -С.98.

Айбловчи, адвокат, ёки жабрланувчи ўз позицияларини ишнинг конкрет факти ҳолатлари билан асосламасликлари керак.

Оғирлигига кўра дифференциялаштирилган қўпгина жиноятлар ўз ичига унча оғир бўлмаган жиноятларни олади ва албатта, айбланувчидан айнан шу жиноятлар учун айбни бўйнига олишни қутиш керак. Айбловчи келишув тузишда айбланувчи билан учрашиши мақсадга мувофиқ эмас. Суд яқинлашган сари айбланувчи суд бўлмаслигини тушуниб боради. Бу эса айбланувчи кўп ҳолларда уз айбини тан олишига олиб келади. Чунки ҳимоячи унга фақат шу йўл тўғри эканлигини уқтиради.

Агар айбланувчи келишувни рад этса ёки айбига иқрор бўлмаса, ҳимоячи унинг оқибатини албатта тушунтириши лозим. Агар айбланувчи қатъиян рад этса, иш расмий тартибга амал қилинади.

Судланувчига ҳамда айбланувчига айбни бўйнига олиш ва зарар қоплаш амалга оширилгандан кейин музокарага киришиш ҳуқуқи берилади. Аммо бу ҳуқуқдан у суд маслаҳатхонасига киргунга қадар фойдаланиши керак. Агар айбланувчи ёки унинг ҳимоячиси томонидан бундай илтимос тушса, судья мухокамани тўхтатади ва тарафларга келишув тузиш имконини тушунтиради. Судья музокарапарда иштирок этмайди.

Хорижий мамлакатлар, жумладан Россия Федерацияси Жиноят процессуал кодексида битим тузиш ёки келишув институти мавжуд. Келишув тузишда жабрланувчи ва унинг ҳимоячисининг ўрни катта, уларнинг розилигисиз ҳеч нимага эришиб бўлмайди.

Келишувга эришишда давлат айбловчиси ва жабрланувчи манфаатлари муҳим ўрин тутади. Шу сабаб тарафлар ўз ҳимоячилари билан фаол муносабатда бўлишлари керак.

Ҳуқуқий реализм шартларига кўра манфаатли шахс нуфузи ва бурчига нисбатан устунликка эга бўлса, ҳуқуқий ҳимояни амалга оширувчи шахслар ўрни юқори ва ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади. Адвокатнинг ҳаракатлари айбланувчи ёки судланувчи ҳимоя қилганда бир пайтнинг ўзида бир-бирига боғлиқ учта масалани ҳал қилишга йўналтирилиши керак. Биринчидан, у ишни ўз шахсий манфаатлари йўлида юритиш, иккинчидан, ўз мағлубиятига кўнигириш, учинчидан, процессуал нормаларга мувофиқ иш юритиш лозим. Натижада яхши, аниқроғи билимдон ҳимоячига эга бўлган томон устунликка эришади.

Одатда ҳимоячи айбланувчи билан биринчи учрашувда далиллар етарли бўлганда айбини бўйнига олишини маслаҳат бериши керак. Бу ўз навбатида вақт ва сармояни ёки тежашга олиб келади. Агар айбланувчи бунга рози бўлса, давлат айбланувчиси бундай иш тутишга бошлаш, музокарапар ўтказиш, айбини бўйнига олишга тайёрлашда ҳимоячининг ўрни бекиёс. Шуни назарда тутиш керакки, ҳимоячи музокарапарнинг барча босқичида у билан бирга бўлиш ҳуқуқига эга. Келишув тузишда эса қонунда кўрсатилган асослар бўлиши керак.

Айбини бўйнига олиш ва ярашув битимининг ўхшиш жиҳатлари мавжуд, булар қуидагилар:

- битим тузилган жой, вақт;

- прокурор, жабрланувчи, ҳимоячи, айбланувчи, судланувчининг фамилияси, исми, отасининг исми

жиноят содир бўлган жой, вақт ва бошқа ҳолатларни кўрсатган ҳолда жиноят қонунчилигига татбиқ этилиши керак бўлган норма.

Агар айбланувчи бир қанча жиноятларда айбланаётган бўлса, битимда ҳар бир жиноятга оид қисқача фабула келтирилиши керак.

Битимда қандай жиноятни содир этишда айбини бўйнига олаётганлиги белгиланади, моддий ва маънавий зарарни қоплаш масаласи кўрсатилади.

Битим прокурор жабрланувчи, ҳимоячи, айбланувчи, судланувчи ва уларнинг вакиллари томонидан имзоланади. Битим имзолангач судья томонидан тасдиқланади.

#### **8.4. Жиноят процессида айбига иқрорлик битими ва унинг ўзига хос хусусиятлари**

Жиноят процессуал ва бошқа қонунчиликка борган сари кўпроқ татбиқ этилаётган ва ўзининг ижобий натижасини кўрсатаётган либераллаштириш бугунги кунда янада долзарб масалаларни кўтаришни тақозо этмоқда, чунки қонун инсон қадриятлари билан узвий боғлиқ бўлиши тўғрисидаги конституциявий талаб, ҳукуқий демократик давлат ва адолатли фуқаровий жамият барпо қилишнинг шартларидан биридир. Жиноят процессида айбига иқрорлик битими ана шундай зарурий институтлардан ҳисобланади. Жиноят процессуал қонунчилигимиз учун Айбига иқрорлик битими мутлақо янги институт. Шунинг учун ҳам хорижий тажрибани ўрганиш ва миллий хусусиятларимизни ҳисобга олиб, қонун лойиҳаларини тайёрлаш муҳим аҳамиятга эгадир.

«Айбига иқрорлик» – судья билан айбланувчи ўртасида қўйилган айлов бўйича келишиш йўли билан тайинланиши лозим бўлган жазодир. Айбига иқрорлик битимининг ўзига хос хусусиятлари қўйидагилар:

- 1) ихтиёрий, қўйилган айбинг моҳиятини чуқур анграб, айбини сўзсиз тан олган ҳолда баён этилган айбига иқрорлик тўғрисидаги аризанинг мавжудлиги;
- 2) суд муҳокамасидан тўлиқ ҳолатда воз кечиш;
- 3) белгиланадиган жазо максимал жазонинг учдан икки қисмидан ошиб кетмаслиги;
- 4) жабрланувчининг ҳақ-хукуqlари поймол этилмаслиги;
- 5) Айбига иқрорликни расмийлаштиришда ҳимоячи иштирокининг шартлиги;
- 6) чиқарилган ҳукм устидан юқори инстанция судларига апелляция, кассация ва назорат тартибида шикоят беришнинг мумкин эмаслиги.

АҚШ жиноят процессида ўз айбини тан олиш билан «айбни тан олиш ҳақидаги битимлар» институти узвий боғлиқдир. Айнан ушбу институт мазкур ҳукуқий тажрибани бизнинг қонунчилигимизда қўллашда катта қизиқиш уйғотади. Бу институт Америка жиноят процессининг таркибий қисми бўлиб, амалда 150 йилдан ортиқ вақт мобайнида қўлланиб

келинмоқда. Америкалик ҳуқуқшунос Реймонд Мольнинг маълумотларига кўра, 1839 йили Нью-Йорк штатида жиноят ишлари бўйича чиқарилган ҳукмларнинг 22% «айбни тан олиш хақидаги битимлар»нинг натижаси бўлган; 1869 йили жиноят ишларининг 70% ушбу усул билан ҳал қилинган; 1920 йили жиноят ишларининг 80% айбни тан олиш хақидаги аризалар ёрдамида ҳал қилинган экан.<sup>142</sup> К.Ф. Гуценконинг маълумотларига кўра, 60-йилларда АҚШ да жиноят ишларининг 90% дан ортиғи суд муҳокамаси жараёнини четлаб ўтган.<sup>143</sup>

Бугунги кунда айбни тан олиш хақидаги битимларсиз АҚШ жиноий адлиясининг механизми, биринчи навбатда судлар барча ишларни ҳал қила олмаган бўлардилар. Ушбу келишувлар вақт ҳамда ресурсларни тежайди. Суднинг иш жадвалида бошқа ишлар бўйича процесслар учун вақт қолади. Шундай қилиб, «айбни тан олиш хақидаги келишув» ёки «битимлар» айбсизлик презумпциясини бузмасдан, суд процессининг айблов ва ҳимоя тарафи низони айбни тан олиш хақидаги келишув ёрдамида ҳал қила олмаган муҳим ва унча кўп бўлмаган ишларни қолдиради.

«Айбини тан олиш хақидаги битим»-бу муайян келишув бўлиб, унинг ёрдамида айблов ва ҳимоя тарафи айбланувчи ўз айбини қайси бандлари бўйича айбдор деб тан олишини, айбловчи эса жазо тайинлаш бўйича судга қайси таклифларни киритишини белгилаб оладилар.<sup>144</sup> Ушбу келишув кўпинча айбланувчи ўзини янада енгилроқ жиноятни содир қилишда ёки айблов ҳужжатининг айрим бандлари бўйича айбини тан олишига олиб келади. Унга жавобан прокурор айбланувчидан у айбланаётган бир ёки бир неча айбловни олиб ташлаши, ёки судьяга тайинланадиган жазо хусусида ўз тавсиясини бериши керак бўлади. Битимда, шунингдек, судланувчи унга маълум бўлган фактлар хақида тўғри, аниқ қўрсатмалар беришга розилик бериши ҳам кўзда тутилиши мумкин. Бу ҳол янада мураккаб ва оғир бўлган жиноятларни очишга, жиноят содир қилган шахсларга жазо қўллашга ёрдам беради. Агар қасамхўр судьялар айбланувчини жиноят содир қилганлигини тан олишига ишонмасалар, айбловчи нисбатан камроқ айбловни эълон қиласди. Масалан, қасдан одам ўлдиришнинг содир қилинишини прокурор айбланувчи бу ҳаракатни амалга оширишни олдиндан режалаштирганлигини исботлашга мажбур қиласди. Шунинг учун, агар прокурор, бу ҳолатни қасамхўрлар судига исботлаб бера олишига ишонмаса, у айбловни эҳтиётсизлик туфайли одам ўлдириш бўйича қўяди. Ўзаро ён босишларнинг ушбу тизими шу сабабли «айбни тан олиш хақидаги битим» номини олди. Кўпинча прокурор ҳамда айбланувчи нафақат айблов бандларининг сони ва қилмишнинг тавсифи ҳақида, балки айбловчининг жазо чораси, жарима, жазони ўташнинг аниқ жойи ҳақидаги фикри бўйича келишув тузадилар.

Америкалик ҳуқуқшунос Дональд Ньюман «айбни тан олиш ҳақидаги

<sup>142</sup> Raymond Moley. Politics and Criminal Prosecution. Minton, Baleh (1929), P. 164

<sup>143</sup> Гуценко К.Ф.. Уголовный процесс основных капиталистических государств. (Англия, США). Вып.1. –М.: Унив-т друж. Народов, 1969. –Б.98. .

<sup>144</sup> Дубовик Н. «Сделка о признании вины и особый порядок»: сравнительный анализ. // Российская юстиция. -2004. -№4. –Б.21-27.

битим»ни «прокурор ҳамда айбланувчи ўртасида олиб борилган музокаралар оқибатида олинган айбни тан олиш ҳақидаги ариза» сифатида баҳолайди.<sup>145</sup> Натижада айбланувчи ўзини айборд деб тан олади. Бунда айловнинг оғирлиги камайтирилади, жазо тайинлаш ва жазога ҳукм қилишда суднинг тўла ва максимал ҳокимлиги анча юмшатиш томонига чекинади. АҚШ да «айбни тан олиш ҳақидаги битим» кўпинча жиноят ишини дастлабки суд муҳокамасида кўриш босқичида учрайди. Бу босқичда судъя далиллар билан танишади. Мақсад - содир этилган жиноятда айбланувчининг иштироки бор ёки йўқлигини исботлаш учун етарли асослар мавжудлигини аниқлашдир. Ишни дастлабки суд муҳокамасида кўриш АҚШ жиноят процессининг мажбурий босқичи эмас: айбланувчи ундан воз кечиши ҳам мумкин. Бироқ судъя ўз хоҳишига кўра процессуал жиҳатдан мустаҳкамлаш учун айлов далилларини кўриб чиқиш ҳуқуқига эга. Ишни дастлабки суд муҳокамасида кўриш вақтида тарафлар томонидан келтирилган далиллар ўрганилади.

«Айбини тан олиш ҳақидаги битим» нинг ўзи процессуал ҳуқуқий жиҳатдан АҚШ округ судларида жиноят процесси Федерал Қоидаларининг 11-Қоидасида мустаҳкамланган. У оғзаки ҳамда ёзма шаклда тузилиши мумкин бўлган контракт сифатида қаралади.

Оғзаки ёки ёзма равишда айбни тан олиш ҳақида битим тузишнинг қонун билан белгилаб берилган маҳсус расмийлаштириш тартиби мавжуд. Расмийлаштириш суд клерки (судъянинг ёрдамчиси) томонидан федерал судъя, айбланувчи, унинг ҳимоячиси, айловчи, бир қатор ҳолларда эса жабрланувчининг иштирокида амалга оширилади. Агар «айбини тан олиш ҳақидаги битим»ни муҳокама қилиш вақтида келишувга эришилмаса, айловчи айбланувчи томонидан берилган аризани процессда қўллай олмайди.

Ушбу жараённи амалга оширишнинг натижаси бўлиб, суднинг буйруғи ҳисобланади. Унда, айбланувчи томонидан ўзини айборд деб тан олиш ҳақидаги ариза ихтиёрий равишда берилганлиги, бунда айбланувчи ўзига қарши қаратилган айловларни ҳамда аризасининг оқибатларини тўлиқ тушунгандиги, энди эса айбини тан олиш ҳақидаги ариза кучга кириши баён қилинади.

Оғзаки ёки ёзма равишда айбини тан олиш ҳақида битим тузишда иштирок этишга розилик бериб, айбланувчи бир вақтнинг ўзида айрим конституциявий қоидалардан воз кечади. Энг муҳими - АҚШ Конституциясига VI-тузатиш билан кафолатлаб берилган қасамхўрлар судига бўлган ҳуқуқлардан воз кечади. Айбни тан олиш ҳақидаги келишув айловчи ва ҳимоя ўртасида айбланувчининг айбига доир ҳар қандай низоларни бартараф этади. Бироқ, келишув кучга киришидан олдин, судъя айрим ҳолатларни аниқлаб олиши керак. Шу нарса маълумки, суд процесси фактларни аниқлашнинг шаклланган усули бўла олмайди. Кўпгина омиллар: прокурор ёки ҳимоячининг касбий маҳорати, гувоҳлар, судъянинг

<sup>145</sup> Donald J. Newman. Conviction: The Determination of Guilt or innocence Without Trial. Little, Broun (1966).

муносабати, оддийгина омаднинг келиши ҳам оқибатга таъсир кўрсатади.

Айни тан олиш ҳақидаги кўпгина келишувлар айлов хужжатини тузиш ва уни гумонланувчига эълон қилгандан сўнг вужудга келади. Бироқ гумонланувчининг ўзи ҳам айб эълон қилингунига қадар келишув тўғрисида музокаралар бошлиш ҳуқуқига эга. Агар прокурор гумонланувчидан бошқа жиноятчиларга қарши, масалан, жиноий уюшманинг бошлигини айтиб бериш тўғрисида кўрсатма беришда фойдаланмоқчи бўлса, айлов эълон қилингунига қадар айбнинг бундай тан олиниши фойдали бўлади. Натижада айловчи билан ҳамкорлик қилаётган шахс жиноий жавобгарликдан тўлиқ озод қилиниши мумкин. Бундай ҳолларда айлов хужжати эълон қилинмайди, бошқа иштирокчилар гумон қилинувчининг айлов билан ҳамкорлигини билиш имкониятидан маҳрум бўлади.

Италия, Испания, Германия, Россияда ЖПКга кўра “Айбига иқрор бўлиш» битимини тузиш тўғрисидаги илтимоснома билан дастлабки тергов якунланганидан сўнг ёки, суд муҳокамасига тайёрлов қисмида мурожаат қилинади.

1988 йили қабул қилинган Италия ЖПКда содир этилган жиноят учун уч йилдан ортиқ бўлмаган озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо назарда тутилган бўлса, тарафларнинг жазо масаласини ўзаро ҳал қилишни сўраб ёзган аризалари бўлса, суд тергови олиб борилмаслиги қайд этилган. Россия Федерацияси ЖПКнинг 40-бобидаги «суд битими» тўғрисидаги янги институт мазмуни шундан иборатки, судланувчи айбига иқрор бўлса, бунинг эвазига камроқ жазо олиши мумкин. Илтимоснома жиноят ишини судда кўриш учун тайёрлов қисмида ва албатта ҳимоячининг иштирокида амалга оширилиши керак. Агарда ушбу ҳолатга прокурор ва жабрланувчи рози бўлса, судья судланувчини содир этган жинояти учун жиноят кодексида белгиланган озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони энг кўп қисмидан учдан икки қисмидан кўп бўлмаган муддатга жазо муддатини белгилаши мумкин.<sup>146</sup>

Чет давлатларнинг ушбу тажрибасидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Сабаби, юкорида кўриб ўтганимиздек, “айни тан олиш ҳақидаги битим»лар орқали ишлар қиска муддат ичидан тез ва самарали ҳал қилинади, ортиқча сарф-ҳаражатларнинг олди олинади.

Хозирги кунда жиноят судлов ишларини юритишни соддалаштириш, дифференциациялаш, ишларни юритишнинг дастлабки асосларини қисқартиришга интилиш барча давлатларга хос бўлган хусусиятдир.<sup>147</sup> Унда кўриб чиқилаётган жиноятнинг оғирлиги, мураккаблиги, иш кўриб чиқилганидан сўнг келиб чикадиган оқибатларни ҳисобга оладиган жиноят-судлов ишларини юритишнинг шаклларига асосланиш керак.

Айбланувчининг ўзига эълон қилинган айловга розилиги туфайли суд томонидан тегишли қарорнинг қабул қилиниши «айни тан олиш ҳақидаги битимлар»нинг кўринишларидан бири бўлиб ҳисобланади. У бизда «Айбига

<sup>146</sup> Иноғомжонова З.Ф. Жиноят процессида суд назорати концепцияси. –Т.: ТДЮИ , 2006. – 135 б.

<sup>147</sup> Дорошков В.В. Особый порядок принятия судебного решения при согласии обвиняемого с предъявленным ему обвинением. // Российский судья. -2004. -№9. -Б.17.

икрорлик» институти сифатида номланиб, ЖПКга 63-боб тариқасида 587-моддадан бошлаб киритилиши лозим.

Ушбу институт барча жиноятларга эмас, балки ЖКнинг 15-моддасида кўрсатилган ижтимоий хавфи катта бўлмаган, унча оғир бўлмаган ҳамда оғир жиноятларни содир қилган шахсларга нисбатан татбиқ этилиши керак. Бунда айбланувчининг айби тўла, ҳар томонлама, холисона исботланган бўлиши шарт.

Айбланувчи прокурор ва жабрланувчининг розилигини олиб, «айбига икрорлик» битимини тузишни ҳамда ўзига қонунда белгиланганига караганда енгилроқ жазо тайинлашни сўраб, судга илтимоснома билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлиши керак.

Агар айбланувчи айбига икрор бўлиб, битим тузиш тўғрисидаги илтимосномани судьяга тақдим этса, якка тартибда айбланувчини судга бериш ўрнига дастлабки суд муҳокамасини чакириб, масала узил-кесил ҳал қилинади. Дастлабки суд муҳокамасида прокурор, ҳимоячи ва албатта айбланувчи иштирок этиши лозим. Дастлабки суд муҳокамасида иш билан танишган судьянинг маърузаси билан бошланади ҳамда айбига икрорлик битимини тузиш тўғрисидаги айбланувчининг илтимоси ўқиб эшиттирилади.

Айбланувчи айбига икрорлик сабаблари, ўз қилмишидан ўта пушаймонлиги, бериладиган жазо миқдорига муносабатини билдиради.

Дастлабки суд муҳокамасида прокурор фикр билдиради, ҳимоячи айбланувчини айбига икрорлигини қуллаб-қувватлайди.

Дастлабки суд муҳокамасида айбланувчи судга берилганлиги ва бир битимга келишилганлиги тўғрисида маслаҳатхонада ажрим чиқаради. Агар бир битимга келишилмаган бўлса, суд муҳокамаси умумий тартабда ҳал қилинади. Айбига икрорлик битими тузилган тақдирда суд муҳокамасининг тайёрлов қисмидан кейин суд таркиби ҳукм чиқариш учун маслаҳатхонага киради. Айбига икрорлик битимида судланувчи апелляция, кассация ва назорат тартибida шикоят бериш ҳуқуқидан маҳрум бўлади.

Жиноят иши натижасидан манфаатдор бўлган суд процессининг бошқа иштирокчилари бундан мустасно. Айбига икрорлик битимида жиноят орқасида заарар егказилган бўлса, у тўлиқ қопланган бўлиши, айбланувчи берилган жазога рози бўлиши керак.

Айбланувчининг суд муҳокамасини ўтказмасдан туриб, ҳукм чиқариш тўғрисидаги илтимосномаси унинг ўзи ёки ҳимоячиси томонидан судга ёзма равища тақдим қилиниши лозим.

Илтимоснома жиноят иши тамомланиб, Ўз.Р ЖПКнинг 375-376-моддасига асосан, иш материаллари унга тақдим қилинганда ёхуд Ўз.Р ЖПКнинг 438-моддасига асосан, суд мажлисининг тайёрлов қисмida илтимослар қилиш ва уларни ҳал қилиш босқичида судга тақдим этилиши мумкин.

Судья айбига икрорлик билан боғлиқ жиноят иши бўйича, айблов тўпланган далиллар билан ўз тасдифини топган, деган холосага келса, айблов ҳукмини чиқаради. Жазо масаласига келсак, ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлар учун жазо ЖКнинг Махсус қисмида

назарда тутилган моддада тайинланиши лозим бўлган энг кўп ва энг оғир жазонинг ярмидан кўп бўлмаслиги, оғир жиноятлар учун эса учдан икки қисмидан ошиқ бўлмаслиги керак.

Агар юқоридагиларга эришиладиган бўлса, яъни суд томонидан суд муҳокамасини ўтказмасдан туриб хукм чиқарилиши бизнинг қонунчилигимиз учун бутунлай янги бўлган «айбига иқрорлик» институтининг кириб келишига асос бўлади. Жиноят-судлов ишларини юритиш жараёнини бундай кисқартиришга асосан жиноят процесси иштирокчиларининг вақти, маблағи тежалишига; жамиятда низоларнинг сонини камайтирадиган одил судлов ривожланишига олиб келади.<sup>148</sup>

Хулоса қилиб шуни такидлаш жоизки, Айбига иқрорлик битимини жиноят процессуал қонунчилигига олиб кириш:

1) жиноят процесси иштирокчиларини айниқса гумон қилинувчи, айбланувчининг ўз тақдирларига бефарқ бўлмасдан, жиноий қилмишига ўта пушаймон бўлиб, келтирган заарини ўз вақтида қоплаб, белгиланган жазони ўташга тайёрлигини қонуний тан олиши учун шароит яратиб берилади;

2) Айбига иқрорлик битимининг тарбиявий аҳамияти бекиёс, чунки жазо тайинлаш ва уни таъминлашдан кўзланган асосий мақсад маҳкумни жамиятга муносиб қилиб тарбиялашдан иборат;

3) биринчи ва юқори инстанция судлари ўз исботини аллақачон топган жиноят иши юзасидан ортиқча вақт ва сарф-ҳаражатдан қутиладилар, айбланувчи эса ортиқча сан-салорликдан ташқари, қилмиш учун анча енгил жазо тайинланишига эришади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексига киритиш таклиф этилаётган қўшимчалар.

Лойиха.

## **63-БОБ. СУД МУҲОКАМАСИНИНГ МАҲСУС ТАРТИБИ.**

**587-модда. Айбланувчи айбига иқрор бўлганида суд томонидан жиноят ишини ҳал қилишнинг алоҳида тартиби**

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 15-моддасига кўрсатилган ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятни содир этган айбланувчи давлат айбовчиси ва жабрланувчининг розилиги бўлган тақдирда ҳамда айби тўла, ҳар томонлама ва холисона исботланганда айбланувчи айбига иқрор бўлса, судга илтимоснома билан мурожаат қилишга ҳақли.

Суд ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ҳолатлар

<sup>148</sup> Д. Бекматова, З.Ф. Иноғомжонова. Жиноят процессида айбига иқрорлик битими. // Давлат ва хукуқ № -3. 2005. –Б 41-42.

мавжуд бўлганда, суд мухокамасининг тайёрлов қисмида қуидаги масалаларни ҳал қилади:

айбланувчинининг айбига иқрорлиги, қилмишидан ўта пушаймонлиги ва иқрорлик тазъиқсиз бўлаётганлиги;

айбига иқрор бўлиш асосида суд қарори қабул қилинса, айбланувчи ушбу иш юзасидан апелляция ва кассация тартибида шикоят бериш хуқуқидан маҳрум бўлиши;

айбланувчи келтирилган зарарни қопланганлиги;

«Айбига иқрорлик битими» илгари судланганлар, рецидивист деб топилган шахсларга нисбатан қўлланилмайди.

**АСОС:** «Айбига иқрорлик битими»— судья билан айбланувчи ўртасида унга қўйилаётган айб бўйича келишиш йўли билан тайинланиши лозим бўлган жазо масаласини ҳал этишdir.

Хорижий мамлакатларда, хусусан АҚШда «Айбига иқрорлик битими» мавжуд. Унда айбланувчи ўзига қўйилаётган айбов бўйича келишиш йўли билан ишни ҳал қилади. «Айбига иқрор бўлиш» битими айбланувчи, унинг ҳимоячиси ва айбовчи ўртасидаги барча келишмовчиликларни бартараф этади. Битим ўз ўзидан қасам олдига келтирилган судьяларнинг айбор деб топиш ҳақидаги якуний қарорини ўрнини босади.

«Айбига иқрорлик битими» ни тузишда суднинг роли шундан иборатки, у қонунийлик ва адолатни таъминлайди. Ушбу вазифани бажариш учун суд иккита алоҳида мажбуриятни амалга оширади. Биринчидан, суд адолатли натижа чиқиши учун бевосита ўзаро келишув жараёнида иштирок этади. Иккинчидан, судда «айбига иқрор бўлиш» ихтиёрий, онгли бўлаётганлиги, келтирилган зарар қопланганлиги, айбланувчининг айби исботланган ёки исботланмаганлигидан қатъий назар жазога сазоворлигига шубҳа қолдирмаслиги керак.

АҚШда «айбига иқрор битими»ни тузиш ҳақидаги масалани ҳал қилишда жабрланувчи асосий ролни ўйнайди. Прокурор айбланувчи билан шу масалада сўзлашишдан аввал жабрланувчи билан қатор масалаларни биргаликда ҳал қилиб олади. Прокурор ўзининг тажрибасидан келиб чиқиб, жабрланувчига айбовнинг кучли ва кучсиз томонларини тушунтиради ҳамда процесснинг қанчалик даражада узоқ бўлиши мумкинлиги ҳақидаги аниқ тафсилотни маълум қилади. Албатта, жабрланувчи хохласа, хохламаса прокурор билан айбланувчи ўртасида «айбига иқрорлик битими» тузилиши мумкин, лекин, қўпинча прокурорнинг бу борадаги фикри жабрланувчининг талаблари билан мос келади.

Тайёрланган лойихага қўра, ушбу битимни тузиш учун прокурор ва ҳимоячининг иштирокини таъминлаш шарт.

## **588-модда. Илтимосномани тақдим этиш тартиби**

Айбланувчининг айбига иқрорлиги билан боғлиқ бўлган ишларни юритишида суд мажлисини ўтказмасдан туриб хукм чиқариш тўғрисидаги

илтимосномани айбланувчи, унинг ҳимоячиси прокурор орқали судга тақдим этади.

Илтимосномани:

- 1) жиноят иши тамомланиб, иш материаллари айбланувчига танишиб чиқиши учун ушбу Кодекснинг 375-376 моддаларига асосан тақдим қилинганда;
- 2) жиноят иши суд томонидан ушбу Кодекснинг 585, 586-моддаларида белгиланган масалалар кўриб чиқилаётганда;
- 3) суд мажлисининг тайёрлов қисмида ушбу Кодекснинг 438-моддасига асосан илтимослар қилиш ва уларни ҳал қилишда судга мурожаат қилиши мумкин.

**АСОС:** Айбига иқрорлик битими қўлланиладиган кўп мамлакатларда илтимосномалар жиноят процессининг айнан шу босқичида тақдим қилинади. Масалан, АҚШ, Италия, Испания, Германия, Россияда. Жумладан: Испания ЖПК сига кўра айбланувчи «айбига иқрорлик битими»ни тузиш учун дастлабки тергов якунланганидан сўнг (конформидад) ёинки, суд муҳокамасининг тайёрлов қисмида мурожаат қилиши мумкин. «Айбига иқрорлик битими» тўғрисида Россия олимлари ҳам кўп фикрларни билдирганлар. Масалан: Лазарева В. Теория и практика судебной защиты в уголовном процессе. –Самара: 2000. –Б. 184-202; Тейман Стивен. Сделки о признании вины или сокращенные формы судопроизводства: по какому пути пойдёт Россия?. // Российская юстиция. -1998. № 10-11; Морозова И., Анненков А., Дадонов С. Сделка о признании вины как вариант мировового соглашения. // Российская юстиция. -2000. -№ 10; Петрухин И. Сделки о признании вины чужды Российскому менталитету. // Российская юстиция. -2001. -№ 5.

«Айбига иқрорлик битими» турли мамлакатларда турлича ҳал қилинади. Масалан, Будапештда бўлиб ўтган ҳалқаро конференцияда немис профессори Ханс-Ханер Кюне Германияда адвокатлар айниқса, мураккаб ишларни кўришда судда раислик этувчига «Бу жудаям узоқ вақт давом этадиган суд иши балким, бу иш суднинг бир эмас бир неча йил вақтини олар, агар ҳимоям остидаги шахсни розилигини олсан, фақатгина 2-3 та гувоҳни чақиритириб, ишни бир кун ичида ҳал қилиб қўя қолсак. Бундай ҳолатда ҳимоям остидаги шахсга нисбатан ҳам енгилроқ жазо тайинлаш масаласига келишиб олсан, адолатли бўлар эди» деб мурожаат қилишлари одат тусига кирганига анча бўлди деб таъкидлаб ўтган. 1988 йили қабул қилинган Италия ЖПКда содир этилган жиноят учун З йилдан ортиқ бўлмаган озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо назарда тутилган бўлса, ҳамда, тарафларнинг жазо масаласини ўзини ҳал қилишни сўраб ёзган аризалари бўлса, суд тергови олиб борилмаслиги қайд этилган.

## **589-модда. Ҳукм чиқариш шартлари**

Айбланувчининг айбига иқрорлиги билан боғлиқ бўлган жиноят ишлари

бўйича айбланувчи суд мажлисининг тайёрлов қисмида иштирок этиши шарт.

Жазо содир этилган жиноят учун Ўз. Р. ЖК нинг Махсус қисмида назарда тутилган ижтимоий хавфи катта булмаган ва унча оғир булмаган жиноялар учун моддада кўрсатилган энг оғир жазонинг teng ярмидан куп булмаган микдорда тайинланиши мумкин;

Процессуал харажатлар судланувчидан ундирилади.

**АСОС:** АҚШда суд ўз қарорини қабул қилишда Конституция, жиноят процессининг Федерал қоидалари, апелляция судларининг илгариги қарорларига таянади. Судья “АҚШ нинг федерал судъяси эслатмаси»дан раҳбарий ҳужжат сифатида фойдаланади. Бу эслатмада, “айбига иқрор бўлиш битими» нинг намунавий шакллари берилган. Битим тузилиш жараёнида судья айбланувчига агарда битим тузилса, ундан кейин прокурор айбланувчи учун ениглроқ жазо тайинлашни сўраб мурожаат қиласа, прокурорнинг талабини бажармаслиги мумкинлиги ҳақида огоҳлантиради. Ҳар қандай талаб бўлишидан қатъий назар, судья мустақил равишда жазони ўзи тайинлаши мумкинлигини тушунтиради.

Россия Федерацияси ЖПКга 40-боб сифатида янги институт киритилган, уннинг мазмуни шундан иборатки, судланувчи айбига иқрор бўлса, бунинг эвазига камроқ жазо олиши мумкин. Истимоснома жиноят ишини судда кўриш учун тайёрлов қисмида ва албатта ҳимоячини иштирокида амалга оширилиши керак. Агарда ушбу ҳолда прокурор рози бўлса, судья судланувчини содир этган жинояти учун жиноят кодексида белгиланган озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазонинг энг кўп микдоридан учдан икки қисмини белгилаши мумкин.

Таклиф қилинаётган лойиҳа бўйича айбига иқрорликда ҳимоячини иштироки эхтиёрий, лекин прокурорнинг иштирок этиши шарт. Тайинланадиган жазо белгиланган жазонинг teng ярмидан ошмаслиги керак.

## **9-БОБ. ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА ҲУКМ, АЖРИМ ВА ҚАРОРЛАРНИНГ ҚОНУНИЙЛИГИ, АСОСЛИЛИГИ ВА АДОЛАТЛИЛИГИНИ ТЕКШИРИШДА СУД НАЗОРАТИ**

### **9.1. Ҳукм, ажрим ва қарорларнинг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини текшириш босқичи, унинг моҳияти ва аҳамияти**

Ташкилий тузилиши жиҳатидан судлар бир-бири билан бўғин тушунчаси, бажарадиган функциялари жиҳатидан эса инстанция тушунчаси билан боғлиқ бўлади. Суд инстанцияси суд ишларини ҳал этиш билан боғлиқ у ёки бу функцияни бажарувчи (ёки унинг таркибий тузилмаси) ҳисобланади.

Биринчи инстанция суди деб мазкур иш учун асосий бўлган масалаларни мазмунан қўриб чиқишига ваколатли бўлган судга айтилади. Жиноят ишлари бўйича биринчи инстанция суди айбланувчи шахснинг жиноятни содир этишда айбдор ёки айбдор эмаслиги ва унга қандай жазо тайинлаш масаласини ҳал қиласади.

Биринчи инстанция суди сифатида уч бўғинли судларнинг барчаси, шу қаторда ҳатто Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳам иш кўради. Бу судларнинг ваколат доираси амалдаги қонун билан аниқ белгиланган. Иккинчи инстанция судларига апелляция ва кассация тартибида иш юритувчи судлар, учинчи инстанция судларига назорат тартибида ва янги очилган ҳолатлар муносабати билан иш юритувчи судлар киради.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раёсати ва Пленуми ишларни фақат назорат тартибида кўради («Судлар тўғрисида»ги қонуннинг 18, 24-моддалари).

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судлов ҳайъати ишларни биринчи инстанцияда апелляция, кассация ва назорат тартибида кўради («Судлар тўғрисида»ги қонуннинг 25-моддаси).

Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоят суди, Тошкент шаҳар суди ўз ваколатлари доирасида ишларни биринчи инстанция суди сифатида, апелляция, кассация ва назорат тартибида кўради («Судлар тўғрисида»ги қонуннинг 30-моддаси).

Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоят суди, Тошкент шаҳар суди раёсати ишларни фақат назорат тартибида кўради.

Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоят суди, Тошкент шаҳар суди ҳайъатлари апелляция ва кассация тартибида иш кўради («Судлар тўғрисида»ги қонуннинг 33-моддаси).

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 44-моддасига кўра, ҳар бир шахсга ўз ҳукуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳукуқи кафолатланган. Бинобарин, фуқароларнинг ҳукм, ажрим ва қарорлар устидан апелляция, кассация ва назорат тартибида шикоят билдириш ҳукуқи ҳам уларнинг конституциявий ҳукуқи ҳисобланади.

Апелляция инстанцияси суди<sup>149</sup> қонуний кучга кирмаган ҳукм, ажрим ва қарорларнинг қонунийлиги, асослилиги ваadolатлилигини текширишга қаратилган. Умумий юрисдикция судлари тизимида бундай судлар сифатида қуий бўғин судларига кирмайдиган барча юқори турувчи судлар иш кўради. Апелляция тартибида кўриб чиқилган иш кассация тартибида қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас. Апелляция инстанциясининг иш юритиш мазмунига киритилмаган масалалар бундан мустасно албатта.

Кассация инстанция суди қонуний кучга кирган ҳукм, ажрим ва қарорларнинг қонунийлиги, асослилиги ваadolатлилигини текширади.

Назорат ва янги очилган ҳолатлар муносабати билан иш юритишни қайтадан бошлиш қонуний кучга кирган ҳукм, ажрим ва қарорларни қонунийлиги, асослилиги ваadolатлилигини текширишга қаратилган. Биз бу икки назорат инстанциясига киравчи, лекин бир-биридан фарқ қилувчи иш юритиш тартибларини кейинроқ кўриб чиқамиз.

Юқори турувчи инстанция ёки юқори турувчи суд деганда, тегишли судга нисбатан анча юқори мавқе ва мақомга эга бўлган судлар тушунилади. «Юқори суд инстанцияси» атамаси Жиноят процессуал кодексининг тегишли нормаларида ҳам белгилаб қўйилган (Масалан, ЖПК нинг 482, 483, 495, 496 - моддалари).

Шикоят ва протестнинг мавжудлиги ишни апелляция, кассация ва назорат тартибида кўриб чиқишнинг зарурий шарти ҳисобланади. Шикоят ва протестни қонунда белгиланган муддатда ва тегишли бўлган суд органига берилиши иккинчи ва учинчи инстанция суди зиммасига шикоят ва протестда кўрсатилган важларнинг тўғри ёки нотўғри тақдим этилганлигидан қатъи назар ишни кўриб чиқиш мажбуриятини юклайди.

Шикоят ёки протестнинг берилиши қабул қилинган қарорлар билан қонуний манфаатлари боғлиқ бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга доир ҳуқукий механизми ишга туширади. Юқори инстанция суди зиммасига ҳукм, ажрим ва қарорларни қонунийлиги, асослилиги ваadolатлилигини аниқлаш, шикоятдаги ҳар бир важга асосланган жавоб бериш, шикоят берган шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларининг бузилишларини бартараф этиш, шикоят билдирилган қарорнинг қонуний, асосли ваadolатлигини таъминлаш учун зарур чора-тадбирларни кўриш вазифасини юклайди.

Ишларнинг апелляция, кассация ва назорат тартибида юритилиши муҳим вазифаларнинг ҳал этилишига хизмат қиласи, шу нарсанинг ўзи унинг аҳамиятини белгилаб беради:

Ҳукмларнинг (суд ажримлари, судъянинг қарорлари), шу жумладан, шикоят билдирилмаган ва протест келтирилмаган ҳукмларнинг (суд ажримлари, судъянинг қарорлари) ҳам қонуний асосли ваadolатли бўлишига эришишга кўмаклашади, чунки қонунда назарда тутилган суд қарорлари устидан шикоят билдирилиши, протест келтирилиши, ишнинг юқори инстанция суди томонидан кўриб чиқилиши шартлигини белгилайди. Бу эса

<sup>149</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 1-2 сон, 11-модда.

суд, прокурор, тергов органларини қонунга риоя қилишга ундаш орқали кучли таъсир кўрсатади. Ишларнинг апелляция тартибида юритилиши хукмнинг қонуний кучга киргунигача бўлган даврда, яъни хукмнинг кассация ва назорат тартибида текширилишига нисбатан анча тезкор тарзда қонун бузилишларини бартараф қилишга хизмат қиласди. Ноқонуний ва асоссиз хукмларнинг (суд ажримлари, судъянинг қарорлари) ижрога қаратилишига йўл қўймайди. Юқори босқичдаги судлар қуи босқичдаги судлар фаолияти устидан назоратни амалга оширишга хизмат қиласди, ишларнинг апелляция, кассация ва назорат тартибида юритилиши бунинг муҳим шакли ҳисобланади. Судлар ишларни апелляция, кассация ва назорат тартибида кўриб чиқар эканлар, ишнинг юритилишида йўл қўйилган хатолар, қонун бузилишлар ва уларнинг сабабларини аниқлайдилар. Уларни бартараф этиш бўйича кўрсатмалар берадилар. Асослар мавжуд бўлганида апелляция, кассация ва назорат шикоятлари ва протестларни рад қиласдилар ҳамда бу билан тергов ва суд амалиётида қонун нормаларини бир хилда қўлланилишига, уларга қатъий риоя этилишини таъминлайдилар. Ишларнинг апелляция, кассация ва назорат тартибида юритилиши маҳкум, оқланган шахс, жабрланувчи, фуқаровий давогар, фуқаровий жавобгарнинг қонуний хуқуқ ва манфаатларини таъминлаш вазифасини ҳал қиласди, чунки бу шахслар ўзларининг хуқуқ ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини камситадиган ҳар қандай масала бўйича шикоят билдириш хукуқига эгалар. Юқори инстанция судлари эса бундай шикоятларни кўриб чиқиши, бундай шахсларнинг хуқуқ ва манфаатларининг бузилишларини аниқлаши, уларни бартараф этиши ва келгусида бундай хато ва камчиликларга йўл қўймаслик чораларини кўриши шарт. Бу эса процесс иштирокчиларининг хукуқлари ва манфаатларини таъминлашдаги жиноят процессуал кафолатдир. Ишларнинг юқори инстанция судларида кўрилиши тергов органлари фаолияти устидан назоратнинг процессуал шакли сифатида жиноят процессида қонунийликнинг таъминланишига хизмат қиласди.

Юқори судларга қуи судларнинг ҳукм, ажрим ва қарорлари устидан шикоят ёки протест келтиришнинг процессуал тартибини белгиланганлиги сансалорлик, ўзбошимчалик, пайсалга солишнинг олдини олади.

Ушбу босқичдаги процессуал фаолият устидан назорат қуйидагилар билан белгиланади:

1) одил судлов ўз моҳиятига кўра фақат адолат талабларига жавоб беради ҳамда бузилган хукуқларнинг самарали қайта тикланишини таъминлаган холдагина одил судлов деб эътироф этилади, суднинг нотўғри қарорлари эса одил судловнинг адолатли ҳужжати деб қаралмайди ва бундай қарор бекор қилиниши керак бўлади; 2) жиноят процессидаги ишнинг натижасидан манфаатдор бўлган иштирокчиларга дастлабки тергов, суднинг ҳатоларини тузатишни талаб қилиш имконияти яратилади; 3) суд ҳокимиётининг мустақиллиги суд қарорларини юқори босқичдаги суд органларидан ташқари ҳеч бир орган томонидан қайта кўриб чиқилишини истисно этади; 4) юқори босқичдаги судларнинг қуи босқич суд идораларининг ҳаракатлари ва қарорларини назорат қилиши бу органлар

фаолиятига аралашувига айланмаслиги ва уларнинг мустақиллигига путур етказмаслиги лозим; 5) суд ҳукмининг кучга кириши ва ижро этилиши узоқ муддатга қолдирилмаганидагина бундай ҳукмнинг умуммажбурийлигини таъминлаш, таъсирини кучайтириш мумкин. Қонун чиқарувчининг суд қарорларини қонунийлиги, асослилиги ваadolatлилиги устидан суд назоратининг аниқ шакллари ва миқёсларини белгиланиши пировард оқибатда ушбу ва айрим бошқа омилларнинг ўзаро нисбати билан тавсифланади.

Амалдаги жиноят процессуал кодекси қабул қилингунга қадар (1922 йилда ва 1959 йилда қабул қилинган ЖПКлар) кассация инстанцияси мустақил босқични, назорат инстанцияси «қўшимча» босқич деб номлансада, у ҳам мустақил босқични ташкил этган. 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган ва 1995 йил 1 апрелдан кучга кирган ЖПКда янги 15 бўлим (Ҳукм, ажрим ва қарорларнинг қонунийлиги, асослилиги ваadolatлилигини текшириш) ва янги 55 боби (Ҳукм, ажрим ва қарорларнинг қонунийлиги, асослилиги ваadolatлилигини текширишнинг умумий шартлари)нинг юзага келишини суд ислоҳоти натижалари деб қараш лозим.

Ҳукм, ажрим ва қарорларнинг қонунийлиги, асослилиги ваadolatлилигини текширишнинг ЖПКни мустақил тўртинчи босқич деб эътироф этилганлиги ва унинг ўзига хос хусусиятлари қуйидагилардан иборат.

1) апелляция, кассация ва назорат тартибида иш юритишни (янги очилган ҳолатлар муносабати билан жиноят ишларини қайта харакатга келтириш) юқори инстанция судлари деб номланиб, ҳукм, ажрим ва қарорларнинг қонунийлиги, асослилиги ваadolatлилигини текшириш турлари деб белгиланганлиги<sup>150</sup>;

2) суд қарорлари устидан шикоят бериш ва протест билдириш ҳукуқи ва унинг таъминланиши бир хил процессуал тартибида амалга оширилиши;

3) юқори инстанция судларида иш кўришда прокурорнинг иштирок этиши лозимлиги<sup>151</sup>;

4) юқори инстанция судлари ҳукм, ажрим ва қарорларнинг қонунийлиги, асослилиги ваadolatлилигини текширишда жиноят иши материалларига ҳамда тақдим қилинган қўшимча материалларга асосланиши<sup>152</sup>;

5) апелляция, кассация ва назорат инстанциялари (янги очилган ҳолатлар муносабати билан жиноят ишларини қайтадан ҳаракатга келтириш) учун ҳукм, ажрим ва қарорларнинг қонунийлиги, асослилиги ваadolatлилигини текширишда бир хилда ишни кўриш чегараси ва талабининг қўйилганлиги<sup>153</sup>;

6) Юқори инстанция судларида ишни кўриш учун умумий муддат белгиланганлиги<sup>154</sup> (ЖПКнинг 483-моддаси);

<sup>150</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 й. 1-2 сон 11 модда.

<sup>151</sup> Ўша ерда.

<sup>152</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 й. 1-2 сон 11 модда.

<sup>153</sup> Ўша ерда.

<sup>154</sup> Ўша ерда.

7) Юқори инстанция судлари учун бир хилда ҳукмни бекор қилиш ёки ўзгартериш асосларини татбиқ этилиши (ЖПКнинг 484-моддаси);

8) Жиноят ишларини апелляция, кассация ва назорат тартибида иш юритувчи судларнинг бир хил ваколатга эга эканлиги (ЖПКнинг 490-моддаси);

9) Юқори инстанция судлари бир хил талаб асосида ҳукмни ўзгартришлари (ЖПКнинг 491-моддаси), ҳукм, ажрим ва қарорларни бекор қилиб, ишни дастлабки терговга ёки суд мухокамасига қайтаришлари (ЖПКнинг 492-моддаси), айлов ҳукмини бекор қилиб, жиноят ишини тугатишлари (ЖПКнинг 493-моддаси);

10) Юқори инстанция судлари жазони кучайтиришга ва оғирроқ жиноятга доир қонун моддаларини қўллашга ҳақли эмаслиги (ЖПКнинг 494-моддаси);

11) Юқори инстанция суди кўрсатмаларининг мажбурийлиги (ЖПКнинг 495-моддаси);

12) Юқори инстанция судининг ажрим ва қарорини бир хил талаб асосида расмийлаштирилиши (ЖПКнинг 496-моддаси), ҳамда ижро этиш учун юборишнинг бир тизимдалигидир (ЖПКнинг 497-моддаси).

Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрь қонунига кўра ҳукм, ажрим ва қарорларнинг қонунийлиги, асослилиги ваadolatлилигини текшириш босқичининг ваколати қуидаги масалаларда кенгайтирилди:

1) ноқонуний, асослантирилмаган ваadolatсиз чиқарилган ҳукм, ажрим ва қарорлар устидан шикоят бериш ёки протест келтириш имконияти кенгайтирилган. Яъни, жиноят иши натижасидан манфаатдор бўлган иштирокчилар нафакат қонуний кучга кирмаган ҳукм, ажрим ва қарорлар устидан, балки қонуний кучга кирган ҳукм, ажрим ва қарорлар устидан ҳам шикоят қилиш ёки протест келтиришга ҳақли бўлдилар;

2) шикоят бериш ёки протест келтириш муддати кенгайтирилди. Яъни жиноят иши натижасидан манфаатдор бўлган иштирокчилар кассация тартибида бир йил давомида ўзларини бузилган ҳақ-хуқуқларини тиклаш имкониятига эга бўлдилар.

Хорижий давлатларнинг ЖПК билан танишиш натижасида шундай хулосага келдикки, бирор бир ҳукм, ажрим ва қарорларнинг қонунийлиги, асослилиги ваadolatлилигини текшириш босқичи бу қадар оддий ва мукаммал ишланмаган. Шу ўринда қонун ижодкорлари ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан муҳим бўлган масалани тўғри ҳал этганликларини эътироф этиш зарур.

Айрим давлатларда, чунончи Россия Федерацияси Конституциясининг 50-моддасининг 3-қисмида «Жиноят учун ҳукм қилинган ҳар бир киши ўз ҳукмининг юқори босқичидаги судлар томонидан қайта кўриб чиқилишини талаб қилиш ҳуқуқига эга»лиги таъкидланган. Шундай экан, Ўзбекистон Республикаси ЖПКда суд қарорларининг қонунийлиги, асослилиги ваadolatлилигини текшириш мустақил босқич сифатида эътироф этилиб, ваколатини кенгайтирилганлиги унинг зарурлиги ва муҳимлигидан далолатдир.

## **9.2. Ҳукм, ажрим ва қарорларнинг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини текширишнинг ҳуқуқий табиати**

Жиноят иши бўйича биринчи инстанция суди томонидан ҳукмнинг қабул қилиниши масалани узил-кесил ҳал бўлди, деб айтиш учун асос бўла олмайди. Ҳукмнинг қонуний, асосли ва адолатли эканлигига процесс иштирокчилари томонидан туғилган ҳар қандай шубҳа ва шунга кўра берилган шикоят уни қайтадан юқори инстанция суди томонидан текширишга, асослар бўлганида эса ҳукмни бекор бўлишига олиб келиши мумкин. Суд назоратини амалга оширишнинг бу босқичида назарда тутилган асосий масала янги шароитда процесс иштирокчиларининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини конституциявий кафолат сифатида ҳимоя қилишдан иборат. Жиноят процессининг апелляция, кассация ва назорат инстанцияларининг фаолиятларини айнан шу ваколат бирлаштиради. Суд назоратини амалга оширувчи юқори инстанция судларининг мақсад ва вазифалари шу масалада ягоналиги билан тавсифланади.

Апелляция, кассация ва назорат инстанцияларида иш юритиш илмий доирада ўрганилган<sup>155</sup>, лекин мукаммал равища эмас. Зоро, бу инстанцияларнинг моҳияти ва мазмуни суд назорати ваколати билан боғланмас экан, унинг асл мақсадини баён қилиб бўлмайди. Шунга кўра:

1) апелляция, кассация ва назорат инстанциялари шунингдек, янги очилган ҳолатлар муносабати билан иш юритишни қайтадан бошлиш суд назоратини амалга оширишнинг мустақил шакллари ҳисобланади; 2) бу инстанциялар моҳияти, мақсад ва вазифаларига кўра ягона бўлиб, суд муҳокамаси иштирокчиларининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун улар томонидан берилган шикоятга асосан суд қарорларини қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини текширади ҳамда бузилган ҳақ-ҳуқуқларини тиклади; 3) Апелляция, кассация ва назорат инстанция судлари ҳам биринчи инстанция судига ўхшаб, суд қарорларини текшириш билан тарафлар ўртасида юзага келган келишмовчиликни мазмунан ҳал қиласди, чунки келишмовчилик албатта шахснинг айборлик даражаси ҳамда унинг қилмиши учун белгиланган жазо микдори билан боғлиқ бўлади; 4) апелляция, кассация ва назорат инстанциялари учун қуий суд қарорларини текшириш асослари, тартиби, умумий шартлари ва чегараси бир хил.

Бу тўғрида ҳам олимларнинг фикр ва мулоҳазалари мавжуд.<sup>156</sup>

<sup>155</sup> Тўхташева У.А. Аппеляционное производство в уголовном процессе Республики Узбекистан. Самарканд. 2003. - 142 б.; Вобедкин А.В. Аппеляционное производство в уголовном процессе России // Ж. Государство и право. -2001. -№3. -Б. 46-50; Перлов И.Д. Надзорное производство в уголовном процессе. -М.: Юрид. лит. 1997. -Б. 174.

<sup>156</sup> Адаменко В.Д., Береговой И.Е. Судебный надзор основания отмены, изменения приговора. -Ак-Кем. Барнаул: 1995. -201 б.; Воскобитова Л.А. Существенные нарушения уголовно-процессуального закона как основание к отмене приговоров. Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. - М.: 1979. -25 б.; Москвитина Т.А. Существенные нарушения уголовно-процессуального закона и средства их выявления, устранения и предупреждения в уголовном процессе. Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. -Казань: 1997. -22 б.; Богословская Л.А. Основания к отмене или изменению приговоров. Учебное пособие. Харьков. 1981. -54.б; Ковтун Н.Н. Судебный контроль в уголовном судопроизводстве России: понятие, сущность формы. -Нижний Новгород: 2002. -474 б.; Муратова

Шикоят беришнинг хусусийлиги, лекин жиноят ишини текширишнинг умумийлиги, шикоят беришнинг эркинлиги, шикоят мазмуни ва тузилишига ҳеч қандай талаб қўйилмаганлиги, юқори суднинг тақдим этилган ва талаб этиб олинган материаллар асосида текшириши, юқори судда ишни кўриш чегараси, муддатлари белгиланганлиги, юқори суд қонунда белгиланган ваколат доирасида ҳаракат қилиши лозимлиги, жазони кучайтиришга ва оғирроқ жиноятга доир қонун моддаларини қўлланишга йўл қўйилмаслиги ва юқори суд кўрсатмаларининг мажбурийлиги бу босқичда суд назоратининг аллақачон бир маромга тушганлигидан ва етарли даражада тажрибага эга эканлигидан далолат. Лекин айрим масалаларда эътиroz ҳам йўқ эмас. Биринчидан, апелляция инстанциясида иш юритишни такомиллаштириш ва халқаро талабларга мослаштириш керак. Бунинг учун уни ваколатини кенгайтириш лозим. ЖПКнинг 490-моддасида апелляция инстанцияси суди, агар биринчи инстанция суди томонидан йўл қўйилган камчиликларни тўлдириш ва процессуал ҳукуқбузарликларни бартараф этиш имконияти бўлса, тўлиқ ёки қисман суд терговини ўтказиш ва ҳукмга ўтгартиришлар киритишига ҳақли эканлиги белгиланган. Назаримизда, бу масалани янада кенгайтириб, апелляция инстанцияси судига айблов ҳукмини чиқариш ваколатини бериш лозим, ЖПКнинг 497<sup>13</sup>-моддаси 1-қисми 2 бандида апелляция инстанция суди «биринчи инстанция судининг айблов ҳукмини бекор қилиш ва оқлов ҳукмини чиқаришига ҳақли» эканлиги баён қилинган. Лекин, амалиётни ўрганиш натижалари шуни кўрсатадики, бу норма қабул қилинганидан бери апелляция суди ҳеч бир шахсга оқлов ҳукми чиқарган эмас, жиноят ишини тугатиш ҳолатлари бор холос. Лекин, жиноят ишини суд муҳокамасига қайтариш ҳар икки ҳолатда учрайди. 2001-2006 йиллар давомида апелляция инстанцияси суди фаолиятини ўрганиб шунга амин бўлдикки, 80 % жиноят ишлари суд муҳокамасига янгитдан кўриш учун қайтарилади. Шунинг учун ҳам 497<sup>13</sup>-модданинг “6) биринчи инстанция судининг ҳукмини ёки ажримини бекор қилиш ва ишни янгитдан судда кўриш учун юборишига ҳақли” деб белгиланган банди “биринчи инстанция судининг ҳукмини ёки ажримини бекор қилиш ва ҳукм чиқаришига ҳақли” деб ўзгартирилиши керак.

Сабаби: а) апелляция судининг мажлиси (ЖПКнинг 497<sup>10</sup>, 497<sup>11</sup>, 497<sup>12</sup>, 497<sup>13</sup>, 497<sup>14</sup>-моддалари) биринчи инстанция судининг мажлисидан деярли фарқ қилмайди; б) апелляция инстанция судининг таркиби биринчи инстанция суди таркибидан юқорироқ касбий мавқега эга. Биринчи инстанция суди якка тартибда иш кўрувчи судья, судья ва икки халқ маслаҳатчиларидан иборат таркибда ишни музмунан кўрса, апелляция инстанция суди учта профессионал судьядан иборат таркибда кўради. Назаримизда, бундай тоифадаги ишларга суд муҳокамасига қайтариладиган жиноят ишларини киритиши лозим. ЖПКнинг 490-моддасини бешинчи бандида бу таклифнинг айрим элементлари мавжуд, чунончи маҳкумни ўта

---

Н.Г. Система судебного контроля в уголовном судопроизводстве; вопросы законодательного регулирования и практики. –Казань: 2004. – 456 б.

хавфли рецедивист деб топиш, жазони ижро этиш колонниясининг қаттиқроқ турини белгилаш ёки жиноят оқибатида етказилган заарни қоплаш миқдорини кўпайтириш шулар жумласидандир. Агар ишни дастлабки терговга қайтариш зарур бўлса, бу албатта жиддий камчилик устида сўз боришидан далолат, лекин суд муҳокамасига фақат хукм чиқариш учун жиноят иши юбориладиган бўлса, апелляция судининг ўзи хукм чиқариши керак. Бунда биринчидан, вақт, моддий харажат тежалади. Иккинчидан, бузилган ҳуқуқ сансалорликсиз ўз вақтида тикланади. Учинчидан эса, бундай ҳукм устидан кассация тартибида шикоят қилиш учун барча шароит мавжуд бўлади. Бунинг учун ЖПКнинг апелляция ва кассация инстанцияларида иш юритиш белгиланган моддаларига ўзгартириш киритилиши зарур.

Шунингдек, ЖПКнинг 498-моддасига 2004 йил 27 августда киритилган ўзгартириш тўғрисида тўхталиб ўтмоқчимиз. Қонунга аниқ мақсадсиз, шунчаки ўзгартириш киритиш нафақат уни мазмунини бузади, балки амалиётда қийинчилик ва тушунмовчиликни юзага келишига олиб келади, зеро республикада жиноят судлов ишларини юритиш фақат ушбу қонунга асосан амалга оширилади. ЖПКнинг 498-моддасига қайтсан, бу моддада ҳукм ва ажрим устидан кассация тартибида шикоят бериш ва протест билдириш ҳуқуқига эга бўлган шахслар рўйхати берилган. Бу моддадан қандай асос ва мақсадга кўра суд органлари протест келтириш ҳуқуқига эга бўлган субъектлар тизимидан чиқариб ташланганлиги тушунарсиз ҳолдир, чунки бу тартиб:

1) Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 110-моддасида белгиланган юқори суд қўйи суднинг фаолияти устидан назорат олиб бориши зарурлиги тўғрисидаги талабга мутлақо жавоб бермайди;

2) нима сабабдан суднинг хатосини фақат прокурор тушунади, билади ва протест келтира олади деган тушунча мавжуд. Бу ваколат биринчи навбатда судларга тегишли эмасми? Қолаверса, йўл қўйилган хато ва камчиликларни бартараф қилишдан суд кўпроқ манфаатдордир.

Шундай экан, ЖПКнинг 498-моддасининг биринчи бандига ЖПКнинг 511-моддасидаги назорат тартибида протест билдириш ҳуқуқига эга бўлган шахслар тизими татбиқ этилиши керак. Буларга: 1) Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раиси унинг ўринбосари ҳар қандай суднинг ҳукмлари ва ажримлари устидан; 2) Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий суднинг раиси, жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар суднинг раислари, туман (шаҳар) судларининг ҳукмлари ва ажримлари устидан; 3) Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг раиси, округ ва худудий ҳарбий судларининг ҳукмлари ва ажримлари устидан протест келтиришга нафақат ҳақли балки, йўл қўйилган хато ва камчиликларни ўз вақтида бартараф қилишга мажбур бўлишлари керак.

Хулоса қилиб шуни айтиш жоизки, ҳукм, ажрим ва қарорларни қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини текшириш институти юқори инстанция судлари томонидан суд назоратини амалга оширишнинг ёрқин намунасидир. Биринчидан, амалга ошириладиган фаолиятнинг асосий қисмини, яъни бош йўналишини айнан текшириш ташкил қиласи.

Иккинчидан, бу текшириш тарафларнинг эркига боғлиқ, яъни шикоят ёки протест берилмаса, бу фаолиятни бошлаш имконияти йўқ.

Апелляция, кассация ва назорат инстанцияларини суд назоратини амалга оширувчи текшириш турларига киритилар экан, улар қуйидаги хусусиятларига кўра бир мақсадга хизмат қиласди, яъни:

1) вазифаси ва процессуал шакли бир хил, барча текшириш ваколатини юқори инстанция судлари бажаради. Юқори суднинг таркиби учта судьядан кам эмас. Текшириш давомида ички ишонч ҳосил қилиш учун тўлиқ ёки қисман суд тергови ўтказилади; 2) иш юритиш предмети ва чегараси ягона, яъни апелляция, кассация ва назорат инстанцияларида ҳукм, ажрим ва қарорларнинг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилиги текширилади (ЖПКнинг 478-моддаси). Юқори судда жиноят ишини қўриш чегарасини мавжуд материаллар ва тақдим этилган ёки суд томонидан талаб қилиб олинган материаллар ташкил этади (ЖПКнинг 482-моддаси); 3) апелляция, кассация ва назорат инстанцияларининг ҳукм, ажрим ва қарорларнинг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини текшириш шакли, тузилиши, иш юритиш механизми ва мазмuni деярли бир хил. Шикоятларни қабул қилиш, шикоятга қўйилган талаблар, протест келтириш мажбурияти, иш қўриш тартиби, юзага келган келишмовчиликларни бартараф қилиш ва чиқариладиган қарорларнинг мазмуни шулар жумласидандир; 4) ҳукмни бекор қилиш ёки ўзгартириш асосларининг ягоналиги ҳам уларнинг ўзига ҳос хусусиятидир. Лекин, кези келганда шуни таъкидлаш жоизки, текшириш босқичи чуқурлашиб борган сари унинг иш қўриш предмети кенгайиб боради. Айтмоқчимизки, назорат инстанцияси нафақат дастлабки тергов фаолияти, биринчи инстанция судининг ҳукми, балки апелляция ва кассация судининг ажримларини ҳам текширади.

Ҳукм, ажрим ва қарорларнинг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини текшириш босқичида жазони кучайтириш ёки оғирроқ жиноятга доир қонун моддаларини қўлланилишига йўл қўйилмайди, лекин асослар мавжуд бўлганда ҳукмни бекор қилиши ёки ўзгартириши мумкин. Шуни таъкидлаш жоизки, суд назорати дастлабки терговда ва жиноят иши материалларини судга тайёрлаш босқичларида одил судловни таъминлашга хизмат қилган бўлса, ҳукм, ажрим ва қарорларнинг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини текшириш босқичида дастлабки тергов ва одил судлов томонидан йўл қўйилган хато ва камчиликларни аниқлаш ҳамда бартараф қилишга хизмат қиласди. Бу жихатдан суд назоратининг нақадар муҳимлиги ва зарурлигини эътироф этмасдан иложимиз йўқ.

Бу масала қўп ҳолатларда олимлар назаридан четда қолиб келди. Ваҳоланки, амалиётни умумлаштирган статистика маълумотларига эътибор қаратсак, бу масаланинг нақадар муҳимлигининг шоҳиди бўламиз. Шунинг учун ҳам, кейинги боблар суд назоратининг долзарб муаммоларидан бўлган ҳукмни бекор қилиш ёки ўзгартириш учун асосларга бағишлиланади.

### **9.3. Ҳукм, ажрим ва қарорларнинг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини текширишнинг умумий шартлари**

Ҳукм, ажрим ва қарорларнинг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини текширишнинг умумий шартлари ўз ичига апелляция, кассация ва назорат инстанцияларига бирдай таалукли бўлган барча умумий жиҳатларни бирлаштиради. Буларга қуйидагилар киради:

- 1) юқори суд томонидан жиноят ишини қўришда прокурорнинг иштирок этиши;
- 2) юқори суд томонидан жиноят ишини қўриш чоғида қўшимча материалларни тақдим этиш ёки талаб қилиб олиш;
- 3) жиноят ишини юқори суд томонидан қўришда қатъий чегаранинг мавжудлиги;
- 4) юқори судда жиноят ишини қўриш муддатини белгиланганлиги;
- 5) ҳукмни бекор қилиш ёки ўзгартириш учун асослар;
- 6) апелляция, кассация ва назорат тартибида иш қўрувчи судларнинг ваколатлари;
- 7) Юқори судларнинг жазони кучайтиришга ва оғирроқ жиноятга доир қонун моддаларини қўллашга йўл қўйилмаслиги;
- 8) Юқори суд қўрсатмаларининг мажбурийлиги.

Ушбу умумий шартларнинг асосий мақсади ҳукм, ажрим, қарорларнинг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини текшириш чоғида суд хатоларини бартараф этиш орқали одил судлов самарадорлигини ошириш ва ўз вақтида процесс иштирокчиларининг бузилган ҳақ-ҳукуқларни тиклашдан иборат. Бу эса сифатли тузилган суд қарорларини ўз вақтида ижрога қаратилишига замин ҳозирлайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2001 йил 1 июндаги «Жиноят ишларини апелляция, кассация ва назорат тартибида қўриш амалиёти ҳақида»ги қарорида «Жиноят ишларини апелляция, кассация ва назорат тартибида қўриш, суд қарорларининг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини юқори босқич судлари томонидан текшириш турлари бўлиб, йўл қўйилган суд ҳатоларини бартараф этишга қаратилгандир» дейилган<sup>157</sup>.

Демак, Ўзбекистон Республикасида суд ҳукми, ажрими ва қарорларининг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини апелляция<sup>158</sup>, кассация ва назорат тартибида текширилади.

Қуйидаги жиноят процессининг иштирокчилари апелляция, кассация ва назорат тартибида шикоят билдирадилар ва протест келтирадилар:

1. Ишни апелляция тартибида қўриш учун маҳкум, унинг ҳимоячиси, қонуний вакили шунингдек, жабрланувчи, унинг вакили, суднинг қонуний кучга кирмаган ҳукми устидан шикоят беришга, прокурор ва унинг ўринбосари эса, протест билдиришга ҳақлидир (ЖПКнинг 497<sup>2</sup>-моддаси 1-банди).

<sup>157</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қарорлари тўплами. 1999-2005 йй. –Т.: 2005. -Б. 84

<sup>158</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 2001. 1-2 сон 11-модда.

Фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакиллари ҳукмнинг фуқаровий даъвога дахлдор қисми устидан шикоят беришга, судда оқланган шахс, унинг ҳимоячиси ва қонуний вакили ҳукмнинг оқлаш сабаблари ва асосларига доир қисми устидан шикоят беришга ҳақлидир.

Шу ерда қонуннинг айрим номувофиқлиги бор. Масалан, ЖПКнинг 497(2)-моддаси тўртинчи бандида шу модданинг биринчи, иккинчи ва учинчи қисмларида санаб ўтилган яъни «маҳкум, унинг ҳимоячиси, қонуний вакили, шунингдек жабрланувчи, унинг вакили, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар уларнинг вакиллари, судда оқланган шахс, унинг ҳимоячиси, ва қонуний вакили апелляция судининг ажрими устидан назорат тартибида шикоят бериши, прокурор ва унинг ўринбосари протест билдиришга ҳақли» эканлиги баён қилинган.

1. Қонунда белгиланганидек, ЖПКнинг 511-моддасида юқорида санаб ўтилган шикоят бериш субъектларининг ҳеч бири тўғридан-тўғри назорат тартибида шикоят бериш билан ишни қўзғата олмайди. Сабаби, назорат инстанцияси икки босқичга бўлинади. Даастлаб бу иштирокчилар шикоятлари билан прокурорга мурожаат этишлари керак. Агар прокурор назорат тартибида ишни қўзғатиш учун асос бор деб ҳисобласа, иш қўзғатиш ваколатига эга бўлган прокурорга фикрнома билан мурожаат қиласи. Фақат назорат тартибида иш қўзғатиш хуқуқига эга бўлган прокурорнинг протести билангина назорат тартибида иш қўзғатилади.

2. ЖПКнинг 498-моддасидаги ҳукм ва ажрим устидан кассация тартибида шикоят бериш ва протест билдириш хуқуқига эга бўлган шахслар туркумига ЖПКнинг 511-моддасидаги иштирокчилар тўлалигича киритилиши керак, яъни Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раиси, ўринбосари, Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий судининг раиси, жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг раислари шулар жумласидандир.

3. ЖПКнинг 511-моддасига кўра чиқарилган ҳукм ва ажрим (қарор)ни назорат тартибида кўриб чиқишига улар фақат апелляция ёки кассация тартибида кўриб чиқилганидан кейин қонунда протест билдириш хуқуки берилган суд раиси, прокурор ёки уларнинг ўринбосарлари протест билдиргандагина йўл қўйилади. Қуйидагилар протест билдиришга ҳақли:

1) Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раиси барча инстанция судларининг ҳукмлари ва ажримлари (қарорлари) устидан Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг ўринбосарлари, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, унинг ўринбосарлари – Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорларидан ташқари, ҳар қандай суднинг ҳукмлари ва ажрим (қарор)лари устидан;

2) Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий судининг раиси, жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг раислари, Қорақалпоғистон Республикаси прокурори, вилоятлар ва Тошкент шаҳар прокурорлари ҳамда уларга тенгглаштирилган прокурорлар – жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судьяларининг ҳукмлари ва ажримлари устидан; ишни апелляция ёки кассация тартибида кўрган

тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий суди, жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари судлов ҳайъатларининг ажримлари устидан. Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий суди, жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари томонидан биринчи инстанция бўйича апелляция ва кассация ажримлари бундан мустасно;

3) Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг раиси, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурори – округ ва худудий ҳарбий судларнинг ҳукмлари ва ажримлари устидан, ишни апелляция ёки кассация тартибида кўрган Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг ажримлари устидан Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди томонидан биринчи инстанция бўйича кўрилган ишлар бўйича апелляция ва кассация ажримлари бундан мустасно (ЖПКнинг 511-моддаси).

4) янги очилган ҳолатлар туфайли иш юритишни қўзғатиш ҳукуқига фақат прокурор эга.

Фуқароларнинг мурожаатлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар мансабдор шахсларнинг, жамоат бирлашмаларининг хабарлари, оммавий ахборот воситаларининг маълумотлари, шунингдек бошқа жиноят ишлари бўйича бевосита тергов юритиш ёки судда кўриб чиқиш жараёнида олинган маълумотлар янги очилган ҳолатлар туфайли иш юритишни қўзғатишга сабаб бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Жиноятни апелляция, кассация ва назорат тартибида кўриш амалиёти ҳақида»ги қарорига кўра «Суд қарорлари устидан белгиланган тартибида шикоят бериш ёки протест билдиришга шунингдек, суд қарорларини назорат тартибида қайта кўриб чиқиши илтимос қилишга ҳақли бўлган процесс иштирокчилари ва шахслар қатъий белгиланган бўлиб, бундай шахслар доирасини кенгайтириб талқин қилишга йўл қўйилмайди»<sup>159</sup>.

Юқори босқич судлари, қуи судлар томонидан ишларни апелляция, кассация ва назорат тартибида кўриш учун расмийлаштиришда қуйидаги талабларнинг бажарилганлигини текширишлари шарт:

- тарафларга ҳукмнинг мазмунни, ҳукм устидан улар истаги бўйича апелляция ва кассация тартибида шикоят бериш муддати ва тартибининг тушунтирилганлигини;
- тушган шикоят ёки протест кимнинг манфаатларига таллуқли бўлса, уларга бу ҳақда маълум қилинганлигини;
- суд қарорларининг нусхалари судланган (маҳкум)га, жабрланувчига, оқланган шахсга топширилганлигини;
- улар ва бошқа манфаатдор шахслар шикоят ёки протест билан, шу жумладан, қўшимча тақдим этилган ҳужжатлар билан танишганлигини ва ўз эътирозларини билдирилганлигини;
- апелляция ёки кассация шикояти берган шахс, шунингдек, шикоят ёки

<sup>159</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қарорлари тўплами. 1999-2005 йй. –Т.: 2005. -Б. 84

протест кимнинг манфаатларига тааллуқли бўлса, шу процесс иштирокчилари ишнинг кўрилиш вақти ва жойи ҳақида тегишли тартибда хабардор қилингандигини;

- судланган (маҳкум), оқланган шахс, уларнинг ҳимоячилари ва қонуний вакиллари, жабрланувчи, фуқаровий дъзвогар, фуқаровий жавобгар ҳамда уларнинг вакиллари ишнинг юқори инстанция судида кўрилишида иштирок этишлари мумкинлиги тўғрисидаги қонун талабларининг бажарилгандигини ва ҳ.к.

Хукм, ажрим ва қарорларни қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини текширишнинг умумий шартларига тўхталиб ўтадиган бўлсак:

1. Жиноят ишини апелляция, кассация ёки назорат тартибida кўрилишида прокурор иштирок этиши шарт. Ишнинг кўрилишида:

а) Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий суди, жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди ҳайъатларида – тегишинча Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар прокурорлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурори томонидан ваколат берилган прокурор;

б) Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий суди, жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди раёсатларида – тегишинча Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ёки унинг ўринбосарлари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар прокурорлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурорлари;

в) Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумида - Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори қатнашади.

Ҳақиқатдан ҳам ҳукм, ажрим ва қарорларни қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини текширишда прокурорнинг иштироки муҳим. Лекин, кези келганда, бу иштирок суд назорати фаолиятига аралашувга ўхшайди дейишга мажбурмиз. Масалан, ЖПКнинг 480-моддасида ва Ўзбекистон Республикаси «Прокуратура тўғрисида»ги қонуннинг 33-моддасида жиноят ишини биринчи инстанция судида ва юқори суд томонидан кўрилишида прокурорнинг иштироки белгиланган. Лекин, бу оддий иштирок эмас. Прокурор суднинг қонуний кучга кирмаган (ЖПКнинг 497<sup>2</sup>-моддаси), қонуний кучга кирган (ЖПКнинг 498, 511-моддалари) ҳукм, ажрим ва қарорлари устидан апелляция, кассация ва назорат тартибida протест келтиради. Аммо, бу тартибга қаршилар ҳам бор. Назаримизда инсон тақдири хеч кимни айникса, қонун устуворлигини таъминлашга масъул бўлган прокурорларни бефарқ қолдирмаслиги керак. Қолаверса, Ўзбекистон Республикаси ЖПКда ва Ўзбекистон Республикаси «Прокуратура тўғрисида»ги қонунда прокурор ўз ваколатлари доирасида суднинг ҳукми, ажрими ва қарорига протест келтиришга ҳақли деб белгиланган.

Лекин, ЖПКнинг 512-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси

«Прокуратура тўғрисида»ги қонуннинг 34-моддасининг 1 банди билан келишиб бўлмайди. Бу моддада «Суднинг ҳукми, ажрими ва қарорлари қонуний кучга кирган ҳар қандай ишни прокурор (Қорақолпоғистон Республикаси прокурори, вилоят ва туман прокурорлари) ўз ваколатлари доирасида суддан талаб қилиб олиш ҳуқуқига эгадир. Прокурор ёки унинг топшириғига биноан прокуратура органларининг бошқа ходимлари судлардан бундай ишларнинг ҳар қандай тоифасини ўрганиб чиқиш ҳуқуқига эга» деган фикр мавжуд. Биринчидан, бу ваколатни факат суд назоратини амалга оширувчи юқори инстанция судлари бажариши мумкин ва шарт. Иккинчидан, прокурорга уч ойлик (бир йилгача) жиноят иши материалига раҳбарлик қилиш ва назорат олиб бориш учун имконият берилган (ЖПКнинг 382-388-моддалари). Қанча муддат жиноят ишини ўрганиш учун керак бўлса, бу вақт етарли бўлган. Қолаверса, жиноят ишида хато ва камчиликлар йўқ деб, имзо ҳам чекиб берганлар (ЖПКнинг 384-моддаси). Учинчидан, қонуннинг бу вазифасини «Прокурор ёки унинг топшириғига биноан прокуратура органларининг бошқа ходимлари» ҳам бажариши мумкинлиги мутлақо ўринсиз. Тўртинчидан, барча суд инстанцияларида прокурор иштирок этади, айбловни қўллайди, фикр беради. Биринчи инстанция судининг ҳукмини, апелляция ва кассация инстанциясининг ажрими ва назорат инстанциясининг қарорларидан ҳам нусха олади. Ана шу муҳим хужжатларга муносабатини билдиришининг ўзи кифоя. Прокурор ўз фикрини билдириш учун жиноят ишини истаган вақтда суддан талаб қилиб олиши шарт эмас, очиғи ҳақли бўлиши мумкин эмас, чунки прокурор жиноят процессининг оддий иштирокчиси, суд назорати фаолиятига кирувчи ваколатни прокурорга юклаш Конституцияга (Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 110-моддаси) ва жиноят процессуал қонунчилигига зиддир.

Фикримизча, жиноят процессида суд назорати тобора кучайиб бораётган ислоҳотлар даврида ЖПКнинг 511-моддаси 2-бандига, 512- моддасининг 2-бандига ўзгартириш киритиш керак. Ўзбекистон Республикаси «Прокуратура тўғрисида»ги қонунга ҳам ўзгартириш киритиб, унинг 34-моддаси биринчи бандини олиб ташлаб, фақат иккинчи банди яъни, «Айблов хулосасини, тиббий йусиндаги мажбурлов чораларини қўллаш тўғрисидаги қарорни тасдиқлаган прокурор ёки юқори турувчи прокурор жиноят ишини судда кўриш учун тайинлагунига қадар ишни суддан чақириб олиш ҳуқуқига эга» деган қисмини қолдириш мумкин. Фақат суд жиноят ишини судда кўриш учун тайинлаш тўғрисида қарор чиқармаган бўлса, агар бундай қарор чиқарилган бўлса прокурор, бундай ваколатга эга бўлмайди. Бу тартиб биринчи инстанция ва юқори инстанция судларига ҳам сўзсиз тадбиқ этилиши шарт.

Ҳукм, ажрим ва қарорларнинг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини текширишнинг умумий шартларидан яна бири, ҳукм, ажрим ва қарорлар устидан шикоят билдириш эркинлигидир. Юқори инстанция судларида иш кўришнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Айрим хусусиятлар, масалан, шикоят бериш эркинлигининг мавжудлиги, апелляция,

кассация инстанцияси суди билан назорат инстанцияси судини бир-биридан ажратиб ҳам туради.

Хуқуқ ва манфаатлари ҳимояси ҳукмда баён қилинадиган қарорлар билан боғлиқ бўлган барча субъектларга, чунончи маҳкум, унинг ҳимоячиси, қонуний вакили, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг қонуний вакилларига апелляция ва кассация тартибида шикоят билдириш ҳуқуқи берилган.

Бу иштирокчилар ўзларининг ҳуқуклари ва қонуний манфаатларини камситадиган, қонуннинг қўлланилиши ва ишнинг фактик ҳолатларини аниқланишига дахлдор ҳар қандай бузилиш устидан шикоят билдириш ҳуқуқига эгалар.

Шикоят бериш эркинлигига қўйидагиларни киритиш мумкин:

1. Апелляция ва кассация шикоятини ҳукм чиқарган судга ёки бевосита апелляция ва кассация инстанцияси судига берилиши;

2. Шикоятнинг мазмуни ва шаклиги нисбатан қатъий талаблар қўйилмаганлиги, ҳатто шикоятда ҳукмларнинг ноқонунийлиги ва асоссизлиги хусусида далилларнинг бўлмаслиги шикоятни рад қилиш учун асос бўла олмайди, бундай ҳолда албатта унинг инкор этилиши эҳтимоли юқори бўлади. Ҳимоячининг касбий бурчини ва ЖПКнинг 53-моддасига кўра қонунда кўрсатилган барча ҳимоя воситалари ва усувларини қўлланишга доир вазифасини назарда тутган ҳолда унинг шикоятига бирмунча қатъйроқ талаблар қўйилади. Бироқ, ҳимоячининг шикоятида кўрсатилган камчиликлар унинг ҳимоясидаги шахс учун нохуш оқибатларга олиб келмаслиги керак;

3. Биринчи босқич судининг апелляция, кассация шикояти ёки протестини юқори босқич судига юбориш ва ушбу суднинг ишни қонунда белгилаган муддатда кўриб чиқишига доир мажбурияти билан белгиланади.

Юқори судда жиноят ишини кўриш чегараси (482-модда) жиноят процессининг текшириш босқичида қўлланилиши шарт бўлган ҳолатлар тизимида киради. Иш апелляция, кассация ва назорат тартибида текширилганда тафтиш (ревизион) асосда олиб борилиши ҳам умумий шартлардан бири ҳисобланади.

Бу тушунча ҳар бир жиноят иши юқори босқич судлари томонидан тўлиқ ҳажмда текширилиши шартлигидан иборат. Бунда икки масала назарда тутилади, яъни юқори инстанция суди шикоят ёки протестда келтирилган важлар билан чекланиб қолмаслиги, иккинчидан шикоят бермаган ҳамда устидан шикоят ёки протест билдирилмаган маҳкумларга нисбатан ҳам ишни тўла ҳажмда текширилиши масаласидир.

Суд жиноят ишини апелляция, кассация ёки назорат тартибида кўришда ҳукм, ажрим ва қарорларнинг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини ишда мавжуд бўлган ҳамда процесс иштирокчилари томонидан тақдим этилган ёки суднинг ўзи талаб қилиб олган материаллар асосида текширади. Янги очилган ҳолат бўйича ишни янгидан кўришда бу ҳолатларни исбот қилиш мақсадида ўтказиладиган тергов материаллари асос қилиб олинади.

Буни юқори судда жиноят ишини кўриш чегараси ҳам дейилади.

Масалан, агар маҳкум ўз шикоятида фақат жазо чорасининг енгиллаштирилишини илтимос килса, юкори инстанция суди шу билан бирга ишни ўрганишда ва ҳал қилинишида маҳкум (айбланувчи)нинг ҳуқуқлари бузилган-бузилмаганлигини, унинг ҳаракатлари тўғри квалификация қилингандигини, суднинг хулосалари ҳукмда аниқланган деб эътироф қилинган ҳолатларга мувофиқ келишини, ишнинг барча муҳим ҳолатларининг тадқиқ этилганлигини ҳам текшириши шарт. Ишни қўриб чиқишидаги тафтиш йўл қўйилган барча қонун бузилишлар ва ҳолатларни аниқлашга ёрдам беради. Фақат ана шундай шароитдагина ишларни апелляция, кассация ва назорат тартибида юритилиши шахснинг ҳуқуқ ва манфаатларини, ҳукмларнинг қонуний, асосли, адолатли бўлишини таъминлашга кўмаклашади.

Юкори инстанция судига янги материалларни тақдим этилиши ёки суд томонидан талаб қилиб олиниши, шикоят ёки протест баён қилинган важларнинг тасдиқланиши учун зарур.

ЖПКнинг 497<sup>2</sup>-моддасида кўрсатилганидек, маҳкум, унинг ҳимоячиси, қонуний вакили шунингдек жабрланувчи, унинг вакили ва қонуний вакили, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар, судда оқланган шахс, унинг ҳимоячиси ва қонуний вакили апелляция, кассация ва назорат инстанцияси томонидан ишнинг қўриб чиқилишига қадар ва ишни қўриб чиқиш вақтида, прокурор хулоса бергунига қадар янги (кўшимча) материалларни тақдим этишга ҳақлидирлар. Ишни тафтиш ўtkазиш тартибида текшириш жараёнида янги материаллар апелляция, кассация ва назорат инстанцияси суди томонидан талаб қилиб олиниши ҳам мумкин.

Янги материалларни тақдим этилиши ишда текшириш асосларининг мавжудлиги ёки мавжуд эмаслигининг қўшимча исботидир. Янги (кўшимча) материалларни тақдим этишдан мақсад – апелляция, кассация ва назорат шикоятидаги ёки протестидаги важларни исботлаш, шунингдек, бошқа субъект берган шикоятдаги ёки протестдаги важларни инкор қилишдан иборат. Янги (кўшимча) материалларни юкори инстанция суди ўз ташаббусига кўра ёки шикоят бериш ҳуқуқига эга бўлган шахсларнинг илтимосномаларига кўра талаб қилиб олиши мумкин.

Қўшимча материалларга ёзма материаллар, буюмлар, ҳужжатлар киради. Кўпинча маълумотномалар, тавсифномалар, касаллик варақалари, омонатлардаги шахсий ҳисоб варақалари, шахснинг ишдаги ҳолатлари ҳақидаги аризалар, мутахассисларнинг фикрлари, экспертизага тегишли масалалар бўйича ёзма хулосалар бўлиши мумкин. Олиниш манбаи ва шаклига кўра тегишлилик хусусиятига эга бўлган материаллар янги материаллар ҳисобланади. Масалан, шахсларнинг ўзларига маълум ҳолатлар ҳақидаги ёзма хулосалари, мутахассисларнинг махсус билимлар соҳасига доир масалалар бўйича фикрлари ҳам шундай материаллар ҳисобланади. Бироқ улар тергов йўли билан олинмайди. Тергов ҳаракатлари ўтказиш орқали олинадиган ҳужжатлар (сўроқ қилишлар, тинтуб баённомалари, эксперт хулосаси) янги материаллар ҳисобланмайди, чунки бундай ҳаракатлар тугалланган дастлабки тергов, суриштирув, суд терговида

ўтказилган бўлади.

Янги материалларнинг процессуал аҳамияти юқори инстанция суди томонидан уларни текшириш ва ишда мавжуд бўлган далиллар билан бирга баҳолаш натижалари бўйича белгиланади.

Хукм фақат судда кўриб чиқилган далилларга асосланганлиги сабабли янги материаллар ҳукмни ўзгартириш, бекор қилиш ёки ишнинг тутатилиши учун асос бўла олмайди (фавқулодда ҳоллар бундан мустасно, масалан, маҳкумнинг вафот қилганлиги фактининг расмий равишда тасдиқланиши).

Янги материаллар ҳукмни бекор қилиш ёки бекор килмаслик, шунингдек, ишни янгидан кўриб чиқишга бериш ёки бермасликни ҳал қилишга ёрдам бериши мумкин.

Юқори инстанция судларида ҳукм, ажрим ва қарорларни текширишнинг умумий шартлари тизимида жазони кучайтиришга ва оғирроқ жиноятга доир қонун моддаларини қўлланишга йўл қўйилмаслиги ўзига хос хусусиятга эга (494-модда). Суд жиноят ишини апелляция, кассация ва назорат тартибида кўриш давомида жазони кучайтиришга, шунингдек оғирроқ жиноятга доир қонун моддаларини қўллашга ҳақли эмас.

Бу маҳкумни, оқланган шахс, унинг ҳимоячиси қонуний вакили томонидан апелляция, кассация ва назорат тартибида шикоят беришлари натижасида (чиқарилган ҳукмдагига нисбатан) оғирроқ ҳолатга тушиб колишига йўл қўймаслиқдир.

Бу маҳкум, оқланган шахснинг апелляция, кассация ва назорат тартибида шикоят қилиш ҳуқуқининг энг муҳим кафолатларидан биридир, чунки ҳукм устидан шикоят бериш натижасида ўз аҳволини ёмонлаштириб қўйиш хавфи бундай шахсларни ҳатто чиқарилган ҳукмда уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилган ҳолда ҳам, уларни юқори инстанция судига мурожаат этишдан воз кечишга мажбур қилган бўлар эди.

Маҳкум ёки оқланган шахснинг аҳволини оғирлаштирувчи томонга ўзгартиришнинг тақиқланиши одил судлов манфаатларига ҳам хизмат қиласи, чунки апелляция, кассация ва назорат тартибида шикоят келтирилиши юқори инстанция судининг ушбу иш бўйича йўл қўйилган қонун бузилишлар, хатоларни аниқлашига ёрдам беради ва бу билан ноқонуний, асоссиз ва адолатсиз чиқарилган ҳукмларнинг қонуний кучга кириши ҳамда ижро этилишининг олди олинади.

Қонун маҳкум ёки оқланган шахснинг аҳволини оғирлаштирадиган томонга ўзгартиришнинг тақиқланишини умумий қоида сифатида эмас, балки уни қуидагиларга нисбатан, яъни жиноий-ҳуқуқий квалификацияга, жазо чорасига, айловнинг фактик томонига (уни кучайтириш, оғирлаштиришнинг тақиқланиши); оқлов ҳукмининг бекор қилиниши шартларига – яъни, ҳукмда баён қилинган, маҳкум (оқланган шахс) учун асосий қарорларга нисбатан аниқ қоида қилиб белгилаган.

Айтиб ўтилган тақиқлаш маҳкум, оқланган шахс, уларнинг ҳимоячиси, қонуний вакилининг шикояти бўйича ишнинг кўриб чиқилишида маҳкум учун, масалан, фуқаролик даъвоси бўйича бирмунча нохуш бўлган қарорларнинг қабул қилинишини истисно этмайди, бироқ бунда фуқаролик

даъвоси бўйича қарорнинг ўзгартирилиши жиноий-ҳуқуқий квалификацияга ёки айлов ҳажмига маҳкумнинг аҳволини оғир томонга ўзгартирадиган даражада таъсир килмаслиги лозим.

Маҳкум ва оқланган шахснинг аҳволини оғирлаштирувчи томонга ўзгартиришнинг тақиқланиши қўйидагилардан келиб чиқади:

1. Юқори инстанция судлари ишни кўриб чиқиб, жазо чорасини кучайтиришга, бирмунча оғирроқ жиноятга доир қонун нормаларини қўллашга ёки айловни бирмунча оғирроқ фактик томонга ўзгартиришга (масалан, ўғрилик ҳукмида эътироф этилган суммадан каттароқ суммада содир қилинган деб эътироф қилишга) ҳақли бўлмайди;

Иш прокурорнинг протести, шикоят билдириш ҳуқуқига эга шахслардан ҳар бирининг шикоятига биноан кўриб чиқилишида ҳам ҳукмнинг бундай ўзгартирилишига йўл қўйилмайди.

2. Апелляция, кассация ва назорат инстанцияси маҳкум, оқланган шахс, унинг ҳимоячиси ёки қонуний вакилининг шикояти бўйича ишнинг кўриб чиқилишида қўйидагиларга ҳақли бўлмайди:

а) жазонинг енгиллиги, бирмунча оғирроқ жиноят ҳақидаги қонунни қўллаш зарурлиги ёки айловнинг фактик томонини оғирлаштириш кераклиги сабаблари бўйича ҳукмни бекор қилиш ва ишни янгидан кўриб чиқишга юборишга.

Ҳукмнинг кўрсатилган сабаблар бўйича бекор қилинишига факат ҳукм устидан жазо чорасининг енгиллиги, бирмунча оғирроқ жиноят ҳақидаги қонунни қўлланиши зарурлиги ёки айловнинг фактик томонини оғирлаштириш кераклиги сабаблари бўйича прокурор протест келтирган ёки жабрланувчи шикоят билдирган холларда йўл қўйилади;

б) оқлов ҳукми юқори суд томонидан факат прокурорнинг апелляция ёки кассация протести, жабрланувчининг ёки унинг вакилининг шикояти, ёхуд оқланган шахснинг, унинг ҳимоячисининг ёки қонуний вакилининг апелляция ва кассация шикояти, шунингдек, назорат тартибида берилган протест бўйича бекор қилиниши мумкин.

Россия Федерациясининг ЖПКда бу масала бутунлай бошқача талқин қилинган:

1. Апелляция ва кассация тартибида қонуний кучга кирмаган ҳукм, ажрим ва қарорлар текширилади. Назорат тартибида кучга кирган ҳукм, ажрим ва қарорлар текширилади.

2. Назорат тартибида 2003 йил 1 январдан шикоят бериш жорий қилинган. Бунга қўра, ҳам айлов тараф, ҳам ҳимоя тараф тўғридан – тўғри назорат тартибида иш кўрувчи судларга шикоят қилишлари мумкин.

3. Назорат тартибида маҳкумни аҳволини оғирлаштириб, жазони кучайтирадиган ва оғирроқ жиноятга доир қонун моддаларини қўлланишга умуман йўл қўйилмайди (РФ ЖПКнинг 405-моддаси).

«Маҳкумни аҳволини оғирлаштирадиган томонга ўтмаслик бу муҳим принцип. Ҳукм кучга кирмасдан олдин ёки кучга киргандан кейин ҳам жазони кучайтирилишига ва оғирроқ жиноятга доир қонун моддаларини қўллаш. (non bis in idem) яъни, маҳкумни такроран айнан шу қилмиш учун

жинои жавобгарликка тортишга ўхшайди» дейди В.Н.Калинин<sup>160</sup>

А.В. Смирнов бу ҳолатни ижобий баҳолаб, «бунинг заминида инсонпарварлик ва адолат мезонлари мавжуд» дейди.<sup>161</sup>

Янги очилган ҳолатлар муносабати билан иш юритишни қайтадан бошлишда non bis in idem яъни, бир қилмиш учун тақорорий жавобгарликка тортиш институти йўқ.

«Францияда бу масалалар учун «ревизион тартибда қайта кўриш», Германияда «хўкм қонуний кучга кириши билан тамомланган ишни қайта тиклаш», Англияда «суд қарорини апелляция тартибида қайта кўриш тартиби» деб номланади».<sup>162</sup>

Бу принцип халқаро миқёсда тан олинган принцип ҳисобланади. Масалан, «Фуқаролик ва сиёсий хуқуқлар тўғрисида»ги халқаро Пактнинг 14-моддасини 7 қисмида “ҳеч ким содир қилган қилмиши учун моддий ва процессуал қонунда белгиланган тартибда жазога мустахид қилинган ёки оқлангандан кейин иккинчи марта судланиши ёки жазоланиши мумкин эмас” деб ёзилган. Инсон хуқуқ ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Конвенцияда хеч бир шахс содир қилган жинояти учун шу давлатнинг моддий ва процессуал қонуни билан айбдор деб топилиб, жазосини ўтаган ёки оқланган бўлса, тақороран судланиши ёки жавобгарликка тортилиши мумкин эмаслиги битилган (№11 Баённома таҳририда №7 Баённоманинг 4-моддаси 1 банди). Россия Федерацияси Конституциясида айнан шу масала конституциявий принцип сифатида ўз ўрнини топган (Р.Ф. Конституцияси 59-моддаси). Юқоридаги фикр ва мулоҳазалардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси ЖПКга қўшимча ва ўзгартиришлар киритишни таклиф қилмоқчимиз.

ЖПК 494-моддасининг 1 ва 3-бандидан назорат инстанциясини назарда тутувчи «назорат» сўзини олиб ташлаб, «апелляция ва кассация тартибида» деган сўзлар қолиши керак. Бунга асос, биринчидан, шу модданинг иккинчи қисмида «назорат инстанцияси» назарда тутилмаган. Унда айтилишича, оғирроқ жиноятга доир қонун моддаларини қўллаш зарурлиги муносабати билан ёхуд жазонинг енгиллиги учун жабрланувчи томонидан шикоят берилган ёки прокурор томонидан протест билдирилган ҳоллардагина ана шу асослар бўйича апелляция ёки кассация тартибида хўкм бекор қилиниши ва иш янгитдан судда кўриш учун юборилиши мумкин (494-модданинг 2 қисми).

Кассация инстанцияда ҳам шикоят ёки протестни кўриб чиқиши муддати бир йил белгиланган. Маҳкумни аҳволини оғирлаштирадиган ҳолатга ўтиш учун бу муддат етарлидир. Бу масалани назорат инстанциясигача олиб бориши ўринсиз.

Иккинчидан, юқоридагилардан келиб чиқиб, ЖПКнинг 510-моддасига

<sup>160</sup> Калинин В. Н. Принцип недопустимости ухудшения положения осуждённого при пересмотре судебных решений // Ж. Следователь. -2004. -№5. -Б. 19

<sup>161</sup> Смирнов А. В. Модели уголовного процесса. –СПб: Наука, -2000. -Б. 86

<sup>162</sup> Калинин В. Н. Принцип недопустимости ухудшения положения осуждённого при пересмотре судебных решений. // Ж. Следователь. -2004. -№5. -Б. 20.

«Назорат инстанциясида жазони кучайтиришга ва оғирроқ жиноятга доир қонун моддаларини қўлланишга йўл қўйилмайди» деган мазмунда қўшимча киритиш лозим. Бу ЖПКнинг халқаро ҳужжат талабларига мослаштиради, ҳамда уни мантиқ ва қонун нуқтаи назаридан мувофиқлаштиради.

Биз юқорида ҳукм, ажрим ва қарорларнинг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини текшириш босқичида суд назоратининг ўзига хос хусусиятларини кўриб чиқдик. Текшириш турларидан бўлган апелляция, кассация ва назорат инстанциялари учун бир хилда ахамиятли бўлган ҳукм, ажрим ва қарорларнинг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини текширишнинг умумий шартларини моҳиятини ёритиб беришга харакат қилдик. Бу умумий шартлар ичида ҳукмни бекор қилиш ёки ўзгартариш мухим ахамиятга эга, чунки айнан шу масалада суд назорати ўзининг энг юқори кўринишида намоён бўлади.

## **10-БОБ. ҲУКМНИ БЕКОР ҚИЛИШ ВА ЎЗГАРТИРИШ АСОСЛАРИ**

### **10.1. Ҳукмни бекор қилиш ёки ўзгартериш асосларининг тушунчаси ва ривожланиш тарихи**

Ҳукмни бекор қилиш ёки ўзгартериш асослари институти юзасидан ўзбек олимларидан айримлари илмий изланиш олиб борганлар.<sup>163</sup> Ваҳоланки, бу масала ўз мазмун моҳиятига кўра муҳим, зеро унинг заминида инсон тақдири ётади. Ноҳақ жиноий жавобгарликка тортилган айбиз шахсни жазо ўташи ва ҳақиқатда айбдор бўлган шахсни жазодан қутилиб қолишини тасаввур қилишнинг ўзи қонунга хурмат ва эътиқодни сусайтиради. Кеч бўлса ҳам йўл қўйилган хато ва камчиликларни бартараф қилиш имкони бордир, лекин йўқотилган соғлиқ, бой берилган умр, қадр-қимматни ким қоплади? Бу ҳолат жамият, давлат манфаатларига ҳам мутлақо зиддир. Ҳаққоний савол туғилади, ноқонуний, асосиз ваadolatsiz суд қарорларини чиқарилиши олдини олиш мумкинмиди. Албатта, чунки ҳукмни судья ёки суд таркиби чиқаради. Бунинг учун қонундан ёки ҳуқуқий тартибдан норози бўлиш эмас, балки судьяларни танлаш ва тайинлашда унинг инсоний сифатларини ўрганиш, уларга қўйиладиган талабни кучайтириш лозим, токи шундай нолойиқ ҳуқуқшунос адашиб адолат ва ҳақиқат курсисини эгалламасин.

Суд ҳокимиятини нуфузини ошириш нафақат суднинг, шу билан бирга судьяларнинг ҳам обрў-эътиборига боғлиқ. Ш.Монтескье судья ўз вазифаларини сидқидилдан, ҳалоллик билан бажараётганлигини, таъмагирлик унга ётлигини халқ билиши керак, шундагина унга хурмат ва ишонч ортади, бу нафақат суднинг нуфузини балки, судьянинг ҳам обрўсини оширади, дейди<sup>164</sup>. Судьяларга нисбатан қўйиладиган умумий талаблар юридик адабиётларда кўп бора ёритилган<sup>165</sup>. Жумладан, Н.В.Радутнаянинг бу масаладаги фикри эътиборга лойиқ. У судьяларнинг касбга бўлган эътиқодини-мехнатга муносабати, малакаси, қалбан адолатлилиги ва масъулиятлилиги каби омиллар белгилайди, дейди<sup>166</sup>.

Судьяларнинг касбий даражаси юксак, ўzlари эса етарли тажрибага эга бўлсаларгина чиқарган ҳукмлари қўйилган талабга тўла жавоб беради.

<sup>163</sup> Саркисянц Г.П. К вопросу о понятии «существенный» при отмене или изменении приговора в уголовном процессе. // Ж. Проблемы государства и права. -Т.: -1980. -Б. 31-38. Ильхамов И. Основания к отмене, изменению решения и вынесению нового решения судом кассационной инстанции. // Научные труды ТашГУ. Вып. 352., 1970. -Б. 116-153.; Пулатходжаев С. Некоторые правила кассационного и надзорного производства нуждаются в изменении. // Ж. Соц. законность. -1969. -№12. -Б. 31-33; Ильхамов Н. Становление института советской кассации в Туркестане. Общественные науки в Узбекистане. 1966., -№7. -Б. 66-69; Стерник И.Б. Кассационное производство по УПК УзССР 1959. // Научные труды ТашГУ. Вып.267., 1964. -Б. 116-127.

<sup>164</sup> Монтескье Ш. Избранные произведения. -М.: 1955. -Б. 170.

<sup>165</sup> Кучерук А.Д. Записки народного судьи. Барнаул. 1976. -Б. 22-42; Ликас А.Л. Именем Республики. -М.: 1979. -Б. 70-81; Кочетков Т.В. Народные заседатели высшего судебного органа страны // Высший судебный орган СССР. -М.: 1984. -Б. 140-146.

<sup>166</sup> Радутная Н.В. Народный судья. Профессиональное мастерство и подготовка. -М.:1977. -Б. 4.

Лекин, хукмни бекор бўлишига олиб келадиган хатони фақат судьяга юклашдан йироқмиз, чунки судгача жиноят иши дастлабки терговда тайёрланади, исботланиши лозим бўлган ҳолатлар тўла, ҳар томонлама ва холисона исботланади. Судьянинг бўйнига бундай хатони қўймасликни ягона йўли, жиноят иши материалларини судга тайинлаш босқичида юқорида таъкидлаганимиздек, суд назоратини қучайтиришдир. Судьянинг ўз касби ва мансабини қадрлаши ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бунинг учун суд этикасига қатъий риоя қилиш талаби уни инсофга чақиради, диёнатли бўлишга ундайди.

З.В.Макарова суд маданияти қуйидаги таркибий қисмлар йифиндисидан иборат дейди: 1) хукуқий маданият, яъни қонунни тўғри тушуниш, унга риоя қилиш ва тадбиқ қилиш қобилиятининг мавжудлиги; 2) маънавий етуклик - бунда жиноят ижтимоий муносабатларни тартибга солишда ахлоқ принциплари ва нормаларига риоя этиш назарда тутилади, қачонки хукуқ нормалари билан биргалиқда маънавий, ахлоқ нормалари ҳам муаммоларни ижобий ҳал бўлишига хизмат қиласди; 3) сиёсий маданият, яъни муайян сиёсий қарашлар, қадриятлар, билимлар ва тилларнинг мажмуи, жамият ва давлатнинг ривожланишидаги сиёсий йўл ҳамда белгиланган вазифаларга мувофиқ равишда жиноят ишини мазмунан кўриш ва ҳал қилишдир. Сиёсий маданият профессионал юристларнинг қонунни тўғри қўллашга, унинг моҳияти ва аҳамиятини тушунишига, масъулиятни ҳис этишга чорлайди. 4) ташкилий маданият – бу ишни режалаштириш, аниқ мақсадни кўзлаб, илмий-техникавий воситаларидан, фан ва техника ютуқларини унумли фойдаланиб иш юритиш қобилиятидир; 5) Эстетик маданият – яъни юрист-мутахассиснинг ташқи белгилари, феъл-атвори, муомиласи, ўз устида ишлаши, ўзини тутиши, ташқи кўринишидир, чунки ўзини қадрини билган, соҳасига масъулият билан қараган шахс ўзгаларни ҳам ноҳақ азоб-уқубат чекишига йўл қўймайди<sup>167</sup>.

Жиноят судлов ишларини юритилишида иштирок этган ҳар бир шахс унинг хукуқ ва манфаатлари лозим даражада ҳимояга олинишига ишонади. “Иш ўз моҳиятига кўра мазмунан кўриб чиқилишида ҳақиқат ва адолат тантана қилиши керак, агар бунга эришилмаган бўлса, унда йўл қўйилган хато ва камчиликлар хукм, ажрим ва қарорларнинг қонуний, асосли ва адолатлилигини текшириш босқичларида қайтадан кўриб чиқилишида тузатилиши лозим”<sup>168</sup>. Демак, бу босқичга нажот ва ишонч назари билан қаралади ва мурожаат этилади, чунки бу босқичда иш юритиш ўз ичига жиноят процессининг барча босқичлари фаолиятини текшириш ва баҳо беришни қамраб олади. Л.В.Бойцованинг фикрича, бу босқич жиноят ишидаги ҳар қандай шубҳа ва гумонларни чиқариб ташлашдан иборат бўлади, бу эса ўз-ўзидан қўйилган айбни заифлашувига олиб келади. Далиллар ўртасидаги келишмовчилик ва қарама-қаршилик, айб борасидаги

<sup>167</sup> Макарова З.В. Гласность уголовного процесса. Челябинск, 1993. -Б. 128.

<sup>168</sup> Адаменко В.Д., Береговой И.Е. Судебный надзор за основаниями отмены, изменения приговора». Ак-Кем. Барнаул., 1995. -Б. 52.

ички ишончнинг бўлмаслиги шулар жумласидандир<sup>169</sup>. Демак, бу босқичда давлат сири ёки шахснинг сир-асрорлари эмас, балки суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг йўл қўйган хато ва камчиликлари, ҳақиқатни хаспўшлаб, билиб-бilmай қилган ноҳақликлари устида сўз боради. Шунинг учун ҳам бу босқичда ошкоралик йўқ. Жамоатчилик у ёқда турсин, шу соҳадагилар ҳам юқори инстанция судларининг фаолияти, айниқса, бекор қилинган ёки ўзгартирилган ҳукмлар юзасидан тўлиқ маълумотга эга бўлишлари кийин.

Суд томонидан йўл қўйилган хатоларни бартараф қилиш масаласи биринчи маротаба 1497 йил “Суд маълумотномаси тўплами”нинг 19-моддасида қайд этилган. Бу модданинг мазмунини шарҳлаган С.И.Шталемнинг ёзишича, юқори суд қуии суднинг қарорини қайтадан кўриб, хатосини тузатиш билан чекланмасдан, балки уни тузатиши ва бу камчиликка қандай йўл қўйилганлигини аниқлаши лозим эди. Судья бекор қилинган қарори учун жавобгар бўлмаган, лекин бошқа судьялар учун бу ҳолат сабоқ бўлган. Қонунчиликда суд билан улар томонидан йўл қўйилган хато ва камчиликлар ажратилмаган, шунинг учун ҳам судьянинг ноқонуний, асоссиз қарори учун жавобгарлик белгиланмаган.<sup>170</sup>

Ҳукмни бекор қилиш асослари биринчи марта 1715 йил “Процесслар ёки суддаги даъволашувларнинг қисқача Тавсияномаси”нинг “Ҳукмни бекор қилиш тўғрисида”ги 2 бобининг 1-моддасида қайд қилинган. О.И.Чистяков ушбу моддани шундай изоҳлади: «Моддада ҳукмни бекор қилиниши (ўзгартирилиши) учун асослар санаб ўтилган. Уларнинг рўйхати узил-кесил ҳисобланган. Ҳукмни бекор қилиш асослари ичida процессуал талабнинг жиддий бузилиши асосий ўринни эгаллаган. Ишни қайтадан кўриб чиқиш асослари тизимида ҳуқуққа хилофлик охирги ўринни эгаллаган. Бунда қонуннинг жиддий бузилиши назарда тутилган».<sup>171</sup> Бу модданинг биринчи бандида арзномада жавобгарга қўйилмаган айб бўйича суд ҳукмини чиқариш ҳолати; иккинчи бандида яққол тусдаги сустеъмоллик; учинчи бандида – тортишув принципини бузилиши; бешинчи бандида - ҳукмдаги қарама-қаршиликлар ва уларнинг мазмунига қўйилган талабларга риоя қилмаслик ҳолатлари назарда тутилган.

“Процесслар ёки суддаги даъволашувларнинг қисқача Тавсияномасининг «Ҳукмлар тўғрисида»ги 2 бобининг 6-моддасида ҳукмни қайтадан кўриб чиқиш (текшириш) тартиби белгиланган. Бунга қўра, “Фельдмаршал жиноят ишларини қайтадан кўриб чиқиш ҳуқуқидан фойдаланган. Фельдмаршалга берилган апелляция шикояти шунчаки ишни қайтадан кўриб чиқиш тўғрисидаги илтимоснома эмас, балки судьянинг харакатлари устидан берилган шикоят сифатида кўриб чиқилган. Шунинг

<sup>169</sup> Бойцова Л.В. Реализация принципа толкования сомнений в пользу подсудимого в судебном разбирательстве. // Охрана прав и интересов обвиняемого в свете правовой реформы. –Кемерово: 1993. –Б. 93-94.

<sup>170</sup> Давыдов П.М. Уголовный процесс: Учебное пособие. / Под ред. Дюрягина И.Л. –Екатеринбург: 1992. -Б. 39.

<sup>171</sup> Чистяков Н.Ф. Верховный суд СССР. –М.: 1984. -Б. 79.

учун хукмни бекор қилиниши шикоят берган шахс учун қўшимча оғирроқ турдаги жазони келтириб чиқарган. Тавсияноманинг 6-моддасида хукмда белгиланган жазонинг факат оғирлиги устидан шикоят билдириш назарда тутилган, жазонинг енгиллиги сабабли шикоят қилиш апелляцияда белгиланмаган. Жиноят ишларида айловчи эмас, балки фактат маҳкум шикоят билдириши мумкин бўлган... Қийноқ жазоси тайинланадиган ёки одатда ўлим жазоси белгиланадиган ўта оғир жиноят ишлар учун тасдиқлаш инстанцияси қўлланилган. Тасдиқловчи инстанцияда фельдмаршал ёки генерал нафақат жазони енгиллаштириши, шу билан бирга уни оғирлаштириши ҳам мумкин”<sup>172</sup> бўлган.

«Суд қарорлари устидан назорат» деган атама 1864 йилдаги: Суд қарорларининг таъсис қилиниши каби суд ислоҳоти хужжатларида қўлланилган, унинг саккизинчи бўлими «Суд қарорлари устидан назорат ва суд идорасининг мансабдор шахсларининг жавобгарлиги тўғрисида»,<sup>173</sup> деб аталган. Ушбу атама мазкур хужжатнинг 1885 йилдаги янги таҳририда ҳам сақланиб қолган. Суд қарорларининг таъсис қилинишидаги назорат умумий ва олий назорат сифатида мустаҳкамлаб қўйилган.

“Бу назорат (Таъсисноманинг 251-моддаси) ишларни тез ва тўғри текширилиши ҳамда мансабдор шахсларнинг ўз вазифаларини аниқ ижро қилишлари устидан юритилган ва уни биринчи ваколатли шахс ёки раис амалга оширган; суд палатасининг катта раиси ва округ суди раисининг назорати палата ёки суднинг барча департаментлари ёки бўлимлари ва барча мансабдор шахслари устидан юритилган. Умумий назорат (Таъсисноманинг 254-моддаси) империядаги суд идорасининг барча суд қарорлари ва мансабдор шахслари устидан юритиладиган назоратдан иборат бўлган ва у Адлия вазири сиймосида намоён бўлган. Адлия вазири суд идорасининг амалдорларидан унга зарур бўлган маълумотлар ва тушунтиришларни ёзма равишда ва шахсан вакили орқали етказилишини талаб этиш ҳуқуқига эга бўлган. Ҳукумат ишларини юритувчи сенат олий назоратни олиб борган ва суд идораларининг барча суд ўринларига ва мансабдор шахсларига дахлдор бўлган”<sup>174</sup>. Шундай қилиб, ўша вақтларда ёқ суд қарорлари устидан назорат тушунчаси кенг маънода тадбиқ этилган ва ўз мазмуни билан Адлия вазирлиги, судларнинг мансабдор шахслари фаолиятининг ҳар хил шаклларини қамраб олган.

Шунга қарамасдан, эслатиб ўтилган Таъсисноманинг 253-259-моддаларида юқорида қайд этиб ўтилган шахсларнинг судлар ва умуман судьяларнинг процессуал фаолиятига, ишларнинг ўз моҳиятига кўра ҳал қилинишига аралашуви истисно этилган. Бу жиноят ишларини моҳияти ва мазмунига кўра ҳал қилинишда судьялар ва судлар йўл қўядиган хатолар ва қонун бузилишларини бартараф қилиш мақсадини қўзлаган. 1864 йилдаги

<sup>172</sup> Адаменко В.Д., Береговой И.Е. Судебный надзор основания отмены, изменения приговора. -Ак-Кем., Барнаул: 1995. -Б. 85.

<sup>173</sup> Ўша ерда. -Б. 86.

<sup>174</sup> Адаменко В.Д., Береговой И.Е. Судебный надзор основания отмены, изменения приговора. -Ак-Кем., Барнаул: 1995. -Б. 85-86.

суд ислоҳоти даврида қабул қилинган, судларда жиноят ишларини юритиш Уставига мувофиқ хукм устидан шикоят билдириш ва уларни қайтадан кўриб чиқишининг иккита институти – апелляция ва кассация инстанциялари белгиланган. Кейинчалик олий назорат янада кенгайди. Бу борада М.А.Чельцовнинг таъкидлашича: «Амалиётда жиноят судлов ишларини юритиш Уставига маълум бўлмаган шундай қоида ишлаб чиқилдики, унга биноан сенат агар ишни кассация тартибида кўриб чиқишида шикоятда кўрсатилмаган алоҳида муҳим бузилишларини аниқлайдиган бўлса, унда у ҳукмни бекор қилиш ҳуқуқига эга бўлар эди. Устидан шикоят билдирилмаган ёки лозим бўлган муддатда шикоят билдирилмаган ҳукмларни сенат фавқулодда ҳолат сифатида назорат тартибида берилган маълумотлар бўйича бекор қилиши мумкин бўлган»<sup>175</sup>.

1864 йил 20 ноябрдаги Судларда жиноят ишларини юритиш тўғрисидаги Уставнинг тўртинчи бобидаги 912-915-моддаларини ўз ичига олган маҳсус бўйим ҳукмни бекор қилиш ёки ўзгартиришга бағишиланган. Ю.П.Титов Уставда ҳукмни бекор қилиш ёки ўзгартириш асослари “сабаблари” деб номланган бобни таҳлил қилиб, шундай деб ёзган эди: «Суд палаталарига ҳукм устидан билдирилган шикоят ва протестларга сабаб бўладиган асослар санаб ўтилади. Суд ислоҳоти муаллифлари кассация тартибида шикоят билдиришнинг жорий этилишини шу билан изоҳлаган эдиларки, бир апелляциянинг ўзи шикоятчилар ва судланувчиларни йўл қўйилган хатодан тўлиқ ҳимоя қила олмайди, чунки апелляция тартибидаги суд қарорларида қонуннинг бевосита маъноси ёки судларда иш юритиш тартиби бузилиши мумкин, уларга риоя қилинмаган ҳолда чиқарилган суд қарорини ҳақиқий деб эътироф этиш мумкин эмас. Уставда ҳукмни бекор қилиш учун асос бўладиган процессуал нормаларнинг жиддий бузилишлари батафсил санаб ўтилган эди, лекин ундан воз кечилди, сабаби ундаги моддалар ҳукмни кассация тартибида бекор қилиниши учун ҳуқуқ бермайдиган шартларни назарда тутган эди»<sup>176</sup>.

Октябрь инқилобидан кейинги даврларда юқори инстанция судлари томонидан ҳукмни бекор қилиш асослари давлатнинг фаолият кўрсатиш босқичларига мувофиқ равишда, ўз олдига қўйган вазифаларига мутаносиб ҳолда шаклланди.

Масалан, 1917 йил 22 ноябрдаги 1-сонли «Суд тўғрисида»ги Декретга биноан маҳаллий судларнинг ҳукмлари узил-кесил деб эътироф қилинди ва уларнинг устидан шикоят билдирилиши ман этилди. Бироқ, 1917 йил 19 декабрьдаги «Революцион трибуналлар, уларнинг таркиби, юритадиган ишлари ва белгилайдиган жазолар тўғрисида»ги Йўриқномада ҳукмни бекор қилиш ёки ўзгартириш асослари сифатида қўйидагилар кўрсатилди: 1) судларда иш юритиш шаклларининг бузилиши; 2) ҳукмнинг яққол адолатсизлиги.

Бекор қилинган ҳукмларни қайтадан кўриш РСФСР Адлия Халқ

<sup>175</sup> Чельцов М.А. Уголовный процесс. –М.: 1962. – 461 б.

<sup>176</sup> Адаменко В.Д., Береговой И.Е. Судебный надзор основания отмены, изменения приговора. -Ак-Кем., Барнаул: 1995. -Б. 87.

Комиссарлигининг илтимосномасига биноан амалга оширилар эди.

Хукмни бекор қилиш ёки ўзгартириш асослари 1918 йил 7 мартдаги 2-сонли «Судлар тўғрисидаги Декрет»да ҳам мустаҳкамлаб қўйилди. Мазкур хужжатда суд қарорида жиддий бузилиш мавжуд деб эътироф этилган ҳолда ҳамда ҳукм мутлоқ адолатсиз чиқарилган деб ҳисобланганда кассация тартибида ҳукмни бекор қилиш ҳуқуқи мустаҳкамланди.

Хукмни бекор қилиш ёки ўзгартириш асослари тизими 1918 йил 30 ноябрдаги «РСФСРнинг ҳалқ суди тўғрисида»ги Низомида янада кенгайтирилди. Ушбу Низомга биноан Ҳалқ судьялари Кенгаши ҳукмни бекор қиласиган орган деб эътироф этилди, у 89-моддага кўра декретлар жиддий бузилгани ҳолда ёки нотўғри қўлланилганида: шу жумладан, судларда иш юритиш шаклларининг бузилиши; дастлабки тергов ва суд терговининг тўлиқ эмаслиги; устидан шикоят билдирилган ҳукмнинг яққол адолатсизлиги ҳукмни бекор қилиш учун асос деб белгиланди. Ҳалқ судьялари Кенгаши Низомининг 91-моддасига кўра қонуннинг нотўғри қўлланилиши айнан нимадан иборат бўлганлиги, судларда жиноят ишларини юритишида қандай шаклнинг бузилганлиги, дастлабки тергов ёки суд терговининг тўлиқ эмаслиги ёки ҳукмнинг яққол адолатсизлиги нимадан иборатлигини кўрсатиш шарт эди. Бунда Ҳалқ судьялари Кенгаши Низомининг 90-моддасига биноан ишни кассация тартибида кўриб чиқиши шикоятда келтирилган важлар билан боғлиқ бўлмаган.

1919 йил 20 февралдаги «Ҳалқ судлари ва революцион трибуналлар тўғрисидаги вақтинчалик Низом»нинг 52-моддасида ҳукм қўйидаги ҳолларда Ҳалқ судьялари Кенгаши томонидан бекор қилиниши белгиланди: 1) қонунлар жиддий бузилганида; 2) устидан шикоят билдирилган ҳукм мутлоқ адолатсиз бўлганида.

Асослар тизимида ўтказилган дастлабки терговнинг тўлиқ эмаслиги ҳақида ҳеч нарса дейилмади. Ушбу асосдан воз кечилиши, бизнинг назаримизда, мамлакатда қонунчиликни ўрнатиш борасида орқага ташланган қадам эди.

РСФСРнинг 1922 йил 25 майдаги Жиноят-процессуал кодекси, суд тизими тармоқларининг икки йўналишга ажратганлигига (ҳалқ судлари, революцион трибуналлар) қарамай, ҳукмни қайтадан кўриб чиқиш учун асос деярли ягона қилиб белгиланди: қонуннинг бузилиши ёки нотўғри қўлланилиши; судларда жиноят ишларини юритиш шаклларининг жиддий бузилганлиги; ҳукмнинг яққол адолатсизлиги.

Дастлабки терговнинг тўлиқ эмаслиги ҳолати эса ҳукмнинг бекор қилиниши учун асос сифатида ҳалқ судларига тегишли бўлиб, революцион трибуналларга тааллуқли эмас деб топилди. Бироқ, ҳамма ҳолларда ҳам ҳукмни текшириш зарурлиги эътироф этилди, чунки юқори инстанция суди томонидан ҳукмнинг қонунийлиги ва асослилигини текшириб, ишнинг моҳиятини идрок этиб, йўл қўйилган хатони бартараф қилиши мумкин эди.

ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг 1924 йил 31 октябрдаги “Судларда жиноят ишларининг юритилиши Асослари”да дастлабки тергов ёки суд терговининг тўлиқ эмаслиги ҳукмни қайтадан

кўриб чиқиш учун асос қилиб белгиланди. Бунда кассация асослари сифатида қўйидагилар кўрсатилди:

1) суднинг ишни ҳар томонлама кўриб чиқишига халал берган ва қонуний ҳукм чиқарилишига таъсир кўрсатган ёки таъсир кўрсатиши мумкин бўлган бузилишлар; 2) қонунларга риоя қилмаслик ёки қонуннинг нотўғри қўлланилиши.

Ҳукмни бекор қилиш ёки ўзгартириш асосларининг бундан кейинги ривожланиши 1959 йил 2 майда қабул қилиниб, 1960 йил 1 январдан кучга кирган Ўзбекистон ССР Жиноят-процессуал кодексида ўз аксини топди. Ҳукмни бекор қилиш ёки ўзгартириш учун асослар ЖПКнинг 318-моддасида:

1) суриштирув, дастлабки тергов ёки суд терговининг бир ёқлама олиб борилганлиги ёки тўлиқ бўлмаганлиги;

2) суд ҳукмида баён қилинган хulosалари ишнинг ҳақиқий ҳолатларига мувофиқ келмаслиги;

3) жиноят-процессуал қонуннинг жиддий бузилганлиги;

4) жиноят қонуни нотўғри қўлланилганлиги;

5) суд томонидан тайинланган жазонинг қилинган жиноятнинг оғирлигига ва судланган кишининг шахсига мувофиқ келмаслиги, деб белгиланди.

Ўзбекистон Республикасининг биринчи жиноят процессуал кодексида ҳукм, ажрим ва қарорларнинг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини текширишнинг умумий шартлари мустақил 55 боб қилиб белгиланди ва унда ҳукмни бекор қилиш ёки ўзгартириш асослари (ЖПКнинг 484-моддаси) ва унинг тизими:

1) терговнинг тўлиқ эмаслиги ва бир ёқламалиги (ЖПКнинг 485-моддаси); 2) ҳукмда баён қилинган суд хulosалари ишнинг ҳақиқий ҳолатларига мувофиқ эмаслиги (ЖПКнинг 486-моддаси); 3) ЖПК нормаларининг жиддий бузилганлиги (ЖПКнинг 487-моддаси); 4) Жиноят кодекси нормаларининг нотўғри қўлланилганлиги (ЖПКнинг 488-моддаси); 5) жазонинг адолатсизлиги (ЖПКнинг 489-моддаси), деб баён қилинди.

Шу тариқа ҳукмни бекор қилиш ёки ўзгартириш асослари, унинг тизими ташкил топди ва ривожланди.

## **10.2. Ҳукмни бекор қилиш ёки ўзгартириш асосларининг моҳияти, тизими ва таснифланиши**

Биз юқорида ҳукмни бекор қилиш ёки ўзгартириш асослари ва тизимининг ташкил топиши ва ривожланиши хусусида тўхталиб ўтдик. Ҳукмни бекор қилиш ёки ўзгартириш асослари мақсад ва вазифаларига кўра муайян бир тизимни ташкил қиласди. Улар ўзаро боғлиқликда фаолият кўрсатганликлари билан ҳар бир асос ўз мазмуни ва хусусиятига эга.

Ҳукмни бекор қилиш ёки ўзгартириш асосларидан кўзланган асосий мақсад юқори инстанция судларининг қонуний кучга кирган ёки кирмаган

хукмларига холисона баҳо беришлари учун имконият яратишидир.<sup>177</sup> Умуман олганда, процессуал қонун талабига жавоб бермаган ҳукм ҳукмларни бекор қилиш ёки ўзгартириш асосларининг бир нечтасини ўзида қамраб олиши мумкин. Чунки, дастлабки терговда ёки суд терговида талаб даражасида тўла, ҳар томонлама, холисона текширилмаган жиноят ишига асосан чиқарилган ҳукмни ёки моддий ва процессуал қонунга риоя қилинмаган ҳолда тузилган якуний хужжатнинг хулосаларини тўғри ёки тайинланган жазони адолатли деб бўлмайди.

Ҳукмдаги хато ва камчилик инсон хақ-ҳуқуқларини поймол қиласидиган даражада жиддийлашгандан кейингина бекор қилинади, яъни бу ахволда ҳукмни ижрога қаратиб бўлмаслиги аниқ ва равшан бўлиши керак. Ҳукмни бекор қилиш ёки ўзгартириш асосларининг энг муҳим жиҳати жиноят процессининг деярли барча босқичларини ўзида қамраб олганлигидир. Л.А.Богословская ҳукмни бекор қилиш ёки ўзгартириш асосларига таъриф бериб, “жиноят ишини қўзғатиш, дастлабки тергов, жиноят ишини судга тайёрлаш ва суд муҳокамаси босқичларида йўл қўйилган барча типик бузилишларни ўзига хос умумлаштирилган ифодасидир”<sup>178</sup> – дейди. Бошқача қилиб айтганда, ҳукмни бекор қилиш ёки ўзгартириш асослари юқори инстанция судлари фаолиятини чегарасини белгилайди. Жиноят процессига оид адабиётларда ҳукмни бекор қилиш ёки ўзгартириш асослари турлича талқин қилинган. Масалан, А.Л.Ривлин “Кассация асослари қонунда белгилаб қўйилган шундай мезонларки, юқори босқич судлари уларга таяниб, ишда мавжуд бўлган ва тарафлар томонидан тақдим этилган материалларга асосланиб, ҳукмнинг қонунийлиги, асослилигини текширади”<sup>179</sup> дейди.

А.Л.Ривлиннинг кассация асослари – бу муайян мезонлардир деган фикри ҳам жуда ўринли. Дарҳақиқат, бу асослар йўл қўйилган қонун бузилишларидан далолат беради ва ҳукмни бекор бўлишига ёки ўзгаришига олиб келади, яъни юқори инстанция судлари ҳукмнинг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини текширишлари учун мезон вазифасини ўтайди. Бу ўринда Б.М.Тавровскийнинг қуйидаги фикрига ҳам қўшилса бўлади. Унинг фикрича, “бу қонун талабларини суриштирувчи, терговчи, айлов хулосасини тасдиқлаган прокурор ёки ишни мазмунан кўрган судьянинг жиноят ишини тергов қилиш ва ҳал қилиш жараёнида йўл қўйган хато ва камчиликлари эвазига ноқонуний, асосиз, адолатсиз чиқарилган ҳукмнинг ижро этилишини истисно қиласидиган ҳолатдир”<sup>180</sup>.

Ҳукмни бекор қилиш ёки ўзгартириш асосларини ўрганиш амалиётда асослардан қайси бири кўпроқ бузилаётганлигини аниқлаш ва уларни бартараф қилиш чора-тадбирларини кўришга ёрдам беради.

<sup>177</sup> Познанский В.А. Вопросы теории и практики кассационного производства в уголовном процессе. –Саратов: 1978. -Б. 69.

<sup>178</sup> Богословская Л.А. Основания к отмене или изменению приговоров. Учебное пособие. – Харьков: Харьковский юридический институт, 1981. -Б. 23.

<sup>179</sup> Ривлин А.Л. Пересмотр приговоров. –М.: 1958. –Б.168.

<sup>180</sup> Тавровский Б.М. Уголовно процессуальные основания к отмене или изменению приговора кассационной инстанции: Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. –М.: 1979. -Б. 10.

Хукмни бекор қилиш ёки ўзгартириш асосларини мустақил хуқуқ тизими сифатида ўрганиш зарур. Хукмни бекор қилиш ёки ўзгартириш асосларини тадқиқ этишга тизимли ёндашув уларнинг ҳақиқий ҳолатини аниқлаш ва жиноят процессининг муҳим нормаларини тадқиқ қилишга имкон беради. Булар жумласига ҳукм ва унга қўйилган талаблар, исботлаш хуқуқи ва исботланиши лозим бўлган ҳолатлар, процесс иштирокчилари ва уларнинг хуқуқ ва манфаатларини таъминловчи нормалар киради. Шунга кўра, жиноят процессининг барча институтлари қанчалик бир-бирига боғлиқ ва узвий эканлигига амин бўламиз. Ҳукмни бекор бўлишига ёки ўзгартирилишига олиб келадиган асосий сабаб айнан қонун талабларини етарлича бажарилмаганлигидир.

Суд назоратининг асл моҳияти юқори инстанция судларининг қўйи суд томонидан чиқарилган процессуал хужжатларини қонунийлиги, асослилиги ваadolatлилигини текшириб, уни бекор қилиш ёки ўзгартириш ваколатида намоён бўлади. Бу масалани аппеляция, кассация ва назорат инстанцияларида иш юритишнинг предмети деб айтиш мумкин. “Ҳукмни бекор қилиш ёки ўзгартириш асослари юқори инстанция судлари томонидан жиноят процессининг барча босқичлари фаолиятини текшириш ва баҳо беришнинг классик шаклидир”<sup>181</sup>.

Масалан, 2000 йил республика миқёсида 61226 та ҳукм чиқарилган бўлса (апелляция инстанцияси жорий қилинмаган) шундан, кассация тартибидан 418 (0,9%)та ҳукм бекор қилинган, 2097 (3,4%)таси ўзгартирилган. Назорат инстанциясида эса 1042 (1,7%)та ҳукм бекор қилинган, 1827 (2,9%)та ҳукм ўзгартирилган. 2001 йилда 57586 та ҳукм чиқарилган, шулардан апелляция инстанциясида 393 (0,7%)та ҳукм бекор қилинган, 2776 (4,8%)та ҳукм ўзгартирилган. Кассация инстанциясида 241 (0,4%)та ҳукм бекор қилинган, 1933 (2,1%)та ҳукм ўзгартирилган. Назорат инстанциясида 524 (0,9%)та ҳукм бекор қилинган, 1909 (3,3%)та ҳукм ўзгартирилган. 2002 йилда жами Республика бўйича 64 864 та ҳукм чиқарилган, апелляция инстанциясида 347 (0,5%) та ҳукм бекор қилинган, 2751 (4,2%) та ҳукм ўзгартирилган. Кассация инстанциясида 348 (0,5%)та ҳукм бекор қилинган, 1349 (2,1%)та ҳукм ўзгартирилган. Назорат инстанциясида 210 (0,3%)та ҳукм бекор қилинган, 917 (1,4%)та ҳукм ўзгартирилган. 2003 йилда жами республика бўйича 64 894 та ҳукм чиқарилган, апелляция инстанциясида 374 (0,6%) та ҳукм бекор қилинган, 2397 (3,7%) та ҳукм ўзгартирилган. Кассация инстанциясида 329 (0,5%)та ҳукм бекор қилинган, 1163 (1,8%)та ҳукм ўзгартирилган. Назорат инстанциясида 195 (0,3%)та ҳукм бекор қилинган, 723 (1,1%)та ҳукм ўзгартирилган. 2004 йилда жами Республика бўйича 65 010 та ҳукм чиқарилган, апелляция инстанциясида 387 (0,6%) та ҳукм бекор қилинган, 347 (3,0%) та ҳукм ўзгартирилган. Кассация инстанциясида 305 (0,5%)та ҳукм бекор қилинган, 63 (0,5%)та ҳукм ўзгартирилган. Назорат

<sup>181</sup> Александров А.С., Ковтун Н.Н. Основания к отмене (изменению) приговора в суде апелляционной инстанции // Государство и право. -2001. -№10. -Б. 55.

инстанциясида 214 (0,3%)та хукм бекор қилинган, 119 (1,0%)та хукм ўзгартирилган. 2005 йилда жами Республика бўйича 63 811 та хукм чиқарилган, апелляция инстанциясида 354 (0,5%) та хукм бекор қилинган, 178 (1,6%) та хукм ўзгартирилган. Кассация инстанциясида 266 (0,4%)та хукм бекор қилинган, 49 (0,4%)та хукм ўзгартирилган. Назорат инстанциясида 145 (0,2%)та хукм бекор қилинган, 90 (0,8%)та хукм ўзгартирилган. Амалиёт натижаларини ўрганиш шуни кўрсатадики, энг кўп ҳукмлари бекор қилинган ёки ўзгартирилган жиноят ишлари бўйича судларга: 2000 йилда Тошкент шаҳар суди, 2001-2003 Тошкент вилоят суди, 2004-2005 йилларда Тошкент шаҳар судлари кузатилган.<sup>182</sup>

Ҳукмларни бекор қилиш ёки ўзгартириш асосларининг ҳуқуқий тавсифи ва табиатини очиб бериш учун аввало жиноят процессуал ҳуқуқида ҳукмни бекор қилиш ёки ўзгартириш асосларини норма сифатида мустаҳкамлаб қўйилишининг ҳуқуқий оқибати, унинг бошқа ҳуқуқий ҳолатлар билан боғлиқлиги, нима учун ҳукмни бекор қилиш ёки ўзгартириш асослари орасида бошқа ҳолатлар эмас, айнан шу ҳолатлар кўрсатиб ўтилганлигини аниқлаб олмоқ зарур.

Шунингдек, ҳукмни бекор қилиш ёки ўзгартириш асосларининг ҳар бири ва уларнинг жами жиноят-процессуал ҳуқуқига қандай мақсадда киритилган, кўриб чиқилаётган нормалар қандай мустақил ижтимоий қимматликка эга, суд назоратига бу нормаларнинг қандай таъсири бор, деган масалани ҳам ҳал қилиш керак.

Аввало, ҳукмни бекор қилиш ёки ўзгартириш асосларини объектив равишда келиб чиқадиган ҳуқуқий ходиса сифатида эътироф этиш зарур. Ушбу асосларни мавжуд бўлишининг ўзи бир қатор процессуал нормалар билан боғлиқ бўлиб, улар орасида ЖПКнинг 2-моддаси талаблари алоҳида ўрин тутади. Унга кўра, “Жиноят-процессуал қонун ҳужжатларининг вазифалари жиноятларни тез ва тўла очишдан, жиноят содир этган ҳар бир шахсга адолатли жазо берилиши ҳамда айби бўлмаган ҳеч бир шахс жавобгарликка тортилмаслиги ва ҳукм қилинмаслиги учун айбордорларни фош этишдан ҳамда қонуннинг тўғри татбик этилишини таъминлашдан иборатдир.

Жиноят ишларини юритишнинг жиноят-процессуал қонунларда белгиланган тартиби қонунийликни мустаҳкамлашга, жиноятларнинг олдини олишга, шахс, давлат ва жамият манфаатларини ҳимоя этишга ёрдам қилмоғи лозим”. Бу вазифалар жиноят судлов ишларини юритиш давомида ҳал қилинади ва суд ҳукмида узил-кесил ечимини топади.

Биз юқорида ҳукмларга қўйилган талаб хусусида тўхтаб ўтган эдик, яъни суд ҳукмининг қонуний, асосли ва адолатли бўлиши, фактат суд мажлисида текширилган ва ўз исботини топган ишончли далилларга асосланиши, судланувчининг айборлиги суд муҳокамаси давомида рад қилиб бўлмайдиган далиллар билан ўз исботини топиши ва ҳоказолар.

<sup>182</sup> Ўзбекистон республикаси Олий Судининг 2000-2005 йй. жорий архиви умумлашмасидан олинган.

Хукмни бекор қилиш ёки ўзгартириш асослари жиноят процессида белгилаб берилган вазифалар, одил судлов хужжатига қўйилган талаблар ва суд назоратининг конституциявий нормаларини қай даражада бажарилаётганлигини текшириш ва баҳолашга доир қоидадир. Бошқача қилиб айтганда юқорида қайд қилинган талаблар бузилган тақдирда юзага келадиган оқибатдир. Демак, хукмни бекор қилиш ёки ўзгартириш асослари жиноят судлов ишларини юритишнинг қонуний талаблари бузилган ва фуқароларнинг конституциявий хуқуқ ва манфаатлари поймол этилганида, одил судловнинг ҳақиқат ва адолат принципларини тиклаш мақсадида юзага келадиган заруриятдир. Хукмни бекор қилиш ёки ўзгартиришнинг ҳар бир асоси ва асослар мажмуаси юқорида қайд этилган талабларни бажариш кафолати ҳисобланади, токи дастлабки тергов тўла, ҳар томонлама ва холисона текширилсин, моддий ҳамда процессуал қонун талабларига қатъий риоя қилинсин, одил судловнинг муҳим ҳужжати бўлмиш ҳукм эса ишнинг ҳақиқий ҳолатларга мос келсин, шу тариқа адолат ва ҳақиқат тантана қилсин.

Юридик адабиётларда хукмни бекор қилиш ёки ўзгартириш асослари турлича талқин қилинган, унинг сонини кўпайтириш ёки камайтириш мумкинлиги тўғрисида фикрлар ҳам мавжуд. Масалан, Н.Л.Шило “Дастлабки тергов органлари ёки асоссиз хукмни чиқарилишига таъсир кўрсатган ёки таъсир кўрсатиши мумкин бўлган қонун бузилишлари хукмни бекор қилиш ёки ўзгартириш учун асос бўлади ва иккинчи инстанция суди уларни аниқлаганида хукмни бекор килади ёки ўзгартиради”<sup>183</sup> дейди. Бу таърифда биринчидан, хукмни бекор қилиш ёки ўзгартириш асослари билан йўл қўйилган қонун бузилишлари бир фаолият сифатида кўрсатилган; иккинчидан, хукмни бекор қилиш билан ўзгартириш ўртасида фарқ мавжудлиги таъкидланмаган;

П.М.Давыдов<sup>184</sup> “кассация асослари – булар процессуал ва моддий қонун нормаларининг бузилиши ҳисобланиб, хукмни ноқонуний ва асоссиз деб бекор қилишга ёки ўзгартиришга олиб келади” дейди. Бу таърифда ҳам хукмни бекор қилиш ёки ўзгартиришнинг барча асослари эмас, балки фақат процессуал ва моддий қонуннинг бузилиши назарда тутилади.

Айрим олимлар хукмни бекор қилиш ёки ўзгартириш асосларининг рўйхатини қўйидаги тарзда кенгайтиришни таклиф қиласидилар: В.С.Глушков<sup>185</sup> – “қонунларнинг бошқача бузилишлари ва айрим фактларнинг нотўғри баҳоланиши” билан; Б.М.Тавровский<sup>186</sup> “Олий суд Пленуми (раёсати)нинг раҳбарий тушунтишлари ва ҳукм чиқарилгандан

<sup>183</sup> Шило Н.Л. Кассационное и надзорное производство в уголовном процессе. Учебное пособие. – Ашхабад: 1975. -Б. 12.

<sup>184</sup> Давыдов П.М. Производство в кассационной инстанции. Уголовный процесс: Учебное пособие. /Под ред. И.Я. Дюрягина и П.М. Давыдова.- Екатеринбург: 1992. -231 б.

<sup>185</sup> Глушков В.С. Изменение приговора в кассационной инстанции: Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. –М.: 1979. -Б. 15.

<sup>186</sup> Тавровский Б.М. Уголовно-процессуальные основания к отмене или изменению приговора кассационной инстанцией: Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. – М.:1978. -Б. 9-10.

кейин аниқланган ҳолатлар” билан; Л.Д.Калинкина<sup>187</sup> “жазога сазавор қилмишни енгиллаштирадиган ёки тугатадиган ҳолатлар” билан ва ҳоказо.

Жиноят процессуал кодексининг 484-моддасида келтирилган бешта асос юқорида қайд этилганидек, узоқ тарихий жараён натижасида тизим сифатида шаклланган. Бу тизим бир мақсадга хизмат қилиши ўзаро боғлиқ, лекин мустақил ҳолатлар эканлиги билан характерлидир. Фикримизнинг далили сифатида ЖПКнинг 484-моддаси мазмунидан ҳукмни бекор қилиш учун, ҳамда ўзгартириш учун алоҳида асосларни белгиланмаганлигини кўрсатишимиш мумкин, чунки то жиноят иши кўриб чиқилмагунча буни аниқлашнинг имконияти йўқ. Иш ўрганилиб, юқори суд хайъати томонидан узил-кесил ҳал қилиниши натижасида ё ҳукм бекор қилинади ёки ўзгартирилади. ЖПКнинг кейинги нормаларида (485-489-моддалар) ҳар бир асоснинг мазмуни ва моҳияти тушунтириб берилади. Лекин олдиндан қайси бир асос ҳукмни бекор бўлиши ёки ўзгаришига олиб келишини аниқлашнинг имконияти йўқ. Айни вақтда қонунда назарда тутилган муқобил асосларнинг қайси бири қарор чиқариш учун асос бўлишининг шартлари белгиланган. Асослар бир тизимни ташкил этади деб, ҳукмни бекор қилишда барча асосларни кўрсатиб ўтиш ёки айнан тегишли асосни кўрсатмаслик юқори суд қарорининг ишончлилигини йўқотади, чунки қарорда юқоридаги ҳолатларни бартараф қилиш, яъни тузатиш йўллари ҳам қайд этилиши керак.

Фикримизча, ҳукмни бекор қилиш ёки ўзгартириш асосларини қўллашда қандайдир шарт ёки чегара бўлиши керак. Шубҳасиз, бундай чегара маҳкумнинг аҳволини ёмонлаштирувчи ёки оғирлаштирувчи томонга ўтилмасликдир. Ушбу аксиомага биноан юқори суд ҳар қандай ҳолатда ҳам жавобгарликни янада оғирлаштиришга ёки жазони янада кучайтиришига ҳақли эмас.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг “Жиноят ишларини апелляция, кассация ва назорат тартибида кўриш амалиёти ҳақида”ги 2001 йил 1 июн №5 Қарорида ҳам “Суд жиноят ишини апелляция, кассация ёки назорат тартибида кўрган вақтида жазони кучайтиришга, шунингдек, оғирроқ жиноятга доир қонун моддаларини қўллашга ҳақли эмас” деб баён этган.<sup>188</sup>

Адолат юзасидан ҳукмни бекор қилиш ёки ўзгартириш асосларини таснифлаш лозим. Бу масалага Р.Д.Рахунов фикр билдириб, 1) дастлабки тергов ва суд терговининг тўлиқ эмаслиги ёки бир ёқлама олиб борилганлиги; 2) суд хulosаларининг ҳақиқий ҳолатга мос келмаслиги; 3) жиноят процессуал қонунининг жиддий бузилиши ҳукмни фақат бекор бўлишига олиб келади, деб ҳисоблайди.

1) жиноят қонунини нотўғри қўлланилганлиги ёки 2) адолатсиз чиқарилган ҳукмни ҳам бекор қилиш, ҳам ўзгартириш мумкин деб

<sup>187</sup> Калинкина Л.Д. Существенные нарушения уголовно-процессуального закона и их ограничение от несущественных: Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук.- Саратов: 1982. -Б. 14.

<sup>188</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қарорлари тўплами. 1999-2005. -Б. 86.

хисоблайди.<sup>189</sup> Бу фикрни қўллаб-қувватлагувчилар ҳам бор.<sup>190</sup>

В.А.Познанскийнинг фикрича, юқори инстанция судлари учун ҳукмни бекор қилиш ёки ўзгартириш асослари бир хил, фақат уни амалга ошириш тартиби турлича бўлиши мумкин.<sup>191</sup> Ф.М.Кудин ҳам назорат инстанциялари учун ҳукмни бекор қилиш ёки ўзгартириш асосларини умумий хусусият тарзида эътироф этиш керак, дейди.<sup>192</sup>

Бу олимларнинг юқоридаги асосларни таснифлаш лозимлиги тўғрисидаги фикрлари албатта, ўринли. Қолаверса, ЖПКнинг ўзида таснифлаш масаласи узил-кесил ҳал қилиб қўйилган. ЖПКнинг 491-моддасида ҳукмни ўзгартириш учун иккита асос:

- 1) жиноят кодексини нотўғри қўлланилгани;
- 2) жиноятнинг оғирликлик даражасига ва маҳкумнинг шахсига мувофиқ келмайдиган жазо белгиланганлиги қайд этилган.

Терговнинг тўлиқ эмаслиги ва бир ёқламалилиги (ЖПКнинг 485 м.); ҳукмда баён қилинган суд хulosалари жиноят ишининг ҳақиқий ҳолатларига мувофиқ келмаслиги (ЖПКнинг 486 м.); жиноят-процессуал қонуни нормаларининг жиддий бузилиши (ЖПКнинг 487 м.) ҳукмни бекор бўлишига олиб келади, “чунки ҳукмни бекор қилмасдан тўриб унда йўл қўйилган хатони тузатишнинг имконияти йўқ”.<sup>193</sup>

Моддий хатони мавжудлиги ёки қилмиш билан жазони баҳолашда енгиллаштирувчи томонга ўтишининг ҳуқуқий асоси бор (ЎзР ЖКнинг 491 м.), яъни ҳукмни бекор қилмасдан уни маҳкумни фойдасига ўзгартиришнинг имконияти мавжуд.

Бу ўринда В.Д.Адаменко ва И.Е.Береговойларнинг фикри билан келишиб бўлмайди. Уларнинг фикрича ҳукмни бекор қилиш ёки ўзгартириш асосларини (ЖПКнинг 484 м.) таснифлаш лозим, яъни ҳукмни бекор қилиш асосларига ва ҳукмни ўзгартириш асосларига.<sup>194</sup> Улар томонидан ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра бекор қилинган ҳукмлар 64-75 %ни, ўзгартирилгани 25-36 %ни ташкил этган. Шунинг учун ҳам ҳукмларни бекор қилиш асослари алоҳида норма бўлиши керак деб, хисоблайдилар.

Бизнинг фикримизча, ушбу масала ЎзР ЖПК сида тўғри ҳал қилинган. Биринчидан, ЖПКнинг 484-моддаси келтирилган асосларни таснифлашга хожат йўқ, қолаверса бунга зарурият сезилмайди, чунки қонуннинг ўзи ҳукмни ўзгартиришни 491-модда қилиб киртиш билан таснифлаш масаласини узил-кесил ҳал қилган, қолаверса ЖПКнинг 484-моддасида қайд

<sup>189</sup> Рахунов Р.Д. Научно-практический комментарий к Основам уголовного судопроизводства Союза ССР и союзных республик. -М.: 1960. -Б. 263-264.

<sup>190</sup> Давыдов П.М., Сидоров Д.В., Якимов П.П. Судопроизводство по новому УПК РСФСР.-Свердловск: 1962. -418 б.

<sup>191</sup> Познанский В.А. Вопросы теории и практики кассационного производства в уголовном процессе. -Саратов: Изд. Саратовского ун-та, 1978. -Б. 80.

<sup>192</sup> Кудин Ф.М. Пересмотр в порядке надзора вступивших в законную силу приговоров, определений и постановлений суда. Учебное пособие. -Екатеринбург: 1992. -243 б.

<sup>193</sup> Адаменко В.Д., Береговой И.Е. Судебный надзор оснований отмены, изменения приговора. -Ак-Кем. Барнаул: 1995. -Б. 105.

<sup>194</sup> Ўша ерда. -Б. 106.

етилган ҳукмни бекор қилиш асослари мавжуд бўлганида ҳукм бекор қилиниши ҳам ўзгартирилиши ҳам мумкин.

Лекин амалиётда бу норманинг самарадорлигини ошириш учун қайси асосга кўра ҳукм бекор қилинаётганлиги ёки ўзгартирилаётганлиги аниқ кўрсатиш керак. Жиноят процессуал қонунида бундай талабнинг қўйилмаганлиги юқори инстанция судларини ушбу мажбуриятдан озод этмаслиги лозим, чунки мақсад факат ҳукмни бекор қилиш ёки ўзгартириш эмас балки, келгусида яна шундай хатоларга йўл қўйилмаслиги учун тавсиялар, йўл-йўриклар беришдир.

“Жиноят ишларини апелляция, кассация ва назорат тартибida кўриш амалиёти ҳақида”ги Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2001 йил 1 июн, 5-сонли Қарорида “Ҳукмни ёки ажримни бекор қилиб, ишни қўшимча терговга юбораётганда, юқори босқич суди, айнан қандай ҳолатлар тергов йўли билан қўшимча аниқланиши кераклигини, бундай ҳолатларни суд йўли билан аниқлаш имкони йўқлигини кўрсатиш, ... керак”<sup>195</sup> лиги баён этилган.

Амалиёт натижаларини умумлаштирувчи ҳужжатларда, хисоботларда қайси асосга кўра ҳукм бекор қилингани ёки ўзгартирилгани қайд қилинмайди.

Фикримизча, бу одил-судловнинг сифати ва суд назоратининг самарадорлигига салбий таъсир кўрсатади.

Хали 70-йиллардаёқ В.Алексеев шундай деб ёзган эди: “Ҳатто РСФСР Олий судининг умумлашмаларида ҳам ҳукмнинг бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши учун асос бўлган ҳолат қайд этилмайди”<sup>196</sup> Суд статистикаси ҳам қандайдир даражада жиноятчиликни аҳволини ўрганиш ва таҳлил қилишга ёрдам беради. Масалан, И.Л.Петрухин шундай деб қайд қиласди: «Давлат суд статистикаси ҳукмларнинг ЖПКда қайси асосга нисбатан бекор қилиниши тўғрисидаги маълумотларга эга эмаски, бу суд хатоларининг таркибини аниқлашни жиддий қийинлаштиради»<sup>197</sup>. Ҳақиқатдан ҳам суд амалиётини ўрганиш ва таҳлил қилиш истиқболда шундай хатоларга йўл қўйилмаслиги учун гаров бўлади.

Судларнинг апелляция, кассация ва назорат ҳужжатларининг матнини ва уни расмийлаштиришни сифатига талабчанликнинг кучайтирилиши нафақат одил судловнинг кафолатларини таъминлашга шу билан бирга унинг самарадорлигининг ошишига, суд хатоларини аниқланиши ва ўз вақтида бартараф этилишига ёрдам беради. «Суд қарорларининг бекор қилиниши ва ўзгартирилиши учун асосларнинг характеристини тадқиқ қилиш - деб адолатли равища қайд қилган эди В.Б.Алексеев<sup>198</sup> ва А.Д.Бойковлар<sup>199</sup>, - суд

<sup>195</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қарорлари тўплами. 1999-2005. -Б. 90.

<sup>196</sup> Алексеев В.Б. Основания и пределы изменения приговора кассационной инстанцией // Юстиция. -1969.-№ 20. -Б. 26.

<sup>197</sup> Петрухин И.Л. Гласность судопроизводства гарантия правосудия// Гарантии прав личности в уголовном праве и процессе. – Ярославль: 1981. –Б..37.

<sup>198</sup> Алексеев В.Б. Основания и пределы изменения приговора кассационной инстанцией // Юстиция. -1969.-№ 20. -Б. 26.

<sup>199</sup> Бойков А.Д. К проекту УПК Российской Федерации. // Законность. -1992. -№ 2. -Б. 11.

хатоларининг кўпроқ ёки камроқ барқарор қонуниятларини аниқлашга, уларнинг олдини олишга нисбатан табақалаштирилган тарзда ёндашишга, юқори турувчи судлар томонидан судларнинг фаолияти устидан назоратни кучайтиришга имконият яратади».

Янги очилган ҳолатлар муносабати билан иш юритишни қайтадан бошлаш назорат тартибида иш юритиш босқичига таалуқли бўлса ҳам, унда хукмни бекор қилиш асослари бутунлай бошқача.

ЖПКнинг 522-моддасига кўра янги очилган ҳолатлар муносабати билан иш юритишни қайтадан бошлаш учун асослар қуийдагилар:

1) жабрланувчи ёки гувоҳнинг била туриб ёлғон кўрсатув ёхуд экспертнинг била туриб ёлғон хулоса бергани, шунингдек ашёвий далиллар, тергов ҳамда суд ҳаракатлари баённомалари ва бошқа ҳужжатлар сохта эканлиги ёки била туриб ёлғон таржима қилингани қонунга хилоф ва асоссиз хукм ёки ажрим (қарор) чиқарилишига сабаб бўлганлиги суднинг қонуний кучга кирган хукми билан аниқланганлиги;

2) жиноят иши бўйича тергов ўтказган суриштирувчи ёки терговчи ёхуд терговнинг бориши устидан назорат қилган прокурор томонидан қонунга хилоф ва асоссиз хукм ёки ажрим (қарор) чиқаришга олиб келган жиноий сустеъмолларга йўл қўйилгани суднинг қонуний кучга кирган хукми билан аниқланганлиги;

3) мазкур ишни кўриш чоғида судьяларнинг жиноий сустеъмолларга йўл қўйигани суднинг қонуний кучга кирган хукми билан аниқланганлиги;

4) хукм ёхуд ажрим (қарор) чиқариш чоғида судга маълум бўлмаган, ўз ҳолиҷа ёки илгари аниқланган ҳолатлар билан биргалиқда маҳкумнинг айбисизлигидан ёхуд у хукм этилганига нисбатан оғирлик даражаси бўйича бошқа жиноят содир этганлигидан ёхуд оқланган ёки иши тутатилган шахснинг айбдорлигидан далолат берадиган бошқа ҳолатлар.

Е.Б.Мизулина жиноят процессида кассация ва назорат инстанциялари учун хукмни бекор қилиш ёки ўзгартириш учун асослар умумий лекин янги очилган ҳолатлар учун бутунлай бошқа, чунки ҳар иккала асоснинг предмети бузилган хукм бўлгани билан обьекти ва мазмуни турлича<sup>200</sup> дейди. Бу фикрни М.С.Строгович, А.Л.Грун, В.И.Шиндлар қўллаб-қувватлайдилар.<sup>201</sup> И.Д.Перлов янги очилган ҳолатлар муносабати билан иш юритишни қайтадан бошлаш мустақил институт ва хукмни бекор қилиш ёки ўзгартириш асосларидан жиддий фарқ қиласди. Улар бир инстанцияга тегишли бўлсалар ҳам улардаги айнан шу фарқ нафақат босқичнинг шу билан бирга асосларнинг ҳам ўзига хос хусусиятини белгилайди,<sup>202</sup> дейди. Бу асослар жиноят иши мазмунидан келиб чиқадиган ҳолатларга кўра белгиланади.

Янги очилган ҳолатлар муносабати билан иш юритишни қайтадан

<sup>200</sup> Мизулина Е.Б. Природа надзорного производства по уголовным делам: Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. –Казань: 1983. -Б. 7-8.

<sup>201</sup> Строгович М.С. Проверка законности и обоснованности судебных приговоров. – М.: 1959. -Б. 248.; Грун А.Л. Пересмотр приговоров в порядке судебного надзора. – М.: 1969. -Б. 64.; Шинд В.И. Рассмотрение уголовных дел президиумами судов. –М.: 1960. -Б. 173.

<sup>202</sup> Перлов И.Д. Кассационное производство в уголовном процессе. –М.: 1968. -Б. 305.

бошлаш учун асосларни мустақил гурухга ажралиб чиқишига асосий сабаб, уларни аниқлаш учун алоҳида процессуал услубнинг талаб қилинишидир. Бу эса мазкур ҳолатларнинг процессуал моҳиятини янада аниқ ва тўла акс эттиради. Янги очилган ҳолатлар хукмни бекор қилиш ёки ўзгартириш асосларига ўхшаб ҳукм чиқмасидан олдин объектив воқеликда мавжуд бўлади. “Бироқ бу ҳолатларнинг судга маълум бўлмаганлиги ёки билиб туриб, атайнин ҳукм чиқарилганлиги ва бу ҳукм қонуний кучга киргандан кейин аниқланиши янги очилган ҳолатларнинг мазмунини белгилайди”.<sup>203</sup>

Хулоса қилиб шуни айтмоқчимизки: биринчидан, қонунда мавжуд бўлган асосларнинг рўйхати ҳукмнинг қонунийлиги, асослилиги ваadolatлилигини текширишга доир фаолиятни енгиллаштиради, қуйи судларнинг қонунсиз, асоссиз ва адолатсиз чиқарилган ҳукмини бекор қилиш ёки ўзгартириш шаклидаги ҳуқуқни қайта тикловчи санкцияларни қўллаш бўйича қабул қиласидан қарорлари учун юридик база бўлади. Иккинчидан, бундай рўйхат ноқонуний асоссиз ва адолатсиз чиқарилган ҳукмнинг бекор қилиниши ёки ўзгартирилишини таъминлайди, айни бир пайтда қонуний, асосли ва адолатли ҳукмнинг бекор қилинишини истисно қиласи. Учинчидан, ҳукмнинг бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши учун асослар рўйхатини ўз ичига оладиган нормалар дастлабки тергов органлари ва биринчи инстанция судларининг фаолиятини тўғри ташкил этишга ёрдам беради, ҳукмнинг бекор қилиниши ёки ўзгартирилишига асос бўладиган хатоларни кўрсатади. Бу билан кўрсатилган идоралар ва мансабдор шахсларнинг дикқат-эътибори ишнинг энг муҳим жиҳатларига қаратилади ва қонуний асосли ва адолатли ҳукм чиқаришга йўналтирилади. Тўртинчидан, ҳукмни бекор қилиш ёки ўзгартириш асослари процесс иштирокчиларининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда қўшимча кафолат сифатида хизмат қиласи. Бундай рўйхат туфайли улар ўзларининг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун процессуал воситалардан яхшироқ фойдаланиш имкониятига эга бўладилар. Ҳукмни бекор қилиш ёки ўзгартириш асослари рўйхати ёрдамида бузилган ҳуқуқлар ва манфаатларнинг яна қайтадан тикланиш механизми ишга солинадики, бу пировард оқибатда айбсиз шахсларнинг оқланишига ва айборларнинг жазоланишига олиб келади.

Шундай қилиб, қонунда мавжуд бўлган ҳукмни бекор қилиш ёки ўзгартириш асосларининг рўйхати қонуний ҳисобланиб, тарихий жараён натижасида тизим сифатида шаклланган. Унинг асосий мақсади суд назоратининг ҳукм, ажрим ва қарорларни текшириш воситаси орқали одил судловни таъминлашга фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилишга, адолат ва ҳақиқат мезонларини ўрнатишга хизмат қилишdir.

<sup>203</sup> Филипов П., Громов Н., Шурыгин А. Основания возобновления уголовных дел по вновь открывшимся обстоятельствам. // Юстиция. 1992. - № 9-10. -Б. 15.

## **НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ**

### **Жиноят процессуал қонуннинг долзарб муаммолари**

1. Жиноят процессуал қонунчилигининг тузилиши, мазмуни, шакли ва хусусиятларига тўхталиб ўтинг.
2. Бугунги кунда жиноят процессуал қонунчилигини такомиллаштириш юзасидан қандай муаммолар мавжуд?
3. Жиноят процессуал нормаларининг назарий ва амалий аҳамияти нимадан иборат?
4. Жиноят процессуал қонуннинг вақт, худуд ва шахс бўйича амал қилишига таъриф беринг.
5. Жиноят процессуал қонунчилиги чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга нисбатан қай тарзда тадбиқ қилинади?
6. Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал қонунчилигининг хорижий мамлакатлар ва МДҲ давлатлари жиноят процессуал қонунчилиги билан қандай ўхшаш ва тавофтли жиҳатлари мавжуд?

### **Жиноят процессал фаолиятни амалга оширишда жиноят процесси принципларини қўллаш муаммолари**

1. Ўзбекистон Республикаси ЖПКда мустаҳкамланган принципларни санаб ўтинг.
2. Жиноят процесси принципларининг умумий тавсифи, моҳияти ва мазмунига таъриф беринг.
3. Жиноят процесси принципларининг мантиқий асоси деганда нимани тушунасиз?
4. Жиноят процесси принципларининг ўртасида қандай боғлиқлик бор?
5. Жиноят процесси принциплари тизимига умумийлик ва суд назорати принципларини жорий қилиш қандай аҳамиятга эга?
6. Жиноят процесси принциплари тизимига медиация институтини тадбиқ қилиш тўғрисида қандай фикрдасиз?
7. Сизнингча, айнан бир қилмиш учун тақроран жиноий жавобгарликка тортишга йўл қўймаслиги институтини жиноят процесси принциплари даражасига кўтарилиши орқали қандай афзалликларга эришиш мумкин?
8. Шахс дахлсизлиги принципининг заруриятига тўхталиб ўтинг.
9. Ўзаро-ёзишмалар, телефон ва сўзлашув қурилмалари, поча, телеграф ҳамда бошқа маълумотларни сир сақлаш принципини жорий қилиш юзасидан мулоҳазаларингизни билдиринг.
10. Жиноят процесси принциплари ва халқаро ҳукуқий нормалар ўртасидаги боғлиқликка таъриф беринг.

### **Жиноят процессида далиллар ва исботлаш ҳукуки**

1. Жиноят процессида ҳақиқатни аниқлаш учун қандай восита ва усуллардан фойдаланилади?
2. Даил деб нимага айтилади?
3. Даил деб эътироф этишнинг қандай шартлари мавжуд?
4. Испотлашнинг ҳуқуқий табиатига тўхталиб ўтинг.
5. Испотлаш ҳуқуқи билан даиллар ўртасида қандай муносабатлар мавжуд?
6. Жиноят процессининг қайси иштирокчилари испотлаш субъектлари ҳисобланадилар?
7. Испотлаш процессининг барча иштирокчиларини санаб ўтинг.
8. Испотлаш жараёнида қандай процессуал кафолатлар назарда тутилган?
9. Даилларни тўплаш турларига таъриф беринг.
10. Даилларни текшириш ким томонидан ва қандай тартибда амалга оширилади?
11. Испот қилишда тезкор-қидирав фаолияти натижаларидан қай тарзда фойдаланилади?
12. Даилларнинг турларини санаб ўтинг.
13. Қайси ҳолатларда даиллар мақбул, етарли, ишга алоқадор деб эътироф этилади?

### **Жиноят процессида процессуал мажбурлов чоралари**

1. Ўзбекистон Республикаси ЖПКда процессуал мажбурлов чораларининг қандай турлари назарда тутилган?
2. Сизнинг фикрингизча қайси процессуал мажбурлов чоралари шахс эркинлигини кўпроқ чеклайди?
3. Ушлаб туриш ва қамоқقا олишнинг шартлари ва асосларига таъриф беринг.
4. Ушлаб туриш ва қамоқقا олиш ўртасида қандай ўхшашлик ва тафовутлар мавжуд?
5. Эҳтиёт чораларининг турлари ва уларни кўллашнинг асос ҳамда мақсадларига тўхталиб ўтинг.
6. Процессуал мажбурлов чораларини қўллаш устидан суд назоратини ўрнатиш борасида мамлакатимизда қандай тадбирлар амалга оширилмоқда?
7. Процессуал мажбурлов чораларини қўллашнинг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилиги устидан судга шикоят қилиш тартибига тўхталиб ўтинг.

### **Дастлабки тергов умуний шартларининг амалиёт билан узвийлиги**

1. Дастлабки терговнинг умуний шартларини санаб ўтинг.
2. Терговга тегишлилик деганда нимани тушунасиз ва уинг қандай турлари бор?
3. Жинояни очишга жамоатчиликни жалб қилишнинг қандай назарий ва

амалий жихатлари мавжуд?

4. Дастребки тергов босқичида шахс хуқуқларини муҳофаза қилишнинг кафолатларига тўхталиб ўтинг.
5. Дастребки тергов муддатларига риоя қилиш дегенда нимани тушунасиз?
6. Терговчининг мустақиллиги нималардан иборат?

### **Дастребки терговни тўхтатиш, тугатиш ва тамомлашнинг назарий ва амалий аҳамиятлари**

1. Дастребки терговни тўхтатишнинг қандай шарт ва асослари мавжуд?
2. Айбланувчига нисбатан қайси ҳолларда қидирав эълон қилинади?
3. Дастребки терговни тугатишнинг ўзига хос хусусиятларига тўхталиб ўтинг.
4. Жиноят ишини тугатишда асосан қандай процессуал хатоларга йўл кўйилиши мумкин?
5. Дастребки терговни тамомлаш турларини санаб ўтинг.
6. Дастребки тергов тўхтатилганда қандай тергов ҳаракатлари олиб борилиши мумкин?

### **Жиноят процессида суд муҳокамасини такомиллаштириш муаммолари**

1. Суд муҳокамасининг умумий шартларини санаб ўтинг.
2. Суд муҳокамаси доираси белгилашнинг қандай назарий ваамалий аҳамияти бор.
3. Қандай ҳолатларда суд муҳокамаси босқичида жиноят ишлари тўхтатилади ёки тугатилади.
4. Жиноят ишларини суд муҳокамасини кўриш вақтида қайси масалалар ҳал этиади.
5. Айбга иқрорлик институти деганда нимани тушунасиз.
6. Ярашувчилик тўғрисидаги ишларни судда кўришнинг ўзига хос хусусиятларига тўхталиб ўтинг.

### **Хукм, ажрим ва қарорларнинг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини текшириш**

1. Хукм, ажрим ва қарорларнинг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини текширишнинг қандай зарурияти бор?
2. Хукм, ажрим ва қарорларнинг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини текширишнинг қандай турлари мавжуд?
3. Суд қарорлари устидан шикоят бериш ва протест билдириш хуқуқи қай тарзда таъминланади?
4. Қандай асосларга кўра ҳукмлар бекор қилинади ва ўзгартирилади?
5. Юқори судда жиноят ишини кўриш чегараси ва муддатларига тўхталиб

ўтинг?

6. Апелляция, кассация ва назорат инстанцияларида иш юритиш тартибига қисқача таъриф беринг.

## АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон, 2003, – 40 б.
2. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қарорлари тўплами. 1999-2005 йй. –Т.: 2005. -Б. 84
3. Ўзбекистон Республикаси ЖПКга шархлар. -Т.: Адолат, 2000. –Б. 464.
4. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 1-2 сон, 11-модда.
5. Ўзбекистон Республикасининг жиноят процесси. Дарслик / Б.А.Миренский, А.Х.Рахмонқулов, Ж.Камолходжаев, В.В.Қодирова. –Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2004. –Б. 189.
6. Donald J. Newman. Conviction: The Determination of Guilt or innocence Without Trial. Little, Broun (1966).
7. Raymond Moley. Politics and Criminal Prosecution. Minton, Baleh (1929), Р. 164
8. Адаменко В.Д., Береговой И.Е. Судебный надзор за основаниями отмены, изменения приговора». Ак-Кем. Барнаул., 1995. -Б. 52.
9. Александров А.С., Ковтун Н.Н. Основания к отмене (изменению) приговора в суде аппеляционной инстанции // Государство и право. -2001. - №10. –Б. 55.
- 10.Алексеев В.Б. Основания и пределы изменения приговора кассационной инстанцией // Юстиция. -1969.-№ 20. –Б. 26.
- 11.Алексеев С.С. Уголовный процесс. –М.: Юристъ, 1995. –Б.123.
- 12.Андреев В.Н. Содержание под стражей в СССР и России. –М.: Спарк, 2000. –Б.67.
- 13.Анушат Э. Искусство раскрытия преступлений и законы логики. –М.: Лекс-Эст, 2001. –Б.27.
- 14.Арсеньев В.Д. Вопрос общей теории судебных доказательств. –М.: Юрид.лит., 1964. –Б.3.
- 15.Арсеньев В.Д. Вопросы общей теории судебных доказательств в уголовном процессе. - -М.: 1964.-Б.179.
- 16.Банин В.А. Предмет доказывания в уголовном процессе. (Гносеологическая и правовая природа) -Саратов: Изд. Саратовского ун-та, 1981. –Б.122.
- 17.Басков В.И. Курс прокурорского надзора. -М.: 1999. –Б. 141.
- 18.Бахрах Д.Н. Административная ответственность.–М.: 1999. –Б.10-24.
- 19.Бекешко С. П. Практикум по уголовному процессу. Учеб. пособие. Для студентов юр. факультетов и ВУЗов Минск изд. БГУ имени В.И. Ленина. 1979 г. -Б. 18.
- 20.Белкин А.Р. Теория доказывания. –М.: Норма, 1999. -Б.6-7.
- 21.Белоусов А.В. Процессуальное закрепление доказательств при расследовании преступлений. –М.: Юрлитинформ, 2001. –Б. 174.
- 22.Белоусов С.А. Подследственность в уголовном процессе и вопросы её

- совершенствования: Афтореф. дисс.... канд. юрид. наук.-Т.:1994. –Б..15.
- 23.БМТ Биш Ассамблеяси томонидан 1989 йил 20 ноябрда қабул қылган Болалар хуқуқи Международные акты. –М.: Юристъ, 2000. –Б.208.
- 24.Богословская Л.А. Основания к отмене или изменению приговоров. Учебное пособие. Харьков. 1981. -54.б; Ковтун Н.Н. Судебный контроль в уголовном судопроизводстве России: понятие, сущность формы. -Нижний Новгород: 2002. -474 б.
- 25.Бойков А.Д. К проекту УПК Российской Федерации. // Законность. - 1992. -№ 2. -Б. 11.
- 26.Бойцова Л.В. Реализация принципа толкования сомнений в пользу подсудимого в судебном разбирательстве. // Охрана прав и интересов обвиняемого в свете правовой реформы. –Кемерово: 1993. –Б. 93-94.
- 27.Бризницкий А., Зажицкий В. Относимость и достоверность доказательств в уголовном судопроизводстве. // Юстиция .-1982. -№3. -Б.6-7.
- 28.Васильева Е.Г. Меры уголовно-процессуального принуждения. –Уфа: БашГУ, 2003. –Б.69.
- 29.Васильева Е.Г. Проблемы ограничения неприкосновенности личности в уголовном процессе. Дисс.... канд. юрид. наук. –Уфа: БашГУ, 2002. –Б.34, 105-106.
- 30.Винберг А.М., Шавер Б.М. Криминалистика. - М.: 1962. –Б.180.
- 31.Владимиров Л.Е. Учение об уголовных доказательствах. – Тула: Автограф, 2000. -Б. 171.
- 32.Вобедкин А.В. Аппеляционное производство в уголовном процессе России // Государство и право. -2001. -№3. -Б. 46-50.
- 33.Воеводин Л.Д. Юридическая природа конституционных прав свобод и обязанностей человека и гражданина // Юридический статус личности в России. –М.: 1997. –Б.152.
- 34.Воеводин Л.Д. Юридический статус личности в России. -М.: 1997. -Б. 42.
- 35.Возбуждения уголовного дела и предварительное расследование./ Под ред. С.В.Бородина, И.Д.Перлова. –М.: ВШ МООП СССР, 1968. –Б. 94-99.
- 36.Вопросы уголовного права и процесса в практике Верховных Судов СССР и РСФСР (1938-1969 гг.) / Под ред. С.В.Бородина. - М.: Юрид. лит., 1971. -Б. 315.
- 37.Воскобитова Л.А. Существенные нарушения уголовно-процессуального закона как основание к отмене приговоров. Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. -М.: 1979. -25 б.
- 38.Гаджиев Н. Экспертам-аудиторам – специальную подготовку// Российская юстиция. -1995. -№2. -Б.45.
- 39.Галкин Б. А. Суд и правосудия в СССР. –Саратов: 1981. -Б. 12.
- 40.Глушков В.С. Изменение приговора в кассационной инстанции: Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. –М.: 1979. -Б. 15.
- 41.Горский Г.Ф., Кокорев Л.Д., Элькинд П.С. Проблемы доказательств в уголовном процессе. –Воронеж: 1978. –Б.94.

- 42.Гришина Е.П. Достоверность доказательств и способы ее обеспечения в уголовном процессе: Автореф. дисс...канд. юрид. наук.- М.: 1996.- Б.18.
- 43.Громов М.А., Францифоров Ю.В. Критерий использования доказательств и результатов ОРД при доказывании. // Следователь. -2001. - №1. –Б.14.
- 44.Громов Н. Заключение эксперта как источник доказательства//Законность. -1997. -№9. -Б.43.
- 45.Громов Н.А. Уголовный процесс России. Учебное пособие. –М.: Юристъ, 1998. –Б. 185; Якупов Р.Х. Уголовный процесс. Учебник. –М.: Зерцало, 1998. –Б.182 ва бошқалар.
- 46.Громов Н.А., Полунин С.А. Санкции в уголовно-процессуальном праве России. -М.: 1998. -Б. 13; Жога Е., Полунин С., Громов Н. Карательные санкции в уголовном процессе // Следователь. -1999. -№ 7. -Б. 6-7 ва бошқ.
- 47.Громов Н.А., Францифоров Ю.В. Правоприменительная деятельность органов предварительного расследования, прокуратуры и судов. -М.: 2000. –Б.66.
- 48.Грун А.Л. Пересмотр приговоров в порядке судебного надзора. – М.: 1969. -Б. 64.
- 49.Гуляев А.П. Процессуальные сроки в стадиях возбуждения и предварительного расследования. -М.: 1976. –Б. 288.
- 50.Гуткин И.М. Меры пресечения в уголовном процессе. –М.: Наука, 1989. –Б.40.
- 51.Гуценко К.Ф.. Уголовный процесс основных капиталистических государств. (Англия, США). Вып.1. –М.: Унив-т друж. Народов, 1969. –Б.98. .
- 52.Д. Бекматова, З.Ф. Иноғомжонова. Жиноят процессида айбга иқрорлик битими. // Давлат ва ҳуқуқ № -3. 2005. –Б 41-42.
- 53.Давлат ва ҳуқуқ назарияси. / Х.Б.Бобоевнинг умумий таҳрири остида. -Т.: ТДЮИ, 2000. –Б.300.
- 54.Давлетов А.А. Основы уголовно-процессуального доказывания: Автореф. дисс.... д-ра юрид. наук. -М.: 1993. -Б. 19-21.
- 55.Давлетов А.Дж. Прокурорский надзор. Учебник. –Нукус: Билим, 1999. – 320 б.
- 56.Давыдов П.М. Производство в кассационной инстанции. Уголовный процесс: Учебное пособие. /Под ред. И.Я. Дюрягина и П.М. Давыдова.- Екатеринбург: 1992. -231 б.
- 57.Давыдов П.М., Сидоров Д.В., Якимов П.П. Судопроизводство по новому УПК РСФСР.-Свердловск: 1962. -418 б.
- 58.Давыдов П.М. Уголовный процесс: Учебное пособие. / Под ред. Дюрягина И.Л. –Екатеринбург: 1992. -Б. 39.
- 59.Де Таквил А. Демократия в Америке. –М.: Прогресс, 1992. -Б. 120.
- 60.Демидов И.Ф. Проблема прав человека в Российском уголовном процессе (концептуальные положения). –М.: 1995. –Б.19.
- 61.Доля Е.А. Использование в доказывании результатов оперативно–розыскной деятельности. –М.: Спарк, 1996. –Б.69.; Воронцова Н. Основания применения мер пресечения по УПК РФ // Российский следователь. –2002. –

№9. –Б.10.

62.Дорохов В., Николаев В. Обоснованность приговора. –М.: Юрид. лит., 1997. –Б. 70-72.

63.Дорохов В.Я. Возбуждение уголовного дела как первоначальная часть стадии предварительного расследования. –М.: 1992. -Б. 114.

64.Дорохов В.Я. Понятия доказательства Теория доказательств в уголовном процессе. / Под ред. Н.В.Жогина. –М.: 1973. -Б. 207-224.

65.Дорохов В.Я. Теория доказательств в уголовном процессе. 2-ое изд. / Под ред. Н.В. Жогина. -М.: 1973. –Б.139.

66.Дорошков В.В. Особый порядок принятия судебного решения при согласии обвиняемого с предъявленным ему обвинением. // Российский судья. -2004. -№9. –Б.17.

67.Дубинский А.Я. Производство предварительного расследования органами внутренних дел.-Киев: КВШ МВД СССР, 1987. –Б. 38.

68.Дубовик Н. «Сделка о признании вины и особый порядок»: сравнительный анализ. // Российская юстиция. -2004. -№4. –Б.21-27.

69.Евдокимов С.В. Правосстановительные меры. -Нижний Новгород: 2001. -Б. 7-14.

70.Епихин А.Ю. Защита законных прав и интересов свидетеля в уголовном процессе: Автореф. дис....канд. юрид. наук.- М.: 1995.- Б.7.

71.Жиноят процесси.Умумий қисм. / З.Ф.Иногомжонованинг умумий таҳрири остида. –Т.: Янги аср авлоди, 2002. - Б. 62.

72.Журавлёв В.Г. Обвинение как уголовно процессуальная функция в уголовном и военно- уголовном процессе. –М.: 1950. –Б. 15.

73.Зажицкий В.М. Использование результатов оперативно-розыскной деятельности./Комментарий к Федеральному закону «Об оперативно-розыскной деятельности» – М.:1997. –Б. 108.

74.Залорский Г.И. Судебное разбирательство по уголовным делам. –М.: Юрид. лит., 1985. –Б.94.

75.Заман Ш., Лебедева Н. Некоторые проблемы использования залога как меры пресечения в уголовном процессе России. // Российский судья. - 2004. -№4. –Б.17.

76.Зинатулин З.З.,Салахов М.С.,Чулюкин Л.Д. Подследственность уголовных дел. –Казань: Казанская Уни-т, 1986. –Б. 7.

77.Золотых В.В.Проверка допустимости доказательств в уголовном процессе. -Ростов-на-Дону: Феникс, 1999. –Б. 164.

78.Ильхамов И. Основания к отмене, изменению решения и вынесению нового решения судом кассационной инстанции. // Научные труды ТашГУ. Вып. 352., 1970. –Б. 116-153.

79.Ильхамов Н. Становление института советской кассации в Туркестане. Общественные науки в Узбекистане. 1966., -№7. –Б. 66-69.

80.Иногомжонова З.Ф. Жиноят процессида суд назорати концепцияси. – Т.: ТДЮИ , 2006. – 135 б.

81.Иномжонов Ш. Жиноят процессида далиллар тақдим қилиш ва фойдаланиш муаммолари. -Т.: Адолат, 2003. 139-б.

82.Иномжонов Ш. Исбот қилиш иштирокчилари фаолиятида далиллар тақдим қилишнинг ўрни ва аҳамияти.// «Ўзбекистон Республикасида адвокатурани такомиллаштириш муаммолари» мавзусидаги илмий-амалий конференция материаллари. –Т.: ТДЮИ, 2003. –Б.77.

83.Ирсалиев А. Вояга етмаганларнинг ишларини судда юритиш. –Т.: ТДЮИ, 2003. – 88 б.

84.К вопросу состязательности в досудебных стадиях уголовного судопроизводства России. // Российский судья. -2001. -№10. -Б. 6.

85.Калашникова Н.Я. Судебное разбирательство по уголовному делу. – М.: Юрид. лит., 1962. –Б.15.

86.Калинин В. Н. Принцип недопустимости ухудшения положения осуждённого при пересмотре судебных решений. //Следователь. -2004. -№5. -Б. 20.

87.Калинкина Л.Д. Существенные нарушения уголовно-процессуального закона и их ограничение от несущественных: Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук.- Саратов: 1982. -Б. 14.

88.Калиновский К.Б., Смирнов А.В. Комментарий к Уголовно-процессуальному кодексу Российской Федерации. / Под общ. ред.: А.В.Смирнова. 2–е изд., доп. и перераб. – СПб.: Питер, 2004. –Б.556.

89.Камакин А. На свободу с чистым кошельком. /URL.<http://www.itogi.ru>; Лаврентьев Д. В защиту залога и поручительства. /URL.<http://www.nasled.ru>.

90.Карев Д.С., Савгиев Н.М. Возбуждение и расследование уголовных дел. –М.: Высшая школа, 1967. –Б.4-5.

91.Карнеева Л.М. Доказательства и доказывание в уголовном процессе. – М.: 1994. –Б.5.

92.Картохина О. А. Начало и прекращение уголовного преследования следователями органов внутренних дел: Дисс. ... канд. юрид. наук. –СПб.: 2003. –Б.54.

93.Клойд Л. Уайнреб. Отказ от правосудия: Уголовный процесс США. - М.: Юридическая литература, 1985 год -С.98.

94.Кобликов А.С. Доказательства в уголовном процессе. Уголовный процесс. Учебник. -М.: 1982. –Б.144.

95.Козусев А. Бандитизм: проблемы доказывания. // Российская юстиция. -1998. -№6. –Б.48-49.

96.Комментарий к УПК РСФСР. /Под ред. А.М..Рекункова. -М.: Юрид. лит., 1985. –Б. 227-228.

97.Конституции зарубежных государств. / Со-Б. Проф. В.В. Малков. -М.: 2000. -Б. 406.

98.Кореневский Ю.В. Актуальные проблемы доказывания в уголовном процессе. // Государство и право. -1999. -№ 2. –Б. 55.

99.Костенко Р.В. Порядок решения конституционного требования допустимости доказательств в ходе уголовного судопроизводства. // Российский судья. -2004. -№9. –Б.18-20.

100. Кругликов А. Следственные действия и проблемы их производства

органами дознания по поручению следователя // Уголовное право. - М.: Интел-Синтез, 2003. - № 3. - Б.91-93.

101. Кудин Ф.М Особенности доказывания в сфере применения уголовно-процессуального принуждения. Межвузовский сборник. – Красноярск: Ун-т, 1985. –Б.70-76.

102. Кудин Ф.М. Пересмотр в порядке надзора вступивших в законную силу приговоров, определений и постановлений суда. Учебное пособие. – Екатеринбург: 1992. -243 б.

103. Кузнецов Н.П. Доказывание в стадии возбуждения уголовного дела. –Воронеж: 1983. -Б. 16.

104. Кузнецов Н.П. Доказывание и его особенности на стадиях уголовного процесса России: Автореф. дисс.... д-ра. юрид. наук. –Воронеж: 1998. –Б.15

105. Кузнецова Н.А.Собирание и использование документов в качестве доказательств по уголовным делам: Автореф. дисс....канд. юрид. наук. –М.: 1996. –Б.12.

106. Кучерук А.Д. Записки народного судьи. Барнаул. 1976. –Б. 22-42.

107. Лазарева В. Теория и практика судебной защиты в уголовном процессе. –Самара: 2000. -Б. 21.

108. Лазарева В.А. Судебная власть и ее реализация в уголовном процессе. –Самара: 1999. –Б.59-60.

109. Ларин А. М. Конституция и уголовно-процессуальный кодекс. // Государство и право. -1993. -№ 10. -Б. 35

110. Ларин А.М. Обязанность доказывания и проблема допустимости доказательств, в частности показаний свидетелей. // Юстиция и сравнительное правоведение. Материалы международного симпозиума. –М.: 1986. –Б. 136-140.

111. Лившиц Л.В. Меры преодоления негативного воздействия на участников уголовного процесса по делам несовершеннолетних // Проблемы предупреждения и пресечения преступности и иных правонарушений молодежи, защиты их прав. –Уфа: 2000. –Б.57.

112. Ликас А.Л. Именем Республики. –М.: 1979. -Б. 70-81; Кочетков Т.В. Народные заседатели высшего судебного органа страны // Высший судебный орган СССР. –М.: 1984. -Б. 140-146.

113. Лупинская П. Основания и порядок принятия решений о недопустимости доказательств.// Российская юстиция.-1994. -№ 11. –Б.42.

114. Лупинская П.А. Доказывание в уголовном процессе. –М.: Наука, 1960. –Б.9.

115. Лупинская П.А. Обстоятельства, подлежащие доказыванию по уголовному делу (предмет доказывания) // Уголовно-процессуальное право Российской Федерации / Под ред. П.А. Лупинской. -М.: 1997. -Б. 136.

116. Лысов Н.Н. Криминалистическое учение о фиксации доказательственной информации в деятельности по выявлению и раскрытию преступлений: Автореф. дисс.... д-ра юрид. наук.-М.: 1995. –Б.29.

117. Макаркин А.Н. Состязательность на предварительном следствии:

Автореф. дисс.... канд. юрид. наук. –СПб.: 2001. –Б.19.

118. Макарова З.В. Гласность уголовного процесса. Челябинск, 1993. -Б. 128.

119. Масленникова Л.Н., Батуев В.В. О совершенствовании процессуальных норм, регламентирующих понятие доказательств в уголовном процессе // Следователь. – 1998. - № 3. – Б. 15-22.

120. Махов В.Н., Пешков М.А. «Состязательность» моделей уголовного процесса США. // Государство и право. -1999. -№12. –Б.83.

121. Мещеряков Ю.В. Уголовное судопроизводство. –Л.:1990. –Б.116.

122. Мизулина Е.Б. Природа надзорного производства по уголовным делам: Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. –Казань: 1983. -Б. 7-8.

123. Миньковский Г.М. Пределы доказывания. –М.: 1956.-Б.4.

124. Михайлов В.А. Меры пресечения в российском уголовном процессе. -М. 1996. –Б.6-11.

125. Михайлов В.А. Методологические основы мер пресечения. –М.: Академия управления МВД России. 1998. –Б.6.

126. Михайловская И.Б. Уголовно-процессуальные основы деятельности органов внутренних дел. -М.: 1968. –Б.62.

127. Модельный Уголовно–процессуальный кодекс для Государств – Участников СНГ // Информационный бюллетень Межпарламентской Ассамблеи СНГ. –1996. –№10. Приложение.

128. Монтеские Ш. Избранные произведения. -М.: 1955. –Б. 170.

129. Москвитина Т.А. Существенные нарушения уголовно-процессуального закона и средства их выявления, устранения и предупреждения в уголовном процессе. Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. – Казань: 1997. -22 б.

130. Муратова Н.Г. Система судебного контроля в уголовном судопроизводстве; вопросы законодательного регулирования и практики. – Казань: 2004. – 456 б.

131. Мухин И.И. Объективная истина и некоторые вопросы оценки судебных доказательств при осуществлении правосудия. –М.: Юристъ, 2001. –Б.142.

132. Неутов В.Д. Целесообразность применения денежного залога в качестве меры пресечения. –М.: 2001, -Б.113.

133. Норпўлатов Н.Н. Суд муҳокамасига тайёргарлик қилиш, амалий ва назарий муаммолар: Юрид. фан. номзоди.... диссертацияси. – Т.:2000. –151 б.

134. Овсянников И. Логика доказывания в уголовном процессе // Российская юстиция. – 1998. - № 9. -Б.5.

135. Овсянников И. Повысить надежность процессуального доказывания // Уголовное право. – 1999. - № 1.

136. Орлов Ю.К. Основы теории доказательств в уголовном процессе. Научно–практическое пособие.–М.: Проспект, 2000. –Б.35-39.

137. Пашин С.А. Проблемы доказательственного права судебная реформа юридический професионализм и проблемы юридического

образования. Дискуссии. –М.: 1995. -Б. 315

138. Перлов И.Д. Кассационное производство в уголовном процессе. – М.: 1968. -Б. 305.

139. Перлов И.Д. Надзорное производство в уголовном процессе. –М.: Юрид. лит. 1997. -Б. 174.

140. Петрухин И.Л. Гласность судопроизводства гарантия правосудия// Гарантии прав личности в уголовном праве и процессе. – Ярославль: 1981. – Б..37.

141. Петрухин И.Л. Неприкосновенность личности и принуждение в уголовном процессе. –М.: Наука, 1989. –Б.224.

142. Петрухин И.Л. Человек и власть (в сфере борьбы с преступностью). -М.: 1999. -Б. 229-247.

143. Плетнев В. Проблемные вопросы собирания доказательств по новому УПК // Российская юстиция. – 2002. - № 9. -Б.49.

144. Познанский В.А. Вопросы теории и практики кассационного производства в уголовном процессе. –Саратов: Изд. Саратовского ун-та, 1978. -Б. 80.

145. Пономаренков В.А., Николайченко В.В., Громов Н.А. Процессуальная форма доказывания. // Следователь. -1998. -№9. –Б.29.

146. Права человека. Учебник для вузов. / Отв. ред. Лукашева Е.А. -М.: 1999. –Б.305.

147. Пулатходжаев С. Некоторые правила кассационного и надзорного производства нуждаются в изменении. // Законность. -1969. -№12. –Б. 31-33.

148. Пўлатов Б.Х. Судларда жиноят ишлари кўрилишида прокурорнинг процессуал фаолияти. –Т.: 2004. – 311 б.

149. Радутная Н.В. Народный судья. Профессиональное мастерство и подготовка. –М.:1977. -Б. 4.

150. Ратинов А.В. Вопросы следственного мышления в свете теории информации. – М.: Наука, 1997. –Б.58.

151. Рахунов Р.Д. Научно-практический комментарий к Основам уголовного судопроизводства Союза ССР и союзных республик. -М.: 1960. -Б. 263-264.

152. Ривлин А.Л. Пересмотр приговоров. –М.: 1958. –Б.168.

153. Ривлин А.Л. Предмет допроса в уголовном процессе. –Харьков: 1940. –Б. 108.

154. Руднев В. Залог в России, «бэйл» в США: сравнительный анализ// Российская юстиция. -1998. -№4.-Б.22.

155. Рыжаков А. П. Следственные действия и иные способы собирания доказательств.-М.: 1997. –Б. 9.

156. Рыжаков А.П. Меры пресечения // Как юрист юристу. –2002 . –№6. –Б.67.

157. Савицкий В. М. Презумпция невиновности. –М.: Норма, 1997. –Б. 5.

158. Савицкий В. Последние новеллы УПК: порядок и сроки содержания под стражей // Российская юстиция. –1997. –№5. –Б.17

159. Савицкий В.М. Что такое уголовный процесс. –М.: Знание, 1987. –

Б.142.

160. Салиев Ю. Раскрытие преступлений как уголовно- процессуальная функция. -Т.: 1991. –Б.27.
161. Саркисянц Г.П. К вопросу о понятии «существенный» при отмене или изменении приговора в уголовном процессе. // Проблемы государства и права. –Т.: -1980. –Б. 31-38.
162. Саркисянц Г.П. Участие защитника в уголовном процессе. -Т.: Фан, 1971. –Б.79.
163. Сарсенов К.М. Государственное принуждение и его реализация в деятельности органов внутренних дел: Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. - СПб.: 1996. -Б.12.
164. Свердлык Г.А. Страунинг Э.П. Понятие и юридическая природа самозащиты гражданских прав // Государство и право. –1998. –№5. –Б. 21.
165. Семенцов В.А. О доказательственном значении и процессуальном порядке закрепления материалов видео- и звукозаписи.// Следователь. -1995. -№1. -Б. 10-12.
166. Сильнов М.А. Вопросы обеспечения допустимости доказательств в уголовном процессе (досудебные стадии). - М.: МЗ-Пресс, 2001. – Б.112.
167. Сильнов М.А. Некоторые вопросы обеспечения следователем допустимости доказательственной информации при допросе // Правовед: Межвуз. научно-метод. сборн. - Вып. 1 – Новгород: НовГУ им. Ярослава Мудрого, 1998. - Б. 114-117.
168. Скуратов Ю.И., Семенов В.М. Правоохранительные органы России. Учебник. –М.: Юрид. лит., 1998. –Б.18.
169. Смирнов А. В. Модели уголовного процесса. –СПб: Наука, -2000. - Б. 86
170. Снегирев Е.А. Оценка доказательств по внутреннему убеждению: Автореф. дисс.... канд. юрид. наук. –Воронеж: ВГУ, 2002. –Б.10.
171. Спасенников Б.А. Принудительные меры медицинского характера: история, теория, практика. -М.: Юридический центр Пресс, 2003. -Б.158.
172. Стерник И.Б. Кассационное производство по УПК УзССР 1959. // Научные труды ТашГУ. Вып.267., 1964. –Б. 116-127.
173. Строгович М.С. Курс уголовного процесса. -М.: Наука, 1970. – Б.44.
174. Строгович М. С. Курс уголовного процесса. –М.: Наука, 1968. -Б. 175.
175. Строгович М.С. Проверка законности и обоснованности судебных приговоров. – М.: 1959. -Б. 248.
176. Строгович М.С. Уголовное преследование в уголовном процессе. - М.: 1951. –Б. 98.
177. Тавровский Б.М. Уголовно-процессуальные основания к отмене или изменению приговора кассационной инстанцией: Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. – М.:1978. -Б. 9-10.
178. Теория государства и права. /Под ред. В.М. Корельского и В.Д. Перевалова. -М.: 1998. -Б. 133.

179. Томин В. О понятии принципа современном уголовном процессе. Труды. –М.: ВШ. МООП. РСФСР, 1965. -Б. 194.
180. Томин В.Т. Выявление и устранение обстоятельств, способствовавших совершению преступления и цель уголовного процесса. // Проблемы борьбы с преступностью. Вып.1. -1970. -Б. 155-156; Пашкевич П.Ф. Закон и судейское усмотрение. // Государство и право. -1982. -№1. -Б. 58.
181. Тўлаганова Г.З. Жиноят процессида эҳтиёт чораларининг қўлланиши муаммолари. –Т.: Адолат, 2005. –Б.13.
182. Тўлаганова Г.З. Жиноят процессида эҳтиёт чораларининг қўлланиши муаммолари: Юридик фанлари номзоди... дисс. автореф. –Т.: ТДЮИ, 2004.-22 б
183. Тўхташева У.А. Аппеляционное производство в уголовном процессе Республики Узбекистан. Самарканд. 2003. - 142 б.
184. Тюрин В.А. О понятии мер пресечения в административном законодательстве // Государство и право. –2002. –№7. –Б.26-29
185. Уголовное правосудие и принцип состязательности в судебном процессе. –Т.: Адолат, 2000. –Б.6.
186. Уголовный процесс. /Под ред. Н.С. Алексеева, В.З. Лукашевича, П.С. Элькинда. –М.: 1972. -Б. 153.
187. Уголовный кодекс Российской Федерации. –М.: БЕК, 2002. -320 б.
188. Уголовный процесс европейских государств. / Под.ред. Божьева В.П. -М.: Юрид. лит., 1978. –Б. 15.
189. Уголовный процесс. / Под ред. К.Ф. Гуценко. -М.: 1997. -Б.110.
190. Уголовный процесс. / Под ред. Л.М. Карнеевой. -М.: Юрид. лит., 1980. –Б. 237
191. Уголовный процесс. / Под ред. Н. С. Алексеева. –М.: Юристъ, 1995. –Б.89.
192. Уголовный процесс. /Под. ред. К. Ф. Гуценко. –М.: Зерцало, 1997. –Б.301.
193. Уголовный процесс: Учебник для вузов. /Под общ. ред. П.А. Лупинской. –М.: Юристъ, 1995. -Б. 92.
194. Фаткулин Ф.Н. Общие проблемы доказывания. –Казань: 1976. –Б.93; Уголовный процесс. / Под общей ред. П.А.Лупинской. –М.: 1995. –Б.140.
195. Фаткулин Ф.Н. Общие проблемы процессуального доказывания. –М.: 1973. –Б. 18-19.
196. Филипов П., Громов Н., Шурыгин А. Основания возобновления уголовных дел по вновь открывшимся обстоятельствам. // Юстиция. 1992. - № 9-10. -Б. 15.
197. Хмыров А.А. Проблемы теории доказывания. –Казань: 1996. –Б.39-42.
198. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига оид халқаро ҳужжатлар. Тўплам. Масъул мухаррир А.Х.Сайдов. –Т.: Адолат, 2004. –Б.13.
199. Чельцов М.А. Уголовный процесс. -М.: Госюриздат, 1951. –Б. 227.

200. Чельцов М.А. Обвиняемый и его показание в уголовном процессе. - М.: Госюризат, 1947. -Б.40.
201. Чельцов М.А. Система основных принципов уголовного процесса. - М.: 1946. -Б. 130.
202. Чельцов М.А. Уголовный процесс. -М.: 1962. - 461 б.
203. Чистяков Н.Ф. Верховный суд СССР. -М.: 1984. -Б. 79.
204. Чичерин Б. Н. Курс государственной науки. Ч. I. Общее государственное право. -М.: 1894. -Б. 319.
205. Чувилев А., Лобанов А. О порядке признания судом недопустимости доказательств по уголовному делу. // Российская юстиция. - 1996. №11. -Б. 46.
206. Чудинов Э. М. Природа научной истины. -М.: Юризат, 1997. - Б.11.
207. Шейфер С.А. Доказательства и доказывание по уголовным делам: проблемы теории и правового регулирования. -Тольятти: 1998. -Б.28.
208. Шейфер С.А. Следственные действия. Система и процессуальная форма. -М.: Юрлитинформ, 2001. -Б.74.
209. Шило Н.Л. Кассационное и надзорное производство в уголовном процессе. Учебное пособие. - Ашхабад: 1975. -Б. 12.
210. Шимановский В.В. Общие условия производства предварительного следствия. -Л.: 1983. -Б.5.
211. Шинд В.И. Рассмотрение уголовных дел президиумами судов. -М.: 1960. -Б. 173.
212. Элькинд П.С. Цели и средства их достижения в уголовно-процессуальном праве. -Л.: 1976. -Б. 44.
213. Юридическая наука – практике // Вестник МГУ. Серия "Право". - 1995. №6. -Б.66.
214. Ягодинский В.Н. Соблюдение подследственности в деятельности органов внутренних дел : Проблемы дальнейшего укрепления социалистической законности при расследовании преступлений органами внутренних дел. -Киев.: КВШ МВД СССР, 1988. -Б.62.

## МУНДАРИЖА

<b>КИРИШ .....</b>	2
<b>1- БОБ. ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИНинг ТУШУНЧАСИ ВА МОҲИЯТИ .....</b>	3
<b>2-БОБ. ЖИНОЯТ ПРОЦЕССУАЛ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ .....</b>	9
2.1. Жиноят ишларини юритиш тартиби.....	9
2.2. Жиноят процессуал қонун ҳужжатларининг вазифалари .....	11
2.3. Жиноят процессуал қонун ҳужжатларининг вақт ва ҳудуд бўйича, хорижий фуқароларга ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга нисбатан амал қилиши .....	12
2.4. Судлар, прокурорлар ва терговчиларнинг хорижий давлатларнинг тегишли муассасалари билан алоқада бўлиш тартиби ва уларнинг процессуал ҳаракатларни бажариш тўғрисидаги топшириқларини ижро этиши.....	14
2.5. Жиноят ишини қўзғатиш тўғрисидаги топшириқ.....	16
2.6.Хорижий давлатдан шахсни ушлаб беришни талаб қилиш ва унинг жавобгарлик доираси. Бошқа давлатга шахсни ушлаб беришни рад этиш.....	17
<b>3-БОБ. ЖИНОЯТ ПРОЦЕССУАЛ ФАОЛИЯТНИ АМАЛГА ОШИРИШДА ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИ ПРИНЦИПЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ МУАММОЛАРИ .....</b>	26
3.1. Жиноят процесси принциплари тушунчаси, моҳияти ва аҳамияти	26
3.2. Жиноят процесси принциплари тизими ва уни таснифлаш муаммолари .....	29
3.3. Қонунийлик принципи .....	31
3.4. Одил судловнинг фақат суд томонидан амалга оширилиши .....	34
3.5. Жиноят процессида ишларни ҳайъатда ва .....	37
якка тартибда кўриш .....	37
3.6. Судьяларнинг мустақиллиги ва уларнинг фақат қонунга бўйсуниши .....	39
3.7. Жиноят ишини қўзғатишнинг муқаррарлиги .....	43
3.8. Шахснинг шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилиш .....	46
3.9. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш .....	49
3.10. Жиноят процессида ҳақиқатни аниқлаш принципи .....	51
3.11. Айбсизлик презумпцияси.....	52
3.12. Суд ишларини юритишда тортишувчилик .....	53
<b>4-БОБ. ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА ДАЛИЛЛАР ВА ИСБОТЛАШ ҲУҚУҚИ .....</b>	55
4.1. Далилларнинг назарий ва амалий аҳамияти .....	55
4.2. Далилларнинг таснифи .....	59
4.3. Жиноят процессида исботлашнинг ҳуқуқий табиати .....	65
4.4. Жиноят иши бўйича исботланиши лозим бўлган ҳолатлар ва исботлаш предмети .....	69

4.5. Исбот қилиш доираси .....	73
4.6. Исботлаш субъектлари ва уларнинг фаолияти .....	76
4.7. Жиноят процессида далилларни тўплаш .....	80
4.8. Далилларни текшириш .....	87
4.9. Далилларни баҳолаш мезонлари .....	90
4.10. Далилларни процессуал мустаҳкамлаш.....	95
<b>5-БОБ. ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА ПРОЦЕССУАЛ МАЖБУРЛОВ ЧОРАЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ МУАММОЛАРИ .....</b>	<b>100</b>
5.1. Жиноят процессида процессуал мажбурлов чораларининг ҳуқуқий табиати.....	100
5.2. Процессуал мажбурлов чораларининг мазмуни ва тизими. Процессуал мажбурлов чораларини қўллашга ваколатли бўлган мансабдор шахслар ва органлар.....	107
5.3. Жиноят процессида ушлаб туриш тушунчаси ва уни қўллашнинг процессуал тартиби.....	113
5.4. Эҳтиёт чоралари тушунчаси ва унинг турлари. Жиноят процессида эҳтиёт чораларини қўллаш асослари ва тартиби. Эҳтиёт чоралари тўғрисидаги қонунларни такомиллаштириш муаммолари.....	120
5.5. Лавозимдан четлаштириш .....	144
5.6. Мажбурий келтириш .....	145
5.7. Шахсни тиббий муассасага жойлаштириш.....	148
5.8. Жиноят процесси иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш .....	150
5.9. Суриштирув, тергов ва судда процессуал мажбуриятларни ва тартибни бузганлик учун жавобгарлик .....	151
<b>6-БОБ. ДАСТЛАБКИ ТЕРГОВ УМУМИЙ ШАРТЛАРИНИНГ АМАЛИЁТ БИЛАН УЗВИЙЛИГИ.....</b>	<b>154</b>
6.1. Терговнинг ваколатли шахслар томонидан олиб борилиши .....	154
6.2. Дастребаки терговнинг мажбурийлиги ва терговга тегишлилик ...	159
6.3. Дастребаки терговни бошлаш ва унинг муддатлари .....	166
6.4. Дастребаки терговда жамоатчилик ва холисларнинг иштироки. Дастребаки тергов материалларини ошкор қилмаслик мажбурияти...	169
6.5. Тергов фаолиятида илмий-техника воситаларидан фойдаланиш .....	172
6.6. Жиноят ишларини бирлаштириш ва ажратиш .....	173
<b>7-БОБ. ДАСТЛАБКИ ТЕРГОВНИ ТЎХТАТИШ, ТУГАТИШ ВА ТАМОМЛАШНИНГ НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ МАСАЛАЛАРИ .....</b>	<b>174</b>
7.1. Дастребаки терговни тўхтатиш ва қайта тиклашнинг тушунчаси, унинг мазмуни, қонуний асослари .....	174
7.2. Дастребаки терговни тўхтатиш ва қайта тиклаш тўғрисидаги қарор чиқариш учун қўйиладиган талаблар .....	175
7.3. Айбланувчини қидириш чоралари ва имкониятлари .....	177
7.4. Айбланувчи касал бўлиб қолганида дастребаки терговни тўхтатиш .....	179
7.5. Дастребаки терговни тўхтатиш тўғрисидаги қарор .....	180

7.6. Тўхтатилган жиноят иши бўйича дастлабки терговни қайта тиклаш .....	182
7.7. Дастлабки терговни тамомлаш тушунчаси, унинг моҳияти ва аҳамияти .....	182
7.8. Дастлабки терговни тамомлаш турлари.....	183
7.9. Айбланувчи, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг қонуний вакилларини иш материаллари билан таништириш .....	186
7.10. Айблов хулосаси билан жиноят ишини тамомлашнинг мазмуни ва шакли.....	188
<b>8-БОБ. ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА СУД МУҲОКАМАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МУАММОЛАРИ .....</b>	192
8.1. Суд муҳокамасининг умумий шартларини такомиллаштириш муаммолари .....	192
8.2. Суд муҳокамасининг доираси .....	196
8.3. Жиноят ишини кўришни кейинга қолдириш, тўхтатиш ва тугатиш .....	197
8.4. Ярашувчилик тўғрисида жиноят ишлари судда кўриш .....	200
8.4. Жиноят процессида айбига иқорлик битими ва унинг ўзига хос хусусиятлари.....	207
<b>9-БОБ. ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА ҲУКМ, АЖРИМ ВА ҚАРОРЛАРНИНГ ҚОНУНИЙЛИГИ, АСОСЛИЛИГИ ВА АДОЛАТЛИЛИГИНИ ТЕКШИРИШДА СУД НАЗОРАТИ .....</b>	216
9.1. Ҳукм, ажрим ва қарорларнинг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини текшириш босқичи, унинг моҳияти ва аҳамияти .....	216
9.2. Ҳукм, ажрим ва қарорларнинг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини текширишнинг ҳуқуқий табиати.....	221
9.3. Ҳукм, ажрим ва қарорларнинг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини текширишнинг умумий шартлари.....	225
<b>10-БОБ. ҲУКМНИ БЕКОР ҚИЛИШ ВА ЎЗГАРТИРИШ АСОСЛАРИ .</b>	236
10.1. Ҳукмни бекор қилиш ёки ўзgartiriш асосларининг .....	236
тушунчаси ва ривожланиш тарихи.....	236
10.2. Ҳукмни бекор қилиш ёки ўзgartiriш асосларининг .....	242
моҳияти, тизими ва таснифланиши .....	242
<b>НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ .....</b>	252
<b>АДАБИЁТЛАР .....</b>	256